

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожда алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юсак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.


Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК



ТОШКЕНТ – 2022

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ЖИЛД

*** **

Нодир Рамазонов

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ФАҚР: ТАЛҚИН ВА ОБРАЗ

*** **

Маърифат РАЖАБОВА

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ШЕЪРИЙ ДУРДОНАСИ

*** **

Назора БЕКОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҲАМД ПОЭТИКАСИ

*Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


Муслиҳиддин Муҳиддинов, Муҳаммаджон Имомназаров,
Сирожиддин Саййид, Иброҳим Ҳаққул, Шухрат Сирожиддинов,
Баҳром Абдуҳалимов, Мирзо Кенжабек, Жаббор Эшонқул, Нурбой Жабборов,
Афтондил Эркинов, Исажон Султон, Ваҳоб Раҳмонов, Шухрат Ризаев,
Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Каромат Муллахўжаева

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

НОДИР РАМАЗОНОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА
ФАҚР: ТАЛҚИН ВА ОБРАЗ



КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида диний-фалсафий, ижтимоий-фалсафий таълимотлар ва бадий адабиёт ўртасидаги ўзаро ички алоқа ва муносабатларни бирламчи манбалар асосида ўрганиш, бадий адабиётнинг ғоя, мавзу, рамз ва символлар билан бойишида диний-фалсафий таълимотлар ўрнини белгилаш муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади. Бу ижтимоий-фалсафий таълимотларни бадий адабиёт билан яхлит бир бутунликда олиб қараш, сўз санъати имкониятларидан фойдаланган ҳолда умуминсоний муаммо ва мавзуларни чуқур ва ҳар томонлама англаш ва кенг жамоатчиликка етказиш имконини беради.

Дунё адабиётшунослигида тасаввуф ва Шарқ мумтоз адабиёти муаммоларини фундаментал тадқиқ қилиш бир неча асрлик тарихга эга бўлиб, чет эл шарқшунослигининг марказида бўлиб келган масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса Шарқ, ўзбек мумтоз адабиёти-ни янги маълумотлар билан кенгайтириш, янгича қараш ва таҳлиллар билан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Жумладан, Алишер Навоий ҳаёти, ижтимоий фаолияти ва ижодий меросини қадимий манбалар ёрдамида тадқиқ этиш, шоир ижодининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни борасида бир қатор илмий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида тўғрисида”ги ПҚ-4865-сон Қарори ва ундан жой олган кенг чора-тадбирлар дастури навоийшуносликни янги босқичга олиб чиқди десак муболаға бўлмас.

Навоий яшаган даврда тасаввуф ва у билан боғлиқ қарашлар ижтимоий ҳаётнинг муҳим бир маърифий, ахлоқий, тарбиявий категорияларини белгилаб берувчи таълимот ҳисобланган. Шундай экан, шоир ижодини бу таълимотдан ажратиб ўрганишга ҳаракат қилиш мутлақо нотўғридир. Бинобарин, совет даврида Алишер Навоий ижодини ўрганиш билан боғлиқ йўл қўйилган энг катта камчилик, бу – шоир ижодини тасаввуф таълимотидан айри ҳолда тадқиқ этишга уринилгани ва ёки унинг ижодидаги мазкур таълимот ўрнини бутунлай инкор этиш йўлидан борилганидир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда тасаввуф таълимотининг муҳим бир тушунчаси ҳисобланган фақр масаласи ҳам бу улкан адабий мероснинг, айтиш мумкинки, шу пайтгача етарли ўрганилмаган мавзуларидан бири ҳисобланади.

XI-XV асрларга оид тасаввуфий манбаларда фақр ва унинг тасаввуф таълимотида тутган ўрни атрофлича тадқиқ этилган. Бундай манбалар сирасига Ҳужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб”, Абулқосим Қушайрийнинг “Табақоти суфия”, Муҳаммад Порсонинг “Таҳқиқот”, Абу Ҳафс Умар Суҳравардийнинг “Авориф ул-маориф”, Муҳаммад бин Мунавварнинг Шайх Абу Саид Абулхайрга бағишланган “Асрор ут-тавҳид”¹ сингари асарларини киритиш мумкин.

Замонавий адабиётшуносликда эса фақр ва унинг Навоий ижодидаги ўрни масаласини ўрганишга киришиш айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 20–30 йилларига тўғри келади. Бу

¹ Қаранг: Абулҳасан Али бин Усмон бин Абу Али ал-Жуллобий ал-Ҳужвирий ал-Ғазнавий. Кашф ул-маҳжуб. Ба саъй ва эҳтимом ва тасҳиҳи марҳуми мағфуру мабрур Валентин Жуковский. – Л., 1926; Қушайрий А. Рисолаи Қушайрий. – Истанбул, 1991. – Б. 445 (турк тилида); Ҳожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. ЎзР ФА ШИ. 1411 рақамли қўлёзма; Абу Ҳафс Умар Суҳравардий. Авориф ул-маориф. – Миср: Ал-мактабат ут-тижорият ул-кабир. Санасиз; Муҳаммад бин Мунаввар. Асрор ут-тавҳид фи мақомоти Шайх Абу Саид. – Спб., 1899.

хусусда 20-йиллар охирида яратилган профессор Абдурауф Фитратнинг Аҳмад Яссавий ижодидаги фақрни ўрганиш билан боғлиқ “Яссавий ким эди?”, “Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар”¹ сингари мақолаларини санаб ўтиш мумкин. Шунингдек, ўтган аср 30-йилларида бу масалага Е.Э.Бертельс ҳам ўзининг “Навоий ва Жомий”, “Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти” асарларида² тўхталган.

Мустақиллик йилларига келиб Ўзбекистонда Алишер Навоий ижодини ўрганиш янги босқичга қадам қўйди, десак янглишмаган бўламиз. Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида шоир ижоди бутунлай бошқача кўз-қараш асосида ўрганилмоқда. Бунинг натижалари эса миллий маънавиятимизни юксалтиришга, айниқса, ёш авлодни юксак инсонпарварлик ғоялари асосида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бу масалага жиддий эътибор қаратиб: “Алишер Навоий бобомиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ул зотнинг табарруқ меросини ўрганиш, ёш авлодимизга безавол етказиш лозим”³, дея буюк шоиримиз ижодига юксак баҳо берди. Алишер Навоий ижодини замонавий адабиётшуносликда ўрганилиши борасидаги илк одимлар ўтган аср бошларида ўзбек жадид зиёлилари томонидан ташланган. Аммо ўз даврида шахдам қадамлар билан бошланган бу хайрли иш коммунистик мафкура қаршилиги туфайли сусайди. Натижада, кўп соҳаларда бўлганидек, Алишер Навоий ижодини ўрганишга ҳам ўзига хос чекловлар жорий этилди. Шундай бўлса-да, коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган 70 йил мобайнида навоийшуносликда А.Фитрат, С.Айний, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Н.Самойлович, П.Шамсиев, А.Ҳайитметов, А.Ҳожиаҳмедов, А.Абдуғафуров сингари ўзбек, рус олимлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Аммо, совет даврида бу улуғ шоир ижодининг айнан миллий менталитетимиз билан боғлиқ анъаналаримиз, қадриятларимиз, ислом дини, қолаверса, шу заминда вужудга келган таълимотлар билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилмади ва ёки уларга кам эътибор қаратилди.

Замонавий ўзбек адабиётшунослигида Навоий ижодида фақр масаласини ўрганишга нисбатан қизиқиш кучайди. Бу йилларда Н.Комилов, И.Ҳаққулов, С.Рафиддинов, А.Абдуқодиров сингари олимларнинг мақола ва монографияларида бу хусусда фикрлар билдирилган⁴. Бироқ ҳозирга қадар Алишер Навоий ижодида фақр масаласи мумтоз адабиётшуносликда ҳам, замонавий адабиётшуносликда ҳам кенг кўламда махсус ўрганилган эмас.

Шу сабабли ҳам мазкур монографиянинг мақсади Алишер Навоий ижодида фақр маслаги ва фақир образи масалаларини миллий истиқлол мафкураси ва бугунги адабиётшуносликдаги янгича қарашлар нуқтаи назаридан яхлит монографик аспектда тадқиқ этиш ва унинг аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

¹ Фитрат. Аҳмад Яссавий / Яссавий ким эди? – Т.: Халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 18–33; шу муаллиф. Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар / Яссавий ким эди. – Т.: Халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 33–38.

² Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избр. труды. Том 4. – М., 1965. – С. 214; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Избр. труды. Том 3. – М., 1965. – С. 37–38.

³ Шавкат Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б. 113.

⁴ Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996; шу муаллиф. Тасаввуф. Тавҳид асрори. 2-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1999; Ҳаққулов И. Шеърят руҳий муносабат. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990; шу муаллиф. Тасаввуф ва шеърят. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991; шу муаллиф. Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1998; Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т.: Фан, 1995; Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик. – Хўжанд, 1994; Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Т., 1998.

XI–XV асрларга оид манбалардаги фақр маслаги ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрнига доир масалаларни ўрганиш, Алишер Навоий яшаган муҳитда фақрнинг маънавий-ахлоқий категория сифатидаги ўрни ва ролини кўрсатиб бериш;

Навоийгача яшаб, форсий ва туркий тилда ижод этган шоирлар ижодида фақир образининг яратилиши ва мазкур образнинг улар ижодида тутган ўрни, ушбу масаланинг Навоий бадий мероси, хусусан, унинг лирик ва лиро-эпик асарларида тутган ўрнини белгилаш;

Навоий лирик асарларида учрайдиган фақир образининг Навоий лирикасида тутган бадий-эстетик мавқеини аниқлаш;

фақир образининг Навоий лирикасидаги подшоҳ, зоҳид ва дунё образлари билан ўзаро алоқадорлигини ўрганиш орқали тасаввуф ва бадий адабиёт масаласини ёритиш;

Алишер Навоий “Хамса”сига кирган “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”, “Сабъаи сайёр”, “Ҳайрат ул-аброр” дostonлари қаҳрамонлари яратилишида фақрнинг роли билан боғлиқ ўринлар орқали шоир ижодида фақрнинг бадий-эстетик идеал сифатидаги ўрнини кўрсатиш;

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonидаги ҳикоятларда келтирилган Шайх Санъон, Шайх Абулаббос қассоб Омулий, Шайх Баҳоуддин Нақшбанд сингари тасаввуф шайхлари образларининг фақр билан боғлиқликдаги бадий-эстетик функциясини белгилаш.

Олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар давомида қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратилган, жумладан:

- тасаввуф таълимотида фақр – Ҳаққа етишга монелик қиладиган барча тўсиқлар (ўзлик, кибру ҳаво, манманлик, нафс талаблари, мол-мулк ва мансаб-жоҳ орзуси ва ҳок.)дан кечиб, кўнгилни Ҳақ назаргоҳига айлантириш эканлиги далилланган;

- тасаввуф тариқатларида фақр мақомлардан бири сифатида камолотнинг асосий йўли, солиқни тарбиялашдаги асосий восита, ундан кўзланган асосий мақсад эса “урвай вусқо” (“мустаҳкам тутқич”) – Қуръон кўрсатмаларига амал қилиш, мутобиъат – пайғамбар суннатига боғланиш эканлиги далилланган, фақр шариат ва тариқатни ўзаро боғлашга хизмат қилганлиги исботланган;

- фақр лирик асар мавзуси, мотиви, образлари шаклланишида иштирок этувчи муҳим таркибий компонент сифатида бадий матнда *ўзлик, шукр, ризо, таваккул, сабр, қаноат, ирфон, фано* сингари тасаввуфий тушунчаларни ифодаладиган истилоҳлар билан айниқса фаол муносабатга киришиши асосланган;

Навоий лирикасида фақир образи подшоҳ (шоҳ), дунё ва зоҳид образлари билан контраст алоқадорликда тасвирланганлиги, фақир образи яратилган байтлар мақтаъ ёки мақтаъдан битта олдин келган байтларга тўғри келиши шоир лирикасида услуб ва бадий метод билан боғлиқлиги далилланган;

“Садди Искандарий” дostonида фақрнинг шоҳлик билан боғлиқликда талқин этилиши, “Лисон ут-тайр”даги Шайх Санъон образи тасвирида камолотнинг фақр орқали асосланиши ушбу дostonларда фақр функционал жиҳатдан асар концепцияси, бадий ғоясини шакллантирувчи, унга йўналиш берувчи масала сифатида қаралганлигини кўрсатиши исботланган.

Қуйидагиларни муаллиф тадқиқотнинг амалий натижалари сифатида кўради:

XI–XV асрларга доир манбалардаги фақр маслаги ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрнига доир масалаларни ўрганиш Алишер Навоий яшаган муҳитда фақрнинг маънавий-ахлоқий категория сифатида тутган ўрни ва ролини тушуниш имконини беради;

Навоийгача яшаб, форсий ва туркий тилда ижод этган шоирлар ижодида фақир образининг яратилиши ва улар ижодида тутган ўрнини ўрганиш, ушбу масаланинг Навоий бадиий мероси, хусусан, унинг лирик ва лиро-эпик асарларида тутган ўрнини белгилаш учун асос бўлади;

Навоий лирик асарларида учрайдиган фақир образини талқин ва таҳлил этиш фақир образининг Навоий лирикасида тутган бадиий-эстетик мавқеини аниқлаш имконини беради;

фақир образининг Навоий лирикасидаги подшоҳ, зоҳид ва дунё образлари билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил этиш тасаввуф таълимотининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрнини янада чуқур тушунилишига олиб келади;

Алишер Навоий “Хамса” дostonлари қаҳрамонларининг яратилишида фақрнинг роли билан боғлиқ ўринлар шоир ижодида фақрнинг бадиий-эстетик идеал сифатидаги ролини кўрсатиш имконини беради;

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonидаги ҳикоятларда келтирилган Шайх Санъон, Шайх Абулаббос қассоб Омулий, Шайх Баҳоуддин Нақшбанд сингари тасаввуф шайхлари образларини фақр билан боғлиқликда тасвирлаш фақр масаласининг бадиий адабиёт ва тасаввуф таълимотидаги ўрнини белгилашга хизмат қилади.

Монография давомида олиб борилган тадқиқот натижалари илмий ва амалий нуқтаи назардан тасаввуф ва бадиий адабиёт масалалари, тасаввуфий ғоя, образ ва рамзларнинг бадиий асардаги функцияси муаммолари, ўзбек адабиёти тарихи, хусусан, навоийшунослик масалалари бўйича янги тадқиқотларнинг яратилишида илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади деб умид қиламиз.

1-БОБ. XI-XV АСРЛАРГА ОИД ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАР, НАВОИЙ САЛАФЛАРИ ИЖОДИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ФАҚР ТАЛҚИНИ

1.1. XI-XV АСРЛАРГА ОИД ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ФАҚР ТАЛҚИНИ ҲАМДА УНГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ

1.1.1. XI-XV АСРЛАРГА ОИД ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАРДА ФАҚР ТАЛҚИНЛАРИ

“Фақр” атамаси фалсафий-ахлоқий тушунча мазмунида Шарқ диний, фалсафий, тасаввуфий, бадий адабиётида кенг қўлланилган. Бу сўз арабча бўлиб, унинг луғавий маъноси “қашшоқ”, “йўқсил” демак¹. Шунингдек, форс-тожик, ўзбек ва турк тилларининг изоҳли луғатларида “фақр”, асосан, моддий бойликка эгалик ёки эга эмаслик нуқтаи назаридан шарҳланиб, “фақир”нинг камбағал, қашшоқ, ночор, муҳтож, йўқсил маъноларига эга эканлиги айтилган. Масалан, “Ғиёс ул-луғот”да “Фақир – ҳеч нимаси йўқ, бениҳоя муҳтож, мискин”² сифатида шарҳланган бўлса, “Фарҳанги забони тожикий”даги шарҳга кўра **фақир**: 1) камбағал, қашшоқ, ночор, муҳтож; “ғаний”нинг акси; 2) тиланчи, гадо; 3) камина, мен (хоксорлик юзасидан) маъноларига эгадир³. “Туркча сўзлик”да бу сўзнинг: 1) йўқсил, муҳтож; 2) заволли, камчиликли; 3) керакли миқдордан оз; 4) “мен” ўрнига камтарлик учун қўлланиладиган калима маъноларига эгалиги айтилган⁴. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “фақир”га “1 Моддий жиҳатдан ночор, камбағал, қашшоқ; муҳтож; 2 эск. Биринчи шахс ўрнида ёки “мен”, “биз” олмошлари билан биргаликда ишлатилиб, сўзловчининг камтарлик қилаётганини ифодалайди”⁵, дея шарҳ берилган.

Фақрга қизиқишнинг кучайиши ва кенгайиб бориши кейинчалик унинг истилоҳий маъно-моҳият касб этиши билан боғлиқдир. Истилоҳий маънода фақр нима? Фақр – тасаввуфда фанодан кейинги юқори босқич, яъни тасаввуф йўли (тариқат)ни тутган солиқ талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақр водийларидан кейин охирги – фано водийсига етиб келади. Бу эса комиллик даражаси демакдир. Кўринадики, фақр ҳақиқати-га етмоқ, аслида, қарийб комиллик даражасига етмоқдир.

“Қуръон”да банданинг яратувчи олдида йўқсил эканлиги ифодаланиб, фақр банданинг, бойлик эса яратувчининг сифати эканлиги уқтирилган: “Эй инсонлар! Сизлар Аллоҳга муҳтождирсизлар. Аллоҳнинг ўзигина (барча одамлардан) беҳожат ва (барча) мақтовга лойиқ зотдир” (“Фотир” сураси, 15-оят)⁶.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) нисбат берилган “Ал-фақру фахрий” (“Фақирлик менинг фахримдир”) ҳадисида ҳам фақр “Қуръон”даги мазмунга ҳамоҳанг маъноларни ифодалайди. Унга кўра, фақрнинг фахрлигига сабаб банданинг Аллоҳга доимий муҳтожлигини билдириб, яратувчининг қудрати, бинобарин, улуғлигини ифодалашидадир.

Тасаввуф аҳли бир овоздан للفقرخى (“Ал-фақру фахрий”)ни ҳадис дейдилар ва пайғам-

¹ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М., 1977. – С. 775.

² Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғот. Ҷ.1. – Душанбе, 1988. – С. 115.

³ Фарҳанги забони тоҷикӣ. Т.2. – М., 1969. – С. 428.

⁴ Türkçe sözlük. J.I. – Ankara, 1988. – S. 486.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Ж. 4. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 336.

⁶ Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т., 1992. – Б. 399.

барга нисбат берадилар, аммо уни ҳадис эмас дегувчилар ҳам бор. Масалан, Ибн Таймийя “Ал-фақру фахрий” ҳадис эмас, балки мавзӯотдир дейди¹. Яъни унинг фикрича, “Ал-фақру фахрий” пайғамбар ҳадиси эмас, балки унинг саҳобалари ёки бирор машҳур дин олими томонидан айтилган мавъиза, панд-насихат, ҳикматли сўздир. Савол туғилади: “Ал-фақру фахрий” ҳадисми ёки ҳикматли сўз? Бизнингча, ушбу масалага ойдинлик киритиш учун Алишер Навоийнинг ўз иқрорига мурожаат қилиш ва унинг бу хусусдаги тўхтаи орқали масалага ойдинлик киритиш муҳимдир. Алишер Навоий “Тухфат ул-афкор”да ёзади:

*Раҳ суи Ҳақ беҳад, аммо ҳаст ақриб роҳи фақр,
Баҳри онк-“Ал-фақру фахри” гуфтаи пайғамбар аст².*

(Мазмуни: Ҳаққа олиб борадиган йўллар беҳад кўп, аммо фақр шу йўлларнинг энг яқинидир, чунки пайғамбар “Фақирлик менинг фаҳримдир” деди).

Ёки “Ҳазойин ул-маоний”даги қитъаларидан бирида унинг:

*Поя мундин бийик ўлмаски, рисолат хатми,
Фақрнинг нисбатида фаҳрға қилди тасдиқ³, –*

сингари эътирофига дуч келамиз. Ушбу эътирофга кўра, “поя” – инсон эришиши мумкин бўлган мақом, даража фақрдан улў, аъло бўлиши мумкин эмас, чунки “рисолат хатми” – Муҳаммад (с.а.в) пайғамбар фақрнинг фаҳр эканлигини тасдиқлади (ёки “Фақирлик менинг фаҳримдир” деди). Рисолат келтирган барча элчиларни хотималаган хотимат ул-анбиёнинг фақрни фаҳр деб билиши, Навоий эътирофича, фақрнинг юксак мақомлигига далолат қилмоқда.

Маълум бўладики, Навоий “Ал-фақру фахрий”ни ҳадис деб билган ва шу нуқтаи назардан унга ёндашган.

Навоий ижодидаги фақир образини ўрганиш учун фақрнинг Шарқ халқлари фалсафий, ахлоқий, эстетик тафаккурида тутган ўрнини белгилаб олиш муҳимдир. Бунинг учун эса фақр ҳақидаги тасаввуф таълимоти намояндалари қарашларини, қолаверса, Навоий ўқиган, илҳомланган ва ижодий таъсирланган манбаларни ўрганиш ҳамда ўша манбалардан келиб чиқиб Навоийнинг фақр борасидаги қарашларига ёндашиш тўғридир. Навоий дунёқарашини текширишда бундай манбалар ролини ўз вақтида Е.Э.Бертельс ҳам қайд этиб ўтган эди⁴.

Навоий бир қатор насрий, илмий-тарихий, биографик ва эпик асарларида ўзи ўқиган китобларни санаб ўтади. Улуғ мутафаккир қайд этган муҳим эътирофлар, айниқса, унинг “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” ва “Насойим ул-муҳаббат” сингари асарларидан ўрин олган.

¹ Қаранг: Ферузонфар, Бадиъуззамон. Аҳодиси “Маснавий”. – Техрон: Донишгоҳи Техрон, 1334 ҳ.ш. – С. 23 (форс тилида).

² Алишер Навоий. Ситтаи зарурия. Тухфат ул-афкор. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон / Адабий мерос (Ҳужжат ва тадқиқотлар). 1-китоб. – Т., 1968. – Б. 260.

³ Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний: Наводир уш-шабоб. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.4. – Тошкент, 1989. – Б. 513. Ушбу кўптомликнинг 3-томи “Ғаройиб ус-сиғар” (Тошкент, 1988), 5-томи “Бадоеъ ул-ва-сат” (Тошкент, 1990), 6-томи “Фавойид ул-кибар” (Тошкент, 1990) девонларидир. Тадқиқот учун мисоллар ушбу нашрдан олиниб, бундан кейин иқтибос олинган матн парчаси остида фақат девон номи қисқартирилган ҳолда ва саҳифаси (қавс ичида) кўрсатиб борилади.

⁴ Қаранг: Бертельс Е.Э. К вопросу о мировоззрении Навои / Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избр. тр. Том 4. – М., 1965. – С. 447-449.

Масалан, у “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Жомий раҳбарлиги остида “Лавоеҳ”, “Лавомеъ”, “Шарҳи рубоиёт”, “Ашиъа ул-ламаот”, “Нафаҳот ул-унс”, “Шавоҳид ун-нубувват”, Хожа Муҳаммад Порсонинг “Қудсия”, Фахриддин Ироқийнинг “Ламаот”, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг “Рисолаи волидия”, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома”си каби фалсафий-тасаввуфий асарларни ўқиганлигини айтади¹. Ушбу асарлар, уларнинг моҳияти ва Навоий ижодига кўрсатган ғоявий, ирфоний, бадий таъсирлари масалалари А.Абдуқодировнинг “Навоий ва нақшбандийлик” рисоласида батафсил ёритилган².

“Насойим ул-муҳаббат”да эса жами 100 дан ортиқ китоб номлари зикр этилган бўлиб, улар орасида Ҳужвирийнинг “Кашф ул-махжуб”, Қушайрийнинг “Рисолаи Қушайрий”, Суламийнинг “Табақот ус-суфия”, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Манозил ус-соирин”, Муҳаммад бин Мунавварнинг “Асрор ут-тавҳид”, Абу Исҳоқ Деҳлавийнинг “Асрор ул-авлиё” асарларини алоҳида санаб ўтиш мумкин³.

Абулҳасан Али бин Усмон Ҳужвирий (ваф. тахм. 467/1074) ўзининг “Кашф ул-махжуб” асарида фақрга махсус икки боб ажратади. Уларнинг бири “Боб ал-фақр” деб номланган бўлса, иккинчиси “Ал-боб ул-ихтилофаҳум фил-фақр вал-суфувват” (“Фақирлар ва сўфийлар орасидаги ихтилофлар боби”) деб номланган. “Фақр боби”да у ёзади: “Билгилки, Аллоҳ йўлида фақирлик улуғ мартабадир ва дарвешлар юксак қалб эгаларидирлар. Расул (с.а.в) фақрни ихтиёр қилди ва дедиким, Аллоҳим, мени мискин сифатида яшат, мискин ўлароқ ўлдир ва маҳшар куни мискинлар орасида тирилтир”⁴.

Ҳужвирий фақр маслагининг ибтидосини пайғамбар масжиди ва аҳли суффа билан боғлайди. Унингча, дунёнинг барча ҳою ҳавасларидан кечиб, худо ва пайғамбар ризолигини истаб, туну кун масжиди набавияда зикру ниёз билан машғул бўлган аҳли суффа фақр маслагининг тамал тошини қўйган жамоадир: “Худованд таоло фақрга улуғ мартаба ва даража ато этди ва фақирларни ушбу даражаю мартабанинг эгаси қилди. Улар зоҳирий ва ботиний асбоб (яралмиш, ҳосила)ни тарк этиб ўз назарларини мусаббиб (сабабчи, Аллоҳ)га қаратдилар, натижада уларнинг фақрлари фаҳрга айланди”⁵. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ҳужвирийнинг ушбу қарашини ҳадислар ҳам тасдиқлайди. Масалан, “Саҳиҳи Бухорий”да шундай ҳадис ривоят қилинади: “Анас разияллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни келтирадилар: “Ақл қабиласидан бир жамоа кишилар Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди, улар Масжид ун-Набий супасида яшаб турганди. Абдурраҳмон ибн Абу Бакр: “Супада яшовчи кишилар **фақирлар** (таъкид бизники – Н.Р.) эрди”,– дейди”⁶. Шарқшунос Г.М.Керимов ёзади: “Маълумки, илк сўфий-зоҳидлар бойликдан нафратланардилар ва фақрни афзал билардилар”⁷. Муаллиф юқоридаги ҳадисни келтириб, уларни “сўфий” деб атардилар, бир гуруҳ олимлар тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва “тасаввуф” истилоҳининг этимологиясини ушбу жамоа ва “суффа” сўзи билан боғлайдилар, дейди⁸.

¹ Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. МАТ. 20 томлик. 15-том. Тошкент, 1999. –Б. 72-73.

² Қаранг: Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик. – Ҳўжанд, 1994. – Б. 41–68.

³ Қаранг: Рамазонов Н. “Насойим ул-муҳаббат” ва унинг манбалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. №1. –Б. 14-19.

⁴ Абулҳасан Али бин Усмон Ҳужвирий. Кашф ул-махжуб. Форсий илмий-танқидий матн, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи В.А.Жуковский. –Л., 1926. –Б. 21.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис: 4 китоб. 1-к. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. –Б.133

⁷ Керимов Г.М. Аль-Газали и суфизм. –Баку: Элм, 1969. –С.32.

⁸ Ўша жойда.

Хужвирий фақрни таснифлар экан, *расмий* ва *ҳақиқий* фақр мавжудлигини қайд этади. Унингча, *расмий фақр* киши ихтиёридан ташқари бўлган қашшоқлик, камбағаллик, но-чорлик, *ҳақиқий фақр* эса фақирлик йўлини ихтиёрий равишда тутишдир: “Ул кишиким, расмий фақр эгаси бўлди, фақирликнинг фақат суратини кўрди, фақир исмигагина эга бўлди, аммо мақсадга ета олмади ва ҳақиқатдан узоқлашди. Ул кишиким, фақр ҳақиқати-ни топди мавжудотдан юз бурди, фанои кулдан ўтиб, бақои кулга эришди”. Хужвирий ҳақиқий фақирни таърифлаб ёзади: “Ҳақиқий фақир ул кишиким, унинг ҳеч нарсаси бўл-магай ва ҳеч нарсадан унга ҳалал бўлмагай. Дунё асбобининг мавжудлиги унинг ғанийли-гига сабаб эмас ва мавжуд эмаслиги муҳтожлигининг боиси эмас. Дунё асбобининг буду-нобудлиги фақирнинг қаршисида бир сондир, балки нобудлигидан кўпроқ хурсандроқдир. Чунки машойихлар дарвешки, неча тангдастроқдир – ҳол анга зиёдароқдир, демишлар. Сабаби дарвеш қўлидаги молининг миқдорича ўз қўлини банд этади: кўп бўлса – кўпроқ, кам бўлса – камроқ”¹. Хужвирийнинг қарашича, Ҳақ дўстларининг тирикчилиги Ҳақнинг яширин лутфи ва илҳомбахш асрори туфайлидандир, дунёи ғаддор ва саройи фужжор ту-файлидан эмас. Дунё матоъи ризо йўлидан қайтаргувчидир. Ривоят қилишларича, дейди у, бир дарвеш подшоҳ билан суҳбатлашар эди. Подшоҳ унга ҳожатинг бўлса айтким, раво ай-лагум деди. Дарвеш дедик, мен ўз бандаларим бандасидан ҳожат раво кўрмасман. Подшоҳ ундан, бу нима деганинг, деб сўради. Дарвеш жавоб бериб айтдики, менинг икки бандам борки, улар сенинг худоингдурлар: бири ҳирс ва яна бири беҳуда хаёл².

Абулҳасан Хужвирийнинг устози Абулқосим Қушайрий (ваф. 465/1073)нинг айтишига кўра эса: “Соликни Аллоҳга восил этадиган йўллар кўкдаги юлдузларнинг сонидан ҳам кўп эди. Энди ўша йўллардан фақат фақр қолди, зотан йўлларнинг энг тўғриси ҳам шудир”³. Яна унинг эътирофича, “Фақр – авлиёнинг шиори ва асфиё (сўфийлар)нинг ҳалоллиги (ҳиллияти)дир. Ҳақ субҳонаҳу ўз хос бандалари, атқие ва анбиёга фақрни ихтиёр этди ва фақирлар қалбини ўз асрори нуридан мунаввар айлади. Шунингдек, Ҳақ халқни фақирлар воситасида кўриб, уларнинг баракотидан инсонларнинг ризқини зиёда қилди. Фақирлар Аллоҳнинг собир бандалари бўлиб, улар қиёмат куни Ҳазрати Набий (с.а.в)дан хушхабар эшитгайлар”⁴.

Машҳур сўфий ва тасаввуф олими Абу Наср Саррож “Ал-лумаъ” асарида фақрни “шариф мақом” сифатида тилга олади ва Иброҳим бин Аҳмад ал-Хавоснинг қуйидаги эътирофини келтиради: “Фақр – улуғлик ридоси, пайғамбарлар либоси, солиҳлар ёпинчиғи, тақводор-лар тожи, мўъминлар зийнати, орифлар ғанимати, итоатлилар қўрғони, муридлар инъоми, ҳасанотлар муаззами, даражаларнинг юксаги, жабборнинг ризоси, улуғлар ва валийлар-нинг кароматидир”⁵.

“Ал-лумаъ”да фақирлар уч табақага бўлиб тасниф қилинган. Биринчи табақа фақирлар-нинг шундай жамоасики, улар дунё молидан ҳеч нарсага эга эмаслар, на зоҳирда, на бо-тинда бирор нарса талабида бўлмайдилар, агар уларга бирор нарса берилса олмайдилар ва бу муқарраблар мақомидир. Иккинчи табақага мансуб фақирлар бирор нарсанинг эга-

¹ Абулҳасан Али бин Усмон Хужвирий. Кашф ул-махжуб. Форсий илмий-танқидий матн, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи В.А.Жуковский. –Л., 1926. –Б.23.

² Ўша жойда.

³ Қушайрий А. Рисолаи Кушайрий. –Истанбул, 1991. –Б.445.

⁴ Ўша жойда, 440-бет.

⁵ Ал-Саррож ат-Тусий, Абу Наср. Ал-лумаъ фит-тасаввуф. Нашрга тайёрловчи Р.Никольсон. Лейден: Брилл, 1914. –Б. 47-48 (араб тилида).

си эмаслар, ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамайдилар, талаб қилмайдилар, бироқ уларга бирор нарса берилса оладилар. Саҳл бин Абдуллоҳ дейдики: Фақири содиқ улким, сўрамағай ва рад этмағай ва ғамламағай. Бу сиддиқлар мақомидир. Учинчи табақа фақирлар ҳеч нарсанинг эгаси эмаслар, бироқ бирор нарсага эҳтиёж сезсалар тариқат аҳлидан бўлган баъзи биродарларга ўз эҳтиёжлари юзасидан мурожаат қилишдан тортинмайдилар. Бу фақрдаги содиқлар мақомидир.

Яна бир тасаввуф олими Исмоил бин Муҳаммад Мустамалий Бухорий “Шарҳи таъарруф” асарида фақр масаласига муфассал тўхталади. У ёзади: “Билгилки, фақр улуғ асослардандир ва бу тоифа (суфийлар – Н.Р.) мазҳабининг асоси фақрдир. Фақрнинг асоси ниёзмандлик ва банда ҳеч бир ҳолатда ниёзмандликдан холи эмас, чунки бандалик молик (эга, хўжайин) бўлмаслиқдир ва ҳар кимки молик эмас мамлук (қул, тобе)дир, бинобарин, мамлук ўз моликига доим муҳтождир. Ғанийлик Ҳақнинг сифати ва ҳақиқатидир, фақирлик эса халқнинг сифати ва ҳақиқатидир. Банда агар бутун дунё эгаси бўлганда ҳам камбағалдир; Ҳақ агар барча оламлар йўқ бўлганда ҳам ғанийдир, чунки ғанийлик Ҳақнинг ўзлиги (зотий сифати)дир ва фақирлик банданинг ўзлиги (зотий сифати). Ғанийлик Ҳақ ўзлиги экан, мулкнинг нобуд бўлишидан у фақир бўлиб қолмайди, фақр эса банданинг ўзлиги экан, мулкнинг мавжудлиги бандани ғаний қилолмайди, чунки то зот мавжуд экан, унинг ҳукми барқарордир. Ҳақталабликдаги ҳар қандай фақирлик ғанийликдир, чунки, Ҳақ ғанийдир ва фақир унга етса ғанийга айланади. Банда Ҳақ йўлида фақирлик ихтиёр этса ғайриҳақдан (ҳақдан ўзгасидан) айрилади, жудо (мустағний) бўлади, бинобарин, ғайриҳақдан жудо бўлса, Ҳақ билан бой (ғаний) бўлади. Авом наздида ғино мулкнинг мавжудлиги, фақр эса йўқлигидир, ҳақиқат аҳли наздида эса ғино мулкнинг йўқлиги, фақр мулк мавжудлигидир. Чунки ғайриҳақдан жудо бўлган банда Ҳаққа етади ва Ҳақ соҳиби қачон фақир бўлиши мумкин? Ғайриҳаққа юз бурган Ҳақдан узоқлашади ва Ҳақдан айро тушган киши қандай қилиб ғаний аталиши мумкин?”¹.

Яна бир тасаввуф олими Муҳаммад бин Мунаввар ўз устози Абусаид Абулхайрнинг мақоми шарҳига бағишлаб ёзган “Асрор ут-тавҳид фи мақомоти Шайх Абу Саид”² асарида келтиришича, бир дарвеш суҳбат асносида шайхдан фақр устунми (*афзал*), бойликми (*ғино*), деб сўрайди. Шунда шайх табассум қилиб жавоб беради: “*Афзал* (устунлик) ва *акмал* (юқорилик) шариат тушунчаларидир. Тариқат ва ҳақиқат йўли йўловчисининг муддаоси эса Ҳақ назарига эришмоқдир. Ҳар кимга Аллоҳнинг назари тушса, унинг бойлиги фақрга, фақри (камбағаллиги) эса ғинога (бойликка) айланади”³. Демак, шайх Абусаид Абулхайрнинг қарашича, шариат нуқтаи назаридан фақирлик ва ғанийлик кескин фарққа эга, тариқатда эса масалани Аллоҳнинг бандага назари ва ризолиги ҳал қилади.

Худди шу асарнинг бошқа бир ўрнида айтилишича, Абусаид Абулхайрдан фақр ҳақида сўралганида у: “Ҳақиқий фақир шуки, унинг ҳеч нарсаси бўлмайди. Бинобарин, киши ўзини ҳақир ва хор ҳис қилмагунча унга фақир исмини фақат номигагина қўллаш мумкин (яъни у фақат мажозан, юзаки қарагандагина фақирдир, моҳиятда эмас – Н.Р.)”⁴, – дея жавоб берган экан.

¹ Исмоил бин Муҳаммад Мустамалий Бухорий. Шарҳи таъарруф. Жилди 3. –Лакҳну: Нувал Кишвар, 1328. –С. 118.

² Навоий ушбу манокӣб билан таниш бўлган. У “Насойим”да ушбу асарга кўп мурожаат қилиб, уни “Шайх Абусаид Абулхайр манокӣби” деб атайдди.

³ Ҳолот ва суҳанони Шайх Абусаид бин Фазлуллоҳ бин Абулхайр. Муаллифи номаълум. –Спб., 1899. –Б. 63 (форс тилида).

⁴ Муҳаммад бин Мунаввар. Асрор ут-тавҳид. –Спб., 1899. –Б.411.

Суҳравардия тариқатининг намояндаси Иззуддин Маҳмуд бин Али ал-Кошоний (ваф. 735/1334) ўзининг “Мисбоҳ ул-ҳидоя ва мифтоҳ ул-кифоя” асарида фақрга махсус фасл бағишлайди. Унингча, ҳақиқат йўлининг йўловчиси зуҳд мақомидан кейин фақр мақомига қадам қўяди ва фақр “адами тамаллук” – мулкка эга бўлмаслиқдир. Аммо токи кишида дунёга рағбат мавжуд экан, қўлида ҳеч мол-мулк бўлмаса-да, фақирлик мақомига эришолмайди. Чунки ҳеч қандай мулкка эга бўлмаса-да, кўнглида дунёга рағбат мавжуд кишига “фақир” исмини бериш жоиз эмасдир”¹. Демак, бундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, фақр – мол-мулкни тарк этиш эмас, балки унга бўлган рағбатни тарк этиш, кўнгилдан мол-мулк муҳаббатини суғуриб ташлашдир.

Кошонийнинг яна айтишича, фақр *исмий*, *расмий* ва *ҳақиқий* бўлиб, исмийси кўнгилда мол-мулкка рағбат бўла туриб, қўлда унинг мавжуд эмаслигидир; расмийси зоҳидлик оқибатида мулкни тарк этишдир; ҳақиқийси мулкка эгалик имконининг бўлмаслигидир, яъни ҳақиқат аҳли барча ашёни Аллоҳ тасарруфида деб билганлари оқибатида уларга эгалик имконини ҳам ундан бошқага раво кўрмайдилар. Ҳақиқат аҳлининг фақирлиги уларнинг ўзлиги бўлиб, мол-мулкнинг бор ёки йўқлиги уларнинг ҳолларини ўзгартира олмайди. Агар тақдир тақозоси билан бутун дунё моли уларнинг қўлларида тўпланиб қолса, улар ўзларини унинг эгаси деб тасаввур қилиш фикридан йироқ бўладилар. Фақр ҳақиқатидан беҳабар расмий фақр эгалари фақрдан асар ва нишон топмайдилар ва фақрнинг маъноси улар ўзлигининг жавҳарига айланмади. Уларнинг фақрлари юзаки бўлиб, қўлларига молнинг тўпланиб қолиши улар ҳолларининг ўзгаришига сабабчи бўлади ва улар ўзларини ушбу молнинг эгаси сифатида кўрадилар.

Суҳравардия тариқатининг асосчиларидан Шаҳобиддин Абу ҳафс Умар Суҳравардий (1145-1234) “Авориғ ул-маориғ” (“Ориғлар маърифати”) асарида фақрга махсус фасл ажратади ва машҳур сўфийларнинг фақр борасида билдирган фикрларини келтириш орқали масалага ойдинлик киритади. У ёзади: “Каттоний айтадики, Аллоҳ йўлида хизматни жойига қўйиш учун у яратган нарсаларга кўнгил бермасликка эришмоқ лозим, чунки яралганларга нисбатан эҳтиёжсиз бўлмай туриб, Яратганга хизмат қилишни ҳадди камолига етказиб бўлмайди”².

Абулмафохир Яҳё Бохарзий “Аврод ул-аҳбоб ва фусус ул-одоб” асарида тасаввуф аҳлининг фақр афзалми, ғиноми баҳсига муносабат билдириб ёзади: “Машойихлар фақрни ғинодан афзал дейишган, бироқ қачонки фақр ризо билан омухта бўлса. Еру осмон хазиналарининг калитини Расулуллоҳ қўлига тутқаздилар ва дедиларки, ҳаддинг сиққунича ол ва бу билан сенинг пайғамбарлик рутбанг пашшанинг қанотича ҳам кам бўлмагай. Расулуллоҳ эса фақрни ихтиёр қилди ва Жаброил ҳам унга тавозуъ қил ва фақрни ихтиёр айла, деди”³. Бохарзий фақрни учга: *жамолий фақр*, *жалолий фақр*, *камолий фақр*га бўлади. Булар асмой хуснадаги Аллоҳ исмларига мос келиб, жамол – чирой, жалол – қудрат, камол – мукаммалликка тўғри келишини таъкидлаган муаллиф, жамолий фақрнинг Ҳазрати Исо алайҳиссалом мақоми, жалолий фақрнинг ҳазрати Мусо алайҳиссалом мақоми, камолий

¹ Кошоний, Иззуддин Маҳмуд бин Али. Мисбоҳ ул-ҳидоя ва мифтоҳ кифоя. Ба тасҳеҳи Жалолиддин Ҳумоий. –Техрон: Чопхонаи Мажлис, 1323. –С. 376 (форс тилида).

² Суҳравардий, Абу Ҳафс Умар. Авориғ ул-маориғ. Миср: Ал-мактабат ут-тижорият ул-кабир. Санасиз. – Б.494.

³ Бохарзий, Абулмафохир Яҳё. Аврод ул-аҳбоб ва фусус ул-одоб. Ба кўшеши Э.Афшор. –Техрон: Донешгоҳи Техрон, 1345. –С. 11 (форс тилида).

фақр эса ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом мақоми эканлигини ва уларни эгаллаш фақат комил инсонларгагина хослигини қайд этади¹.

Шайх Муҳаммад Лоҳижий (ваф. 912/1506) Маҳмуд Шабустарийнинг “Галшани роз” асари шарҳига бағишланган “Мафотих ул-эъжоз фи шарҳи Гулшани роз” асарида Шабустарийнинг:

*Саводи важҳи фид-дорайни дарвеш,
Саводи аъзам омад бекаму беш, –*

байти муносабати билан фақрга махсус тўхталади. Унинг ёзишича: “Сўфийлар тилида фақр фанои филлоҳ (Аллоҳ йўлида ўзлигидан батамом кечиш), яъни қатранинг дарёга қўшилишиданиборат бўлиб, бутариқат йўлининг охири ва комиллар эришган мартабадир”².

Нақшбандия тариқатида ҳам фақр катта аҳамият касб этган. Нақшбандия тариқати муршидлари фақрга инсон маънавий камолотининг муҳим нуқтаси сифатида қараганлар, ўзлари ҳам ҳаётда фақр тамойилларига риоя қилиб яшашга интиланлар³. Нақшбандия тариқати ҳақида баҳс этилган кўпгина маноқиб, мақомот ва ҳолот китобларида бунинг мисолларини кўришимиз мумкин.

Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” номли асарида Хожа Алоуддин Аттор тилидан шундай нақл келтиради: “Ҳазрати Хожа Алоуддин Атторнинг нақл қилишича, ҳазрати хожамиз (Баҳоуддин Нақшбанд – Н.Р.)нинг йўллари фақр йўли эди. Дунё ва унга тааллуқли нарсаларни тарк этиш, ҳамма нарсадан қўл ювиш (тажарруди куллий), Аллоҳдан бошқанинг инкори (нафйи мосавий) уларда мавжуд эди. Уларнинг муборак нафас (анфоси қудсия)лари фақирлик ихтиёри ва фуқаро муҳаббати ҳақида бўлиб, эҳсонлари жуда юқори эди. Улар: “Биз нимаики топсак, шундан (яъни фақрдан – Н.Р.) топдик”, – деб айтар эдилар”⁴.

Салоҳ бин Муборак ал-Бухорий қаламига мансуб “Анис ут-толибин” (“Толибларнинг дўсти”) номли маноқибда ҳам ушбу парча худди шу шаклда берилади⁵. Таъкидлаш лозимки, юқоридаги қайд Баҳоуддин Нақшбанднинг сўфийликдаги мақомлари тавсифига бағишланган тўрт қисмли ушбу асарнинг “Ҳазрати хожамизнинг ҳоллари, сўзлари, хулқларининг сифати, тариқат ва сулукларининг нисбати, суҳбатлари ва толибларга муомалаларининг кайфияти, латиф мажлисларида муборак лафзларидан ўтган ҳақиқатлар баёнида” деб номланувчи учинчи қисми бошидан ўрин олган. Ушбу қисмда муаллиф Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқатининг асосларини баён қилади ва сўзни фақрдан бошлайди. Бу бежиз эмас эди, чунки Хожа Баҳоуддин ва нақшбандийлар фақр ҳолини барча ҳолларнинг боши, фақирлик мақомини эса мақомларнинг энг улуғи деб ҳисоблаганлар.

Нақшбандия тариқатида ҳам фақр таснифларига эътибор берилади. “Анис ут-толибин”да Хожа Баҳоуддин тилидан айтилишича: “Шайх Аҳмад Жомий буюрадиларки, фақр икки навъ (хил)дир: фақри ихтиёрий ва фақри изтирорий (ихтиёрдан ташқари). Ихтиёр-

¹ Ўша жойда, 38–39-бетлар.

² Шайх Муҳаммад Лоҳижий. Мафотих ул-эъжоз фи шарҳи “Гулшани роз”. Бо муқаддимаи Кайвон Сомиъий. – Техрон: Маркази нашри интишороти Саъдий, 1374. – С. 99.

³ Қаранг: Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик. – Хўжанд, 1994. – Б. 68–81.

⁴ Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. 54-бет.

⁵ Қаранг: Салоҳ бин Муборак ал-Бухорий. Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзма № 8288. 32^а-варақ.

дан ташқари фақирлик (изтирорий) ихтиёрий фақирликдан устундир, чунки бу ҳолатда Ҳақ ихтиёри банда устида бўлади”¹. Яъни ихтиёрий фақирликда банданинг ихтиёри ўзида бўлади ва у танлаш ҳуқуқига эга. Изтирорий фақирликда эса унинг барча инону ихтиёри Ҳақ иродасига тобе. У ғино ё фақр, дунё ё Ҳақ жамолини танлаш ҳуқуқидан маҳрум. Аммо бу маҳрумлик Ҳақ иродаси билан вужудга келган, бинобарин, маҳрумликда Ҳақ иродаси ўз аксини топган. Бу ҳолатни эса сўфийлар жуда қадрлашган.

Шунингдек, фақирлик афзалми сўфийликми масаласи ҳам турли баҳсу мунозараларга сабаб бўлган. Бир гуруҳ машойихлар фақирликни устун қўйишса, бошқа гуруҳ сўфийлик устун дейишган. Фақрни суфувватдан устун қўювчиларнинг эътирофига кўра, фақр – фанои кулл ва Ҳақ асрорининг ниҳоясидир, сўфийлик эса фақр мақомларидан бир мақом, холос. Бинобарин, фақр туфайлидан фано ҳосил бўлгач, барча мақомлар, жумладан, сўфийлик ҳам ўз аҳамиятини йўқотади. Яъни фақрни эгаллаган, фақирлик йўлини тутган кишига сўфийликнинг ҳожати йўқ. У фақр орқали асл мақсадга – Ҳақ жамолига етиб бора олади. Сўфийлик афзал дегувчилар эса, “фақр мавжуд нарсадир (яъни кишининг фақирлиги унинг ўзлиги ҳали мавжудлигидан далолатдир), сўфийлик эса барча мавжудотдан софлик (кўнгилдан Ҳақ дан ўзга барча нарсаларни чиқариб ташлаганлик)дир. Бинобарин, сафо айни фанодир ва фақр айни ғино (чунки фақир “фақир” исмига эга бўлиш билан ғанийдир). Фақр – мақомнинг исми, суфувват эса комилликнинг номидир”².

Хожа Муҳаммад Порсонинг моҳият эътибори билан “Фасл ул-хитоб”га ўхшаб кетадиган бошқа бир асари “Таҳқиқот”да эса тасаввуф ва ислом дунёсининг йирик намояндалари Абу Ҳомид ал-Ғаззолий (ваф. 505/1111), Абу Муҳаммад Рўям, Каттоний, Нурий, Ибн Жало, Абу Сулаймон Доройиний қарашларига таянган ҳолда фақр ҳақиқатлари баён этилади. Хожа Муҳаммад Порсо Имом Ғаззолийнинг фақр борасидаги қарашларини баён қилишдан олдин, хужжат ул-ислом дин ва тариқат йўлининг моҳиятини инсон ва Ҳақ, дунё ва охират ўртасидаги муносабатлар ташкил этади, дея ҳисоблаганлигини айтади³. Унинг ёзишича, улардан иккиси айрилмоқни (жастан), иккиси эса етмоқни (жустан) талаб этади⁴. Бинобарин, тариқат ўз нафси чегараларидан чиқиб Ҳаққа етмоқ, дунёдан кечиб охиратга қўшилмоқдир. Бунинг учун ўз нафсидан Ҳаққа, дунёдан охиратга юз бурмоқ лозим бўлади. Бу эса фақр ва зуҳд демакдир⁵.

¹ Ўша манба, 93^б-варақ.

² Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. ЎЗР ФА ШИ, 1411 рақамли қўлёзма, 150^б-в. Шу нарсани алоҳида қайд этиш керакки, мазкур асардаги ушбу қарашлар “Кашф ул-маҳжуб” билан айнан бир хил, кўп ўринларда эса уларнинг такрори бўлиб келади. Бироқ биз учун улар нақшбандия тариқатининг намояндалари асарларида учраши билан аҳамиятлидир. Аммо Хожа Муҳаммад Порсо фақрга доир фикрларни “Кашф” асосида келтириш билан чекланмасдан уларни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қилган. Бу айниқса, унга замондош тасаввуф аҳлининг фақрга етарли эътибор бермаётганликлари билан нолишида намоён бўлади. Бир ўринда у ўз замони ва замондошлари ҳақида гапириб: “Афсуски, бизнинг замонимизда на ҳақиқий фақр қолди, на ҳақиқий фақирлар. Шу боис ҳам ҳақталаблик йўлига кирган солиқлар асл мақсадга етиб бора олмаяптилар”, – дейди ва нақшбандия тариқатининг ислоҳини яна фақр асосларига қайтишда кўради.

³ Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. ЎЗР ФА ШИ. 1411 рақамли қўлёзма, 164^а-в.

⁴ “Жастан ва жустан”ни – “йўқотмоқ ва топмоқ”, “узилмоқ ва қўшилмоқ” деб ҳам таржима қилиш мумкин.

⁵ Имом Ғаззолий фақр ва зуҳдни кўп вақтда ёнма-ён қўяди ва зуҳд деганда ҳаққиқий зоҳидликни назарда тутди (масалан, “Иҳё” ёки “Кимё”да). Навоийнинг зуҳд ва зоҳидликка муносабати ҳақида гапирганда шуни қайд этиш керакки, унинг зоҳидликка **касб** сифатида муносабати салбий бўлган:

Зоҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин,

Ким, Навоийга эрур фақру фано туффроғи хўб. (БВ, 40-бет)

Бироқ, Навоий **ҳол** сифатида зуҳд ҳолига сидқ ва муҳаббатнинг рамзи сифатида ижобий қараган:

Дарифким, қаридим зуҳду фақр лофи била,

Вале ишим ёшурун барча журму исёндур. (ФК, 97-б.)

Фақир эҳтиёжи бор нарсаси бўлмаган кишидир, ғаний эса беэҳтиёж кишидир. Яралмиш махлуқ борки, барчаси ўз мавжудлигининг давомийлигига муҳтождир. Аён бўладики, ҳақиқатда беэҳтиёж фақат бир зот мавжуддир – Ҳақ Таоло! Барча махлуқот – жину инс, ма-лоика ва шаётиннинг мавжудлиги ўз ихтиёрида эмас, фақат Ҳақ таоло боқий мавжуддир. Бас шундай экан, Ҳақ таолодан бошқа барча мавжудот фақирдирлар, фақат ёлғиз Угина ғанийи мутлақ ва беҳожатдир.

Тасаввуф аҳли наздида ушбу ҳолни чуқур англаган кишигина Ҳақиқий фақирдир. Яъни на бу дунё, на у дунёда ҳеч нарсага эга эмаслигини англаб етган, ўз мавжудлигининг сабабини ўзидан эмас, Ҳақ иноятидан деб билган, фақат ундангина умид қилиб, ундан қўрққан киши ҳақиқий фақир аталиши мумкин. Бундай кишида на зот мавжуд, на сифат, на ҳолу на мақом, на феълу на асар, ҳар икки оламда ҳеч нарсага эга эмаслик, ҳатто ҳеч нарса эгаси эмаслик сифатига ҳам эга эмаслар. “Ал фақру-фаҳрий” ушбу ҳолга ишорадир ва бундай фақр эгасини бир Худодан ўзга ҳеч ким бу дунёда танимайди¹.

Фақрнинг нақшбандия тариқатида қарор топишига ўз ҳиссасини қўшган зотлардан бири Алоуддин Аттор – Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорий (ваф. 802/1400)дир. Унинг асарларида ҳам фақрнинг ранг-баранг талқинларига гувоҳ бўламиз. Масалан, унинг Хожа Баҳоуддиннинг сўфийликдаги даражалари ва у кишининг ҳикматли сўзлари баёнига бағишланган “Мақомоти аржуманд ва мақолоти судманди ҳазрати Хожа Баҳо ул-ҳақ вад-дин Нақшбанд” номли асарида айтилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг йўллари муҳаббат ва фақр фатҳи, яъни тарки дунё, қатъи тааллуқот, тажриди куллий ва нафъи мосавийдан иборатдир. Ҳамиша уларнинг муборак сўзлари фақр исботида ва фақр муҳаббати бобида эди. Дер эдиларки, биз ҳар не топдик – ушбу сифатдан топдик².

Шунингдек, Хожа Алоуддин Аттор Хожа Баҳоуддиннинг оддий, дабдабасиз ҳаёт кечиришлари, ҳалол луқма талабида бўлиб шубҳали таомлардан сақланишлари (шу сабабли ҳам аксарият ўз пешона терилари эвазига етиштирилган масаллиқлардан ўз қўллари билан овқат пиширишлари)ни бевосита фақр талаблари билан боғлайди ва “Ҳазрати Хожамизда фақр камолидан ўзни атрофдагиларга, халққа фидо қилиш, халқ манфаатлари йўлида ҳаракатда бўлиш ва ўзидаги бор нарсаларни уларга эсор (инъом, эҳсон) қилиш олий даражада эди”, деб ёзади. Демак, “фидо ва эсор”, ўзни халқнинг хизматкори деб билишнинг асоси, нақшбандийлар нуқтаи назарича, фақрдадир.

Хожа Алоуддин Аттор Хожа Баҳоуддин бизнинг сулукка киришнинг биринчи шарти фақр деганлар, дейди. У ёзади: “Буюрдиларки, ҳар ким бизнинг асҳобимиз сафига қўшилмоқни истаса, бизга мутобиъат келтирмоғи лозимдир. Дарвешлик касб этмаган кишининг ўзини бизга ва бизнинг сулукимизга нисбат бериши дуруст эмас”³. Яъни фақрсиз нақшбандияга тобеланиш (ўзини ушбу тариқат вакили деб билиш) йўли боғлиқдир.

XV аср нақшбандия тариқатининг яна бир кўзга кўринган вакили Яъқуб Чархий (ваф. 802/1400) асарларида ҳам фақр ва унинг тариқатда тутган ўрни масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Масалан, у “Рисолаи қудсия” асарида Абу Муҳаммад Рўямнинг “Ал-фақр – адами кулли мавжуд ва тарки кулли мақсуд” сингари таърифини шарҳлаб ёзади: “Биз фақирнинг кўнглига андоғ келадики, фақр ҳақиқати ушбу йўлга кирган кишининг қўли-

¹ Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. ЎзР ФА ШИ. 1411 рақамли қўлёзма, 164^а-в.

² Алоуддин Аттор. Мақомоти аржуманд ва мақолоти судманди ҳазрати Хожа Баҳо ул-ҳақ вад-дини Нақшбанд. ЎзР ФА ШИ, 502-рақамли қўлёзма, 34^б-в.

³ Ўша манба, 35^б-в.

даги мол-мулкка муҳаббатни қалбидан чиқариб ташлаш, кўнгилни унинг машғуллигидан халос айлашдан иборатдир”.

Хуллас, XI–XV асрларга оид тасаввуфий манбалар кўздан кечирилганида, уларда фақр тариқатнинг энг юқори босқичларидан бири сифатида таърифланади.

1.1.2. ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ФАҚР ТАЛҚИНИ

Маълумки, XX аср бошларида Ўзбекистоннинг барча жабҳаларида бўлгани каби илм-фан срҳасида ҳам янги босқичга қадам қўйилди. Жумладан, тарих, жуғрофия, илми зироат, ҳанда-са, кимё, фалсафа, мантиқ, илми аруз, илми бадеъ сингари эскидан ўрганилиб келган фанлар энди бир оз замонавийлаштирилиб европача усулда ўрганила бошланди. Бу фанлар қаторига адабиётшунослик фанини ҳам санаш мумкин. Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг илк намуналари 1910-йилларда вужудга келгани ҳолда унинг тўлиқ шаклланиши 1920-йилларнинг охирида эканлиги кузатилади. Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг илк намо-яндалари қаторига Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Қодир-ий, А.Саъдий, Абдурауф Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Миён Бузрук, Е.Э.Бертельс, А.Самойлович, А.Семенов, В.Бартольд, С.Айний каби шоир, ёзувчи ва олимларни киритиш мумкин.

Бу номлари зикр этилган олимлар орасида А.Фитратнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш лозим. Чунки мазкур олимнинг ўзбек замонавий адабиётшунослигининг та-мал тошига айланган “Ўзбек адабиёти намуналари”, “Энг эски турк адабиёти намуналари”, “Қутадғу билик”, “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида”, “Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида”, “Аҳмад Яссавий”, “Умар Ҳайём”, “Яссавий мактаби шоир-лари тўғрисида текширишлар”, “Ўзбек шоири Турди”, “Чиғатой адабиёти”, “Ҳибат ул-ҳақой-иқ”, “XVI асрдан сўнгга ўзбек адабиётига умумий бир қараш”, “Фарҳод ва Ширин” достони тўғрисида” сингари асарлари 20-йилларнинг иккинчи ярмида вужудга келган бўлиб, улар юксак илмий салоҳият эгаси томонидан ёзилганлиги билан ажралиб туради.

Юқорида А.Фитратнинг номлари келтирилган асарларидан маълум бўладики, у ўз ил-мий фаолияти мобайнида асосан ўзбек мумтоз адабиётини замонавий адабиётшунослик тамойиллари асосида чуқур тадқиқ этишни бошлаб берган. Маълумки, ўзбек мумтоз ада-биётини диний-тасаввуфий ғоялардан айро ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Шундай экан, бу соҳа тадқиқотчидан замонавий тафаккурга эга бўлиш билан бирга, эски билимлар қа-торидаги диний-тасаввуфий илмлардан ҳам чуқур хабардорликни талаб этади. А.Фитрат ёшлик йилларида исломий мадрасаларда таҳсил кўрган бўлса, кейинчалик эса замонавий дунё таълим системаларидан ҳам баҳрамандликка муяссар бўлади. Бир сўз билан айтган-да, А.Фитрат замонавий билимлар ҳамда ислом дини ва тасаввуфидан хабардор олим экан-лиги билан айнан юқорида қайд этилган талабларга тўла жавоб бера оладиган шахс эди.

Бироқ Фитрат ва унинг маслакдошлари ўтган асрнинг 20-йилларида коммунистик маф-кура тазйиқига учради. Маълумки, коммунистик мафкура мутасаддилари олдида, биринчи навбатда, маҳаллий халқларнинг диний-тасаввуфий ғоялар билан йўғрилган маданияти-ни ўзгартириш вазифаси турар эди. Чунки улар маҳаллий халқни ўз дини, маданияти ва ўтмишидан бегона қилиб, бутунлай бошқа бир миллатга, яъни совет миллатига айланти-ришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Мана шундай сабабга кўра тасаввуф ва у билан боғлиқ тушунча бўлган фақр асл ўзбек мафкурасининг ажралмас қисми, ўзликни

ташкил қиладиган катта унсур сифатида коммунистик мафкурага тўғри келмас эди. Бинобарин, у диний тасаввуфий ғоянинг бир қисми сифатида коммунистик мафкура тарафидан ўрганилишига тақиқ қўйилган мавзуга айланган.

Ўзбек диний-тасаввуфий ғояларини ўрганишга бўлган тақиқнинг дастлабки ва кучли намунаси сифатида муаллиф Ж.Бойбўлатовнинг 1929 йил “Қизил Ўзбекистон” газетаси 13, 14, 15 май сонларида эълон этилган “Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик” номли мақоласини келтириб ўтиш мумкин.

Ж.Бойбўлатовнинг мазкур мақоласи гарчи бир муаллиф номидан нашр этилган бўлса-да, аслида у Ўрта Осиё бирлиги ёнидаги адабиёт ва танқид секцияси деб номланган расмий хукумат кўз-қарашини ифодаловчи ташкилотнинг бир гуруҳ ходимлари томонидан ёзилган эди¹. Бу мақола Абдурауф Фитратнинг 1928 йилда нашр этилган “Ўзбек адабиёти намуналари” китоби муносабати билан ёзилган бўлиб, унда асосан, ушбу китоб муаллифи, унга сўзбоши ёзган Отажон Ҳошимов ва ўша йилларда адабиётшунослик соҳасида қалам тебратиб келаётган М.Б.Солиҳовлар ижоди танқид остига олинган. Биз бу ерда ушбу мақолани тўлиқ таҳлилга тортмоқчи эмасмиз, чунки бу бизнинг тадқиқотимиз объектига кирмайди. Биз матбуот саҳифаларида баҳс-мунозарани бошлаб берган ушбу мақоланинг фақат мавзунимизга алоқадор бўлган ўринларигагина тўхталамиз.

Агар эътибор берилса Жалил Бойбўлатов мақоласида Фитрат асосан диний-тасаввуфий ғоялар ташувчиси сифатида қораланган. Мақола муаллифи диний-тасаввуфий ғояларнинг коммунистик ғоя билан келиша олмаслигини зўр бериб ҳимоя қилади ва керак бўлса бу ғояларни коммунистик мафкуранинг душмани сифатида талқин этади.

Мақолада Ж.Бойбўлатов А.Фитратнинг “Маориф ва ўқитғучи” журналининг 1927 йил 6, 7-сонларида чиққан “Аҳмад Яссавий”² ва яна шу журналнинг 1928 йил 5, 6-сонларида босилган “Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар”³ номли мақолалари ҳамда 1928 йилда нашр этилган “Ўзбек адабиёти намуналари”⁴ китобидаги Аҳмад Яссавий ва унинг ижоди тилга олинган ўринларни танқид қилган. Гап шундаки, Фитрат Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларидаги йўқсул, бечора, етим-есирлар сингари жамиятнинг кам таъминланган ва жабрдийда қатламини ҳимоя қилиб ёзилган сатрларини олиб, шу орқали ўзларини пролетариат (йўқсуллар) ҳимоячиси деб сиёсий саҳнага чиққан большевиклар мафкураси билан муроса қилмоқчи бўлган. Масалан, у шундай ёзади: “Яссавий жамиятнинг юқоридаги воқеалардан зарарланмаган, балки фойда қилғувчи беклар, оқсуяклар, аскар бошлиқлари ҳам шуларнинг қуйруқлари бўлуб яшагон мулла, эшонлар қаторида бўлмади, ул мазлум синфнинг орасида бўлди. Шуларнинг қайғулари билан йиғлашга мажбур бўлди, ҳам йиғлади. Яссавий ўз замонининг ҳоким синфини айрим гуруҳ унвонлари билан атаб, ҳар бир гуруҳнинг адресига қаттиқ сўкушлар тақдим қилади:

*Дунё менинг деганлар, жаҳон молин олғонлар,
Каргас қушдек бўлубон ул ҳаромға ботмишлар...”*

¹ Ж.Бойбулатов мақоласининг сарлавҳа қисмида бу ҳақда изоҳ берилган. Қаранг: Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. – 1929. 13, 14, 15 май.

² Фитрат. Аҳмад Яссавий / Яссавий ким эди. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Дўстқораев. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. –Б.18–33.

³ Фитрат. Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар / Яссавий ким эди. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Дўстқораев. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. –Б.33–38.

⁴ Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Самарқанд: Ўздавнашр, 1928.

Ёки: “Яссавий замонининг эзилган йўқсул синфига “ғариб, ятим, фақир” унвонлари бе-
ради, ўзини уларнинг ҳомийси каби кўрсатишга тиришади:

*Ғариб, фақир, ятимларнинг бошин силаб,
Кўнгли қаттиқ халойиқдан қочтим мано.
Ғариб, фақир, ятимларни қилғил шодмон,
Хулқлар қилиб, азиз жонинг қилғил қурбон.
Ғариб, фақир, ятимларни ҳар ким сўрар,
Рози бўлур ул бандадан парвардигор”¹.*

Кўринадики, А.Фитрат бу ерда Яссавий ҳикматларидан келтирилган мисраларни боль-
шевизм, яъни рус социал-революционерлари маслаги билан мослаш мақсадида атай тан-
лаб олган. Бу, таъбир жоиз бўлса, Фитратнинг замон билан муросаю мадораси эди.

Бироқ большевиклар назарда тутган пролетариат-йўқсул билан Аҳмад Яссавий ва уму-
ман Шарқ тасаввуф адабиётидаги йўқсул, фақирларни ҳимоя қилиш ўзаро ўхшашдек бўлиб
туялса-да, аслида бу икки ҳодиса ўртасида жиддий фарқланиш ҳам йўқ эмас. Бу фарқла-
ниш шундан иборат эдики, большевикларнинг йўқсули фақат дунёвий ҳукумат билан боғ-
лиқ равишда олинган бўлса, Аҳмад Яссавий ва Шарқ тасаввуф намояндалари эътиборида-
ги йўқсул, фақир, етимлар паноҳи сифатида Аллоҳ кўрсатилади. Демак, айтиш мумкинки,
тасаввуфда бу масала, биринчи навбатда, коммунистик мафкурадагидан фарқли ўлароқ
илоҳийлик касб этган. Шунинг учун ҳам ўша даврда расмий мафкура мутасаддилари Фи-
тратнинг ўзлари билан бўлган бу муомаласини охир-оқибатда қабул қилмаган. Зеро, ком-
мунистик мафкура ўз табиатига кўра ҳар қандай илоҳийликка принципда кескин қарши
бўлган. Чунки ёзувчи Ф.Кафка ўз вақтида топиб айтганидек, большевизмнинг ўзи дин
эди². Яъни ёзувчи назарда тутган бу дин “одам-худо” яратиш билан шуғулланган. Демак,
бир сўз билан айтганда, болшевикларнинг К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин, И.Сталин сингари
“одам-худо”лари бор эди. Шунинг учун ҳам большевизм, ўз манфаатидан келиб чиқиб, ҳар
қандай дин – бу хоҳ христиан, хоҳ ислом, хоҳ буддавийлик ёки бошқа бўлсин – уни инкор
этиш йўлидан борган. Чунки, халқ мақолида айтилганидек, бир қозонда икки қўчқорнинг
боши қайнамайди.

Мана шундай мулоҳазалардан келиб чиққан Ж.Бойбулатов ўз чиқишида Фитратни бўра-
лаб ёзғирар экан бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Яссавий – пролетар шоири...” деб даъво
қилиш илмий кашфиёт эмас, балки очикдан-очик чиғатойчиликни ҳозирги замонга тат-
биқ қилишдир”.

“Яссавий ... эмас, Фитратнинг ўзи ҳам ҳали тасаввуфчиликдан узоққа кетгани йўқ. Ҳали
1923 йилдагина босилиб чиққан “Ҳинд ихтилолчилари”да унинг қаҳрамонларидан бири
Раҳимбахш қуйидаги сўзларни айтади: “Қуръон бетига ҳайвон оёғи тегмаки на эса, ҳинд
қизининг юзига инглиз кўзи тушмаги ҳам шудир... Инглизларни Ҳиндистондан ҳайдаш
Қуръонни ҳайвон тепкисидан қутқаришдек буюк”³.

¹ Қаранг: Фитрат А. Аҳмад Яссавий / Яссавий ким эди. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти
. 1994. 25-бет.

² Кафка Ф. Замок: Роман; Новеллы и притчи; Письмо отцу; Письма Милене: Пер. с нем. –М.: Политиздат, 1991.
–С.561.

³ Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. – 1929. 13,14,15 май.

Шунингдек, Ж.Бойбулатов Фитратнинг шўро ҳукуматига қилган қайсидир маънодаги келишув таклифни рад этар экан, яна шундай ёзади: “Шу нарсаси дикқат қилмоқ зарурки, ҳозирги вақтдаги баҳойлар¹ Маркс ўз таълимотини баҳойлардан олган деб даъво қилдилар. Бурят, Монголия жумҳуриятидаги ламойитлар эса Ленин Будданинг содиқ муриди, Будда бўлса, дунёда бўлган инқилобчиларнинг энг буюғи деб даъво қилдилар. Ўзбекистонда ер ислоҳоти вақтида мулалар ва эшонлар Қуръон коммунизмга қарши эмас, деб айтар эдилар. Ҳозирги чиғатойчилар ҳам шу йўлга ўтиб олганлар”².

Маълум бўладики, Ж.Бойбулатов билан Фитрат ўртасидаги матбуотда кечган бу мунозара ўзида икки рақиб томондан иборат бўлган сиёсий қарама-қаршилиқни ифода этган. Шунинг учун ҳам бу баҳс-мунозарадан кейин жамиятда Фитрат ва унинг ижодига шубҳа кўзи билан қараш кучайиб кетади. Бунинг бир мисолини ўша даврлар (ўтган аср 20-30 йиллари)ни ўз кўзи билан кўрган ва аспирантлик йилларида Фитратнинг илмий маърузаларидан баҳраманд бўлган йирик адабиётшунос олим Ғ.Каримовнинг 1990 йилда ёзилган “Аспирантура хотиралари” номли мақоласида кўриш мумкин. У ёзади: “Кунларнинг бирида аудиторияда машғулот охирида қолган пайтда аспирантлардан бири туриб: “Домла (яъни Фитрат домла – Н.Р.), мумкинми, бир саволим бор эди” деб қолди. Домла рухсат бергач, аспирант айтди: “Домла, сиз 1928 йили чиқазган “Ўзбек адабиёти намуналари” китобингизда Аҳмад Яссавийни ғариблар, етимлар, умуман, камбағаллар шоири қилиб қўйгансиз, у шайх-ку”. Шунда профессор Фитрат бу саволга жавоб бериб айтди: “Аҳмад Яссавий – шайх, бу тўғри. Лекин унинг йўқсул, камбағалпарварлиги ҳам тўғри-да. Халқимиз азалдан-азал етим-есирларнинг, йўқсул-камбағалларнинг бошини силаш, шафқат-марҳамат қилиш кераклигини айтиб, тушунтириб келади. Яссавий халқ дилида, халқ тилида бўлган шу гапни айтган. Бунинг нимаси нотўғри. Нима учун тўғри сўздан кўз юмиш керак экан? Мен бунга тушунмайман!”³

Демак, айтиш мумкинки, 20-йиллар иккинчи ярмидан эътиборан тасаввуф, жумладан, унинг муҳим тушунчаларидан бири ҳисобланган фақрни ўрганишга мана шундай йўллар билан табу қўйилган эди.

Дарҳақиқат, шундан кейин совет ҳокимияти ҳукм сурган 80-йиллар охирига қадар бу мавзу кенг кўламда ўрганилган бирор бир тадқиқотга дуч келмаймиз. Фақат шарқшунос олим Е.Э.Бертельс баъзи ўринларда бу масалага қисқача тўхталиб ўтган. Масалан, у ўзининг “Тасаввуф ва тасаввуф адабиёти” номли китобида “Қуръон” ва “Ҳадис”даги фақр борасидаги қараш кейинчалик тасаввуфдаги фақру фано мақоми учун тамал бўлган ва фақр шарият ва тариқатни ўзаро боғлаш учун хизмат қилган, дея кўрсатиб ўтади⁴. Олим “Навоий ва Жомий” номли асарида ҳам нақшбандия тариқати ҳақида мулоҳаза юритар экан, фақрнинг Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ва нақшбандия тариқатидаги аҳамиятига диққатни қаратиб шундай ёзади: “Пайғамбар ҳаётига эргашиш тамойилидан келиб чиқиб, Нақшбанд ўз таълимотини фақр (ихтиёрий қашшоқлик) талаби асосига қуради. Аммо у қашшоқликни бировларнинг хайр-эҳсони ҳисобига кун кўриш маъносида тушунмайди. Унингча, фақат ўз меҳнати кетидан топилган егулик истеъмол қилишга яроқли ягона ҳалол луқмадир”⁵.

¹ Баҳойлар – XIX асрда Эронда юзага келган диний сиёсий ҳаракат. Қаранг: Ислом. Справочник.

² Бойбулатов Ж. Ўша мақола.

³ Каримов Ғ. Баркамоллик. –Тошкент: Маънавият, 1999. –Б.103.

⁴ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Избр. труды. Том 3. –М., 1965. –С. 37–38.

⁵ Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избр. тр. Том 4. – М., 1965. С. 214.

Шунингдек, олим яна шу асарида бу масалага, нақшбандиядаги “урваи вусқо” (“му-стаҳкам тутқич”) – Қуръони Карим ва пайғамбар ўғитларига қатъий риоя қилиш ва “луқ-маи ҳалол талабида бўлиш” тамойиллари фақр талаблари асосида ривожланганлигини қайд этади¹.

Шўро даврида фақр тўғрисида бундан бошқа на Бертельс ва на бошқа бирор олим тадқиқотига дуч келмаймиз. Фақат 1980-йиллар охирига келиб, коммунистик мафкура инқирозга юз тутганидан кейин И.Ҳаққулов, Н.Комилов, С.Рафиддинов сингари олимлар мақолаларида бу ҳақда сўз юритила бошлади².

Хулоса қилиб айтганимизда, тасаввуфдаги фақр масаласига муносабат кўриб ўтилгани-дек, турли давр ва замонларда турлича бўлган. Бинобарин, тасаввуфнинг энг гуллаб-яш-наган даври ҳисобланмиш XIII-XV аср манбаларида бу масала ҳақида ижобий тўхтамлар-га келинган, у ҳатто ижодкорлар учун ахлоқий-эстетик, бадий-эстетик идеал сифатида кўрилган бўлса, XX асрнинг 20-йиллари охиридан эътиборан эса унга ёмон муносабатда бўлинди ва натижада бу ёмон муносабат унга табу қўйилиши даражасигача бориб етди. Шундан кейин ўтган асрнинг 80-йиллари охирига қадар, яъни Мустақилликкача бўлган дав-рда илмда бу масалага деярли ҳеч эътибор қаратилмади. Бу ҳам ушбу масаланинг нақадар долзарб ва муҳим эканлигининг далилидир.

Маълум бўладики, Жалил Бойбўлатов мақоласида Фитрат асосан диний-тасаввуфий ғо-ялар ташувчиси сифатида қораланган. Бинобарин, Ж.Бойбўлатов ўз мақоласида диний-та-саввуфий ғояларнинг коммунистик ғоя билан келиша олмаслигини зўр бериб ҳимоя қи-лади ва керак бўлса бу ғояларни коммунистик мафкуранинг душмани сифатида талқин этади. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, XX аср боши ўзбек жаҳид зиёлиларининг илғор вакили бўлган Фитратнинг диний-тасаввуфий ғояларни ҳам ўзига сингдирган ўз-бек мусулмон маданияти ҳақидаги кўз-қарашлари сиёсий устунлик сабаб, гарчи тўғри бўл-са-да, коммунистик мафкура тарафдорлари томонидан инкор этилди ва ўрганилиши кун тартибидан тушириб ташланди. Бу, айтиш мумкинки, тасаввуф, ва қолаверса, шу орқали унинг муҳим қисми бўлган фақр мавзусини ўрганишга қўйилган дастлабки кучли тақиқ эди. Чунончи, Фитратга диний-тасаввуфий қарашлари муносабати билан берилган бу зар-ба Ўзбекистон мустақилликка эришгунига қадар ўз кучини сақлаб қолди. Шунинг учун ҳам ўзбек мумтоз адабиётини, хусусан, Алишер Навоий ижодини тадқиқ этиш борасидаги муҳим саналадиган фақр мавзуси мустақиллик йилларигача ўрганилмай келинди.

1.2. НАВОЙГАЧА ФОРСИЙ ВА ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ИЖОД ҚИЛГАН ШОИРЛАР ИЖОДИДА ФАҚИР ОБРАЗИ

Ижодкор маҳоратини белгилашда унинг анъанага муносабати ва ижодий ўзига хосли-гини қиёслаш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, Навоий лирикасида тасаввуф кўламини тадқиқ этиш учун унгача бўлган форс-тожик ва туркий адабиёт анъанасини ўрганиб чиқиш талаб этилади. Шунингдек, бу улуғ шоир ижодидаги баъзи талқин, ифода тарзи ва образ яратиш усулларининг генезисини белгилаш учун ҳам аҳамиятлидир. Ушбу эҳтиёждан ке-

¹ Ўша жойда.

² Қаранг: Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. –Тошкент, 1991; Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент, 1992; Рафидди-нов С. Фақр йўли солики // ЎзАС. 1996. 14 сентябрь.

либ чиққан ҳолда Навоийнинг форсий ва туркий тилда ижод қилган салафлари: Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Фариддудин Аттор, Румий, Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Аҳмад Яссавий, Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Саййид Қосимий, Атойи, Гадоий, Саккокий, Лутфий сингари буюк шоирлар адабий меросида фақр талқини ва фақир образига мурожаат қилиш ўринлидир.

Ғазалчилик ва дидактик адабиёт тараққиётида чуқур из қолдирган Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (ваф. 1292) ўз ижодида мажозий муҳаббат билан бир қаторда ҳақиқий муҳаббатни ҳам тасвирлаган ижодкор ҳисобланади. А.М.Мирзоевнинг ёзишича, «Саъдийнинг ғазалларида дунёвий муҳаббат билан бирга бир қанча тасаввуф принциплари ва идеаллари ҳам акс этган»¹. Шундай идеаллардан бири фақир эканлигини унинг «Гулистон» асари мисолида кўришимиз мумкин. Саъдий “Гулистон”нинг иккинчи бобини “Фақирлар ахлоқи баёни” деб номлаган. Бу ерда Саъдий “фақир” ва “дарвеш” атамаларини баравар қўллайди ҳамда фақирлар деганда кўп ҳолларда умуман тасаввуф ва тариқат аҳлини назарда тутди.

Маълумки, Саъдий “Гулистон”да бирор бир образли ҳикоятни келтириш ва ўша ҳикоят мазмунидан келиб чиқиб қиссадан ҳисса тариқасида ўз хулосасини бериш услубини қўллаган, уларда фақр маслагига ризо, шукр, қаноат, сабр, ҳиммат, ҳилм, ҳаё сингари ирфоний-ахлоқий масалаларга эътибор қаратилган. Мана шу услубга мувофиқ тарзда шоир ўзининг фақрга доир қарашларини турли мазмундаги ҳикоятларга сингдириб юборган. Масалан, ундаги бир ҳикоятда аҳли дунё зулмидан шикоят қилган муридга пирнинг “Эй ўғлум, фуқаро хирқаси ризо тўнидурур. Ҳар ким бу қисват ичинда масканат (қийинчиликларга) таҳаммул (бардош) қилмаса, муддаи (даъвоси ёлғон) дурур, дағи хирқа анга ҳаром бўлур”, – дея жавоб беради ва қиссадан ҳисса тариқасида ушбу хулоса баён этилади:

*Жафоларга таҳаммул қил, тиласанг
Юзунг Тангри қатинда оқ бўлғай.
Букун тупроқ бўл, андан бурунроқ
Ким, эрта гул танинг тупроқ бўлғай².*

Ушбу қиссадан ҳисса тариқидаги мисраларда мутафаккир шоирнинг фақр масаласига муносабати яққол намоён бўлган.

“Гулистон”даги ҳақиқий фақир ҳақида билдирилган “фақир содиқ улдурурким, кўнгли тири (тирик) бўлғай, дағи нафси – ўли (ўлик). Шеър:

*Фақир содиқ улдурур, эй азиз эр,
Ёмон иш келмагай ҳаргиз қўлундан.
Инар бўлса қаддан бир оғир тош,
Керакким, кетмагай ориф йўлундан.*

Дағи фақирлар тариқи зикру шукр дурур, дағи хидмату тоат ва исор ва қаноат ва тавҳид ва таваккул ва таслим ва таҳаммул. Ҳар кимда бу васфлар бор, ул фақирдурур”³, каби таърифларни барча фақр аҳли учун дастуруламал дейиш мумкин. Навоийда ҳам фақрдан кўз-

¹ Мирзоев А.М. Рудаки и развитие газели в X–XV вв. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1958. –С.52.

² Сайфи Саройи. Гулистони бит-туркий / Уч булбул гулшани. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б.230.

³ Ўша жойда, 233-бет.

ланган асосий мақсад нафси жиловлаш орқали кўнгилни тирилтириш, ғафлат уйқусидан уйғотишдир. Ушбу масалада унинг Саъдий билан ҳамфикрлиги аён бўлади.

Шунингдек, Саъдий фақр маслаги ҳамда ҳақиқий фақирликка таъриф берар экан, бу хусусда сохта фақирлар, фақрни суистеъмол қилиб, аслида шон-шухрат илинжида юрган риекорлар масаласини ҳам четлаб ўтмайди. Унинг қаноатича, агарчи, қабо ичида бўлса ҳам тунни ҳою-ҳавас уйқусида ўтказиб, шаҳват кетида кунни кеч қиладиган, олдига не келса еб, оғзига не келса вайсайдиган, таши бутуну ичи пароканда, яъни ташқаридан ўзига фақир тусини бериб, ичи риё ва фисқу фужурга тўлган кимсалар фақрдан бебаҳра ғофиллардир. У ёзади: “Агар қабо ичинда бўлса дағи фақир ул дегулким, ҳавову ҳавасга уюб кечани кундуз қилгай дағи шаҳват ортинча юруб, кундузни кеча қилиб, ғафлат уйқусинда ётиб қолгай дағи оллинда не бўлса – егай, оғзинда не келса – дегай, таши иморат, ичи хароб бўлгай”¹.

*Бу хусусда ҳам Навоий Саъдийга ҳамфикр. У ёзади:
Ични урён қилки тошинг зеби манъи фақр эмас,
Фақр эмастур, гар ичинг мамлу, тошинг урён бўлур.*

(ҒС, 146-б.)

Ёки «ҳавову ҳавас» хусусида Навоийда ўқиймиз:

*Фано ҳавас қилу фақр эт ҳаво Навоийдек,
Вале ҳавову ҳавас қилмағил ҳавову ҳавас.*

(ҒС, 191-б.)

Фаридиддин Аттор – Шарқ мумтоз адабиётида чуқур из қолдирган машҳур суфий шоир. Унинг “Мантиқ ут-тайр” номли тасаввуфий асари, айниқса, шухрат қозонган. Навоий ҳам бу асарни ёшлик чоғларида ўқиб қаттиқ таъсирланган ва ушбу таъсир натижасида кейинчалик ўзининг “Лисон ут-тайр” асарини яратган. Демак, Навоий ижодидаги фақр образи ҳақида мулоҳаза юритилганида “Мантиқ ут-тайр”ни четлаб ўтиш мумкин эмас.

“Мантиқ ут-тайр”даги охирги, еттинчи водий фақру фано водийсидир. Асарда фақр – Атторнинг ўз таъбири билан айтганда, “Қатрани қулзумга айлантирадиган” сўнгги ва энг юқори мақом сифатида берилиши ва унинг “фақру фано” дея, яъни фақирлик ва фанийликни бир-биридан ажратмай тилга олиниши шоирнинг фақрга сулук йўлидаги энг олий даража сифатида қараганлигини англатади. Муаллиф ушбу водий сифатлари ва унга қадам қўйган солиқнинг ҳоллари хусусида ёзади:

*Баъд аз ин водийи фақр асту фано,
Кай бувад инчо сухан гуфтан раво.
Айни водий фаромушӣ бувад,
Гунгию каррию беҳушӣ бувад.*

(Мазмуни: Кейинги водий фақри фано водийсидир, у ҳақида сўз юритиш ҳам мушкул. Бу (солиқ учун) унутмоқлик, гунг ва кар, беҳуш бўлмоқлик водийсидир).

Юқорида келтирилган мисраларда, таъбир жоиз бўлса, Фаридуддин Атторнинг фақр ҳақидаги чуқур фалсафий қарашлари акс этган. У бу ерда ҳатто фақр ҳақида гапириш ҳам мушкул эканлигини айтади ва бу водий (фақру фано водийси)га қадам қўйган солиқ фаро-

¹ Ўша жойда.

мушлик, гунглик, карлик ва беҳушлик сингари сифатларга эришишини қайд этади. Солик-даги бу сифатларни шундай тушуниш мумкин: фаромушлик – унутмоқлик, яъни дунё сению сен дунёни унутишинг. Бундай ҳолатда хотирада Аллоҳдан бўлак ҳеч нарсa қолмайди. Гунг бўлмоқлик – ҳар қандай иддао, сўздан тийилмоқлик. Зеро, бунда ҳар қандай сўз ортиқча, чунки фақру фано водийсида кўрганларни сўз билан ифодалашнинг иложи йўқ. Карлик – диққат шу даражада Ҳаққа йўналтирилганки, шуур ундан бошқа ҳеч нарсани илғамайди, қулоқлар ҳеч нарсани эшитмайди. Беҳушлик – юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг ҳосиласи ўлароқ юз беради ва ўзида висолни ифодалайди. Яъни висол хушдан ташқарида, беҳушликда рўй беради. Чунки васлга хуш халақит беради, зотан, Ҳақ ошиғи учун хуш ҳам пардадир. Юқоридаги уч сифат фақр билан боғлиқ хусусиятлар бўлса, беҳушлик бевосита фано билан боғлиқ ҳол ва у ўзлигидан батамом қутулган фонийи мутлақ ошиқ мазмунини ифодалайди. Айтиш мумкинки, Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарида акс этган фақр тўғрисидаги бу қарашлар чуқур ва концептуал эканлиги билан аҳамиятлидир. Шунга кўра Навоий учун бу асар дастуруламал бўлган, дейиш мумкин.

Ўз ижодида фақрни жиддий масала сифатида кўриб, унинг образини яратган сўфий шоирлардан бири Мавлоно Жалололдин Румий (1207-1273)дир. Унинг “Девони кабир” ва “Маснавийи маънавий” асарида фақр маслаги ва фақир образига алоҳида ўрин ажратилган. “Девони кабир”да бир воқеабанд ғазал мавжуд бўлиб, у лирик қаҳрамоннинг тушда фақр нурини кўриши тасвири билан бошланади:

*Фақрро дар хоб дидам дўш ман,
Гаштам аз хубии ў мадҳуш ман¹.*

(Мазмуни: Мен фақр (нури)ни тушимда кўриб, унинг гўзаллигидан хушимдан кетдим).

Байтдаги фақрни тушда кўриш ва туш асносида уни англаш – шоирнинг ифода улуби. Бу билан у фақр мақомининг нақадар юксаклигига ишора қилмоқда. Зотан, тасаввуф таълимоти ва Шарқ мумтоз адабиётида тушга катта эътибор берилган. Бадий адабиётдаги қаҳрамонлар билан содир бўладиган ғайриоддий воқеалар, тасаввуфдаги олдин ўтган пирлар билан мулоқот, баъзи сўфийларнинг тариқатга кириши ҳам туш билан боғлиқ ҳолда талқин этилган. Бунинг илдизлари Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га юборилган ваҳийнинг бир қисми туш орқали (ёки туш билан хуш оралиғидаги бир ҳолатда) содир бўлганлиги билан боғланади.

Ғазалнинг кейинги байтларида ушбу мадҳушликнинг сабаби аниқлаштириб борилади. Лирик қаҳрамондаги ушбу ҳолат фақрнинг жамоли, унинг лаъл, яъни қимматбаҳо тош кони эканлиги билан боғлиқдир:

*Аз жамолу аз камоли лутфи фақр,
То саҳаргоҳ будаам мадҳуш ман.
Фақрро дидам мисоли кони лаъл,
То зи рангаш гаштам атласпўш ман.*

(Мазмуни: Фақр жамоли ва лутфининг камолидан мен тонггача мадҳуш бўлдим. Фақрни лаъл конидек кўрдим, унинг ранглари жилвасидан турфа ранг атласга буркандим).

¹ Чалололдини Румий. Девони кабир. Чилди аввал. – Душанбе: Адиб, 1992. –С. 428.

Бу ерда фақр лаъл конига тамсил (ўхшатиш) этилган, яъни тўсатдан лаъл конига дуч келган киши у ердаги ранго-ранг товланишларни кўриб ҳуши бошидан оғиб қолгудек ҳолатга тушгани каби, фақрни тушида кўрган лирик қаҳрамон ҳам айна шу ҳолга тушади. Ғазал давомида фақр лирик қаҳрамонни ишқ, ошиқлик, май, майхона ва майхўрлик сиридан воқиф қилади, яъни унга ошиқларнинг ҳой-хўйларини майпарастлар ичо-ичларининг сабаби равшан бўлади:

*Бас шунидам ҳою ҳуи ошиқон,
Бас шунидам бонги нўшонўш ман.*

Навоийнинг ҳам ишқни фақр билан боғлаб, “Фақр аро андоқ дақойиқдурки ишқ англари ани...” – дея талқин этиши унинг ушбу масалада Румийга яқин туришининг далилидир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ишқ, май ва улар билан боғлиқ рамзий тушунчаларнинг ҳақиқий моҳиятини фақр билан боғлиқликда идрок этганлар.

Мазкур ғазалнинг давомида фақр нурида нақшлар жилосини кўрган ошиқ ўз жонини ҳам нурга чўмган ҳолда тасаввур этганлиги тасвирланади:

*Бас бидидам нақшҳо дар нури фақр
Бас бидидам чоничон дар рўш ман.*

Демак, бу ерда шоир тушдаги бу ғаройибликни қандай қилиб киши вужудига ўтиши мумкинлиги ҳақида гапирмоқда.

Мавлононинг яна бир ғазали фақр машаққати ва фақр ганжиге етиш ҳаммага ҳам насиб қилавермаслиги ҳақидадир:

*Ба роҳи фақр бисёре давиданд,
Ба манзилгоҳ вале камтар расиданд¹.*

(Мазмуни: Фақр йўлига кўплар қадам кўйдилар, бироқ ҳақиқий Манзилга оз кишиларгина етиб бордилар).

Айтиш мумкинки, бу байтдаги мазмун-моҳият Навоий ва Фаридиддун Атторларнинг “Лисон у-ттайр” ва “Мантиқут тайр” асарларининг асосий концепсиясидир. Чунки бу достонларнинг асосий сюжети Худҳуд бошчилигидаги қушларнинг Симурғ маконини излаб аввалбошда кўпчилик бўлиб йўлга чиқишлари, аммо охири фақру фано манзилига етиб келиш улар орасидан озчилигига насиб этиши асосига қурилган. Маълум бўладикки, тасаввуфдаги ушбу принципаал масалада бу учала шоир қарашида фарқланиш йўқ.

“Маснавийи маънавий”да ҳам “Ал-фақру фаҳрий” ҳадиси, ундаги ишора ва мажоз ҳамда Муҳаммад (с.а.в)га хос бўлган бесоялик – кўнгил шаффофлиги сифати талқинига кенг ўрин берилган. Жумладан, унинг “Биринчи дафтар”ида ўқиймиз:

*“Фақру фаҳрий” низ газоф асту маҷоз,
Сад ҳазорон аз у пинҳон асту ноз.*

¹ Ҷалолиддини Румий. Девони кабир. Ҷилди аввал. – Душанбе: Адиб, 1992. – С. 149.

*Чун фанош аз фақр пироя шавад,
Ў Муҳаммадвор бесоя шавад¹.*

(Мазмуни: “Фақру фахрий” ишора ва мажоздир, юз минглаб кишилар ундан азизлик топдилар. Ҳақ ошиғининг фаноси фақр билан зийнатлангач, у Муҳаммад сингари соясиз бўлади).

Юқоридаги парчада “Ал фақру фахрий”ни мажоз ва рамз ўлароқ талқин этиш орқали пайғамбар ҳадисининг тасаввуфий мазмунига йўл очилган. Румий талқинича, мажоз, яъни рамзий ишора орқали фақрнинг фахрлигига далолат қилинган бўлиб, юз минглаб инсонлар Аллоҳ хузурида у туфайли пинҳона азизлик мартабасига эришадилар. Агар солиқ ҳақиқий фақирлик мақомларини эгаллаб, фақр воситасида ўзлигидан кечишга муваффақ бўлса, у Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) сингари бесоялик мартабасига эришади. Бу ерда “бесоялик” – кўнгил шаффофлиги тушунчаси Муҳаммад (с.а.в) нурига тааллуқли бўлиб, фақр нури унинг таркибидан жой олганлигига, яъни у билан биргаликда яратилганлигига ишоратдир. Демак, Румийга кўра, солиқ учун фақрга интилиш бир вақтнинг ўзида Муҳаммад нурига интилишдир.

“Маснавийи маънавий”да фақирликнинг ҳақиқий ва сохта кўринишлари фарқи ҳақида ҳам образли мулоҳаза юритилган. Унда ҳақиқий фақирликдан нур, кўзбўямачиликдан эса зулмат дунёга келиши ҳақида шундай дейилади:

*Он дарвешӣ, ки ў ташнаи худост,
Ҳаст доим аз худояш кори рост.
Лек дарвешӣ, ки ташнаи ғайр шуд,
Ў ҳақиру аблаҳу беҳайр шуд².*

(Мазмуни: Ҳақ дийдори ташнаси бўлган дарвешнинг қиладиган иши доим тўғрилиқдан иборатдир. Аммо ғайриҳақ илинжида юрган сохта дарвеш эса ҳақир, аблаҳ ва хайрсиздир).

Маълум бўладики, агар ҳақиқий фақирлар фақрни Ҳаққа етказувчи восита сифатида тушунган бўлишса, сохта “фақирлар” чин фақирларнинг халқ наздидаги обрў-эътиборидан фойдаланиб, ўз ғаразли мақсадларига эришишни кўзлайдилар. Шоир бу ерда биринчи тоифа фақрларни қадрлаб, иккинчисини қаттиқ қоралайди.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Жалолиддин Румийнинг самоъ пайтида бир дарвеш томонидан фақр нима, деган саволига жавобан айтган ва бизнинг мавзуимизга ниҳоятда дахлдор бир рубойисини келтириб ўтади (таржимаси):

Фақр – жавҳардир, фақрдан бошқаси араздир,
Фақр – шифодир, фақрдан бошқаси беморликдир.
Оламнинг барчаси найранг ва ғурурдир,
Фақр эса, оламдаги сир ва мақсаддир³.

Хулоса қиладиган бўлсак, Жалолиддин Румий а) фақр маслагини Ҳақ даргоҳига олиб боровчи энг яқин маслак, фақрлик мақомини эса Ҳаққа яқин олий даража деб билган;

¹ Чалолиддини Румӣ. Маснавӣ-и маънавӣ. Дафтари аввал. Бо ихтимоми Р.А.Николсон. –Техрон: Али Акбари илмий, 1334. – С. 145.

² Ўша жойда, 170-бет.

³ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдди. 17-жилд. –Тошкент: Фан, 2001. –Б. 328.

б) фақрнинг илдизини ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг “Ал-фақру фаҳрий” ҳадиси билан боғлаган; в) ҳақиқий дарвешларни мадҳ этиш баробарида сохта “фақирлар”-ни танқид остига олган; г) “Девон”идаги лирик шеърларида фақир образини яратишга ҳаракат қилган бўлса, “Маснавий”да фақр мақомининг ғоявий-ирфоний томонларига кўпроқ эътибор қаратган.

Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар”даги машҳур қитъасида ғазалчиликда уч кишининг услуби, анъаналари намуна (эталон) сифатида тан олинганини ва ўзининг ҳам назмда уларга эргашиганини айтилади. Улар “муъжаз баёнлик соҳири Ҳинд” – Хусрав Деҳлавий, “Исо нафаслик ринди Шероз” – Ҳофиз Шерозий, “қудси асарлик орифи Жом” – Абдурахмон Жомий эди. Қитъада Навоий камтарлик билан, ўзини фақат уларнинг издош-эргашувчиси сифатида тилга олган бўлса-да, аслида Навоий ўз ғазалиётида Хусрав, Ҳофиз ва Жомий анъаналарини оддий ўзлаштиришни эмас, балки синтезлашни амалга оширган. Яъни Навоий улар эришган ютуқларни синтез орқали ўзлаштириб юқори поғонага олиб чиққан. Ўз навбатида эса Ҳофиз ва Жомий ижодида синтетиклик тамойили кучли бўлган шоирлар ҳисобланади. Аммо адабиётшуносликда Ҳофиз ўзигача бўлган форс адабиётини синтез қилиб, уни янги босқичга олиб чиққан бўлса, Жомий ўзигача бўлган адабий анъаналарни синтезлаб, форс адабиётининг классик даврига якун ясаган хотималовчи ижодкор сифатида эътироф этилади. Бу ҳақда рус шарқшуноси И.С.Брагинский шундай ёзган эди: “Ҳофиз (эронлик муаллиф Али Даштийнинг ҳақли эътирофича) Хайёмнинг ҳурфикрлилиги, Низомийнинг фалсафий чуқурлиги, Жалолиддин Румийнинг самимияти, Саъдийнинг ўйноқчилигини (Хусравнинг ишқ ёлқини ва мураккаб рамзийликка асосланган услубини ҳам – Н.Р.) синтезлаштириб шеърятни яна бир юқори поғонага кўтарди... Жомий ҳам ўзигача бўлган адабиётни синтезлаштиради, бироқ у, Ҳофиздан фарқли ўлароқ, форс адабиётини яна бир поғонага силжитмади, балки уни якунлади, унга нуқта қўйди”¹. Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиёти тарихида ўзигача бўлган нафақат туркий, балки форсий адабиётнинг ҳам анъаналарини синтез қилган ижодкордир. Зикр этилган қитъада шоир аслида ушбу мазмунни ифодалаган. Бу ҳол фақр талқини ва фақир образини яратишда ҳам кўзга ташланади.

Абдурахмон Жомийнинг ижодига назар ташлайдиган бўлсак, дунё ҳою ҳавасидан кечишга бўлган даъват унинг асарларида жуда кўп учрайди, буюк мутафаккир қарашича, асл инсонийлик дунё ҳою ҳавасидан кечиб, фақр гавҳарига етишмоқликдир²:

*Жомий сенга етар фақр гавҳари,
Мол-мулк ҳирси, дунё ҳавасидан кеч.
Бу эшакмизож ҳирс, шаҳват қуллари
Уйқую таомдан бош кўтармас ҳеч.
Масиҳ сари чекин бир гўша сари,
Бу эшакларни қил бир-бирига дуч³.*

(Эргаш Очилов таржимаси)

¹ Брагинский И.С. Заметки к изучению творчества Джами / Абдурахман Джами. Сб. ст. Эпоха, жизнь и творчество. – Душанбе: Ирфон, 1965. – С. 65-66.

² Қаранг: Рамазонов Н.Н. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий лирикасида фақр талқинининг қиёсий таҳлили // Материалы международной научно-практической конференции “Социально-экономическое и культурное сотрудничество Таджикистана и Узбекистана: история и современность”. Республика Таджикистан, г. Худжанд, 21–22 июня 2019 г. –Худжанд: Нури маърифат, 2019. –С.522–527.

³ Абдурахмон Жомий. Гулшанингда сўлмасин гул (Сайланма). –Тошкент: Фан, 2008. –Б. 281.

Абдурахмон Жомий яна фақр ҳақида сўзларкан, унинг асосий хусусияти ўлароқ кўнгилдан иккиликни чиқариб, Ҳақ ошиғини бирликка (жамъ) эриштириши эканлигини таъкидлайди, бошқача айтганда, фақр – касратдан қутулиб, ваҳдатга эришишнинг энг мақбул йўлидир. У қитъаларидан бирида ёзади:

*Фақр ўрмони – шерлар макони,
Бу ўрмон шери бўл бўлолсанг.
Вужуд тарки – мардлик нишони,
Тарикат эри бўл бўлолсанг.
Иккиликда йўқ жамъ имкони,
Бирликнинг ёри бўл бўлолсанг¹*

(Эргаш Очилов таржимаси)

Ҳам Абдурахмон Жомий, ҳам Алишер Навоий талқинидаги фақр – эҳтиёжсизлик, маънавий-руҳий эркинлик, ҳурлик фалсафаси. Жомийнинг қарашича, нафс инсонни тубанлаштиради, фақр эса маънавий парвозга сабаб бўлади:

*Хожа нафси бадлиги сабаб
Турли-туман таомлар тилар.
Кекирганда бўғзидан, ажаб,
Чиқаради ёқимсиз еллар.
Фақир нонни айронга булаб,
Камтаргина ифторлик қилар.
Парвоз этар қуёшга қараб,
Чунки ундан нур ҳиди келар².*

(Эргаш Очилов таржимаси)

Навоий ҳам фақрга маънавий юксалишнинг асоси сифатида қараганлиги, уни азизликнинг манбаи деб билганлигини биз куйироқда батафсил кўриб ўтамиз.

Хусрав Деҳлавий (1253-1325)нинг ғазал ва фалсафий қасидаларида фақрга алоҳида аҳамият берилади. Шоир тасвиридаги лирик қаҳрамон – ошиқ-фақирнинг ҳиммати шунчалик баландки, у ёр кўйидаги гадоликни – шараф, ишқ ғамини – ганж, ўзини эса ушбу хазина соҳиби – тавонгар деб билади:

*Мабин гадоӣ ман бар дарат, ки аз ҳиммат,
Тавонгарам, ки ғамат ганҷи шойғони ман аст³.*

(Мазмуни: Эшигингда гадолигимни ҳақирликка йўймагинки, ҳимматимдан ғаминг ганжи – бойлигим, ўзим эса бадавлатдирман).

Бошқа бир ғазалда эса ошиқнинг таҳаммул, тааммул, таваккул ҳоллари ҳақида сўз болади ва ошиқ-фақир таваккул эгаси сифатида таърифланади. Жумладан, Хусрав шундай дейди:

¹ Ўша жойда, 273-бет.

² Ўша жойда, 285-бет.

³ Хусрави Деҳлавий. Мунтахабот. – Душанбе, 1960. –С. 107.

*Дам ба дам сўхт асире, ки шикебо набувад,
Дар ба дар гашт фақире, ки таваккул накунад¹.*

(Мазмуни: Дам-бадам куйди асиринг сабр унинг шиоридир; дарбадар кезди фақиринг таваккул унинг қароридир).

Фалсафий мазмундаги “Наёбӣ” (“Топмасанг”) қасидасида ижтимоий, ахлоқий, тасаввуфий масалалар қаламга олинган. Жумладан, ишқ ва ошиқлик ҳақида сўз борганида муаллиф фақрни ишқнинг аввалги шарт сифатида тилга олади ва қалбинг фақр ганжигга айланмасдан туриб, ишқдан бемор қалбингга даво топа олмайсан, дейди:

*Ганчинаи фақр аз дили обод набинӣ,
Ҷондоруи ишқ аз дили бемор наёбӣ².*

(Мазмуни: Обод дилингни фақр ганжигга айлантормасдан туриб, бемор дилиннга ишқдан даво топа олмайсан).

Демак, Хусрав фақрни асосан, ишқ нуқтаи назаридан талқин этган, фақирликни ҳақиқий ошиқликнинг биринчи шарти ўлароқ билган, фақр туфайли ошиқда таваккул, таҳаммул, сабр сингари сифатларнинг зуҳур этиши масаласига урғу берган. Бинобарин, Хусрав идеалидаги ҳақиқий ошиқни фақрсиз тасаввуф қилиш мумкин эмас.

Навоий “ринди Шероз” дея таърифлаган Ҳофиз Шерозий (1325–1388)нинг лирик меросида фақр талқини ва фақир образи алоҳида ўрин тутати. Аммо бу унинг тасаввуфдаги бирор тариқат билан бевосита яқиндан ва давомли алоқада бўлганлиги сабабли эмас, балки ҳол уйғунлиги туфайлидан содир бўлган. Чунки Алишер Навоий “Насойим”да Хожа Ҳофизни тилга олар экан, “маълум эмаски, алар иродат илики бир пирга бермиш бўлғайлар ва тасаввуф тариқида бу тоифадин бирига нисбат дуруст қилмиш бўлғайлар. Аммо сўзлари андоқ бу тоифа машраби била мувофиқ воқеъ бўлубдурки, ҳеч кишига андоқ иттифоқ тушмайдур”³, – дея ёзади. Шунингдек, нақшбандия тариқатининг бир йирик намояндаси “... ҳеч девон Ҳофиз девонидин яшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса”⁴, – деган.

Адабиётшунос олима Н.И.Пригарина ушбу масалада ёзади: “Гарчанд Ҳофиз шеърини “лисон ул-ғайб” номи билан машҳур бўлса-да, унинг тасаввуф билан бевосита алоқаси масаласи ҳанузгача очиқ қолиб келмоқда”⁵. Ж.Лазар Ҳофиз даврига келиб “мистик услуб такомиллашиб, адабий анъана (ҳатто мода)га айланган”ини қайд этади⁶. А.Н.Болдирев эса: “Буюк Ҳофизда тасаввуф фақат манера ва бадиий услуб характеридадир”⁷, – дейди. Демак, бизнингча, мутафаккир шоир ва тасаввуф ўртасидаги ўзаро яқинлик омилини биринчи навбатда *маданий муҳит* ва *адабий анъана*дан излаш тўғри бўлади. Буни ўз вақтида тўғри пайқаган Н.И.Пригарина Ҳофиз шеърининг тасаввуф билан алоқаси илдизлари ҳақида баҳс этаётиб ёзади: «Ҳофиз даври эрон маданиятининг ҳал қилувчи омили тасаввуф (ҳам

¹ Ўша жойда, 167-бет.

² Ўша жойда, 469-бет.

³ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. 17-том. –Тошкент: Фан, 2001. –Б.479.

⁴ Ўша жойда, 480-бет.

⁵ Пригарина Н.И. Образное содержание бейта в поэзии на персидском языке / Восточная поэтика. Специфика художественного образа. –М.: Наука, 1983. –С.101.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Иқтибос Н.И. Пригарина мақоласидан олинди, 107-бет.

унинг фалсафаси, ҳам амалиёти) эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ҳофиз шеърояти қонуниятларини излаш бизни тасаввуф таълимотларига олиб келади»¹. Буни шоир ижодидаги фақр тасвирида ҳам кўриш мумкин.

Ҳофиз фақрни шу қадар юқори қўядики, унинг учун фақр салтанатига етмоқлик энг олий матлаб:

*Агарат салтанати фақр бибахшанд, эй дил,
Камтарин мулки ту аз моҳ бувад то моҳӣ².*

(Мазмуни: Эй дил, агар сенга фақр салтанатини ҳадя этсалар, сенинг камдан-кам давлатинг буюкликда унга тенглаша олади).

Нега шоир фақрга бунчалик катта аҳамият беради? Чунки у ўзидаги мавжуд улуғворлик ва салобатни фақр кароматидан деб билади:

*Давлати фақр, худоё, ба ман арзонӣ дор,
К-ин каромат сабаби ҳашмату тамкини ман аст³.*

(Мазмуни: Ё раб, фақр давлатини доим менинг ҳамроҳим қилгин, чунки у менинг улуғворлик ва салобатим боисидир).

Ҳофиз фақрни аксарият муҳаббат билан чамбарчас боғлиқликда талқин қилади. Шоир наздида фақр ўз кўксининг муҳаббат ганжиге айланиш омилидир:

*Фақри зоҳир мабин, ки Ҳофизро
Сина ганҷинаи муҳаббати ўст⁴.*

(Мазмуни: Ҳофиз фақрлигини фақат зоҳирӣ демагинким, унинг кўкси у (фақр) туфайли муҳаббат хазинасига айланмишдир).

Ҳофизда ҳам Румий, Навоийлар сингари “Ал-фақру фаҳрий” ҳадисига ишора қилинган байтга дуч келамиз. Ишқ кўчасида фақрни фаҳр деб билган ошиқлар салтанат тожини ҳам назарларига илмайдилар:

*Давлати ишқ бин, ки чун аз сари фаҳру ифтихор,
Гўшаи тоҷи салтанат мешиканад гадои ту⁵.*

(Мазмуни: Ишқ давлатини кўрким, гадолигини фаҳр билган ошиқларинг салтанат тожини синдирадилар).

Маълумки, Хожа Ҳофиз ижодида риндлик фалсафаси ва ринд образи муҳим ўрин тутади. Аслида ринд ишқ шаробидан маст бўлиб, беҳудлик мақомига етган ошиқ образидир⁶.

¹ Пригарина Н.И. Индийский стиль и его место в персидской литературе (вопросы поэтики). –М.: Восточная литература РАН, 1999. –С.139.

² Ҳофизи Шерозий. Куллиёт. –Душанбе: Ирфон, 1983. –С. 593.

³ Ўша жойда, 92-бет.

⁴ Ўша жойда, 96-бет.

⁵ Ўша жойда, 497-бет.

⁶ Қаранг: Рейснер М.Л. Предварительные соображения о содержании термина “ринд” в литературе на фарси XI-XIV вв. В кн.: Иран. История и культура в средние века и в новое время. –М., 1980. –С. 76.

Шоир фақр либосини кийиб майхона хизматини қилишни “аҳли давлат” (висол давлатига етганлар) иши деб атайди:

*Рўзгоре шуд, ки дар майхона хидмат мекунам,
Дар либоси фақр кори аҳли давлат мекунам¹.*

Байтдаги “фақр либоси” фақрга мансубликни англатади. Демак, ҳақиқий ринд бўлишдан олдин кишининг фақр бўлиши талаб қилинади. Чунки кўнгилни дунёга машғулликдан тўла холи қилибгина риндлик мақомида ишқ шаробидан буткул мастлик, ақлдан беғоналик (“масти лояъқил”лик) ҳолига етиш мумкин. Айтиш мумкинки, Ҳофизнинг лирик қаҳрамони айнан шундай юксак ҳолга эришган ошиқ образидир.

Навоийда ҳам фақр ва май, фақир ва ринд масаласи қаламга олинган. У май ва майхўрликни инкор қиладиган обид – порсога қарата, агар ичадиган майинг фақр билан мувофиқ бўлса, шурб (май ичиш)дан ҳақталаблигингга ҳеч бир нуқсон етмайди, дейди:

*Шурбдин нуқсон эмас, эй порсо
Фақр ила бўлса мувофиқ машрабинг.*

(ҒС, 276-бет)

Демак, бу ерда илоҳий майдан баҳраманд бўлишдан олдин толиб ўз майхўрлигини фақр билан мувофиқлаштириши шарт эканлиги уқтирилган. Бу ўринда Ҳофизнинг юқорида кўрганимиз, фақр либосини кийгандан сўнггина майхона хизматини қилиш ҳақидаги иқрори билан ўхшашлик мавжудлигини кузатишимиз мумкин.

Ҳофиз фақрни комиллик йўли сифатида билган. Унингча, фақру қаноат тупроғи ғуборининг таъсири “кимёгарлик” амалиёти маҳсулидан-да яхшироқдир:

*Ҳофиз, ғубори фақру қаноат зи рух машўй,
К-ин хок беҳтар аз амали кимиёгарӣ².*

(Мазмуни: Ҳофиз, фақру қаноат ғуборини юзингдан ювмагинки, ушбу тупроқ кимёгарлик амалидан ҳам авлороқдир).

Бу байтда “Кимёгарлик амали” ибораси орқали алхимик (кимёгар)ларнинг мисни олтинга айлантириш мумкин, деган қарашига ишора қилинган. Маълумки, мис қиймати ва хоссалари жиҳатидан олтиндан паст турувчи маъдан. Алхимиклар махсус модда – эликсир (иксири аъзам) таъсирида мисни олтинга айлантириш мумкин, деб ҳисоблаганлар ва ушбу моддани яратиш йўлида изланганлар. Тасаввуф адабиётида эса ишқ айни мана шу афсонавий иксири аъзамга қиёс қилинган ва керак бўлса ундан афзал кўрилган. Чунки кимёгарларнинг иксири аъзам моддасини яратиш йўлидаги ўринишлари хомхаёл, бундай моддани улар амалда яратишга эриша олмаганлар. Фақрдан ҳосил бўладиган натижа эса аниқ. Чунки реал ҳаётда бу йўлни, яъни фақр йўлини тутиб комиллик даражасига эришганлар бўлган. Шунинг учун ҳам Ҳофиз байтда ишқнинг барча босқичларини босиб ўтиб, ишқ ўтида тобланган, яъни ҳақиқий руҳий-маънавий камолотга эришган инсонни олтинга қиёсла-

¹ Ҳофиз Шерозӣ. Куллиёт. – Душанбе: Ирфон, 1983. – С. 429.

² Ўша жойда, 548-бет.

ган. Демак, Ҳофиз наздида фақру қаноат йўлида тупроқ бўлиш натижасида эришиладиган даража миснинг иксири аъзам таъсирида олтинга айланишидан-да афзалроқдир. Ҳофиз ушбу байтда фақр талаблари асосида васлга интилишни кимёгарликка, фақир – ошиқ қалбидаги ишқни эса иксири аъзамга ташбеҳ этиш орқали гўзал образ ярата олган.

Хуллас, Ҳофиз ғазалиётининг маъно ва ғоялар оламида фақр муҳим ўрин тутиб, у асосан, лирик қаҳрамоннинг ҳоли ва ишқда эришган даражасини ифодалаб келади. Май ва ринд мажозий образлари фақр билан биргаликда талқин этилиши ушбу образларнинг янги маъно ва бадиий-эстетик вазифа касб этишига хизмат қилган. Ҳофиз шеърлятида дарвеш – васл талабида фақр йўлига кирган Ҳақ ошиғи образи. Шунингдек, Навоий ҳам фақир лирик образини яратишда Ҳофиз анъаналарига эргашганлигини кўришимиз мумкин.

Навоий ўз вақтида туркий адабиёт, хусусан, туркий тасаввуфий адабиёт намуналаридан хабардор бўлган ва ижоди мобайнида уларнинг энг сараларидаги анъаналарни ижодий ўзлаштирган, дейишимиз учун тўла асос бор.

Тарихдан маълумки, XII аср – Мовароуннаҳр ва Туркистонда мустақил тасаввуф тариқатларининг шаклланиш даври ҳисобланади. Зеро, ушбу минтақадаги йирик мустақил тариқатлар – кубравия, яссавия ва хожагония-нақшбандиянинг шаклланиши айнан шу даврга тўғри келади. Табиийки, ушбу жараён ўзбек тасаввуф адабиётининг шаклланишига ва дунёвий адабиётнинг тасаввуфий руҳ, рамз ва мавзулар билан бойишига олиб келган. Агар эътибор берилса, илк намуналари асосан, тасаввуф ғояларининг ташвиқи ва тариқат қонун-қоидаларининг тарғибидан иборат бўлган ушбу адабиёт тасаввуфий ғоядан бадиий ғояга, ташвиқотдан бадиий инъикосга тараққий қилганлиги кузатилади. Шунингдек, ундаги образ, рамз, белги-ишоралар тизими ўзбек адабиётининг янги мазмун-мундарижа билан бойишига ҳамда унда янгидан-янги ғоя ва мавзуларнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бинобарин, кейинчалик ҳам услуб, ҳам маҳорат, ҳам ғоявий-эстетик кўлам жиҳатидан баркамол ва Навоий томонидан олий сифатида қайд этилган адабиёт ривожига тасаввуф ва тасаввуф адабиётининг ўрни каттадир.

Ўзбек тасаввуф адабиётининг тамалини қўйган машҳур шайх, Навоий таъбири билан айтганда, “Туркистон элининг қутб уд-муқтадоси” Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 1166) нинг “Девони ҳикмат”, “Фақрнома”, шунингдек, яссавия мактаби шоирларидан ҳисобланмиш Сулаймон Боқирғонийнинг “Боқирғон китоби” сингари халқ орасида машҳур асарларда, фақр ҳақиқатлари ва фақру фано маслагига катта ўрин ажратилган.

Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”ида асосан, фақрнинг тасаввуфий мазмунига эътибор берилган. Бироқ ҳикматлар поэтикасининг умумконтекстида образга хос жиҳатларни ҳам илғаш мумкин. “Девони ҳикмат”да фақр Ҳақ ошиғи бўлган лирик қаҳрамон кўнглини ҳақдан ўзгаси (ғайриҳақ)дан тозаловчи иксир; манманлик, риёкорлик, бахиллик, ҳасадгўйлик, беҳаёлик, таъмагирлик в. ҳ. салбий хусусиятларни йўқотувчи ва камтарлик, холислик, жавонмардлик, сахийлик, қаноат, сабр, шукр, таваккул, бағрикенглик каби ижобий сифатларни тарбияловчи асос ўлароқ талқин этилган. Яссавий ақидасига кўра ҳам, фақрнинг тамали Муҳаммад (с.а.в) ва унинг “Ал-фақру фахрий” ҳадиси билан боғлиқдир.

*Олам фахри Мустафо, андоғ айди марҳабо,
Меърож тунинда фахр – фақир йўлин олмишлар¹.*

¹ Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Нашрга тайёрловчи Р.Абдушукуров. –Тошкент, 1991. –Б.82.

Ёки:

*Сажжодага ким ўлтурса фақир бўлсун,
Муҳаммаддек туфроқ сифат ҳақир бўлсун,
Риёзатда ранги-рўйи заҳир бўлсун,
Ҳақ Мустафо эла қоттиғ боққани йўқ¹.*

Яссавий талқинидаги фақир, авваламбор, ошиқдир. Зеро, солиқни фақр йўлига солиб, дунё фароғати, лаззатларидан кечиб, риёзату машаққатларга рўпара бўлишга мажбур этадиган куч – ишқ ҳисобланади:

*Ишқ – подшоҳ, ошиқ – фақир дам уролмас,
Ҳақдин рухсат бўлмагунча сўзлай олмас,
Ҳақ пандини олган дунё излай олмас,
Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим mano².*

Лирик қаҳрамон Ҳақ ошиғи бўлгани учунгина фақирдир, ўз навбатида фақр ундаги ишқ ўтини алангалатиб, ўзгача мазмун бағишлайди. Яъни Ҳақ ишқини подшоҳ мақомида билган ошиқ-фақирнинг иродаси буткул Ҳақ иродасига боғлиқ: у ишқдан ўзгани сўзлай олмайди, Ҳақдан бошқани излай олмайди. Бу эса унинг руҳини арш, курсию лавҳдан ўтказиб, ломаконгача юксалтиради, айнан ўша ерда толиб ва матлуб ўртасида мулоқот содир бўлади. Агар ушбу мулоқотни васл деб оладиган бўлсак ва бунда фақр муҳим рол ўйнаганлигини эътиборга олсак, **фақр васлнинг муҳим шартидир**, деган хулосани қабул қилишимизга тўғри келади.

Ҳикматларда “фақир” ва “дарвеш” истилоҳлари бир маънода қўлланган. Унга кўра, дарвешликнинг асли фақрдир:

*Асли фақир бўлсалар, вужуд шаҳрин кезсалар,
Зоҳир, ботин тузсалар, саодатлиғ дарвешлар³.*

Мазкур байтдаги “тузсалар”, яъни “туз этсалар” – бир хил қилсалар, ботинларини зоҳирларига, зоҳирларини ботинларига ростласалар мазмунини ифодаламақдаки, бундан фақир-дарвешнинг ичи билан ташқариси бир хилда бўлмоғи лозим, аслида қандай бўлса ўшандай намоён бўлмоғи керак, деган муҳим хулоса келиб чиқади.

Тасаввуф таълимотида фақр – риёга кескин зарба берадиган маънавий таянч сифатида тушунилган. Аҳмад Яссавий ҳам бунга алоҳида аҳамият беради:

*Дарвеш бўлсанг тоат қилгил, қилма риё,
Ҳар гўшада тоат қилгил, тангрим гувоҳ,
Ёлғон дарвеш қайда борса зарқу даъво,
Одил подшоҳ тоатларин исён қилур⁴.*

¹ Ўша жойда, 127-бет.

² Ўша жойда, 42-бет.

³ Ўша жойда, 80-бет.

⁴ Ўша жойда, 98-бет.

Одамлар наздида тоату, аслида эса даъводан иборат сохта тоатнинг “Одил подшоҳ”, яъни Ҳақ даргоҳида исён эканлиги маълум бўлади. Фақр ҳар бир иш, жумладан, тоат-ибодат ва Аллоҳга таслимиятни ҳам одамлар кўзича риёкорона эмас, чин дилдан, самимий амалга оширишни талаб қилади. Шу маънода тасаввуф таълимотида фақр инсон ахлоқида риёкорликка қарама-қарши бўлган самимийлик хислатларини қарор топтирувчи муҳим асослардан биридир.

Фақр нуридан баҳраманд бўлган инсонларни Яссавий Ҳақдан улуш олганлар, деб атайди. Унинг таъбирича, бундай кимсалар “фақр тўни”ни киядилар. Бундай тўнни кийган ошиқлар сифати туфроқлик ва муштоқлик бўлиб, ҳатто, малойиклар тилида улар “офоқ” (маънавий оламнинг сарвари) деб аталадилар:

*Ошиқларни сиррин айттим, ёлғони йўқ,
Ёлғон толиб бу йўлларга киргони йўқ,
Ёлғончилар Ҳақдин улуш олғони йўқ,
Улуш олғон фақр тўнин кияр эрмиш.
Фақр тўнин кийган ошиқ бўлур туфроқ,
Зор йиғлабон дийдориға бўлур муштоқ,
Малойиклар от қўярлар онга офоқ,
Андоғ ошиқ элдин қочиб юрар эрмиш¹.*

Мазкур парчадаги “фақр тўнини кийиш” ибораси кўчма маънода қўлланилган бўлиб, у фақр моҳиятига етган, фақрда муайян босқичларни босиб, маълум мақомни эгаллаган киши мазмунини англатади. Бироқ, дарвеш-фақирларнинг том маънода ҳам махсус тўнлари мавжуд бўлиб, у муайян даражани эгаллаган толибларгагина насиб этган. Шу ўринда бу ҳақда Навоий ҳам “Насойим”да Хужвирийнинг “Кашф ул-махжуб”ига асосланиб, фақр тўни ва унга юрун (ямоқ) тикиш қонун-қоидалари ҳақида тўхталиб ўтганлиги², ўйлаймизки, тасаввуфда фақр тўни атамаси ҳам муҳим масалалардан бири эканлигига далилдир.

Аҳмад Яссавийга нисбат бериб келинаётган “Фақрнома” асари ҳам фақрнинг Яссавий ижоди ва яссавия тариқатида тутган мавқеини белгилашда муҳим манбадир. Аммо, токи унинг Яссавий даврига яқин ишончли қўлёзма нусхалари топилмас экан, муаллифлик масаласи баҳсли бўлиб қолаверади³. Гарчанд, баъзилар унинг қатъий равишда Яссавийга та-

¹ Ўша жойда, 123-бет.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / МАТ. 20 томлик. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 219.

³ Гап шундаки, “Фақрнома” типиди асарлар ёзиш бир анъана тусини олган бўлиб, бизгача кўплаб шу номдаги асарлар етиб келган. Булар қаторида Ҳожагий Аҳмад бин Жалолиддин Косоний – Махдуми Аъзамнинг “Рисола ал-фақри савод ил-важҳи фи-д-дорайни” (ЎЗР ФА ШИ, №2352-IX, №3386-VII), Саййид Амир Али Ҳамадонийнинг “Рисолаи фақрият” (ЎЗР ФА ШИ, №2312, №480, №754-XXII, №11016) ва бошқа муаллифлар асарларини мисол сифатида келтириш мумкин. Албатта, “Фақрнома”лар сони фақат шулар билан чекланмайди, бироқ улар орасида Шайх Боязид Бистомийга нисбат берилаётган асар (ЎЗР ФА ШИ, №11812) ўз қурилиши, қаламга олинган мавзулари жиҳатидан Яссавий “Фақрнома”сига жуда ўхшаб кетади. Жумладан, иккала асарнинг ҳам компилятив (йиғма) характери, муаммолари ва унга муносабат, масаланинг қўйилиши ва ечими, иқтибос ва матн парчалари ўртасидаги ўхшашлик улар ўзаро таъсирда яратилган бўлиши мумкин, дея хулоса чиқариш учун асос беради. Бироқ, муаммо шундаки, IX асрда яшаган Боязид Бистомий (ваф. 874)га нисбат берилаётган ушбу асар нусхаси форс тилида бўлиб, ушбу ҳолатда туркий “Фақрнома” форсийсидан илҳомланиб ёзилганини ёки форсийсининг яралишида туркий асар асос бўлганлиги масаласини ҳал қилиш мушкул ва иккала матннинг ўзаро қиёсий таҳлили галдаги вазифалардандир.

аллуқлилиги фойдасига ҳукм чиқаришга мойил бўлсалар-да¹, биз ушбу масалани очиқ қолдирган ҳолда, мавзу нуқтаи назаридангина унга мурожаат қиламиз.

“Фақрнома”да: “Фақирлик мартабаси мақоми аъло турур, ҳар кимга муяссар бўлмас. Ул муршидким, фақрни билмай шайхлик даъвосин қилса, қиёмат куни қаро юзлик бўлуб, шарманда бўлғай”², – дея фақрга шайхликнинг муҳим шартларидан бири сифатида эътибор қаратилган. Асарда фақрнинг ибтидоси Муҳаммад (с.а.в)нинг “Ал-фақру фаҳрий” ҳадиси-га боғлиқ равишда, яъни у кишининг илк бор фақр суратини кўриши меърож тунида содир бўлганлиги билан боғлиқликда талқин этилган. Асарда Ҳақ дийдорига эришиш фақр орқали эканлиги шундай тасвирланади: “Эй Муҳаммад, агар мени тиласанг фақир бўл, тажрид ва тафрид бўлғил ва агар дийдор тиласанг, риёзат тортғил, то манинг жамолимга мушарраф бўлғайсан ва ҳар ким дийдор тиласа, ғайри Ҳақ анга ҳаром турур”³. Унда яна айтилишича, фақр ҳақиқатлари ва фақрнинг қирқ мақоми пайғамбар томонидан Ҳазрати Алига баён қилинган бўлиб, улардан ўнтаси шариатда (имон, намоз, рўза, закот, ҳаж, ҳилм, илм, суннатга амал, амри маъруф, наҳйи мункар); ўнтаси тариқатда (тавба, пирга қўл бериш, лаззат ва шаҳватни тарк этиш, пир хизмати, тажрид, тафрид); яна ўнтаси маърифатда (фано, дарвешлик, таҳаммул, ҳалол талаби, маърифат талаби, дунё тарки, охират ихтиёри, вужуд мақомини билиш, ҳақиқат асрорини билиш); ва яна ўнтаси ҳақиқат (хокроҳлик, яхши-ёмонни таниш, қаноат, базли мавжуд, сайри сулук, сирни сақлаш, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат мақомларини билиш ва уларга амал қилиш)дадир⁴.

Хуллас, Аҳмад Яссавий ижодида фақр мақомининг устунлиги инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Чунки тасаввуфдаги “Худога муҳаббат, охирги нафасгача шу севги ғами билан кун кечириш, тавбаю тазарру, сабру тоқат ва маънавий шижоат, тўғрилиқ ва самимият, нафсни енгиш каби амалларнинг барчаси охир-оқибат фақрлик мақоми билан кесишади-ган бош масала ҳамда талаб ҳисобланади. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг мавзу мундарижаси худди шу ғоя ва масалалар талқинидан таркиб топгандир”⁵.

Аҳмад Яссавийни ўзининг пири-устози, муршиди, ўзини эса унинг муриди деб билган яссавия мактаби вакили Сулаймон Боқирғоний (ваф. Тахм. 1186) Қул Сулаймон тахаллуси билан ҳикматлар битиб, тасаввуф ва фақр ҳақиқатларини талқин этишда ўз муршидига эргашади. Масалан, у фақрнинг ибтидосини ҳадиси набавия билан боғлаган бир ҳикматида фақир ўрнига унинг синоними бўлган дарвеш истилоҳини қўллаб шундай ёзади:

*Расулга ваҳий келди, бошиндан тожин олди,
Қўбти ходимлиқ қилди, дарвешлар суҳбатинда⁶.*

¹ Қаранг: Туркияда яссавийшунослик. Нашрга тайёрловчи Н.Ҳасан. – Тошкент, 1999. – Б.11, 28, 32, 46. Ушбу китобда баъзи муаллифлар чуқурроқ текшириш мумкин (23-бет), баъзилари эса “Фақрнома”даги фикрлар Яссавий томонидан айтилиб, муридлар тарафидан қоғозга туширилган бўлиши мумкин (53-бет) каби тахминлар ҳам илгари сурилган. А.Ўзал тадқиқотида ҳам баъзи манбаларга мурожаат қилинган бўлса-да, Яссавий даврига оид ёки унга яқинроқ бир қўлёзманинг мавжуд эмаслиги сабабли узил-кесил илмий фикр айтилмаган. Қаранг: Ўзал А. Яссавий “Фақрнома”си. – Тошкент: Наврўз, 2014.

² Ҳожа Аҳмад Яссавий. Фақрнома / Девони ҳикмат. – Тошкент, 1992. – Б.10.

³ Ўша жойда, 13-бет.

⁴ Ўша жойда, 11-12-бетлар.

⁵ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. –Тошкент, 1991. –Б.37.

⁶ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул, С.Рафъиддин. –Тошкент, 1991. –Б. 17.

Бундан ташқари, ўз пири сингари фақр масаласига катта аҳамият берган Қул Сулаймон дарвешлар радифли тўртта махсус ҳикмат битган:

*Мунглиғ, ожиз бўлдим ман, нафсни ўздин юлдим ман,
Истадигим бўлдим ман, дарвешларнинг ичинда¹.*

Ёки:

*Йўл бошига келибон, йўлин сургон дарвешлар,
Уқбо хабарин эштиб, йўлга киргон дарвешлар².*

Қул Сулаймон фақр асосини ташкил этадиган, солиқнинг тириклигида дунёни тарк этиб, иззу жоҳни ўзидан қувиб, ўлмасдан бурун ўлиб яна қайта тирилишини илоҳий ишқда деб билади:

*Дунёни тарк қилибон, иззу жоҳни солибон,
Ким тирилгай ўлубон, арода ишқ бўлмаса³.*

Хоразмий ва унинг “Муҳаббатнома”сида тасаввуф таъсири яққол кўзга ташланиб турма-сада, асар хотимасидаги форсий ҳикоят охирида шундай байтларга дуч келамиз:

*Агар дорӣ қаноат дар фақирӣ,
Ба вақти худ ту ҳам шоҳу амирӣ⁴.*

(Мазмуни: Агар фақирликда қаноат эгаси бўлсанг, бир вақтнинг ўзида ҳам шоҳ, ҳам амирлик мартабасига етасан).

Хоразмий ўзигача бўлган форс адабиёти анъаналаридан яхши хабардор бўлган. Асарда Муҳаммад Хўжабек тилидан “Очунда порси (форсий) дафтарларинг (девонинг бор)” дейи-лиши ҳам бунга далолат қилиб турибди. Аммо, афсуски Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”дан ташқари форсий ва туркий мероси ҳанузгача топилган эмас.

XIV аср форс адабиётида эса хуросоний, ироқий, ҳиндий услублар ва мажоз воситасида ҳақиқатни куйлаш тамойили ўзининг энг ривожланган нуқтасига эришган эди. М.Л.Рейс-нер З.Сафога таяниб: “XIII асрда, хусусан, Саъдий, Румий ва Ироқий таъсирида, шунингдек, хонақо шеърятининг ривожланиши оқибатида форсий ғазалиёт услубида дунёвий муҳаб-бат ва ирфоний (мистик) ишқнинг бирлашиши юз берган” лигини ёзади⁵. Ушбу фикрни ли-ро-эпик дostonларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Хоразмийнинг баъзи ишораларидан у мажоз-ҳақиқат тамойилини “Муҳаббатнома”га татбиқ этганлиги маълум бўлади. Масалан, асарнинг сўнгги “Илтимосин айтур” деб номланган қисмида шундай байт мавжуд:

*Муни ким ишқ бирла бир ўқугай,
Ҳақиқат оламини мунда булғай⁶.*

Яъни “кимда-ким Ҳақиқий ишқ нуқтаи назаридан туриб ушбу асарни ўқиса, унда мажоз воситасида ҳақиқат куйланганига амин бўлади”. “Мажоз – Ҳақиқат” услуби асарнинг ду-

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда, 24-бет.

³ Ўша жойда, 16-бет.

⁴ Хоразмий. Муҳаббатнома / Муборак мактублар. –Тошкент, 1987. –Б. 41.

⁵ Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X–XIV века). –М.: Наука, 1989. –С. 154.

⁶ Хоразмий. Муҳаббатнома / Муборак мактублар. –Тошкент, 1987. –Б. 41.

нөвий руҳига путур етказмайди. Аксинча, ушбу тамойил асарни дунёвий мазмунда тушуниш билан бирга ўзгача йўналишда ҳам талқин қилиш имконини беради, холос.

Ҳофиз Хоразмий Навоийгача бўлган туркигўй шоирлар ичида ўз ижодида фақр талқинига қўп мурожаат қилган қаламкашлардандир. Ушбу масала унинг ғазал, қитъа ва рубоийларида кўзга ташланади. Унинг ижодига эътибор қаратилса, ҳатто, бошдан охиригача фақр масаласига махсус бағишланган ғазал ва қитъалар борлиги ҳам аён бўлади (масалан, I китоб 13, 17-ғазаллар, II китоб 576-ғазал, 5-қитъа ва ҳ.к.).

Ҳофиз Хоразмийнинг лирик қаҳрамони ишқ бенавоси бўлиб, фақр билан фахрланиш қисматини орзу қилади:

*Бенавои ишқ бўлиб, ўз муродингдин кечиб,
Фақр бирла фахр этиб, мулки Сулаймон издагил.
Фақр тўнин қадринга лойиқ тилар бўлсанг мудом,
Офтобу моҳтак ўзунгни урэн издагил¹.*

Фақр салтанатини топган гадо тахту тож ва султонга эҳтиёжманд эмас, чунки у фақр мулкини дунё мулкидан ортиқ деб билади. Масалан:

*Асру фақир, агарчи гадою ҳақирман,
Йўқдур кўнгулда шоҳ ила султонга эҳтиёж².*

Ёки:

*Салтанати фақрни топдинг эса,
Не кераги бор санга тахту тож³.*

Ёки:

*Топған кишилар лаззати фақру фуқарони
Зоҳирдағи бу шоҳ ила султонни не қилсун⁴.*

Навоийда ушбу қараш яна ҳам давом эттирилиб, фақр аҳли подшога эмас, балки фақр аҳлига подшо муҳтожлиги баён қилинади:

*Фақр аҳлига подшо муҳтож,
Уйлаким, шоҳга гадо муҳтож.
(ҒС, 99-бет).*

Ҳофиз фақрни ишқ билан мужассамликда талқин қилади. Унингча, фақр хазинасидан ганж топган ошиқнинг қалби ишқ махзанига айланади:

*Ганжи фақр ичраки, чун ганж қарор айлабме,
Ганжи ишқин талаб айланг дили вайронимдин⁵.*

¹ Ҳофиз Хоразмий. Девон. Икки китобда. II китоб. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. –Тошкент, 1981. –Б. 5.

² Ҳофиз Хоразмий. Девон. Икки китобда. I китоб. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. –Тошкент, 1981. –Б. 80.

³ Ўша жойда, 81-бет.

⁴ Ҳофиз Хоразмий. Девон. Икки китобда. II китоб. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. –Тошкент, 1981. –Б. 69.

⁵ Ўша жойда, 81-бет.

Ҳофиз шеърлятида Ҳақиқий фақирнинг рамзи бўлган “палос”, “гилем”, “фақр тўни” сингари рамз-тимсоллар фақир образини гавдалантиришда фаол иштирок этади. Масалан:

*Атласу иксунни кўза илмагай,
Салтанати фақрда кийган палос.
Дамни ғанимат кўра дам ўғли бўл
Ким, бу эрур шукри Ҳақу ҳам сипос¹.*

Ёки:

*Қачон кўзунга, эй Ҳофиз, илинсун дину ҳам дунё,
Гилеми фақрда ҳар кимга тегса ҳукми султоний².*

Ёки кейинги байтда:

*Гилеми фақру фанода шикаста бўлғилким,
Кўнгулни олди қаро зулфининг шикасталари³.*

Бироқ шоир фақрнинг суврати билан эмас, сийрати билан яшашга даъват қилади. Зотан, суратбинлик охир-оқибатда ҳеч қандай натижага олиб келмайди. Гарчанд, дейди шоир қитъаларидан бирида, шакарқамиш ва оддий қамиш зоҳирда бир-бирига жуда ўхшаса-да, уларнинг моҳияти турличадир. Шу сабабли ҳам уларнинг биринчисидан шакар ҳосил бўлади, иккинчиси эса фақат бўйра ясашгагина ярайди:

*Суврати фақру ғиноға йўқтур ҳеч эътибор,
Молсиз кўптур ғанию мол бирла ҳам гадо.
Икки най сувратда бир-бирига ўхшар, вале
Бириндин ҳосил бўлур шакар, бириндин бўр⁴.*

Демак, ҳақиқий фақрда инсоннинг камбағал ёки бойлиги эмас, балки мол-дунёга муносабати, унинг кўнглида мол-дунё севгиси бор ёки йўқлиги муҳимдир. Байтдаги шакарқамиш тимсоли ҳақиқий фақирни ифодаласа, оддий қамиш ўзига фақирлик тусини бергану, лекин кўнгли фақр сафосидан бебаҳра сохтакорни ифодаламоқда. Фақрдан холи “сўфийи софий”лик даъвоси эса ёлғондир:

*Фақрда кечмай ўзидин муддаий хонақоҳ қилиб,
Сўфийи софман теди, лек сафо топилмади⁵.*

Шу жойда юқоридаги байт мазмунидан келиб чиқиб, Алишер Навоийнинг “Фано мақомига еткан солиқ васфидаким, молдин анга зиён йўқтуру жоҳдин нуқсон” сарлавҳали қитъ-

¹ Ҳофиз Хоразмий. Девон. Икки китобда. I китоб. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. – Тошкент, 1981. – Б. 258.

² Ҳофиз Хоразмий. Девон. Икки китобда. II китоб. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. – Тошкент, 1981. – Б. 203.

³ Ўша жойда, 223-бет.

⁴ Ўша жойда, 290-бет.

⁵ Ўша жойда, 154-бет.

асида илгари сурилган қараш масаланинг қўйилиши ва ҳал қилиниши жиҳатидан юқоридаги қитъага ниҳоятда ўхшаб кетишини эслатиш ўринлидир:

*Солики озодани кўрсанг ғаний, қилғай дебон
Мол анинг манъи сулуки қилмағил инкор анга.*

*Кема тийри мол аро бўлмиш муқайяд демагил,
Кўрки, онча мол ўлурму мониъи рафтор анга.*

(ҒС, 542-б.)

Асарларида тасаввуфий руҳ, шу жумладан, фақр маслаги сингдирилган туркигўй шоирларидан яна бири XV асрнинг I ярмида яшаб ижод этган Саййид Қосимийдир. Бу хусусда унинг тасаввуф руҳи билан суғорилган маснавийлари ҳамда “Ҳақиқатнома”, “Мажмаъ ул-ахбор” сингари адабий-дидактик дostonлари айниқса, аҳамиятлидир. Бу маснавийлар ва dostonлар асосан, руҳий покланиш ва маънавий камолот йўлига кирган толибларга мўлжаллаб ёзилгани сабабли муаллиф уларда фақр масаласига алоҳида эътибор қаратган. Саййид Қосимий наздида Ҳақ ишқи билан ёнган ошиқнинг ўзи учун зарурий деб билиши лозим бўлган таянчи фақрдир. “Мажмаъ ул-ахбор”да ўқиймиз:

*Кимки санга лофи муҳаббат урур,
Фақру фано бирла қаноат қилур¹.*

Ёки:

*Шавқу муҳаббат майидин бори маст,
Фақру фано йўлида чун хок наст².*

Шоир наздида фақрлик ихтиёр қилган солик авваламбор ўзини нафс асирлигидан халос этиши керак:

*Нафсу ҳаво илгинда бўлма асир,
Кеч бу ҳаваснинг бошидин, эй фақир³.*

Бунинг учун “мартабаи ан-тамут” касб этиш керак:

*Ҳосил этиб мартабаи ан тамут,
Нафсу ҳаво хирманина урғил ўт.*

Бу байтда “Мавту қабла анта-мавту” – “Ўлмасдан бурун ўлингиз” ҳадисига ишора қилинган ҳолда ўлмасдин бурун ўлиш орқали, нафсни «ўлдиришга» даъват этилмоқда. Бунинг йўли эса фақру қаноат гўшасини ихтиёр этмоқдир:

*Фақру қаноатни қилиб ихтиёр,
Гўшаи узлатда тутуб сен қарор⁴.*

¹ Саййид Қосимий. Мажмаъ ул-ахбор / Маснавийлар мажмуаси. – Тошкент, 1992. – Б. 13.

² Ўша жойда, 45-бет.

³ Ўша жойда, 40-бет.

⁴ Ўша жойда, 36-бет.

Шунингдек, шу асарнинг бошқа бир ўрнида шоир фақрни ҳиммат билан боғлиқликда талқин этади. Маълумки, ҳимматлилик, ҳиммати баландлик эр кишининг дунё молига назар солмаслик, уни “жийфа” – ўлимтик ўрнида кўриш сингари сифатидир. Ҳиммати баланд фақир учун ишқ йўлида гадолик ҳақиқий бадавлатлик, яъни ғанийликдир:

*Ҳар кишиким, ҳиммати бўлса баланд,
Жийфаи дунёга эмас пойбанд.
Фориғ эрур аз ғами мову маний,
Фақр либосида гадову – ғаний¹.*

Навоийда эса “Фақр йўлида ғаний – иймонга бой” сингари эътирофга дуч келамиз.

Қосимий эранлар (камолотда олий мартабага етган кишилар)нинг фақр уммонида ўзларини бемалол тута олишларини айтади. Унингча, ушбу хусусият уларга “мазҳари нури худо”лик мақомини ато этган. “Ҳақиқатнома”да ўқиймиз:

*Эранлар мазҳари нури худодур,
Қачон бир лаҳза ёдидин жудодур.
Эрурлар икки олам подшоҳи,
Қилурлар сайр аз маҳ то ба моҳий.
Муҳити фақр ичинда Нуҳ эрурлар,
Фаришта сувратинда руҳ эрурлар².*

Шунингдек, Саййид Қосимий асарларида фақрнинг қаноат, сабр, ризо, таваккул, шукр, таҳаммул, саховат, футувват сингари яна кўплаб тушунчалар билан алоқасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

XV аср биринчи ярмида яшаб ижод этган туркигўй шоирлар – Атойи, Гадоий (тав. тахм. 806/1403) ва Саккокийлар ижодида ҳам фақир образи яратилган. Жумладан, Атойи “Девон”ида фақр талқини ва фақир образи тасвирига бағишланган алоҳида ғазал ва қатор байтлар учрайди. Масалан:

*Ҳар неча бўлса ёрда кибру анову мартобат
Бандадин оллида ҳамин фақру ниёзу масканат³,*

– матлаъи билан бошланувчи ғазал тўлиқ фақр ҳақиқатлари ва фақирлик фазилатлари тасвирига оиддир. Бу ғазалдан Атойининг фақр моҳиятини унинг воситасида аҳли диллар (ишқ аҳли) қаторидан ўрин олишда деб билиши маълум бўлади:

*Ориф эсанг ўзунга бил фақру фано мақомида
Аҳли дил остонасин тожи сариру салтанат.*

Ирфонни эса шоир “ман арафаҳу” (“ўзингизни англаг”) сулукида ўзликни танишдан иборат деб тушунади:

¹ Ўша жойда, 66-бет.

² Саййид Қосимий. Ҳақиқатнома / Маснавийлар мажмуаси. –Тошкент, 1992. –Б. 163.

³ Отойи. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Э.Рустамов. –Тошкент, 1958. –Б. 38.

*Гар сен ўзингни тонисанг ман арафаху сулукида,
Мулку малак санга бўлур хешу табору мамлакат¹.*

Ушбу ғазалда, шунингдек, фақр воситасида хавфу ражонинг лутфу марҳаматга, жабру жафонинг меҳру вафога, зарару йўқотишнинг манфаату фойдага айланиши ниҳоятда сер-жило бадий бўёқлар воситасида тасвирлаб берилган.

Шунингдек, Атойининг:

*Борча мискину фақиру бекасу бехеш учун
Боқи тутсун тенгри сизни хосса мен дарвеш учун²,*

ҳамда:

*Эй кўнгул, тутқил ўшал соҳибназарлар миллатин,
Кўзга илмаслар фароғаттин Сулаймон мулқатин.
Фақр ичинда подшолар бор сипоҳу тахт ила
Ким, урурлар қудсилар қўкда аларнинг навбатин³, –*

сингари ғазаллар ҳам фақрни таърифу тавсиф этиш мавзуидадир.

Гадоий шеъриятида ҳам фақр анъанавий мазмунга мувофиқ талқин этилган. Шоир ишқ йўлида фақирлик султони оламликдир, деган қарашни илгари суради:

*Ярлиғи ишқинг била султони олам мен бегим,
Нечаким бўлсам фақир, эй ҳусн мулкинда ғани⁴.*

Саккокий талқинича эса Тангри (Ўғон) барча жонзотларни яратиб, уларга ризқу рўз бергандаёқ ҳақиқий ошиқни фақир сифатида яратган ва унга ғаму ғуссадан насиба ато этган:

*Ўғон жонлар яратиб бу жаҳонға рўзи берганда,
Фақир Саккокиға барча ғаму ғусса ато қилди⁵.*

Демак, ғазалда тасвирланишича, фақр ошиқнинг азалий қисматидир.

XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган туркигўй шоирларнинг энг улуғларидан бири, Навоийнинг катта замондоши, ўз даврида “Маликул калом” дея эътироф этилган, Навоий томонидан “мажоз тариқида айтур элнинг устои” дея ижоди юксак баҳоланган шоир Мавлоно Лутфий (тахм. 1366-1465) ғазалларида ҳам фақрга кенг ўрин берилган.

Лутфий лирикасида фақр шоирнинг ишқ концепцияси билан боғлиқликда намоён бўлади. Бинобарин, ёр ғамида ёнаётган шоир ўзига фақирлик сифатини нисбат беради:

*Бўлур юзунг ғамидин чок-чок гул янглиғ,
Не хирқаеким, ани Лутфийи фақир кияр⁶.*

¹ Ушбу ғазалдаги рамз ва тасаввуфий истилоҳлар С.Рафиддинов монографиясида атрофлича шарҳланган. *Қаранг*: Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат (Атойининг поэтик маҳорати). –Тошкент: Фан, 1995. – Б. 42–44.

² Отойи. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Э.Рустамов. –Тошкент, 1958. –Б.128.

³ Рафиддинов С. Ўша китоб, 45-бет.

⁴ Гадоий. Шеърлар. Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. –Тошкент, 1959. – Б. 55.

⁵ Саккокий. Танланган асарлар. Иккинчи нашри. Нашрга тайёрловчи Қ.Муниров. –Тошкент, 1960. –Б. 39.

⁶ Ўша жойда, 88-бет.

Шоир бу байтда ҳақиқий фақир – ошиқларнинг чок-чок хирқасини ўзига нисбат берар экан, уларнинг хирқаси ёр юзи ғамида шу аҳволга келганлигини таъкидлайди. Лутфий лирик қаҳрамонининг фақирлиги истилоҳий мазмундаги, яъни ёрнинг чексиз ҳусну жамоли қаршидаги фақирликдир:

*Жамолу ҳусн ила сен бою Лутфий асру фақир
Закот учун садақангдин наво тилай келдим¹.*

Лирик қаҳрамон ёрнинг закот учун ўз ҳусн мулкидан берадиган садақасига ноил бўлишни олий бахт деб билади. Ушбу неъмат шукронасини фақатгина ширин калом билан адо эта олиши мумкинлигини айтади:

*То дединг лаълинг закоти мен фақирга бўлса сарф,
Шукрини эмди онинг ширин керак қилсам адо².*

Навоий Лутфий шеърларини табъ аҳли қошида ўқиса бўладиган шоирлар сирасига киритади. У табъ аҳли деганда олий адабиётдан хабардор кишиларни назарда тутган. Бунинг учун эса форсий ва туркий адабиётнинг энг илғор анъаналаридан хабардорлик талаб қилинган. Бирор шоирнинг шеърлари олий адабиёт билимдонлари наздида ҳурматга эга бўлиши учун эса бир қатор омиллар, жумладан, шакл ва мундарижа, мазмун ва бадиий ифода бутунлиги муҳим рол ўйнаган. Шунингдек, мажоз орқали ҳақиқатни ифодалаш тамойили ҳам асосий талаблардан бири бўлган. Лутфийнинг фақр орқали ҳақиқий ишқ, фақир образи воситасида ҳақиқий ошиқни ифодалашни унинг шеърлари зукко адабиёт мухлислари томонидан юксак баҳоланишининг омили бўлган, дейиш мумкин.

Биринчи бобда кўриб ўтилган масалалар бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. “Фақир” атамаси Аллоҳнинг сифати бўлган “ал-ғаний”нинг зидди ўлароқ “Қуръон”да зикр этилиб, банданинг муҳтож, тобелиги ва Аллоҳнинг беҳожат, улуғлигини ифодалаб келган (35:15-16). “Қуръон”даги ушбу эътироф мазмунан бетараф бўлиб, ундаги фақр ва фақирлик ҳам моддий, ҳам маънавийга барабар дахлдордир. Аммо кейинчалик фақр банданинг Аллоҳ олдидаги ниёзмандлиги мазмунида кенг талқин қилинганлиги кузатилади.

2. Пайғамбар (с.а.в) ҳадисларида ҳам фақр “Қуръон”га мувофиқ мазмундадир. “Ал-фақру фахрий” – фақрнинг фахрлигига сабаб, унинг банданинг Аллоҳ олдидаги муҳтожлигини ифодалашидир. Гарчанд баъзи олимлар (мас., Ибн Таймийя) “Ал-фақру фахрий”ни ҳадис эмас деган бўлсалар-да, тасаввуф аҳли ва Навоий уни ҳадис дея эътироф этганлар. Ҳадис мазмунида фақр истилоҳи маъно майдонининг кенгайганлигини кўришимиз мумкин. Зеро, моддий маънодаги қашшоқликнинг пайғамбар томонидан қораланганлиги маълум (“Қашшоқнинг ҳар икки дунёда юзи қорадур” ҳадиси в.х.), бинобарин, моддий муҳтожлик фаҳрга сабаб бўлиши мумкин эмас.

3. Шарқ-мусулмон фалсафий тафаккурининг ажралмас қисми бўлган тасаввуф таълимотида фақр тўла маънода истилоҳий мазмун касб этиб, фақр деганда фақат бир маъно – инсоннинг маънавий-руҳоний муҳтожлиги назарда тутилган. Тасаввуфий талқинда фақр – ғайриҳақ (мосуво)га йўқсил ва Аллоҳга ғаний бўлмоқдир. Тасаввуф аҳли мурожаат қил-

¹ Ўша жойда, 149-бет.

² Ўша жойда, 15-бет.

ган ҳар бир соҳада ушбу қараш ўша соҳа эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда татбиқ этилган. Масалан, ахлоқий мазмунда фақр – ёмон (замима) феълларга камбағал, яхши (ҳамида) феълларга бой бўлмоқдир (бунда ёмон феъл – ғайриҳақ, яхши феъл – Ҳақ ёки Ҳақдан тамойили асосида иш кўрилади). Ёки ирфоний мазмунда фақр – Ҳаққа олиб бормайдиган ўй-фикр, илм ва амалларга камбағал, Ҳаққа яқинлаштирувчи илм ва тажрибага бой бўлмоқ в.х. Хуллас, тасаввуф аҳлининг умумий эътирофига кўра, **фақр – Ҳаққа этишга монелик қиладиган барча тўсиқлар (ўзлик, кибру ҳаво, манманлик, нафс талаблари, мол-мулк ва мансаб-жоҳ орзуси в.х.)дан кечиб, кўнгилни Ҳақ назаргоҳига айлантириш билан белгиланади.**

4. Турли тариқатлар таълимот ва тажрибасида фақрнинг тутган ўрни турлича, лекин уларнинг барчасида у ёки бу даражада фақр ғоясига мурожаат қилинган. Нақшбандия тариқатида эса ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Агар бошқа тариқатлар фақрга мақомлардан бири сифатида қарашган бўлса, нақшбандияда фақр камолотнинг асосий йўлидир. Баҳоуддин Нақшбандий ўз таълимотининг марказига фақрни қўйишини йирик шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ҳам тўғри таъкидлаган. Дарҳақиқат Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Порсо, Алоуддин Аттор, Яъқуб Чархий сингари ушбу тариқат вакиллари кўз қарашлари мисолида бунини яққол кўришимиз мумкин. Бундан асосий мақсад эса мутобиъат – пайғамбар суннатида боғланиш эди. Шунингдек, нақшбандиядаги “урвай вусқо”, ҳалол луқма талаби, ҳар қандай шароитда ҳам ўз меҳнати орқасидан кун кўриш ва бошқа тамойилларнинг марказида ҳам фақр туришини эътироф этиш мумкин.

5. Фақру фано образининг Шарқ мумтоз адабиётидаги илдизи ҳам узоқ тарихга эга ва эътиборлидир. Навоийгача бўлган форсий ва туркий адабиётда ушбу образ талқин ва тасвирини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) тасаввуфий ва фалсафий-дидактик талқин; 2) бадий талқин ва тасвир. Шартлилик ҳар иккаласининг ҳам соф ҳолда эмаслиги билан боғлиқдир, яъни тасаввуфий талқин бадийликдан, бадий талқин эса тасаввуфий асосдан холи эмас. Биринчи гуруҳга Саъдий, Аттор, Румий, Яссавий, Боқирғоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Саййид Қосимий асарларидаги фақр талқинларини киритиш мумкин. Ушбу гуруҳга мансуб талқинлардаги асосий хусусият уларда фақрнинг кўпроқ бадий эмас тасаввуфий-фалсафий вазифа бажарганлигидир. Уларда образлиликдан кўра фалсафийлик биринчи планда туради. Иккинчи гуруҳга Хусрав, Ҳофиз, Жомий, Ҳофиз Хоразмий, Атойи, Саккокий, Гадоий, Лутфий сингари шоирлар ва улар асарларидаги фақру фано образини киритиш мумкин. Уларда фақр фақат тасаввуфий-фалсафий эмас, балки бадий ғоя, фақир эса илҳомбахш образдир. Ушбу шоирлар ижодини текшириш натижаларидан фақр мотиви ва фақру фано образининг Навоийгача бўлган форсий ва туркий адабиётда канонга айланган бир ғоя ва образ даражасига кўтарилганлиги маълум бўлади.

2-БОБ. НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ФАҚИР ОБРАЗИ: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ

2.1. ФАҚИР ОБРАЗИНИНГ НАВОИЙ ЛИРИКАСИДАГИ БАДИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ

Навоий лирикаси образлар оламини кузатадиган бўлсак, у ниҳоятда ранг-баранг ва бой эканлигига гувоҳ бўламиз. Унда ошиқ, маъшук, гул, булбул, ориф, шайх, ринд, чаман, хуршид, май, соқий, пир-муршид, мурид, соғар, хожа, қул, боғбон, тикан сингари образларга дуч келиш мумкин. Шулардан бири фақир образидир. Буюк шоир ўз лирикасида бу образни жуда кўп қўллаш баробарида унинг аҳамиятлилигига ҳам кучли эътибор қаратган. Чунки Алишер Навоий учун фақр реал ҳаётда маслак, бадий ижодда эса эстетик идеал мавқеида қўрилган.

Фақир образининг Алишер Навоий лирикаси образлари оламида тутган ўрни ҳақида янада аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун ушбу образ яратилган шеърларнинг умумий кўламини баъзи рақамларда кўриш мақсадга мувофиқдир. Ушбу образ Навоий лирикасида умумий ҳисобда 264 марта қўлланилган. Шундан “Ҳазойин ул-маоний”да 192 марта, “Бадоеъ ул-бидоя”да 114, “Наводир ун-ниҳоя”да 76 марта, “Илк девон”да 58 марта учрайди. Бу яхшигина кўрсаткич, албатта. Лекин, гап фақат сон, рақамларда эмас. Навоий лирикасида фақир образи қайсидир бир образлар билан қиёслаганда камроқ ҳам қўлланилган бўлиши мумкин. Бироқ асосийси бу эмас. Энг асосийси унинг лирик асарда қандай аҳамият касб этганлигидир.

Аммо сон ва рақамлардан баъзи бир муҳим жиҳатларни илғаш мумкин. Масалан, Навоий ушбу образ яратилган шеърларни ёшлик даврида ҳам, ўрта ёшлик, қарилик давларида ҳам бирдай қўллаган. Агар “Илк девон”га улуғ шоирнинг 25 ёшгача ёзган шеърлари жамланганини ҳисобга олсак, у ушбу ғоя ва образ билан жуда эрта танишгани ва ундан ўз фалсафий дунёқараши ва эстетик принципларини ифодалашда фаол фойдалангани маълум бўлади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, “Илк девон”даги талқин ва тасвир билан расмий девонлардаги талқин ва тасвир бир-бирига жуда яқин келади. Яъни Навоий йигитлигидаёқ ушбу образ тасвирида ўзининг беқиёс маҳоратини кўрсата олган. Мисол тарзида “Ҳар гадоким бўрёи фақр эрур кисват анга...” деб бошланувчи ғазал ва:

*Дайр аро бизга ватан сарманзили хаммор бас,
Қибла – бут, сарриштаи фақру фано – зуннор бас¹, –*

ёки:

*Фақр даштида десанг фориғу озода борай,
Кир таваккал билаю ваҳми барбод этгил², –*

сингари етук байтларнинг айнан “Илк девон”дан ўрин олганини кўрсатиш мумкин. Шундай байтлар яна 50^а(БВН[№]181), 55^а(БВН[№]134), 61^а(БВН[№]264), 73^б(ФКН[№]313), 76^а(FCN[№]341), 86^б(FCN[№]367), 94^б(БВН[№]365), 108^а(FCN[№]402) варақлардаги ғазаллардан ҳам жой олган.

¹ ИД, 57^б-В.(ФКН[№]232).

² ИД, 95^б-В.(БВН[№]369).

138^б-варақдаги (кейинчалик FCN[№]13) рубойи ҳам рубойнинг матний тарихини, ҳам шоирнинг фақр талқини тадрижини кузатишга имкон бериши билан қадрлидир. “Илк девон”даги варианти:

Бир айбға гарчи **хасм** қилғай мансуб,
Фақр **эли**дин изтироб эмастур маҳсуб.
Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълени хўб,
Кизб эрса маломат дағи бордур матлуб.

Ушбу рубойи кейинчалик “Бадоеъ ул-бидоя”га киритилар экан, “**хасм**” (душман) сўзи “**халқ**”, “**эли**” сўзи “**аҳли**” билан алмаштирилган (жумладан, “Ғаройиб ус-сиғар”да ҳам) ва қуйидаги кўриниш касб этган:

Бир айбға гарчи **халқ** қилғай мансуб,
Фақр **аҳли**дин изтироб эмастур маҳсуб.
Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълени хўб,
Кизб эрса маломат дағи бордур матлуб¹.

Ушбу ўзгаришга эътиборини қаратган Ё.Исҳоқов уни: “асар стили билан боғлиқ ўзгаришлар”², – сифатида баҳолайди. Бизнинг мавзуимиз учун муҳим томони эса, ушбу ҳолат Навоий даври муҳитида фақр масаласи анча шаклланган эътиборли масалалардан ҳисобланганлигини ва Навоий ёшлигиданоқ ундан яхши хабардор эканлигини кўрсатади. Умри давомида ушбу масала унинг асарлари марказида турганлиги унинг шоир бадиий олами учун нақадар муҳим илҳомбахш ғоя эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Навоийнинг фақр масаласига бунчалик эрта диққат қилишининг сабаби нимада эди? Бизнингча, бу аввало муҳит билан бевосита боғлиқ. Навоий тарбия топган муҳитда фақр ғоясига катта муҳаббат билан қаралган ва маданият, маънавият асоси сифатида кўрилган. Навоийнинг соф биографик характерга эга насрий асарлари буни исботлайди. Биз бу ўринда ушбу асарларни фақрнинг Навоий яшаган муҳит билан боғлиқлигини исботлаш мақсадида бир қур кўздан кечирамиз.

Саййид Ҳасан Ардашер Навоий чуқур ҳурмат қилган шахслардан биридир. “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да у зотга баҳо берар экан, Навоий ёзади: “Бу фақир фуқаро аҳли, дарвешлар ва аҳлулло мулозаматиға кўп етибмен, фақр тариқида алардек оз кўрубмен”³. Бу ҳурмат юзасидан айтилган тавсиф, умумий ёки мавҳум таъриф эмас. Давлат ишларидан истеъфога чиққан Саййид Ҳасан суҳравардия-зайния тариқатининг XV асрдаги муршиди Мавлоно Муҳаммад Табодгоний ҳузурида сайру сулукка ҳам машғул бўлган⁴.

Навоийни фақр сулукига илк тарғиб қилганлардан бири ҳам Саййид Ҳасандир. Навоий бу ҳақда ёзади: “Ва бу фақирни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб кўргузурлар эрди”⁵. Ушбу маълумотлар “Насойим”дан ҳам жой олган⁶.

¹ Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томли. Т.3. –Тошкент: Фан, 1988. –Б.565.

² Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк лирикаси. –Тошкент: Фан, 1965. –Б.34.

³ Алишер Навоий. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. МАТ. 20 томлик. Т. 15. –Тошкент: Фан, 1999. – Б. 99.

⁴ Ўша жойда, 98-бет.

⁵ Ўша жойда, 91-бет.

⁶ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. Т.17. –Тошкент: Фан, 2001. –Б.440.

Навоий таржимаи ҳолига алоқадор ушбу ҳаётӣй факт ғоят аҳамиятлидир. Бундан шу нарсa маълум бўладики, улуғ шоир ёшлигиданоқ ўзига раҳнамо деб билган шахслар томонидан фақрга даъват этилган. Демак, фақр Навоий учун фақат анъанавий (китобий) ғоя эмас, балки ҳаётӣй маслакдир. “Насойим”ни варақлаш ўша давр маънавий муҳитида ушбу маслак сезиларли ўрин тутганлигидан далолат беради.

“Насойим ул-муҳаббат” фақрнинг Навоий замондошлари фалсафий-тасаввуфий қарашларида тутган ўрнини белгилаш нуқтаи назаридан муҳим бир асардир. Асосан Жомий “Нафаҳот ул-унс”ининг таржимасидан иборат бўлган ушбу асар ундан бир неча жиҳатларга кўра фарқланиб туради¹. Жомий ўз асарида замондошларидан фақат Хожа Аҳрорнигина зикр этган бўлса, Навоий 70 дан ортиқ замондош ёки ўзига яқин даврда яшаб ўтган машоихлар ҳақида маълумот берган. Улар тасаввуфнинг, асосан, суҳравардия-зайний, хожагония-нақшбандия ва яссавия тариқатига мансуб сиймолардир.

XV аср суҳравардия силсиласининг боши Шайх Зайниддин Абубакр ал-Хавофий (ваф. 838/1435)дир. Ундан сўнг ушбу тариқат Хуросон ва Мовароуннаҳрда унинг номига нисбат берилиб “зайний” деб ҳам аталгани манбалардан маълум. Зайнийнинг Навоийга замондош машхур вакиллари Мавлоно Табодгоний, Мавлоно Абулхайр, Мавлоно Шаҳобиддин, Мавлоно Важихуддин, Дарвеш Муҳаммад Беҳра, Дарвеш Муҳаммад Гозургоҳий, Мавлоно Муҳаммад Хуросоний, Шайх Садриддин Раввосий, Шайх Яҳё, Дарвеш Саййид Ҳасандир.

Нақшбандиянинг XV асрдаги кўзга кўринган ва “Насойим”да зикр этилган вакиллари Хожа Саъиддин Кошғарий, Хожа Аҳрор, Мавлоно Низомиддин Аҳмад, Хожа Абдулазиз Жомий, Мавлоно Алоуддин, Мавлоно Саъиддин, Мавлоно Ҳожи, Мавлоно Муҳйи, Муқри Маҳмуд, Тожиддин Аҳмад Сижаний, Абдурахмон Жомийдир.

“Насойим”да “мажзуб” дея зикр этилган Бобо Али Хушмардон, Мавлоно Муҳаммад Араб, Бобо Хокий, Бобо Ҳасан Кандаҳорий, Бобо Кўҳий, Бобо Али Масти Нисой, Бобо Хушкелди, Бобо Баҳлул, Бобо Али Пойиҳисорий, Бобо Тиланчи, Бобо Пирий, Бобо Ҳасан Турк, Бобо Жалил, Бобо Шаҳоб, Бобо Сариф Пўлод кабиларни эса яссавия тариқатининг вакиллари дея тахмин қилиш мумкин. Навоий уларнинг тариқавий мансублиги ҳақида ҳеч нарсa демайди, шунингдек, мажзубларнинг силсиласи ва пир-муридлик муносабатлари ҳақида ҳам қайдлар йўқ. Бироқ тасаввуфий қарашларидаги баъзи еълomлар (жазбага алоҳида аҳамият берилиши, жаҳрияга мойиллик) ҳамда “хушкелди”, “тиланчи”, “турк”, “сариф пўлод” сингари туркий сўзлар ва “бобо” эпитетининг улар номига қўшиб ишлатилиши Навоий зикр этган мажзублар яссавия тариқатига мансуб бўлган, дея хулоса чиқаришга имкон беради. Хужвирий ўз даврида тасаввуф аҳлидан бўлган кишилар Туркистонда “боб” деб аталиши ҳақида маълумот берган эди².

Навоийга замондош шайхларнинг “Насойим”да зикр этилган ҳикматли сўзларига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг тасаввуфий қарашларида фақр катта аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Мавлоно Алоуддин (ваф. 892/1487) зикрида муаллиф: “Басе толибларға фақр тариқи талқини қилур эрмиш”³, – дейди. Яъни у тасаввуф йўлига кирган соликларга энг ишончли ва яқин йўл сифатида фақрни тавсия этган. Мав-

¹ Бу ҳақда қаранг: Рамазонов Н. “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир / Навоийнинг ижод олами (Мақолалар тўплами). –Тошкент, 2001. –Б. 157–182.

² Абулҳасан Али бин Усмон Хужвирий. Кашф ул-маҳжуб. Форсий илмий-танқидий матн, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи В.А.Жуковский. –Л., 1926. –Б. 301.

³ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. Т.17. –Тошкент: Фан, 2001. –Б. 398.

лоно Шаҳобиддин (ваф. 899/1494) эса: “Дарвешлик ва фақр тариқи сулукида бийик ҳолоти воқеъотқа етиб эрди”¹.

Навоийга замондош сўфийларнинг фақрга доир қарашлари фақат назарий бўлиб қолмасдан, балки уларнинг кўплари фақр талабларига кундалик ҳаётда ҳам амал қилганлар. Масалан, Навоий Мавлоно Ҳожи (ваф. 899/1494) ҳақида сўзлар экан, қуйидагиларни қайд этади: “Йигитликда тамаввул (мулкдор – Н.Р.) ва моли бор эрмиш. Барчасин дарвешларга ва фақр аҳлига сарф қилибдур”². Бироқ, унинг Хуросон сиёсий ҳаётидаги таъсири умрининг охиригача сақланиб қолганлигига далолат қилувчи баъзи фактлар бор (Хусайн Бойқаронинг тахт учун курашида Бобо Хокийнинг маънавий қўллаб-қувватлаши).

Навоий фақр аҳлидаги истиғно ҳоли, яъни ташқи оламнинг унга дахл қила олмаслигини Хожа Авҳад Муставфийда кўрган. Ушбу шахс зикрида ўқиймиз: “Хукком (ҳокимлар – Н.Р.) анинг хизматиға борурлар эрди ва маорифидин баҳраманд бўлур эрдилар, аммо ўзининг фақр истиғноси онча бор эрдик, ул элнинг келган-келмагани ҳиммати назарида аласавия (бир хил – Н.Р.) эрди. Бу ҳақир борасида кўп қатла фотиҳалар ўқуб, хайр дуоси қилибдурлар. Умид улдурки, ижобат асари зоҳир бўлғай”³. Яъни Навоий фақрни ўзлари учун дастуриламал қилиб олган кимсаларни шахсан таниган, улар билан мулоқотда бўлишга интилган, уларнинг ўзи ҳақида билдирган фикрларини қадрлаган. Бинобарин, XV аср ша-роитида фақр фақат тасаввуфий тамойил эмас, балки ҳаёт тарзи, ахлоқий категория эди. Шу сабабли ҳам муаллиф Хожа Рукниддин Меҳна ҳақида ёзар экан: “Фано ва фақр тариқла-рида ғолиб воқеъ бўлуб эрди”⁴, – дейди. Бунда “тариқ” тасаввуфий сулук маъносида эмас, балки яшаш тарзи, дунёқараш шакли, хулқ-атвор ва ҳаётга муносабат усули мазмунида қўлланган.

Хуллас, “Насойим”да Навоий тасаввуфий дунёқарашининг синтетик характери ва бу-нинг сабаблари, айниқса, яққол намоён бўлади. Нақшбандияни Ҳақ ва ҳақиқатшуносликда бошқалардан мукамалроқ, деб билган Навоий битта тариқат доирасида чекланиб қол-масдан ўзигача бўлган тасаввуф таълимотининг барча илғор томонларини ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Бу ҳол фақр масаласида ҳам кўзга ташланади. XV аср Хуросон ва Моваро-уннаҳрда фаол ҳаракатда бўлган суҳравардия, нақшбандия ва яссавия тариқатлари фақр масаласида яқдил эдилар. Бунини ушбу тариқатларнинг ўша даврдаги вакиллари томонидан фақр ҳақида билдирган фикрлари ва Навоийнинг фақр маслагига улар қандай даражага етганлари тўғрисидаги қайдлари кўрсатиб турибди.

Навоийнинг сўнгги насрий асари – “Маҳбуб ул-қулуб”нинг биринчи қисм, охириги фасли “Дарвешлар зикрида”, деб номланган. Унда улуғ мутафаккир дарвешга таъриф берар экан, унинг олдиға “ризоандеш”лик ва “маломаткеш”лик, содиқу фонийлик ва ўзини қандай бўл-са шундай кўрсатишлик талабларини кўяди. Шунингдек, ҳақиқий дарвеш кўнглини кибру ҳаво (аноният) чангидан қаттиқ риёзатлар билан тозалаган бўлиши, нафс исканжасидан чиқиб, фақр тариқиға кирган бўлиши лозим: “Аноният ғилзатиға қотиқ риёзатлар била сафо бермиш бўлғай ва нафсоният шиддатидин азим мужоҳадалар била чиқиб, фақр та-риқиға кирмиш бўлғай ва фано дор ул-амони жамоатхонасиға етмиш бўлғай”⁵. XV асрда

¹ Ўша жойда, 399-бет.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда, 404-бет.

⁴ Ўша жойда, 406-бет.

⁵ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 томлик. Т. 14. – Тошкент, 1998. – Б. 6.

дарвешлар жамиятнинг бир бўғини бўлган, бинобарин, Навоий ҳам уларни подшо, вазир, аскару сипоҳий, давлат хизматчилари, мударрислар в.х. сингари ижтимоий гуруҳлардан бири сифатида зикр этади. Уларнинг жамиятда ўз ўрни, муайян вазифалари бўлган. Ушбу вазифа, асосан, фақр талабларига содиқ қолган ҳолда ўз нафсларини жиловлаш ва шу орқали инсонларга ўрнатилган кўрсатишдан иборат бўлган. Бу эса ўша даврнинг нафақат маънавий, балки иқтисодий-сиёсий ҳаёти учун ҳам муҳим эди. Навоийнинг талаб ва танқидлари уларнинг жамият олдидаги ўз вазифаларини тўлақонли бажаришларига қаратилгандир.

Бу борада ўша даврда ҳам муайян бузилишлар содир бўлган кўринади. Чунки муаллиф дарвешларни табақа сифатида зикр этар экан, ич ва таш, зоҳир ва ботиннинг бир хил бўлиши лозимлигига қайта-қайта урғу беради: “Ичи таши била мувофиқ, балки ортиғроқ, ботини зоҳири била мусовий, балки ёруғроқ. Агар зоҳирида ботин ихфоси учун кўрунса ғашлиқ андин муроди бўлса маломаткашлиқ. Ботини софий, зоҳир тийралиги кони мунофий”¹. Юқоридаги парчада маломатийлик излари яққол сезилади. Навоий дарвешга ботинидаги ҳол ва мақомни саломат сақлашнинг усули сифатида маломатийликни тавсия этади. Маънавий ҳол ва даражани яшириш, дахлсиз сақлаш учун эса зоҳирда кишилар диққатини тортмайдиган, ҳатто, уларда ҳурмат ҳисларини эмас, аксинча, нафрат туйғуларини туғдирадиган қиёфага эга бўлмоқ лозим. Чунки зоҳир тийралиги (нопокизалиги) ботин софлигининг кафолатидир. “Эранлар ҳоллари суратин ёшурубтурлар ва маломат суратида наъли болгуна урубтурлар ва зоҳирлари биносин бузубтурлар ва ботинлари асосин тузубтурлар”².

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да фақрнинг фақат назарий-тасаввуфий эмас, амалий-ахлоқий жиҳатларига ҳам эътибор қаратади. Масалан, муаллиф ризо, таслимни дарвешнинг мақомлари сирасида санаса, адаб, тавозеъ, дўсту душманга фақат яхшилик соғинишни унинг ахлоқий принциплари (ойин) сифатида кўрсатиб ўтади:

“Ризову таслим зовияси – мақомлари, фақру фано бодиясида оромлари. Адабу тавозеъ аларга кеш, душману дўстига некандеш. Бу сифат ва ойин ила бўлгон эрур дарвеш”³.

Ушбу фасл охирида Навоий ўзи учун ҳам шундай мартабани истаб ёзади:

*Ё рабки, фано қушини ромим айла,
Ромим демайманки, сайди домим айла.
Ҳам фақр тариқида ғиромим айла,
Ҳам зовияи фано мақомим айла.*

Хуллас, “Маҳбуб ул-қулуб”даги фақр талқинида фақрнинг ижтимоий моҳиятига урғу берилганлиги айниқса, аҳамиятлидир. Шарқ мусулмон анъанавий ҳаёт тарзида фақр фақат тасаввуф назарияси билан боғлиқ масала бўлиб қолмасдан, теран ижтимоий моҳиятга эга бир ғоядир. “Маҳбуб ул-қулуб”да дарвешларнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар қаторида алоҳида тилга олинishi буни яққол кўрсатиб турибди.

*Юзунг қурси қамар муҳтож анга мен,
Гадо, андоқки, бўлғай нонга муҳтож.*

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

Фано майхонасида қил гадолиғ,
Десангким, бўлмайин султонға муҳтож.

(БВ, 95-с.)

Олдинги байт умумфалсафий моҳиятга эга бўлиб, мазмуни кейинги байтга кўра мавҳум. Бироқ у кейинги байт учун асос вазифасини ўтаган. Кейинги байт олдинги байтдаги фалсафий тушунчанинг талқинидан иборатдир. Навоийнинг ушбу усулини Шайхзода тадриж (“нагнетание”) истилоҳи билан ифодалайди¹. Ё. Исҳоқов эса буни “муҳокама, мулоҳаза типдаги ғазалларда мантиқий изчилликни таъминлайдиган куч”² сифатида баҳолайди.

Шунингдек, Навоийнинг фақр концепти талқин қилинган ва фақир образи яратилган ғазаллари кўздан кечирилганда ушбу образ қўлланилган байтлар аксарият ҳолларда ғазалларнинг мақтаи, яъни охириги байти ёки мақтаъдан олдинги кульминацион байтда келганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу нимани англатади? Одатда, мақтаъдан олдинги байтда ғазалда қаламга олинган мавзу, масала, ғоя энг авж нуқтага кўтарилади, ғазалда қўйилган бадий-эстетик, фалсафий муаммо ўз ечимини топади. Бундай байт поэтик тугаллик нуқтаи назаридан мукамал, маъно (семантика) нуқтаи назаридан бошқа байтларга қараганда энг юксак даражада автоном мавқега эгалиги сабабли *бегона байт* номи билан ҳам машхур. Ғазалда байтларнинг мустақил мавқега эга бўлиши бир қонуният тусини олган бўлиб, Саъдий ижоди билан бошланган ушбу жараён XIV–XV асрлар шеъриятида (айниқса Ҳофиз ижоди мисолида) авж нуқтасига кўтарилган³. Айтиш мумкинки, айнан ушбу байтлар ғазалнинг бадий-эстетик маркази ҳисобланади. Буни баъзи тадқиқотчилар «маъно доминантаси – денотат» (Шарқ терминологиясида – *нукта*), баъзилар эса «фокус нуқталари» (бунда «фокус тушунчаси ёки ғояси» – ғилдирак втулкаси, образлар мажмуи; сўз ўйинлари ва маъно қирралари эса спицалар сифатида тасаввур қилинади) дея талқин қилишган. Мақтаъда эса лирик қаҳрамоннинг масала моҳиятидан келиб чиқадиган хулосавий нуқтаи назар акс этган бўлади. Фақир образи яратилган ўринлар лирик асарнинг айтганимиздек, бадий-эстетик марказидан ўрин олиши, хулосавий нуқтаи назар акс этадиган байтларда қўлланилиши ҳам ушбу масаланинг Навоий лирикаси учун қанчалик даражада эстетик идеал сифатида аҳамият касб этганлигининг яна бир далилидир.

Энг асосийси фақир образи қўлланган ўринлар аксарият лирик асарнинг авж нуқтасида ўзида жуда катта маъно юкланган ҳолатда келишидир. Навоий уларни шундай бир ўринларда қўллаганки, айти шу нуқтани таҳлил қилиш, унинг туб моҳиятини англаш билан бутун бир асарни тушуниш мумкин бўлади. Бу эса Навоий лирикасида фақир образининг бадий-эстетик мавқеи бошқа бир образларники билан қиёслаганда юқори ўринлардан бирини эгаллашини кўрсатади. Адабиётшунос А.М.Мирзоев ғазалда ахлоқий, фалсафий, тасаввуфий, дидактик ва бошқа масалалар кенг қамраб олинганлигини қайд этади⁴.

¹ Қаранг: Шайхзода М. Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида. *Тўпламда: Ўзбек адабиёти масалалари*. – Т., 1959. Б.246.

² Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983. Б.56.

³ Қаранг: Мирзоев А.М. Рудаки и развитие газели в X–XV вв. –Сталинабад: Таджикгосиздат, 1958. –С.58–59; Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. –М.: Наука, 1982. –С.59; Пригарина Н.И. Индийский стиль и его место в персидской литературе (вопросы поэтики). –М.: Восточная литература РАН, 1999. –С.140–163; Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X–XIV века). –М.: Наука, 1989. –С.34–49.

⁴ Мирзоев А.М. Камал ад-Дин Бинои. –М., 1976. –С.255.

Биз ушбу фаслда фақир образининг ўзлик, шукр, ризо, таваккул, сабр, қаноат сингари тасаввуфий тушунчаларни ифодаладиган асосий истилоҳлар билан боғлиқликдаги талқинларини кўриб чиқамиз.

Ўзлик – тасаввуф таълимотида кўп қўлланиладиган, ўзида муҳим бир маъно ташийдиган асосий истилоҳлардан бири ҳисобланади. Бу сўз нафақат тасаввуф, балки психология, фалсафа фанларининг ҳам объекти. Ўзлик деганда аввало, бирор-бир инсон ёки предметнинг фақат ўзигагина хос бўлган жиҳатлари тушунилади. Айтиш мумкинки, агар ўзига хос бўлган мазкур жиҳатлар бўлмаса ўша предмет ёки инсон бўлмайди. Мана шундан ҳам унинг нақадар муҳимлиги аён бўлади. Тасаввуфда эса ўзлик кўпроқ бош қаҳрамон ҳисобланмиш солиқнинг бу ҳаётдаги мавжудлигини англатади. Бинобарин, солиқ ҳам ҳамма инсонлардек бир инсон. Унинг ҳам жисми бор. У ҳам ҳамма каби яшайди. Инчунин, унда ҳам нафс бор, яшаш учун кураш унга ҳам хос. Бироқ яшаш билан яшашнинг фарқи бор. Кимнингдир қисматига бу дунёдан шунчаки ҳамма қатори яшаб ўтиш ёзилган бўлса, яна кимнингдир қисматига “ўлмасдан бурун ўлиш” натижасида Ҳақ деб аталмиш энг улуғ зотни мушоҳада ва мукошафа айлаш, унга интилиб яшаш ёзилган бўлади. Энг қизиғи шундаки, бу ҳақида қанча кўп ёзилган, қанча кўп гапирилган бўлмасин, уни ҳар бир солиқ ўз бошидан яна такрор ўтказиши лозим бўлади. Бу эса осон иш эмас. Бунинг учун ундан ўзликдан кечиш, кеча олиш, у учун ўзида куч топа олиш талаб этилади. Шунинг учун бу йўлни ҳаётда гарчи кўп инсон хоҳласа-да, унга эришиш камдан кам одамларагина насиб этади. Чунки ўзликдан кечиш оғир, бу ҳаётда унинг дўзах азобиданда оғир машаққатларига дош бериш керак бўлади. Нафақат бу каби машаққатларга дош бериш, балки мана шундай оғир азоблардан лаззатлана билиш, бунинг учун унга шукроналар қилиш, тўғрироғи қила олиш бахтига ҳам эришиш лозим бўлади. Оддий одамни бу дунёда ушлаб турадиган нарсаси унинг нафсидир. У бу ҳаётда шунчаки ўткинчи ҳою ҳаваслар, орзу умидлар билан қаноатланиб яшайди. Аслида мана шу зоҳирий ўзликдир. Бундан айрилиш эса оддий одам учун ўлим билан баробар. Гарчи у хоҳласа ҳам бундан айрилишнинг иложини қила олмайди. Юқорида айтганимиздек, солиқ ҳам бошланишида оддий одам. Яна такрор бўлса ҳам айтиш керакки, унинг ҳам ҳамма қатори ўзлиги бор. У ўзи танлаган йўл сари интилар экан, бунинг учун унинг олдига аввало, мана шу ўзликдан кечиш, кеча олиш масаласи туради. У бундан қанчалик тез ва осон қўтилса, кўзлаган манзилига етиш шунчалик тез ва осон бўлади. Акс ҳолда эса бунинг иложи йўқ.

Солиқнинг асосий мақсади Ҳаққа етиш бўладиган бўлса, бунинг учун унинг олдига ўзликдан кечишдек оғир масала шарт сифатида туради ва ундан тўғри йўл танлай билиш талаб этилади. Шундай тўғри йўл сифатида тасаввуфда фақр йўли эътироф этилган. Фақр нима? Бир сўз билан айтганда у восита, кўприк. Бинобарин, ундан фойдаланилади. Ўзлик эса маълум бўлганидек ўз номи билан мавжудлик, борлик. Солиқдан уни йўқотиш, ундан кечиш талаб этилади. Восита сифатида эса фақр кўрсатиляпти. Охир-оқибатда шундай бўладики, фақр йўли билан ўзликдан кечишга эришган солиқнинг фақр ўзлигига айланади. Буни бир ноёб кимёвий реакцияга таққослаш мумкин. Ушбу реакциянинг ҳосиласи ўлароқ фақрни ўзлигига айлантирган инсон пайдо бўлади. Бундай инсондан ўз-ўзидан фақр нури порлайди. Бу инсон Ҳаққа эришган инсон ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам фақр “иксири аъзам” – мисни олтинга айлантирадиган афсонавий моддага ташбих қилинган. Демак, фақр йўли ўзликни енгиб, унинг ўрнига мавжуд бўладиган ноёб ҳодисадир. Ўзлик ва фақрнинг тасаввуфдаги ўзаро муносабати деганда мана шу нарсаси тушунилади.

Навоий солиқнинг фақр йўлида “қадам ура олиши” – фақирлик манзилларини эгаллашини тўғридан-тўғри ўзлик юкидан кечиб, ўзни сабукбор (енгил) айлашга боғлиқ ҳолда талқин этади:

*Давлати фақру фано вобастаи тавфиқ эмиш,
Бўлмади ҳар неча жидду жаҳд изҳор айладим.*

*Эй Навоий, фақр йўлинда уро олдим қадам,
То солиб ўзлук юкин, ўзни сабукбор айладим.*

(НШ, 315-б.)

Навоий фақр ва тавфиқни бежиз ёнма-ён қўймаган. Фақр – тавфиқ, асл, азалий фитрат билан боғлиқ тушунча. У касб қилинадиган, жидду жаҳд натижасида йўқдан бор бўладиган нарса эмас, инсон қисматида унинг тийнати ва фақр билан мувофиқлик бўлиши керак. Шунинг учун ҳам фақр тамкин билан боғлиқ ҳол ҳисобланади. Буни Муҳйиддин ал-Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам” асаридаги қайдлар ҳам тасдиқлайди. Чунончи “Фусус”нинг “Мусо фасси”да Ибн Арабий бу хусусида шундай ёзади: “Энди (Мусо) Мадянга келди. (Шуайбнинг қизларидан бўлган) икки жорияни кўрди(ки, улар қўйларини суғора олмай бир четда турар эдилар). Ҳеч бир ажрдан умид қилмай уларга беғараз ёрдам кўрсатди (қудуқ оғзидаги улкан тошни суриб, уларнинг қўйларини суғориб берди). Сўнгра зилли илоҳийга таважжуҳ этди (бир дарахт соясига бориб ўтирди). Ва нидо қилди: “Ё Раббий, мен, ўзинг мен учун нима яхшилик туширсанг, ўшанга фақирдирман” (Қасос сураси, 24-оят). Натижада ўзининг солиҳ амали (беғараз ёрдами)ни Аллоҳ таолонинг ўзига туширган яхшилигининг айнига айлантирди ва ўзини ушбу хайрда кўрди ва Аллоҳга фақр ила илтижо айлади”¹.

Бу ерда Мусо билан боғлиқликда келтирилган ҳар бир деталь – кимсасиз чўл, қўйлар, иккита ёш, ҳали эсини танимаган жория қизлар, қудуқ, қудуқ оғзидаги катта тош, дарахт, унинг сояси – буларнинг ҳаммаси рамз. Оддийгина кимсасиз чўлни оладиган бўлсак, бу ҳам Мусо қилаётган ишнинг ҳеч ким кўриб турмаганлигига ишора. Агар Мусо шу ишни одамлар бор жойда қилганида бу унинг ўзлигига ишора бўларди. Ёки кимсасиз чўлнинг яна бир маъноси бу ҳаёт ниҳоятда оғир бўлган жой рамзи, агар Мусо бу ишни чўлда эмас, бошқа бир ҳаёт нисбатан енгил бўлган жойда амалга оширганда, ёки бу чўл эмас, Мусодан бошқа одамлар ҳам мавжуд бўлган ва бу ишни бошқа бир инсон ҳам амалга ошириши мумкин бўлган жой бўлганда эди бу ишнинг қадри у қадар катта бўлмаслиги мумкин эди. Хуллас, бу ерда ушбу рамзларни жуда кўп шарҳлаш мумкин. Бироқ энг муҳими юқоридаги парчада Мусо икки жориянинг (улар аслида Шуайбнинг қизлари эдилар) қўйларини суғориб беради ва бунда у ҳеч бир ғараз, бу ёки у дунёда ажр-мукофот тамаида бўлмайди. Масалан, Мусо (а.с.) бу ерда жорияларга ёрдам бераётганда улардан хизмат ҳақи талаб қилишни хаёлига ҳам келтирмади ёки улардан қўрққанидан мажбуран ёрдам бергани йўқ ёки шу ишни қилсам менга маҳшар кунида савоб ёзилиб жаннатга тушаман деган умидда ҳам бу ишни қилмади, шунингдек, уларга ёрдам бермасдан бир четда қараб ҳам тургани йўқ. Агар улардан бирор-бир хизмат ҳақи эвазига ёки жаннат умидида уларга ёрдам берганида, ёки қўрқув остида мажбур бўлиб шу ишни қилганида ёки умуман ҳеч бир ёрдам қилмасдан қараб турганида булар унинг ўзлиги фой-

¹ Аҳмад Авни Қўнуқ. “Фусус ул-ҳикам” таржима ва шарҳи. IV жилд. –Истанбул, 1992. –Б. 173.

дасига ҳисобланган бўлар эди, бироқ бу ерда Мусо буларнинг бирортасини ҳам хаёлига келтирмаган ҳолатда оғир тошни суриб, жорияларга хизмат қилиши бу унинг ўзлигини фақрга алмаштирганлигининг мисолидир. Демак, тасаввуфда ўзликнинг фақр билан ўзаро муносабати мана шундай бир катта аҳамиятга эга бўлган асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Навоий бу масалага ўз лирикасида катта аҳамият қаратган. Масалан, шоир фақр йўлига қадам қўйган одамга қарата энди бу йўлга кирдингми, ўзликдан кечгил, бу сен учун жуда ҳам оғир юк, фақр йўли эса узундан узоқ, агар сен бу узоқ йўлни бу оғир юк билан ўтмоқчи бўлсанг тоясан, йиқиласан дейди:

*Фақр водийсида чун урдунг қадам ўзлукни сол,
Йўл узундур, бу оғир юкни кўтарган товшалур.*

(ФК, 107 б.)

Ёки кейинги байтларда бу янада очиқроқ намоён бўлади:

*Фақр водийсиға кирган ташласун ўзлук юкин
Ким, қилур йўл қатъин осонроқ неча бўлғай енгил.*

(Н.Ш. 273-б.)

Ёки:

*Эй Навоий, фақр йўлида бурун ўзлукни сол
Ким, бу йўлда пўяға монеъдур ул ортуқси юк.*

(БВ, 237-б.)

“Пўя” аслида отнинг ўртача тезлик билан бир маромда йўртишидир. Байтда эса у фақр йўлига кирган ошиқнинг камолот йўлидаги машаққатли одимлаши маъносида келган. Шоир ушбу байтда фақр йўлидан юришнинг аввалги шарти ўлароқ ўзликдан кечиш талабини қўймоқда. Чунки бу тўхтамга кеч келинса, унинг фойдаси бўлмайди, сабаби от чарчаб юришга яроқсиз бўлиб қолгандан кейин уни асл ҳолига қайтариш, ҳатто, имконсиздир.

Шамол турганда жисмларнинг осмонга учиш имконияти пайдо бўлади. Аммо ушбу жисм оғир бўлса, ўзига қўшимча, кераксиз нарсаларни илаштирган бўлса бу ҳолатда унинг имкониятдан фойдаланиши қийин кечади. Чунки уни шамол юки билан кўтара олмайди. Байтда “фано ели” мана шундай илоҳий имконият маъносида келган. Бу имкониятдан солиқ фойдаланиши учун ўзлик юкини ташлаши керак. Шундагина у фано ели воситасида масофани ортиқча қийинчиликларсиз муваффақиятли босиб ўтиши мумкин.

Кейинги байтда ўзликдан кечиш тупроққа айланишга қиёсланган. Тупроққа айланиш эса бу йўқ бўлиш демакдир. Демак, “фано ели етгач” руҳ юксак маънавий мақом (уруж)га етишини истасанг, дейди шоир, сен бурун ўзлигингни фақр кўйида тупроққа айлантиришинг керак:

*Истасанг етгач фано ели санга бўлғай уруж,
Фақр кўйида бурун қилмоқ керак сен ўзни хок.*

(БВ, 235-б.)

Мутафаккир шоирнинг фикрича, фақр ичра ўзлигидан кечиш фонийлик белгиси, чунки фанодан баҳраманд бўлган кишининг ўзлигидан кечиши, яккаю ёлғиз (фард) бўлиши табиий ҳолдир.

*Фақр ичра, не тонг, ўзлукидан кечса Навоий,
Фард ўлди фано шевасидин баҳравар ўлган. (БВ, 342-б.)*

Ҳам фано, ҳам ўзлик (яъни иккилик) фақрға тўғри келмайди, бинобарин. Фақр ичра фано шевасидан баҳравар бўлган Навоийнинг фардлик мақомига етиши ажабланарли эмас. Демак, фақр йўлида ўзлигидан кечиш тажрид ва тафрид мақомига йўл очади.

Инсоннинг ўзлиги, унинг “мен”и нималардан иборат? Нега ўзликдан кечиш руҳий-маънавий камолот асоси сифатида талқин этилмоқда? Инсоннинг ҳою-ҳаваслари, ўз нафси талаби билан қилган интилишлари у ва Ҳақ ўртасидаги парда - ҳижобдир. У шулар билан банд экан, Ҳақ, асл мақсад ҳақида ўйлай олмайди. То кўнгил ўзлик билан банд экан, унга Ҳақ назар солмайди. Кўнгилни ўзлик, “мен”дан холи қилиб, унга жой бўшатишгагина кўнгил Ҳақ назаргоҳига айланади.

Навоийнинг ўзлик, шахсий “мен”ни тарк этиши билан боғлиқ қарашлари ҳам маломатийлик ва нақшбандийлик билан боғлиқ. Бу ҳақида Ж.С.Тримингэм ёзади: “Маломатийлар дунёнинг бирлиги тўғрисидаги муҳокамалардан кўра ўз шахсий “мен”ларини қандай қилиб йўқотиш мумкинлиги тўғрисида кўпроқ қайғурганлар. Тасаввуф доирасида нисбатан кейинроқ вужудга келган нақшбандия тариқати маломатийлик билан узвий боғлиқ эди. Мисол тариқасида нақшбандийларнинг жамоат бўлиб зикр тушишидан кўра якка ҳолда қилинадиган хуфий зикрни афзал билишлари ва уларнинг “анжуманда хилват” қоидаларини эслаш ўринлидир”¹.

Навоий талқинича ҳам фақр йўлида асл мақсадга етиб боришнинг чораси ўз вужуди ва унинг талабларини йўқ этиш, ўз вужудидан кечиш Ҳақ вужудига бирикишдир:

*Дединги, фақр йўлида топилди мақсади аслий –
Вужуд нақшини жон лавҳидин магар адам эттинг?*

(Н.Ш. 261-б.)

Навоий эътирофича икки нарса: ўз вужудини нафй (рад) этиш, йироқлатиш, кетказиш ва мавжудни базл этиш – қўлдаги нарсаларни эҳсон, ҳадя қилиш фақр ичра фойда етказадиган нарсалардир. У қитъаларидан бирида ёзади:

*Вужудунг нафйу мавжудунгни базл эт,
Чу мавжуд ўлди бу иш – коминга ет.
Ки, фақр ичра нимаким еткурур суд
Эрур нафйи вужуду базли мавжуд.*

(ФК. 524-б.)

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”нинг кириш қисмида фақр аҳлининг феъллари ҳақида сўзларкан, “базми мавжуд” хусусида “улар феълларидин яна бири “базли мавжуд”дурки, ҳеч нималарин ҳеч кишидин аямаслар” деб ёзади ва Хожа Муҳаммад Порсо ҳақидаги ҳикоятни келтиради.

“Вужуд” деганда Навоий фақат тан, моддиятни тушунмайди. Унинг наздида дунё билан боғлиқ барча нарсалар, инчунин, кўнгил хоҳиш-истаклари ва нафс даъволари ҳам вужуд-

¹ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. –М.: Наука, 1989. –С.276.

дир. Шоир зоҳидни танқид қилар экан, ундаги фақирлик даъвосини фақрдан эмас, дейди. Чунки ҳатто, фақирликка бўлсада унда даъво мавжуд экан, унинг вужуди ҳали барҳам топпаган:

*Даъвои фақр этсанг, эй зоҳид, гум ўл майхонадин
Ким, бу ўлда кимсага бўлмас вужуд ўлмай адам.*

(Н.Ш. 287-б.)

Фақр даъвоси – ўзини фақирлар гуруҳига мансуб деб билиш аслида фақрдан йироқлик белгиси эканлигини шоир бир бошқа байтда қуйидагича ифодалайди:

*Фақрдин юз йилчилик ўл мен йироқ, аввал далил
Буки, фақр ойинини ўзумга иснод айларам.*

(БВ, 300-бет).

Фақирлик йўлини тутган ҳақиқий ошиқ ўзини ўзи маломат қилиши, бировнинг уни маломат қилишини эса матлуб (ўзига қабул қилиш мумкин бўлган иш) иш дея ҳисоблаши керак. Навоий рубоийларидан бирида фақир учун маломатнинг матлублигини таъкидлаб ёзади:

*Бир айбға гарчи халқ қилғай мансуб,
Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб.
Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълини хўб,
Кизб эрса, маломат дағи бордур матлуб.*

(ҒС. 565-б.)

Фақр йўлини тутиб, маломатни матлуб билган ошиқ авом томонидан отилган кизбу бўҳтон, таъна ва туҳмат тошларини ҳам маънавий камолот манбаига айлантиради. Шунинг учун ҳам ўзини қуйи олиб, ўз нафсини маломат қилиш фақр ойини (усул, равиш, йўл, ҳаёт тарзи)да инсофлилик белгисидир.

Юқорида фақрнинг ўзлик билан муносабатини кўрдик ва солиқнинг ўз ўзлигини фақр йўли билан йўқотишга эришиши натижасида фақр унинг ўзлигига айланиши мумкинлигини кузатдик. Энди фақр ўзлигига айланган солиқнинг асосий сифатлари қандай эканлигини кўриб чиқиш керак бўлади. Тасаввуфда бундай сифатлар ўлароқ ризо, таваккул, сабр, шукр, қаноат келтирилган. Демак, фақирлик мартабасига эришган солиқ охир-оқибатда юқоридаги сифатларга ҳам эга бўлади. Уларни бирма-бир кўриб чиқайлик.

Шукр – диний ва тасаввуфий истилоҳ бўлиб, диний бўлганда ва тасаввуфий бўлганда бир-биридан жузъий фарқланади. Бинобарин, диний истилоҳ сифатида у Аллоҳнинг неъматларига, ундан баҳрамандлигига банда томонидан доимий равишда билдириладиган миннатдорчиликдир. Шу нарсани тарк қилган банда ношукр – Аллоҳнинг неъматлари қадрига етмайдиган инсон ҳисобланади. Диний ақидаларга кўра шукр неъмат зиёда бўлишининг омили, шукр қилмаслик, яъни ношукурлик эса бунинг тескарисы – неъматларнинг озайтирилиши омилidir. Аллоҳ шукр қилган бандалари неъматларини кўпайтириб мукофотласа, ношукр бандаларининг неъматларини озайтириш йўли билан жазолайди. Тасаввуфда ҳам умуман олганда шукрнинг маъно-моҳияти ўзгармайди, бироқ фақат уни

тушунишда бироз ўзгачалик, ғайриоддийлик ёки мураккаблик борлиги кузатилади. Масалан, юқорида биз шукрнинг неъматлар зиёда бўлиши омили эканлигини айтдик. Банда неъматларнинг зиёда бўлиши учун шукр қилади ва шокир бўлишга интилади. Тасаввуфда эса бир қарашда бунинг тескариси. Яъни солик неъматларнинг озайиши учун шукр қилади. Бу бир қарашда бир-бирига тескари маънодаги тушунчадек туюлса-да, чуқурроқ назар ташланса, бундай эмаслигини кўриш мумкин. Чунки оддий одам учун неъматларнинг зиёда бўлиши асосий мақсад бўлса ва шукрдан мақсад неъмат зиёдалигига эришиш бўлса, солик учун дунё неъматларининг камайиши шукрнинг сабабчиси бўлади. Солик дунё неъматларидан қанчалик кўп маҳрум бўлса, ўз мақсадига шунчалик кўпроқ эришади ва шунинг учун шукр қилади. Чунки у бу билан ўзлигини таъминлаб турган манбадан жудо бўлади, бу эса уни ўзлигидан қутулиш томон етаклайди. Шунинг учун ҳам у бунга шукр қилади. Кўринадики, ҳақиқий фақирлик йўлини тутган одамнинг шукри мана шундай бўлиши керак. Акс ҳолда у ҳали ҳақиқий фақир эмас. Бу Навоий лирикасида ҳам худди шундай талқин қилинади. Масалан, у ёзади:

*Эй Навоий, фақрдин бебаҳрадур юз ғам етиб,
Соликеким, шукр боринда шикоят айласа. (НШ, 22-б.)*

Байтда Навоий фақр йўлида юз ғам етиб турган бир пайтда шукр ўрнига шикоят қилган соликни фақрдан бебаҳра демоқда. Бинобарин, фақрда ғам – неъмат, шукр эса ушбу ғамга миннатдорчиликдир.

Фақр йўлига кирган солик шикоятни унутиб, бошига келган ҳар қандай бало, офатларга шукр қилиши лозим. Шукр бор жойда шикоятдан сўз очиш фақрдан бебаҳраликдир. Ҳақиқий фақир Ҳақ йўлида ғам, балою офат етишидан севинади, ғамсизликдан эса изтироб чекади. Чунки ишқ ғамининг етиб туриши маъшуқа иноятидан нишона. Хожа Муҳаммад Порсо “Фасл ул-хитоб” асарида фақрни балокашлик, фақирларни эса балокашлар деб атайди. Унинг ёзишича, фақр йўлига кирган кишининг иши туну кун ўз бошига балолар ёғилишини ёлвориб сўрашдан, шу балою офатлар ичида яшаб, уларга тоқат қилиб ўз нафсини синдиришдан, ўз руҳини балокашликка чиниқтиришдан иборатдир. Шу сабабли ҳам Навоий фақрдан юз ғам етганда шукр қилишга чақиради.

Таваккул – фақр йўлида дуч келинадиган ваҳималарни ўзидан қувиш учун керак бўлган сифат. Фақр йўлига кирган соликнинг борар манзили номаълум, ундан қандай натижа чиқиши ҳам тайин эмас, қийинчиликлар олдинда тоғдай оғир бўлиб турибди. Ўз-ўзидан бундай пайтда ваҳм пайдо бўлиши тайин. Соликнинг биринчи навбатдаги вазифаси ваҳмдан қутилиш, уни йўқ қилиш. Бунинг учун эса у ўзида таваккул сифатини ҳосил қилиши керак. Бинобарин, таваккул бўлмас экан, фақр йўлига кириб бўлмайди.

Фақр солиқда таваккул ҳолини тарбиялашда муршидларга асқотган. Улар фақрни маҳкам ушлаб, таваккулни шиор қилган солик яхши ёки ёмон вазиятларда фақат Аллоҳдан умид қилиши керак, ғайриҳақдан эмас, дея таълим берганлар. “Мақомот”да Хожа Баҳоуддиннинг муридларидан Шайх Шоди билан юз берган бир воқеа ҳикоя қилинади. Шайх Шодининг айтишича: “Ҳазрати Хожанинг қабул назарларига мушарраф бўлгач, фидо ва нисор қилиш менга осон бўлиб қолди. Юз динор пулим бор эди, аҳли оилам менга деди: “Буним махфий тутамиз”. Мен рози бўлдим, шаҳар (Бухоро)га бориб, кимўхт этик ва бошқа бир неча нарсалар сотиб олдим. Ҳазрати Хожанинг ҳузурларига келганимда: “Шоди, шаҳарга

нима учун борган эдинг?” деб сўрадилар. “Озроқ ишим бор эди”, дедим. “Олган кимўхт этик ва бошқа нарсаларингни ҳозир қил”. Ҳозир қилдим. Яна дедилар: “Ортиб қолган юз динорни ҳам келтир”. Кейин дедилар: “Аллоҳ инояти билан тоғни олтинга айлантиришимизни хоҳлайсанми? Бироқ биз оламда ФАҚИРМИЗ ва ФАҚРНИ ИХТИЁР ҚИЛГАНМИЗ, бундай нарсаларга илтифот қилмаймиз. Бу тоифа (сўфийлар – Н.Р.)нинг корхонаси ўзга оламдандир, сен учун ҳеч нарса кам бўлмайди, нега пулни ғамлайсан? Бундан кейин асло бундай ишни қилма”¹. “Анис ут-толибин”да эса шу воқеа асносида қуйидаги машҳур тўртлик ўқилгани ҳам илова қилинади:

*Ҳечи мо не-ю ҳечи мо кам не,
Аз пайи ҳеч ҳечи мо ғам не.
Жанда бар пушту пушт – гўристон,
Ғар бимирем ҳеч мотам не².*

(Мазмуни: Ҳеч нарсамиз йўғу ҳеч нарсадан камимиз йўқ, Ҳечсизликдан ҳеч ғамимиз йўқ. Эгнимизда жанда, ортимизда қабристон, Агар биз ўлсак мотамга ҳожат йўқ).

Навоий ҳам фақр ва таваккулнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида шундай ёзади:

*Фақр даштида десанг фориғу озода борай,
Кир таваккал билаю ваҳмни барбод этгил. (БВ, 263-б.)*

Демак, байтда фақр йўлига қадам қўйиб, унинг сарҳадига кирган одам йўлида давом этиши учун ва бунда ўзини хотиржам тутиши учун ва эмин-эркин ҳаракат қилиши қилиши учун таваккал билан ишни бошлаш ҳамда шу йўл билан ваҳмни барбод қилиши керак.

Ёки Навоий яна бир ўринда ёзади:

*Фоний ўл фақр истар эрсангким, эрур мақсад муҳол,
Йўлға чун қўйғай қадам раҳрав таваккул қилмайин. (ФК, 325-б.)*

Таваккул тасаввуфнинг асос тушунчаларидан бири бўлиб, унга турлича таърифлар берилган. Абулқосим Қушайрий “Рисола”сида Саҳл бин Абдуллоҳ ат-Тустарий (в. 896) тилидан келтирилишича, таваккул босқичида солиқ Ҳақ иродаси қаршисида уни истаганча айлантириб, хоҳлаган куйга солаётган мурдашўй қўлидаги жасадга ўхшаши ва бутун инон-ихтиёрини Ҳақ иродасига бўйсундириши, ўз иродасидан буткул воз кечиб Ҳақ иродасида эритиб юбориши керак. Аҳмад бин Абдурахмон ар-Рутбийнинг “Минҳат ул-асҳоб” асарида ёзилишича, нафс “мутмаинна” мақомига етгач таваккул хислатига эга бўлади ва бундай нафс ризо, сабр, шукр каби сифатлар касб эта бошлайди³. Навоий ҳам фақр даштида ваҳмни барбод бериб фароғат касб этиш учун таваккулга суяниш лозимлигини уқтиради.

Қаноат – фақр йўлига кирган солиқ учун фақат Аллоҳдан етадиган файз етарли бўлиши керак, яъни бошқа дунё неъматлари унинг учун кераксиз бўлиши керак ва у уларга интилмаслиги керак. Акс ҳолда бу тамагирликка олиб келади. Тамагир киши эса мақсаддан

1 Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. –Тошкент: Ёзувчи, 1993. –Б.148.

2 Анис ут-толибин. ЎзР ФА ШИ. №8288. 115⁶-варақ.

3 Қаранг: Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. –М.: Наука, 1989. –С.. 131.

чалғийди, яъни фақр йўлидан адашади. Кўринадики, бу ҳам фақр йўлидан собитлик билан юришнинг муҳим бир шarti. Навоий айнан шуни назарда тутган ҳолда ёзади:

*Навоий, фақр кўйинда тааллуқ қуфри маҳз эрмиш,
Бир Аллоҳ дўстдин неким насибинг бўлса, бўл қониъ. (ФС, 239-б.)*

Фақр касб этишнинг сабабларидан яна бири фақр ичра қаноат ганжининг мавжудлигидир. Навоий фақрда “манқанаъ” мазмуни собит эканлиги сабабли фақр эшикини “лажож ила” (қаттиқ, астойдил) қоқишга даъват этади:

*Қоққил, Навоий, ушбу эшикни лажож ила,
Ким, собит ўлди фақрда мазмуни “манқанаъ”. (БВ, 209-б.)*

“Хазойин ул-маоний”нинг “Бадоеъ ул-васат” девонидан жой олган ушбу ғазал пайғамбар наътига бағишланган бўлиб, унда шоир ул зотнинг “Азза ман қанаъ, залла ман тамаъ” (“Қаноатли инсон азиз, тамаъгир киши хордир”) ҳадисига ишора бор. Фақрда “манқанаъ” мазмуни собитлигини таъкидлаш орқали фақр тасаввуф йўлига кирган киши учун пайғамбар суннатига эргашишнинг воситаси сифатида тавсия этилади. Яъни “манқанаъ” бевосита расул суннати, “манқанаъ” мазмуни эса фақрда мужассам. Бинобарин, фақр ҳам пайғамбар алайҳиссалом суннатидир. Бунинг аҳамияти шундаки, фақр Қуръон ва ҳадис мазмунига мувофиқ келиш орқали тасаввуф ва шариатни ўзаро боғлаган.

Навоийнинг «Қаноат синуқ сафолиси жоми Жамдин ва фақр қуруқ нонин Хотам чеккан ниямдин яхшироқ кўрар мунтаҳи» (Мунтаҳий (интиҳога етган, камолотга эришган киши)нинг қаноат синиқ сафолини Жамшиднинг жомидан ва фақр қуруқ нонини Хотам берган ноз-неъматлардан яхшироқ деб ҳисоблаши баёнида) сарлавҳали бир қитъаси ҳам фақр ва қаноатнинг нима учун азизлик сари элтишини тушуниш нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳисобланади:

*Синуқ сафолки, май дурдин ичкали топсанг,
Қабул айламагил жоми салтанат Жамдин.*

*Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма
Нашот неъматининг миннатиини Хотамдин. (ФК, 515-б.)*

Ёки Навоий яна бир ўринда фақру қаноатнинг азизлик мартабасига етказувчи восита эканлигини айтади:

*Нафс хор этмиш Навоийни, азиз эт фақр бирла,
Эй жалолу раҳматингдин гар залилу гар муаззаз. (НШ, 146-б.)*

Шоирнинг ишончига кўра, қаноат шундай бир улуг даражаки, унга эришган инсон ҳам Ҳақ, ҳам халқ олдида азизлик топади. Қаноат (демакки, азизлик) мазмуни эса фақрда мужассамдир. Хужвирий “Кашф ул-мажуб”да Шайх Шиблий тилидан “фақр-бало-азизлик” масаласи хусусида ёзади: “Фақр – боло денгизи ва боло азизлик манбаидир. Бандани Ҳаққа восил этадиган ҳар қандай нарса азиз, аксинча, Ҳақдан йироқлаштирадиган ҳар нарса

залилдир. Фақрдаги бало – ҳаққа олиб боради, ғинодаги роҳат солиқни ҳақ ҳузуридан узоқлаштиради. Бандаларнинг азизи Дўстнинг бало юкини тортувчилардир”¹.

Фақирнинг азизлиги масаласида «Насойим ул-муҳаббат»да ҳам муҳим қайд учрайди. Навоий Абу Мансур Муъаммар б. Аҳмад Исфаҳоний зикрида ёзади: “Шайх ул-ислом дебдурки, ул Исфаҳон шайхи эрди, бузург ва имом ва олим зоҳиру ботин улуми била. Шайх Аҳмад Куфоний ани кўруб эрди. Андин сўрдумки, андин ҳеч сўз ёд билурсен? Дедиким, бир кун сўз асносида айтур эрдик, *الفقير عزيز* (ал-фақиру азизун) [фақир азиздир!]. Анга дедимки, бир пирдин бир сўз тамомдур”².

Алишер Навоий шеъриятида лирик қаҳрамоннинг ахлоқий қиёфаси масаласига ҳам катта аҳамият берилган. Шоир лирик қаҳрамон ахлоқини кўп ўринларда фақр билан боғлиқликда кўради. Унингча, ахлоқий гўзалликнинг манбаларидан бири фақрдир. Фақр инсон ахлоқини мукаммаллаштирадиган муҳим омил сифатида Навоий ижодида кенг ва изчил талқин этилади. Гўзал ахлоққа маънавий камолот мезони сифатида қаралиши, ҳатто, фақрга “ёмон хулқларга камбағал ва гўзал хулқларга бой бўлиш” ёки “фақр – ёмон хулқлардан кечиш ва яхши хулққа эга бўлиш” дея таъриф берилиши фақр ва ахлоқ масалаларининг нақадар узвий боғлиқлигини намоён этади. Шарқда қадимдан ахлоқ инсонлар орасидаги муносабатларни гўзаллаштирувчи зийнат бўлиш билан бирга инсоннинг руҳий-маънавий камолотини кўрсатувчи белги сифатида ҳам тушунилган. Бошқача қилиб айтганда, ахлоқ инсон камолотининг намоён бўлиши майдони, унинг сийратини кўрсатувчи ойна ҳамдир.

Навоий фақр йўлини тутган кишининг ахлоқи ҳақида гапирар экан, фақр ойинида киши кўнглига озор бермасликни биринчи ўринга қўяди:

*Бўлмағил озурдаву озурда қилма кимсани,
Фақр ойинида невчунким эмас озор шарт. (БВ, 203-б.)*

*Навоий фақр ойинида инсоф илгари тутсанг,
Ўзунгни бил ёмон бу сўзни яхши бил боре. (ФК, 433-б.)*

Фақр, авваламбор, инсон кўнглини муқаддас билиш тушунчасига таянади, инсонни олий қадрият деб билади. Эътибор берилса, ушбу ҳол Навоий ижодидаги инсонга бўлган муносабатга жуда ўхшайди. Навоий ижодида инсон кўнгли каъбага қиёсланади. “Бузуқ хотир”, “вайрон кўнгил”ни шод этиш Каъбани тиклашга, уни ранжитиш эса Каъбани вайрон этишга ўхшатилади. Навоий дунёқарашидаги бундай нуқтаи назарнинг ғоявий асослари, бизнингча, фақрлик маслаги билан узвий боғлиқдир.

Навоий фақирнинг ахлоқи ҳақида гапирар экан, унинг ҳимматлилик, қониълик, шокирлик, розийлик, мутаваккиллик сингари сифатларига алоҳида эътибор қаратади. Унингча, фақр йўлида ҳимматли бўлиш ўз кунжи вайронини “тоқи сипеҳр” – кўк гумбазидан ҳам ортиқроқ, деб билишдир:

*Урма ҳиммат лофини оллингда бу тоқи сипеҳр,
Фақр кўйинда агар ўз кунжи вайронингча бор. (НШ, 109-б.)*

¹ Абулҳасан Али бин Усмон Ҳужвирий. Кашф ул-махжуб. Форсий илмий-танқидий матн, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи В.А.Жуковский. –Л., 1926. –Б. 31.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томли. 17-том. –Тошкент: Фан, 2001. –Б.198.

Аксинча, “тоқи сипехр”ни фақр кўйида ўз кунжи вайронига тенглаштирган одамнинг ҳиммат ҳақида гапириши беҳудадир. Демак, Навоий талқинича ҳиммат фақрдандир. Фақат фақр инсонга сипехр тоқини ўз кунжи вайронича кўриш имконини беради. Чунки фақр давлатига эга инсон учун аъло билан адно (олий ва тубан)нинг фарқи йўқ. Шу сабабли ҳам шоир ўз лирик қаҳрамонини “давлати фақр” касб этишга чорлайди:

*Давлати фақр истагил, нечунки бор ул кўй аро,
Сидқ ила киргач, агар аълову гар адно писанд. (ҒС. 114-б.)*

Фақр юқори ва қуйи, олий ва тубан ўртасидаги нисбиятни йўқотади, уларни тенг қилиб қўяди. Фақр давлатига эга бўлган киши учун олтин ва тупроқнинг қиммати бир хилдир. Улар фақир наздида шу даврга қадар касб этган қимматини йўқотиб, бошқа мазмундан – махлуқлик ва Холиққа олиб борадиган кўприклик нуқтаи назаридан қиммат касб эта бошлайди. Ушбу қарашни умуман борлиқ дунё ва ундаги нарсаларга нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин. Фақр дунё ва унинг ашёлари, нарса ва ҳодисаларига бўлган муносабатни ўзгартиришни, уларнинг қадр-қимматини мутлақо бошқа, ҳаққоний руҳоний-маънавий талаб этади. Табиийки, маданият талаблари тор ва чекланган, маънавият ва руҳият иқлимлари бепоён ва чексиздир. Қалбни, тафаккурни руҳият кенгликларига ошно этувчи восита эса фақр.

Ризо – фақр йўлида юзланадиган ҳар қандай машаққатга рози бўлиш, ранжимаслик. Шунинг учун ҳам Навоий машҳур қитъасида шунга алоҳида урғу бериб:

Ким фақр талаб қилса фанодур анга шарт,
Бошига неким келса ризодур анга шарт, –
дейди.

Фано – тасаввуф таълимотининг энг асосий тушунчаларидан бири бўлган бу истилоҳ ўзида ушбу таълимотнинг моҳиятини мужассам этган. Зотан, фақрдан мақсад ҳам фано. Чунки фақр йўлининг охири фано билан тугайди. Шунинг учун ҳам фақр истилоҳи баъзи ҳолларда фано билан ёнма-ён, яъни фақру фано тарзида ишлатилади.

*Эй Навоий, тиласанг фақр йўлининг қатъи,
Урма ул сари қадам фонийи маҳз ўлмас экан. (НШ, 320-б.)*

Ёки:

*Эй Навоий, тиласанг сайли фанодин махлас,
Фақр даштида керак тоғдек орому сабот. (НШ, 59-бет)*

Маърифат (ирфон) – тасаввуфда Аллоҳни англашга доир билимларга нисбатан қўлланиладиган истилоҳ ҳисобланади. Навоий лирикасида фақр ушбу истилоҳ билан боғлиқликда қўлланилган ўринларга дуч келамиз. Масалан, шоир бир ғазалида шундай ёзади:

*Фақр ила шод ўлки, ҳар ким бўлса аҳли маърифат,
Даҳр туфроғ бирла тенг бўлмоқ не имкон оллида. (НШ, 25-б.)*

Навоий лирикасида фақр билан боғлиқ равишда ўзини **маломат** қилиш, ўринларига ҳам дуч келамиз. Масалан, шоир бир ғазалида:

*Даригим, қаридим зуҳду фақр лофи била,
Вале ишим ёшурун барча журму исёндур. (ФК, 97-бет)*

– дея ўз-ўзини айблайди.

Ёки мана бу қитъада:

*Бир айбға гарчи халқ қилғай мансуб,
Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб.
Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълини хўб,
Кизб эрса маломат дағи бордур матлуб. (ФС, 565-бет)*

– дея, агар халқ бирор айб тақаса, фақр аҳли бундан изтироб чекмаслиги керак, агар у тўғри бўлса, у ўзининг ўша айбини тузатиши керак бўлади, агар ўша тақилган айб ёлғон, яъни тухмат бўладиган бўлса, маломатга қолиш нуқтаи назаридан уни қабул қилиш кераклигини айтади. Чунки маломат тасаввуф таълимотига кўра солиқни тозалайдиган бир омил ҳисобланади.

Шунингдек, улуғ шоир шеъриятида, лирик қаҳрамоннинг ўз фақри билан **фахр**ланиш ўринларига ҳам дуч келишимиз мумкин:

*Бенаволар оллида умри абаддин яхшироқ,
Ҳар кишиким, фақр йўлинда Навоийвор ўлар. (ФК, 125-бет)*

Ёки:

*Жоҳ аҳли, фақр ичра Навоийға иқтидо –
Айлангки, бу тариқа анга келди мухтараъ. (НШ, 209-б.)*

Хуллас:

Навоий лирикасида фақир образи 264 марта қўлланилган; энг муҳими унинг ёшлик даврдаги шеърларини ўз ичига олган “Илк девон”даги шеърлари билан бошқа (расмий) девонлардаги шеърларини солиштирадиган бўлсак, уларда фақр талқини борасида деярли ҳеч қандай фарқ йўқлигини кузатишимиз мумкин. Фақр масаласи Навоий лирикасида қизил ип бўлиб ўтади ва асосий фалсафий, бадий-эстетик концептлардан ҳисобланади; шоир ижодида фақр масаласига бу қадар эрта мурожаат қилинишининг соф биографик асослари бор, бу Навоий яшаган маданий муҳит, адабий анъана билан бевосита боғлиқ. Навоийнинг биографик асарлари у яшаган даврда фақрни ўз реал ҳаётининг асосига айлантирган инсонлар мавжуд бўлганлигини ва улар Навоийнинг онги-тафаккури, бадий маҳорати ошиб боришида катта ўрин тутган; жанрий нуқтаи назардан ушбу образ шоирнинг деярли барча лирик жанрлардаги асарларида яратилганлигини кўришимиз мумкин; структура нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, фақир образи кўпинча (деярли 90% ҳолларда), Навоий ғазалларининг мақтаъ ёки мақтаъдан олдинги байтида келади. Бу байтлар эса ғазалларнинг авж нуқтаси ҳисобланади: Навоий лирикасида лирик қаҳрамон талқини шукр, сабр, таваккул, ўзлик, қаноат, ризо ва бошқа тушунчалар билан биргаликда олиб борилади. Кузатишларимиздан ушбу тушунчалар бевосита фақр тушунчаси билан боғлиқликда келганлиги аён бўлди. Айтиш мумкинки, шукр, сабр, таваккул, ўзликдан озод бўлганлик, қаноат, ризо фақирнинг сифатларидир.

2.2. ФАҚИР ОБРАЗИНИНГ НАВОИЙ ЛИРИКАСИДАГИ БОШҚА ОБРАЗЛАР БИЛАН ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Фақрнинг Навоий лирикаси ғоявий мотивлари билан алоқадорлигига диққат қиладиган бўлсак, унинг қуйидаги образлар билан боғлиқликда талқин қилинганининг гувоҳи бўламиз. Булар: 1) фақир ва подшоҳ; 2) фақир ва дунё; 3) фақир ва зоҳид кабилардир.

Маълумки, Навоий ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан амалдор оиласига мансуб. Унинг отаси Ғиёсиддин кичкина темурийлар салтанатида катта лавозимларда ишлаб келган амалдор бўлган. Навоийнинг ўзи ҳам ёшлик чоғлариданоқ темурий шаҳзодалар билан дўст тутинади, гоҳ-гоҳ темурийлар ўртасидаги тож-тахт талашиш можароларига ҳам аралашигга мажбур бўлади. Баъзан эса мана шундай можаролар қурбонига ҳам айланади. Кейинчалик эса у ўзининг мактабдош дўсти Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаганидан кейин унинг саройида энг юқори лавозим эгаси – бош вазир этиб тайинланиши ва бу мансабда узоқ йиллар фаолият олиб бориши, у ўз даврининг том маънодаги йирик давлат арбоби даражасидаги шахс бўлганлигини кўрсатади. Демак, айтиш мумкинки, Навоий учун тож-тахт, салтанат ишлари ҳам бегона бўлмаган. У тақдир тақозосига кўра, бундай ишларни ҳам ўз бошидан кечирган, бир сўз билан айтганда, салтанат юкини елкасига кўтарган шахс бўлган¹.

Ўз навбатида эса ижтимоий ҳаётдаги бу фаолият унинг улкан шоир бўлиб етишишига ҳам халал бермаган. Чунки Амир Темури ва темурий шаҳзодалар ҳақиқий маънодаги илм-фан ва санъатнинг қадрига етадиган салтанат эгалари эдилар.

Дарҳақиқат, темурийлар даври Ўрта Осиёда маданиятнинг энг юксалган даври ҳисобланади. Улар даврида бу ерларда, айниқса, шаҳар маданияти ниҳоятда ривожланди, марказий шаҳарларда дунёга тенги йўқ меъморий обидалар яратилганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир. Фақат шулар билангина чекланиб қолингани йўқ. Бу даврларда маънавий мерос яратиш ишларига ҳам эътибор ниҳоятда катта бўлган. Бинобарин, илм-фан ва адабиётнинг ҳам энг нодир намуналари мана шу темурийлар даврида яратилганлиги ҳам тарихан бизга яхши аён. Биргина Навоийнинг тенгсиз ижоди ҳам шу давр, яъни темурийлар даврига оиддир.

Навоийнинг Амир Темури ва унинг авлодларига муносабати ҳам ижобий бўлган. Чунончи, у ўз ижодида Амир Темури ҳақида ҳам баъзи ўринларда ижобий фикрлар билдиради. Лекин у ҳадеганда уни тилга олавермайди. Бунинг сабаби эса Навоийнинг Амир Темури ва темурийларга мол-дунё ёки мансаб илинжида ортиқча маддоҳликни ўзига эп кўрмаганлигидандир. Лекин унинг Амир Темури ва темурийларга муносабати ўта самимий бўлганлигини темурийлар салтанати инқирозга учраб, улар ўртасида феодал тарқоқлик юзага келган, ўзаро тахт талашишлар авж олган ва оқибатда нохуш вазиятлар юзага келаётган бўлса-да, гарчи лозим бўлса ҳам Навоий одоб юзасидан улардан ранжиб темурийлар ҳақида бирор бир ножўя сўз айтишдан ўзини тийганлигида кўриш мумкин. Дарҳақиқат, унинг Амир Темурга бўлган муносабати ўта ижобий бўлган. Масалан, шоир ўзининг “Мажолис ун-нафос” асарида Амир Темури билан боғлиқ бир ҳикоят келтиради. Унга кўра, Амир Темурнинг

¹ Қаранг: Бартольд В. Мир-Али-Шир и политическая жизнь // Мир-Али Шир. –Л., 1928. –С. 100-165; Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. –Ташкент: Фан, 2009.

ўғли Мироншоҳ Мирзо Ироқда ҳукмрон бўлиб турганда ундан турли ножўя ҳаракатлар содир бўла бошлайди. Амир Темурга бунинг сабаҳиси уч киши: Мавлоно Муҳаммад Коҳий, Устод Қутб Нойи, Хожа Абдулқодирлар эканлигини хабар беришади. У ушбу учала шахсни тутиб келишга фармон беради. Улардан икки киши (Мавлоно Муҳаммад Коҳий, Устод Қутб Нойи) тутиб келтирилади ва жазога тортилади, Хожа Абдулқодир эса қочишга муваффақ бўлади ва дарвеш кийимида шаҳарма-шаҳар яшириниб юради. Аммо Амир Темур Бағдодда бўлганида у қўлга тушади ва Амир Темур ҳузурига келтирилади. Хожа Абдулқодирнинг мукамал эгаллаган илмларидан бири қироат илми эди. Хожа Абдулқодир қўрқув зўридан баланд овоз билан чиройли қироат билан Қуръон ўқий бошлайди. Қироатдан Амир Темурнинг кўнгли юмшайди ва у қуйидаги рубойининг охирги мисрасини жуда ҳам ўринли қилиб ўқийди:

Ҳавро ба назораи нигораи саф зад,
Ризвон зи таажжуб кафи худ бар каф зад.
Он холи сияҳ бар он рухон мутраф зад,
Абдол зи бийм чанг дар Мусҳаф зад.

(Маъноси: Хурлар нигорим теграсида саф тортдилар. Бу ҳолни кўрган жаннат ҳаяжонланганидан қарсак чалиб юборди. Нигоримнинг қора холини кўрган хурлар ҳар тараф қочдилар, дарвеш қўрққанидан Қуръонга чанг солди).

Амир Темур ўқиган рубойининг “Абдол зи бийм чанг дар Мусҳаф зад...” (“Дарвеш қўрқувдан Қуръонга чанг солди...”) мисраси бу воқеликка жуда мос эди. Натижада Хожа Абдулқодир кечирилади, Амир Темурнинг эса маънавий қиёфаси намоён бўлади. Чунки Амир Темур томонидан охирги мисраси ўқилган бу рубойи машҳур суфий Шайх Абусаид Абулхайр қаламига мансубдир.

Бунда диққатни жалб қиладиган нарсаси Амир Темурнинг тасаввуф аҳли орасида машҳур бўлган бир шеърни ўринли қўллаганидир. Амир Темурнинг Шайх Абусаид ижодидан хабардорлиги унинг тасаввуф тушунчаларидан ҳам яхши хабардор эканлигидан далолат эди. Навоий бунга ортиқча тафсилот бермайди, аммо воқеани келтириш билан Амир Темурнинг юксак маънавий қиёфасини очиб беришга эришади, яъни шу муносабат билан Навоий “Мажолис”да Амир Темур ҳақида гапира туриб “...агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал вак мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони, минг байт айтқонча бор”, дея Амир Темурнинг заковатига юксак баҳо берган¹.

Шунингдек, Навоий “Насойим”да ҳам Амир Темур номини ҳурмат билан тилга олганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, мазкур асарда Бобо Сунгу қ.с. ҳақида гап кетганида унинг Амир Темур билан бўлган учрашуви шундай баён қилинади: “Бобо Сунгу қ.с. Замон мажзубларидан эрмиш. Соҳиби ботин киши эрмиш. Темурбек Хуросон мулки азиматиға юруганда Андхудқа етканда машҳурдирки, Бобо хидматиға боргандур. Ўлтурғондин сўнгра Бобо илайида бир суфрада яхна эт эркандур. Қўйнинг яхна тўшин олиб, Темурбек сари отибдур. Темурбек ғояти ақлу закосидин дебдурки, Хуросон ер юзининг кўкси дебдурлар. Ани Бобо бизга ҳавола қилди, деб бу башорат била юруб, Хуросон мулкани олибдур”².

Демак, айтиш мумкинки, Алишер Навоий учун Амир Темур фақр сирридан огоҳ идеал подшоҳ бўлган. Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога муносабати ҳам аслида Амир Темурга бўл-

¹ Бу ҳақда батафсилроқ маълумот “Бир рубойи тарихи” номли мақоламизда берилган. Қаранг: Рамазонов Н. Бир рубойи тарихи // ЎзАС. 2004 йил 23 сентябрь.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томли. 17-том. –Тошкент: Фан, 2001. –Б.427.

ган чексиз ҳурмати туфайли эди. У Ҳусайн Бойқаронинг ҳам Амир Темур каби улуғ салтанат эгаси, ҳар томонлама мукамал подшо бўлишини орзу қилган.

Алишер Навоий шоҳликни қандай тасаввур қилган? Унинг тасаввури (орзуси)даги шоҳ қандай хислатларга эга бўлиши керак эди? Навоийшунос А.Ҳайитметов Навоий идеал шоҳ темурийлардан чиқиши мумкинлигига қатъий ишонганлигини айтади¹.

Навоий ҳақиқий шоҳ бўлиш учун фақр сирридан огоҳ бўлишликни шарт қилиб қўяди. Унингча, фақрдан огоҳ бўлмай туриб шоҳлик этишдан ҳеч бир натижа (ҳосил) чиқмайди. Чунки шоҳ қанча ўз салтанатини кенгайтирмасин, барибир у “бақо мулки”га подшоҳлик қила олмайди. Навоий асл боқий давлат, безавол мулк – Ҳақ васли эканлиги, унга эришишнинг йўли эса фонийи маҳз бўлиш эканлигини уқтириб ўтади:

*Шаҳлиғ эткандин не ҳосил фақр сиррин билмайин,
Ҳеч ким мулки бақо султони бўлғонму экин?
Фонийи маҳз ўлмайин Султон Абулғозий бикин,
Эй Навоий, давлати боқий тиларсен васлидин
Они касб этмак фано бўлмай не имкон оқибат?*

(Ғ.С. 505-б. 2-мухаммас).

Навоий идеалидаги шоҳ зоҳиран бутун жаҳонга эгалик қилиб турган бўлса-да, ботинда фақирлик ихтиёр этган ва қўл остида бўлган мол-дунёга кўнгилдан муҳаббат қўймаган подшоҳдир. Шоир “Фақр кўйида гадолиғ чу эрур султонлиғ” дер экан, подшоҳларни мажозий ва ҳақиқийларга ажратади. Унингча, ҳақиқий подшоҳ ўз нафсига табдил бериб (чеклаб), нафс аждаҳосини жиловлаган кишидир. Акс ҳолда нафс талаблари измига бўйсунган нафс аждаҳоси дунёни ғорат этиши тайин. Шу сабабли ҳам Навоий шоҳга мурожаат қилиб унинг ҳақиқий душмани ўз нафси эканлигини ва авваламбор, уни асир этиш лозимлигини айтади:

*Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.*

(Ғ.С. 111-б.)

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Одил салотин зикрида” номли фаслида Навоий фақр шоҳнинг фазилати бўлиши лозимлигига урғу беради, ҳақиқий подшоҳ (Ҳусайн Бойқаро)ни таърифлаб ёзади:

*Улус подшоҳию дарвешваш
Анга шоҳликдин келиб фақр хуш.
Жаҳондорларға сипеҳр интибоҳ
Вале аҳли фақр оллида хоки роҳ.
Жаҳон мулки олинда хошокча,
Вале бир кўнгул мулки афлокча.*

(14-том, 13-бет)

Фақр воситасида жаҳон мулкини бир хошокча деб билмаган шоҳдагина инсон кўнглини “мулки афлок” билан тенг қўйиш хислати пайдо бўлади. Фақр диққатни мулкгирлик ва

¹ Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. –Тошкент: Фан, 1996. –Б. 27.

нафс дағдағаларидан кўнгил овлаш ва адолат, инсонпарварликка томон қаратади. Фақат фақр талабларидан хабардор шоҳгина кўнгилни муқаддас деб билишга мойил. Бу эса кўнгилга озор бермаслик ва кўнгил соҳибларига адолат қилишни талаб этади.

Дунё ганжидан кўнгил ганжи томон юз буриш – маънавий такомил сари ташланган илк қадам. Дунё молига эга бўлиш ҳавасидан қайтиб, кўнгил асрори, қалб хазинаси неъматларидан баҳрамандликка интилиш – илоҳий ирфоннинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Демак, фақр ирфоннинг илк шарт, маърифат оstonасидир.

Навоий фақр кўйида гадоликни шоҳликдан афзал билади. Унингча, “гадолиғ бўреси” – “салтанат фарши” (тахт) билан баробар:

*Шод ўлубтур фақр кўйида Навоий, ўйлаким,
Салтанат фарши гадолиғ бўреси дур анинг.* (Б.В. 257-б.)

Нега шоир бу ўринда фақр бўйрасини салтанат тахти дея атамоқда? Бунинг сабаби фақрнинг ўзи маънавий салтанат эканлигидадир. Маънавий салтанат эса инсонлар томонидан бунёд этиладиган салтанатдан устун. Чунки инсонлар тузадиган салтанатлар барибир бир кун инқирозга юз тутаяди. Маънавий салтанат эса безаволдир. Бинобарин, фақр йўлида гадоликни ихтиёр этган киши уни шоҳликка алмашмайди:

*Фақр кўйида гадолиғ гарчи фаҳримдур, валеқ,
Салтанат арз этсалар майл айламон, ор айлабон.*

(Н.Ш. 349-б.)

Фақр сукунат, кўнгил осойишталигини таъмин этади, салтанат ва подшолик эса доимий безовталиқ, дунё ғамида қайғуришни талаб қилади. Фақр ато этадиган хотиржамликка интилган лирик қаҳрамон эса фақр мулкини ғанимат билади:

*Эй Навоий, фақр мулкин тут ғанимат зинҳор
Ким, ғиноу салтанатнинг кўптурур дарди сари.*

(Н.Ш. 462-б.)

Фақр хотир (кўнгил)ни жам қилиш, фикр ва қалбни бир мақсадга йўналтиришнинг воситаси сифатида ғоят катта аҳамият касб этади. Чунки фақат қалб бир нуқтага йўналтирилгандагина асл мақсадга етиш мумкин.

Навоий фақирни ҳақиқий подшоҳ (бақо мулки султони), подшоҳни эса “беадаб густох”га менгзайди. Гадо шоҳ олдида бирор сўз айтишга ботина олмагани каби подшо ҳам фақир олдида сўзлай олмайди:

*Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох,
Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох.*

(Ғ.С. 105-б.)

Подшоҳнинг хислати бўлган шижоат фақр йўлига кириш учун ёрдам бера олмайди. Чунки шижоат аждаҳоннинг хислати бўлиб, “кулбаи фақр”га эса адаб, ҳилм ва ишқ билан кириш мумкин:

*Шужоат бирла кирмак кулбаи фақр ичра бўлмаским,
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.*

Байтдаги “аждаҳо” нафсининг рамзий ифодаси бўлиб, фақр вайрони ичра нафс аждаҳоси ватан тутиши мумкин эмас.

Шоҳ ўз давлатини зиёда этиб, уни барқарор идора қилиши учун фақр аҳлининг кўмагига муҳтож:

*Фақр аҳлига подшо муҳтож,
Ўйлаким, шоҳга гадо муҳтож.* (Ғ.С. 99-б.)

Чунки давлат фақат катта маънавий асос билангина барқарордир. Шоҳнинг давлат машъали фақру сидқ аҳли дамнининг шуъласи билангина ёруғдир:

*Шаҳга сидқ аҳли дамидин машъали давлат ёрур,
Меҳрдекким, субҳ анфоси очар талъат анга.* (Ғ.С. 31-б.)

Байтда шоҳ – қуёшга, фақр аҳлининг дуоси эса – субҳ анфосига ўхшатилади. Субҳидам нафаси қуёшнинг порлаши учун йўл очгани каби, фақр аҳли дуоси ҳам шоҳнинг давлат машъалини ёритади.

Хуллас, Навоийнинг шоҳ ва фақир образлари ёнма-ён келган байтларидан шу нарса ойдинлашадики, шоир ушбу икки образни зидлантириш орқали фақр ва салтанатнинг моҳиятини очиб беради; ушбу образлар шеърда ўзаро муносабатга киришар экан, фақр ва шоҳликнинг асл моҳияти очила боради, унга кўра агар подшоҳ инсонлар томонидан бунёд этилган салтанат эгаси бўлса, фақир Аллоҳ салтанатининг эгасидир; подшоҳ ва фақир образларининг ўзаро муносабати XV аср кишиларининг қадриятлари ҳақидаги тасаввурларни бойитади.

Алишер Навоий лирикасида **дунё** образи ҳам алоҳида ишланган образлардан саналади. У инсоннинг маънавий камолотига монелик қиладиган тўсиқлар сирасига “даҳри дун”ни, яъни дунёни қўяди. Фақирлик воситасида комиллик сари интилган киши унга кўнгил бермаслиги керак, дейди у.

Улуғ мутафаккир қаноатича, доноликнинг белгиси бойликка майл кўргизишдан воз кечиб, фақрни касб этмоқликдир:

*Жаҳонда фақр касб эт, майл кўп қилма ғино сари,
Ки, мундин оз этибдур орзу фарзона, андин кўп.* (ФК, 52-б.)

Дунёга кўнгил бериш ғафлатга – майда-чуйда ўткинчи ташвишлар билан ўралашиб қолишга олиб келади. Ҳақиқий маънавий хазина эса фақр орқали қўлга киритилади. Навоий бир ғазалида дунёни арус – ёш, гўзал келинга ўхшатиб шундай, дейди:

*Дунё аруси зулфини тутқан не огаҳ фақрдин,
Ганж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.* (Ғ.С. 126-б.)

Байтдаги “дунё аруси” (“дунё келинчаги”) – инсон кўнгли, ақли, шуурини ўзига тортувчи, чорловчи барча моддий нарсаларнинг умумлашма тимсоли ҳисобланади. Дарҳақиқат, дунёнинг ёш бир гўзалнинг зулфига ўхшовчи жозибали кўриниши одамни ўзига тартади. Байтдаги зулф (ўрилган соч) эса илонга қиёсланмоқда. Ғазалда дунё зулфини тутган киши асл маънавий ганждан, яъни фақрдан – огоҳ эмас, балки уни дунё аруси зулфи гумон қилиб, аслида илон тутиш (дунёга машғуллик) билан овворалиги таъкидланган, бинобарин, дунё аруси зулфини тутган (дунёга дил берган) инсон илон тутишдек хавфли машғулоти билан оввора кишидир. Ҳақиқий ганж – ҳазина эса борлиқнинг ботини, моҳиятида яшириндир. Аммо унга етиб бориш учун унинг асл мақсад сари боришга тўсиқ бўлувчи зоҳирий белги ва хусусиятларидан холи бўлиш керак. Ҳазина бор жойда илон-аждаҳо ин қўйганидек, моҳияти илоҳий ирфондан иборат бўлган борлиқ ҳақиқати ҳам ташқи тўсиқлар билан ихоталанган. Ушбу тўсиқлардан ўтишда фақр асосий йўлдир. Демак, фақр асосий эътиборни аҳамиятсиз нарсалардан моҳиятга томон тортувчи восита, бошқача айтганда фақр – моҳиятбинлик фалсафаси.

Ҳақиқий ҳаёт моҳиятига етиш, унинг нималигини бошқаларга ҳам тушунтиришга интилган шоир ўткинчи дунё ҳаваси кўнгилда бўлишини бефойда деб билади. Фақирлик истаган киши дунё ва ундаги нарсалардан баҳра (суд) топишдан кечиши кераклигини уқтиради:

*Истасанг фақр, ўрта олам суд ила сармоясин,
Кўнгулга то эврулур дунёву мофиҳо, не суд.* (Б.В. 96-б.)

Яъни, модомики сен фақр истар экансан, оламнинг фойда ва зараридан кеч, кўнглинга дунё ва ундаги нарсаларга муҳаббат бор экан, [маънавий камолот йўлида] ҳеч бир натижага эришолмайсан.

Мосиваллоҳ – дунё солиқ (Ҳақни изловчи ошиқ) бошига бало келтирувчи омил. Шу сабабли ҳам Навоий мосиваллоҳ – дунёву мофиҳо [дунё ва унга тегишли нарсалар]ни фақр билан дафъ қилишга чақиради:

*Эй Навоий, фақр аро қил мосиваллоҳ дафъиким,
Келди солиқ бошига дунёву мофиҳо бало.* (Б.В. 27-б.)

“Мосиваллоҳ”нинг луғавий маъноси “Ҳақдан ўзга, ғайриҳақ, Ҳақдан ташқари” демакдир. Байтда эса мосиваллоҳ – дунёву мофиҳо (дунё ва ундаги нарсалар) мазмунида келган.

Дунё молининг рамзи – олтин (сийм) бўлиб, шоир олтидан ясалган икки узукни икки бармоққа тақишни қўлга қайчи олишга ўхшатади. Аммо Навоий олтин узук тимсолидаги бу “қайчи”ни фақр ипларини кесувчи асбоб, дея талқин этади ҳамда ташбиҳ орқали фақирлик ва дунёдорликка ўз муносабатини баён қилади:

*Икки бармоққа тутар сиймни миқроз киби,
Фақр торин доғи қатъ эткучидур ул миқроз.* (Н.Ш. 201-б.)

Мол-давлат, сийму зар кўнгилдаги фақр торларини кесувчи – фақирлик ҳолини барбод этувчи нарсалар. Аммо дунё ва унинг моли ҳам миқдор, ҳам ҳудуд нуқтаи назаридан чега-

раланган. Чексизликка талпинган қалб фақат фақр давлатини ихтиёр этади, чунки бу давлат давомли, чексиз бўлиб, руҳ фақат фақрдагина дунёнинг тор чегараларидан қутулиши мумкин:

*Эй Навоий, давлати зоҳирни доим топмоғунг,
Фақр иқболидурур, улким давоми бор анинг.* (Н.Ш. 265-б.)

Мол-дунё бугун бор, эртага йўқ. Унда муқимлик хислати мавжуд эмас. У доим ўзгарувчан, айланувчан. Бугун вафо қилса, эртага жафо қилади, бугун сенга кулиб боқса, эртага бошқага. Бугун сенинг раъйинг билан равиш айласса, эртага унга терс. Дунёнинг бундай буқаламунлигидан халос бўлиш, таъсирланмаслик, азият чекмасликнинг йўли эса фақрдадир.

Фақр ёрдамида дунё билан уни боғлаб турган тааллуқ ипларини узиш ошиқни чин саодат – Ҳақ васли томон етаклайди. Дунё билан вобаста (боғлиқ) бўлиш фақр йўлида оғир юк. Дунё билан боғланиш иплари, аввало, инсоннинг кўнглида бўлади. Шу сабабли ҳам лирик қаҳрамон ўз кўнглига мурожаат қилиб, тааллуқдан воз кечиш ва фақрга юзланишга даъват этади:

*Фақр йўлинда оғирроқ юк эрур вобасталиқ,
Эй кўнгул, тарки тааллуқ айлабон, ул сори бор.* (Б.В. 110-б.)

Ривоятга кўра, афсонавий подшоҳ Жамшид файласуф-ҳакимларга буюриб, иккита жом – май ичадиган идиш ясаттирган. Улардан бири ичидаги май ичган сайин тугамайдиган жоми ишратфизой, иккинчиси майи ичилганда дунё воқеа-ҳодисалари ойнадай кўриниб турадиган жоми гитийнамой. Жамшид ушбу жомлар воситасида дунёдан хабардор бўлган ва улар орқали подшоҳлар орасида энг юқори мартабани эгаллаган. Навоий фақрнинг синган сафолини Жоми Жамга ташбиҳ қилади, сен жону жаҳон нақдини, яъни кўлингдаги бутун молу дунёингни бериб бўлса-да, фақр сафолини қўлга кирит, чунки бирор киши Жамшид жомини олаётганида савдолашиб ўтирмайди, яъни кўлидаги бор мол-мулкни бериб бўлса-да уни олдади, дейди у:

*Сафоли фақр ол, жону жаҳон нақдин бериб, гарчи
Киши Жамшид жомин сотқин олмайдур, баҳо айлаб.* (Б.В. 47-б.)

Маълум бўладики, фақр сафолининг баҳоси жону жаҳон нақдидан ҳам қимматлироқдир. Нега? Чунки унга ваҳдат майидан асар теккан. Бундай ҳолатда эса:

*Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синган сафол,
Жом ўлур гитийнамо, Жамшид ани ичган гадо.* (Ғ.С. 25-б.)

Юқоридаги мисолда Навоий фақр сафолини Жамшид жоми билан тенглаштирган бўлса, бошқа бир ўринда уни жоми Жамдан устун қўяди:

*Жоми Жамнинг роҳи Афридун йилони захридур,
Эй кўнгул, ўзни сафоли фақр ила хурсанд қил.* (ФК. 262-б.)

Яъни, Жамшид жоми ичидаги май (роҳ) афсонавий Фаридун подшоҳ илонининг заҳаридан бошқа нарса эмас. Эй кўнгил, агар сен ҳақиқатда хурсанд бўлмоқ истасанг, фақр сафоли билан илоҳий майдан ҳўпла (нўш айла).

Навоий талқинидаги фақр – эҳтиёжсизлик, маънавий-руҳий эркинлик, ҳурлик фалсафаси. Айни шу ҳолни назарда тутиб Алишер Навоий ёзган эди:

*Эҳтиёжимни улустин уз, Худоё, фақр ила,
Уйла фақрким, анга бўлмас худоға эҳтиёж.* (Ф.К., 71-б.)

Байтдаги “улус” – дунёнинг умумлашма образи, бинобарин, фақр шарофатидан дунё одамлари, дунёни ташкил қилиб турган борлиқдан эҳтиёжи узилган киши Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга муҳтож бўлмайди. Аммо лирик қаҳрамон юксалишда давом этиб, ҳатто, Худога ҳам эҳтиёжсизлик қисматини орзу қилади. Ушбу мақом ҳам фақр файзидан бўлиб, бунинг учун фақрни охирига етказиш талаб этилади. Мукамал фақр эгасининг Худога эҳтиёжи қолмайди, чунки комил фақир Худо билан бирдир. Дунёга эҳтиёж сезмаслик ҳоли билан бошланган фақр худога – Ҳаққа бирикиш билан якун топади. Дунёдан эҳтиёжсизлик – фанои филлоҳ, Ҳаққа бирикиш эса – бақои биллоҳдир. Бақои биллоҳ мақомига эришган киши Ҳақ вужудида қойим бўлиб, бундай киши учун Аллоҳни ташқаридан излашга ҳожат қолмайди¹.

Шу ўринда эҳтиёжсизлик ҳолини чуқурроқ англаш учун баъзи манбаларга мурожаат қилишимизга тўғри келади. Кошоний ёзади: “Фақр мақомининг даражасини улуғлаб “Ал-фақир уло яҳтожу ило Аллоҳ” (“Фақир ҳатто худога ҳам эҳтиёжманд эмас”) деганлар, чунки эҳтиёж муҳтожнинг сифати бўлиб, муҳтожнинг зотига оиддир, фақирда эса на зот бор, на сифат. “Ал-фақру фаҳрий” ушбу маънога ишорат қилади. Бу шундай фақрким, бундай фақр эгаларини ҳар икки дунёда бир Худодан бошқа ҳеч ким танимади. Чунки Аллоҳ ғаюрдир ва ўзининг хос авлиёларини ағёр назаридан [бегона кўздан] яширади, ҳатто, ўша авлиёларнинг ўзларидан ҳам. Бундай фақр етук сўфийлар ва мунтаҳий (интиҳо, камолотга эришган)лар мақомидир, солиқлар мақоми эмас”².

Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан “Ал-фақир уло яҳтожу илла-л-лоҳи таъоло” (“Фақир Аллоҳдан ўзгага муҳтож бўлмайди”) дейилганининг маъноси сўралганида ул зот: “Яъни, унинг нарса сўрашга мутлақ эҳтиёжи йўқ”, – деб жавоб берган эканлар³. Ушбу эътирофда фақрдаги эҳтиёжсизлик ҳолига ишорат этилган. Яна Баҳоуддиндан нақл қилишларича: “Улардан сўрадилар: “Изо таммал-фақру фа-ҳуваллоҳу” (“Агар фақр тўлиқ бўлса, демак шу Аллоҳдир”) нимадир?” Айтдилар: “Банданинг фано ва йўқликка етиши ва Ҳақ сифатлари ичида маҳв бўлишига ишорадир”⁴. Демак, фақрнинг охирига етган одам Аллоҳга етган бўлади.

Муҳаммад Ҳусайний эса фақрни ўзликдан кечиб, носут, малакут ва жабарут оламларига эга бўлмоқдир, дея таърифлайди. Аммо “Изо тамм ал-фақр” (фақрнинг ниҳояти, камолот нуқтаси) эса ушбу оламларни ҳам тарк этмоқдир. У ёзади: “Пас ҳар ки, эй маҳбуб, дар ин

¹ Қаранг: Фақр концептининг Навоий лирикасидаги бадиий функциясига доир // «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётдаги ўрни» мавзусидаги анъанавий халқаро конференция материаллари (2019 йил 4–6 февраль, Ўзбекистон, Навоий ш.). – Тошкент: Фан, 2019. – Б.207-212.

² Иzzуддин Маҳмуд бин Али Кошоний. Мисбоҳ ул-ҳидоя ва мифтоҳ кифоя. Ба тасҳеҳи Чалолиддин Хумой. – Теҳрон: Чопхонаи Мажлис, 1323. – С.378.

³ Ўша жойда, 102-бет.

⁴ Ўша жойда, 102-бет

се мақом мутаваттин аст – фақр лозимаи ўст. Пас чун аз ин фақр берун ояд “Тамм ал-фақр” гардад”¹. (Мазмуни: “Эй дўст, ҳар ким ушбу уч мақом (носут, малакут, жабарут)да қойим бўлса, у фақирдир. Аммо уларни ҳам тарк этса “Тамм ал-фақр”га эришади”). Яъни носут, малакут, жабарут фақр ичидаги мақомлар, бироқ фақр камолоти ушбу мақомларни (бинобарин, фақрнинг ўзини ҳам) тарк этмоқлик, “тарки тарк”, яъни таркни ҳам тарк этмоқликдир.

Абдурахмон Жомий “Лавойиҳ”да “Ал-фақру изо тамм ҳуваллоҳи”ни шарҳлаб ёзади:

*Андо, ки фано шеваву фақр ойин аст,
На кашфу яқин, на маърифат, найи дин аст.
Рафт ўз-миён, ҳамин худо монд, худо
“Ал-фақру изо тамм ҳуваллоҳи” – ин аст².*

(Маъноси: Ул кишиким, мақсади фано-ю йўли фақрдир. (Матлаби) на кашфу яқин, на маърифат, на диндир. Буларнинг бари ўртадан кетди ва бир Худо қолди. “Фақрнинг охири – Аллоҳ” дегани ушбудир).

Демак, ҳақиқий фақирлик кашф, яқин, маърифат сингари тушунчалардан-да, аҳамиятлироқ, муҳимроқ моҳият – Ҳаққа диққатни жалб этмоқдир. Ушбу ҳолатни Жомийнинг шогирди Имод “Шарҳи “Лавойиҳ” асарида изоҳлар экан, шундай ёзади: “Ҳар гоҳ, ки фано тамом шавад, ба ниҳоят расад мунтаҳий ба Ҳақ шавад. Ва мунтаҳий ва намояти он зоти Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бошад ва дар назари фоний ғайри важҳ боқий намонад”³. (Мазмуни: “Фанога етган (мунтаҳий) Ҳаққа эришади. Ўз борлиғини Ҳақ зотида эритиб юборган мунтаҳийда Ҳақдан бошқа бирор нарса боқий қолмайди”). Бошқача айтганда, ўз борлиғи фаносига эришган фақир Ҳақ зоти воситасида бақога етишади.

Навоий даҳр – дунё ва ундаги мавжуд тартиб-қоидалар, муносабатлардан ташқари чиқадиган, улардан юз ўгирадиган, юқори кўтариладиган ҳар кимки бор, бундай одамнинг йўли фақр йўлидир, дейди:

*Биравки, даҳр мозиқидин айлағай махраж,
Фаною фақр тариқи эрур анга минҳаж.* (ФК, 70-б.)

“Даҳр мозиқидан махраж айлаш”, яъни дунё неъматларига эҳтиёжмандликдан юқори тура олишдан мақсад нима? Бирор бир нарсани тўла-тўқис, бус-бутун кўриш учун масофа керак. Жумладан, инсонлар жамиятида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини ўша воқеликка дахлдор инсонлардан кўра, ўз маънавий камолоти тақозосига кўра, дунё икир-чикирларидан юқори кўтарила олган инсонларгина кўра оладилар. Бинобарин, фақрнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, фақрдан мақсад дунёдан қўл силташ, воз кечиш, унга бефарқ, беписандлик эмас, балки, жамиятдан узилиб, унга хизмат қилиш, жамиятнинг йўлини ёритишдир.

Навоийнинг фақр йўлини тутган лирик қаҳрамони **зуҳд, зоҳидлик, гўшанишинлик, дунёдан қочишни** танқид қилади. Чунки намоишкорона зуҳддан риё ва макру ҳийла

¹ Муҳаммад Ҳусайний. Мактубот. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма №9351, В.88^а.

² Абдурахмон Жомий. Лавойиҳ. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма №503. –В.20^б.

³ Имод. Шарҳи “Лавойиҳ”. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма №890. –В.247^б.

пайдо бўлади. Зухду риёдаги узоқлик билан фақру фанодаги яқинликни аниқ фарқлаган лирик қаҳрамон фақру фано тупроғини афзал билади:

*Зоҳидо, сен бўл риё авжи уза маснаднишин,
Ким, Навоийға эрур фақру фано туфроғи хўб.* (БВ, 40-б.)

Нега фақр кўйи тупроғи риё авжи (осмони)дан устун кўйилмоқда. Чунки:

*Фақр кўйи туфроғиким, улдур иксири ҳаёт,
Жон бериб, кўз ёритурча олсанг, олмишсен учуз.* (БВ, 160-б.)

Фақр тупроғи – ҳаёт иксири (*эликсир жизни*), ҳатто, жонингни бериб бўлса-да, ушбу тупроқдан кўз билан илғаш мумкин бўлган даражада (кўз билан кўра олар даражада, яъни жуда оз, бир мисқол, бир чимдим) ололсанг жуда ҳам арзон эришган бўласан, дейди шоир. Бунда “иксири ҳаёт”га бежиз урғу берилаётгани йўқ. Фақр призмасидан ўтказилгандагина ҳаётнинг асл моҳияти намоён бўлади. Тирикликнинг асл моҳияти кўнгилни нафс талаб ва эҳтиёжларидан тозалагандагина аниқ кўринади. Фақр моҳиятдан ташқари барча нарсани буткул йўқ қилади. Аслида фақр тириклик моҳиятини соф ҳолда кўриш, англаш, унга етиш учун керак.

Навоий зоҳидни танқид қилар экан, уни ўз зухди қобиғида қолиб кетганликда, асл мақсадни зухдга алмашганликда, уни фақат гўшанишинликдан иборат деб билганликда айблайти. Унингча, фақир билан зоҳиднинг фарқи зоҳиднинг зухдни, фақирнинг эса фано (камолот ва Ҳақ васли)ни мақсад қилиб олганлигидир:

*Боиси мақсуд зоҳид – зухд қилди, мен – фано,
Фақр иқболидин ул мушкулни осон айладим.* (БВ, 298-б.)

Фақрнинг иқболи – солиқни фанога яқинлаштирганлигида, зухднинг нуқсони эса киши-ни асл мақсаддан чалғитганлигидадир.

Навоийнинг зухд ва зоҳидликни танқид қилишида маломатийлик ва нақшбандийликнинг таъсири яққол сезилади. Маломатийлар Ҳақ йўлига кирган киши ҳеч бир жиҳати билан одамлар диққатини ўзига тортмаслиги, ташқи томондан одамлардан ажралиб турмаслиги керак, деб ҳисоблаганлар. Улар махсус жой (хонақоҳ, зовия, такка, работ ва ҳок.)ларда ўтириб, кўпчилик диққатини жалб этган ҳолда зикр ва самоъ мажлислари ўтказиш, махсус кийимлар (жанда, кисват, хирқа ва ҳок.) кийиш, кундалик эҳтиёжни тиланчилик ёки бошқалар меҳнати эвазига қондиришни танқид қилганлар. Улар Ҳақ йўлига кирган солиқ ўз “мен”и, ўзлиги, ўз вужудини Ҳақ вужудида маҳв этиши лозимлигини, кўпроқ шу машғулоти билан шуғулланиши кераклигини алоҳида уқтирганлар. Маломатиянинг асосини инсоннинг Ҳақ олдида ўзининг буткул ғариб, ҳатто, мавжуд эмас даражада фақирлигини англаш ташкил қилган. Баъзи олимлар нақшбандия тариқатидаги хуфий зикр, “Дил ба ёру даст ба кор”, “Хилват дар анжуман” каби қоидаларнинг пайдо бўлишини маломатийлик билан боғлашган¹. Аммо нақшбандийчилар маломатийликдаги ушбу қоидаларни қатъийлашти-

¹ Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. –М.: Наука, 1989. –С. 276.

риб қоида даражасига келтиришган. Умуман, нақшбандия таълимотида барча тариқатларнинг илғор ғояларини умумлаштириш, синтез қилиш тамойили кўзга ташланади. Шу маънода Алишер Навоий ижодининг синкретиклиги нақшбандия таълимоти билан моҳиятда ўхшашлик касб этади.

Суламий маломатийларни энг олий тоифа дейди ва ушбу оқимнинг асосчилари ўлароқ Абу Ҳафс Ҳаддод (ваф. 270/886), Ҳамдул ал-Қассор (ваф. 271/887) ва Саид бин Исмоил ал-Хайрий (ваф. 298/910)ларни кўрсатиб ўтади. Бундан ташқари, маломатийликнинг кенг ёйилишида Саҳл ат-Тустарий, Яҳё Муоз ар-Розий ва Абуязид Бистомийлар ҳам катта ҳисса қўшишган. Ж.С.Тримингэм олдинги уч кишининг нишопурлик эканлигидан келиб чиқиб, маломатийликнинг илдизларини айнан Нишопурдан излаш кераклигини ва бу таълимот тасаввуфдан кескин фарқ қилмай, балки маломатия тасаввуфнинг Нишопур мактаби эканлигини таъкидлаб ўтади¹.

Навоий зуҳдни риёга йўл очиши сабабли танқид қилади, зуҳду риёдан фақру фано афзал эканлигини айтади:

*Ваҳ нетиб, эй хонақаҳ шайхи, тутай зуҳду риё
Дайр пири чун манга фақру фано иршод этар.* (Б.В. 108-б.)

Мутафаккирнинг қарашича, кимки ушбу риёга мойил бўлса, у фақр тариқига киришдан ожиздир:

*Кимки зотида эрур шоибайи ушбу риё,
Қилғали қобил эмас фақр тариқига шуруъ.* (ФК. 200-б.)

Шу сабабли ҳам Навоий фақр тилаб, риё элидан қочишга даъват этади:

*Навоиё тила фақру риёе элдин қоч
Ки, одамилар эрур ўзга, доғи ўзга масух.* (БВ. 84-б.)

Риёкорликни бемаънилик, аҳмоқлик деб атаган шоир одамийликнинг асоси сифатида фақрни кўрсатиб ўтмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Навоий зуҳдни ҳол ўлароқ инкор этмайди, балки у зуҳдни касб қилиб олишни, зоҳидлик орқали шон-шуҳратга интилишни танқид қилади. Нафсни жиловлаб турадиган ҳол ўлароқ зуҳд, ҳатто, фақр билан ёнма-ён қўйилади ва қадрланади:

*Дариғким, қаридим зуҳду фақр лофи била,
Вале ишим ёшурун барча журму исёндур.* (ФК, 97-б.)

Байтда фақрнинг зуҳд билан ёнма-ён қўйилганлигини, бинобарин, бир-бирига яқин маъноларда ишлатилганлигини кўришимиз мумкин. Аммо бу ерда гап касб ўлароқ зоҳидлик ҳақида эмас, балки зуҳд ҳоли ҳақида бормоқда. Зуҳд ҳоли таҳсинга лойиқ, бироқ касб ўлароқ (риёга йўл очганлиги сабабли) зуҳд танқид объектидир.

¹ Ўша жойда, 275-бет.

“Ёшурун журму исён” – нафс талаби. Байтда шоир ўзининг зоҳирда зухду фақр лофи билан ўтганлигини, ботинда эса журму исён қилиб нафс талабига бўйсунганлигини қайд этади ва бу билан маломатийларга эргашади.

Маълумки, ўзини зоҳид, порсо, фақиҳ санайдиган риёкорлар фақр йўлига кирган Ҳақ ошиқларини художўйликнинг зоҳирий амалларини бажармасликда айблар эдилар. Бу эса Навоий каби шоирлар ижодида фақрлик йўлини тўсадиган жуда хавфли иллат сифатида қораланган. Масалан, риёкор шайхлар ўзларини ҳақиқий художўй ҳисоблаб, ҳақиқий художўй бўлган фақирларни эса, шаробхўрлик, дунёвий ишққа берилиб худони унутганлик ёки шариат амалларини бажармаслик кабиларда айблаганлар. Аслида эса, ҳақиқий фақир йўлига кирганлар дунёвий ишқни мажоз ўлароқ билиб, уни ҳақиқий ишқ, яъни илоҳий ишққа эришиш учун кўприк деб билганлар. Шунинг учун ҳам Навоий мана шундай риёкор шайхларни танқид этиб ёзган бир ғазалида:

*Мени ишқдин манъ этар сода шайх,
Дема сода шайх, айтким лода шайх, –*

дея улар адресига қаттиқ сўкишлар йўллаган.

Навоий яна риёкорлик мақсадида зоҳидликни ихтиёр этганларга хитобан:

*Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин зоҳидо, –*

Шароб – ҳолга олиб борувчи восита. Бироқ ундан сипқориш (машраблик) фақр билан мувофиқ бўлиши керак. Илоҳий жамол файзидан баҳраманд бўлиш усулларининг энг тўғриси, нуқсонсиз фақирлик орқали эришилган баҳрамандликдир.

Демак, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Навоий лирикасида шоҳлик (подшоҳ), дунё, зухд (зоҳид) каби образлар аксарият, бевосита ва ёки билвосита фақр образи билан боғлиқликда талқин этилган. Бунинг сабаби фақрнинг моҳиятбинлик фалсафаси эканлигидадир¹.

Навоийнинг фақр борасидаги қарашларининг чексизлиги фақрнинг чексиз бир ғоя, сўнгги йўқ бир фалсафа эканлиги билан боғлиқдир. Буни ҳис қилган шоир ғазалларидан бирида шундай ёзган эди:

*Фақр эрур бир лафзу шарҳи ёзилур юз минг китоб,
Не учунким хуш келур айтурда итноби анинг.* (НШ, 257-б.)

Итноб луғатда сўзни ортиқча чўзиш, сўзнинг ортиқ даражада чўзиб талаффуз этилиши ёки шундай талаффузга эга сўз дея изоҳланган². Байтда «фақр» сўзининг ортиқча чўзиқликда талаффуз қилинишига ишора қилинган. Дарҳақиқат, аруз илмида «фақр» сўзи ўта чўзиқ ҳижони ташкил этади. Худди шунинг сингари фақрнинг моҳияти ҳам чексиз, ўта да-

¹ Қаранг: Рамазонов Н.Н. Алишер Навоий ижодида фақрнинг бадиий талқинига доир // «Алишер Навоий ва XXI аср» мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари (2019 йил 9 февраль, Ўзбекистон, Тошкент ш.). –Тошкент: «Navoiy universiteti» nashriyot-matbaa uyi, 2019. –Б.126–132.

² Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б.286.

вомлидир, дейди шоир. Фақрнинг «давомийлиги» масаласи Навоий томонидан бошқа бир газалда ҳам зоҳирий олам билан муқояса асносида очиб берилган:

*Эй Навоий, давлати зоҳирни доим топмоғунг,
Фақр иқболидурур, улким давоми бор анинг.*

(НШ, 265-б.)

Иккинчи бобда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Навоий ўз лирикасида фақр образини кўп қўллаш баробарида унинг аҳамиятлилигига кучли эътибор қаратган. Бунинг сабаби шоир учун фақр реал ҳаётда маслак, бадий ижодда эса эстетик идеал сифатида кўрилганлигидир. Навоий лирикасида фақр образи билан боғлиқ ўринлар 264 марта қўлланилган. Шундан “Ҳазойин ул-маоний”да 192 марта, “Бадоеъ ул-бидоя”да 114 марта, “Наводир ун-нихоя”да 76 марта, “Илк девон”да 58 марта учрайди. Бу яхшигина кўрсаткич. Бироқ гап фақат сон ва рақамларда эмас. Эҳтимол Навоий ўз лирикасида фақр образини бошқа образлар билан таққослаганда камроқ қўллаган бўлиши мумкин. Лекин қандай бўлишидан қатъий назар у фақр образини энг муҳим ўринларда қўллайди. Бу ушбу образнинг Навоий ижодида нақадар муҳим эстетик идеал сифатида кўрилганлигининг далилидир.

2. Навоий фақр образини ҳаётининг турли даврларида бирдай қўллаган. Масалан, шоирнинг 25 ёшгача ёзган лирик асарларини ўз ичига олган “Илк девон”да фақр образи қўлланган ўринларни унинг бошқа даврларда ёзилган шу каби ўринлар билан қиёслайдиган бўлсак, улар савия жиҳатидан бир хил эканлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса шоир яшаган муҳитда фақр масаласи анча шакллланган эътиборли масалалардан ҳисобланганлигини ва у ёшлигиданоқ ундан яхши хабардор эканлигини кўрсатади.

3. Навоийнинг соф биографик характерга эга насрий асарларини кўздан кечирадиган бўлсак, уларда Навоий тарбия топган муҳитда фақр ғоясига катта муҳаббат билан қаралганига, у маданият ва маънавиятнинг асоси сифати кўрилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Навоий ўзининг “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” номли рисоласида фақр йўлига кирганларнинг кўпини кўрганлигини, лекин Саййид Ҳасан Ардашер сингарисини кам кўрганлигини айтади. Шунингдек, “Насойим ул-муҳаббат” ҳам фақрнинг Навоий замондошлари фалсафий қарашларида тутган ўрнини кўрсатишда муҳим бир асардир. Унда Навоий Хожа Аҳмад Муставфий, Мавлоно Ҳожи, Хожа Рукниддин Меҳна, Мавлоно Алоуддин (ваф.892/1487), Мавлоно Шаҳобиддин (ваф.899/1494) сингари тасаввуф намояндалари фақр йўлидан борганликларини ва ўз шогирдларига ҳам шу йўлни тутиш кераклигини уқтирганлигини ёзади. Масалан, Мавлоно Алоуддин ҳақида тасаввуф йўлига кирган толибларга энг ишончли ва яқин йўл сифатида фақрни тавсия этганлигини айтса, Мавлоно Шаҳобиддин ҳақида эса дарвешлик ва фақр йўлида буюк ҳол ва воқеъликка етганлигини, Хожа Авҳад Муставфий тўғрисида эса ўзи ҳақида кўп марта фотиҳалар ўқиб хайр дуоси қилганлигини ва бу дуолар ижобат бўлишидан умидвор эканлигини айтади. Бу каби мисоллардан Навоий фақрни ўзлари учун дастуриламал қилиб олган кишиларни шахсан таниган ва улар билан мулоқотда бўлишга интилгани ҳамда уларнинг ўзи ҳақида билдирган фикрларини қадрлаганлигини билиш мумкин.

4. Маълумки, Навоий Ҳақ ва ҳақиқатшуносликда нақшибандия тариқатини бошқалардан мукамалроқ деб билган. Бироқ Навоий битта тариқат доирасида чекланиб қолмасдан ўзигача бўлган тасаввуф таълимотининг барча илғор томонларини ўзлаштиришга ҳаракат

қилган. Бу ҳолат фақр масаласида ҳам кўзга ташланади. XV аср Хуросон ва Мовароуннаҳрда фаол ҳаракатда бўлган суҳравардия, нақшбандия ва яссавия тариқатлари фақр масаласида яқдил эдилар. Буни ушбу тариқатларнинг ўша даврдаги вакиллари томонидан фақр ҳақида билдирилган фикрлари ва Навоийнинг фақр маслагига улар қандай даражага етганликлари тўғрисидаги қайдлари кўрсатиб турибди.

5. XV асрда фақрлар (дарвешлар) жамиятнинг бир бўғини ҳисобланиб, уларнинг жамиятда ўз ўрни, муайян вазифалари бўлган. Ўшбу вазифа, асосан, фақр талабларига содиқ қолган ҳолда ўз нафсларини жиловлаш ва шу орқали инсонларга ўрناк кўрсатишдан иборатдир. Бу эса ўша даврнинг нафақат маънавий, балки иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун ҳам муҳим эди. Навоийнинг талаб ва танқидлари эса уларнинг жамият олдидagi ўз вазифаларини тўлақонли бажаришларига қаратилгандир. Шунинг учун ҳам Навоийнинг соф биографик характердаги насрий ва илмий асарларида фақрлар подшо, вазир, аскару сипоҳий, давлат хизматчилари, мударрислар в.х. сингари ижтимоий гуруҳлардан бири сифатида тилга олинадилар.

6. Навоийнинг фақир образи яратилган ғазаллари кўздан кечирилганда ушбу образ қўлланган байтлар аксарият ғазалнинг мақтаъси, яъни охирги байти ёки мақтаъдан олдинги кульминацион байтда келганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу нимани англатади? Одатда, мақтаъдан олдинги байтларда ғазалда қаламга олинган мавзу, масала энг авж нуқтага кўтарилади, ғазалда қўйилган бадиий-эстетик, фалсафий муаммо ўз ечимини топади. Айтиш мумкинки, айнан ушбу байтлар ғазалнинг бадиий-эстетик маркази ҳисобланади. Мақтаъда эса лирик қаҳрамоннинг масала моҳиятидан келиб чиқадиган хулосавий нуқтаи назари акс этган бўлади. Фақир образи яратилган ўринлар лирик асарнинг айтганимиздек, бадиий-эстетик марказидан ўрин олиши, хулосавий нуқтаи назар акс этадиган байтларда қўлланиши ҳам ушбу масаланинг Навоий лирикаси учун қанчалик даражада эстетик идеал сифатида аҳамият касб этганлигининг яна бир далилидир.

7. Навоийнинг лирик асарларида *ўзлик, шукр, ризо, таваккул, сабр, қаноат, фано, маърифат* сингари тасаввуф билан боғлиқ тушунчаларни ифодаладиган истилоҳлар мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилган. Бинобарин, шоирнинг лирик асарларини ўқир эканмиз бу истилоҳлар қўлланган ўринларга бот-бот дуч келамиз ва уларни таҳлилу талқин этиш орқали фақр масаласининг моҳияти очилишига гувоҳ бўламиз. Бу эса ушбу тасаввуфий истилоҳларнинг фақр билан алоқаси нақадар муҳим эканлигини англатади.

8. Навоий лирикасидаги фақр ва шоҳлик масаласини ўрганар эканмиз, аввало, шоир учун тож-тахт ва салтанат ишлари бегона эмаслигига эътибор қилишимиз керак бўлади. Чунки Навоийнинг отаси Ғиёсиддин кичкина темурийлар салтанатида катта лавозимларда ишлаб келган амалдор бўлган. Бундан ташқари, Навоийнинг ўзи ҳам ёшлик чоғларида ёқ темурий шаҳзодалар билан дўст тутинган. Кейинчалик эса у ўзининг мактабдош дўсти Хусай Бойқаро саройида подшоҳдан кейинги энг юқори лавозим эгаси – бош вазир этиб тайинланади. Бу эса Навоий ўз даврининг том маънодаги йирик давлат арбоби даражасидаги шахс бўлганлигини кўрсатади.

9. Навоий лирикасидаги фақр масаласи билан боғлиқ ўринларни таҳлил қилар эканмиз, шоирнинг Амир Темур ва унинг авлодларига бўлган чексиз ҳурматининг гувоҳи бўламиз. Навоий учун Амир Темур фақр сирларидан огоҳ идеал подшоҳдир. Гарчи шоир Амир Темур номини ҳадеб тилга олавермаса-да, буни унинг темурийларга мол-дунё ёки мансаб

илинжида ортиқча маддоҳлик қилишни хуш кўрмаганлигига йўйиш мумкин. Аслида эса шоирнинг Амир Темур ҳақида: “Мажолис ун-нафоис”да айтган “...агарчи ул зот шеърға машғуллик кўрсатмаган эрсада, баъзи вақтда баъзи абётни ўқубтурларки, анингдек бир байт ўқуғони, минг байт айтқонча бор” дея Амир Темур заковотига юксак баҳо бериши ва ёки “Насойим”да Амир Темурнинг Бобо Сунгу қ.с хизматига боришини тасвирлаши Навоий учун фақр сирридан огоҳ идеал подшоҳ Амир Темур бўлганлигини кўрсатади. Айтиш мумкинки, Навоий бир ғазалида “Фонийи маҳз ўлмайн Султон Абулғозий бикин” дея Ҳусайн Бойқарони фақр йўлидан юрган шоҳ сифатида чексиз ҳурмат қилиши ҳам Амир Темур туфайли эди. Бинобарин, шоир ўз дўсти Ҳусайн Бойқарони ҳам Амир Темур каби улуг салтанат эгаси, ҳар томонлама мукаммал подшо бўлишини орзу қилган.

3-БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА ФАҚРНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ИДЕАЛ СИФАТИДАГИ ЎРНИ

3.1. “ХАМСА” ҚАҲРАМОНЛАРИ ВА ФАҚР

Алишер Навоий «Хамса» достонларида бир неча мукаммал ишланган қаҳрамонлар образини яратган. Улар: Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар, Арасту, Моний, Боний, Қоран, Меҳинбону, Дилором, Шопур сингари образлардир. Булардан ташқари, Навоий “Хамса”да ўзининг бадиий-эстетик идеалини акс эттирган образларини тўлақонли очиб бериш, бир сўз билан айтганда, улар ҳаётини эпик планда акс эттириш учун уларга тескари, яъни илм тили билан айтганда, бир қатор салбий образларни ҳам яратган. Улар қаторида Хусрав, Жобир, Ёсуман, Баҳром, Зайд Заҳҳоб сингари образларни санаб ўтиш мумкин.

Навоий яратган Хамса қаҳрамонларини ўрганишда бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш керак бўлади. У ҳам бўлса бош қаҳрамонларни комил инсон этиб ва ёки ўша йўналиш бўйича тасвирлашдан иборатдир. Маълумки, тасаввуфда комиллик сари интилган киши маълум бир босқичлардан ўтиб, кейин унга етиши мумкинлиги айтилади. Бу босқичлар талаб, ишқ, маърифат, истиғно, ҳайрат ва ниҳоят фақру фанодир. Навоий ўз қаҳрамонларини эпик планда яратар экан улар қайсидир маънода мана шу тариқат йўлининг бир босқичида тасвирланган дейишимиз мумкин. Масалан, Навоий Хамсасининг “Лайли ва Мажнун” достони том маънодаги ишққа бағишланган достон ҳисобланади. Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин”да ҳам ишқ масаласи асосийдир. Демак бу икки достондаги бош қаҳрамонлар талабдан кейинги иккинчи босқич, яъни ишқ босқичидадир. Шунинг учун ҳам Навоий бу образларга фақр сўзини тўғри равишда қўлламайди. Лекин бу ушбу қаҳрамонларга фақрнинг алоқаси йўқ деган маънони англатмайди. Зеро, Навоийнинг эстетик идеали нуқтаи назаридан олиб қаралганда, улардан мақсад ҳам фақрга эришишдир. Чунки фақрга эришишдан аввал киши кўнглида том маънодаги ишқ бўлмаса ва ёки ишқ жавҳаридан у бебаҳра бўлса, бундай кимсага нисбатан фақрга эришиш тўғрисида гапириш ҳам мумкин эмас. Демак, фақрга эришиш учун ишқ, ишқ водийсида тобланиш зарурий ҳисобланади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” достонларидаги Мажнун, Лайли, Фарҳод, Ширинларнинг мана шу муҳим водийдаги қисматлари бу достонлар учун асосий масала сифатида танлаб олинган. Шунинг учун ҳам бу қаҳрамонлар учун фақр бавосита боғлиқлик касб этади. Мисол учун Фарҳод шохнинг ўғли, унга аввал бошдаёқ шохлик таклиф этилганида у бунга қабул этмайди. У бунга олдин тайёр бўлиши лозимлигини айтади ва мана шу тайёргарликнинг биринчи талаби сифатида талаб ундан кейин ишқ водийсига қадам қўяди. Худди шу фикрни Ширинга нисбатан ҳам ва ёки Мажнун ва Лайлиларга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Фақр бевосита татбиқ этилган қаҳрамонлар Навоий “Хамса”сининг “Ҳайрат ул-аброр”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” достонларида учрайди. Бу уч достонда ҳам ишқ масаласи бор эса-да, юқорида тилга олганимиз икки достондан фарқли ўлароқ уларда нисбатан ижтимоий-фалсафий масалалалар асосий планга чиқарилган.

Масалан, “Ҳайрат ул-аброр”нинг Султон Ҳусайнга бағишланган XVI бобида Навоий Султон Ҳусайнни таърифлаб ёзади:

*Қайси шаҳул хисрави олампаноҳ,
Оламу одам анга мулку сипоҳ,
Қасри ети гумбази гардон келиб,
Етти атосига дегин хон келиб.
Хон келибон ҳам ото, ҳам от анга,
Фақр оти бирла мубоҳот анга¹.*

Бу ерда Навоий Султон Ҳусайн Бойқарони ҳам ота томонидан, ҳам она томонидан етти пушти подшоҳ ўтганлигини, бу борада унга ҳеч ким тенг келолмаслигини, унинг ўтириш-туриши, яъни саройи етти осмон гумбазидан ҳам баландлигини, охир-оқибатда фақрни ихтиёр этганлиги билан фахрланиш даражасига кўтарилган бир улуғ подшоҳ эканлигини муболаға ишлатиш йўли билан англатмоқда. Демак, бу ерда ҳам Навоий ўз идеалидаги подшоҳ учун фақр асосий бир сифатдан ҳам ошиб ўзликка айланган бўлиши кераклигини таъкидламоқда. Айнан шундай, яъни фақрни ўзига фахр деб билган шоҳгина “шоҳлар шоҳи” мартабасига эришади. Шунинг учун ҳам Навоий наздида турку муғул хонлари Султон Ҳусайн Бойқаронинг қуллари даражасидадир:

*Турку муғул қуллари хонлар анинг,
Мулк деҳи, мулк ситонлар анинг.
Қуллуғи хонларға келиб фарзи айн,
Хонлару шаҳлар шаҳи Султон Ҳусайн².*

Навоий айнан мана шундай сифатларга, яъни фақрни ўзлигига айлантирган шоҳни таърифлашда давом этиб, унга хос бўлган саховатлилик, карамлилик, ҳимматлилик сингари хислатларни алоҳида санайди, оқибатда эса унинг кўнгли билик (ирфон) конига айланганлигини таъкидлайди:

*Илги саховатдин ўлуб зарфишон,
Лутфи талаттуф била гавҳарфишон.
Кўнгли билик жавҳаридин ганжсхез,
Илги саховат кафидин ганжрез.
Ҳам карами баҳр ила кон офати,
Ҳам ғазаби мулки жаҳон офати³.*

Навоий дунёқарашича, айнан шундай фазилат ва хислатларга эга бўлган шоҳ ҳукмронлиги давридагина халқ ҳақиқий фаравонликка ва жамият эса тараққиётга эришади:

*Эл кўзини партави равшан қилиб,
Бал қаро туфроғни гулшан қилиб,
Жуд илиги аҳли ғино бошиға,
Қайси ғино шоҳу гадо бошиға.
Бод хазондек дирами зар сочиб,
Абри баҳорий киби гавҳар сочиб⁴.*

¹ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 томлик. 7-том. –Тошкент: Фан, 1991. –Б.67.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда, 71-бет.

Юқоридаги байтлар мазмунидан яна шу нарса маълум бўладики, фақрни ўзига асосий мақсад қилиб олган шоҳ учун жамиятни барча табақаларини бир кўзда кўриш хислати пайдо бўлади. Бундай подшоҳ учун бой ҳам, камбағал ҳам, шоҳ ҳам, гадо ҳам баравардир. У худди қуёш сингари ўз саховатини барчага бирдай сочади, баҳорнинг ҳаммаёқни кўкартирадиган ёмғиридек жамият қатламларини яшнатади.

Демак, фақр, Навоий талқинида, олий ҳукмдор ахлоқини ўзгартириш орқали жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатишнинг муҳим маънавий воситасидир. Бунда фақр мисолида ирфон ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт, тасаввуф ва сиёсат масаласи ўртага чиқаяпти.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг 2-мақолотида ислом дини ва ҳақиқий мусулмонлик ҳақида баҳс юритади. У исломнинг иймон, намоз, рўза, закот сингари асосларини ва Муҳаммад (с.а.в)нинг суннатларини баён қилганидан кейин ҳақиқий мусулмон қандай хислат ва фазилатларга эга бўлиши ҳақида мулоҳаза юритади. Унинг ёзишича, ҳақиқий мусулмоннинг асл кўнгил захираси, яъни бойлиги фақру фано ганжи (бойлиги) билан тўлдирилган бўлиши керак. У ёзади:

*Кўнгли қачон қилса захира ҳавас,
Бўлмоқ анга фақру фано ганжи бас.
Бўлмаса кўнглида дирам нақши доғ,
Қилмаса дур партавини шабчароғ¹.*

Демак, ўзини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаган кишининг кўнгли бойлик ҳавас қилса, унга фақатгина фақру фано деб номланган маънавий бойликнигина олиб йиғиш керак. Бундай кишининг кўнглида моддий бойлик орзуси бўлмаслиги керак, у моддий бойликни ўз ҳаёт йўлини ёритиб турган бирдан бир восита деб билмаслиги керак. У яна давом этиб ёзади:

*Лаъл ғами бағрини қон қилмаса,
Дур ғами ашкини равон қилмаса.
Минг етибон асрамаса бирини,
Юкласа ўз бўйниға тақсирини
Ганж топиб чекмаса вайрониға,
Берса қўйуб миннатиини жониға.
Ҳарне етар берса, тугуб ёпмаса,
Бергали шукрона яна топмаса.
Кимки анга базл бу чоғлиғ дурур,
Ганж доғи топса яроғлиғ дурур².*

Демак, бундай одамнинг кўнглини дунёнинг лаъл, дурга ўхшаган қимматбаҳо тошларининг ғами қон қилмаслиги, кўз ёшларини оқизмаслиги керак, яъни у дунё моли учун қайғурмаслиги керак. Бунақа бойликлардан минги уларнинг қўлига тушса ҳам уни уйига ташиб, яшириб ётмаса, одамларга эҳсон қилиб юборса, агарда шу бугун унинг қўлига

¹ Ўша жойда, 114-бет.

² Ўша жойда.

бирор бир бойлик тушмаса бунга шукр қилса, бундай саховатли инсоннинг янада бойлик топавериши яхшиликка хизмат қилади ёки жамият учун хавfli эмас.

Бу ишлардан охир-оқибат мақсад нима, муддао нима? Ҳақиқий мўмин-мусулмон одам бу ишларнинг пировард натижаси ўлароқ нимага эришади. Яъни кўнгилни ўткинчи мол-дунё ҳавасидан тозалаган инсон нимага эришади, унинг ўрнига нима ҳосил бўлади? Буни Навоий шундай изоҳлайди:

*Лек икинчи буки, аҳли фано,
Ким ўзига фақрни билгай ғино.
Дўст тушуб хотири вайрониға,
Шавқу талаб ўт солибон жониға¹.*

Навоий юқоридаги мисраларда мол-дунё ҳаваси суриб чиқарилган кўнгилга Дўст (Аллоҳ) келади, яъни бундай кўнгил Аллоҳ назаргоҳига айланади дейди ва давом этиб шундай ёзади:

*Фони ўлуб кимки ниёз айлади,
Тенгри ани қошифи роз айлади².*

Демак, ўзлигидан воз кечиб, кўлига тушган дунё бойликларини худо йўлида сарф этган бундай инсон “қошифи роз”, яъни Аллоҳни кашф этган, билган, таниган инсон даражасига эришади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да асосан, ўткинчи бойлик, уни Аллоҳ йўлида сарфлаш ва унинг ажри сифатида фақрга эришиб Ҳаққа етиш мумкинлигини тасвирлаб ўз эстетик идеали фалсафий кредосини белгилаб беради. У ўз фикрини баён этишда Ҳусайн Бойқарони, қолаверса, умуман шоҳ ва шоҳликни мисол қилиб олади. Чунки шоҳ ва шоҳлик ҳаётда, жамиятни бошқаришда катта роль ўнайдиган муҳим мансабдор ва мансаб ҳисобланади.

“Хамса”да Навоийнинг фақр ва унинг аҳамияти ҳақидаги қарашлари акс этган иккинчи дoston, бу “Сабъаи сайёр”дир. “Сабъаи сайёр” Навоий “Хамса”сининг тўртинчи дostonи бўлиб, у сюжет қурилишига кўра “Баҳром ва Дилором” ҳикояси асосига қурилган, шунингдек, унда дунёнинг етти иқлимидан келган мусофирларнинг айтган ҳикоятлари, яъни етти ҳикоят баён этилади. Дostonнинг асосий ҳикояси ҳисобланмиш “Баҳром ва Дилором”да Баҳром енгил табиат, дунёнинг ўткинчи айш-ишратларига ружуъ қўйган, бир сўз билан айтганда фақрдан бебаҳра, худобехабар бир шоҳ образидир. У охир-оқибат ўзининг қилмишларига яраша бир ботқоққа кириб ҳалок бўлади. Навоий бу ерда унинг ботқоққа кириб кетишига рамзий маъно юклаган. Айтиш мумкинки, фақрга интилмаган подшоҳ икки дунёда ҳам мана шундай тақдирланади. Демак, бу ерда Баҳром ва унинг аянчли тақдири фақрга интилмаган подшоҳ рамзи сифатида кўрсатилган.

Бу дostonда ҳам Навоий Ҳусайн Бойқарога бир боб бағишлаган ва унда ҳам Ҳусайн Бойқаро фақрни ўзига касб этган шоҳ сифатида таърифланади. Бинобарин, Навоий шундай ёзади:

¹ Ўша жойда, 116-117 бетлар.

² Ўша жойда, 118-бет.

*Фахр йўқ анга салтанат оти,
Ул бўлиб салтанат мубоҳоти.
Шоҳлар қуллуғин кўруб марғуб,
Анга дарвешлик бўлуб матлуб.
Гарчи шаҳларни зердаст айлаб,
Ўзни дарвешларга паст айлаб¹.*

Юқоридаги мисраларда Султон Бойқаронинг салтанат эгаси эканлигидан фахрланмаслиги, балки салтанат у билан фахрланиши, шоҳларнинг ўзига қуллуқ этишини истаб, ўзига дарвешликни, яъни фақирликни мақсад қилиб, гарчи подшоҳларни ўзига бўйсундирган бўлса-да, ўзини дарвешлар, яъни фақрлар олдида паст тутиши баён этилган. Навоий бу хусусда яна давом этиб:

*Салтанатдин ҳавасни бас айлаб,
Фақр султонлиғин ҳавас айлаб², –*

дея Бойқарони салтанатни ҳавас этишни тўхтатиб, фақр салтанатига султон бўлишликни ҳавас қилганлигини айтади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Навоий бу дostonда ҳам фақрни ўзининг ахлоқий-эстетик идеали сифатида тасвирлаган. Бироқ “Ҳайрат ул-аброр” дагидан фарқли ўлароқ бунда фақр йўлига кирмаган, унга интилмаган шоҳ, яъни Баҳром образини яратган ва унинг аянчли тақдирини тасвирлаш орқали фақрнинг инсон учун нақадар тўғри қутқарилув йўли эканлигини таъкидлаган.

Навоий “Хамса”сида фақр масаласи чуқур таҳлил этилган яна бир асар, бу “Садди Искандарий” достонидир. Маълумки, Ғарбда Александр Македонский, Шарқда эса Искандари Зулқарнайн номи билан машҳур бўлган тарихий шахс ҳақида Қуръони Каримда ҳам зикр этилган³. Ғарбдан фарқли ўлароқ Шарқда Искандар ҳақида жуда кўплаб қиссалар, ривоятлар яратилган бўлиб, уларда Искандар дунё тарихида ўтган жами подшоҳларнинг энг улуғи ва энг қудратлиси сифатида талқин этилади. Бундан ташқари, Шарқ мумтоз адабиётида, хусусан, хамсачиликда ҳам Искандар образига мурожаат этилган. Бинобарин, Навоийгача Низомий “Панж ганж”ига ва Амир Хусрав Деҳлавий “Хамса”сига кирган “Искандарнома” достонларида, Абдурахмон Жомий “Ҳафт авранг”идаги “Хирадномаи Искандар” достонида бош қаҳрамон этиб Искандар образи яратилган эди. Навоий ҳам анъанани давом эттириб, ўз “Хамса”сининг бир достонини “Садди Искандарий” деб номлади ва унинг бош қаҳрамони сифатида Искандар образини яратди.

“Садди Искандарий” достонининг асосий воқеалари баёнига 15 бобдан эътиборан киришилади. Достонда Искандар Файлақус номли подшонинг ўғли, Руму Руснинг подшоҳи сифатида тасвирланади. Айтиш керакки, Навоий ҳам ўз достонида анъанавий равишда Искандарни идеал подшоҳ сифатида гавдалантиради. Достонда Искандар бутун дунёни забт этган энг қудратли подшоҳ сифатида таърифланади. Бинобарин, бутун дунё халқи унга тобеъ, чунончи бутун дунё хазинаси унинг қўлида жамланган. Шунингдек, дунёнинг бар-

¹ Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. МАТ. 20 томлик. 10-том. –Тошкент: Фан, 1992. –Б.60.

² Ўша жойда, 64-бет.

³ Қуръони Карим: 18-сура, 83-98 оятлар.

ча ақлли файласуф донишмандлари ҳам унинг хизматида. Дунёдаги жами донишмандларнинг энг кучлиси дея таърифланган Арасту (Аристотель) унинг устозидир.

Алишер Навоий Искандар воқеасини баён қилишга киришишдан олдин, асарга ҳиммат тўғрисидаги 16-бобни киритади. Ушбу бобда у ҳимматни энг юксак маънавий-ахлоқий категория сифатида талқин қилади ва унда фақр билан боғлиқ равишда қуйидаги концептуал фикрларни илгари суради:

*Кўнғил ҳиммат аҳлиға ким бўлди кенг,
Ғино бирла фақр ўлди олинда тенг¹.*

Навоий юқоридаги байтда ҳимматли инсонларнинг кўнғили ёки феъли шу қадар кенг бўладики, уларнинг олдида бойлик билан камбағаллик тенгдир, дейди. У давом этиб ёзади:

*Бировгаки ҳиммат қилур ёрлиқ,
Гадолиқ тилар йўқ жаҳондорлиқ.
Ўзин фақр бирла жаҳондор этар,
Жаҳондорлиқдин вале ор этар².*

Навоий юқоридаги байтларда, кимдир бировга агар ҳимматлилиқ сифати ёр бўлса, у одам Худодан ўзига дунёга подшоҳ бўлишни эмас, балки гадоликни сўрайди, чунки у ўзини фақр билан жаҳон подшоси даражасига етказади, шунинг учун ҳам жаҳон подшоҳлигидан ор этишини айтади. Шунингдек, у яна шу жойда, сен фақр йўлида гадо бўлиб юрган одамни кўриб гадо деб ўйламагин, уни Худо шоҳларни шоҳи, яъни дунё шоҳларидан ҳам устун қилиб қўйибди, дейди:

*Дема фақр куйи гадойин гадо
Ки, шаҳлар шаҳи қилмиш они Худо.
Қилур подшо ул гадолиқ ҳавас,
Нечукким гадо подшолиқ ҳавас³.*

Навоий ўзининг фақр ҳақидаги бу мулоҳазаларини, агар Худо кимнидир фақрликка эришишнинг бахтидан огоҳ қилса, ундай одам подшоҳликни қўйиб, фақрликни исташини айтади:

*Магар ҳақ етургай бу огоҳлиқ,
Ки, фақр истагай эл қўйуб шоҳлиқ⁴.*

Айтиш мумкинки, кўриб ўтганимиз дostonнинг 16-бобидаги фақр тўғрисидаги концептуал қараш 17-18-19-бобларда бевосита асар сюжетига татбиқ қилинади ва фақр фақат фалсафий эстетик асосгина эмас, балки бадий функция касб эта боради, яъни асар бош қаҳрамони Искандарнинг хатти-ҳаракатларини белгиловчи омилга айланади.

¹ Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ. 20 томлик. 11-том. –Тошкент: Фан, 1993. –Б.98.

² Ўша жойда. 99-бет.

³ Ўша жойда, 99-бет.

⁴ Ўша жойда.

Жумладан, 17-бобда Искандарнинг фақирликни ихтиёр этган подшоҳ билан учрашуви баён этилади. Ушбу учрашувда Искандар бир пайтлар подшоҳ бўлган гадони яна қайтариб тахтга эга қилиши мумкинлигини айтади. Лекин гадо буни истамайди ва Искандар таклифини рад этади. Шунда Искандар ундан бунинг сабабини сўраганида гадо унга буни, менга ҳиммат доимий ҳамроҳ бўлган, сен ўйлаганингчалик мен паст, ҳимматсиз эмасман, фақрни билганларнинг ўзига яраша тенгсиз бойлиги бор, мен қандай қилиб бу асл бойликни қандайдир ўткинчи дунё бойлиги саналмиш шоҳликка алишаман, яъни:

*Деди: “Ҳиммат ўлмиш манга ҳамнишаст”,
Сен истардек эрмас, вале асру паст.
Ки тарк айлабон фақр сармоясин,
Писанд этгамен шоҳлиғ поясин, –*

дейди ва шундан кейин гадо ҳақиқий тенгсиз бойлик ҳисобланмиш фақр моҳиятини бирма бир таърифлашга ўтади:

*Эмас рубъи маскунга рағбат манга,
Тилар тўрт сармоя ҳиммат манга:
Бири андин ўлди ҳаёти абад
Ки, йўқтур анинг интиҳосиға ҳад;
Яна бир: йигитликни топмай халал,
Қарилик ила бўлмағай ул бадал;
Яна бир: ғинойи муаббаддурур,
Ки, олинда ифлосқа раддурур;
Яна: шодлиқим, йўқ онинг ғами,
Адам бўлғай ул сурнинг мотами”¹.*

Демак, юқоридаги байтларда гадо ер юзига эга бўлишликка менда хоҳиш йўқ, чунки менга ҳиммат тўрт бойликни ато этган, ундан биринчиси абадий ҳаёт бўлиб, унинг охири йўқ; иккинчиси эса абадий навқиронлик бўлиб, унга қарилик соя сололмайди; учинчиси кетмас бойликдирки, унинг қаршисида дунё бойликлари ифлос бир нарсадир; тўртинчиси шундай бир шодликка эгаманки, у ғам нималигини билмайди, бу шодликнинг мотами йўқ, демоқда.

Ростдан ҳам шу ўринда савол туғилади, нима учун гадо ўз гадолигини шоҳликка алмаштирмади? Агар биз гадонинг кўрсатаётган вазҳларига диққат қиладиган бўлсак, бу ерда абадиёт масаласи ўртага тушаётганлигини кўришимиз мумкин. Инсонни изтиробга соладиган нарса унинг ҳаёти, эришган нарсалари муваққат, ўткинчи эканлигидадир. Аслида инсоннинг ҳақиқий фикрлай бошлаши шу нарсани англаб етишдан бошланади. Фақр эса инсон учун ўткинчи нарсаларни абадий нарсага алиштириш имконини беради. Буни чин маънода англаб етган инсон эса фақрни ҳеч нарсага алиштирмайди. Бу ерда гадо билан Искандар ўртасида кечган суҳбатнинг мазмун-моҳиятида шу маъно ётади.

Шунинг учун ҳам гадонинг бу сўзларидан ўта мутаассир бўлган Искандар суҳбат асносида гадога Худонинг сенга берган бу фақрлик мартабаси менга берилган шоҳликдан устун экан дейди ва унинг бу фикри дostonда шундай баён этилади:

¹ Ўша жойда. 102-бет.

*Скандарни ҳайрат забун айлабон,
Деди, бош уятдин нигун айлабон
Ки: “Эй фаррухойину фархундарой,
Бу уқдангдин ул бўлди мушкикушой
Ки, бу дайр аро топсанг огоҳлиқ,
Санга фақр берди, манга шаҳлиқ,
Агарчи мени айлади аржуманд,
Санга берди ҳимматни мендин баланд”.
Гадоеки, бўлғай бийик ҳиммати:
Анга паст эрур шоҳлиғ рифъати.
Чу ҳиммат баланд ўлди эрса фақир,
Кўзига эрур аср шоҳи ҳақир¹.*

Достоннинг 18-бобида Искандар устози Арастудан асл мақсадга қайси мақом яқин туради ва унга етиш учун қайси йўлдан борган маъкул дея сўрайди. Шунда Арасту ҳам гадо айтганидек жавоб қайтаради ва бу билан гадонинг сўзларини тасдиқлайди. Кейин Искандар бунга қатъий тарзда ишониб шоҳликдан воз кечади. Бироқ бутун халқ Искандарнинг истеъфосини эшитиб, йиғилиб келади ва ундан шоҳликдан воз кечмасликни қаттиқ илтимос қилишади. Искандар эса ноилож халқнинг бу илтимосини қабул қилади. Лекин энди аввалги Искандар билан шоҳликдан бир марта воз кечиб, халқнинг илтимосига кўра уни яна қайта қабул қилган Искандар ўртасида фарқ бор эди. Навоий достоннинг қолган қисмида энди бу Искандарни фақр сирридан огоҳ бўлган ва фақр йўлидан юра бошлаган шоҳ этиб тасвирлайди.

Шундан кейин Искандар адолат учун кураш олиб боради ва қаергаки лашкар тортиб юриш қилмасин, унинг мақсади у ерни босиб олиш эмас, балки адолат йўқ бўлган, натижада халқ золимлар зулми остида яшаётган ўлкаларни улар зулмидан қутқариш, бир сўз билан айтганда, ер юзида адолат ўрнатиш учун яшай бошлайди. Достонда Навоий гуманизми, ахлоқий-эстетик идеали фақр билан боғлиқ равишда мана шу тарзда ўз ифодасини топган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Навоий “Хамса”сига кирган барча достонларда фақр масаласи бавосита ва ёки бевосита боғлиқлик касб этган. Шундан Навоий “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларида асосий масала ишқ бўлгани учун ва бу достонларнинг қаҳрамонлари ишқ водийсида эканликлари ва ишқ водийси фақр водийсидан орқада эканлиги учун уларга фақрни бевосита қўлламаган. “Ҳайрат ул-аброр”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” достонларида эса фақр бевосита ҳамда тўғридан тўғри образларга жорий этилган ва шоир бу достонлар бош қаҳрамонларини фақр билан боғлиқ равишда ўз ахлоқий-эстетик идеали ўлароқ тасвирлаган.

3.2. “Лисон ут-тайр” достонида фақр масаласи ва фақир образи

Алишер Навоийнинг сўнгги лиро-эпик асари “Лисон ут-тайр” бўлиб, шоир уни умрининг охирида, 1500 йилда ёзиб тугатади. “Лисон ут-тайр” Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарига назира тарзида ёзилган. Навоий “Лисон ут-тайр”ни туркий тилда ёзади. У камтарлик юзасидан бу асарни “Мантиқ ут-тайр”нинг таржимаси деб атайти.

¹ Ўша жойда, 103-бет.

“Мантиқ ут-тайр” ҳам “Лисон ут-тайр” ҳам мазмун-моҳиятига кўра, тасаввуфий асарлардир. Уларнинг мазмун-моҳияти тасаввуф йўлига кирган кишининг, яъни соликнинг қандай қилиб, ҳақиқатга етиш йўлларини образли тасвирлаб бериш, бу йўлда дуч келинадиган руҳий-маънавий қийинчиликлардан уларни огоҳ этиш ва уларга бу қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бунда қушлар соликларнинг мажозий образлари, уларга хос характер-хусусиятлар эса инсонларга хос нуқсон ва камчиликлардир. Уларнинг табиати йўлнинг бошида асосан, нуқсонли бўлади. Тариқат йўлини ўташ давомида эса улар бирин кетин бу нуқсонлардан қутула борадилар ва шу йўл билан асл мақсадга яқинлашадилар. Ушбу нуқсонлар қаторида нафс измида бўлиш, мол-дунёга ҳавас, енгил-елпи ва жозибали ҳаётга муҳаббат, бир сўз билан айтганда, ўткинчи нарсаларга ҳавас кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Маълумки, тасаввуф таълимотида солик асл мақсадга, яъни Ҳаққа етиб бориши кўзда тутилади. Ҳаққа етиб бориш эса раҳбар-раҳнамо ва ёки пири-муршид орқали бўлади. Бинобарин, “Лисон ут-тайр”да Симурғ Ҳақ, Ҳудҳуд эса пир-муршиднинг символик образларидир. Шу сабабли ҳам асарда тасаввуфда шаклланган тўғри йўл ҳақидаги қарашларнинг барчаси мана шу марказий образлар ҳисобланган Симурғ ва Ҳудҳуд орқали ифода этилади.

Дарвоқе, бир куни қушлар бир жойга йиғиладилар. Шунда улар орасида ким қаерда ўтириши керак деган баҳс-мунозара бошланади. Уларнинг ҳеч бири бошқасига ён бергиси келмайди. Масалан, Бургут: “Мен энг юқорида ўтиришим керак, чунки мен ҳаммадан кучлиман”, – деса, Тўти: “Йўқ ҳаммадан юқори жойга мен ўтиришим керак, чунки мен ҳаммадан ақллироқман, гапиришни биламан”, – дейди. Товус эса мен ҳаммадан чиройлиман, энг юқори жой меники бўлиши керак, ахир бежиз подшолар мени ўз сарой ва боғларида асрамайдилар, дея ўзини ҳаммадан баланд олади. Шунда булбул ҳам баҳсга аралашиб, йўқ ҳаммадан юқорида мен ўтиришим лозим, чунки ҳеч бирингиз мен каби чиройли сайрай олмайсизлар дея ўзини афзаллигини пеш беради. Хуллас, қушлар баҳс жараёнида ҳеч бир тўхтамга кела олмайдилар. Уларнинг ҳеч бири бошқасига ён бергиси келмайди ва ўзининг манфаатини кўзлаб фикр баён этишдан қолмайди. Шунда баҳсга Ҳудҳуд аралашади ва бир олий ҳукмдор борлиги агар унинг ҳузурига бориладиган бўлса, у адолат билан ҳаммани ўз ўрнига ўтқозиши мумкинлиги айтиб, қушларни унинг олдида боришга тарғиб қиладди. Шунда қушлар Ҳудҳуддан олий ҳукмдорнинг кимлигини сўрашади. Ҳудҳуд эса унинг Симурғ эканлигини айтади. Шу тариқа қушлар Симурғдан хабардор бўладилар ва уларда Симурғни кўриш истаги пайдо бўлади. Улар Ҳудҳуддан ўзларини Симурғ ҳузурига бошлаб боришни сўрайдилар. Ҳудҳуд бунга рози бўлади, бироқ бунинг учун йўл қийинчиликларини енгиб ўтиш лозимлигини айтади. Қушлар ҳам бунга рози бўладилар. Шундан кейин Ҳудҳуд бошчилигидаги бир гала қуш Симурғни излаб йўлга тушади. Йўлда қийинчиликларга дуч келиниши оқибатида баъзи қушлар орқага қайтишга ҳаракат қиладди ва Ҳудҳуд билан улар ўртасида кўпгина савол жавоблар бўлиб ўтади. Ҳудҳуд уларнинг саволларига турли ҳикоятларни тамсил йўли билан келтириш орқали жавоб беради. Шунга қарамасдан қушларнинг кўпчилиги орқага қайтиб кетади. Охирида манзилга фақат ўттиз қуш етиб келади. Улар қарашсаки, ўзлари излаётган Симурғ уларнинг ўзи, яъни ўттиз қуш бўлиб чиқади. Асар сюжетининг қисқача мазмуни шундан иборат.

Навоий фақр билан боғлиқ масалаларни дostonнинг баъзи ўринларида бирор бир сабаб билан баён этади. Масалан, Қушлар Ҳудҳуддан йўл қийинчиликлари қандай дея сўраганларида, у қушларга олдинда босиб ўтилиши керак бўлган ишқ водийси ва унинг машаққатла-

рини сўзлаб беради. Унинг айтишича, ишқ йўли энг оғир йўллардан бири. Бу йўлда ошиқ керак бўлса жони-жаҳонидан ҳам кечишга тайёр бўлиши керак. Ҳатто динидан ҳам воз кечиши, муқаддас китоб саналмиш Қуръонни ҳам лозим бўлса ўтда куйдириши керак бўлади. Бир сўз билан айтганда ишқни деган инсон ҳеч нарсадан қайтмаслиги керак. Навоий шу ўринда Ҳудҳуд тилидан тамсил сифатида Шайх Санъон қиссасини келтиради.

Маълумки, дostonда Шайх Санъон Маккадаги жуда кўп муридларга эга бўлган энг катта шайх сифатида таърифланган. Бир куни мана шу шайх тушида ўзини Рум мамлакатада бутга сажда қилаётган ҳолатда кўради. Бу туш шайхнинг уйқусида кетма-кет бир неча кун такрорланади. Шундан кейин шайх бу туш бир Аллоҳнинг унинг пешонасига ёзган тақдир ишига ишора дея тушунади ва тушига кирган Румга боришга қарор қилади. Навоий дostonда ушбу ҳолатни шундай тасвирлайди:

*Чун бу туш эрмиш мукаррар ганжи роз,
Деди: – “Бўлмас бу балодин эҳтироз
Кимсага маъво ҳарамдур ё кўништ,
Кўрмай ўлмас улча бўлмиш сарнавишт.
Ботроқ ул кишварга азм этмак керак.
Ҳар қаён тортар қазо – кетмак керак,
Чунки бўлса бизга ул маъво насиб,
Бошимизга ҳарна келса – ё насиб”¹.*

Шайх шу бўйича йўлга тушади. Унга тўрт юз мурид ҳам ҳамроҳ ўлароқ эргашади. Шайх ва муридлари Румга етиб келадилар. Шайх ва муридлари бу ўлкадаги бир кўшкка кирадилар ва у ерда ниҳоятда гўзал бир тарсо қизни кўрадилар. Шайх уни бир кўришдаёқ қаттиқ севиб қолади ва унга севги изҳор этади. Қиз эса унга жавобан бир неча шарти борлигини, ўша шартларни бажарсагина ўзига етиши мумкинлигини айтади. Шайх у шартлар нималигини сўрайди. Қиз эса ким агар унинг васлини орзу қилса тўрт ишни амалга ошириши кераклигини айтади. Уларнинг биринчиси, май ичиш, иккинчиси белига зуннор боғлаш, учинчиси, Қуръонни оловда куйдириш ва ниҳоят тўртинчиси ислом динидан чиқиб бутпарастликни қабул қилишдир. Шунингдек, қиз бу тўрт шартдан ташқари яна иккита журмона (жарима) ҳам борлигини айтади. Булар: бир йил давомида чўчқабоқарлик қилиш ва Оташпарстларнинг оташкадасига ўт ёқувчи, яъни гўлаҳлик қилишдан иборатдир. Шайх эса қизнинг бу шартларини қабул қилади ва уларни бажаришга киришади. Бинобарин, у май ичишни бошлайди, белига зуннор боғлайди, Қуръонни оловда куйдиради, ислом динидан чиқиб бутпарастликни қабул қилади, чўчқабоқарлик қилади, Оташпарастларнинг оташкадасига гўлаҳлик қилади. Унинг бу аҳволини кўрган муридлари аввалига уни бу ишлардан қайтармоқчи бўладилар. Лекин шайх уларнинг панд-насиҳатларини қабул қилмасдан ишини давом эттираверади. Шундан кейин муридлар шайхимиз айниди шекилли, деб ўйлаб ундан юз ўгириб, келган ёқларига қайтиб кетадилар.

Бу воқеалар юз берган пайтда шайхнинг бир комил муриди узоқ сафарга кетган бўлади. Сафардан қайтиб келсаки, шайх йўқ. Қани у? деб муридлардан сўраганида, улар бўлган воқеани бир бошидан гапириб берадилар. Шунда комил мурид шайхнинг ишидан эмас, балки нокомил муридларнинг ундан юз угирганларидан қаттиқ ранжиб, нега шайх билан

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. 12-том. –Тошкент: Фан, 1996. –Б.97.

бирга унинг қилганларини қилиб юрмадинглар, сизлар фақр эмас, хайф сизларга фақрлик хирқасию, хайф сизларга фақр деган ном дейди:

*Деди соҳиб дарду ринди бохабар,
– “К-эй ҳамиятда тунгузлардин батар.
Шайхким, пир эрдию, сизлар мурид,
Борчаға иршодидин беҳбуд умид.
Фақр аро шарти иродат келди бу,
Кимни қилса муршиди фархундаҳу,
Хайлу асҳоби ташаббуҳ айламак,
Тенгрига лекин таважжух айламак.
Гар тааллуқ бўлса, гар тажрид анга,
Ҳар не қилса айламак тақлид анга.
Сиз вафосизларға фақр атвори хайф,
Аҳли тақво хирқау дастори хайф”¹.*

Шундан кейин комил мурид шайхнинг нокомил муридларига қарата турунлар, яна қайтиб шайхимизни излаб Румга борамиз дейди ва муридларни олиб йўлга равона бўлади. Румга етиб келишсаки, шайх бир биёбонда исломдан чиқиб, чўчқа боқиб юрибди. Бунни кўргач комил мурид шайхнинг ўзи билан келган барча муридларига, энди сизлар изингизга қайтиб, у ёққа бориб, Каъбада туриб шайхимизни дуо қилинлар дейди ва уларни орқага қайтариб юборади. Ўзи эса ўша жойда ҳеч ким халақит бермайдиган бир овлоқ ерни топиб, эрта кеч худога қаттиқ ёлвориб шайхини дуо қила бошлайди. Шунда кунлардан бир кун у саҳаргача тинимсиз шайхни дуо қилиб чиқади ва тонгга яқин кўзи уйқуга кетади. Шу пайт унинг тушига Муҳаммад (с.а.в) киради ва унга қарата сенинг шайхингга Аллоҳ оғир бир имтиҳон юборди, қайсики, бу каби имтиҳон бу йўлга кирганларнинг ҳеч бирига юборилмаган. У шундай бир имтиҳонки, ундан ўтмасдан туриб, солиқ нажот топа олмайди. Сен хурсанд бўлгин, шайхинг нажот топти, ўша юборилган имтиҳондан ўтди. Бироқ бунда сенинг ҳам катта хизматинг бор. Чунки сенинг туну кун ранж чекиб қилган дуоларингни Аллоҳ ижобат айлади ва сен Аллоҳ марҳаматининг сабабчисига айландинг, дейди.

Мурид уйқудан туриб дарҳол ўз шайхининг олдига боради ва кўрадики, шайхининг аҳволи мутлақо ўзгарган. Чунки унинг кўрган туши, шайхининг ҳам тушига кирган эди. Улар шу жойда кўришадилар. Шайх ўзининг содиқ муридига муридликка содиқ қолганлиги учун раҳматлар айтади.

Шундан кейин шайх ва мурид биргаликда Маккага қайтишади. Тарсо қизнинг эса тушига Исо алайҳиссалом кириб, унга, эй қиз, сенинг юртингга меҳмон бўлиб келган Шайх Санъон замон аҳлининг муршиди, пири эди. Сен мезбонликни жойига қўя олмадинг, унга нисбатан нималар қилмадинг. Энди у сенинг юртингдаги меҳмонлигини тарк этиб, ўз юрти Маккага мезбонлик учун кетти. Сен энди унинг ортидан бор, қилган ишларингдан узр сўраб, унинг динига кир, дейди. Қиз уйқудан уйғониб, қилган ишлари ёдига тушиб жуда хижолат бўлади ва шайхнинг ортидан Маккага қараб равона бўлади. Қиз чулу биёбонларда кезиб юриб, бир жойга келади ва шу ерда беҳол бўлиб йиқилиб қолади. Шунда қизнинг бу аҳволи Шайх ва унинг муридига аён бўлади. Улар қайтиб қиз йиқилиб ётган жойга келишади. Шайх қиз-

¹ Ўша жойда, 124-бет.

нинг бошини қўйнига олади, қиз Шайхнинг қўлида иймон келтириб, ўзини исломга қабул қилишни сўрайди ва исломни қабул қилган ҳолда жон беради. Шайх эса қизни дафн этганидан кейин Маккага қайтиб келади. Бир муддат ўтгач Шайх ҳам вафот этади. Бу ерда қиссадан ҳисса шуки, Шайх тақдир тақозосига кўра бир ислом динидан чиқиб кетиб, яна қайтиб омон эсон исломга киради.

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Шайх Санъоннинг бундай оғир ишни бошидан ўтқариши фақр орқали юз берди. Агар эътибор берилса, қиссанинг бошланишида Шайх Санъон жуда катта обрў-эътиборга эга эди. Унинг атрофида минглаб муридлар парвона эди. Шунга қарамасдан у кўрган тушини тақдирнинг изми ёки Аллоҳнинг иродаси сифатида қабул қилади ва бу ўзига юборилган синовни у қанчалик оғир бўлмасин, сўзсиз бажаришга киришади. Бу эса ундан элу халқ ўртасидаги йиллар давомида эришилган жуда катта обрў-эътибори, нуфузи, мартабасидан, бир сўз билан айтганда, ўзлигидан воз кечишликни талаб этар эди. Агар Шайх Санъоннинг фақрлиги сохта бўлганида у бу оғир савдони қабул қилмаган бўлур эди. Шунингдек, содиқ муриднинг фақрлиги сохта бўлганида бошқа муридларга ўхшаб Шайхидан осонгина воз кечиб қўя қолган бўлур эди. Шу сабабли ҳам содиқ мурид ўзлигини ўйлаб Шайхни оғир аҳволда қолдириб кетган муридларни фақрдан бебаҳраликда, фақрлик даъвоси ёлғонликда айблайди. Дарҳақиқат, улар ҳақиқий фақр бўлганларида ҳар қанча оғир ва мушкул бўлмасин Шайхни тўғри тушунган ва у билан худди содиқ мурид сингари бирга бўлган бўлур эдилар. Айтиш мумкинки, Навоий бу ўринда Шайх Санъон ва содиқ мурид образлари мисолида фақр йўлига кирган одамнинг ҳақиқий қиёфасини яратган.

Навоий “Лисон ут-тайр”да тариқатнинг Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Ҳайрат, Тавҳид, Фақру фано сингари етти водийси таърифини келтиради. Шундан Фақру фано еттинчи – сўнгги водий ҳисобланиб, шоир уни шундай таърифлайди:

*Мундин ўтса ўтруға келмас яно,
Йўл аро жуз водийи фақру фано.
Йўқ бу ичра жуз хомушлуқ,
Гунгу кар бўлмоғлиғу беҳушлуқ¹.*

Достонда фақру фано бир қилиб кўрсатилган. У таърифлаб бўлингач, Навоий унга тамсил ўлароқ бир неча ҳикоятлар келтиради. Ўшандай ҳикоятлардан бири Шайх Абулаббос қассоб ҳикоятидир. Бу ҳикоятнинг моҳиятида ҳам худди Шайх Санъон ҳикоятидаги сингари фақрнинг аҳволини ифодалаш ётади. Унга кўра, кунлардан бир кун Шайх Абулаббос хонақосига бир инсон келади ва ўзига таҳорат қилиш учун сув келтиришларини буюради. Унга кўзада сув олиб келишганида у кўзани тош билан уриб синдиради ва яна сув беришларини сўрайди. Яна сув берилганида уни ҳам синдиради. Шайхга бу ҳақида хабар беришганида, буни эшитган шайх ўз муридларига неча марта сўраса шунча марта сув бераверишларини айтади. Унинг кўрсатмаси билан муридлар номаълум кимсага сув беришда давом этадилар. Номаълум кимса эса кўзаларни уриб синдиришда давом этади. Бу аҳвол 15-20 мартагача такрорлангач, хонақоҳда бир адад ҳам кўза қолмайди. Номаълум кимса эса яна сув келтиришларини талаб қилади. Шунда унга кўза қолмаганлигини айтишади.

¹ Ўша жойда, 249-бет.

Номаълум кимса эса унақада шайхингизнинг соқолини олиб келинг дейди. Муридлар шайхга буни айтганларида, Шайх бир қассобнинг ўғлига сақол не даркор деб ҳеч ўйлаб ўтирмасдан сақолини кесиб бериб юборади. Шайхнинг бундай ҳаракатидан таъсирланган номаълум кимса келиб Шайхнинг оёғига йиқилади ва шу онда Шайх унга назар қилади. Натижада номаълум кимсанинг ўзлигидан асар ҳам қолмайди. Чунки Шайхнинг бу солган назари оқибатида номаълум кимсанинг жамики камчиликлари йўқолган, буни эса мисни олтинга айланганига ўхшатиш мумкин эди. Бу эса камдан кам рўй берадиган ва ёки умуман мумкин бўлмаган ноёб бир иш эди. Достонда ушбу ҳолат шундай тасвирланган:

*Солики фоний анга солиб назар,
Ўзлукидин қўймади рангу асар.
Бу сифат ноқисни такмил айлади,
Мисни олтун бирла табдил айлади.
Рангу нақшу лавндин чиқмай киши,
Мумкин эрмас мундоқ этмаклик иши
Фоний, мундоқ фано ҳақдин тила,
То бақо топқайсен ул ифно била¹.*

Кўринадик, бу ерда ҳам Навоий Шайх Абулаббос қассоб мисолида ҳақиқий фақирлик қандай бўлиши лозимлигини кўрсатган. Агар Шайх Абулаббоснинг фақирлик даъвоси ёлғон бўлганида у номаълум кимсага соқолини кесиб бермаслиги мумкин эди. Бу ерда сақол ўзликнинг рамзидир. Ундан ҳеч иккиланмасдан кечиб юбориш эса қаҳрамоннинг фақирликдаги даражасини кўрсатади.

Шунингдек, Навоий достонда Баҳоуддин Нақшбанднинг фақирлиги ҳақида бир ҳикоят асносида мушоҳада юритади. Баҳоуддин Нақшбанднинг борлиқдаги нарсаларга кўзи тушган маҳалда у ўзини ўша нарса билан қиёслаб, ўзини ундан паст кўрар экан. Масалан, бир кўринишидан поклик асари сезилмайдиган ўлик дил (жийфа қалб) инсонга кўзи тушса, бу мендан яхшироқ, чунки у вафодор, мен эса жафокорман дея ўзини камситган. Кунлардан бир кун Баҳоуддин Нақшбанд бир итни кўриб қолади. Бунда ҳам худди шундай ҳолат юз беради. Яъни Баҳоуддин Нақшбанд, бу ит изи ортиқми мен, деб, яна ўзи бунга жавобан, эй ноинсоф ахир бу бир вафодор ит аёғининг изи, сен бўлсанг вафосизлик сари қадам қўйган бир жафокорсан дея ўша итнинг изига кўз суртиб, уни ўзидан ортиқ кўрган. Бу ҳол достонда шундай талқин этилади:

*Аҳли ҳақ бу навъ этиб салби вужуд,
Будини бу важҳ ила айлаб набуд.
Бўйла ошом эттилар жоми фано,
Қолмоғондин сўнг асар ўздин яно.
Ҳақ вужудидин бақойи топмайин,
Жоми ваҳдатда лиқойи топмайин.
Чун фано хайлиға дохил бўлдилар,
Боқийи мутлаққа восил бўлдилар².*

¹ Ўша жойда, 254-бет.

² Ўша жойда, 255-бет.

Навоий юқорида келтирилган байтларда ҳақиқат аҳли ўз вужудларини, яъни ўзликларини мана шундай сабаб билан, яъни ўзини ҳамма нарсадан кўра ҳам ёмон дейиш орқали йўқотаётганликларини, натижада эса улар ўзликларини йўқ этиб, фано жомидан ичиш бахтига муяссар бўлишмоқда, яъни фанога эришмоқда эканликларини айтади.

Шунингдек, Навоий дostonда Фаридуддин Аттордан фарқли ўлароқ, фанодан кейинги бақо мулки ҳақида ҳам сўз юритган. Буни ўз даврида Е.Э.Бертельс ҳам таъкидлаган эди¹.

Хулоса қиладиган бўлсак, Навоий ўзининг “Лисон ут-тайр” дostonида Фақр масаласига жуда катта эътибор берган. Чунончи, у ҳақиқий фақирлик йўлига кирган солиқлар образини Шайх Санъон, Шайх Абулаббос қассоб, Шайх Баҳоуддин Нақшбанд сингари сиймолар мисолида ифодалаган. Шунингдек, дostonда Худхуд тимсолида ҳам фақр образи символик тарзда яратилган. Симурғ тимсолида эса Аллоҳ назарда тутилган.

Учинчи бобда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Навоий “Хамса”сига кирган барча дostonларда фақр масаласи бавосита ва ёки бевосита боғлиқлик касб этган. Шундан Навоий “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларида асосий масала ишқ бўлгани учун ва бу дostonларнинг қаҳрамонлари ишқ водийсида эканликлари ва ишқ водийси фақр водийсидан орқада эканлиги учун уларга фақрни бевосита қўлламаган. “Ҳайрат ул-аброр”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonларида эса фақр бевосита ҳамда тўғридан тўғри образларга жорий этилган ва шоир бу дostonлар бош қаҳрамонларини фақр билан боғлиқ равишда ўз ахлоқий-эстетик идеали ўлароқ тасвирлаган.

2. Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да, асарнинг концептуал характерга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, ўз ахлоқий-эстетик идеали, фалсафий кредоси сифатида фақрни белгилаб олади. Бунда у, асосан, мол-дунё ва унга муносабат, унга муҳаббат ёки дунё севгисига қўнғилдан жой бермаслик; мансаб, айниқса, шоҳлик ва фақр; бойликнинг ўткинчилиги, уни Аллоҳ йўлида сарфлаш ва унинг ажри сифатида фақрга эришиб Ҳаққа етиш мумкинлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. У ўз фикрини баён этишда Ҳусайн Бойқарони, қолаверса, умуман шоҳ ва шоҳликни мисол қилиб олади. Чунки шоҳ ва шоҳлик ҳаётда, жамиятни бошқаришда катта роль ўнайдиган муҳим мансабдор ва мансаб ҳисобланади.

3. “Сабъаи сайёр” дostonида ҳам фақр Навоийнинг ахлоқий-эстетик идеали сифатида тасвирланганлигига дуч келиш мумкин. Бироқ “Ҳайрат ул-аброр”дан фарқли ўлароқ бунда фақр йўлига кирмаган, унга интилмаган шоҳ – Баҳром образи яратилган ва унинг аянчли тақдирини тасвирлаш орқали фақрнинг шоҳ учун нақадар тўғри қутқарилув йўли эканлигига урғу берилган. Шунингдек, ушбу дostonнинг бир қатор ҳикоятлари, жумладан, Фаррух ҳикоятида фақр камолга эришган инсоннинг хислати сифатида тасвирланган.

4. “Садди Искандарий” дostonида фақр шоҳлик билан боғлиқликда талқин этилган. Искандар тахтга ўлтирар экан, унинг олдида икки йўл турар эди: биринчиси, шоҳлик, дунёдорлик йўлидан бориш; иккинчиси, фақр йўлини тутиб, ўзини маънавий ҳаётга бағишлаш. Дostonнинг бошида Искандар иккиланади, айниқса, шоҳликни гадоликка алмаштирган дарвеш билан учрашуви, Арастудан асл мақсадга етишда қайси йўл яқин қабилидаги саволига устозининг фақр йўли деб жавоб бериши ундаги шоҳликдан воз кечиб, ўзини фақр асосида маънавий-ирфоний ҳаётга бағишлаш фикрини қатъийлаштиради. Бироқ шу ўрин-

¹ Қаранг: Бертельс Е.Э. Неваи и Аттар / Мир-Али-Шир. –Л., 1928. –С. 71.

да Навоий томонидан идеал шоҳларга қўйиладиган талаб – уларнинг халқ талаби асосидагина шоҳликни қабул қилишлари бадий усули қўлланади. Натижада Искандар шоҳликни қабул қилишга мажбур бўлади ва ҳам фақр, ҳам шоҳликни барабар тутган, ҳатто, фақирликни шоҳликдан устун деб билган идеал шоҳ образи яралади.

5. “Лисон ут-тайр”да фақр “Шайх Санъон” қиссасида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шайх Санъон образини ишлар экан, Навоий уни аввал бошданоқ комиллик даражасига етган пири муршид сифатида тасвирлайди. Маълумки, тасаввуфда бу фақрсиз мумкин эмас эди. Бинобарин, Шайх Санъон фақр йўлида юқори камолот даражасига етган пир образи. Бу унинг тақдир томонидан юборилган воридот (қисматига тушган иш, қилиши албатта лозим бўлган амал)ни ҳеч иккиланмасдан, сўзсиз қабул қилишида ва тарсо қиз томонидан қўйилган талабларни бенуқсон бажаришида, айниқса, яққол намоён бўлади. Бунда фақрдаги таслим хусусияти ўз аксини топган. Шайх Санъоннинг инсон тоқатидан ташқари бўлган имтиҳондан ўтишида қазову қадар масаласи акс этган. Шайх Санъоннинг ушбу имтиҳондан ўтиши камолот масаласи туфайлидан эмас эди, зотан, у бунга муҳтож эмас. Гап шундаки, унинг ҳаётидаги маълум бир босқич айнан шу йўлдан ўтиши керак, бусиз унинг ҳаёти тугал кўриниш касб эта олмайди. Унинг ўзи ҳам буни тақдир амри сифатида қабул қилади ва шунга монанд ҳаракат қилади. Фақр мукаммал даражада акс этган яна бир образ – Шайх Санъоннинг содиқ муриди образидир. У ўзи йўқлигида Шайхнинг олдида бўлган ва уни мушкул вазиятда, ўз манфаатларини ўйлаб, якка ташлаб кетган бошқа муридларни айнан фақрдан беҳабарликда айблайди. Бу эса масаланинг илдизи фақрда эканлигига ишорат қилади. Яъни агар улар фақр сиридан огоҳ бўлганларида Шайхнинг ҳолини яхшироқ англаган бўлардилар. Унинг ўзи эса фақрда камолот касб этган ва унда фақрдаги сидқ ҳоли тўла намоён бўлади. Шайхнинг маънавий инқироз ҳолатидан қутулиши ҳам айнан ушбу образ воситасида тасвирланган (Пайғамбар (с.а.в.)нинг айнан унинг тушига кириши ва унинг дуолари мустажобидан шайхнинг нажот топиши). Буларнинг барчаси дostonда фақр ҳам муҳим бадий-эстетик омил сифатида иштирок этганлигини кўрсатади.

6. “Лисон ут-тайр”да фақр, шунингдек, Фақру фано водийси таърифида ҳамда ушбу водий тавсифига тамсил сифатида келтирилган Шайх Абулаббос қассоб, Баҳоуддин Нақшбанд ҳикоятларида акс этган. Уларда фақрдаги ўзликдан кечиш, ўзини ҳаммадан паст (касри нафс) деб билиш тамойиллари тасвирланган.

ХУЛОСА

Мустақиллик даврида ҳамма соҳаларда бўлгани каби адабиётшуносликда ҳам жиддий ўзгариш ва янгиланишлар юз берди. Бунини улуғ шоиримиз Алишер Навоий ижодини ўрганиш мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, совет давлати ҳукмронлигида ўтган 70 йил мобайнида Алишер Навоий ижодини ўрганиш масаласида гарчи анча-мунча ишлар амалга оширилган эса-да, бу улкан мероснинг ғоявий томонларини ҳаққоний тадқиқ этиш борасида тўсиқлар мавжуд эди. Шу туфайли ҳам бу даврда Навоий поэтикасининг узвий қисми бўлган, унинг ижодига қатор илҳомбахш ғоя ва образлар бахшида этган тасаввуф билан боғлиқ жиҳатлар атайин парда остида сақланди. Натижада эса мазкур йилларда бу буюк ижод соҳибининг асарлари қатида яширинган асл ғоялар тўлиқ юзага чиқмади. Бироқ Истиқлол даврига келиб аҳвол тубдан ўзгарди: ўзига мослаб ўрганиш тамойилидан бус-бутунича, қандай бўлса шундайлигича, тарихий ҳақиқатга содиқ қолган ҳолда ўрганишга ўтилди. Бу эса, шубҳасиз, эркин ижод муҳитининг самарасидир. Мана шундан келиб чиққан ҳолда ушбу монографияда Алишер Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи масалаларига эътибор қаратилди.

Монографик тадқиқотимиз давомида амалга оширилган таҳлил ва талқинлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. “Фақир” атамаси Аллоҳнинг сифати бўлган “ал-Ғаний”нинг зидди ўлароқ “Қуръон”да зикр этилиб, банданинг муҳтож, тобелиги ва Аллоҳнинг беҳожат, улуғлигини ифодалаб келган. “Қуръон”даги ушбу эътироф мазмунан нейтрал бўлиб, ундаги фақр ва фақирлик ҳам моддий, ҳам маънавийга барабар дахлдордир. Аммо кейинчалик фақр банданинг Аллоҳ олдидаги ниёзмандлиги мазмунида кенг талқин қилинганлиги кузатилади.

2. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳадисида ҳам фақр “Қуръон”га мувофиқ мазмундадир. “Ал-фақру фахрий” – фақрнинг фахрлигига сабаб, унинг банданинг Аллоҳ олдидаги муҳтожлигини ифодалашидадир. Гарчанд баъзи олимлар “Ал-фақру фахрий”ни ҳадис эмас деган бўлсалар-да, тасаввуф аҳли ва Навоий уни ҳадис дея эътироф этганлар. Ҳадис мазмунида фақр истилоҳи маъно майдонининг кенгайганлигини кўришимиз мумкин. Зеро, моддий маънодаги қашшоқликнинг пайғамбар томонидан қораланганлиги маълум, бинобарин, моддий муҳтожлик фақрга сабаб бўлиши мумкин эмас.

3. Шарқ-мусулмон фалсафий тафаккурининг ажралмас қисми бўлган тасаввуф таълимотида фақр тўла маънода истилоҳий мазмун касб этиб, фақр деганда фақат бир маъно – инсоннинг маънавий-руҳоний муҳтожлиги назарда тутилган. Тасаввуфий талқинда фақр – ғайриҳақ (мосуво)га йўқсил ва Аллоҳга ғаний бўлмоқдир. Тасаввуф аҳли мурожаат қилган ҳар бир соҳада ушбу қараш ўша соҳа эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда татбиқ этилган. Масалан, ахлоқий мазмунда фақр – ёмон (замима) феълларга камбағал, яхши (ҳамида) феълларга бой бўлмоқдир (бунда ёмон феъл – ғайриҳақ, яхши феъл – Ҳақ ёки Ҳақдан тамойили асосида иш кўрилади). Ёки ирфоний мазмунда фақр – Ҳаққа олиб бормайдиган ўй-фикр, илм ва амалларга камбағал, Ҳаққа яқинлаштирувчи илм ва тажрибага бой бўлмоқ ва ҳок. Хуллас, тасаввуф аҳлининг умумий эътирофига кўра, **фақр – Ҳаққа етишга монелик қиладиган барча тўсиқлар (ўзлик, кибру ҳаво, манманлик, нафс талаблари, мол-мулк ва мансаб-жоҳ орзуси ва ҳок.)дан кечиб, кўнгилни Ҳақ назаргоҳига айлантиришдир.**

4. Турли тариқатлар таълимот ва тажрибасида фақрнинг тутган ўрни турлича, лекин уларнинг барчасида у ёки бу даражада фақр ғоясига мурожаат қилинган. Нақшбандия тариқатида эса ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Агар бошқа тариқатлар фақрга мақомлардан бири сифатида қарашган бўлса, нақшбандияда фақр камолотнинг асосий йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотининг марказига фақрни қўйган. Дарҳақиқат, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Порсо, Алоуддин Аттор, Яъқуб Чархий сингари ушбу тариқат вакиллари кўз-қарашлари мисолида бунини яққол кўришимиз мумкин. Бундан асосий мақсад эса мутобиъат – пайғамбар суннатида боғланиш эди. Шунингдек, нақшбандиядаги “урваи вусқо”, ҳалол луқма талаби, ҳар қандай шароитда ҳам ўз меҳнати орқасидан кун кўриш ва бошқа тамойилларнинг марказида ҳам фақр туришини эътироф этиш мумкин. Ҳақ ва ҳақиқатшуносликда нақшбандия тариқатининг бошқалардан мукамалроқ деб билган Навоий битта тариқат доирасида чекланиб қолмасдан, ўзигача бўлган тасаввуф таълимотининг барча илғор томонларини ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Бу ҳолат фақр масаласида ҳам кўзга ташланади. XV аср Хуросон ва Мовароуннаҳрда фаол ҳаракатда бўлган суҳравардия, нақшбандия ва яссавия тариқатлари фақр масаласида яқдил эдилар. Бунини ушбу тариқатларнинг ўша даврдаги вакиллари томонидан фақр ҳақида билдирилган фикрлар ва Навоийнинг фақр маслагиде улар қандай даражага етганликлари тўғрисидаги қайдлари кўрсатиб турибди.

5. Фақру фано образининг Шарқ мумтоз адабиётидаги илдизи ҳам узоқ тарихга эга ва эътиборлидир. Навоийгача бўлган форсий ва туркий адабиётда ушбу образ талқин ва тасвирининг шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) тасаввуфий ва фалсафий-дидактик талқин; 2) бадий талқин ва тасвир. Шартлилик ҳар иккаласининг ҳам соф ҳолда эмаслиги билан боғлиқдир, яъни тасаввуфий талқин бадийликдан, бадий талқин эса тасаввуфий асосдан холи эмас. Биринчи гуруҳга Саъдий, Аттор, Румий, Яссавий, Боқирғоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Саййид Қосимий асарларидаги фақр талқинларини киритиш мумкин. Ушбу гуруҳга мансуб талқинлардаги асосий хусусият уларда фақрнинг кўпроқ бадий эмас тасаввуфий-фалсафий вазифа бажарганлигидир. Уларда образлиликдан кўра фалсафийлик биринчи планда туради. Иккинчи гуруҳга Хусрав, Ҳофиз, Жомий, Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий сингари шоирлар ва улар асарларидаги фақру фано образини киритиш мумкин. Уларда фақр фақат тасаввуфий-фалсафий эмас, балки бадий ғоя, фақир эса илҳомбахш образдир. Ушбу шоирлар ижодини текшириш натижаларидан фақр мотиви ва фақру фано образининг Навоийгача бўлган форсий ва туркий адабиётда каноний бир ғоя ва образ даражасига кўтарилганлиги маълум бўлади.

6. Навоий ўз лирикасида фақр образини кўп қўллаш баробарида унинг аҳамиятлилигига кучли эътибор қаратган. Бунинг сабаби шоир учун фақр реал ҳаётда маслак, бадий ижодда эса бадий-эстетик идеал сифатида кўрилганлигидир. Навоий лирикасида фақр образи билан боғлиқ ўринлар 264 марта қўлланилган. Шундан “Ҳазойин ул-маоний”да 192 марта, “Бадоеъ ул-бидоя”да 114 марта, “Наводир ун-нихоя”да 76 марта, “Илк девон”да 58 марта учрайди. Бу яхшигина кўрсаткич. Бироқ гап фақат сон ва рақамларда эмас. Эҳтимол Навоий ўз лирикасида фақр образини бошқа образлар билан таққослаганда камроқ қўллаган бўлиши мумкин. Лекин қандай бўлишидан қатъий назар у фақир образини энг муҳим ўринларда қўллайди. Бу ушбу образнинг Навоий ижодида нақадар муҳим бадий-эстетик идеал сифатида кўрилганлигининг далилидир. Навоий фақир образини ҳаётининг турли даврларида бирдай қўллаган. Масалан, шоирнинг 25 ёшгача ёзган лирик асарларини

ўз ичига олган “Илк девон”да фақр образи қўлланган ўринларни унинг бошқа даврларда ёзилган шу каби ўринлар билан қиёслайдиган бўлсак, улар савия жиҳатидан бир хил эканлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса шоир яшаган муҳитда фақр масаласи анча шакллланган эътиборли масалалардан ҳисобланганлигини ва у ёшлигиданоқ ундан яхши хабардор эканлигини кўрсатади.

7. Навоийнинг соф биографик характерга эга насрий асарларини кўздан кечирадиган бўлсак, уларда Навоий тарбия топган муҳитда фақр ғоясига катта муҳаббат билан қаралганига, у маданият ва маънавиятнинг асоси сифати кўрилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Навоий ўзининг “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” номли рисоласида фақр йўлига кирганларнинг кўпини кўрганлигини, лекин Саййид Ҳасан Ардашер сингарисини кам кўрганлигини айтади. Шунингдек, “Насойим ул-муҳаббат” ҳам фақрнинг Навоий замондошлари фалсафий қарашларида тутган ўрнини кўрсатишда муҳим бир асардир. Унда Навоий Хожа Аҳмад Муставфий, Мавлоно Ҳожи, Хожа Рукниддин Меҳна, Мавлоно Алоуддин (ваф.892/1487), Мавлоно Шаҳобиддин (ваф.899/1494) сингари тасаввуф намояндалари фақр йўлидан борганликларини ва ўз шогирдларига ҳам шу йўлни тутиш кераклигини уқтирганлигини ёзади. Масалан, Мавлоно Алоуддин ҳақида тасаввуф йўлига кирган толибларга энг ишончли ва яқин йўл сифатида фақрни тавсия этганлигини айтса, Мавлоно Шаҳобиддин ҳақида эса дарвешлик ва фақр йўлида буюк ҳол ва воқеъликка етганлигини айтади. Хожа Авҳад Муставфий тўғрисида эса ўзи ҳақида кўп марта фотиҳалар ўқиб хайр дуоси қилганлигини ва бу дуолар ижобат бўлишдан умидвор эканлигини айтади. Бу каби мисоллардан Навоий фақрни ўзлари учун дастуриламал қилиб олган кимсаларни шахсан таниган ва улар билан мулоқотда бўлишга интиланлигини ҳамда уларнинг ўзи ҳақида билдирган фикрларини қадрлаганлигини билиш мумкин.

8. XV асрда фақирлар (дарвешлар) жамиятнинг бир бўғини ҳисобланиб, уларнинг жамиятда ўз ўрни, муайян вазифалари бўлган. Ўшбу вазифа, асосан, фақр талабларига содиқ қолган ҳолда ўз нафсларини жиловлаш ва шу орқали инсонларга ўрнак кўрсатишдан иборатдир. Бу эса ўша даврнинг нафақат маънавий, балки иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун ҳам муҳим эди. Навоийнинг талаб ва танқидлари эса уларнинг жамият олдидаги ўз вазифаларини тўлақонли бажаришларига қаратилгандир. Шунинг учун ҳам Навоийнинг соф биографик характердаги насрий ва илмий асарларида фақрлар подшо, вазир, аскар, сипоҳий, давлат хизматчилари, мударрислар в.х. сингари ижтимоий гуруҳлардан бири сифатида тилга олинадилар.

9. Навоийнинг фақир образи яратилган ғазаллари кўздан кечирилганда ушбу образ қўлланилган байтлар аксарият ғазалнинг мақтаъси, яъни охириги байти ёки мақтаъдан олдинги кульминацион байтда келганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу нимани англатади? Одатда, мақтаъдан олдинги байтларда ғазалда қаламга олинган мавзу, масала энг авж нуқтага кўтарилади, ғазалда қўйилган бадий-эстетик, фалсафий муаммо ўз ечимини топади. Айтиш мумкинки, айнан ушбу байтлар ғазалнинг бадий-эстетик маркази ҳисобланади. Мақтаъда эса лирик қаҳрамоннинг масала моҳиятидан келиб чиқадиган хулосавий нуқтаи назари акс этган бўлади. Фақир образи яратилган ўринлар лирик асарнинг айтганимиздек, бадий-эстетик марказидан ўрин олиши, хулосавий нуқтаи назар акс этадиган байтларда қўлланилиши ҳам ушбу масаланинг Навоий лирикаси учун қанчалик даражада бадий-эстетик идеал сифатида аҳамият касб этганлигининг яна бир далилидир.

10. Фақр лирик асар мавзуси, мотиви, образлари шаклланишида иштирок этувчи муҳим таркибий компонент сифатида бадий матнда *ўзлик*, *шукр*, *ризо*, *таваккул*, *сабр*, *қаноат*, *ирфон*, *фано* сингари тасаввуфий тушунчаларни ифодаладиган истилоҳлар билан айниқ-са фаол муносабатга киришади. Бунда фақрнинг ушбу тушунчалар билан боғлиқликдаги талқинларини кузатар эканмиз, фақр ва юқоридаги тушунчаларнинг ўзаро муносабатга киришиши бадий образ такомилида қуйидагича иштирок этганига гувоҳ бўламиз: **ўзлик** – тасаввуф таълимотида солиқнинг бу ҳаётдаги мавжудлигини, вужудий борлигини англа-тади ва бу борлиқ Ҳақ ва солиқ ўртасидаги парда деб тушунтирилади. Солиқнинг асосий мақсади Ҳаққа етиш ва бунда ўзликдан кечишдек оғир масала шарт сифатида қўйиладиган бўлса, ушбу масалани ҳал қилишнинг йўли фақр. Бир сўз билан айтганда, ўзлик пардаси-дан кечишнинг ва асл мақсадга етишнинг воситаси фақр. Навоий ўз ориф лирик қаҳрамо-ни – фақирнинг фақр йўлида юра олиши, фақр манзилларини эгаллашини тўғридан-тўғри ўзлик юкидан кечиб, ўзни енгил қилишга боғлиқ ҳолда тасвирлайди ва бунда фақр ҳамда тавфиқни ўзаро боғлиқликда талқин этади. Фақр – тавфиқ, асл, азалий фитрат билан боғлиқ тушунча. У касб қилинадиган, жидду жаҳд натижасида йўқдан бор бўладиган нарс, тушунча, ҳол, мақом эмас, инсон қисматида унинг тийнати ва фақр билан азалий мувофиқ-лик бўлиши керак. Шунинг учун ҳам фақр тамкин билан боғлиқ ҳоллар сирасига киради; **маърифат (ирфон)** – хабардорлик, олий ҳақиқатни таниш, унинг мавжудлиги ва устувор-лигига бўлган қатъий, сўнмас ишонч. Маърифат касб этилганлигининг белгиси – лирик қаҳрамоннинг фақр билан шод бўлиши ва даҳри дунёни тупроқ билан тенг кўриши, ҳат-то, тупроқданда паст билишидир. Фақр маърифатидан хабардор лирик қаҳрамон наздида даҳрнинг тупроқ билан-да тенг бўлиш имкони йўқ. Бинобарин, аҳли маърифат қаторига кириш учун камолот касб этишни қасд этган инсон фақр маърифатидан хабардор бўли-ши лозим, зеро, фақрсиз ҳақиқий ирфонга эга бўлиш имконсиздир; **шукр** – тасаввуфда ҳам умуман олганда шукрнинг маъно-моҳияти ўзгармайди, бироқ фақат уни тушунишда биров ўзгачалик, ғайриоддийлик ёки мураккаблик борлиги кузатилади. Масалан, диний ақидада неъматлар зиёда бўлиши шукрнинг омили бўлса, солиқ учун дунё неъматларининг камай-иши шукрнинг сабабчисидир. Солиқ дунё неъматларидан қанчалик кўп маҳрум бўлса, ўз мақсадига шунчалик яқин боради ва айнан шу ҳолат унинг шукри учун боис ҳисоблана-ди. Шунинг учун ҳам Навоийнинг фақир лирик қаҳрамони фақрга уни асл мақсадга яқин-лаштирувчи омил бўлгани учун шукр қилади; **таваккул** – солиқнинг борар манзил номаъ-лум, натижа ноаниқ, қийинчиликлар олдинда тоғдай оғир бўлиб турган бир шароитдаги қисман аниқликка таяниб ҳаракат қилиши. Бунда унинг асосий душмани ваҳм. Таваккал билан фақр йўлига кириб, ваҳмни енгган лирик қаҳрамоннинг оладиган фойдаси «фориғу озода»лик – маънавий-руҳоний хурлик; **қаноат** – фақирнинг фақат Аллоҳдан етадиган файз билангина чекланиши, дунё неъматларини эса қайд – кишан деб билишидир. Фақрда қаноат тамаъни дилдан қувиб, ҳиммат чўғини алангалатиш воситаси, тааллуқ – дунё би-лан алоқа ипларини узиш қуроли; **ризо** – фақр йўлида юзланадиган ҳар қандай машаққат-ни рад этмаслик, машаққатни неъмат деб билиб, ундан хурсанд бўлиш ва яқинлик воси-тасига айлантириш; **фано** – фақр йўлининг охири, асл мақсад, ҳақиқий хурлик мақоми, вазнсизлик ҳоли, комиллик мартабаси. Фақр талаб қилган киши фанога эришиши шарт. Бошқача айтганда, фано – комиллик ҳоли, камолот мақомидир. Кузатишларимиздан Наво-ий наздидаги комил инсон бевосита фақр тушунчаси билан боғлиқликда талқин қилиниб,

фақр – камолотнинг исми, комиллик номи эканлиги, фақр ҳолини том маънода эгаллаган, фақр мақомида ўзлигидан воз кечиб, ғурур, нафс қутқуси, жоҳ орзусию мол-дунё ҳавасидан ўзини халос этиш натижасида хурликка эришган, қониъ, розий, шокир, собир, мутаваккил сифатлари билан хислатланган, ҳақиқий ирфон касб этиб, азалий ҳақиқат моҳиятига етган фақир комил инсоннинг айни ўзи эканлиги маълум бўлди.

11. Фақрнинг Навоий лирикаси ғоя ва обоазлар олами ҳамда мотивлари билан алоқа-дорлигига диққат қиладиган бўлсак, унинг подшоҳ (шоҳ), дунё ва зоҳид образлари билан контраст боғлиқликда талқин қилинганига ғувоҳ бўламиз. Бунда Навоий ҳақиқий **шоҳ-лик** учун фақр сирридан хабардор бўлиш талабини илгари суради, фақрдан огоҳ бўлмай туриб шоҳлик этишдан ҳеч бир самара чиқмайди, дейди. Чунки шоҳнинг салтанати – адам – йўқликка маҳкум мулк, фақр салтанати эса боқий, абадий, давомли мулк, борлиқ. Унинг абадийлиги Ҳақ васли билан белгиланади, аслида абадий фақат бир нарса – Ҳақ васли бор, фақр эса унга олиб боради, Ҳаққа восил қилади, фақр салтанатининг абадийлиги Ҳақ васли билан шартланган. Фақр туфайли жаҳон мулкани бир хасдан-да паст кўрган шоҳ – Навоий идеалидаги подшоҳ. Бунда фақрнинг ижтимоий-ахлоқий, сиёсий-маънавий функцияси намоён бўлади, подшоҳлик институтида фақр ҳукмдор ахлоқини такомиллаштирувчи муҳим компонент сифатида қатнашади. Бунда подшоҳ ҳақида баҳс юритган шоир унинг инсон кўнглини “мулки афлок” билан тенг қўйиш, диққатни мулкгирлик ва нафс дағдағаларидан кўнгил овлаш ва адлу инсоф, инсонпарварликка томон қаратиш хислатларини кўрсатиб ўтади. Шу сабабли ҳам Навоий фақрда гадоликни шоҳликдан устун деб билади. Чунки фақрнинг асосида жамъ, ваҳдат ётади, шоҳликнинг асосида эса тафриқа, касрат. Шу сабабли ҳам ушбу тазодий манзарада мутафаккир шоирнинг устуворлиги фақр томон йўналган; **дунё** – Навоий лирикасида образ даражасида ишланган тушунчалардан саналади. У – ғаддор, буқаламун, бешафқат, бевафо, мурдор, мардуд, муттасил безовталиқ, ташвиш, ғафлат, бало манбаи – мана дунёга берилган сифатларнинг айримлари. «Дунёву мофиҳо» – дунё ва унинг ичидаги нарсалардан воз кечиш ёр васлини орзу қилган лирик қаҳрамоннинг матлаби экан, фақр – буни амалга ошириш воситаси, механизми. Чунки фақрда дунё ҳою ҳавасидан кечиш – дастлабки талаб. Бунинг маҳсули эса эҳтиёжсизлик – маънавий-руҳий эркинлик, хурлик. Васлга йўл очадиган хурлик эса Навоий лирик қаҳрамонининг ягона матлаби; Навоийнинг фақр йўлини тутган лирик қаҳрамони риё ва макрга йўл очадиган намоишкорона зуҳдни касб қилиб олган зоҳидни танқид қилар экан, уни ўз зуҳди қобиғида чекланганликда, асл мақсадни зуҳдга алмашганликда, асл мақсад фақат гўшанишинликдан иборат деб билганликда, натижада зуҳдни васл йўлидаги парда-тўсиққа айлантирганликда айблайди. Зоҳид зуҳдни, фақир эса фано – камолот ва Ҳақ васлини мақсад қилиб олганлиги учун ҳам Навоийнинг лирик қаҳрамони тараққийпарвар образ ҳисобланади.

12. Навоий “Хамса”сига кирган барча дostonларда фақр масаласи бавосита ва ёки бевосита боғлиқлик касб этган. Шундан Навоий “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларида асосий масала ишқ бўлгани учун ва бу дostonларнинг қаҳрамонлари ишқ водийсида эканликлари ва ишқ водийси фақр водийсидан орқада эканлиги учун уларга фақрни бевосита қўлламаган. “Ҳайрат ул-аброр”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonларида эса фақр бевосита ҳамда тўғридан тўғри образлар талқини жараёнига татбиқ этилган ва шоир бу дostonлар бош қаҳрамонларини фақр билан боғлиқ равишда ўз ахлоқий-эстетик идеали контекстида тасвирлаган.

13. Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да, асарнинг концептуал характерга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, ўз ахлоқий-эстетик идеали, фалсафий кредоси сифатида фақрни белгилаб олади. Бунда у, асосан, мол-дунё ва унга муносабат, унга муҳаббат ёки дунё севгисига кўнгилдан жой бермаслик; мансаб, айниқса, шоҳлик ва фақр; бойликнинг ўткинчилиги, уни Аллоҳ йўлида сарфлаш ва унинг ажри сифатида фақрга эришиб Ҳаққа етиш мумкинлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. У ўз фикрини баён этишда Ҳусайн Бойқарони, қолаверса, умуман шоҳ ва шоҳликни мисол қилиб олади. Чунки шоҳ ва шоҳлик ҳаётда, жамиятни бошқаришда катта роль ўнайдиган муҳим мансабдор ва мансаб ҳисобланади.

14. “Сабъаи сайёр” достонида ҳам фақр Навоийнинг ахлоқий-эстетик идеали сифатида тасвирланганлигига дуч келиш мумкин. Бироқ “Ҳайрат ул-аброр”дан фарқли ўлароқ бунда фақр йўлига кирмаган, унга интилмаган шоҳ – Баҳром образи яратилган ва унинг аянчли тақдирини тасвирлаш орқали фақрнинг шоҳ учун нақадар тўғри қутқарилов йўли эканлигига урғу берилган. Шунингдек, ушбу достоннинг бир қатор ҳикоятлари, жумладан, Фаррух ҳикоятида фақр камолга эришган инсоннинг хислати сифатида тасвирланган.

15. “Садди Искандарий” достонида фақр шоҳлик билан боғлиқликда талқин этилган. “Садди Искандарий”нинг асосий воқеалари баёни бошланган 15–19 бобларда фақрга достон концепциясини, бадий ғоясини шакллантирувчи, унга йўналиш берувчи масала сифатида мурожаат қилинган. Искандар тахтга ўлтирар экан, унинг олдида икки йўл турар эди: биринчиси, шоҳлик, дунёдорлик йўлидан бориш; иккинчиси, фақр йўлини тутиб, ўзини маънавий ҳаётга бағишлаш. “Садди Искандарий” достонининг фақр талқини нуқтаи назаридан аҳамиятлилиги унда шоҳлик масаласининг ва подшоҳ ахлоқи муаммосининг фақр билан боғлиқликда ҳал қилинганлиги билан белгиланади. Навоий ҳам ўз достонида анъанавий равишда Искандарни идеал подшоҳ сифатида тасвирлар экан, унинг идеаллигини фақр билан асослайди. Мажозий подшоҳлик – дунёга эга бўлиш, ҳақиқий шоҳлик – фақр мулкини эгаллашдир. Бу ҳақиқий комил подшонинг ҳиммати, кимгадир ҳиммат ёр бўлса, у ўзига дунёга подшоҳ бўлишдан кўра фақр мулки подшолигини сўрайди. Чунки, дейди Навоий, фақр кўйи гадосини Худо шоҳлар шоҳи қилиб яратган. Достоннинг бошида Искандар иккиланади, айниқса, шоҳликни гадоликка алмаштирган дарвеш билан учрашуви, Ара-студан асл мақсадга етишда қайси йўл яқин қабилидаги саволига устозининг фақр йўли деб жавоб бериши ундаги шоҳликдан воз кечиб, ўзини фақр асосида маънавий-ирфоний ҳаётга бағишлаш фикрини қатъийлаштиради. Бироқ шу ўринда Навоий томонидан идеал шоҳларга қўйиладиган талаб – уларнинг халқ талаби асосидагина шоҳликни қабул қилишлари бадий усули қўлланади. Натижада Искандар шоҳликни қабул қилишга мажбур бўлади ва ҳам фақр, ҳам шоҳликни барабар тутган, ҳатто, фақирликни шоҳликдан устун деб билган идеал шоҳ образи яратилади.

16. “Лисон ут-тайр”да фақр “Шайх Санъон” қиссасида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шайх Санъон образини ишлар экан, Навоий уни аввал бошданоқ комиллик даражасига етган пири муршид сифатида тасвирлайди. Маълумки, тасаввуфда бу фақрсиз мумкин эмас эди. Бинобарин, Шайх Санъон фақр йўлида юқори камолот даражасига етган пир образи. Бу унинг тақдир томонидан юборилган воридот (қисматига тушган иш, қилиши албатта лозим бўлган амал)ни ҳеч иккиланмасдан, сўзсиз қабул қилишида ва тарсо қиз томонидан қўйилган талабларни бенуқсон бажаришида, айниқса, яққол намоён бўлади. Бунда

фақрдаги таслим хусусияти ўз аксини топган. Шайх Санъоннинг инсон тоқатидан ташқари бўлган имтиҳондан ўтишида қазову қадар масаласи акс этган. Шайх Санъоннинг ушбу имтиҳондан ўтиши камолот масаласи туфайлидан эмас эди, зотан, у бунга муҳтож эмас. Гап шундаки, унинг ҳаётидаги маълум бир босқич айнан шу йўлдан ўтиши керак, бусиз унинг ҳаёти тугал кўриниш касб эта олмайди. Унинг ўзи ҳам буни тақдир амри сифатида қабул қилади ва шунга монанд ҳаракат қилади. Фақр мукаммал даражада акс этган яна бир образ – Шайх Санъоннинг содиқ муриди образидир. У ўзи йўқлигида Шайхнинг олдида бўлган ва уни мушкул вазиятда, ўз манфаатларини ўйлаб, якка ташлаб кетган бошқа муридларни айнан фақрдан беҳабарликда айблайди. Бу эса масаланинг илдизи фақрда эканлигига ишорат қилади. Яъни агар улар фақр сиридан огоҳ бўлганларида Шайхнинг ҳолини яхшироқ англаган бўлардилар. Унинг ўзи эса фақрда камолот касб этган ва унда фақрдаги сидқ ҳоли тўла намоён бўлади. Шайхнинг маънавий инқироз ҳолатидан қутилиши ҳам айнан ушбу образ воситасида тасвирланган (Пайғамбар (с.а.в.)нинг айнан унинг тушига кириши ва унинг дуолари мустажобидан шайхнинг нажот топиши). Буларнинг барчаси дostonда фақр ҳам муҳим бадий-эстетик омил сифатида иштирок этганлигини кўрсатади.

17. Фақр “Лисон ут-тайр” сюжет линиясида ҳикмат, қиссадан ҳисса усули тақозосига кўра иллюстрация сифатида келтирилган киритма ҳикоятлар бадииятида ҳам катта ўрин тутганлигини Шайх Абулаббос қассоб ва унинг соқоли, Шайх Баҳоуддин Нақшбанд ва ит изи каби ҳикоятларда кўриш мумкин. Шайх Абулаббос қассоб мисолида ҳақиқий фақирлик ўзлик ёки унинг муҳим дея қабул қилинган таркибий қисми (соқол)дан воз кеча олишда намоён бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд мисолида ҳақиқий фақирлик вафо талқини билан боғлиқликда тасвирланган. Уларда фақрдаги ўзликдан кечиш, ўзини ҳаммадан паст (касри нафс) деб билиш тамойиллари акс этган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

- 1.Шавкат Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қура-
рамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. –464 б.
- 2.Абдуллоев А. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи аввали асри XI. – Душанбе: Дониш, 1979.
– 288 с.
- 3.Абдурахман Джами. Эпоха, жизнь, творчество. Сб. ст. –Душанбе: Ирфон, 1965. –224 с.
- 4.Абдурахмони Ҷомӣ. Лавойиҳ. ЎЗР ҲА ШИ. 503-III рақамли қўлёзма. –16 в.
- 5.Абдурахмони Ҷомӣ. Асарҳои мунтахаб. Дар панҷ ҷилд. Назм. Ҷилди якум. Ғазалиёт. –
Душанбе: Ирфон, 1964. – 608 с.
- 6.Абдуқодиров А. Навоӣ ва нақшбандийлик. – Хўжанд, 1994. – 100 б.
- 7.Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоӣ ижодиёти: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Т.,
1998. – 295 б.
- 8.Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоӣ. 1-китоб. – Хўжанд: Нури маърифат, 2003. – 156 б.
- 9.Абдуғафуров А. Навоӣ сатираси. –Т.: Ҳан, 1966. –314 б.
- 10.Абдуғафуров А. Навоӣ ижодида сатира. –Т.: Ҳан, 1972. –260 б.
- 11.Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
–160 б.
- 12.Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъ-
ат нашриёти, 1995. –184 б.
- 13.Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. –Т.: Ўқитувчи, 1998. –216 б.
- 14.Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Т.: Ёзувчи,
1993. – 208 б.
- 15.Абулҳасан Али бин Усмон бин Абу Али ал-Жуллобий ал-Хужвирий ал-Ғазнавӣ. Кашф
ул-махжуб. Ба саъй ва эҳтимом ва тасҳиҳи марҳуми мағфуру мабрур Валентин Жуковский
(нашри сароҳ). – Л., 1926. – 672 [608+64] бет (форс тилида).
- 16.Адабиёт назарияси. II ҷилдли. I ҷилд. –Т.: Ҳан, 1978. – 416 б.
- 17.Адабиётшунослик энциклопедияси (Тузувчи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Мумтоз сўз, 2015. –
664 б.
- 18.Айнӣ С. Алишер Навоӣ / Айнӣ С. Асарлар. 8 томли. Т.8. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. 228–378-бетлар.
- 19.Алишер Навоӣ. Илк девон (1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил наشري).
Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. –Т.: Ҳан, 1968. –156 [144 (а, б,) саҳифа+12] б.
- 20.Алишер Навоӣ. Ситтаи зарурия. Тухфат ул-афкор. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон /
Адабий мерос (Хужжат ва тадқиқотлар). 1-китоб. –Т.: Ҳан, 1968. 260–264-бетлар.
- 21.Алишер Навоӣ. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1–20 томлар. – Т.: Ҳан, 1987–
2004.
- 22.Алишер Навоӣ. Ғазаллар, шарҳлар. – Т.: Камалак, 1991. – 176 б.
- 23.Алоуддин Аттор, Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорий. Рисолаи тасаввуф. ЎЗР ҲА ШИ.
890-VI рақамли қўлёзма. – 71 в.
- 24.Алоуддин Аттор, Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорий. Мақомоти аржуманд ва мақолоти
судманди ҳазрати Хожа Баҳо ул-ҳақ вад-дини Нақшбанд. ЎЗР ҲА ШИ. 502-VII рақамли қў-
лёзма. – 84 в.

- 25.Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – 152 б.
- 26.Атойи. Девон. Нашрга тайёрловчи С.Сайфуллоҳ. – Т.: Фан, 2008. – 530 [376+154] б.
- 27.Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами: проблемы текста и поэтики. – М.: Наука, 1988. – 326 с.
- 28.Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М., 1977. – 944 с.
- 29.Бартольд В. Мир-Али-Шир и политическая жизнь / Мир-Али Шир. Сб. ст. –Л., 1928. –С. 100–165.
- 30.Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. Избранные труды. Т.1. –М.: Наука, 1960. – 560 с.
- 31.Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Избранные труды. Т.3. –М.: Наука, 1965. – 528 с.
- 32.Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избранные труды. Т.4. –М.: Наука, 1965. – 496 с.
- 33.Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – 368 б.
- 34.Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи: Филол. фан. номз. дисс. – Т., 2002. – 135 б.
- 35.Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи. – Т.: Фан, 2009. – 144 б.
- 36.Бойбулатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик // Қизил Ўзбекистон. –1929. 13, 14, 15 май.
- 37.Бойқаро. Девон. Рисола. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. – 168 б.
- 38.Бохарзий, Абулмафохир Яҳё. Аврод ул-аҳбоб ва фусус ул-одоб. Ба кўшеши Э.Афшор. –Техрон: Донешгоҳи Техрон, 1345 (х.ш.) (форс тилида). – 224 с.
- 39.Брагинский И.С. Заметки к изучению творчества Джами / Абдурахман Джами. Эпоха, жизнь и творчество. Сб. ст. –Душанбе: Ирфон, 1965. –С. 34–78.
- 40.Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литератур. Избр. работы. – М.: Наука, 1972. – 524 с.
- 41.Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 4 китоб. 1-к. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. – 560 б.
- 42.Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 4 китоб. 2-к. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – 624 б.
- 43.Бухорий, Салоҳ бин Муборак. Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин. ЎЗР ФА ШИ қўлёзма № 8288. – 175 в.
- 44.Веселовский А. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. –408 с.
- 45.Восточная поэтика. Специфика художественного образа. –М.: Наука, 1983. – 264 с.
- 46.Воҳидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърляри. –Т.: Фан, 1983. – 144 б.
- 47.Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро, 1994. – 208 б.
- 48.Гадоий. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 148 б.
- 49.Гёте И.В. Об искусстве. –М.: Искусство, 1975. – 624 с.
- 50.Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. –Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1960. – 144 б.
- 51.Жумаева С. Ўзбек мумтоз шеърлярида рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини (XII–XV асрлар). –Т.: Фан, 2010. –
- 52.Жомий, Абдурахмон. Мақсуди дил... –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – 208 б.
- 53.Жўракулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати: Филол. ф.н. ... дисс. – Т., 1998. – 158 б.

54. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси: Филол. ф. д. ... дисс. – Т., 2016. – 428 б.
55. Зеҳнӣ Т. Санъати суҳан. – Душанбе: Ирфон, 1978. – 328 с.
56. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т.: Ўзбекистон, 1970. – 496 б.
57. Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Т.: Фан, 1991. – 148 с.
58. Имод. Шарҳи “Лавойиҳ”. ЎЗР ФА ШИ. 890-IX рақамли қўлёзма. – 46 в.
59. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т.: Фан, 1965. – 136 б.
60. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси (“Ҳазойин ул-маоний” асосида). – Т.: Фан, 1983. – 168 б.
61. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. – 120 б.
62. Каримов А. Бадий образнинг кўп маънолилиқ хусусиятлари // ЎТА. 1990. №5. 21–26-бетлар.
63. Каримов Ғ. Баркамоллик. – Т.: Маънавият, 1999. – 144 б.
64. Кафка Ф. Замок: Роман; Новеллы и притчи; Письмо отцу; Письма Милене: Пер. с нем. – М.: Политиздат, 1991. – 576 с.
65. Керимов Г.М. Аль-Газали и суфизм. – Баку: Элм, 1969. – 112 с.
66. Классическая литература Востока. Сб. ст. – М.: Наука, 1972. – 236 с.
67. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
68. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. 2-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1999. – 208 б.
69. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Т.: Тамаддун, 2012. – 316 б.
70. Кошифий Ҳ.В. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: Мерос, 1994. – 112 б.
71. Кошонӣ, Иззуддин Маҳмуд бин Али. Мисбоҳ ул-ҳидоя ва мифтоҳ кифоя. Ба тасҳеҳи Чалолиддин Ҳумой. – Техрон: Чопхонаи Мажлис, 1323 (ҳ.ш.) (форс тилида). – 432 с.
72. Крымский А.Е. История Персии, её литературы и дервишской теософии. Том I. – М., 1915. – 224 с.
73. Кубро Н. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – 264 б.
74. Курбанмамадов А. Эстетика Абдурахмана Джами. – Душанбе: Дониш, 1984. – 144 с.
75. Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе: Дониш, 1987. – 108 с.
76. Литература Востока в средние века. Часть II. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1970. – 464 с.
77. Литературный энциклопедический словарь. – М.: СЭ, 1987. – 750 с.
78. Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – М.: Искусство, 1976. – 368 с.
79. Лосев А. Ф. Знак. Символ. Миф. – М.: Изд-во МГУ, 1982. – 479 с.
80. Лоҳичӣ, Шайх Муҳаммад. Мафотиҳ ул-эъҷоз фи шарҳи “Гулшани роз”. Бо муқаддимаи Кайвон Сомийӣ. – Техрон: Маркази наشري интишороти Саъдӣ, 1374 (ҳ.ш.) (форс тилида). – 384 с.
81. Лутфий. Сенсан севарим... – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987. – 464 б.
82. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – 664 б.
83. Мир-Али-Шир. Сборник к пятисотлетию со дня рождения. – Л.: Изд-во АН СССР, 1928. – 176 с.
84. Мирзоев А.М. Рудаки и развитие газели в X–XV вв. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1958. – 72 с.

85. Мирзоев А.М. Камал ад-Дин Бинаи. –М., 1976. – 480 с.
86. Муллахўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалиётда тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. –Т., 2005. – 148 б.
87. Мустамалий Бухорий, Исмоил бин Муҳаммад. Шарҳи таъарруф. Ҷилди 3. –Лакҳну: Нувал Кишвар, 1328 (форс тилида).
88. Мухаммедходжаев А. Мировоззрение Фаридиддина Аттара. – Душанбе: Дониш, 1974. – 116 с.
89. Мухаммедходжаев А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: Дониш, 1991. – 192 с.
90. Муҳаммад бин Мунаввар. Асрор ут-тавҳид фи мақомоти шайх Абу Саид. –Спб., 1899. – 112 с.
91. Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғот. Ҷ.1. –Душанбе, 1988. – 384 с.
92. Муҳаммад Хусайний. Мактубот. ЎЗР ФА ШИ. 9351-I рақамли қўлёзма. – 205 в.
93. Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. –Т.: Фан, 1968. – 368 б.
94. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. – 784 б.
95. Навоийнинг ижод олами (Мақолалар тўплами). –Т.: Фан, 2001. – 200 б.
96. Носиров О. Ўзбек адабиётда ғазал. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 134 б.
97. Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърини жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – 184 б.
98. Ойбек. Навоий гулшани. –Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1967. – 152 б.
99. Ойбек. Адабий-танқидий мақолалар. МАТ. XIII том. –Т.: Фан, 1979. – 512 б.
100. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Т.: Фан, 1976. – 120 б.
101. Османов М.–Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-X вв. –М.: Наука, 1974. – 272 с.
102. Отойи. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Э.Рустамов. –Т.: Бадий адабиёт, 1958. – 200 б.
103. Очилов Э. Навоий ғазалларида комил инсон тимсоли // Ўзбек тили ва адабиёти. –2001. –№1. 7–14-бетлар.
104. Потенбня А.А. Теоретическая поэтика. –М.: Высшая школа, 1990. – 342 с.
105. Пригарина Н.И. Образное содержание бейта в поэзии на персидском языке / Восточная поэтика. Специфика художественного образа. –М.: Наука, 1983. – С. 94–112.
106. Пригарина Н.И. Индийский стиль и его место в персидской литературе (вопросы поэтики). –М.: Восточная литература РАН, 1999. – 328 с.
107. Поэзия и проза Древнего Востока. Сборник. –М.: Художественная литература, 1973. – 735 с.
108. Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока. Сб. ст. –М.: Наука, 1964. – 340 с.
109. Проблемы восточного стихосложения. Сб. ст. –М.: Наука, 1973. – 184 с.
110. Проблемы канона в древнем и средневековом искусстве Азии и Африки. Сб. ст. –М.: Наука, 1973. –256 с.
111. Раджабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. – Душанбе: Ирфон, 1968. – 318 с.

112. Ражабова Б. Навоий ижодида Амир Темур сиймоси. –Т.: Муҳаррир нашриёти, 2019. – 72 б.
113. Рамазонов Н. Навоий лирикасида фақр талқинига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –1999. –№6. 47–50-бетлар.
114. Рамазонов Н. “Насойим ул-муҳаббат” ва унинг манбалари // Ўзбек тили ва адабиёти. –2001. –№1. 14–19-бетлар.
115. Рамазонов Н. Навоий лирикасида фақир образи // «Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» мавзусидаги илмий-назарий анжуман маърузалари тезислари. –Тошкент–Навоий: Фан, 2001. 23–25-бетлар.
116. Рамазонов Н. “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир / Навоийнинг ижод олами (Мақолалар тўплами). –Тошкент: Фан, 2001. 157–182-бетлар.
117. Рамазонов Н. Бир рубой тарихи // ЎзАС. 2004 йил 23 сентябрь.
118. Рамазонов Н. Навоий насрида фақр талқини / “Мумтоз адабиёт масалалари” (Мақолалар тўплами). 1-китоб. –Тошкент, 2006. 83–88-бетлар.
119. Рамазонов Н. Адабиётшуносликда фақр талқини ҳамда унга муносабат масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. –2010. –№6. 47–60-бетлар.
120. Рамазонов Н. Фақир образининг Навоий лирикаси образлари билан ўзаро боғлиқлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. –2011. –№1. 15–26-бетлар.
121. Рамазонов Н. «Хамса» қаҳрамонлари ва фақр маслаги / «Навоийнинг ижод олами» илмий мақолалар тўплами (2-китоб). –Тошкент: Фан, 2011. 97–109-бетлар.
122. Рамазонов Н. Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи (монография). –Т.: Фан, 2015. – 192 б.
123. Рамазонов Н.Н. Фақр концептининг Навоий лирикасидаги бадий функциясига доир // «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги анъанавий халқаро конференция материаллари (2019 йил 4–6 февраль, Ўзбекистон, Навоий ш.). –Тошкент: Фан, 2019. –Б.207-212.
124. Рамазонов Н.Н. Алишер Навоий ижодида фақрнинг бадий талқинига доир // «Алишер Навоий ва XXI аср» мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари (2019 йил 9 февраль, Ўзбекистон, Тошкент ш.). –Тошкент: «Navoiy universiteti» nashriyot-matbaa uyi, 2019. –Б.126–132.
125. Рамазонов Н.Н. Алишер Навоий лирикасида фақр концептининг бадий талқини // “Тил, адабиёт ва тарих масалалари” (илмий мақолалар тўплами). №1. –Тошкент: Фан, 2019. –Б.66–72.
126. Рамазонов Н.Н. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий лирикасида фақр талқинининг қиёсий таҳлили // Материалы международной научно-практической конференции “Социально-экономическое и культурное сотрудничество Таджикистана и Узбекистана: история и современность”. Республика Таджикистан, г. Худжанд, 21–22 июня 2019 г. –Худжанд: Нури маърифат, 2019. –С.522–527.
127. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат (Атойининг поэтик маҳорати). –Т.: Фан, 1995. – 160 б.
128. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. –Ленинобод, 1972. – 180 б.
129. Рейснер М.Л. Предварительные соображения о содержании термина “ринд” в литературе на фарси XI–XIV вв. / Иран. История и культура в средние века и в новое время. –М., 1980. –С. 74–82.

130. Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X–XIV века). – М.: Наука, 1989. – 224 с.
131. Рипка Ян. История персидской и таджикской литературы. – М: Прогресс, 1970. – 448 с.
132. Румий, Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т.: Meriyus, 2010. – 846 б.
133. Румӣ, Чалолиддин. Девони кабир. Ҷилди аввал. – Душанбе: Адиб, 1992. – 432 с.
134. Румӣ, Чалолиддин. Маснавӣ-и маънавӣ. Бо ихтимоми Р.А.Николсон. – Техрон: Али Акбари илмӣ, 1334. – 832 с.
135. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 214 б.
136. Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – 368 с.
137. Сажжодий, Саййид Жаъфар. Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Техрон, 1332 ҳ. – 814 с.
138. Саййид Қосимий. Маснавийлар мажмуаси. – Т., 1992. – 240 б.
139. Саккокий. Танланган асарлар. Иккинчи нашри. Нашрга тайёрловчи Қ.Муниров. – Т.: Ўздавнашр, 1960. – 72 б.
140. Салоҳий Д. Навоийнинг шеърӣ услуби масалалари. – Т.: Фан, 2005. – 176 б.
141. Сарроҷ ат-Тусӣ, Абу Наср. Ал-лумаъ фит-тасаввуф. Нашрга тайёрловчи Р.Никольсон. – Лейден: Брилл, 1914 (араб тилида). – 672 с.
142. Серикова Л.Н. Малые формы лирики Алишера Навои (китъа, рубаи, фард). – Т.: Фан, 1981. – 96 с.
143. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в раннеклассический период. – М.: Наука, 1976. – 212 с.
144. Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. – М.: Наука, 1982. – 328 с.
145. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул, С.Рафъиддин. – Т.: Ёзувчи, 1991. – 80 б.
146. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1969. – 414 б.
147. Сухравардий, Абу Ҳафс Умар. Авориф ул-маориф. – Қоҳира: Ал-мактабат ут-тижорият ул-кабир. Санасиз. – 576 с.
148. Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Кн. 1. Образ, метод, характер. – М.: Изд-во АН СССР, 1962. – 452 с.
149. Тимофеев Л.И. Теория стиха. – М.: Гослитиздат, 1939. – 232 с.
150. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1976. – 448 с.
151. Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предисл. О.Ф.Акимовской. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989. – 328 с.
152. Туркияда яссавийшунослик. – Т., 1999. – 60 б.
153. Türkçe sözlük. C.I. – Ankara, 1988. – 656 s.
154. Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – 604 s.
155. Уч булбул гулшани [Тўплам: «Юсуф ва Зулайхо» (Дурбек); «Гулистони бит-туркий» (Сайфи Саройи); «Хусрав ва Ширин» (Қутб Хоразмий)]. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 648 б.

156. Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века. Том I. –Т., 1966. – 650 с.; Том II. –Т., 1971. – 778 с.
157. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Иборат аз ду ҷилд. Ҷилди II. –М.: СЭ, 1969. – 952 с.
158. Ферузонфар, Бадиъуззамон. Аҳодиси “Маснавий”. – Техрон: Донишгоҳи Техрон, 1334 (х.ш.) (форс тилида). – 256 с.
159. Фитрат А. Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. – Самарқанд–Тошкент: Ўздавнашр, 1928. – 316 б.
160. Фитрат А. “Фарҳоду Ширин” достони тўғрисида // Аланга. 1930. №1–2.
161. Фитрат А. Аҳмад Яссавий / Яссавий ким эди. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Б.Дўстқораев. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 18–33-бетлар.
162. Фитрат А. Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар / Яссавий ким эди. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Б.Дўстқораев. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 33–38-бетлар.
163. Форобий. Шеър санъати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 68 с.
164. Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. ЎЗР ФА ШИ. 1411 рақамли қўлёзма. – 336 в.
165. Хоразмий. Муҳаббатнома. –Т.: Ўзадабийнашр, 1959. – 72 с.
166. Хоразмий, Ҳофиз. Девон. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. Икки китобда. I китоб. – Т.: Ўз КП МК нашриёти, 1981. – 303 б.; II китоб. – 301 б.
167. Хусрави Дехлавӣ. Мунтахабот. –Сталинобод: Нашр. дав. Тоҷикистон, 1960. – 400 с.
168. Шайхзода М. Алишер Навоӣ лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида (“Ғаройиб ус-сиғар” девони бўйича) // Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий-танқидий мақола-лар тўплами. –Т.: Ўздавнашр, 1959. 238–254-бетлар.
169. Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони / Асарлар. VI томлик. IV том. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 372 б.
170. Шамси Қайси Розӣ. Алмўъҷам. –Душанбе: Ирфон, 1991. – 400 с.
171. Шарафиддинов О. Алишер Навоӣ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1971. – 188 б.
172. Шарафиддинов О. Алишер Навоӣ поэтикасининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –1968. –№4. 33–38-бетлар.
173. Шарипов Ш. “Лисон ут-тайр” ҳақиқатлари. –Т.: Маънавият, 1998. – 160 б.
174. Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. –Т.: Ўздавнашр, 1963. – 200 б.
175. Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. –Т.: Фан, 2009. – 40 с.
176. Эркинов С. Навоӣ “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. –Т.: Фан, 1971. – 276 б.
177. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Фан, 1971. – 964 б.
178. Яссавий, Аҳмад. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи И.Ҳаққулов. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 256 б.
179. Яссавий, Хожа Аҳмад. Девони ҳикмат. Нашрга тайёрловчи Р.Абдушукуров. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – 208 б.
180. Ўзбек адабиёти тарихи. V томлик. II том. XV асрнинг иккинчи ярми. – Т.: Фан, 1977. – 460 б.
181. Ўзбекистон халқлари тарихи. I жилд. –Т.: Фан, 1992. – 188 б.

182. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Ж. 4. –Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.
183. Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. –Т.: Чўлпон, 1993. – 544 б.
184. Қушайрий А. Рисолаи Қушайрий. – Истанбул, 1991 (турк тилида). – 192 с.
185. Қўнуқ, Аҳмад Авни. “Фусус ул-ҳикам” таржима ва шарҳи. IV жилд. –Истанбул, 1992 (турк тилида).
186. Ғаниева С. Алишер Навоий (ҳаёти ва ижоди). – Т.: Фан, 1968. – 148 б.
187. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Т.: Фан, 1961. – 296 б.
188. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т.: Фан, 1963. – 176 б.
189. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1970. –176 б.
190. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан (X-XV асрлар). –Т.: Фан, 1970. – 336 б.
191. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993. – 216 б.
192. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1996. – 160 б.
193. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 240 б.
194. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Т.: Фан, 1979. – 196 б.
195. Ҳамадоний, Хожа Юсуф. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт); Одоб тарикати; Коинот ва инсон ҳақида. –Т.: Мовароуннахр, 2018. – 224 б.
196. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 192 б.
197. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида (Навоий сабоқлари). –Т.: Юлдузча, 1989. – 224 б.
198. Ҳаққул И. Шеърят – руҳий муносабат. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. – 240 б.
199. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.
200. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. –Т.: Маънавият, 1998. – 160 б.
201. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш (2-китоб). –Т.: Фан, 2011. – 200 б.
202. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш (3-китоб). –Т.: Тафаккур, 2016. – 224 б.
203. Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998. – 160 б.
204. Ҳолот ва суҳанони Шайх Абусаид бин Фазлуллоҳ бин Абулхайр. Муаллифи номаълум. – СПб., 1899 (форс тилида). – 176 с.
205. Ҳомидов Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Т.: Шарқ, 1999. – 352 б.
206. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 368 б.
207. Ҳофиз Шерозӣ. Куллиёт. –Душанбе: Ирфон, 1983. – 672 с.
208. Ҳофиз Шерозӣ. Ғазаллар. –Т.: Бадиий адабиёт, 1958. – 272 б.
209. Ҳусайний А. Бадойиъ-ус-санойиъ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – 400 б.

Маърифат РАЖАБОВА

**АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ
ШЕЪРИЙ ДУРДОНАСИ**

ЖАВОҲИРОТ – МАШАҚҚАТЛАР МЕВАСИ

XV асрнинг 80-йиллари Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг ижтимоий фаолияти учун масхулдор йиллар бўлди. Султон Ҳусайн Бойқаро сарвари бўлган давлатда муҳрдор, вазири аъзам, Астробод вилоятининг ҳокими мартабаларида жуда маҳорат билан раҳбарлик қилган буюк мутафаккир давлатдорлик сиру синоатлари, сарой муҳити, унинг қувончу изтиробларининг мағз-мағзигача етиб борди.

Мусулмон минтақа халқлари адабиётида уч юз йиллик ижодий тараққиёт йўлини бошидан кечирган хамсачилик анъанасининг адабий, тарихий мўъжизаларини теран ўзлаштирган ва шундай қутлуғ анъанани туркийзабонлар бадий сўзсанъатига олиб кириш учун маънавий-руҳий жиҳатдан етилган муаллиф айна адабий ҳодисанинг иккинчи қўш қаноти – давлатчиликнинг ижтимоий – сиёсий қирралари ҳақида ҳам мукаммал тарихий маълумотга эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, улуғ шоир ҳамон ягона ҳисобланган туркий-«Хамса»сини авлодларга мерос қолдириш учун тўла маънода шай эди. Эслатилганомиллар туфайли 1483-1484 йилларда «Ҳайрат ул - аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Саддий Искандарий» каби дурдоналардан таркиб топувчи ўлмас«Хамса» дунёга келди. Айна ана ўша йилларда Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ул-ниҳоя» девонлари ва «Ҳазойин ул-маоний»нинг тамал тошини ташкил қилувчи гўзал туркий мисралар улуғ шоир ижодининг мухлисларига тақдим этилди.

80-йиллар Алишер Навоийни салоҳиятли форсигўй шоир сифатида форс-тожик адабиёти намояндаларига таништиришдажиддий қадам бўлди.

Савод чиқаришни Қуръони каримдан бошлаган ва 5-6 ёшларидаёқ бу муборак илоҳий сарчашманинг «Таборақ» сурасигача бўлган қисмини» мукаммал ўзлаштиришга улгурган Алишер Ҳазратлари исломий сарчашмалар билан мунтазам машғулликни сира тарк этган эмас. Жаноби Расули Акрамнинг «Аллоҳ таоло...илмини юксалтирганларни бу дунёда ярлақаб, мартабасини улуғ қилгай...», «Ё раббий илмимни зиёда қилгайсен...» каби доно ҳикматлари ҳамиша Алишер Навоийнинг қулоқлари остида акс садо бериб, уни ҳадислар оламига чорлаб турган (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ, 4 жилдлик. I жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1991. 28-29-бетлар).

Ўспиринлик овонидаёқ Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга нисбатан уйғонган катта иштиёқулуғ шоирнинг деярли барча бадий, илмий, тарихий яратмаларида ўзининг ёрқин изларини қолдирган деса, мутлақо хато бўлмайди. XV аснинг 80-йилларига келиб айна муҳаббат ҳадислар таъсирида мустақил асарлар бунёд этиш даражасигақўтарилди. Улуғ шоирнинг жаноби Расули Акрамнинг ахлоқ-одобга доир қирқ ҳадиси заманида иншо этилган «Арбаин»и унинг бу йўлдаги дастлабки қутлуғ қадами ҳисобланади. «Муқаддима»ю «Хотима» ва қирқ қитъадан таркиб топувчи мазкурасар туркий **арбаиннаivistликнинг** нодир намунасидир. Гарчи Алишер Навоий «Арбаин»и учун пири комил Нуриддин Абдураҳмон Жомий «Чиҳил ҳадис»ини она тилига ўгириш иштиёқи ижобий туртки берган бўлса-да, у Алишер Навоий соҳир қаламининг нечоғлик баландлигидан нишонадир. 80-йилларда (XV) Хуросон давлатининг Балх вилоятида содир бўлган тарихий воқеалар – Ҳазрат Али муқаддас оромгоҳининг топилиши, тадқиқ этилиши, бу гавжум жараёнларга Амир Низомиддин Алишер Ҳазратларининг иштироки ўз самарасини кўрсатди. Ҳадисчиликка нисбатан буюк мутафаккир қалбида яшаб келаётган чўғлар аланга тусини олди, шоир қалбини ларзага солиб, унга қалам ушлатди. Зикри ўтган мураккаб ижодий жараёнлар ўзидан дарак бера бошлади. Таянч исломий сарчашмаларга бўлган юксак ишқ тарихий воқеалар билан омехталашиб «Назм ул-жавоҳир»ни дунёга келтирди. Ислом дунёсида «Асадуллоҳ» шарафли унвонига лойиқ қўрилган Ҳазрат Алиибн Абу Толибнинг мазмунан бўлиқ, ҳажман сиқик, ўта сайқалланган араб тилидаги насрий ҳикматлари«Назм ул-жавоҳир» таркибидан жой олган 268 рубойга ғоявий-маънавий асос вазифасини адо этди. Аслини олганда, маз-

кур дурдона рубойларни Ҳазрат Али ҳикматларининг ўзбек тилидаги шеърий таржимаси деб қўя қолиш у қадар тўғри эмас. Чунки президент Ислом Каримов бағоят ўринли таъкид этгандек: «Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси, агар бу зотни мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير» мақомидаги Алишер Навоий фақатгина таржимон мақомида фаолият кўрсатиши мумкин эмас эди. «Назм ул-жавоҳир» бағрида келган рубойлар эса Ҳазрат Алининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, фалсафий-таълимий қарашларига XV аср Хуросонида яшаган улуғ Навоийнинг бағоят гўзал умумбашарий ғоялари омехталашиб шеърий дурдоналарининг бадий баркамоллигини таъмин этган.

Айримлари таъкидланган мураккаб ижодий жараёнлар хусусида ҳукмингизга ҳавола этилаётган Маърифат Ражабованинг «Алишер Навоийнинг шеърий дурдонаси» рисола-сида мароқ билан муҳокама юритилади. Мазкур рисолага қадар ҳам навоийшуносликда «Назм ул-жавоҳир»нинг фазилатлари **хусусида** мулоҳаза юритилган, турфа фикрлар баён этилган. Филология фанлари номзоди Маъмура Рашидованинг «Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарининг матний тадқиқоти» сарлавҳали диссертацияси ёзилиб, ёқланган. XX асрнинг охири йилларида Маърифат Ражабова эса ўз номзодлик диссертацияси мавзусини «Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарининг манбалари ва бадиияти» тарзида танлади. Салкам етти йилга чўзилган изланишларнинг ҳосиласи сифатида диссертация матни яратилди ва ҳимоя қилинди (2006). Муҳими, Маърифат мазкур асарбилан шуғулланишни изчил давом эттирди.

Филология фанлари номзоди Маърифат Ражабованинг рисоласи ўша шеърий дурдоналарнинг тарихий-филологик таҳлиliga бағишланган. Ёш олима «Мақаддима», «Хотима» ва уч фаслдан таркиб топувчи рисоласида Алишер Навоий шеърий дурдоналарининг яратилиш тарихи, ўша рубойларнинг дунёга келишида ижобий туртки берган Ҳазрат Али насрий ҳикматлари, уларнинг бадий адабиётга кўчиши, алоҳида тўплам ҳолига келтирилиши, форсийдаги насру, назмдаги таржималари хусусида кенг илмий мулоҳаза юритиш йўлидан боради. Эътиборингиздаги китоб Маърифатнинг ўн йиллик илмий-ижодий изланишларининг масҳули эканлиги инобатга олинса, муаллифнинг ўз тадқиқот манбаига нечоғлик иштиёқ ва ихлос билан ёндашганлигини пайқаш қийин эмас. Китоб фасллари ва бобчалари сарлавҳаларининг бадийнома қўйилиши ҳам муаллифнинг ўша жозиб дурдоналарга юксак иштиёқидан сўзлайди. Рисоладаги яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлагим келади. Умидли олима ўз ўтмишдошларига муҳаббат ва назокат билан муносабатда бўлади. Уларнинг ўзига қадар баён этилган фикрларини қадрлайди. Илмий фаолиятда масалага бундай муносабат зарур омил ҳисобланади.

Ҳазрат Али насрий ҳикматлари ва Алишер Навоийнинг рубойлари қиёсланган саҳифалар завқ билан ўқилади. Китоб саҳифаларида ғоявий-бадий таҳлилнинг ёнма-ён олиб борилиши унинг фазилатидир.

Мен Маърифат Ражабованинг «Алишер Навоийнинг шеърий дурдонаси» рисоласи нуқсонлар, мунозарали ўринлардан мутлақо холи деган фикрдан йироқман. Қўлингиздаги китоб Маърифатнинг бу борадаги илк қадами бўлганлиги учун ҳам унда қусурларнинг учраши табиий. Сизнинг холисона ва куюнчаклик билан баён этишингиз муқаррар бўлган қимматли фикрларингиз шоир табиат тадқиқотчини руҳлантиради ва уни улуғ Навоий ҳақида гўзал мақолаю китоблар яратишга ундайди.

Р.Ж. Воҳидов

МУҚАДДИМА

Истиқлол ўзбек адабиётшунослигига кенг ва истиқболли йўлни очиб берди. Халқимизнинг бой маънавий мероси, ўлмас қадриятлари, асрий анъаналари қайта тикланмоқда.

Маънавиятимизнинг ўлмас хазинаси бўлмиш мумтоз асарлар ҳамда уларнинг яратувчилари ижодига бўлган қарашларимизда ижобий маънодаги ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз» (И. А. Каримов. Буюк келажак сари. Тошкент. Ўзбекистон. 1999, 524-бет).

Мустақиллик даврида яратилган тадқиқотларда сифат ўзгаришлари юз бериб, қизил империя даврида назардан четда қолган, таъқиқланган, қораланган асарларни холисона баҳолашга, уларни асл манбалари билан қиёсий ўрганишга бўлган қизиқиш ортмоқда. Аждодларимиз томонидан яратилган маънавий-маданий меросни яхлит ҳолда ўрганиш ва чегириб ташланган «парчаларини» тиклашнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши халқимизнинг асрлар давомида яратган бой маънавий меросига, унинг жаҳон халқлари маданияти ва адабий-бадий тафаккури тараққиётига қўшган ҳиссасини тўғри баҳолаш имконини берди. Жумладан, истиқлолдан кейинги давр навоийшунослигининг ривожини рўй бераётганана ўша ўзига хос янгиланишлари билан ажралиб туради. Улуғ шоир Алишер Навоийнинг асарлари ўзининг ғоявий-маънавий замини бўлмиш мусулмон оламининг муқаддас китоблари Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар билан боғлиқ ҳолда ўрганила бошланди.

Қуръон фақат ислом динининг асоси бўлиб қолмай, балки фалсафий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий масалаларни атрофлича қамраб олган бебаҳо ғоявий-маънавий сарчашма ҳамдир. Шундан ислом оламида барча фанларнинг, жумладан, бадий сўз санъатининг тараққиёти ҳам Қуръони карим ва Ҳадиси шариф билан узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Айни таъкиддан ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари, жумладан, Алишер Навоий маънавий меросининг ҳам таянч манбаи ана ўша муқаддас сарчашмалар эканлиги аёнлашиб қолади.

Истиқлол неъматини сифатида Алишер Навоийнинг шариати исломия ва илоҳиётга дахлдор «Сирож ул-муслимин», «Муножот» асарларини ўрганиш, уларнинг мазмун моҳияти билан улуғ шоир ижоди муҳаббаларини таништириш авж олди (Бу ҳақда қаранг: Р. Ж. Воҳидов. Алишер Навоий ва илоҳиёт. Бухоро нашриёти. 1994, 24-44 бетлар).

Бироқ бугунги навоийшуносликда ечимини кутаётган муаммолар ҳам кам эмас. Ана шулардан бири шоир ижодий меросида алоҳида ўрин тутган, аммо етарли даражада илмий тадқиқ этилмаган «Назм ул-жавоҳир» («Шеърини дурдоналар») асарининг манбалари ва бадиияти масаласидир. Шоирнинг бу асардаги фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, диний, маърифий қарашларини теран илмий тадқиқ этиш унинг дунёқараши хусусида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини яратади.

«Назм ул-жавоҳир»нинг ўрганилиши унинг яратилиши пайтидаёқ бошланганини машҳур тарихчи Ғиёсиддин Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарида қайд этган ва ёзган эди: «...Ва шу каби, «Наср ул-лаоли»нинг туркийча таржимасида икки юз олтмиш рубойи назм қилгандирларки, унинг ҳар тўрт мисраси бир хил қофия ва бир хил радифлидир. Қўрини-

шича, ул ҳазратдан илгари ҳеч ким туркий тилда рубоий айтмаган, ҳар тўрт мисраси қофиядош ва радифдош бўлганига нима етсин»(Хондамир. «Макорим ул- ахлоқ» Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги АСН. 1967, 136-бет). Юқорида кўчирилган иқтибосда мунозарали қайдлар мавжуд. Биз шу каби нуқталарга иш давомида ўрни-ўрни билан муносабат билдириб боришмизни назарда тутиб, «Муқаддима»да улар хусусида тўхталмадик.

«Назм ул-жавоҳир»улуғ шоирнинг ўрганилиши нисбатан кеч бошланган асарлари сирасига киради. Мазкур манзума Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан чоп этилган шоир асарлари 15 жилдлигининг 15-китобида қисқартирилган ҳолда нашр қилинди (Алишер Навоий. Асарлар. XV жилдлик. XV жилд. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги БАН. 1968, 15-51 – бетлар). Асарни таниқли матншунос проф.П.Шамсиев нашрга тайёрлаган. Мазкур нашрдан «Назм ул-жавоҳир»нинг насрий муқаддимаси, ҳар бир рубоийнинг бунёдга келишда ижобий туртки берган Ҳазрат Алининг ҳикматлари тушириб қолдирилган.

«Назм ул-жавоҳир» ҳақида бир қатор илмий мақолалар эълон қилинди. Жумладан, юқоридаги нашрга академик А. П.Қаюмов сўзбоши ёзиб, унда Навоийнинг мазкур жилдга кирган тўртта асари қаторида «Назм ул-жавоҳир» ҳақида ҳам айрим фикрлар билдиради. ЎзРФА Тил ва адабиёт институтининг ташаббуси билан нашр этирилган беш жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи» китобининг II томида ҳам «Назм ул-жавоҳир»га доир махсус мақола мавжуд (195-201-бетлар). Мазкурмақола муаллифи С.Ғаниева асарнинг аҳамияти, унинг ёзилиши сабаблари, мазмун-мундарижаси хусусида анча кенг мулоҳаза юритади. Навоийшунос олима С. Ғаниева мақоласи руҳидан гўё Ҳазрат Алининг «Наср ул-лаолий»асари борлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Назаримизда, бунга Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» муқаддимасида «Ҳазрати Амир «Наср ул-лаолий»си таржимаси азиматин қилдим», - деган фикри туртки бўлган кўринади. Аммо мавзуни чуқурроқ ўрганиш натижасида маълум бўладикки, тўпламнинг «Наср ул-лаолий» номи билан шухрат пайдо қилиши Ҳазрат Али вафотидан анча кейинги даврларга тўғри келади.

Адабиётшунос Т.Ғафуржонова «Назм ул-жавоҳир» номли мақоласида бу асарнинг ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган, XIX асрга мансуб тўртта қўлёзма нусхаси ҳақида маълумот беради (Т. Ғафуржонова. Назм ул - жавоҳир. Навоий ва адабий таъсир масалалари. Мақолалар тўплами. Тошкент: Фан. 1968. 344-351-бетлар).

И.Хусанхўжаев «Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида» (1963. 89-129-бетлар) номли рисоласида «Хазойин ул-маоний», «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари қаторида «Назм ул-жавоҳир»дан ҳам кўплаб мисоллар келтиради.

Адабиётшунос М.Ҳакимов «Навоий афоризмларининг манбаларига доир» (Адабий мерос. 1971 йил. № 2,88-90-бетлар) мақоласида «Назм ул-жавоҳир» асаридаги рубоийлар фольклордаги ҳикматли сўзлар замирида юзага келган, тарзидаги баҳсталаб фикрни илгари суради. Алишер Навоийнинг ўзи асарида таъкидлашича, «батахсис «Наср ул-лаолий»ким, ул Ҳазрат (яъни, Ҳазрати Али – М.Р.) нинг валоят дарёсидин чиққан самин луълулар...» яъни, ҳикматларнинг ҳар бирини бир рубоийда талқин этади (Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. XV жилд. Тошкент: «Фан»1999, 127-бет. Бундан кейин шу манбадан келтирилган иқтибослар охирида МАТ ва тегишли жилд ҳамда саҳифа кўрсатиб борилади).

Адабиётшунослар С.Ғаниева ва И.Ҳаққуловларнинг ушбу асарга доир ишларида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд.

М.Рашидованинг «Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарининг матний тадқиқоти» мавзуидаги номзодлик диссертацияси «Назм ул-жавоҳир»нинг илмий-танқидий матнини

яратишга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур тадқиқот «Назм ул-жавоҳир» асари матнидаги кўпгина баҳсли ўринларга аниқлик киритган бўлса-да, улуғ шоир 20 жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами»нинг XV жилдида улардан деярли фойдаланилмаган.

Қўлингиздаги рисолада илк тажриба сифатида «Назм ул-жавоҳир» асарини кенг филологик таҳлил этишга ҳаракат қилинади. Бунинг учун муаллиф қиёсий таҳлил тамойилларига таянишни мақсадга мувофиқ ҳисоблайди.

Шайх Саъдий ҳикматларидан бирида таъкидлаган эди:

*Ҳеч гули мақсуд дар инбўстон,
Чи да на шуд бе мадади дўстон.*

Мазкур байт мағзидаги мазмун ҳукмингизга ҳавола этилаётган рисолага ҳам дахлдордир. Унинг юзага келишида ўзларининг беминнатқўмакларини даригутмаган академак Б. Валихўжаев, профессорлар А. Ҳайитметов, Ҳ. Ҳомидий, Р. Воҳидов, И. Ҳаққул, Д. Салоҳий ва БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси жамоасига самимий миннатдорчилик билдиришнимуаллиф инсоний бурч ҳисоблайди.

Қўлингиздаги рисола норасолик ва мунозарали ўринлардан ҳам холи эмас. Бунинг учун Сиз зукко китобхонга узр айтар эканмиз, кейинги фаолиятимизда асқотадиган самимий-фикр-мулоҳазаларингиздан умидвормиз.

1 – ФАСЛ

НАСРДАГИ ЖАВОҲИРОТНИНГ НАЗМДАГИ ЖИЛОСИ

1.1 Тарихий лавҳалар – шеърий дурдоналар манбаи

«Назм ул-жавоҳир» ҳақидаги дастлабки маълумотлар Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида учрайди. Унда ушбу асар Ҳусайн Бойқаронинг Навоийнинг юксак салоҳиятини муносиб баҳолаган «Рисола» асарига жавобан ёзилганлиги таъкидланади. Бу ҳақда Алишер Навоийнинг ўзи ҳам «Назм ул-жавоҳир» муқаддимаси сўнгида шундай дейди: «...чун «Наср ул - лаолий»ни назм силкиға тортилди, отин «Назм ул - жавоҳир» қўюлди» (МАТ. XV жилд, 136-бет) Дебочадаги ишоралардан равшанлашадики, Ҳазрат Алининг мусулмон минтақа халқлари ўртасида кенг ёйилган ҳикматларининг шуҳрати XV аср Ҳирот илмий - адабий муҳитини ҳам четлаб ўтмаган. Шоҳ ва шоир сифатида мазкур муҳитнинг барқарорлигини таъмин этган Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийдан «Наср ул-лаолий»га жавобия айтишни сўрайди. Руҳан ва ғоявий-маънавий жиҳатдан шундай ишни уддалашга тайёр бўлган Алишер Навоий таклифни мамнунят билан қабул қилади ва ижодий ишга киришади. Айримлари эслатилган жиҳатлар заминиде улуғ шоирнинг «Назм ул-жавоҳир» асари яратилди.

Навоийшунос олима С.Ғаниева «Назм ул-жавоҳир» яратилишини Шарқ шеъриятидаги маърифий-ахлоқий мавзудаги ҳадиси шарифларни қитъа ёки рубоий шаклида шеърға солиш анъанасига боғлаганида мутлақо ҳақ эди (С. Ғаниева. Ҳар нуктага бир тарона. Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2002, №3, 210-212-бетлар) Олима Е.Э.Бертельс тадқиқотларига суянган ҳолда Рашидиддин Ватвотнинг «Наср ул-лаолий»дан 100 та ҳикматнинг арабча нусхасини келтириб, уларни форсий назмга солгани, бу анъана Навоий замонасида ҳам давом эттирилиб, Дарвеш Ашраф Хиёбоний (ваф. 1459) Ҳазрати Алининг 100 та ҳикматини шеърға солиб «Сад панди Али» деб номлаганини қайд этади. Аёнлашадики, Ҳазрат Алининг араб тилида, насрда яратилган ҳикматларни шеърда, форсийда бадиий ифодалаш адабий анаънага айлана борган. Форс – тожик адабиётидаги муҳим адабий ҳодисалардан хабордор бўлган Алишер Навоий туркий адабиётдаги мазкур бўшлиқни тўлдириш мақсадида «Назм ул-жавоҳир»ни замондошларига туҳфа этади.

Навоийшунослигимизда Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола», Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир»и муқаддимасидаги ишораларга таянган тадқиқотчилар ушбу асарнинг яратилиши тарихи, унинг юзага келишига доир айрим фикр – мулоҳазаларини баён этишган. Аммо масалага чуқурроқ кириб борсак, бу хусусдаги манзаранинг янада кенгайиши имконияти борлиги маълум бўлади. Яъни қуйидаги яна бир ҳолат, бизнингча, «Назм ул-жавоҳир» асарининг яратилишига туртки берган омил ҳисобланади.

1944 (1325 (ҳ.қ) йилда афғон олими Ҳофиз Нурмуҳаммад Каҳгадоий Кобулда «Тарихи Мазори Шариф» номли китоб чоп эттирган¹. Мазкур китобнинг кейинги нашри «Тарихчаи мазори Шоҳ авлиё» сарлавҳаси билан чоп этилган (нашр йили ва жойи кўрсатилмаган). Зикри ўтган китоб кўпгина тадқиқотлар учун далиллар манбаи бўлиб келмоқда. Унда ёзилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигининг 1481-1482 йилларида бири Ҳиндистоннинг Мўлтон шаҳриданва иккинчиси Балхнинг ўзидан топилган – икки қадимий китобга («Тарихчаи мазори Шоҳ авлиё») асосланиб, Али ибн Абу Толиб муборак жасадининг Балх

¹ Қаранг: Исмаи Ҳидоят. Жомӣ ва Навоӣ дар Балх //Овози тожик. –1992.5-май

вилоятида эканлигидан воқиф бўлишади. Китобларнинг ёзилиш давридан келиб чиқадиган бўлсак, Ҳазрат Али қабрининг салжуқийлардан Султон Санжар даврида (1118-1157) Балхда экани маълум бўлади. Бу китобларнинг Мўлтон нусхасида ёзилишича, Ҳазрат Алининг қабри дастлаб 530/1136 йилда топилган экан. Аммо мўғуллар ҳужуми (1223) оқибатида бу ҳақиқат мутлақо унутилган ва қабр жойлашган ер йўқолиб кетган. Авлод алмашган. Ҳазрат Али қабри ҳақидаги гапларга маҳаллий аҳоли афсона деб қарай бошлаган эди. Шу йилларда Балх вилояти ҳокими бўлган Мирзо Бойқаро¹ мазкур топилмалар ҳақида Ҳиротга маълум қилади. Эслатилган воқеалар «Тарихчаи мазори Шоҳ авлиё» китобида қуйидагича ўз ифодасини топган:

«Кунларнинг бирида Мирзо Бойқаро Ҳирот дорус-салтанасига бу воқеанинг тафсилоти ёзилган мактуб йўллаб, уни таъмир этиш учун кўрсатма берилишини сўради. Олий даражали Султон (Ҳусайн Бойқаро) ушбу шарҳу тафсилларга ишонқирамай, уни таҳқиқ этиш учун амири кабир Алишерни Балхга юборади². (Тарихчаи мазори Шоҳ авлиё. 45-бет).

«Тарихчаи мазори Шоҳ авлиё» асарининг муаллифи муқаддас оромгоҳнинг аниқланиши, тадқиқ этилишига алоқадор жараёнлар тафсилотига кенг ўрин беради. Ҳофиз Нурмаҳаммад Қаҳгадойи бу боради ёзади: Вазири равшанзамир, яъни, Амир Алишер Шери Худонинг (Ҳазрат Алининг) дидоридан кўзига нур олиб, ҳақиқий аҳволни батамом мушоҳада қилиб кўрди, ожизликдан лолу илҳақлик билан Ҳирот саройига батафсил хабар юборди (Ўша китоб, 45-бет).

Воқеалар баёнидан равшанлашадики, Балх таассуротлари Алишер Навоий тафаккурдан мастаҳкам ўрин эгаллаган ва шоир қалбини жунбушга келтиради. Ҳиротга, Ҳусайн Бойқарога юборилган мактубга илова қилинган қуйидаги сатрлар фикримизга ёрқин далилдир:

*Базми май дар коми дардошони Балх омад падид,
Ин ҳама оғоз аз анжоми Балх омад падид.
Ҳеч кас анқои Мағрибро шикори худ накард,
Шод бош, эй дил, ки андар доми Балх омад падид.
Гавҳаре ғойиб шуд андар қаъри дарёи Нажаф,
В-ин замон аз қуббатул - ислومي Балх омад падид.
Шомиёнро баъд аз ин қадри Алӣ пайдо шавад,
К-ин фурузон шамъ андар шомии Балх омад падид.
Сониини хулди барин, яъни мазори шоҳи дин,
Дар мақоми лозим- ул-икромии Балх омад падид.
Айни оби зиндагӣ аз Куфа межустанд халқ,
Эй Скандар, бин, ки андар жоми Балх омад падид.
Рав Фонӣ, базми ирфон аз мазори шоҳ жўй,
Сиккаи шоҳаншаҳӣ бар номи Балх омад падид».*

Мазмуни:

*Дардкаш Балх комида май базми пайдо бўлди,
Бу бошланишларнинг бари Балхнинг тугашида пайдо бўлди.
Ҳеч ким Мағриб анқосини ўзининг ови қилмади,
Шод бўл, эй дил, у Балх домида пайдо бўлди.
Нажаф дарёси тубида гавҳар ғойиб бўлди,*

¹ Кўп вақт Балхни идора қилган вилоят ҳокими. Ҳусайн Бойқаронинг акаси ваф. 892/1487).

² Бу ва бундан кейинги мутаржимии кўрсатилмаган форсий парчалар бизнинг таржимамизда бериб борилади.

*Ва шу замон Балх қуббатул исломидан пайдо бўлди.
Шундан кейин шомликларга Алининг қадри билиндики,
Балх шомида фурузон шамъ пайдо бўлди.
Аъло беҳиштнинг кейингиси яъни дин шоҳининг мозори,
Балх лозим ул-икром мақомида пайдо бўлди.
Халқ тириклик сувини Қуфадан излар эди,
Эй Сикандар, қара у Балх жомида пайдо бўлди.
Бор Фоний, ирфон базмини шоҳ мазоридан изла,
Шаҳаншоҳ сиккаси Балх номига пайдо бўлди» (Ўша китоб, 45-бет).*

Ҳиротдан Балхга дарҳол Ҳусайн Бойқаро бошчилигида Абдурахмон Жомий, Мавлоно Муъин, Ҳусайн Воиз Кошифий, Саъдуддин Тафтазонийлар бир дунё одам билан етиб келишади. Ҳусайн Бойқаро баланд овоз билан илтижоли ғазал айтган ҳолда қабр тепасига келади.

*«Ассалом, эй боргоҳи Шоҳимардон, ассалом,
Қиблатуннос, ҳаснулхалқ, “ма мин лиланом”.
Боргоҳи подшоҳ, Аллоҳу акбар, ин чӣ жост,
Саждагоҳи авлиё, субҳонака, Аллоҳумму чи ном.
Ҳукми «валяттаваффу фавотуф» дар ин боргоҳ,
Фиҳи оётун, ояте дар шони ин олимақом.
Чун асал фиҳи шифоун,- гуфт линнос он ҳаким,
Мисли зайтун муборак ҳаст баҳри хосу ом.
Бар дарат омад гадои бенаво (Султон Ҳусайн),
Раҳм кун бар ҳоли инмуштоқ, эй шоҳи киром».
Мазмуни:
Ассалом, эй Шоҳимардон боргоҳи, ассалом,
Қиблатунноси, ҳаснулхалқ “ма мин лила” ном.
Подшо қасри, Аллоҳу акбар, бу қандай жой,
Авлиё саждагоҳи, субҳонака Аллоҳум қандай ном.
Бу қасрда “валяттаваффу” ҳакам,
Фиҳ оёт, бу олимақом шаънига бир оят.
Ул ҳаким асалдай фиҳшифо деди,
Ҳаммага зайтундай муборакдир,
Эшигинга бенаво гадо Султон Ҳусайн келди,
Эй шоҳи киром, раҳм айла бу муштоқнинг ҳолига (Ўша китоб, 46-бет).*

Барчалари ҳаяжонда. Ҳусайн Бойқаро Ҳазрат Али хокини Ҳиротга олиб кетишга қарор қилганини билдиради. Аммо уламоларнинг маслаҳатига кўра, бу ишни нораво билиб, фикридан қайтади. У бу ерда салтанат ҳисобидан муҳташам мақбара қуришга фармон беради. Бундай масъулиятли ишни машҳур уста Муҳаммадхон Баннойга топширади. Мазори Шарифда ҳозир ҳам сақланаётган ҳашаматли мақбара айни ана ўша даврга мансуб обидадир.

Навоийнинг шу муносабат билан, ўша кезлари, Ҳазрат Алининг қабри жойлашган Балх вилоятига қарашли Хожа Хайрон мавзеъини обод қилишга ўз ҳиссасини қўшгани манбалардан маълум. Ўшалардан бири бугунги кунда Ноиб Муҳаммад Алихон саройи номи билан машҳур. Навоий мақбара ва унинг атрофидаги иншоотларнинг доимий маблағ билан таъминланиши учун атрофдаги 300 жериб ерни ўзлаштириб, вақф қилдириб беради.

891/1492 йилда Алининг мазори устида салобатли иморат барпо қилинади. Ана ўша илк обидалар Мазори Шариф шаҳрининг шаклланиши учун асос вазифасини ўтайди. 1497 йилда Алишер Навоий Бадиъуззамон Мирзо саркашлигини бартараф этиш учун Балхга келганида, Амударёдан «Наҳри шоҳий» номи билан бир ариқ қаздириб, Хожа Хайрон қишлоғи атрофини обод қилиш, Ҳирот хожалари (халифалар авлоди)дан минглаб кишининг бу ерга келиб жойлашишига бош бўлади (Ўша китоб, 43-47-бетлар).

Эслатилган воқеалар муносабати билан Абдурахмон Жомий бири 31 ва иккинчиси 15 байтли қасида ёзади¹. Абдурахмон Жомий қасидаларидан бирида келтирилган қуйидаги байт Ҳазрат Али қабрининг қайта топилишига дахлдор бўлгани учун ҳам уни келтирамиз:

*Ба соли ҳашт саду ҳаштоду шаш дар Балх шуд пайдо
Мазори Ҳайдари сафдар имоми дуняву уқбо (Ўша китоб, 47-бетлар).*

Мазмуни:

*886 йилда Балхда бўлди пайдо,
Ҳасур ва бу дунё охиратнинг имоми Ҳайдарнинг (Шер) мазори.*

Мазкур байтда келган 886 йил ҳижрий-қамарий 1481-1482 мелодий йилга тўғри келади. Кўринадик, Мозори Шариф шаҳрининг шаклланишида асос вазифасини ўтаган муҳташам обида Ҳусайн Бойқаро салтанатининг гуллаган даврида бунёдга келган.

Юқорида айримлари эслатилаган тарихий тафсилотларнинг шоҳиди бўлган ва улардан ўта таъсирланган Алишер Навоий янги бир асар яратиш учун жиддий тайёргарлик кўра бошлайди. Сал кам уч йилга чўзилган ғоявий-маънавий, руҳий жараёнлар ҳосиласи сифатида 1485 йилда «Назм ул жавоҳир» улуғ шоир ижодининг муҳибларига тухфа этилади.

Навоийшуносликда Балхда Ҳазрат Али мазорининг топилиши воқеасига бошқача қарашлар ҳам йўқ эмаски, уларга муносабат билдирмаслик биз чиқарадиган хулосалар салмоғига соя солиши мумкин.

Чунончи, профессор Э.Шодиев Алишер Навоийнинг Балхга бориши воқеасини бошқача талқин қилади². «Тарихи Мазори Шариф»даги ишораларга таянган навоийшунос олим муқаддас мазорнинг тафтиш этилишига оид жараёнларни тўғри шарҳлагани ҳолда табаррук қадамжога Ҳусайн Бойқаронинг ташрифини изоҳлашда чалкашликка йўл қўяди. Олимнинг фикрича, Ҳусайн Бойқаро Балхга Ҳазрати Али мазори тавофи учун эмас, балки Балх ҳокими Аҳмад Муштоқ исёнини бостириш учун борган бўлиб чиқади. Масалага бундай муносабат тарихий ҳақиқатга рост келмайди.

Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарининг матни, нашри, ўрганилишига доир навоийшуносликда амалга оширилган ишларга муносабат билдириш, ютуқ ва мунозарали ўринларга оз бўлса-да, тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Назардан ўтказилган талайгина мақолаларда «Назм ул-жавоҳир» Ҳазрат Али «Наср ул-лаолий» асарининг таржимаси тарзидаги фикрлар тез-тез кўзга ташланади. Кузатишларимиздан аёнлашадики, масалага бундай қараш у қадар тўғри эмас.

¹ Ҳофиз Нурмуҳаммад Каҳгадойининг «Тарихчаи мазори Шоҳ авлиё» китобида келтирилган Абдурахмон Жомийнинг Ҳазрат Алига бағишланган қасидаларини бевосита таҳлил жараёнига тортмаганимиз учун уларнинг матни келтиришни лозим топмадик.

² Қаранг: Э. Шодиев. Алишер Навоий Балх шаҳрида. ЎТА. 1989. №2, 8-13-бетлар.

Аввало Ҳазрат Алининг араб тилидаги насрий ҳикматларига нисбатан «Наср ул-лаолий» номи муаллиф томонидан қўлланилмаган эмас. Бундай сарлавҳа IX асрда Ҳазрат Али ҳикматларини бир жойга тўплаган машҳур олим ва адиб Ал-Жоҳиз томонидан қўйилган. XIII асрда Рашидиддин Ватвот бу тўплам таркибидан юзта ҳикматни ажратиб олган, уларнинг ёнига ўзининг форсий шеърӣ талқинини қўшиб, уни бойитган. Аммо асарнинг анъанавӣ номи «Наср ул-лаолий»ни сақлаб қолган.

Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» рубоийлар туркумини Ал-Жоҳиз тўплами билан фақатгина арабий ҳикматлар бирлаштириб туради. Рашидиддин Ватвот асари билан «Назм ул-жавоҳир» ўртасида эса айрим шаклий-услубӣ белгилар жиҳатидан умумийлик кўзга ташланади, холос. Яъни, Рашидиддин Ватвот билан Навоийларнинг ҳар иккиси ҳамсарлавҳа вазифасида келган бир арабий ҳикмат таъсирида бири форсий ва иккинчиси туркий тилда рубоийлар туркумини яратган. Бироқ Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги тўртликларни бунёд қилишда кўпгина форсий манбаларга мурожаат қилган бўлса-да, Рашидиддин Ватвот тўпламидаги насрий ҳикматларни айнан эътиборга олмаган кўринади. Чунки Ҳазрат Али ҳикматларининг форсий нусхалари Ватвотгача ва ундан кейин ҳам турфа талқинларда тарқалган эдики, Алишер Навоий уларга мурожаат қилиши имкониятига эга бўлган. Амр ибн Баҳр ал-Жоҳизнинг «Наср ул-лаолий» си билан «Назм ул-жавоҳир»да кўзга ташланадиган айрим ғоявий-услубӣ муштаракликлар улў ўзбек шоири мазкур манбадан ҳам фойдаланган бўлиши мумкин деган хулосага йўл очади. «Наср ул-лаолий»нинг Рашидиддин Ватвот таржима - шарҳи билан «Назм ул-жавоҳир»ни эса улар таркибидаги бармоқ билан санарли уйғунликларгина боғлаб туради.

«Наср ул-лаолий»нинг айрим қўлёзмалари билан «Назм ул-жавоҳир» нашрларининг қиёсий таҳлилидан қуйидагича манзара аёнлашади. «Макорим ул-ахлоқ»да «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги рубоийларнинг сони 260 та тарзида кўрсатилган бўлса, мазкур манзуманинг 1965 йилдаги нашрида 254 та ва 1999 йилдаги босмасида эса 255 та ҳолида учрайди. Зикри ўтган бундай бир қатор хилма-хилликлар «Назм ул-жавоҳир» нусхаларининг назардан ўтказишни тақазо этади.

Кўриб ўтганимиздек, «Назм ул-жавоҳир», дастлаб, Алишер Навоий асарлари 15 жилд-лигининг 15-жилдида қисқарган ҳолда нашр қилинган эди. Асарнинг муқаддима қисми ва ундаги йигирмадан зиёд рубоийлар бу нашрдан тушириб қолдирилган. Асар муқаддимасининг матни илк бор 1991 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг биринчи сонидан навоийшунос С.Ғаниева томонидан шарҳу изоҳлар билан бирга нашр қилинди. Навоий «Мукаммал асарлар тўплами» 20 жилд-лигининг 15-жилдидаги матн ҳам шу олима томонидан тайёрланган. Мазкур нашрдан ўрин олган «Назм ул-жавоҳир» муқаддима, 255 арабий ҳикмат ва шунча рубоийдан иборатдир. Рубоийлар матни ҳар иккала нашрда ҳам деярли ўзгаришларсиз такрорланади. Маълум бўладик, мукаммал нашрда ҳам эски нашрда мавжуд хатоликлар сақланиб қолган. 20 жилдликда рубоийлар учун асос бўлган арабий ҳикматлар аслияти транслитерация шаклида келтирилган. Уларнинг таржималари китобнинг изоҳ қисмида берилади. Аммо ўзбекча таржималар кўпгина хатоликлар билан амалга оширилган. Биз матни нашрга тайёрловчиларнинг бу соҳадаги улкан хизматларини юксак қадрлаганимиз ҳолда, «Назм ул-жавоҳир»нинг мукаммал нашрида китобхон ва рубоийлар туркуми кейинги тадқиқотчиларини чалғитиши мумкин бўлган айрим ноаниқликлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Таъкидлаш жоизки, мумтоз адабиёт намуналарининг қўлёзмалари ва уларнинг бугунги нашрлари ўртасидаги тафовут ўша бадиий яратманинг илмий-танқидий матнини амалга ошириш билан бартараф этилади. Бизнинг бу таъкидимиз у ёки бу асарнинг муаллиф дастхати ёхуд ўша ижодкор назаридан ўтган нусхаси мавжуд бўлмаган ишларга дахлдор.

Катта илмий-иждодий меҳнат талаб қиладиган ва унинг натижаси ўлароқ юзага келади-ган матннинг илмий-амалий вазифаси ҳам худди шундан иборатдир. Мана шундай хай-рли иш адабиётшунос М.Рашидованинг «Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарининг матний тадқиқоти»¹ мазуидаги номзодлик диссертацияси орқали амалга оширилди. Ил-мий-танқидий матнни тузиш учун «Назм ул-жавоҳир»нинг Туркиядаги Тўпқопи, Тошкент, Париж нусхалари қиёслаб ўрганилган ва бу уч қўлёзма нусхадаги фарқлар кўрсатиб берил-ган. Шундай қилиб, илмий-танқидий матндан асар таркибининг муқаддима, 268 рубойи ва хотимадан иборат эканлиги маълум бўлиб қолади. «Назм ул-жавоҳир»нинг илмий-танқид-ий матни билан улуғ шоир «Мукаммал асарлар тўплами»дан ўрин олган рубойлар қи-ёсланганда, улар орасида ҳам маълум фарқлар борлиги кўзга ташланади. Жумладан, улуғ шоир мукаммал асарлари нашридан унинг ўн уч рубойи си тушириб қолдирилган.

«Назм ул-жавоҳир»нинг мукаммал наشري билан илмий-танқидий матн ўртасидаги фарқлар сўзларнинг алмашинуви; мисраларда сўзнинг тушиб қолиш ҳолати; ҳарфлар ал-машинуви; мисралар ўрнининг алмашилиши, араб тилидаги парчаларнинг мазмунини бе-ришда кузатиладиган айрим ноаниқликларда яққол кўзга ташланади. Бундай хилма-хил-ликлардан айримларини қуйидаги таҳлиллар жараёнида кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

1. Матнда сўзларнинг алмашилиши натижасида маънога таъсир қиладиган ўзга-ришлар: Жумладан, 57-рубойини ўқиймиз:

Хулқ чиройлилиги ғаниматдир.

Бадхўйки ўз қилгани раҳматдур анга,

Ором халойиқ сари туҳматдир анга,

Ким хўйи ямон бўлса, машаққатдур анга,

Ким хўйи анинг яхши, ғаниматдур анга (МАТ. XV жилд, 146-бет).

М.Рашидова тузган матнда ушбу рубойининг биринчи мисраси **«Бадхўйки ўз қилга-ни раҳматдур анга»** тарзида берилган. «Мукаммал асарлар тўплами»да эса раҳмат (озор, алам, кулфат) раҳмат сўзи билан алмаштирилган. Бизнингча, рубойи матнидаги мазмун «раҳмат»дан кўра «заҳмат» сўзини талаб қилади. Сўзнинг алмашилиши рубойи мазмунига салбий таъсир қилган.

«Мукаммал асарлар тўплам»идаги 60-рубойининг 4-мисрасида ҳам худди шундай ҳолат-ни кўришимиз мумкин:

Дўстларнинг яхшиликка бошлагани яхшироқдир.

Асҳоб аросида анинг бил шарлиқ,

Ким, шар сори айлағай далиловарлиқ,

Яхши ул эрурки, айлабон боварлиқ,

Қилғай санга яхшилик сори ёварлиқ (МАТ. XV жилд, 146-бет).

Рубойининг охириги мисрасидаги «ёварлиқ» сўзи илмий-танқидий матн учун фойдала-нилган барча нусхалар ва илмий-танқидий матнда «рахбарлиқ» тарзида берилган. Навоий бу икки сўздан қай бирини қўллаган бўлиши мумкин? Бу саволга Ҳазрат Алининг рубойи учун ғоявий асос бўлган «Дўстларнинг яхшиликка бошлагани яхшироқ» ҳикмати ойдин-лик киритади. «Ёварлиқ» (ёрдамчилик, мададкорлик) сўзи ҳикматнинг тўлиқ мазмунини

¹ (Рашидова М. «Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарининг матний тадқиқоти» Филол. фанлари номзоди ... дисс. –Т.: 1990. -164 б.)

шоир кутганидек рўёбга чиқара олмайди. Илмий-танқидий матнга кўра бу сўз қўлёзма нусхаларнинг бирида рубойининг учинчи мисрасида келади. Унда бу рубойининг иккинчи байти қуйидаги кўринишга эга:

*Яхши ул эрурки, айлабон боварлиқ,
Қилғай санга яхшилик сори раҳбарлиқ.*

Бундай ҳолатларни «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги келган 24, 53, 69, 153, 184 - рубойларда ҳам кўришимиз мумкин.

Зикри ўтгандай «таҳрир»ларни асар муқаддимасида ҳам кузатишимиз мумкин.

Мазкур «Муқаддима»да аслиятдаги **«ажз»** (кучсиз, заифлик, ожизлик, бечоралик) сўзи мантиққа зид равишда **«азиз»** каломи билан алмаштирилган МАТ. XV жилд, 124-бет). Масалага ташқаридан қараганда, бундай таҳрир «аҳамиятсиздай» кўриниши мумкин. Бироқ мавзуга Алишер Навоий нуқтаи назаридан ёндашилса, **«ажз»** сўзининг қуйидаги талқинлари ойдинлашиб қолади.

Улуғлик ва буюклик Қодири қудратгагина хосдир. У яратган жамики махлуқ ва махлуқотлар Унинг олдида ожиз ва эҳтиёжманд. Жумладан, инсон ҳам. Ҳақ субҳонаху таоло мўъжизалари ичида инсонни буюклик ва мукаррамлик сифатлари билан беади. Бироқ Яратганнинг бу халифаси ҳам унинг марҳамати ва қудрати қаршисида ожиз зотдир. Ажзу ниёз – “ожиз, кучсиз, эҳтиёжманд”лар ҳамиша Унга муҳтож. Равшан бўлаётирки, Алишер Навоий асар муқаддимасида «азиз» сўзини эмас, «ажз» сўзини қўллаган. Улуғ шоир яширин талмеҳга таяниб ўз фикрини мустаҳкамлайди. Жумладан, Қуръони Карим “Нисо” сурасининг 28- ояти каримасида Аллоҳ бу хусусида қуйидагича марҳамат қилади: «Аллоҳ сизларга (шариат аҳкомларини) енгиллатишни хоҳлайди. Ахир, инсон заиф яратилган-да!» (Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Абдулазиз Мансур таржимаси. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2004. 83 – бет).

2. Матнда сўзларнинг тушиб қолиши натижасида вужудга келган хатоликлар:

Маълумки, муаллиф мақсадини китобхонга етказувчи, асар гўзаллигини таъминловчи омил – сўздир. Шоир мисраларда фойдаланган ҳар бир сўз унинг мақсад ва муддаосини амалга оширувчи қурол ҳисобланади. Мисралардан тушириб қолдирилган биргина сўз эса маънонинг ўзгаришига, мантиқнинг бузилишига ёки муаллиф ёритмоқчи бўлган ғояни англаб етишга монелик қилишга олиб келиши мумкин. Айниқса, шеърини матнда юқорида тилга олинган бу қусурларнинг устига вазн сакталиги ҳам юзага келиб қўшилади. Худди ана шундай ҳолатларни «Назм ул-жавоҳир»даги 58, 93, 81, 165, 250- рубойларда кўришимиз мумкин.

Масалан:

*Ким [] ила бўлса тийра авқотлиғи,
Бор лозими умр тулининг ётлиғи.
Бот бўлғай ажал бисотиға мотлиғи,
Золимға уқубатдир ўлим ботлиғи (МАТ. XV жилд, 165-бет).*

Рубойининг биринчи мисраси илмий-танқидий матнда: **«Ким зулм ила бўлса тийра авқотлиғи»** тарзида берилган. Нашрда мисрадаги «зулм» сўзи тушириб қолдирилган. Мисрадаги сўзнинг тушиб қолиши эса шоир айтмоқчи бўлган фикрни ўзгартирган ва вазн сакталигини юзага келтирган. Чунки «қайғули, бахтсиз, ғам-ғуссали онлар умр учун ёт-

дир», - деган хулосага келган шоир, биринчи байтда унинг сабабини таъкидлаб кўрсатади. Бу зулмдир. Рубоий учун ғоявий асос бўлган Ҳазрат Алининг **«Зулмнинг уқубати – ўлимнинг тезкорлиғи»** ҳикматидан кўзланган мақсад ҳам золимнинг зулмини қоралашдир.

3. Ҳарфларнинг алмашиниши натижасида вужудга келган ўзгаришлар:

«Мукамал асарлар тўплами» нашрида сўз таркибидаги маълум ҳарфнинг алмашиниши (о-а, а-и, у-ў) сўзга ўзга бир мазмун бериши ёки сўзнинг маъно англатиш хусусиятини йўқотишга олиб келган. Масалан, «Назм ул-жавоҳир» муқаддимасидаги қуйидаги рубоийга эътибор қилайлик:

*Ул шамъки «Ваззуҳо» қуёш юзидур,
Мазоғ била сурма чекилган қўзидур,
Анинг сариким, ўзи улу ул ўзидур,
Борча«инна минка анта минни» сўзидур (МАТ. XV жилд, 123-бет).*

Биринчи мисрадаги «Ваззуҳо» («Чошгоҳ кунига қасам» маъносида) Қуръони каримдаги, пайғамбаримиз шахсиятлари хусусидаги 93-сура ва ундаги 1-оятнинг номидир. Иккинчи мисрадаги «мазоғ» сўзи ҳам илмий-танқидий матнда ва луғатдагидек «мозоғ» тарзида берилса, бунинг маъноси ҳам пайғамбар шахсиятига бориб боғланади. Нашрда сўз таркибидаги ҳарфнинг алмашинишидан муайян калиманинг маънолари ўзгарган. Жумладан, юқорида келтирилган сўз (мозоғ) «Ғиёс ул-луғот»да шундай изоҳланади: «Мозоғ» қуйидаги ояти каримага ишорадир: «мо зоғ ал-басару ва мо тағо»яъни, Ул ҳазрат меърож кечаси (Аллоҳга) яқинлик мақомида туриб, бошқа нарсаларга назар ташламадилар ва Худо ҳукмига нофармонлик қилмадилар» (Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Иборат аз се жилд. Жилди I. – Душанбе: Адиб, 1987. саҳ. 219).

Демак, шоирнинг «Ан-Нажм» сураси 17-оятида зикр этилган («Мо зоғал басару ва мо тоғо» - Пайғамбарнинг кўзи (четга) оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ) «мозоғ» сўзидан кўзлаган мақсади - Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўзларини мадҳ этишдир. Нашрда сўз таркибидаги биргина ҳарфнинг (о-а) алмашиниши, уни таянч мақсаддан мутлақо узоқлаштирган ва талмеҳ санъати ҳам «йўқолиб қолган».

Пайғамбаримизнинг яна бир машҳур ҳамда жуда кўп бадий асар ва тадқиқотларда учрайдиган «Али мендан ва мен Алидан» ҳадислари борки, унинг мазмуни юқоридаги рубоийнинг тўртинчи мисрасига жо этилган. «Мукамал асарлар тўплами»нинг изоҳ қисмида «Мен сендаман, сен мендадурсан» тарзида берилиб, ноаниқликка йўл қўйилган. Бу ҳадисни тўғри англамоқ учун мазкур рубоийнинг учинчи мисрасидаги «Анинг сариким» сўз бирикмасини илмий-танқидий матндагидек қилиб «Анинг билаким» (яъни, Али билан) деб тузатсак, «Анинг билаким, ўзи – ул ва ул ўзидур» шаклига келади ва ўзидан кейинги мисрадаги ҳадис «инна минка, анта минни» («чиндан ҳам сендан, сен мендан») деган чалкаш бир бирикма эмас, «Ана минка ва анта минний» яъни, «Мен сендан ва сен мендан» деган маъно чиқади.

«Назм ул-жавоҳир» муқаддимасидаги «Ҳал ато алал-инсони ҳийнун мин ад-даҳри лам якун шайъан мазкуран» («Инсон» сураси, 1-оят) («Аниқки, инсон узра қачондир тилга олгулик нарса бўлмаган вақт (муддат) кечган») ояти каримаси мукамал нашрда «Ҳал оти алал-инсона ҳийна мин ад-даҳри лам якун шайъан мазкуран» тарзида берилгани асарни нашрга тайёрлашда, лоақал, Қуръони каримга қаралмаганидан далолат беради. Қолаверса, мазкур ояти карима кетидан келган рубоийнинг 3-мисрасида бу сўз «Ҳал ато» тарзида тўғри ёзилган.

4. Рубоий мисралари ўрнининг алмашилиши натижасида содир бўлган ўзгаришлар:

Маълумки, рубоий ҳар бир мисраси ўзига хос вазифани бажаради. Шоир биринчи мисрада айтмоқчи бўлган фикр, ғоянинг қисқа ва лўнда ифодаси - тезисини берса; иккинчи мисрада биринчи мисрадаги фикрни янада теранлаштиради. Рубоийнинг учинчи мисраси шоирнинг якуний хулоса ясаши учун замин ҳозирлайди. Тўртинчи мисра якуний хулоса сифатида юзага келади. Мисралар ўрнининг алмашилиши рубоийнинг қурилишига салбий таъсир ўтказишдан ташқари, шоир ғоявий ниятини ўқувчига аниқ етказишда ҳам монелик кўрсатади. Масалан:

Сабр соҳиби, албатта, муродига етади.

*Ҳар кимки фалак зулму инодиға етар,
Сабр айлаган охир эътиқодиға етар,
Чун бўлди сабур, тангри додиға етар,
Собир киши оқибат муродиға етар (МАТ. XV жилд, 180-бет).*

Ушбу рубоий илмий-танқидий матнда:

*Ҳар кимки фалак зулму инодиға етар.
Чун бўлди сабур тенгри додиға етар,
Сабр айлагон охир эътиқодиға етар,
Собир киши оқибат муродиға етар.*

тарзида берилган. Рубоий «Сабр соҳиби, албатта, муродига етади» ҳикматининг шеърӣ талқини сифатида юзага келган. Мисраларнинг илмий-танқидий матндаги тартибида фикрлар изчиллиги қарор топган.

Мисралар ўрнининг алмашинуви оқибатида содир бўладиган ғализликларни мукамал нашрдаги 6, 119, 144-рубоийларда ҳам кўришимиз мумкин.

5. Араб тилидаги парчаларнинг мазмунини беришда кузатиладиган айрим ноаниқликлар:

«Назм ул-жавоҳир» муқаддимасида Жаноби Расулуллоҳнинг «Мен илмнинг шаҳриман, Али эса унинг эшигидир» (Ана мадинат ул-илми ва Алийюн бабуҳа) (Илмӣ – танқидӣ матн. 2-бет) деган ҳадислари «Мукамал асарлар тўплами» нашрининг муқаддимасида «Ана мадинат ал-олам ва ала бобиҳа» – «Мен оламнинг марказиман (шаҳримдан) ва унинг эшиги менинг устимда» деган ноаниқ бир тарзда ифодаланади (МАТ. XV жилд, 228-бет): Яна бир мисол «Шарр ун-носи ман ятқийҳ ин-носу» ҳикмати «Кишиларнинг ёмонроғи - халқдан ўзини олиб қочувчидир», (МАТ. XV жилд. 157-бет) деб таржима қилинган. Бу жумла мазмунидан кўз ўнгимизга одамови, одамларга қўшилмайдиган киши гавдаланади Аслида эса, «Кишиларнинг ёмони халқ ундан ўзини олиб қочувчи (эҳтиёт бўлувчи) одамдир» маъносида келган. Бунини Навоӣ рубоийсидаги биринчи мисранинг ўзиёқ тасдиқлаб турибди: «Эл қочса бировдин эл ямони бил они...». Шундай англашилмовчиликларни асар «Муқаддима»сида ҳам кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, биз айримларини қайд қилганимиз қусурлар Алишер Навоӣ мукамал асарлари янги нашрларида инобатга олиниб, бартараф этилса, биринчидан, улуғ шоир ижоди муҳибларига муносиб тухфа ҳозирланган; иккинчидан, буюк мутафаккирнинг мунаввар руҳини шод этган бўлур эдик.

1.2 ҚАЛБЛАРНИ УЙЎТГАН НАСРИЙ ГАВҲАРЛАР

«Наср ул-лаолий ҳақида сўз бошлашдан олдин, унинг жанрини белгилаб олиш лозим кўринади. Ўзбек адабиётшунослигида Ҳазрат Алининг бу асарда жамланган ихчам, сайқалланган жумлаларнинг жанри «ҳикмат» тарзида талқин этилади. Эрон олимлари уларни «калимоти қисор» деб атайдилар. Эронда чоп этилган «Форсий адабиётшунослик терминлари луғати» («Фарҳангномае адабиёти форсий»)да «калимоти қисор»га шундай изоҳ берилади: «Калимоти қисор» – қисқа сўзлар, сиқик, мазмундор жумлалар шаклида бўлиб, мақоллар каби панд-насиҳат, эзгуликка даъват ёки фалсафий фикрларни ифодалашга хизмат қилади». (58-бет)

Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида бундай ҳикматли жумлаларни афоризмлар тарзида аташ анъана ҳисобланади. «Наср ул-лаолий» таркибидаги ҳикматларни биринчилардан бўлиб М. Ҳакимов «афоризим» истилоҳи билан атаган. Кейинги йилларда яратилган ишларда айни жумлаларни «ҳикмат» ибораси билан қайт этиш одат тусига кираётир.

Яссавийшунос Н.Ҳасановнинг бу саволга манбалардан тўплаган жавоблари қуйидагича: «Ҳикмат - «фикрлаш малакасининг ўрта ҳолда бўлиши; тадбиқ ила амалга ошувчи тажриба билан эришилган тўғри билим; Ҳаққа мувофиқ сўз; ҳамма нарсанинг энг мукаммали; ҳикмат Аллоҳнинг лашкари бўлиб, у орқали Аллоҳ авлиёларнинг қалбларига қувват бағишлайди (Ҳасанов Н. Яссавийшуносликка бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. № 4сон. – Б. 42- 45.-бет) Олимнинг изланишлар маҳсулига таяниб Ҳазрат Алининг қисқа сўзларини афоризмлар ёки ҳикматли сўзлар деб атасак хато бўлмайди.

Маълумки, «Назм ул-жавоҳир»даги арабча афоризмларнинг муаллифи Ҳазрат Али ислом халифаларидан тўртинчиси эди. Абул Ҳасан Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмуталиб ибн Ҳошим ал-Қурайший 600 милодий йилда Маккаи мукаррамада таваллуд топган. Доғруғли мазкур халифа пайғамбаримиз амакиларининг ўғли бўлган. Бунинг устига, арабларнинг қурайш қабиласи, ҳошимийлар хонадони фарзанди Ҳазрат Али ёшликларидан пайғамбаримиз (с.а.в.) қўлларида тарбияланган. Ҳазрат Али пайғамбаримизга ўғил қадар яқин қадрдон бўлишлари билан бирга, куёв (кенжа қизлари Фотиманинг эри) ҳам эди. Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарининг бир рубоийда бу хусусида шундай дейди:

*Дарёйи улуму меҳри буржи карам ул,
Олам танининг жонию жонони ҳам ул.
Султони расул бирла қадам барқадам ул,
Фарзанду рафиқу куёву ибн-амм ул (МАТ. XV жилд.124-бет).*

Ёшликларидан пайғамбаримиз тарбиясини олган Ҳазрат Али учун Муҳаммад Мустафонинг ҳар бир сўзлари, хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, ибратли хулқлари тарбия мактаби вазифасини ўтади. Тарихий манбалар гувоҳлигича, Ҳазрат Али шижоатли, жасур, паҳлавон инсон бўлган. Шунинг учун баъзи манбаларда уни «Асадуллоҳ» (Аллоҳнинг шери) деган сифатловчи билан атаганлар. Унинг ҳақидаги маноқиблар мусулмон дунёсида кенг тарқалган. Ҳазрат Али доимий равишда илм ўрганиш билан шуғулланиб, ислом оламининг мўътабар сиймоларидан бири даражасига кўтарилди. Аллома шариат қонун-қоидаларини, дини ислом, унинг тарихи ва аҳкомларини, фалсафа ва мантиқни пухта эгаллаган. Ҳатто-Имом Ғаззолий ҳам ўзининг«Кимёи саодат» асарини унинг жумлалари билан бошлайди. Машҳур Шайхи Раббоний «Ихъё улум ад-дин» асарида ўз илоҳий – ирфоний ғояларини далиллаш учун Ҳазрат Али арабий шеърларига тез-тез мурожаа қилади. Рус шарқшунос олими В.Наумкиннинг айтишича, Ғаззолий ҳам тасаввуф маслагининг бошқа издошлари

каби Ҳазрат Алининг «Иъраф нафсак, таъриф раббак» - («Ўзингни танисанг, Раббингни танийсан»), - деган ҳикматига алоҳида эътибор қилган (Наумкин В.В. Предисловие к кн. Абу Хомид ал-Газзолий «Воскрешение наук о вере». – М.: Наука, 1980. с. 50). Ашаддий сўфийлар бу гапни пантеистик руҳда талқин қилганлар, - деб ёзади олим. Демак, тасаввуф намояндлари орасида Ҳазрат Али ҳар жиҳатдан намунали инсон, файласуф назариётчи сифатида ҳам тан олинган.

Юқорида Расулуллоҳга нисбат берилган: (Ана мадинат ул-илми ва Алийюн бабуҳо) «Мен илмнинг шаҳриман, Али эса унинг эшигидир», - деган ҳадислари Ҳазрат Алининг Муҳаммад Мустафо назарида буюк илмий салоҳиятга эгалиklarини ва илмни бошқаларга еткази олишда бобидаги моҳирлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Зотан, Ҳазрат Алини ислом дунёсида пайғамбаримиз илоҳий таълимотининг оташин тарғиботчиси сифатида жуда қадрлаганлар. Жумладан, XVII асрнинг буюк файласуф шоири Бедилнинг:

*«Ду тоқ манзари раҳмат, ҳам меҳроб абрўяш,
Ду мисраъ дар илми наби лабҳойи хандонаш».
(Қошининг қайрилма меҳроби раҳмат манзарининг икки тоқи каби,
Табассумли лаби гўё пайғамбар илмидан икки мисра янглиғдир),*

байтида унинг бу хислати жуда ўринли қайд этилган.

Ҳазрат Али халифа бўлиши билан бирга ўз даври халқига ва келгуси авлодларга оташин нутқу даъватларидан ташкил топган ўғитлар, йўл-йўриқлар ва ҳикматлар билан бирга, шеърлар девонини ҳам мерос қолдирган. Ана шундай қимматли маънавий меросга Алишер Навоийдай нуктасанж муршид бефарқ бўлолмасди. У мусулмончилик қонун-қоидалари, ҳақ-ҳуқуқлари, комил инсон тарбияси, ижтимоий-маънавий ҳаёт масалалари, фарзанд хулқу одоби, ота-онани ҳурмат қилиш, илм олиш заҳмати, тил ва сўз қудрати сингари жуда кўп масалаларни қамраб олган Ҳазрат Али ҳикматларини назмий талқинда туркийзабон китобхонларга тақдим қилиш орқали ўз ижодий меросини «Назм ул-жавоҳир»дек ажойиб бир асар билан бойитади.

Ислом динининг олам узра ёйилишида фидойилик кўрсатган, унинг барқарорлигини юксак даражада қадрлаган ва шу йўлда жонини фидо этган Ҳазрат Али қолдирган ҳикматлардан кўзланган бош мақсад ҳам исломий эътиқодни улуғлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзига эришиш, инсон аталмиш буюк мўъжизани иллатлардан холи кўришдан иборат бўлган. Холис ниятли кишилар қалбида бу динга муҳаббат уйғотиш, уларда иймон ва эътиқод билан бирга хушахлоқийлик ва гўзал инсонийликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, инсонни баркамол қилиб тарбиялаш, ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда исломнинг беназир дунёвийлик касб этишини тарғиб қилиш унинг таянч мақсади эди. Салоҳиятли тўртинчи халифа қолдирган ижодий мерос ислом олами қалам аҳлига, шу жумладан, Алишер Навоий учун ҳам улкан ғоявий сарчашма вазифасини ўтади.

Ҳазрат Али ижодий мероси орасида эл назарига тушган «Наср ул-лаолий» асари ўзбек адабиётшунослигида махсус тадқиқот манбаи бўлган эмас. Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир»ига доир мақолаларда эса бу асарнинг фақатгина номи тилга олиб ўтилаверган, холос. Бунинг биринчи сабаби «Наср ул-лаолий»нинг араб тилида ёзилгани ислом дини тарихига алоқадорлиги бўлса; иккинчидан, «Назм ул-жавоҳир»нинг нашр нусхаларидан арабий ҳикматларнинг тушириб қолдирилганлигидир. Аслида, Алишер Навоий асаридан қисқартирилган ана шу арабий ҳикматлар «Наср ул-лаолий»нинг тўла матни ҳисобланади. Улар «Назм ул-жавоҳир»нинг қўлёзма нусхаларида ҳар бир рубойи олдидан арабий ҳикмат

тарзида келган. Эндиликда Алишер Навоий «Мукаммал асарлар тўплами»да «Назм ул-жавоҳир»нинг нисбатан тўла нашр этилиши шарофати билан «Наср ул-лаолий» таркибидаги насрий ҳикматлар улуғ шоир рубоийларига сарлавҳалар тарзида берилиши туфайли Ҳазрат Али фалсафий-адабий меросининг тўлиқ матнига эга бўлдик. Бу даъвомизни асослаш ва мазкур асарнинг юзага келиши тарихини аниқлаш учун унинг Республикамиз қўлёзма хазиналарида сақланаётган мўътабар нусхаларига мурожаат қиламиз.

ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида бу асарнинг тўртта қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар 4146, 7706, 8949, 2261 -рақамлари остида сақланмоқда. Улар қуйидагилар:

1) 4146-рақамли қўлёзма. Мазкур китоб кўп қисмли мажмуадан иборат бўлиб, унинг таркибидан бошқа рисоалар ҳам ўрин олган. Қўлёзманинг 17–20-варақларида: «Наср ул-лаолий мин каломи амир ал-мўъминин Али» деб номланган сарлавҳа остида ҳикматлар жойлаштирилган. Бу қатра ҳикматлар мажмуада (биринчи сўзнинг биринчи ҳарфи бўйича) араб алифбоси тартибига риоя қилинган ҳолда берилади. Ҳикматлар сони 275 бўлиб, уларнинг кетма-кетликда келиши тартиби «Назм ул-жавоҳир» тартибидаги рубоийларнинг жойлаштирилиши билан бир хилдадир. Қўлёзма таркибида 247 ҳикмат «Назм ул-жавоҳир»дан ўрин олган.

Қўлёзма Кишининг иймони аҳдига вафо қилишидан билинади; Фалокат етганда ёрдамга келган киши – биродаринг» каби ҳикматлар билан бошланади. Ҳикматлар фақат араб тилида берилганлиги сабабли унинг ўша қўлёзма бағрида келган бошқа рисоалардан фарқлаш у қадар қийин эмас. Тузилишига кўра, ҳикматлар матни саҳифада бир устун қилиб ёзилган ва улар қатъий кетма-кетликда берилиб, ғуж тўрт нуқта билан бир-биридан ажратилган.

Қўлёзмада ёзилишича, мажмуа 1236 ҳижрий (1821 м.) йилда Низомиддин ибн Мир Муҳаммад ал-Балхий ал-Мазорийал-Ҳиравий томонидан кўчирилган.

2) 7706-рақамли қўлёзма. Унинг 1- 6-варақларидан «Наср ул-лаолий» таркибидаги 286 панднома ўрин олган. Улар араб алифбоси сирасида(ҳикмат ибтидо топувчи сўзнинг бош ҳарфи)жойлаштирилган. Мажмуадаги ҳикматлар мазмунига кўра «Назм ул-жавоҳир»га асос бўлган афоризмлар экани кўриниб турибди. Нусха 1277 ҳижрий (1861 м.)да настаълиқ хати билан кўчирилган. Котиби Аҳмад Осий.

Асарнинг бошланиши соддагина: Бисмиллоҳдан кейин: **Ҳаза китобу «Наср ул-лаолий» мин мақулоту Ҳазрат Али каррамаллоҳу важҳаҳу мураттабан мин ҳуруф ил-ҳижо яъни**«Бу Ҳазрат Али алифбо тартибида берилган сўзларидан иборат «Наср ул-лаолий» китобидир»), дейилгач ҳикматлар бошланади.

Ҳикматлар шу тахлит кетма-кет бериб кетилаверади. Уларни алифбо тартиби бўйича, дастлабки сўздаги биринчи ҳарф билангина бир-биридан ажратиб олиш мумкин. Чунки қўлёзмада пандномаларни бир-биридан ажратиб турувчи бошқа бирор белги қўйилмаган. Араб тилида берилган ҳикматларнинг қаторлари орасида ва ҳошияларда уларнинг насрдаги форсий таржимаси ёки айрим сўзларнинг маъноси қистирма шаклида бериб борилади. Саҳифаларда китобатнинг бирор қатъий бир тамойилга бўйсундирилмагани кўриниб турибди. Афтидан, аввал матн, сўнгра эса, сатрлар орасига, ҳошияларга майда ҳарфлар билан форсий таржима ёзиб чиқилган.

Қўлёзмани қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, мазкур нусхадаги ҳикматларнинг 248 Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир»ида келтирилган. Навоий рубоийлар мажмуасидаги ҳикматгина бу нусхада учрамади.

3) 8849 - рақамли қўлёзма. Наср ул-лаолий» бу мазкур китобнинг 66-68 - varaқларида «Мақулоти ҳазрати амир ал-мўминин Али каррамаллоху ваъжаҳу» номи билан жойлаштирилган. Тўпламда бисмиллоҳдан кейин «Қола Али (к.в.) Ҳарфи алиф» ишорасидан сўнг ҳикматлар бошланиб кетган.

Ушбу нусхадаги ҳикматлар сони 289 тани ташкил қилади. Ҳикматлар араб алифбоси сирасида жойлаштирилган. Мажмуада дастлаб пандномаларнинг арабча кўриниши, сўнг форсча насрий таржимаси ва ўша ҳикматларнинг бир байтдан иборат форсий тилдаги назмий шарҳи ҳам берилган. Аммо бундай тартиб қўлёзмада изчил давом этмайди. Ҳикматларнинг ким томонидан назмга солингани ва кўчирилгани ҳақида қўлёзмада маълумот йўқ. Нусха чиройли настаълиқ хатида ёзилган. Ҳажми 8 varaқ.

Юқорида келтирилган уч қўлёзмани ўзаро солиштириш жараёнида шу нарса маълум бўладики, «Наср ул-лаолий»нинг араб тилидаги ҳикматлари миқдор нуқтаи назаридан катта тафовутга эга эмас. Бироқ енгил таҳрирга учраган ўринлар, оз бўлса-да, учраб туради.

Кўринадик, «Наср ул-лаолий» қўлёзма нусхалари таркибидаги ҳикматлар сон билан М.Рашидова илмий-танқидий матни ўртасидаги рақамларда жиддий тафовутлар кузатилмайди.

4) 2261- рақами остида сақланаётган қўлёзма. Бу нусха «Наср ул-лаолий» – сад калимаи Али бо таржимаи Рашид Ватвот» - «Наср ул-лаолий» – Алининг юз калимаси, Рашид Ватвот таржимасида» деб номланган. Асарда арабий ҳикматлар ва уларнинг форсийдаги назмий таржима-шарҳи берилган. Қўлёзма тавсифини бир мунча кейинроққа суришимизнинг мунайян изоҳлари бор. Ҳазрат Али ҳикматларини форсий шарҳлашга қўл урган Рашидиддин Ватвот аслият матнига ўта эркин муносабатда бўлади: ҳикматларни саралайди, ажратиб олинганларини мавзуларга кўра тасниф қилади ва қатъий низомга таяниб, уларга форсий талқин беради. Изланишлар ва Рашид Ватвот эътирофидан аёнлашадики, биз таъкид қилган “саралаш” жараёни аслида Ал –Жоҳиз томонидан амалга оширилган экан.

Қўлёзма ҳажми 18 varaқ. Матн чиройли қилиб ишланган жадвалга олинган бўлиб, арабча ҳикмат йирик ҳарфларда, сулсда, форсий тўртликлар эса настаълиқ хатида, баъзида текис ва баъзида қиялатиб ёзилган хаттотлик санъати намунасидир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Наср ул-лаолий»нинг бу қўлёзмасидаги ҳикматлар «Назм ул-жавоҳир»да мутлақо учрамайди. Бир varaққина ҳажмдаги форсча муқаддимадан сўнг берилган ҳикматларнинг сони 94 бўлиб (100 та эмас), дастлаб унинг араб тилидаги кўриниши сўнгра икки байтдан иборат форс тилидаги шеърий таржима-шарҳи келтирилган.

Қўлёзма матни, айниқса, унинг муқаддима қисми билан танишув «Наср ул-лаолий»га доир кўпгина жиҳатларга ойдинлик киритишда муҳим аҳамият касб этади. Шуни назарда тутиб, ундан бир парча келтиришни лозим топдик:

«...мўъминлар амири ва тақводорларнинг имоми Али ибн Абу Толиб... шундай фасоҳати ҳам бор эдики, дурдоналарнинг гумбази унинг нафасидан ғайратда ва чарақловчи юлдуз унинг сўзларидан ҳайратда... Бу умматнинг нодири ва бу миллатнинг ажойиби бўлган Амру Баҳр ул Жоҳиз раҳматуллоҳ... амир ал-мўъминин Али алайҳиссалом ҳазратларининг мажмуасидаги айтилган гапларидан, юз калимани ихтиёр қилди (танлади)...».

Тузилиш тартиби: Ихчам ҳикмат; форсча назмий таржима-шарҳ. Қўлёзмадабарча ҳикматлар бошдан-оёқ эслатилган ана шу тартибда берилган. Қўлёзманинг муқаддимасида келтирилишича, ҳикматларни Ал-Жоҳиз танлаган. Ватвот эса уларнинг ҳар бирини форсий тўртлик - (қитъа)ларга айлантирган. Юқорида келтирилган далиллардан маълум бўладики, Ҳазрат Алининг ҳикматли сўзлари «Назм ул-жавоҳир»га етиб келгунга қадар узоқ йўл-

ни босиб ўтган ва бу ҳақда турли қарашлар ўртага ташланган. Жумладан, XVII асрда яшаган эрон адиби Маликушшуаро Баҳор «Назм ул-жавоҳир» рубоийлари учун асос бўлган ҳикматларнинг Алишер Навоий томонидан танланишига шубҳа билан қарайди. (Малик уш-шуаро Баҳор. Сабкшуноси. Жилди II. Техрон). Олима С. Ғаниева эса бундай қарашга қуйидагича муносабат билдиради. Чунончи, «Ҳар нуктага бир тарона» (Ғаниева С. Ҳар нуктага бир тарона // Имомал-Бухорий сабоқлари. – 2002. № 3. -210-212-бет) мақоласида у Алишер Навоий «Амир ал-мўминин Ҳазрат Али ҳикматли сўзлари мажмуасидан 268 та ҳикматни саралаб олади ва ҳар бирининг мазмунини бир рубоийда талқин этади», – дейди. Ёки: «Ҳар бирин тўрт дурри гавҳар дегил» деб номланган бошқа бир мақоласида олима ёзади: «Асарда («Назм ул-жавоҳир»да) барча авлодлар учун долзарб бўлган, бутун бир ахлоқий тизимга дахлдор масалалар бўйича ҳикматлар сараланган» (Ғаниева С. Ҳар бирини тўрт дурри гавҳар дегил // Имомал-Бухорий сабоқлари. - 2001 № 3. -211-214-бет). С. Ғаниева ҳар иккала мақоласидан Ҳазрат Али ҳикматларининг танловчиси ва ўша дурдона ғояларнинг рубоийларда акс эттирувчиси Алишер Навоийдир тарзидаги хулоса балқиб юзага чиқади. Эҳтимол, шундайдир. Ҳар қалай, қўлёзма нусхалар билан амалга оширилган муқоясалар бу масалани янада жиддийроқ тадқиқ этиш лозимлигини тақозо қилади...

Хуллас, Ҳазрат Али ҳикматларининг «Назм ул-жавоҳир» гача етиб келиш жараёнини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

Мазкур ҳикматларнинг илк намуналари «Каломи амир ал-мўминин Али» (араб тилида) тарзида номланган;

Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз (вафоти 868 милодий) «Қисқа ҳикматлар» ни ажратиб олиб, сайланма тузган (араб тилида);

Шариф ар-Розий (X аср) «Алининг сўзлари» ни тўплаб, «Наҳж ул-балоға» (араб тилида) номи билан яхлит ҳолга келтирган. Мазкур тўпламдан 498 ҳикмат ўрин олган.

Рашидиддин Ватвот Ал-Жоҳиз асарини аслият (арабча), таржима ва шеърий тафсири (форсча) билан «Наср ул-лаолий» ёки «Сад калима» номи билан янги тўплам бунёд этган.

Алишер Навоий «Наср ул-лаолий» таркибидаги 268 ҳикматни туркий рубоийлар шаклида назмий таржима қилиб, унга «Назм ул-жавоҳир» деб ном беради.

Ҳазрат Алининг ҳикматли сўзлари X аср охирларига келиб, олим ва шоир Шариф ар-Розий томонидан «Наҳж ул-балоға» номи билан бир тўпламга йиғилади. Мажмуадан ўрин олган ҳикматларнинг ғоявий сарчашмаси Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан қувват олган диний-дунёвий пандномалардан иборатдир.

«Наҳж ул-балоға» асари ҳақида таниқли арабшунос олим И.М. Фильштинский ҳам тўхталиб, қуйидаги фикрларни ёзган: «Алининг маъруза, ваъз ва ҳикматли сўзлари X аср охирларида олим ва шоир Шариф ар-Розий (970-1016) томонидан «Наҳж ул-балоға» тўпламига йиғилган (Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М.: Наука, 1965. с. 107). И. Фильштинский таъкидича, илм оламида узоқ вақт бу асар шоир Шариф ар-Розийнинг ўз қаламига мансуб деб ҳисобланган. Аммо кейинги йиллардаги араб олимларининг изланишлари натижасида «Наҳж ул-балоға» нингайни Ҳазрат Алига мансублиги маълум бўлиб қолди.

«Наҳж ул-балоға» нинг шукуҳу шуҳрати ислом дунёсида шу қадар баландки, унга мурожат этган муҳаққиқларбу асарни Қуръоннинг «издоши», Қуръоннинг «укаси» деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, мазкур ҳикматлар мажмуаси илмий, тарихий ва адабий аҳамияти нуқтаи назаридан беназир ҳисобланади. Қадим замонлардан шу кунгача унга араб ва форс тилларида кўплаб шарҳлар ёзилган. Унинг насру назмда ва форс тилида хилма-хил таржималари юзага келган. Мажмуанинг форс тилига қилинган бу шарҳу таржималаридан баъ-

зилари аслиятга мувофиқлиги, илмий – адабий теранлиги, фасоҳату балоғат билан иншо қилиниши жиҳатидан қадрлидир.

XX асрда ҳам “Наҳж ул-балоға”га қизиқиш кучайди. Эрон адиби ва олими Жавад Фозил 1321-1330 (ҳ.ш) йиллар орасида бу асарни таржима қилиб, шарҳу изоҳлар билан таъминлаб, нашр эттирди.

Маълум бўладики, Шариф ар-Розий асар таркибини ўз завқига мослаб жойлаштирган. Қўлёзма нусхаларда қисқа ҳикматлар 275, 292 миқдорида бўлса, «Назм ул-жавоҳир»да эса уларнинг 268 тарзида эканлиги Навоий замонасигача бу афоризмлар яна бир карра сараланганидан далолат беради. «Наҳж ул-балоға»панднома руҳида таълиф этилган тўла маънодаги таълим-тарбиявий асардир. Пандномалар доимо жамиятнинг ахлоқий тараққиётига хизмат қилиб келган маънавий хазина ҳисобланади. Ҳазрат Али ҳикматларининг (шунингдек, «Насрул - лаолий»нинг ҳам) таянч манбаи «Наҳж ул-балоға»бўлиб, унинг ҳозирги замон форс тилига қилинган таржимаси анча мукамал ва нашрдаги ҳажми 755 бетдан иборатдир. «Наҳж ул-балоға» фақатгина салмоқли ҳажми билангина эмас, балки «қисқа ҳикматлар»га жуда бойлиги нуқтаи назаридан ҳам эътиборга лойиқдир. Биз айрим жиҳатларини қайд қилганимиз мажмуамазкур асарнинг форсийдаги йигирманчи нашри ҳисобланади. Нашрдан «Наср ул-лаолий» учун танлаб олинган ҳикматлардан ташқари, Қуръон ва Муҳаммад расулуллоҳ, тавҳид, пешво ва миллат, давлат арбоблари, ишқ, жанг, ахлоқ, имом Ҳасанга васият (ва ҳоказо) каби фасллар ўрин олган. Айниқса, «Нажоту панду насиҳат», «таҳсину ҳикмату насиҳат», «Алининг айтганлари», «қатра сўзлар» («калимоти қисор»)сингари фасллари катта ахлоқий – маънавий аҳамиятга моликдир.

Алқисса, «Назм ул - жавоҳир»нинг яратилиш тарихи ва нашрлари, «Наср ул-лаолий» қўлёзмаларини кузатишимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- «Назм ул- жавоҳир» Ҳазрат Алининг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий мавзудаги ҳикматларини рубоий жанрида назмий таржима қилиш асосида яратилгандир;
- Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир»га ўз замонасида кенг тарқалган Ҳазрат Али ҳикматларининг арабча нусхаларини асос қилиб олади;
- Мумтоз асарларнинг нашрларини амалга оширишда (муаллиф дастхати ёки унинг назаридан ўтган нусхаси бўлмаган тақдирда) илмий- танқидий матн асосий таянч вазифани ўтамоғи лозим;
- Ҳазрат Али исломий ғояларнинг тарғиботчиси, ўзининг ижтимоий-фалсафий, маърифий-ахлоқий қарашлари билан ислом оламида мустаҳкам ўрин эгаллаган файласуф назариётчидир;
- “Наср ул-лаолий” панд-насиҳат, эзгуликка даъват ёки фалсафий фикрларни ифодаловчи ҳикматлар мажмуидан иборат. Худди шундай гапни “Наҳж ул - балоға” ҳақида ҳам айтиш мақсадга мувофиқдир.

II – ФАСЛ

ЛЕК БОРИДИН ҒАРАЗ ИНСОН ЭДИ

2.1. Илоҳиётдан ранг олган мисралар

Ислом янги қарор топган пайтларда амир ал-мўъминин Али ибн Абу Толиб ўзининг адабий мероси билан янгича – исломий ахлоқ мезонлари ва тамойилларининг вужудга келишида муҳим илоҳий-ирфоний вазифани адо этди. Зеро, Ҳазрат Алининг илоҳий-ирфоний, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-маърифий қарашлари ифодаланган ҳикматлари исломнинг таянч сарчашмаларига асосланган бўлиб, ўшаларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган. Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» асари эса Ҳазрат Али ҳикматларининг янги тарихий шароит ғоялари билан бойитилган, сайқал топган мантиқий давомидир. Бу ижодий жараёнда Ҳазрат Али илгари сурган ғоялар Алишер Навоий томонидан ривожлантирилди, туркий халқларнинг орзу – истаклари, эзгулик бобидаги ширин туйғулари билан бойитилган. Уларда ҳаётий ҳақиқат ва илоҳий ғоялар қоришиб кетади.

Шунингдек, «Назм ул-жавоҳир»нинг муваффақиятини таъминлаган илоҳий-исломий манбалардан Алишер Навоий жуда кўп асарларида самарали фойдаланганлиги ҳам бу улкан ижодий тажрибани умумий йўналишда кузатиш ва шоирнинг айни бир асар доирасидаги маҳоратини аниқлашга имкон яратади. Зеро, Алишер Навоий ижодида Қуръон ва Ҳадисга мурожаат қилиш улуғ шоирнинг «Арбаин», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Сирож ул-муслимин», «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида, айниқса, яққол кўзга ташланади. «Назм ул-жавоҳир»нинг яратилишида маънавий туртки берган Ҳазрат Али ҳикматлари ҳам бевосита Қуръон ва Ҳадислар таъсирида юзага келган ва уларга ғоявий, бадий, услубий жиҳатдан жуда яқиндир. Адибнинг ўй-хаёллари, ҳис-туйғулари, қарашлари бўй кўрсатган асарларининг барчасида одам ва олам дарди, коинот гултожи инсон ҳаёти ва унинг манфаатлари ётади. «Ҳайрат ул-аброр», «Назм ул-жавоҳир», «Арбаин», айниқса, рубоий ва қитъалар каби кичик шеърӣ жанрлар, насрий асарларидан «Маҳбуб ул-қулуб» жамият аъзолари орасида эзгулик уруғини сепиш ва ундириш, инсонни комил ва фозил қилиб тарбиялаш ниятида яратилган.

Инсонни номаъқул хислатлардан фориғ кўриш, унинг комиллик сифатларига эга бўлиши ғоялари Алишер Навоий ижодининг ўқ илдизини ташкил қилади. «Назм ул-жавоҳир» ҳам шоирнинг айни шу ният ва муддаосини рўёбга чиқариш мақсадида яратилган асарларидан биридир. Асар юксак инсоний хислатларни тарғиб қилувчи ахлоқий мавзулардаги рубоийлардан ташкил топган. Зеро, академик Б.Валихўжаевнинг ўринли таъкидича: «Комил инсон Алишер Навоий ижодида таянч нуқта бўлиб, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётига оид барча муаммоларни ҳал қилиш унинг воситасида амалга ошади» (Валихўжаев Б. Комил инсон, комил жамият - Навоий талқинида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2002, 23 январь).

Алишер Навоий ижодида бундай ғоявий қатлам, шу жумладан, «Назм ул-жавоҳир»да ҳам ўз-ўзича, осмондан тушиб қолгани йўқ, албатта. Навоийгача бўлган араб, форс ва туркий адабиёт яхлит олиб қаралса, унда жамиятни баркамол кўриш орзуси унинг алоҳида аъзолари камолотига жуда-жуда боғлиқ эканини ҳис этиш қийин эмас.

Алишер Навоий ҳам ана ўша эзгу ниятни рўёбга чиқариш учун бор адабий тажриба ҳамда маҳоратини ишга солди. Шу боисдан ҳам улуғ шоирнинг «Ҳайрат ул-аброр»да келтирилган оламнинг яратилишидан мақсад инсоннинг яратилиши экани ҳақидаги қуйидаги мисралари ҳозирги кунда англаб етилган ҳақиқат сифатида ҳеч бир эътироз уйғотмайди:

*Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди(МАТ. VII жилд, 21-бет).*

Инсонни деб олам яратилган экан, бу олам ичра мавжуд барча нарсалар унинг манфаати учун хизмат қилиши керак. Сарҳадсиз олам ичида инсоннинг ўзи ҳам бор, албатта. Мантиқан олганда, инсон ҳам инсон учун яратилган. Бошқача қилиб айтганда, инсон зоти бир-бирисиз яшай олмайди. Бирга яшаш эса одамдан инсонийлик сифатларини тақозо этади.

Инсонийлик қирралари эса ҳадду-худудсиздир: барчага меҳр-шафқат назари билан қараш, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ҳожатбарорлик, мардлик, саховат, ҳиммат, ростгўйлик, адолат, мурувват...

Алишер Навоий ўз замонасининг инсонларига чексиз меҳр кўргузган ва улкан мурувват соҳиби бўлган зот эди. У инсондаги энг асосий фазилатни одамийликда деб уқтирган. Одамийликни оддий халққа манфаат етказиш, умумташвиш – тараддудлари билан яшашда кўрган мутафаккир шоир бу фазилатни бутун ижодида тараннум этган:

*Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами(МАТ. VII жилд, 240-бет).*

«Ҳайрат ул-аброр»даги айна оҳорли мисралар асрлар оша жарангдор акс-садо бериб келди. Истиқлол йўлидан шахдам одимлаётган Она – Ўзбекистон учун ҳам улуғ шоирнинг ўша шоҳ мисралари бағридаги умумбашарий мазмун ғоят қадрли ва замондошдир.

Навоийшунос олимларнинг хулосаларига кўра, улуғ шоир ижодиётида олижаноб инсоний фазилатлар икки йўналишда юзага чиқади: бири – мавъиза, панд-насиҳат руҳидаги шеърлар орқали; иккинчиси бадий образлар қиёфасида намоён бўлади.

Шунингдек, улуғ шоирнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Маҳбуб ул-қулуб», «Назм ул-жавоҳир» каби қатор бадий яратмаларида ҳам юқорида таъкидланган ҳамма замонлар учун долзарб инсоний фазилатлар диққат марказида тутилади.

Чунончи, «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўн учинчи мақолатида Навоий одамлар ғамини ейишни соддагина қилиб «нафъ расонлиғ» (наф етказиш) тарзида атаб, атрофлича шарҳлаб беради. Мақолат сарлавҳасидаёқ шоир бундай сифатга эга бўлган кишиларни тилидан бол томиб таърифлайди:

«Саҳобдек нафъ расонлар бобидаким, арақи пешоний била райоҳин зеболари бошиға гавҳар афшон бўлурлар. Ва булут аро барқдек хандонлиқ юзларида пайдо. Ва шабнам тўкилган чинордек обилаи кафи даст била ерга паст бўлган хасу хошокни сероб қилурлар. Ва чинордек дилсўзликлари аҳволларида хувайдо» (МАТ. VII жилд, 233-бет).

Бу мақолат тўлалигича «нафъ расонлиқ»қа бағишланган:

*Нафъдин эл вирди дуо жонингга
«Ямқусу фил арзи» сенинг шонингга.*

*Қайда адо айлагасен бу сипос
Ким, сени деб хайри башар, хайри нос.
Нафъ еткурмакка шиор айладинг,
Ўзунгга ул нафъни ёр айладинг.
Нафъинг агар халққа бешак дурур,*

Билки бу нафъ ўзунгга кўпрак дурур (МАТ. VII жилд, 233-234-бет). Одамларга нафъи тегадиган инсонлар фаолиятини шоир илоҳий манба – Қуръоннинг «Раъд» сураси 17-оятидаги «Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ерда қолур» деган илоҳий жумла билан асослаган (Қуръони карим. 251-бет).

Шу ўринда «Назм ул-жавоҳир» муқаддимасида «Аниқки, инсон узра қачондир тилга олгулик нарса бўлмаган «вақт» муддат кечган» (Инсон сураси, 1-оят) илоҳий каломи билан бошланганини эсга олайлик. Унда шоир «Инсон зоти ҳаётида зикр этишга арзигулик ҳеч нарса бўлмаган замонлар ҳам бўлган»лигини ёдга олиш билан, ҳозирги пайтга келиб, ҳаётнинг инсондан талаби ўзгача экани ҳақидаги фикрга бошлаб киради ва бу талабларни шеърӣ дурдоналар тарзида эътиборимизга ҳавола қилади. Унда инсон зотининг ижтимоӣ ҳаётдаги ўрнига ишоратан, ўзаро муносабатларда бепарво бўлмасликка чақиради. Бировга яхшилик қилишни инсоннинг зийнати деб атайди:

Кишининг мулойимлиги (эҳсондан сўнг) иккинчи совғадир.

*Эҳсонки бировга сийрату сон келди,
Ашколи сипеҳр олдида осон келди.
Эҳсон ҳар неча зеби инсон келди,
Инсонда тараб иккинчи эҳсон келди ¹ (40-бет).*

Бировлардан яхшилик кўрган инсонларнинг барчаси бўлмаса-да, муайян қисми, барибир, Навоӣ айтганидек, имкон қадар мурувватли бўла боради. Бундан, албатта, ўша шахснинг ўзига ҳам манфаат етиши, шубҳасиздир. Бу хусусда Навоӣ «Ҳайрат ул-аброр»да ёзади:

*Қатрае гар баҳрға сочти саҳоб,
Баҳр қилур қатрасини дурри ноб (МАТ. VII жилд, 234-бет).*

Навоӣ, шу билан бирга, бу асарида ҳар қандай фазилатлар инсон билангина гўзал эканини ҳам алоҳида қайд этади:

*Холки рухсор уза марғуб эрур,
Ул доғи рухсора била хўб эрур (МАТ. VII жилд, 235-бет).*

Алишер Навоӣ «Ҳайрат ул-аброр»да халқ орасида унинг машаққати юкини кўтарувчиларгина комил инсон деб аталишини таъкидлайди ва бунга Расулulloҳнинг ижтимоӣ фаолиятини ибрат қилиб кўрсатади:

*Зумраи инсон аро комиле,
Келди машаққат юкини ҳомили.
Ушбу бийик мартаба қадрини бил,
Бўйла улуғ манзала шукрини қил.*

¹ Рашидова М. «Алишер Навоӣ «Назм ул-жавоҳир» асарининг матний тадқиқоти» Филол. фанлари номзоди ... дисс. –Т.: 1990.164 б. Бундан кейинги «Назм ул-жавоҳир»дан келтирилган парчалар шу манбадан олинади.

*Шукр недур – нафъ фузун айламак,
Базл камандини узун айламак (МАТ. VII жилд, 239-бет).*

Инсонларга фойда етказиш фақат саховатва эҳсон қилишдангина иборат эмас. Бундай хайрия ишларига инсоннинг имкони бўлмаса-чи?

*Бўлмоқ агар кўп эса ҳам базлсоз,
Бергали ар айламамак бўлса оз.
Хайр муяссар гар эмас эл била,
Нафъ тегурмак ҳам эрур тил била (МАТ. VII жилд, 239-бет).*

Қўл била мурувват кўрсата олмасанг, тил билан одамларнинг кўнглини кўтариш, уларга маънавий манфаат етказиш ҳам мумкин. Шоир нафъ етқаришнинг фақат моддий эмас, балки, маънавий томонига урғу бериш билан меҳрибонлик сари йўл очади, дейишимиз мумкин. Зотан, меҳрибонлик кўпроқ тил билан амалга оширилади. Тил билан етқазиладиган нафни Навоий мароқ билан улуғлаб, ёзади:

*Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,
Улча қилур вақтида бир яхши сўз.
Сўз била қуфр аҳли мусулмон бўлиб,
Сўз била ҳайвон деган инсон бўлиб. (МАТ. VII жилд, 239-240-бет).*

Энди тасаввур этайликки, тил билан нафъ етказиш ҳам бир банданинг қўлидан келмади. Унда:

*Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,
Яхши керак кўнгилда андешаси.*

Ёки:

*Нутқи била етмаса бахшойиши,
Зикри эрур табъиға осойиши (МАТ. VII жилд, 240-бет).*

Яъни, сўз билан нафъ етқура олмаган киши, лоақал кўнглини тоза, пок тутмоғи лозим. Бундай киши Аллоҳнинг зикрини қилиб, бу билан кўнглига таскин бериб ўтириши мумкин.

Кўриб ўтганимиздек, Навоий бундай нафъ расонликдан ҳеч киши четда қолмаслигини уқтирилади. Айни пайтда у барчанинг олдида бир хилда талаб ҳам қўймайди (мол, тил, пок кўнгил, зикр билан). У ҳаёт ҳақиқатини ҳисобга олган ҳолда ҳукм чиқаради. ХҲ аср турмуш тарзи манзараларини ҳисобга олган улуғ шоир ўша имкониятлар доирасида бадий мушоҳада юритади. Алишер Навоийнинг яна бир қатъий таъкиди “Ҳайрат ул- аброр”нинг 18 – мақолатида ифодаланган:

*Яхшилик ар айламасанг иш чоғи,
Айламағил бори ёмонлиқ доғи (МАТ. VII жилд, 299-бет).*

«Ҳайрат ул-аброр»да шоир юқоридаги инсоний сифатларни бадий жиҳатдан таҳлил қилиб, тасниф этади (мол, тил, пок кўнгил, зикр билан бировга нафъ етказиш). «Маҳбуб ул-қулуб»да эса ўша фазилатларнинг амалиёти, ҳаётдаги ифодасини ва табиий манзара-

ларини қаламга олади. XV асрдаги ахлоқий-маънавий ҳаёт эса улуг шоир кутган даражада эмас эди: «Ҳар кимгаки, бир хизмат қилдинг, ўн шиддатга муҳайё турмоқ керак ва ҳар кишига юз мулоямат кўргуздунг, минг ғилзат ва кудуратга сало урмоқ керак... (МАТ. XIVжилд, 78-бет). «Маҳбуб ул-қулуб»даги бу танбиҳ бошдан оёқ ўта куюнчаклик билан ёзилган. Буюк адибнинг бу борадаги бошқа фикрларидан ҳам алам руҳи сезилиб туради. Шоирнинг «Назм ул-жавоҳир» асарида ҳам аини ана ўша руҳнинг ҳукмронлигини сезиш қийин эмас.

Маълумки, Қуръони каримда қилинган ҳар бир яхшилик мукофотсиз, ёмонлик эса, жазосиз қолмаслиги таъкидланади. «Анъом» сураси 160-оятда зикр қилинишича, «Кимки (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур). Кимки (бир) ёмон (гуноҳ иш) қилса, фақат ўша (гуноҳ) миқдорида (бир гуноҳга яраша) жазоланур. Уларга ноҳақлик қилинмагай» (Қуръони карим. 150-бет) Навоий «Назм ул-жавоҳир»даги мисраларининг моҳият-мазмунини бош сарчашма билан нақадар уйғун эканлигини қуйидаги мисраларда равшан кўришимиз мумкин:

Кишининг зулми ўзини хор қилади.

Даврон кишига зулм фузун айламагай,

То они таъбга раҳнамун айламагай.

Эл зулм ила халқни забун айламагай,

Ким зулми-ўқ они сарнигун айламагай (84-бет).

«Назм ул-жавоҳир»даги аксарият рубойларда тил одоби ҳақида фикр юритилади. Навоий тил инсонга берилган олий, илоҳий неъмат эканлигини таъкидлар экан, одам бошига бахт ҳам, бало-ю офатларнинг ҳам ўша восита (тил) орқали ёғилишини қатъият билан эслатади.

Ушбу рубойлар туркумига бундай олижаноб ғояларнинг Қуръони карим ва «Наср ул-лаолий»дан кўчганлигини ҳис қилиш қийин эмас. Жумладан, «Зумар» сурасининг 60-оят каримасида ўқиймиз: «Қиёмат кунида Аллоҳ шаънига ёлғон сўзлаган кимсаларни юзлари қорайган ҳолда кўрасиз» (Қуръони карим. 465-бет). Кўринадики, ёлғончилик инсон атворида энг ёмон иллат сифатида нафрат билан тилга олинади. Жумладан, қуйида келтириладиган рубойда ҳам ўша етакчи ғоянинг устиворлигини кўришимиз мумкин.

Инсонга бало тилдан келур.

Сўздин кишиким ғаму бало ҳосилидур,

Ҳар нуктада тили деса бало дохилидур.

Бесирфа деган кишига тили қотилидур,

Алқисса, кимсанинг балоси тилидур (30-бет).

Тил ва ундан чиқадиган сўзларнингхилма-хил жилолари «Назм ул-жавоҳир» рубойларида атрофлича ёритилади. Навоий ўша тўртликларида тил – ғариб дилларни шод ва маҳбуб қилувчи, ўзгалар кўнглига озору ситам берувчи ҳамда барча яхшилик ва ёмонликларнинг дояси деган хулосага келади. «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги бошқа бир рубойди эса инсонийликнинг жуда нозик қирралари қаламга олинади.

Ўлмайдиган зот улугдир.

Гардунки, халойиққа вафоси йўқ анинг,

Жавр ичра кичик-улуққа поси йўқ анинг.

*Ҳар кимки, кичик бўлса бақоси йўқ анинг,
Сен они улуғ билки, фаноси йўқ анинг (50-бет).*

Рубоий мисралари маъзида «Ўлмайдиган зот улуғдир» ҳикматли сўзи сингдирилгандир. Бу билан улуғ шоир Аллоҳнинг абадийлиги таъкидлаш, Унинг Зотини улуғлаш йўлидан боради ва илоҳий сифатларни унинг халифасига ибрат қилиб кўрсатади. Қуръони Карим «Қасас» сурасининг 88-оятида ўқиймиз: «Аллоҳга қўшиб бошқа «илоҳ»га илтижо қилманг! Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унинг “юзи”дан бошқа барча нарса ҳалок бўлувчидир (Қуръони карим. 396-бет).

Албатта, бу талқинлардан бир тарафлама ва нотўғри хулосага келмаслик керак. Чунки Аллоҳни улуғлаш – атроф - муҳитни, табиатнинг гултожи – инсонни шарафлаш ҳисобланади. Алишер Навоийнинг Ҳазрат Али ҳикматларига мурожаат қилишдан кузатган бош мақсад-муддаоси ҳам ҳаётсеварлик, инсонпарварлик ва юксак одамийликни улуғлашдан иборатдир.

Қуръон сураларида намоз, рўза, закот каби исломий амалларни бажариш ҳар бир иймон эгаси учун фарз эканлиги уқтирилади. Ҳақ ошиғи бўлишни истаган бандалар тунда ибодат қилишлари кераклиги илоҳий китобнинг оятларида бот-бот таъкидланади. Чунки намоз солиҳ банданинг Яратувчига шукронасидир. «Инсон» сурасининг 26-ояти каримасида «Яна кечанинг бир қисмида ҳам Унга сажда қилинг ва узун тунда унга тасбиҳ ҳам айтинг!» (Қуръони карим. 2004. 580-бет) каби илоҳий жумлаларни ўқиймиз. Бинобарин, Алишер Навоий Қуръони каримнинг мазкур ояти каримасидан ўз бадий-фалсафий ғояларини тарғиб этишда моҳирона фойдаланган. Шунингдек, «Назм ул-жавоҳир»даги рубоийларда ҳам улуғ шоирнинг шундай майли ёрқин кўзга ташланади:

Тунги намоз кундузга ҳусндир.

Кўп қилма намоз амрида бепарволиғ,

Ракъат била қил оҳ хадангин ёлиғ.

Қилсанг кеча саждаға жабин фарсолиғ,

Кундузунга ул намоз эрур зеболиғ (76-бет).

Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир»да ахлоқий масалаларни ёритишда исломий сарчашмаларга таяниши тасодифий эмас, албатта. Улуғ шоир бундай уриниши билан икки улкан мақсадни рўёбга чиқаради: Биринчи сабаб: Қуръони карим, пайғамбаримиз ҳадислари ва Ҳазрат Алининг сўзларига мурожаат қилиш орқали шеър табарруклигини оширишдир. Иккинчидан, исломий манбаларнинг инсонпарварлик моҳиятини улуғлаш, шариат аҳкомларига мурожаат қилишдан мурод инсонни руҳий-маънавий камолотга, покланишга даъват қилиш эканлигини уқтиришдан иборатдир.

Юқорида келтирилган бадий парчалар таҳлилидан кўриниб турибдики, Алишер Навоий назму насрда битилган асарларида умуминсоний ғояларнинг кўз илғамас уфқларигача ёритиб берган. Илоҳий манбаларга руъжу туфайли ўша уфқларнинг миқёси янада кенгайиб кетган. Натижада, одамийлик, саховат, ҳиммат, карам, меҳр, мурувват, футувват (мардлик), сабру қаноат каби ўзаро узвий боғлиқ бўлган ёндош тушунчалар – фазилатларнинг амалиётидан ҳосил бўладиган инсонлараро ўзаро алоқадорлик ҳодисаси муайян бир тизим тусини олади. Айни йўналишдаги тадқиқотлар ўз навбатида инсоний муносабатларнинг моҳиятини очишда мисли кўрилмаган натижалар беради.

2.2 НУРЛИ ҲИКМАТЛАР – ТЕРАН МАЪНО АСОСИ

Ҳадис ислом оламида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас ғоявий-маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий манба ҳисобланади. Ислом дунёси халқлари тарихи, маданияти, фалсафаси ва адабиётида ҳадисларнинг таъсири бениҳоя каттадир. Ушбу манба мусулмон дунёси илм аҳли томонидан чуқур ўрганилган ва бу билан «муҳаддислик» деган махсус бир соҳага асос солинган. Ҳадисларда ислом дини арконлари, яъни фарз, вожиб, суннат, ҳалол, ҳаром, макруҳ кабилар хусусида тушунча беришдан ташқари, умуминсоний фазилатларни улуғлаш ва тарғиб қилиш, ҳалоллик, поклик, хайр-эҳсон, ҳиммат, саҳийлик, биродарлик ва бошқа кўпгина мусулмончилик ахлоқи мезонлари, яъни, ахлоқ-одобга доир кўрсатмалар ҳам талқин қилинади. Ҳадис илми ислом тарихидаги бир қатор аҳкомларга аниқлик кириштириши, уларни мазмунан ривожлантириши, юксак ахлоқий-маънавий, руҳий-фалсафий жараёнларни ривожлантириши билан ҳам аҳамиятлидир. Шундан бўлса керак, зикри ўтган мусулмончиликка эътиқод қўйган халқларнинг маданияти равнақида таянч ғоявий-маънавий сарчашмаларнинг ҳаётбахш таъсири ёрқин назарга ташланади.

Ҳадисларда ифодаланган ҳаётсеварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик ислом дунёси бадий адабиётига қудратли таъсир кўрсатиб келди. Ҳадисларнинг таъсири остида умрбоқий асарлар дунё юзини кўрди. Бундай бадий яратмаларнинг исломий ғоялар билан йўғрилиши уларнинг ғоявий таъсирчанлиги ва бадий балоғатининг ҳади аълосига етказилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, ўтган минг йиллар давомида таълиф қилинган бадий асарларни ўша таянч сарчашмаларнинг ҳаётбахш таъсири ва улардан олинган иқтибосларсиз тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

Исломий манбаларнинг Алишер Навоий ижодидаги ўрни ҳақида гапириб, навоийшуносл олим А. Ҳайитметов, хусусан, шундай ёзади: «Ва ниҳоят, Навоий ижодининг яна бир муҳим манбаи диний ва суфий адабиётлардир... Аммо Навоийнинг диний адабиётга муносабати, диний адабиётлар, хусусан, Қуръон ва ҳадислар шоир ижодининг доимий ва муҳим манбалари бўлгани, ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий масалаларини улуғ шоир кўп вақт шу асарларига суяниб ҳал этганлиги шу пайтгача деярли ўрганилмади, ҳатто бундан кўз юмиб келинди» (Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижоди манбалари ҳақида // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Мақолалар тўплами. – Т.: «Фан», 1993. – 3 - 13-бетлар).

Ҳадислар ислом Шарқи мумтоз адабиётда ахлоқий-таълимий мавзунинг маънавий заминларидан бири сифатида кенг қўлланилиб келинган. Ҳадислар таркибига халқ оғзаки ижодидан кўпгина ҳаётбахш туйғулар кириб қолганидек, бундай исломий-илоҳий ҳикматлар ўз навбатида халқ оғзаки ижодига ҳам, ёзма бадий адабиётга ҳам катта таъсир кўрсатиб келди. Ҳадислар ҳаёт сабоқларини талқин этишда бевосита Қуръони каримдан озиқланиб келгани сабабли ислом оламида эътибори бениҳоя юксак бўлган. Улар ислом дунёсининг турли соҳаларига – Ислом қонуншунослиги ва шариатга, фалсафа, сиёсат, диний ва дунёвий ахлоқ қоидаларига, санъатга ва айниқса, адабиётга, хусусан мусулмон минтақа мумтоз шеъриятига катта таъсир кўрсатган маънавий сарчашмадир.

Муҳаммад (с.а.в)дан «Кимки менинг ҳадисларимдан 40 тасини ёд билса, қиёмат куни менинг шафоатим остида бўлади», - деган ҳадис етиб келган. Шу ҳадисга биноан мусулмонлар ҳадислардан 40 тасини ёдлаб олишга ва уларни атрофдагиларга етказишга интилганлар. Ҳадислар иймонли инсон дилига яқин бўлгани учун ҳам араб, форс ва туркий тиллардаги адабиётлар уларни ўзининг мағз-мағзига сингдириб олди. Зотан, бир ҳадисда айтилганидек, «Мендан ривоят қилинган бирорта ҳадисни эшитганларингизда, дилларингизга таниш, баданларингизга таъсир қиладиган ва ақллaringизга сиғадиган бўлса, демак,

у менинг айтган ҳадисимдир. Аммо эшитган ҳадисларингиз бунинг аксидек бўлса, демак, у менинг айтган ҳадисим эмасдир» (Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: “Фан”, 1990. 26-бет). Ҳадисларнинг бундай кафолатланиши уларга асосланган асарларнинг ғоявийлиги, бадиияти ва халқчиллигини таъминлайди, албатта. Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ўз ҳадисларининг тарқалишига, улар орқали жамиятда эзгулик уруғи сочилишига катта умид боғлаганлар. «Бизнинг сўзларимизни эшитиб олиб, ўзгартирмаган ҳолда одамларга етказадиган кишининг юзини Тангри ёруғ қилсин! Бевосита биздан эшитган одамдан кўра кўпроқ ғойибона ривоят қилувчилар (келажак авлод) орқали эшитган кишилар ҳадисларимни яхшироқ сақлайдиган бўлиши мумкин» (Ўша китоб, 26-бет). Чиндан ҳам, пайғамбаримиздан кейин бу ҳадисларга бўлган қизиқиш ортса ортди, аммо, камаймади. Айниқса, қалам аҳли ўз асарларида ҳадислардан моҳирона фойдалана бошладилар.

Бадиий адабиётда ҳадислардан фойдаланишнинг кўринишлари кўп. Қуйида уларнинг энг кўп оммалашган шакллари тўхталиб ўтамыз. Чунончи:

1. Насрий ва шеърий асарлар мазмунига мос келган ўринларда иқтибос шаклида ўзгаришсиз киритилган ҳадислар. Бунда муаллиф улардан ўзи илгари сураётган ғояга китобхонни ишонтириш, ўша парчаларнинг таъсирчанлиги ва табарруклигини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланади. Жумладан, Носируддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида бундай мисоллар кўпгина учрайди. «Қиссас» муаллифи ўшандай ўринларда ҳадисларни ўзгаришсиз араб тилида қўллайди Намуна сифатида қуйидаги иқтибосни келтирмоқчимиз: Қола Расулulloҳи (а): ал-ажалату мин аш-шайтон ва аттаъани мин ар-Раҳмон. (Аллоҳнинг элчиси деди: шошилиш шайтоннинг иши ва шошилмаслик Раҳмоннинг ишидур) (Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1990. 12-бет).

Бир ҳадиснинг ўзи турли муносабат билан муайян муаллифнинг бир асарининг турли ўринларида хилма-хил мақсадларда қўлланилиши ҳоллари ҳам кузатилади. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «Бир соатлик адолат инсу жинсининг (олтмиш йиллик) ибодатидан яхшидир» ҳадиси уч ўринда уч талқинда ишлатилганлигини кўрамыз.

Шеърий мисраларга мазмунан мувофиқлаштирилган ҳадисларни ҳам Алишер Навоий ижоди мисолида ҳам кўплаб кузатиш мумкин.

*Булардин гар аъло гар адно дурур,
Ким, андин халойиққа ийзо дурур.
Шаҳ ўлтурмас авлодур ул элни бот
Ки, дебдур набий «иқтилсо ал-муъзиёт» (МАТ. XIV жилд, 16-бет).*

Ёки:

*Халойиққа ийзо аларға сифот,
Набий дедиким: «Уқтул ул-муъзиёт» (МАТ. XIV жилд. 39-60).*

Ёки:

*Ул шамъки, «Ваззуҳо» қуёш юзидур,
Мозоғ била сурма чекилган қўзидур,
Анинг билаким, ўзи улу ул ўзидур,
Борча «Анна минка ва анта минний» сўзидур
(Илмий танқидий матн. 2-бет).*

2. Ҳадисларни бадиий адабиётда акс этишининг бошқа бир кўриниши уларнинг ҳаётбахш таъсири остида назмий ва насрий парчаларнинг вужудга келишидир. Туркий адабиётда ҳади́ларга мурожаатнинг зикри ўтган шаклини X-XII аср адабиёти намуна-

ларидаёқ учратиш мумкин. Масалан, Аҳмад Югнакий ўзининг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарида қаламга олинган ҳар бир мавзунини бадиий ифодада ўшандай услубга таяниб иш қўради. Бундай услубий жиҳатдан бундай «Илм манфаати, жаҳолат зарари ҳақида» фасли адибнинг ўз сўзлари, фикри ҳақида бўлса, унинг кетидан келадиган «Илм ўрганиш ҳақида Алай-ҳиссаломнинг айтганлари» ҳамда «Тангрининг мўъжизалари, жоҳилликдан тийилиш, Худонинг расулига содиқ бўлиш ҳақида пайғамбар алайҳиссаломнинг айтганлари» фасллари ушбу фикрларни тасдиқлашга хизмат қилади. «Жаноби Расули Акрамнинг айтганлари» рукни остида келган фасллар асарнинг деярли ярмини ташкил қилади. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ҳадисларнинг ижодий таъсирида яратилган мустақил асар бўлса-да, унинг сатрларида Муҳаммад Мустафо ҳадисларида келган умумбашарий ҳолатларнинг сингдирилиши етакчилик қилади. Шоир танлаган бундай услуб у яратган шеърининг мисраларнинг ҳолати – бадиий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Ҳадислар инсонни ахлоқан пок ва руҳан балоғатга етказишда муҳим омил ҳисобланганлиги туфайли адиблар бундай илоҳий-ирфоний сарчашмаларга тез-тез мурожаат қилишган. Эслатилган заминда бадиий адабиётда ахлоқий-маънавий йўналишдаги 40 ҳадис таъсирида «Чиҳл ҳадис» (Арбаин) яратиш анъанаси шаклланган.

Мусулмон дунёси адабиётида «Чиҳил ҳадис», яъни «Арбаин» яратиш анъанаси кенг ривожланганлигини ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида уларнинг 100 дан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланаётганлигидан ҳам ҳис қилиш қийин эмас. Институт қўлёзмалар хазинасида Абу Закарийе (ваф. 676/1278)нинг «Китоб ал-арбаин ҳадис» асарининг ўндан ортиқ нусхаларининг сақланаётганлиги айни анъананинг анча эрта бошланганидан далолат беради.

Улуғ мутафаккир шоир Абдурахмон Жомий 886/1482 йилларда энг саҳиҳ, энг мўътабар ва ёдлашга осон бўлган қисқа, ахлоқий мавзудаги ҳадислардан 40 тасини ажратиб олиб, улар мазмунини форсийда назмга солиш орқали «Чиҳил ҳадис» асарини яратди. Алишер Навоий эса устозива пири Жомийнинг фоҳаси ижозатини олиб, ўша йили муршиди комил «Чиҳил ҳадис»ини назмда форсийдан туркийга ўгириб, «Арбаин ҳадис» асарини яратади¹. Шунингдек, Фузулий ҳам Жомийнинг «Чиҳил ҳадис»ини озарбайжон тилига таржима қилди. Жомий, Навоий ва Фузулийларнинг мазкур асарлари Шарқда машҳур бўлиб, жуда кенг тарқалган ва уларга издошлик қилиш ижодий анъана тусини олган. Алишер Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам «Арбаин» яратган. Шундай қилиб, 40 ахлоқий-таълимий ҳадиснинг ҳар бири қитъа шаклида форс, ўзбек ва озарбайжон тилларида мустақил тўпламларга айланди.

Шундай асарлардан яна бири «Ҳадиси Усфурий»дир. «Ҳадиси Усфурий» ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида 7127 - рақами остида сақланади. «Ҳадиси Усфурий»нинг муаллифи Имом Муҳаммад ибн Абу Бакр Лоҳурий бўлиб, бу олим ҳақида етарли маълумотга эга эмасмиз. Олимнинг асосий мақсади инсон руҳияти ва ахлоқини тарбияладиган ҳадисларни халққа етказишдан иборат бўлган. У ўз салаф ва сафдошларидан фарқли ўлароқ, ҳар бир ҳадиснинг мазмунига мос бўлган ҳикоятлар келтирган. Араб тилида битилган мазкур мажмуа халқ орасида «Ҳадиси Усфурий» ёки «Чиҳил ҳадиси Усфурий» номи билан шуҳрат қозонган.

«Ҳадиси Усфурий» ўтган асрнинг бошларида форс ва араб тилларини мукаммал билган табиб ва олим тошкентлик Қосимхон ибн Зоҳиджон Ҳакимаш-Шоший томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Ушбу китоб ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида 17127 – рақами остида сақланади. Мутаржим ма-

¹ Воҳидов Р. Шарқнинг буюк алломаси. –Т.: “Фан”, 1989. –61-68-бетлар.

жмуани «Мисбоҳ ул-анвар» («Порлоқ машъал») деб атаган. Мазмунли ҳадислар ва ажойиб ҳикоятларни ўз ичига олган тўплам ҳадис илми иштиёқмандлари орасида тез тарқалган ҳамда «Нурли анвар» номи билан шуҳрат таратган. 1993 йилда шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний «Ҳадиси Усфурий»нинг матнини табдил ваизохлар билан нашр эттирган (Муҳаммадибн Абу Бакр. Ҳадиси Усфурий. –Т.: Мувароуннаҳр. 2002. -95-бет). Ҳар бир ҳадисдан кейин 2–3 ёки ундан ортиқ ҳикоятлар берилиб, улар ҳадис мазмунини тўлалигича очиб беришга хизмат қилади. Баъзи ўринларда келтирилган ҳадислар мазмуни бошқа бир неча ҳадислар билан тўлдирилган. Келтирилган ҳикоятларнинг тарбиявий моҳияти шундаки, уларда охират дунёсидан хабар бериш орқали китобхонга ахлоқий ибратлар кўрсатилади. Мажмуада ислом аҳкомларининг баъзилари батафсил шарҳланади. Шунингдек, айрим фарзу суннатларга доир ҳадислар Қуръон оятлари билан мустаҳкамланади. Қувончлиси шундаки, айрим ҳадисларнинг юзага келиши билан алоқадор шарт-шароитлар тафсилоти ўша ҳикоятларда ифодасини топган. Ихчам ҳадисларнинг мазмунини теран очишда кўмаклашувчи қизиқарлир ивоятлар илова қилинган. Мажмуа таркибида Қуръони каримдаги баъзи мураккаб оятларнинг мазмунини шарҳлашга ёрдам берувчи кўпгина ривоятлар ҳам учрайди. «Ҳадиси Усфурий»да келтирилган барча ҳикоятлар сони 60 га яқин. Яъни, рақам билан берилган 40 та ҳадисдан ташқари, яна 20 дан ортиқ рақам қўйилмаган ҳадис ва ҳикоятлар ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, «Ҳадиси Усфурий»даги ҳикматларинсон тафаккури ва руҳиятини бойитувчи ҳикоятларда талқин этилади. Мазкур асар арбаин яратиш анъанасининг ёрқин нишонаси ва ҳадислар тарғиботининг ажойиб намунаси ҳисобланади.

3. Ҳадисларнинг ғоялари негизида бунёдга келган адабий ҳикматлардир. Жумладан:

Ҳадис: **Барча бало – тилдандир** (Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: “Фан”, 1990. -68-бет). Тил югуриги бошга (халқ мақоли). Ёки:

Тил арслон турур, кўр эшикда ётур

Аё эвлуг арсиқ бошингни еюр.

(Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.:“Фан”,1971,86-бет).

Ҳадис: **Чақирилган жойгагина боринг** (Ўша китоб, 12-бет). Чақирган ердан қолма, чақирмаган ерга борма (халқ мақоли).

Ҳадис: **Кураш тушиб йиқитган эмас, балки ғзаби келганда, ўзини босиб олган одам кучлидир** (Ўша китоб, 124-бет).

Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,

Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужоъ

(МАТ. III жилд. 237-бет).

4. Ҳадислар мазмуни асосида бунёд бўлган ҳикоятлар:

Ҳадис: Одамларни сулҳга келтириш, аразлашганларни яраштириш учун гапирилган ёлғонгапнинг зарари йўқдир (Ўша китоб, 124-бет).

Шоҳларга ўз гапин ўтказган киши

Лозимдир яхши гап топиб айтиши.

(Саъдий. Гулистон. –Т.: Ф. Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – 21- 22-бет).

Шунингдек, Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Маҳбуб ул-қулуб» каби ўнлаб йирик асарлари таркибида бундай мисолларни кўплаб топиш мумкин.

Қаноатли иззатдадир, таъмагир хору залил ҳадисининг мазмуни «Ҳайрат ул-аброр»даги «Қаноат қилувчи жувонмард билан тамагир жаҳонгард» ҳикоятида илгари сурилган «Хом тамаъ даҳрда ранжур эрур» (МАТ. VII жилд. 176-бет) деган ғоя билан ҳамоҳангдир.

Масаланинг яна бир томони борки, Ҳазрат Али шеърү ҳикматлари ҳам худди Жаноби Расули Акрам ҳадислари сингари эътирозга ўрин қолдирмайдиган тарзда қабул қилинишини қалам аҳлининг уларга мурожаатдан ҳам кўриш мумкин.

Кўпгина асарлар матнидаги иқтибосларда пайғамбаримиз ҳадислари билан Ҳазрат Алининг ҳикматларини бир-биридан фарқлаш бирмунча қийин кечади. Чунки Ҳазрат Али афоризмлари ҳам айни ҳикмат жанрида тезис шаклида ёзилган бўлиб, ғоявий-услубий жиҳатдан ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо ҳадисларига жуда яқин туради. Чунончи: **Кимки фикрини натижаларда кўп қилса, шижоатли бўлмайди; Кўпинча ҳаром фойдалар зарарга олиб келади; Кўп келишиш нифоқдан дарак ва кўп тортишишлик жанжалдан дарак...**¹

Бу ҳикматларнинг ҳажм, ифода тарзи ва сайқалланганлиги жиҳатидан Жаноби Расули Акрам ҳадисларига яқинлиги туфайли бўлса керак, айрим тадқиқотчилар уларга нисбатан ҳам «ҳадис» атамасини қўллашади (МАТ. XV жилд.136-бет). Масалага бундай қараш ва у муносабат бизнингча мунозарали ҳисобланади. Чунки ҳадислар исломшунослик илмида доимо пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг шахсиятлари билан боғлиқ ҳодиса саналиб келинган.

Ҳадисларнинг бадий адабиётга кириб бориши, мусулмон дунёсида унинг ижтимоий вазифаси билан ҳам узвий боғлиқдир. Адабиёт – ҳаёт дарслиги. Шундан бўлса керак, адабиётга ҳаётни бадий акс эттириш вазифасини юклайдилар. Ҳаёт сабоқлари учун энг қулай ва кенг қамровли манба эса, ислом минтақа адабиётида пайғамбаримизнинг ҳадислари бўлиб келган. «Наҳж ул-балоға» ёки «Суханони Али» тўплами таркибидаги ҳикматлар мусулмон дунёси адабиётида ахлоқий – маънавий ғояларни ташвиқу тарғиб этишда Жаноби Расули Акрам ҳадисларига ҳамдамлик қилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Таҳлилга тортилган парчалардан маълум бўладики, бадий адабиётда ҳадисларга мурожаат адабий асарларда турли хил кўринишларда юз берган:

насрий ва назмий асарлар мазмунига мос келган ўринларда иқтибос шаклида ўзгаришсиз киритилган ҳадислар;

ҳадисларнинг ҳаётбахш таъсирига сосида мустақил асарлар сифатида юзага келган шеърлар ва насрий парчалар;

ҳадисларда олға сурилган ғояларни ижодий ўзлаштириш натижасида юзага келган соф адабий ҳикматлар;

ҳадислар мазмуни асосида бунёд бўлган ҳикоятлар.

Шундай қилиб, мусулмон дунёсининг муқаддас ва мўътабар китоби – Қуръон ва Ҳадислар адабиёт аҳли, жумладан, Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асари учун ҳам таянч ғоявий манба вазифасини адо этган. Қуръоний оят ва ҳадислар яратилажак бадий асарларга бетакрор ранг ҳамда теран мазмун бахш этган. Шунингдек, мусулмон дунёси адабиётларидаги муштаракликнинг ўқ илдизлари ҳам ушбу омилга, яъни ғоявий сарчашманинг ягоналигига бориб уланади.

¹ Ҳикматлар Рашидиддин Ватвот нусхасидан олинди. Қўлёзма №2261.

Қуръоний оят ва ҳадисларга мурожаатнинг барча йўналишлари Алишер Навоий ижодида ёрқин намоён бўлади. Зеро, улуғ шоир «Назм ул-жавоҳир»ни яратгунга қадар ҳам ҳадисларга мурожаатнинг барча шакллари мукамал ўзлаштирган, туркий адабиётда бу соҳада катта бир мактаб яратган эди.

2.3. ГЎЗАЛ ХУЛҚ – КОМИЛЛИК НИШОНИ

Жаҳон адабиёти тарихи ўз қобиғида ривожланиб, муайян ютуқларга эришган адабиётни билмайди. Унда жанр, мавзулар, бадиийлик тамойилларининг ташаккули ва такмили хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Бинобарин, ўзбек адабиёти ҳам ўз миллий анъаналари негизида ва форс-тожик адабиёти ҳамда у орқали кириб келган араб адабиётининг бой тажрибаларини ижодий ўзлаштириш натижасида, айниқса, Алишер Навоий даврига келиб, жаҳоншумул ютуқларни қўлга киритди.

Алишер Навоий асарларининг манбалари ҳақида гап борганда, шуни эътибордан қочирмаслик лозимки, у ўзигача бўлган араб, форс ва туркий адабий-маънавий мерос билан пухта танишиб чиққан. Уларнинг энг яхши анъаналаридан сабоқ олиб, ижодий адабий тажрибасида ривожлантирган. Улуғ шоир ўша жавоҳирот хазинасидаги ижтимоий-маънавий, ахлоқий-маърифий тарбияга оид асарларни алоҳида эъзозлади. Уларда акс эттирилган гўзал фазилатлар билан ўз қаҳрамонларини беади. Ўзи ҳам айти шу руҳдаги асарлар ёзиш билан ўша соҳанинг ривожу равнақида катта ҳисса қўшди. Бундай асарларининг барча-барчасида жамият аҳлини гўзал фазилатлар билан безанган ҳолда кўриш нияти унга ҳамиша ҳамроҳ бўлди.

Маълумки, Қуръони карим мусулмон дунёсининг муқаддас китоби, буюк диний-дунёвий, маданий-маънавий дастуруламалидир. Унда жуда кўп масалалар инсоннинг ўз ақл-заковати, фаҳм-фаросати, топқирлигига ҳавола қилинган. Инсон ҳаётидаги катта-кичик муаммоларнинг диний ва дунёвий билимлар орқали ўз ечимини топажаги акси - ифодасини топган.

Ҳар қандай дин ўзининг дунёқараш сифатидаги вазифасига кўра, доимо эътиқод билан бир қаторда фалсафа ва мураккаб ижтимоий муносабатларни ҳам ўз ичига олган ва ҳаёт ҳақидаги қамровли фан бўлиб келган. Биз унинг инсон балоғати, бадиий ижод ҳақидаги юксак аҳамиятини таъкидлаётганимиз ислом дини Арабистон ярим оролида қабилачилик даврида қарор топди. Диншунослик соҳасида ислом тарихидаги бу даврни ёритиш бўйича дунё миқёсида талай илмий тадқиқотлар яратилган.

Уларнинг барчасида исломнинг пайдо бўлиши арафасида кўчманчилик турмуш тарзини бошидан кечираётган араб қабиаларининг маданий даражаси ўта содда бўлганини бир овоздан таъкидланади. Аммо, ислом динининг шу заминда пайдо бўлиши айти шу минтақа учун ҳар соҳада катта силжишларга сабаб бўлди. Арабларнинг ислом дини туфайли бирлашишини исломшунос Е.А.Беляев «варварликдан цивилизацияга ўтиш» деб баҳолаган (Беляев В.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннем средневековье. – М.: Наука, 1966. 80-бет). Жоҳилият даврида арабларнинг дин ҳақидаги тасаввурлари жуда заиф эди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, турли Худоларга топинадиган кишиларнинг ягона мафкуралари ҳисобланмиш динлари таркибидаги умуминсоний қадриятлар, муомала маданияти, ахлоқий мезонларининг ривожланиши ҳам шунга яраша суст бўлган. Жамият бўлиб уюшиш натижасида одамдан талаб қилинадиган инсоний хислатларнинг қамровини ошириб, ўзларини маънавий-маданий юксалтириш йўлида пайғамбаримиз, хулафои рошидин, улар

қаторида Ҳазрат Алининг ҳам қанчалар машаққат чекканларини тасаввур қилиш қийин эмас. Аини масала хусусида: Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрларини эслаб ўтиш жоиз кўринади:

«Ва чун ул Ҳазрат (Муҳаммад с.а.в.) анбиёнинг хотами эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди. Ҳар ойинеким, ноқислар такмилиға умматининг комилу олимларни номвар эттики, бурунғи анбиё ўрниға уҳда қилғайлар ва йўлдин чиқғонларға йўл кўргузгайларки, (умматим уламози бани исроил пайғамбарлари кабидур, ва шунингдек, уламо пайғамбарлар ворисидир) аҳодиси андин хабар берур ва ул Ҳазратдин сўнгра бузургвор асҳоби, ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаин халойиққа бу раҳнамойлиғни бажо келтурдилар ва Ҳақ субҳонаҳу ва таолоға йўл кўргуздилар» (МАТ. XVII жилд. 14-бет).

Алишер Навоий берган бу таърифдан маълум бўладики, пайғамбаримиз ўғитларига кўра, уламолар пайғамбарларнинг бевосита ворислари ҳисобланади ва халқни тўғри йўлга бошлаш учун илоҳий аҳком билан амр қилинган шахслардир.

Арабларнинг ислом байроғи остида бирлашуви ва қўшни маданийлашган халқлар билан қоришиб кетган ижтимоий муносабат, уларнинг сиёсий жиҳатдангина эмас, маданий соҳада ҳам юксала боришлари учун қулай шароит яратди. Ҳар тарафлама тараққий этган Миср, Византия, Эрон ва Месопотамия каби қадимий маданият марказлари Арабистон ярим оролидан анча илгарилаб кетган эди. Юнон фалсафаси ва ахлоқининг нодир намуналари бу ўлкалардан мустаҳкам жой олган эди.

Рус исломшуноси Р.Мавлютов тўғри таъкидлаганидек, «кишилиқ жамияти аъзоларининг ахлоқий камолоти, тарихий тажриба кўрсатганидек, биринчи навбатда жамиятнинг ўзига баракали таъсир кўрсатади» (Мавлютов Р.Ислам.–М.:Политическая литература, 1969. с.80). Ҳар бир тарихий даврда инсонийлик талабларини ифодаловчи муносабатларгина чинакам ахлоқий тамойиллар ҳисобланади. Али ибн Абу Толиб замонида бундай муносабатларнинг чизгиларини белгилаб олишга эҳтиёж кучая борди. Олимнинг юқоридаги мантикий хулосасининг тўғрилигига шубҳа йўқ. Аммо ўзининг ислом дини ҳақидаги китобини шўро мафкураси таъсири остида ёзган Р. Мавлютов бир ёқлама хулосага келади: «Исломда инсоннинг барча фаолияти фақат Яратганни рози қилишга қаратилган. Жамият тараққиёти, инсоний муносабатларни такомиллаштириш динга даъват этувчиларни кам қизиқтирган» (Ўша китоб. 80-бет). Кўриниб турибдики, олим масалага чуқурроқ кириб бориб, «Яратганни рози қилиш» ибораси остида нималар ётганига қизиқиб ҳам кўрмайди. Ислом дини замирида аини шу ният жамиятни тараққий эттириш, айниқса, инсоний муносабатларни такомиллаштириш ғояси туришини исломнинг дастлабки йилларида яратилган кўплаб ахлоқий-маънавий асарлар ҳам далиллайди. Ўша маънавий дурдоналарнинг шарофати билан ислом аҳкомларнинг бадий сўз санъатида ифодаланиши соҳасида маълум тажриба юзага келди. Шу боисдан ҳам, «Назм ул-жавоҳир»га адабий манба сифатида хизмат қилган бундай асарларнинг ислом минтақа маданиятида, араб заминидан ривож топганини назарда тутиб, арабларнинг ўзида адабиётнинг ахлоқий-таълимий моҳияти қандай намоён бўлганини кузатиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Жоҳилия даври араб адабиётида чекланган мавзулардагина асар яратилган бўлса, исломдан кейинги йилларда арабларнинг бадий сўз санъатида кескин бурилишлар юз берди.

Ҳикмат қадимги арабларда ижтимоий ахлоқ мезонларини ифодалаш воситаси бўлган. Жоҳилият даврининг айрим ҳикматларида дунёнинг фонийлиги, инсоннинг ўткинчилиги, замон аҳлининг тор қабилачилиқ муносабатларига ўралашиб қолиши устунлиқ қилган бўлса, исломдан кейинги араб адабиётидан теран умумбашарий ғоялар жой ола борди. (Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М.: Наука, 1965. – с.22). Бу жанр

жоҳилият давридан ислом даврига янги сифат ўзгаришлари касб этган ҳолда ўтди. Қисқа шеър шаклидаги ҳикматлар араблар босиб олган ўлкалардаги адабиёт таъсирида такомиллашди, такмил топди. Назмий ва насрий ҳикматлар кўринишида ривожланди. Насрий ва назмий ҳикматлар исломий эътиқодни қабул қилган халқлар адабиётида ҳам шухрат топди, янгином ва талқинларда алоҳида тўпламлар ҳолида кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди. Жумладан, сосонийлар даври эрон адабиётида «Анушервоннинг панд-насихатлари», «Луқмони ҳакимнинг юз фойдали насихати» каби тўпламларнинг пайдо бўлиши шундан далолатдир.

Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 269-ояти каримасида «ҳикмат» сўзига шундай таъриф берилган: «У ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (пайғамбарлик ёки Қуръон илми) беради. Кимга (мазкур) ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Бундан фақат оқил кишиларгина эслатма олурлар» (Қуръони карим. 45-бет). «Ҳикмат» сўзининг Қуръони карим ва луғатлардаги изоҳидан шу нарса аниқ бўладики, Ҳазрат Али Ҳақ таоло эътиборидаги ҳикмат илмидан воқиф ва ўзи ҳам ҳикмат ярата олиш салоҳиятига эга аллома эди. Ҳазрат Алининг **«Ҳикмат бу ҳақиқатдир», «Ҳикматни ҳис қила олиш мўъмин учун совғадир»** каби ҳикматларининг ўзиёқ унинг айни йўналишдаги юксак иқтидоридан нишонадир. Бўлиқ ғояни сиқик шаклда ифодалашдан кузатилган етакчи мақсад биринчидан, ифода зеболигини, таъсирчанлигини таъминлаш бўлса, иккинчидан, инсоннинг руҳий балоғати учун ўта аҳамиятли ҳисобланган дурдона фикрларни соҳа донишмандларига эмас, балки кенг халқ оммасига етказишдан иборат эди.

Исломий адабиётда насрий ва назмий ҳикматлар жамият аҳлининг ахлоқий-маънавий тарбиясида муҳим йўриқнома мақомида фойдаланилган бўлса-да, аммо зикри ўтган соҳада асосий дастуруламал Қуръони карим ҳисобланган.

Қуръони карим ҳажман ихчам кўринса-да, мазмунан кўламдор, бепоёндир. Инсон ҳаётининг муайян вазиятларида дуч келинадиган барча мақомдаги мураккаб жумбоқлар, жисмоний-руҳий зиддиятларга тўғри ечим топиш учун айни илоҳий китобдаги ишораларга ҳамиша муражаат қилинади.

Дунёнинг моҳиятини англаб етиш йўлида тинмай изланувчиларни **ҳаким** деб аташган. Манбалар Ҳазрат Алини шу мартабага муносиб халифа тарзида тилга олади. Чунончи, Мисрлик тадқиқотчи Аббос Маҳмуд Уққод бу ҳақда ёзади: «Али ўзидан олдинги халифалар орасида, ҳикмат ва фалсафани яхши биладиган, калом уламоси ва ислом файласуфлари, эрони ё юнони уламолар илмларига етишгунларича ундан илм олиб турилган дастлабки файласуф ва олим халифа эди» (Пайғоми Ҳазрати Али. – Душанбе: Адиб, 1992. 7-бет)

Бундай эътироф Ҳазрат Алининг дин ва давлат арбобиғина эмас, замонасининг файласуф, ахлоқшунос, руҳшунос олими, оташин нотик, шоир ва адиби бўлганидан ҳам далолат беради.

Ҳазрат Али ҳикматларининг умрбоқийлиги Қуръони карим ва Пайғамбаримиз ҳадисларига асосланганлигидадир. Уларнинг ҳаётийлиги эса умумбашарий муаммоларга эътибор берилганида ҳисобланади.

Кўп ўринларда Ҳазрат Али ҳикматларини ҳадислардан ажратишнинг қийинлиги, бир томондан, уларнинг ҳар иккиси ҳам айни ҳикмат жанрида, лўнда хулосалар шаклида ёзилганлиги, услубий жиҳатдан ҳам ҳадисларга жуда яқинлиги бўлса; иккинчи томондан, Ҳазрат Али ҳикматлари пайғамбаримиз ҳадисларининг самарали таъсири натижасида юзага келганлигидадир. Бу ҳикматлар адабиёт тарихи саҳифаларидан «Ҳазрати Алининг нутқлари», «Ҳазрати Алининг қисқа ҳикматлари», «Наср ул-лаолий», «Сад панд»лар сифатида жой

олди. Бу асарлар орасида «Наҳж ул-балоғ» («Балоғат йўли» – тўпловчи Шариф ар-Розий) асари ҳам бор, албатта.

«Наҳж ул-балоғ» асари қамровининг кенглиги кишини лол қолдиради. Жоҳилия давридан ҳали узоқ кетилмаган бир шароитда шу каби юксак савиядаги бир асарнинг юзага келиши мўъжизага тенгдир. Бу асари билан Али ибн Абу Толиб ўзининг буюк мутафаккир инсон эканини намойиш қила олган. Маданий уйғонишнинг илк босқичида арабларнинг ҳали ўзида етук асарлар ижод этиш ҳоллари кам учраб турган бўлса ҳам ислом динини ёйиш мақсадида босиб олинган қўшни давлатлар - Миср, Шимолий Африка, Сурия, Ироқ, Эрон ҳудуди зиёлилари араб тилидаги илм-фан равнақини ўз даражаларига етказиб олишганди. Улар ҳам ҳикмат жанрида баракали ижод қилдилар. Умумий анъаналар, сайқалланган мавзулар пайдо бўла бошлади.

Ҳазрат Али ижодининг бошқа бир қирраси унинг бой адабий меросидир. Ундан шеърлар девони¹ мерос қолган. Алишер Навоий мазкур девон ҳақда айни мажмуада жавоҳирот ҳасинаси сифатида юксак улуғлайди. Ўша девон билан танишар эканмиз, Ҳазрат Али ғазал, рубой, қитъа жанрларида ҳам, адабиётнинг ижтимоий вазифасига содиқ қолган ҳолда, панду насиҳат руҳида шеърлар ижод этганлигига гувоҳ бўламиз. Девон илм фазилати мадҳидан бошланиб, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнга насиҳат, илм ва ақл ҳақида, жаҳл ва ҳилм, сафар фойдалари, китоблардан етадиган маънавий манфаатлар, ризқ, қаноат ва таъма, ақл ва худбинлик, инсон офати, илм таҳсили, илму фақр, зулму дин, дин ва дунё, узр сўраш, гўзал хулқ каби мавзуларда яратилган ғазал, рубой ёки қитъалар бағишлаш билан хотима топади. Санаб ўтилган изоҳловчи таъкидларнинг китобда ҳар бир шеърдан олдин сарлавҳа сифатида келиши Ҳазрат Али шеъриятининг девонга ўта зукколик билан жойлаштирилганлигидан нишонадир. Унда илгари сурилган ғояларнинг руҳи адибнинг қисқа ҳикматларидаги умумий кайфият билан ҳамоҳангдир. Бу тушунчаларнинг инсон ҳаётида ниҳоятда муҳимлиги уларнинг шеърларда ҳам, ҳикматларда ҳам такрор ва такрор тилга олинишига сабаб бўлгани, шубҳасиз. Жумладан, “Девон” инсоннинг ким экани, ўша пайтлар арабларда расм бўлган ўз насаби билан фахрланишнинг нотўғрилиги, фақат илм аҳлигина шарафга лойиқ эканини уқтириш билан бошланади:

*Муносибдур фақат фахру шараф арбоби ирфона,
Ҳидоят йўлини чун кўрсатур ул муршиди доно (Девон, 3-бет).*

Бундай ақидага риоя қилган Ҳазрат Али доимий равишда илм ўрганиш билан шуғулланиб, ислом оламининг мўътабар сиймоларидан бири бўлиб етишди. Ҳазрат Али наздида илм манфаат учун бўлмаслиги керак. Бу ҳақиқат “Девон”да қуйидаги байт билан мустаҳкамланади:

*Азиз тутгил, илмдан манфаат ёки бадал кутма,
Агарчи бир ўликдир, лек илмдан зиндадир дунё (Девон, 4).*

Ҳазрат Али шеърларида бу тавсиялар кўп ҳолларда Аллоҳ ҳукми ва унинг Расули сўзлари билан мустаҳкамланади:

*Ҳиммату ғайрат ила нафсимга эттим тарбия,
Билмадим тақвойи Мавлодин бўлак ҳусни адаб (Девон, 32-бет)*

¹ Қаранг: Ҳазрати Али ибни Абу Толиб. Девон. Жамол Камол таржимаси. –Т.: “Мувороуннаҳр”, 2005. – 309 б.

Ёки:

*Тийса тилни яхшидир халқ ғийбатидан ҳар киши,
Ки ҳаром этди китобларда бунинсонга Раб (Девон, 32-бет).*

Ҳазрат Али “Девон”ида илгари сурилган умумбашарий ғоялар мусулмон олами одамлари турмуш тарзида ахлоқий ва маърифий жиҳатдан бирликни шакллантирди, десак хато бўлмас.

Адабиёт тарихида ҳар бир ёзувчи, шоирнинг ўрни унинг ўзига хас бўлган адабий анъаналарга муносабати ва уни ўз даврининг нафосат талабларига мувофиқ тарзда қай даражада ривожлантира олганлиги билан белгиланади. Аммо бу таъкид Навоийдек улуғ даҳо ижодкор учун бир бутун бўлиб шаклланган ўша умумий меросдан ул зоти бобаракот қанчалар баҳра олди-ю, унга қанчалар ҳисса қўшди тарзида масала қўйилса, ҳар қандай зариф олим ҳам дарров жавоб қайтара олмайди, албатта. Чунки бундай мураккаб муаммо махсус жиддий тадқиқотларга мавзудир.

Бироқ, устоз навоийшунос А.Ҳайитметов таъкидлаганидек: «Адабий алоқалар соҳаси – Навоий ижодининг мураккаб соҳаси. Бу соҳада энди ҳамма нарсани аниқ дейишга эрта. Ҳозир шу нарсани аниқки, Навоий ўз салафларидан, форс-тожик адабиётидан кўп нарсани ўрганган, лекин уларнинг анъаналарини қандай бўлса шундай такрорлаш билан чекланмаган» (Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижоди манбалари ҳақида. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Мақолалар тўплами.– Т.: “Фан”, 1993. 3 - 13-бетлар). қабилдаги хулосалар ўртага қўйилган мавзунинг ғоят долзарблигидан далолат беради.

Шундай экан, «Назм ул-жавоҳир» асарини яратишда ҳам Алишер Навоий Ҳазрат Али ҳикматлари доирасида чегараланиб қолмаган, албатта. Бутун онгли фаолияти давомида ҳаётий тажирбалари уйғотган сабоқлар, илоҳий-ирфоний сарчашмалар ҳосиласи – маърифий қарашлар “Назм–ул жавоҳир»нинг муваффақиятли чиқишини таъминлашда катта ҳисса бўлиб қўшилган.

“Ҳайрат ул-аброр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Назм ул-жавоҳир” асарларидаги ахлоқий мавзулар тизими бир-бирини тўлдиради, такмилига етказди. Уларнинг барчасида ижодкорнинг насиҳатомуз руҳдаги улуғ орзулари ёрқин бадиий ифодасини топади.

3 –ФАСЛ

СЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН САТРЛАР

3.1. Наср ва назм бағридаги ёғду

«Наср ул-лаолий» ҳикматлари мавзу жиҳатидан ранг- баранг бўлиб, уларда аҳли башарнинг турфа муаммолари ҳақида кенг фикр юритилади. Шу боис, айни мажмуа халқлароша, адабиётлароша ҳаётбахш бир чашма сифатида хизмат қилиб келган. Ўша ҳаётбахш сарчашма таъсирида яратилган асарлардан бири – «Назм ул-жавоҳир»дир. «Назм ул-жавоҳир»ни«Наср ул-лаолий» билан қўламдор тарзда қиёсий ўрганиш натижасида қуйидагилар аёнлашади.

Ҳазрат Али«Наср ул-лаолий»даги ҳикматлар учун инсонпарвар ислом таълимоти ва ўзининг ижтимоий-фалсафий мушоҳадаларини асос қилиб олган.

Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир»даги рубоийлари учун Ҳазрат Али ҳикматларини асос қилиб олади. Уларни таянч исломий манбалар мазмун-моҳияти билан қувватлантирди вағоявий-бадий мукамаллигини ҳадди аълосига етказиб қўйди.

Ҳазрат Али ҳикматлари нотиклик санъатига, нутқнинг оҳангдорлик ва таъсирчанлиги-гаасосланган бўлиб, уларни қабул қилиш, тушуниш ўқиган ёки эшитган одамнинг мушоҳада даражасига алоқадордир. Кутилган натижа эса ўша ҳикматхон ёхуд тингловчи инсон тафаккур ва тасаввурининг меъёрига дахлдор бўлиб қолади. Шундай экан, мазкур асарлардан кутилган маърифий натижа Ҳазрат Али замонаси билан Алишер Навоий даврида ўртасидаги тафовутлар билан изоҳланадиган босқичларда амал қилган. Алишер Навоий яшаган XV асрда (шунингдек, ҳозирги пайтда ҳам) Ҳазрат Алининг лўнда хулосалар шаклидаги ҳикматларидан воизлик санъатида, маъруза ва даъватларда иқтибос сифатида фойдаланиш, йирик бадий асарларда иштирок қилувчи тимсоллар нутқида қўллаш ўзига хос анъана тусини олган.

Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир»идан кутилган натижа эса китобхон шуурига таъсир этиш усулига асосланган ва улуғ шоир ижоди мухлисларини масаланинг моҳиятига яқинлаштириш, улар тафаккури ҳамда қамров доирасини кенгайтиришга хизмат қилиб келган. Бунда ҳар бир ҳикмат мустақил асарга (рубоийга) айланади ва маънавий ҳаётга йўлланма олади.

Фикримиз далили сифатида бир ҳикмат ва унингҳаётбахш таъсирида яратилган бир рубоийни кўздан кечирайлик: **«Кишиларнинг ёмони халқ ундан эҳтиёт бўладиган одамдир».**

Ҳазрат Алининг бу ҳикмати икки нарсага диққатимизни тортади: Бири инсонларнинг ёмон тоифаси; иккинчиси – ҳар бир одамнинг шахсий хусусиятига халқнинг муносабатидир. Қандай одамини ёмон деб ҳисоблаш лозимлиги Қуръони карим ва ҳадисларда такрор-такрор келади: қасамхўр савдогар, такаббур камбағал, зинокор кекса, золим подшоҳ, ғазоби тез келиб, секин қайтувчи банда, қўшнилари ёмон деган кимса ва ҳоказо.

Алишер Навоий ўз рубоийсида одамларни ўзининг ярамас қилиқлари билан бездирган кишини биринчи ўринга чиқаради ва унинг атворидаги нуқсонларни бирма - бир санаб

беради:

*Эл қочса бировдин эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они,
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ямон ямони бил они (74-бет).*

Шоир шеърӣ сатрларда қаламга олинган мавзунӣ ўзининг мустақил мушоҳадалари билан бойитар экан, бадкирдор одамда кўринадиган нуқсонларнинг жамиятга етказадиган касофатини ижтимоӣ миқёсда, ўта таъсирчан қилиб тасвирлайди. Рубоӣда ҳаракат қиладиган тимсол ҳам жамият воқеалари тизимида муҳокама қилинади. Масалага бундай муносабатда бўлиш учун бош омил, бош асос эса юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ўзбек халқининг азалдан жамоа туйғусига мойиллигидадир» (Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.–Т.: Ўзбекистон, 1996. 1-жилд. 11-б-бет).Юрт сарварининг бундай таъкиди пайғамбаримиз ўғитларига бориб тақалади. Жумладан, улардан бирида: «Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан, тўрт киши уч кишидан; кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларимни фақат тўғри йўлда боришликка бирлаштиради» (Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. 16-бет) дейилади. Юқорида келтириладиган мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур рубоӣ қаҳрамони жамият қабул қилмаган, яккаланиб қолган шахсдир. Унинг жамиятдаги «ўрни»рубоӣда равшан белгилаб берилган.

Кўчирганимиз ва бошқа ҳикматларда ҳам Ҳазрат Али ва Алишер Навоӣ тасвирлашга интилган мавзу – шахс қисматиدير. Ўша ҳикмату рубоӣларда кўзга ташланадиган шахс ўзлигини англаб етган, иймон шартларини, мусулмончилик аҳкомларини адо этган мўъмин бандадир.

Алишер Навоӣнинг диққат марказида Инсон борлигининг шахсий хусусиятлари, унинг жисмоний-маънавий ривожланганлик даражаси, турмуш тарзидаги солиҳ амалларини урғу билан тасвирлаш туради. Шундан келиб чиқиб, рубоӣларда яратилаётган ҳар бир тимсол инсоннинг шахс сифатидаги хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракати ёки жамиятдаги ўрни каби жиҳатларига қараб ўз баҳосини олади. Бундай «шарафли» вазифа рубоӣларда афоризм келтирилган охириги мисра (ёки байт)га юклатилган. Чунончи:

Букри кишининг сояси ҳам букридир.
*Ким эгри эса, тузлук эмас пояси ҳам,
Бор ўзидек эгри суду сармояси ҳам,
Тузлук эрмас шифоси-ю вояси ҳам,
Ким, эгри кишининг эгридур сояси ҳам (87-бет).*

Иқтибос сифатида келтирилган рубоӣнинг дастлабки уч мисрасида улуғ шоирнинг эркин мушоҳадасида етакчи ғоянинг ривожланиш жараёни кузатилади. Тўртинчи мисрада эса арабча афоризмнинг туркий таржимаси сингдирилган.

«Наср ул-лаолий» ҳикматларини таҳлил қилганда, улардаги ҳар бир ғоявий ниятнинг қуйидаги тартибда ҳаракатланиши маълум бўлади:

«Наср ул-лаолий»нинг ҳар бир ҳикматида инсоннинг бирор *хатти-ҳаракати* ёки *ҳолати* олинади. Бу ҳол ўқувчига *маслаҳат бериш* ёки уни ижтимоӣ фаолиятнинг маълум

бир қиррасидан воқиф этиш тарзида ифодалаб берилади. Ҳикматнинг натижаси, одатда, атрофдагилар учун манфаат ё зарарга олиб келиши ёки панд эшитувчи нохуш ҳолатдан огоҳ қилинади.

*Эслатилган уч ҳолатни қуйидаги мисолларда кузатамиз:
Бу замоннинг одамлари айб қидирувчилардир.
Отангга риоят қил – болангдан қайтади.
Нафсингга зеб берсанг, уни чарчатасан .*

Ҳазрат Алининг ҳикматли сўзлари мана шу уч йўналишдан бирига, истисносиз тарзда мувофиқ келади. Бошқача қилиб айтганда, бирор бир лавҳа олиниб, «ҳаракатга келтирилади» ва натижа ҳосил қилинади. Натижаси эса – умр баракаси, мол баракаси, қийинчиликларни бартараф этиш, балони даф қилиш, охират фойдаси, кўз равшанлиги, саломатликнинг гарови (ва ҳоказолар) бўлиши мумкин.

Маълумки, ҳикмат ўз жанр табиатига кўра, қатъийлашган мазмунга эга бўлади. Ҳазрат Алининг асос учун олинган ҳикмати Алишер Навоий рубойлари бағрида ҳаракатга келтирилади. Мисраларнинг мантикий тадрижида асосий ғояни далиллаш, мавзуни кенгайтириш орқали ўқувчи ҳаёт ҳақиқати сари етакланади.

Ҳикматларда илгари сурилган ғояни олиб, унинг шеърӣ шарҳидаги кенгайтирилиш жараёнини кузатар эканмиз, бу икки асар ижодкорининг фаолияти ва дунёқарашида талай умумийликлар ва ўхшашликлар борлиги эътиборимизни тортади. Бундай уйғунликни жаноби Расули акрам ҳадислари ва Ҳазрат Али ҳикматларида ҳам кўриш мумкин.

Аввало, Муҳаммад Мустафо билан Ҳазрат Али ҳаёт йўллари давомида бир мақсад сари жонбозлик ила иш олиб борганлари ва олдинма-кейин яшаб ўтганлари учун дунёқарашлари, ижтимоӣ фаолиятлари ўртасида бир қатор умумийликлар мавжуд эди. Бундай жиҳатлардан энг муҳими, жамиятни янги ахлоқӣ-ижтимоӣ тараққиёт йўлига бошлаш, ўзгарган тарихий шароитга қараб, диний-инсоний ислохотларни амалга ошириш ва (ҳ.к.лар) га интилишда кўринади. Ҳазрат Али бу мақсад йўлида мутафаккир ва давлат арбоби сифатида, ақл ва эътиқод, инсон ва жамият ташаккули сингари муносабатларни ҳал қилишга интилишдан четда туролмас эди. Шундан унинг фалсафӣ қарашларининг марказида шахс, Аллоҳ, жамият туради. Шу боис ижодкор барча фазилатларни иймон билан, мусулмончилик билан, Аллоҳ билан боғлаб талқин қилади. Бошқача қилиб айтганда, инсоний фазилатларни иймоннинг ичида «жойлаштириб» қўяди. Инсоний фазилатлар иймонга боғлаб тараннум этилса, исломий жамиятда уларни барча учун мажбурий қилиб қўйиш имконияти туғилади. Бундай фазилатлардан сакрашлик киши иймонининг заифлиги тарзида қораланади.

Алишер Навоӣ давлат ва жамоат арбоби сифатида ўзи яшаган тарихий шароитда жамиятни соғломлаштириш, диний-инсоний муносабатларни мустаҳкамлаш, давр аҳлини ўзаро меҳр-оқибатли қилиш, ахлоқӣ баркамол фуқаро учун кураш вазифасини ўззиммасига олиши лозим эди. Мутафаккир ва давлат арбоби сифатида Алишер Навоӣ умр бўйи ана ўша улуғ вазифани шараф билан адо этиш йўлида фидоӣлик кўрсатди. Унинг одамийликни мусулмончилик билан тенг қўйган ўринларида мулоҳазаларининг Ҳазрат Али қарашлари билан мувофиқ келиши кузатилади.

Шу боисдан уларнинг фалсафӣ, ижтимоӣ-сиёсий қарашлари ўзлари яшаган ва ундан кейинги даврдаги мусулмон халқлари ижтимоӣ онги ва тафаккурининг мазмунига катта таъсир ўтказиб келди.

Алишер Навоий замондошлари ва ундан кейинги даврларда қалам сурган ижод аҳли буюк мутафаккир ижодининг айна жиҳатига эътибор берар экан, улар эътиборини жалб қилган нуқталарда Ҳазрат Али ҳикматларининг таъсири ҳам бор, албатта. Зотан, бир ҳадисда айтилганидек, «Ҳикматли сўз мўмин кишининг йўқотган нарсасидир. Уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир». «Назм ул-жавоҳир»да «ўзлаштириб олиш»нинг ниҳоятда мураккаб бир кўринишини кузатиш мумкин.

«Назм ул-жавоҳир»нинг яратилишидаги ижодий жараён ислом минтақа адабиётида ҳадисларнинг шеърий талқини тарзида юзага келган «Арбаин»ларга жуда уйғундир. «Назм ул-жавоҳир»даги арабча ҳикмат ва туркий рубоийдан иборат тузилишдаги бирлик, Абдурахмон Жомий яратган ва Алишер Навоий томонидан эркин таржима натижасида юзага келган «Арбаин» билан айнан бир кўринишга эгадир. Типологик жиҳатдан олиб қараганда, улардаги тизим – араб тилидаги ҳикматнинг форсий ёки туркийдаги шеърий талқиндан иборат бўлади.

Улуғ шоир исломий арбоб ҳикматларини назмга солар, улардаги инсонпарварлик ғояларини талқин этар экан, «Назм ул-жавоҳир» муқаддимасида таъкид этилганидек, рубоийлари замирида ўзи айтмоқчи бўлган сўз ва маъно гавҳарларини ҳам мисралар аро сингдира борган. Ҳазрат Али ҳикматларининг ҳар бирини «назм либосида адо» этган улуғ шоир ҳар бир рубоий мисраларига қалб амри ва дил кўрини жо этди. Шу жиҳатдан олганда, фақат шеърий «либос»гина Навоийники бўлиб қолмай, мисралар аро амал қилувчи бўлиқ ғоялар ҳам улуғ ўзбек шоири қаламига мансубдир.

3.2. БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ КЎП...

«Назм ул-жавоҳир»га асос қилиб олинган ҳикматларни бадий акс эттириш учун танланган шеърий жанр – рубоий табиатига кўра, фалсафийликка мойиллиги билан ажралиб туради. Ҳаёт воқеаларининг теран фалсафий мулоҳаза-мушоҳада қилиниши ҳикматни юзага келтирган.

Ҳикматларда лўнда ва бўёқдор ифодасини топган тавсияларнинг ахлоқ мезонлари даражасига кўтарилиши уларни илгари сураётган шахснинг ижтимоий обрў-эътибори билан ҳам боғлиқ. Али ибн Абу Толиб эса ислом оламида ана шундай обрўли зотлардан бири эди.

Имом Ғаззолий бундай обрў ҳақида ёзади: «Одатда, хушахлоқ одам ҳақида гапирганда, унинг ўқимишли, ақлли, хуштабиат, жасур, ҳалол, бағри кенг ва бошқа фазилатлар соҳиби экани назарда тутилади...» (Абу Хомид ал-Ғаззоли. Воскрешение наук о вере. – (Ихйаи улуми- ад-дин). Перевод с арабского и комментарий В.В. Наумкина. - М.: Наука, 1980. с. 236).

Ҳазрат Али табиатидаги илмсеварлик, идрок, камтарлик, саховатпешалик, хушахлоқлик, талабчанлик каби инсоний фазилатларнинг ўзиёқ кўпгина ҳадис ва ривоятларга мавзу бўлиб келган. Ҳазрат Али ислом динининг юксак эътиқод сифатида шаклланишида алоҳида жонбозлик кўрсатгани учун ҳам унинг шахсини мусулмон оламида ўрнатиб бўларли даражага кўтарди. Ул зотнинг ҳикматли сўзлари «Назм ул-жавоҳир»да улуғ шоирнинг бадий тафаккурини жунбушга келтирди. Айна ҳаётбахш таъсир Ҳазрат Али насрий ҳикматлари орқали аҳли башар учун ноёб назмий дурдоналарнинг туркийда юзага келишида йўл очди.

«Назм ул-жавоҳир»нинг ғоявий мазмуни ва бадий аҳамияти хусусида илмий, илмий-оммабоп ишларда қатор ижобий фикрлар баён этилган. Ўша илмий изланишлардаги малоҳазаларни фақат «Назм ул-жавоҳир»га дахлдор дейиш қийин. Чунки XV асрнинг 80-йилла-

рида рўшнолик кўрган шеърӣ дурдоналарда улуғ шоирнинг бой адабий тажрибалари ўз муҳрини босган эди.

«Назм ул-жавоҳир» асарининг ғоявий-бадий фазилатлари хусусида мулоҳаза юритганда уларга тўла маънода эркин ижод намунаси сифатида қараш у қадар тўғри бўлмайди. Негаки, мазкур рубойларнинг бунёд этилишида Ҳазрат Али насрий ҳикматларининг ижобий туртки бўлганлигини унутмаслигимиз лозим.

Ҳар бир адабий асар маълум бир тарихий давр ижтимоӣ ҳаёти, халқ орзу-умидларининг бадий инъикоси сифатида майдонга келади. Дарҳақиқат, ўша асарларга диққат билан қаралса, уларда ўша бадий яратмалар ижод этилган давр чизгилари ўз муҳрини босганлиги аёнлашиб қолади. Шунингдек, ҳар бир давр адабиётининг мазмун-мундарижаси, ғояси унда тасвирланган инсон сиймосида ўз аксини топади. Инсон сиймоси эса ўзида ижобий ёки салбий хусусиятларни ифодалаши билан ажралиб туради. Аристотель ўз вақтида бундай мураккаб ижодий жараёни лўндагина қилиб, қуйидагича изоҳлаган эди: «Санъаткорлар муайян шахсларни тасвирлайдилар, улар эса яхши ёки ёмон бўлиши мумкин» (Аристотель. Поэтика. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 152-бет).

Шундан, адиблар қадимдан ўзларининг воқеликка бўлган муносабатларини бадий парчаларларда ҳаракат қиладиган қаҳрамон (инсон) тимсолида аксини топган ижобий ва салбий хусусиятлар орқали ифодалаганлар. Шунга кўра, ҳар бир давр адабиётининг ўз интилиш нуқтаси бўлганидек, Ҳазрат Али даврида ҳам, Алишер Навоӣ замонида ҳам адабиёт ўз орзусидаги қаҳрамони қиёфасида зарурий талабларни акс эттиргани табиӣдир.

Ҳазрат Али ҳикматларидаги ғоя ва қарашларда давр ўз муҳрини босган бўлса-да, уларнинг аксарияти Алишер Навоӣ замонасида ҳам эскирмаган, ўз долзарблигини йўқотмаган эди. Зотан, даврларнинг ўлмас садоси «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги рубойларда насрий ҳикматлар бағридаги умумбашарӣ ғояларнинг XV Хуросони ҳаётидан танланган тарихий – бадий лавҳалар билан омехта берилишида зикри ўтган ҳақиқат равшан намоён бўлади.

Қуйида икки давр нафаси уфуриб турган бир рубойга эътибор қилайлик:

Бу замоннинг одамлари айб қидирувчи жосуслардир.

*Даҳр аҳлига келди аҳли номус бори,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бори,
Олингда неча қилса заминбўс бори,
Лекин бордур айбинга жосус бори (36-бет).*

Рубойида Навоӣ арабча ҳикмат («Лекин бордур айбинга жосус бори») жой олган мисрага етиб боргунча, замон аҳлининг макру ҳийла билан машғул экани-ю лаганбардорликларигача бўлган манзараларини акс эттиради. Айни рубой «Маҳбуб ул-қулуб»даги қуйидаги жумлаларни эслатади: «Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фиғону фарёд» (МАТ. XIV жилд, 83-бет).

Рубойида ҳаётбахш таъсирга манба бўлган арабча ҳикмат мазмун жиҳатидан нақадар теран бўлмасин, Алишер Навоӣнинг мисраларидаги моҳият ундан-да кам эмас.

«Назм ул-жавоҳир» бағрида келган рубойларнинг бош мавзуи инсоннинг воқеликка, жамиятга муносабатини ёритишдан иборатдир. Асардаги таянч ғояни яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш, эзгуликнинг тантанасини улуғлаш ташкил қилади. Асарнинг бу хусусияти Ҳазрат Али қаламига мансуб ҳикматларга уйғун эканлиги билан диққатни тортади. Чунончи: «**Кишининг одоби унинг бойлигидан яхшидир; Охират савоби дунё роҳа-**

тидан яхшидир; Дўстларнинг яхшиликка бошлагани – яхшироқдир; Кўп тоатдан-оз маърифат яхши; Ақлли душман ахлоқ дўстдан яхшироқдир»; «Ёмон дўст – шайтондир; Яхши кишилар билан ҳамсухбат бўлиш – ёмонликдан асрайди; Сени ёмонликка бошлаган киши душманингдир»ва бошқалар (МАТ. XV жилд, 230-233-бетлар).

Аммо насрий ҳикматларда акс этган яхшилар бадий ифодасининг яхшилик тасвиридан фарқли бир жиҳати борки, баъзи ҳикматларда «ёмон» сўзи шахс сифатида отлашиб келади: «Ёмонга вафо – ҳаромдир; Ёмонга қайишган киши – залолатдадир; Ёмонларнинг яқинида юриш ҳам зарарлидир; Ёмон билан ҳамсухбат бўлиш – денгиз сафари каби хатарлидир; Ёмон билан ҳамсухбат бўлгандан ёлғизлик яхши» (МАТ. XV жилд, 234-бет).

Ҳикматлар заминида бунёдга келган рубойларда яхшилик ва ёмонлик тушунчалари биз юқорида таъкид этганимиздек алоҳида ажратиб берилмаган. Мажмуада рубойларнинг жойлашуви уларнинг олдидан келган арабча ҳикматли сўзларнинг алифбо сирасида беришга асосланган. Шунинг учун мавзулар таснифотида қатъий низомга таянувчи кетма-кетлик кузатилмайди.

«Наср ул-лаолий»да олижаноб инсоний фазилатларни улуғлашдан кўра одам табиатида акс этувчи иллатларни урғу билан кўрсатиш устунлик қилади. Айни услубий жило Қуръони каримда фоний ҳаётдан кўра охиратга кенг ўрин берилишини хотирга келтиради. Шундан бўлса керак, Алишер Навоий ҳам «Назм ул-жавоҳир»дан ўрин олган рубойларда ҳаётнинг бебақолиги, умрнинг ўткинчилиги, одам ўз умрини яхшиликка бағишласагина, унинг номи абадий қолиши, «олам гули» бўлган инсон учун энг муҳим неъмат олтин-кумуш эмас, балки одоб эканлигини таъкидлайди.

Гўзал хулқлар – ҳаё ва ибо, мардлик, кечиримли бўлиш, сабр-қаноат, одиллик, мулойимлик, сахийлик, меҳрибонлик, аҳдга вафо, дўстга садоқат кабилар – инсонни суврат ва сийратининг ибратидан нишонадир. Дин инсонлар ўртасида хушхулқиликни тарғиб этади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Дин насиҳатдир», - дея марҳамат қиладилар. Чунки динимизнинг асл ғояси ёмон феъл-атвордан покланган – одоби гўзал хушхулқ инсонни тарбиялашдир. Шу жиҳатдан «Назм ул-жавоҳир»ни яхлит ҳолида нодир ахлоқ тарғиботида қаратилган мажмуа дегимиз келади. Профессорлар Р.Воҳидов ва М.Маҳмудовларнинг «Назм ул-жавоҳир»да Алишер Навоийнинг нафосат ва ахлоққа доир фикрлари ўзининг бадий ифодасини топади» тарзидаги таъкидлари ҳақиқатга яқинлиги билан эътиборни тортади (Воҳидов Р., Маҳмудов М. Маънавият – комиллик саодати. – Т.: Маънавият, 1997. – 161-бет).

Асарда мавзу кўлами жиҳатидан хилма-хил йўналишлардаги насрий ҳикматли сўзларнинг қамраб олиниши бесабаб эмас, албатта. Улуғ шоир давр аҳлини иллатлардан холи кўриш ва лоқайдликка кескин зарба беришни истайди. Покланган инсон эса, дин ва иймон нуридан баҳраманд бўлишга сазавордир.

Чунончи, «Назм ул-жавоҳир» даги дастлабки ҳикмат ва рубоий вафо ҳақида. Табиийки, улар ҳам иймон нури билан йўғрилган.

Амонати йўқ кишининг дини ҳам йўқдир.

Ким олам аро диёнати йўқтур онинг,

Дин нуктасида фатонати йўқтур онинг,

Диндор улким, хиёнати йўқтур онинг,

Йўқ дин ангаким, амонати йўқтур онинг (116-бет).

Кўринадики, рубойида иймон ва дин тушунчалари бир баҳона бўлиб, барча инсоний фа-

зилатларнинг қамраб олиниши кишини ҳайратга солади. Яъни, аҳдига вафо – иймон; ҳаё, вафо, саховат – иймон; олий ҳимматлилик – иймон амалларидан ҳисобланади. Бошқача айтадиган бўлсак, иймон – қалбга қувват; иймон – яхши уйқу, иймон – огоҳлик, иймон – поклик ...

Дин ҳақидаги ҳикмат ва рубойни қуйидагича талқин қилиш мумкин: бурчни ўташ – диндан; кишини дўст тутиш – диндан; мурувватсизлик ва иймонсизлик – динсизлик, диннинг йўқлиги эса адашишдир. Мисолларга мурожаат қилайлик:

Кишининг иймони аҳдига вафо қилишида билинади.

*Иймони онингки куфрига сотир эрур,
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки, иймон ишида моҳир эрур,
Иймонини билки, сўзидин зоҳир эрур (34-бет).*

Назм ипига маржондек тизилган юқоридаги ҳикматли сўз рубойида атрофлича шарҳланган. Кўриб турганимиздек, рубойида Ҳазрат Алидаги «аҳдига вафо» ғоясидан бошқа яна бир қанча олижаноб фазилатлар ҳам қамраб олинади. Улар таянч ғоянинг олмос қирраларини очишда фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, учта мисрада «иймон» сўзи келяптики, бундай услубий жило ҳам қаламга олинган мавзунинг кенгроқ очилишига хизмат қилади.

Иймоннинг учдан бири ҳаё, учдан бири вафо, учдан бири сахийликдир

*Уч қисм ила иймонга бино фаҳм айла,
Аввалғисини онинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини доғи вафо фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, сахо фаҳм айла (44-бет).*

Ҳаё, вафо ва сахийлик – иймон биносининг устунларидир. Бу гўзал хулқлар инсонларни доим яхшилик сари етаклайди, ёмон ишлардан сақлайди. Расулуллоҳ (с.а.в): «Ҳаё фақат яхшилик келтиради», - деган ҳадислари орқали эса ҳаёнинг яхшиликни ҳаракатга келтирувчи куч сифатидаги қудратини таъкидлаганлар. Бу ерда ҳам - аҳдга вафо иймоннинг яна бир нишонаси сифатида келтирилган. «Аҳдга вафо қилмаганларнинг дини йўқ», - дея ҳукм чиқарадилар аҳдга вафода ибрат бўлган зот - Расули акрам (с.а.в).

Тўртинчи мисрадаги саховат эса, аввало, рубойида айтилганидек, иймон етуқлигининг белгисидир. Ўзгалар муҳаббатини уйғотувчи ҳам, шараф ва мартаба орттирувчи ҳам, сени севикли қилғучи ҳам саховатдир. Мазкур рубойидаги асосий ҳикматнинг очиб берилишидаги Навоийнинг хизматларидан бири, кўриб турганимиздек, араб лафзидаги қофиядош сўзларни сақлаб қолгани ҳолда, етакчи ғоянинг ёдда қоларлик тарзда, гўзал шаклда тақдим этилишида намоён бўлади.

Нимаики топсанг, саховат қил ҳикмати шарофати билан саховатга даъват қилувчи қуйидаги рубой дунёга келган:

*Майдони сахо ичра жалодат кўргуз,
Топқонни берур амрига одат кўргуз,
Бухл айласа, нафсингга адоват кўргуз,
Ҳар нимаки топилса, саховат кўргуз(47-бет).*

Ислом тарихида Ҳазрат Али ўзининг саховатпешалиги ва жавонмардлиги билан машҳур

бўлган. Бу ҳақда Расули Акрамнинг «Сен умматимнинг жавонмардроғисан»,- деган мазмундаги ҳадислари ҳам сақланиб қолган.

Иккинчидан, ушбу рубоий ҳикматда келган мавзу (садақа)нинг бошқа ёндош инсоний фазилят (саховат)га ўсиб ўтиши жараёнига ҳам мисол бўла олади.

Ҳазрат Али бошқа ҳикматларида турли муносабатлар билан саховатни қаламга олади. У шу йўналишдаги бир ҳаётий хулоса тарзида қуйидаги ҳикматни бунёд этган:

Кишини унинг олижаноблиги (саховати)га қараб зиёрат қил.

*Ёрингни тонир ишда маҳорат айла,
Диққат била ҳолига басорат айла,
Мукрим эса, изҳори башорат айла,
Жудиға қўра они зиёрат айла (66-бет).*

Саховатнинг қирралари бўлмиш хайр-эҳсон, садақа қилиш инсонни безайдиган гўзал сифатлардан ҳисобланади. Қуръони карим «Бақара» сурасининг 262-ояти каримасида бу хусусда ўқиймиз: «Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, кейинчалик берган нарсалари кетидан миннат ва озор етказмайдиган кишилар учун Парвардигорларидан мукофот бордир. Уларга хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар» (Қурони карим. 44-бет). Мазкур оятлардаги гўзал мазмун Ҳазрат Алининг ҳикматли сўзларида қуйидаги кўринишда, қисқа ва лўнда тарзда ифодаланган. Ўзбекча мазмуни: **«Нимаики топсанг, саховат қил», «Миннат билан қилинган садақанинг гуноҳи савобидан кўпроқ бўлади», «Эҳсон қилсанг, уни хоксорлик билан такрор эт», «Молнинг яхшиси Аллоҳ йўлида сарфланганидир», «Садақа-умрни узайтиради»** каби ҳикматларнинг туркийдаги шеърӣ талқинига киришар экан, Навоӣ уларни, одатдагидек, кенгайтириб, қўшимча ҳаётий далиллар билан бойитиш йўлидан боради.

Молнинг яхшиси Аллоҳ йўлида сарфланганидир.

*Молингки эрур, кому ҳаво йўлида харж,
Жоми маю лаҳни жонфизо йўлида харж,
Бордур ёмон айламак риё йўлида харж,
Яхшиси эрур бўлса, худо йўлида харж (55-бет).*

Кўринадикӣ, улуғ шоир инсон меҳнат билан нимаики топса, уларнинг барчасини эзгулик йўлида, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Худо йўлида сарфлаши зарур, деган ғояни олға суради. Бу ерда Ҳазрати Али ғоясини тарғиб этиш билан бир қаторда, молни бемаъни ишларга сарфланиш (исрофдан) ҳолларидан тийилишга чақириқ ҳам бор.

Исломиӣ руҳ берилган бу умуминсонӣ қадриятлар Ҳазрат Али даврининг ижтимоӣ-ахлоқӣ тарбияси учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, янгича – исломӣ - ахлоқӣ муносабатлар юзага келаётган шундай бир даврда бу хилдаги ҳаётий кўрсатмаларга эҳтиёж жуда кучли бўлган. Исломиӣ эътиқодни қабул қилган кишилар турли ҳаётий вазиятларда нима раво-ю, нима нораво эканини айни Қуръон, Ҳадис ва пандномалардан олганлар. Бундай асарлар ахлоқӣ тараққиётнинг янада юксалишига катта таъсир кўрсатиб келган.

Тил одоби Алишер Навоӣнинг таълимӣ қарашларида ўзак масала ҳисобланади. Туркий адабиётда бу мавзу Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий асарларида кенг ёритилган.

Таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий мушоҳадалари ҳам юқорида номлари зикр қилинган ижодкорлар қарашларининг бойитилган, сайқал топган кўриниши эканлиги билан диққатга моликдир.

Алишер Навоий рубойларининг бирида тил одоби хусусида ёзади: **Инсоннинг балоси тилдандир.**

*Сўзидин кишига ғаму бало ҳосилидур,
Ҳар нуктада тили деса бало дохилидур,
Бесирфа деган кишига тил қотилидур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур (40-бет).*

Бундай уйғунликнинг ўқ илдизларини исломий сарчашмалардан излаш панд бермайди. Чунки барча замонларда яшаб фаолият кўрсатган қаламкашлар учун айна хазина интилиш ва савод чиқариш манбаи ҳисобланган.

Ширинсўзлилик, мулойимлик гўзал хулқлардандир. Ширинсўзлилик кўнгилларга шодлик ва хурсандчилик бахш этувчи эзгулик, яхшиликлардандир. Ғариб дилларни осмон қадар юксакка кўтарувчи илоҳий қудрат ҳам ширинсўзлилик ва мулойимликдир. Камтар, хушфёъл, нозик табиатли бўлмоқ инсоний фазилятдир. Бу фазилят қуйидагича назм қилинган:

Сўзингни юмшоқ қил – севимли бўласан.
*Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,
Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил,
Юмшоқ де ҳадисингнию – маҳуб ўлғил (102-бет).*

Инсон учун энг гўзал зийнат адаб ва ҳаё, сабр ва қаноат, ҳалоллик ва саҳийлик каби ахлоқий фазилятлар эканлиги ҳикматли сўзларда ўз аксини топганки, Алишер Навоий рубойларида ёмонлик тарафида турувчи бандалар қалби ҳам мана шундай гўзал ахлоқ билан забт этилади деган орзу бор. Қуйидаги ҳикматли сўз ва дилбар рубоий фикримизни тасдиқлайди:

Кишиларнинг безаги одобдир.
*Зевар кишига не тожу не афсар бил,
Ул зевар адаб била ҳаё дархур бил,
Ҳар кимки адабсиздур ишин абтар бил,
Алқисса, эранларга адаб зевар бил (51-бет).*

Инсондаги шахсий хусусиятларнинг ривожланганлик даражасини белгилашда, рубойлардан кўриниб турганидек, фақат ўша фазилятларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Балки ҳар бир инсондаги ўзига хос хусусиятларни вужудга келтирувчи, унинг ривожланишига, ўзгаришига туртки бериб турувчи ҳолатларга эътибор ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Алишер Навоий бу омилларга, кўп ҳолларда, рубойининг дастлабки мисраларидан жой ажратади ва кейинги мисраларни асосий ғояни насрий ҳикматларнинг бадий таржимасини ифодалашга қолдиради.

Рубоий ўз давридаги инсон борлигининг энг муҳим кўрсаткичларини қамраб олган. Инсоннинг шахсий сифатлари, ижтимоий малакаларини ривожлантиришда энг муҳим омил

– унинг ўзлигини англаб етиши экани мазкур рубой руҳидан яққол кўриниб туради. Ўз табиатида нима яхши-ю, нима ёмон эканини идрок этиш инсоннинг ўзлигини англаб етиши, унинг ўзига хос хусусиятларининг шаклланишига чинакам мадад беради.

«Назм ул-жавоҳир» рубойларидаги ахлоқий қарашларда инсоннинг ўзлигини англаб етиши йўлида илмнинг қудрати, жаҳолатнинг зарари, тилни тийиш, кибр ва ҳасаднинг иллати тўғрисидаги фикрлар ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, ўқувчи баркамол инсон тарбиясида зарур бўлган сифат ва хислатларни «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги рубойлардан англаб олиши ҳам уни илм-маърифат сари бошлайди. Шунга асосланган ҳолда, эътиборни юксак инсоний фазилатларга бағишланган ҳикматлар орасида ажралиб турган – баркамол инсоннинг маънавий сифатларидан бири – илм-маърифатга, билим олишга даъват қилувчи ҳикматли сўзларга қаратмоқчимиз.

Қуръоннинг кўпгина оятларидаги сингари пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам мўъмин-мусулмонларни билимли, маърифатли, ўқимишли бўлишга даъват; илмнинг динни мустаҳкамлаш, эътиқодни поклашдаги таъсири; инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни, унинг фазилати ҳақида ажойиб фикрлар мавжуд. Бу масалада Ҳазрат Али қарашлари ҳам Қуръону Ҳадисга ҳамоҳангдир. Алишер Навоий Ҳазрат Алининг илм ва илм олишга даъват қилувчи, илм ва ирфон аҳлини улуғловчи ҳикматларини таржима қилиш орқали, ўзининг ахлоқий-таълимий, илоҳий-ирфоний қарашларини рубойлар маъзига сингдира боради.

Чунки илм – миллатнинг фаровон яшаши, диннинг мустаҳкамланиши учун керак бўлган маънавий хазинадир. Бу хазинадан олинган, мўъмин ва мўъминаларнинг дину миллат, халқ, фан фойдасига ярайдиган маънавий бойликни ўрганишга сарфланган вақти – ҳар қандай тоатдан афзалдир. Боиси, ҳар қандай тоатнинг боши маърифатдир. Қолаверса, тоатдан ҳам, илму маърифатдан ҳам мақсад – инсон руҳий-маънавий камолоти ҳисобланади. Бу масалада Ҳазрат Али қарашлари пайғамбаримиз Расули акрамнинг «Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир», «Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқ» (Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. –Т.: "Камалак", 1991. 93-бет) деган ҳадислардаги фикрларига ҳамоҳангдир. Айни шу хусусда айтилган қуйидаги ҳикматли сўзнинг Алишер Навоий томонидан назмга солиниши шарҳига эътибор қилайлик:

Кўп тоатдан - оз маърифат яхши.

Ирфон аҳлига эл ниёзи яхши,

Таъзим ила лутф дилнавози яхши,

Гар маърифат ўлса, чорасози яхши,

Тоат кўпидин, маърифат ози яхши (73-бет).

Маълумки, Навоий яшаган, зиддиятларга тўла даврдаги илм аҳлига бўлган муносабат шоирни қониқтирмас эди. Шу боисдан ҳам, Навоий амалий фаолияти билан илм аҳлига доимо кўмак бериб келди. Рубойида жамият аъзоларидан илм-ирфон аҳлига эътиборда бўлиш, уларга меҳрибончилик кўрсатиш кераклиги таъкидланиши ҳам бежиз эмас. Шу билан бирга, шоир ҳаётдаги барча ночорликларнинг чораси маърифатдир, деган хулосага келади ва бу билан Ҳазрат Али ҳикматида кўтарилган муаммо доирасини янада кенгайтиради.

Ҳар қандай илм амали билан гўзал, албатта. Олимнинг илмидан эл баҳраманд бўлиши даркор. Расули Акрамнинг «Илмга амал қилувчилардан бўлингиз; уни тилда сўзловчилардан бўлмангиз», - деган ҳадисларида маърифатни фақат қуруқ (амалсиз) қабул қилмасдан,

балки уларни ҳаётга тадбиқ қилиш шарт эканлиги, олинган билим билан халққа хизматда бўлиш кераклиги таъкидланса; Ҳазрат Алининг **«Китобларни йиққандан кўра, (ундаги нарсаларни) хотирангда сақлаганинг яхшироқдир»** ҳикматли сўзида асосий диққат илм толиби китобдан олган билимини меҳнат ва шижоат орқали хотирада сақлагани маъқулдир, деган фикрга қаратилган.

Бу ҳикматни Алишер Навоий назм ипига қуйидагича тизади:

*Дониш тилабон ҳар сори кетгайсен,
Ҳифз айламасанг варақ йиғиб нетгайсен,
Саъй айлаки, ҳифзи ганжиге етгайсен,
Йўқ улки, кутуб саъй ила жамъ этгайсен (89-бет).*

Аллоҳнинг абадийлик, улуғлик ва буюклик каби сифатлари Қуръони каримнинг талайгина сураларида таърифланади. "Назм ул-жавоҳир" рубоийларида Аллоҳнинг бундай ноёб сифатларини улуғлаш билан бирга, Унга тоат-ибодат ғаниматлиги, бу эса қалбга қувват, кўзга нур бўлиши таъкидланади:

Душманга итоат ҳалокатдир.
*Тут ҳақ тарафи касби саноат қилмоқ.
Ҳақдин неки юзланса, қаноат қилмоқ.
Жон топмоқ эрур дўстқа тоат қилмоқ,
Душманга ўлумдурур итоат қилмоқ(83-бет).*

«Назм ул-жавоҳир»нинг қатор рубоийларида адолатли бўлиш, золим бўлмаслик, ноҳақлик қилмаслик каби сифатлар гўзал инсоний ахлоқ тарзида улуғланади. Алишер Навоий рубоийларида буулуғ ғоялар талқинида ҳам бош сарчашмага уйғунлик яққол сезилиб туради :

Золим умрининг сояси қисқадир .
*Золимки, шиор этти жафо поясини,
Ўз воясинистаб олди эл воясини,
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,
Ҳақ айлади қисқа умрининг соясини(86-бет).*

Мазкур рубоийда бадий ифодасини топган ғоя «Ҳайрат ул-аброр» достонида шу мавзулардаги қарашлар билан ҳамоҳанглик касб этади. Жумладан, бундай ҳолатни қуйидаги парчада равшан ҳис қилиш мумкин:

*Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.
Улки ушотур босибон шишани,
Қилмас аёқ захмидин андишани...
Кимки фалак сори отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини (МАТ. VII жилд. 234-236-бетлар).*

Кўринадик, юқоридаги мисраларда тилга олинадаган одам инсонлар орасига зулм уруғини сочиб, ўша муҳитда ўзи ҳам мавжуд эканини унутиб қўяди. Бу ўзи сузиб кетаётган кемани тешиш билан баробардир. **«Киши зулм қилса, ўзи хор бўлади», «Мазлумнинг ранж-уқубати зое кетмайди», «Золимнинг зулми уни ҳалокатга йўллайди»** каби ҳикматларнинг «Хамса»да ҳам қўлланилгани Алишер Навоийнинг бундай дурдона ҳикматларга жиддий эътибор қараганлигидан далолатдир.

Алишер Навоий ўзининг «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб» каби шоҳ асарларида мамлакатнинг обод, юртнинг тинч, халқнинг фаровон яшашида шоҳларнинг адолатли бўлиши тўғрисидаги олижаноб ғояларни илгари сурди. Адолатли шоҳнинг илми, фозил бўлиши хусусидаги Ҳазрат Алининг ҳикматли сўзидаги ғоя Алишер Навоийнинг қуйидаги рубойида юксак бадиий тақмилини топади:

Илми шоҳга заволи йўқдир.

Ҳар кимдаким, илм қийлу қоли бўлмас,

Илм аҳлига сўз дерга мажоли бўлмас,

Олим мулкининг интиқоли бўлмас,

Шаҳ олим агар бўлса, заволи бўлмас (103-бет).

Ҳазрат Али ҳам милодий 656-661 йиллар орасида халифалик қилиб, ислом дунёсини бошқарган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни йўлга қўйиш, унинг маромини белгилаш ишини зиммасида сақлаш ниҳоятда мушкул иш. Манбалардан маълумки, Мадина аҳли халифа Усмон вафотидан кейин маслаҳатлашиб, бу ўринга Ҳазрат Алидан бошқа муносиб номзод йўқлигини тушунадилар. Али бу ишнинг қийинчилиги ва масъулиятини ҳис этган ҳолда, аввалига халифаликни зиммасига олишга кўнмайди. Таклиф дарҳол рад этилади. Али ўзининг бу қарорини шундай изоҳлайди: «Халифалик иши қалбларни титратадиган, ақлни шоширадиган амалларга тўла. Бунинг устига, мен олий мақом, мартаба йўлида ҳақдан кечадиган, ўзбилармон кишилар тоифасининг гина-кудуратларию инжиқликларига қулоқ тутадиган одам эмасман. Қолаверса, халифаликка мени ўтқазиб, кейин ўзингиз пушаймон бўлиб ўтирасиз». Одамлар бўш келишмади. Қарорлари қатъий эканини билдиришди. Ҳазрат Алининг ўшандай таклифга кўнмай бошқа иложи қолмади. Аммо, бир кеча-кундуздаёқ уни бу ишга кўндирганларнинг кўпчилиги қилган ишларидан пушаймон бўлишди. У ўзининг дастлабки тадбирларини эълон қилганида, молпарастлар ларзага келди. Ҳаром ва эгри йўллар билан топилган бойликлар эса эгаларидан тортиб олинадиган бўлди. Пайғамбар замонасидан 24 йил ўтган бўлса ҳам, Ҳазрат Али ўша-ўша дадил, шижоатли, қатъиятли, элга қайишадиган инсон эди (Пайғоми Ҳазрати Али.3-5-бет). Дарҳақиқат, Ҳазрат Али ибн Абу Толиб қатъиятли, чўрткесар, адолатталаб, билимдон инсон бўлган. Ундаги бу сифатларни қадрлаб, хулафои рошидин замонасида Ҳазрат Алини Ироқда қозиликни ишониб топширишган эди (Бекмирзаев И. Ҳанафий мазҳабида қозилик қилиш шартлари. Шарқ машъали2004. № 1,2.13- 15-бетлар).

Ҳазрат Алининг юртни бошқариш ҳақидаги **«Шоҳларнинг давлати адолатда»** ҳикматидаги ғояни Алишер Навоий ривожлантиради ва гўзал рубойи яратишга эришади:

Шаҳуббаҳату ҳашматидур адли била,

Иқбол доғи шавкатидур адли била,

Олам эли амниятидур адли била,

Султонларнинг давлатидур адли била (59-бет).

Шеърӣ сатрлардан аёнлашаётирки, насрий ҳикматдаги таянч ғояга асосланган улӯғ шоир уни такомиллаштиради, ўз замонасидаги адлу адолатга доир қараш ва лавҳа билан бойитган ҳолда шеърхонга тақдим этади.

Илм инсонни гумроҳлик ва нодонликдан халос этиш билан бирга, ёмон хислатлардан қутилиш, яхшиликка юз тутишга ҳам ўргатишини қуйидаги рубоийда янада равшанроқ кўрамир:

Омӣ кишининг зоҳидлиги гумроҳликдир.

Ғар бор эса ҳақға даргоҳлиғи,

Илм ортуқким икки жаҳон шоҳлиғи,

Олам фисқида бордур огоҳлиғи,

Оми киши зуҳди бўлди гумроҳлиғи (68-бет).

Ҳақ ўз севган бандаларига икки дунё саодатини инъом этади. Илм ана шундай улӯғ саодатнинг калитидир. Шунинг учун ҳам Алишер Навоӣ илм эгаллашни икки жаҳон шоҳлигидан устун қўяди. Рубоийнинг дастлабки байтини мутолаа қилган сезгир китобхон унда икки олам сарвари Муҳаммад Мустафонинг «Кимки дунё саодатини тиласа, тижорат қилсин, кимки охиратни ўйласа, ибодат қилсин. Кимки икки дунёда бахтиёр бўлишни истаса, илм ўргансин»,- деган ҳадисларининг мазмуни сингдирилганлигини (яширин талмех) англаб етади.

«Назм ул-жавоҳир»да юқорида қайд этилган ҳикматлардан ташқари, **«Илмнинг камоли ҳилмдадир», «Илм мажлиси жаннат боғига ўхшайди», «Илмнинг заволи мақта-нишдир», «Илмнинг даражаси сифатидадир»** каби ҳикматларнинг ҳам назмий шарҳи берилган. Ҳикматли сўз ҳамда рубоийларда тарғиб қилинган мақсад ва моҳият битта: инсонларни илм ўрганишга, унга умрни бахшида қилишга даъват, олинган билим билан халққа хизматда бўлиш лозимлиги таъкидланади. Шу билан бирга, ўрганилган илмларни бошқаларга ўргатишда бахиллик, хасислик, манманлик қилиш нодуруст хислат эканлиги уқтирилади.

Хуллас, илм ва илм олишга даъват икки буюк сиймо – Ҳазрат Али ва Алишер Навоӣ томонидан ўзига хос услубда ҳикматли сўз ва рубоӣ орқали тарғиб қилинади. Ҳикматли сўз ва рубоӣни мутолаа қилган китобхон кўз ўнгида Ҳазрат Али ва Алишер Навоӣлар эса донишманд инсон, илм-маърифатнинг ҳомийси ҳамда тарғиботчиси сиймосида гавдаланади.

Инсон тарбиясида одоб-ахлоққа доир фикрлар Ҳазрат Али томонидан содда, мазмунан аниқ, шаклан мухтасар тарзда берилган бўлса; Алишер Навоӣ уларни ифодали, бўёқдор, чиройли, ёқимли ва таъсирчан қилиб, бадий акс эттиришга интилан. Ҳар иккала буюк маънавий арбобнинг илм-маърифатни эгаллашга қаратилган даъватлари бугунги кунда истиқлол ва унинг истиқболи учун чуқур билимли, заковатли, бой маънавиятли авлодларни тарбиялашда муҳим ғоявий- адабий манбаҳисобланади.

«Назм ул-жавоҳир»да қаламга олинган мавзулар доирасида тасаввуфий тушунчаларни эслатувчи – мулойимлик, юмшоқ феъллилиқ, одоб, нафсга қарши туриш, ёмонга ҳам яхшилик қилиш, авлиёларни эслаш, заифларнинг ҳолидан хабар олиш, ботиний хусн, тавозеъ каби тушунчалар силсиласи борки, уларни кейинги асрлар тариқат маслағи ғояларининг ривожланишига туртки бўлган ҳикматлар дейиш мумкин. Булар орасида кейинчалик сўфийлик фалсафасида мустаҳкам ўрин олган «нафс» тушунчаси бирмунча кенг муҳокама қилинади:

Нафсингдан қочишинг, шердан қочишингдан кўра фойдалироқдир.

*Ким кинавар ўлса, иста ондин қочмоқ,
Нечунки, зарурдур ёмондин қочмоқ,
Эр ўғлиға нафси гинарондин қочмоқ,
Анфаъдурким, шери жаёндин қочмоқ(114-бет).*

«Назм ул-жавоҳир»даги арабча ҳикматлар орасида **«Нафсингга қарши тур – дам ола-сан», «Нафсга безак берма – уни чарчатасан», «Нафсинг ғалаба қилса, ҳақ йўлини тут», «Кимки нафс ёмонлигидан омон қолган бўлса, ғалаба қилибди»** кабиларда ўртага ташланган фикрлар Аҳмад Яссавий ижодида ҳам акс-садо берган:

*Бўлуб нафсингга тобе банд этарсан тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд*

(Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.- Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 10-бет).

Бу мисраларнинг юқорида келтирилган Ҳазрат Али ҳикмати таъсирида юзага келгани яққол кўриниб турибди.

Шулар билан бир қаторда, манбаларда Ҳазрат Али бу дунё лаззатларидан воз кечган зоҳид, ботинан ва зоҳиран Аллоҳ таолонинг ишқи билан ҳаёт кечирган шахс бўлган, дейилади. Шулардан келиб чиқиб, Ҳазрат Алини тасаввуф силсиласининг бошланиши-сарҳалқаси дея талқин қилиш кўпгина манбаларда қайд этилган. Чунончи, «Сияр ул-ақтоб»да ёзилишича, Ҳазрати Алига 12 та сўфийлик тариқати бориб тақалар экан. Уларнинг силсилаи иродатлари: Али унинг халифаси Ҳасан Басрий, Фузайл Йёз, Иброҳим Адҳам, Жунайд Бағдодий¹.

«Назм ул-жавоҳир»даги рубоийларда ҳам, унга манба ҳисобланган «Наср ул-лаолий» ҳикматларида ҳам ислом дини арконлари, шариат қонун – қоидалари тарғиби билан бирга одоб ва ахлоқ, ҳалоллик, поклик, саховат, ҳиммат, илм олиш, эҳсон, шарм – ҳаё, нафсни тийиш, дўстга садоқат, ота – онани қадрлаш, фарзанд тарбияси, қаноатли бўлиш каби ижтимоий - маиший, ахлоқий-маърифий масалалар ҳам қамраб олинади.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир»ни 1485 йилда ёзганини ҳисобга олсак, унда қаламга олинган хилма-хил мавзулардан кўпларини «Хамса» таркибидаги дostonларда, «Ҳазойин ул-маоний»ни ташкил этган девонларидан ўрин олган шеърларида ҳам ривожлантирганлигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос яхлит олинганда, баркамол инсон қиёфаси манзараларининг миқёси янада ортади. Улуғ шоирнинг зикри ўтган ҳикматли сўзларга қўл урганининг сабабларидан бири, улардаги буюк мутафаккирга манзур бўлган чуқур фалсафийлик бўлса; иккинчиси, садоқатли мураббий сифатида ислом оламида улуғ шахс ҳисобланган Ҳазрат Алининг нуфузидан эзгу ғояларни тарғиб этишда фойдаланишидир.

Одоб-ахлоқ мавзуидаги асарлар Алишер Навоий замонаси ва ундан кейинги давр адабиётида жуда кенг тарқалди. Уларда Ҳазрат Али ва Алишер Навоий ўртага ташлаган ибратли ахлоқий мезонларга бот-бот мурожаат қилинганлигини ҳис қилиш қийин эмас.

¹ Сияр ул-ақтоб. Қўлёзма, Тошкент Давлат ислом университети қўлёзмалар фонди. 3 а бет.

3.3.СЎЗ САНЪАТИ ҒОЯ БИЛАН ЖОЗИБ

Ҳар қандай ижодкор ўз олдига қўйган мақсадига ҳаётдан танлаган воқеалари, улардан сизиб чиққан сабоқларни муносиб шаклда мукаммал бадиий ифодалай олсагина эришади. Алишер Навоий Ҳазрат Али насрий ҳикматларини ўзбек тилга эркин ижодий таржимада бадиий акс эттириш учун рубоий жанрини маъқул кўрди. Академик шоир Ғафур Ғулом ўринли таъкидлаганидек, «рубоий олам-олам мазмунларнинг жавҳарини йиғиб, тўртта сатрга сиғдира олиш маҳорати...»дир (Ғафур Ғулом. Адабий – танқидий мақолалар. I жилд. – Т.: “Фан”, 1971. 417-бет).

«Наср ул-лаолий»нинг кўпгина арабий ва форсий нусхалари билан танишган ва катта маънавий завқ олган улуғ шоир «Назм ул-жавоҳир» дебочасида ёзади: « Ва паришон хотирға ва ошуфта замирға бу орзу кўп дағдаға солур эрдиким, туркий тили била мен ҳам ул лаолийни [инжуларни] ораста қилғаймен» (МАТ.128-бет).

Алишер Навоий асрлар оша исломий манбалар билан бир қаторда авлодлар эътиборидан тушмай келаётган насрдаги арабча дурдона фикрларни алоҳида эътиборга олади ва уларни туркийзабон китобхонларга назм либосида етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Чунки назм ўзининг жозибадорлиги, рангин ва равонлиги, дарсхонасининг кенглиги билан ўқувчини фикрий мушоҳадага тортади, унга кучли таъсир кўрсатади.

Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» асари муқаддимасида шеърӣ баён тарзининг устунликлари хусусида: «Инна мин аш-шеъри ла-ҳикматан ва инна мин ал-баёни ла-сеҳран»яъни, «Ҳақиқатан ҳам шеърда ҳикмат бор, баёнда (нотиқ нутқида) – сеҳр», - дейилган ҳадисини келтиради ва уни «назмда балоғат ва насрда фасоҳат таърифида» айтилганини таъкидлайди. Шу билан бирга Алишер Навоийни «ҳикмат» ҳам, унинг қаватларидаги «сеҳр» ҳам қизиқтиради. Муаллиф ўз айтганларини китобхонга етказиш бадиий тасвир воситалари, шеърӣ санъатлар ва назмнинг барча унсурларидан моҳирона фойдаланади. Устоз навоийшунос А.Ҳайитметовнинг ёзишича: «Навоий прогрессив адабиётнинг доимий назарий принципи – формага нисбатан мазмуннинг биринчилигига фақат лирик асарларида эмас, балки майда лирик асарларида ҳам доим риоя қилган» (Ҳайитметов А. Навоийнинг ижоди методи масалалари. –Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти. 1963. 70-бет). Аммо бундай таъкид асарнинг шаклий жиҳатини иккинчи даражага суриб қўйиш деган гап эмас.

«Назм ул-жавоҳир» рубоийлари бадииятининг шаклий жиҳатлари ҳақидаги фикрларни Ғиёсиддин Хондамирнинг «...Ва шу каби, «Наср ул-лаолий»нинг туркийча таржимасида 260 рубоий назм қилгандирларки, унинг ҳар тўрт мисраси бир хил қофия ва бир хил радифлидир. Кўринишича, ул ҳазратдан илгари ҳеч ким туркий тилда рубоий айтмаган, ҳар тўрт мисраси қофиядош ва радифдош бўлганига нима етсин» тарзидаги мулоҳазаларига муносабат билдириш масадга муофиқдир. (Макорим ул-ахлоқ. 50-бет). «Макорим ул-ахлоқ» мутаржимлари М.Фахриддинов ва П.Шамсиевлар Хондамир таъкидигақуйидагича изоҳ беришади: «Навоийга қадар бир неча ўзбек шоирлари туркий тилда рубоий айтганлари маълум. Лекин Хондамир бу ерда маълум даражада муболаға қилган кўринади, афтидан, сермаъно ва энг гўзал рубоийларни Навоий яратган, демоқчи бўлса керак» (Ўша китоб. 50-бет). Туркий тилда Навоийгача Ҳофиз Хоразмӣ ва Лутфӣ рубоийлари ҳам машҳур бўлганини ҳисобга олсак, Хондамирнинг юқоридаги мулоҳазалари Навоий рубоийлари ғоявий - бадиий жиҳатидан маҳоратининг баландлигига берилган юксак баҳоси деб ҳам қараш мумкин.

Алишер Навоийгача форсий адабиётда рубоий ўзининг барча жанрий белгилари билан тўла шаклланиб, барқарорлашиб улгурган эди. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, бу адабиёт анъаналари билан яқиндан таниш бўлган Алишер Навоий ижодида фалсафӣ тўртлик талабларига жавоб бера олмайдиган бирорта рубоийни деярли учратмаймиз.

Навоийшунос А.Ҳайитметовнинг маълумотича, «Навоийнинг «Муншаот» асарида 56, «Маҳбуб ул-қулуб»да 10, «Мажолис ун-нафоис»да 16 рубойи си бор. Шоирнинг насрий ва илмий филологик асарларида ҳаммаси бўлиб, фақат ўзбек тилида 100 дан ортиқ рубойи си бор. Бу эса «Ҳазойин ул-маоний»даги рубойлар миқдорига яқинлашиб қолади. Унинг девонларига ёзган дебочаларидаги, «Назм ул-жавоҳир»даги рубойларининг ҳаммасини «Ҳазойин ул-маоний» ва «Девони Фоний»даги рубойлар билан қўшганда, Навоийнинг ўзбек адабиёти тарихида энг йирик рубойнавис бўлгани англашилади» (Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993. 144-бет).

Алишер Навоий Ҳазрат Али ҳикматли сўзларини шеърга солишда кенг ижодий имкони ят ва катта адабий тажрибага эга эди. Шу ижодий тажриба ва илмий салоҳият унинг рубойлари муваффақиятини таъминлаган таянч омилдир.

Навоийшунос С.Ғаниева «Назм ул-жавоҳир»да «Ҳазрат Алининг 218 ҳикматининг ҳар бири рубойда тўрт мисраси қофия ва радифли қилиб берилади» (Ғаниева С. Ҳар бирини тўрт дурри гавҳар дегил //Имомал-Бухорий сабоқлари . - 2001 № 3.-211-214-бет), - деб ёзди. Хондамир (рубойларнинг ҳаммаси қофия ва радифли деб) ҳисобдан адашган бўлиши мумкин. Аммо гап фақат рақамларда эмас. Аввало, шунча рубойнинг тўрттала мисрасини қофияланадиган қилиб, рубойи тарона шаклида беришнинг ўзи ҳам шоирдан каттагина ижодий тажриба, шеърый маҳорат талаб қилади. Зеро, «Ижодкорнинг салоҳияти шеърларда қўлланилган қофияларнинг ғоявий моҳиятини, тимсоллар қиёфасини очишдаги аҳамияти, қофия учун танланган сўзларнинг маънавий теранлиги, оҳангдорлиги, жило ва жозибаси билан ҳам белгиланган» (Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993. 115-бет).

Дарҳақиқат, "Назм ул-жавоҳир"даги рубойларда қофия ҳам, радиф ҳам мазмунни имкон қадар тўлароқ очиб беришга хизмат қилдирилган.

Рубойлар бадииятининг шаклий хусусиятларидан яна бири ундаги мисраларнинг жойлашувидир. Юқорида айтганимиздек, рубойнинг ҳар бир мисраси ўзига хос вазифани бажаради. Шоир биринчи мисрада айтмоқчи бўлган фикр, ғоянинг қисқа ва лўнда ифодасини берса; иккинчи мисрада, кўпинча, биринчи мисрадаги фикрнинг қутбларини кенгайтиради. Рубойнинг учинчи мисраси шоирнинг якуний хулоса ясаши учун замин ҳозирлайди. Тўртинчи мисра якуний хулоса сифатида юзага келади.

Рубой жанрининг ана шу маромига мувофиқ асосий ғоя ташувчи ҳикматли сўз – Ҳазрат Али афоризмини Алишер Навоий рубойнинг охириги мисрасида (баъзан байтида) беради. Қолган мисралар эса улуғ шоирнинг эркин ижодининг маҳсулидир. Айни мисралар жасоратли халифа ҳикматлари Навоийни нималарга илҳомлантирганини кузатиш имкониятини беради. Чунончи:

Ким сукут сақласа, надомат қилмайди.

Ҳар кимсаки, нуктаси фаровон бўлмас,

Тил ранжига қолмоқлиғи имкон бўлмас,

Кўп сўзлагучиға ғайри нуқсон бўлмас,

Ҳар кимки хамуш бўлди, пушаймон бўлмас (105-бет).

Бу ўринда насрий ҳикмат – тўртинчи мисрага келтирилади. Бундай ҳолларда Навоийда ҳикматда ифодаланган ғояни ўзининг теран фалсафий мушоҳадалари билан бойитиш имконияти янада кенгайди. Масалан, таҳлил қилаётганимиз рубойнинг учинчи мисраси

Ҳазрат Алининг «**Гапнинг айби узунлигидадир**» деган ҳикматининг шеърӣ ифодасидир. Кўринадики, Алишер Навоӣда биргина ҳикмат доирасида ўз ғоявий ниятини етарли даражада бадий ифодалаш имкони бўлмаган ва улуғ шоир яна бир ҳадисга мурожаат қилиш орқали тасаввур доирасини янада теранлаштириш йўлидан борган. Шунингдек, рубоӣйларда кўзга ташланадиган “ўхшаш” сатрлар улуғ шоир топқирлиги, маҳорати туфайли турфа маънолар ташийдӣ.

Гапнинг айби узунлигидадир.

*Бермас татвил чун сухандон сўзга,
Қил мухтасар улча бўлғай имкон сўзга,
Кўп айб топар кимса фаровон сўзга,
Чун чекти узоққа, етти нуқсон сўзга (88-бет).*

Олдинги рубоӣйнинг учинчи мисраси билан кейинги рубоӣйнинг тўртинчи мисраси мазмунан уйғунлигига қарамай, турлича ифода шакли шарофати билан мустақил маъно ташувчи мисраларга айланган.

Яна шундай рубоӣйлар ҳам борки, уларнинг етакчи ғояси кейинги икки мисрани банд қилади. Бундай ҳолларда, шоирнинг эркин мушоҳада юритиш имконияти бирмунча чекланиб қолади. Бироқ улуғ шоир ана ўшандай “танг” вазиятдан чиқиб кетади. Бунинг учун унга чексиз тафаккури ва баланд бадий завқи кўмакка келади.

Умринг аввалида ўтган иш(хато)ларингни умринг охирида тўғрила.

*Қуллуқ ишида қисмати авқот айла,
Чун умрға эътимод йўқ бот айла,
Умр аввалида ҳисоби офот айла,
Умр охирида қазойи мофот айла (41-бет).*

Бу ўринда Алишер Навоӣ Ҳазрат Али ҳикматини икки мисрага жойлаштиради. Рубоӣйнинг қолган икки мисрасидан жуда унумли фойдаланган улуғ шоир мазмунни ҳайратомуз кенгайтиришга эришади.

Бандалик ишида вақтни тақсимлаб қўйиш ғояси «Назм ул-жавоҳир»дан олдин «Ҳайрат ул-аброр»нинг 17- мақолатида ҳам тилга олинган .

*Умр кунин қисмат этибдир қазо,
Ҳар чоғи бир ишга қилиб иқтизо (МАТ. VII жилд. 289-бет).*

Муқаддимавий маснавий сатрларидаги тасвирга кўра умр кунларини тақдирнинг ўзи қисмларга ажратиб қўйган бўлса, «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги рубоӣйда «Бандалик ишида вақтни тегишли ишларга ажратиб қўйиш» лозимлиги айтилиб, ўқувчини етакчи ғоя мазмунини англашга тайёрлайди. Шоирнинг иккинчи мисрада келтирган далили ўта ишончли: киши ўз умри қанча давом этишини билмайди. Рубоӣй ниҳоясида етакчи ғоядаги фикрнинг ифодаси учун «қилинмай қолган ишни бажариш» маъносидаги «қазойи мофот» иборасини қўллаб, пухта, мустақил маънодаги мисра яратишга эришади.

«Назм ул-жавоҳир» асарининг тили ҳақида гапириладиган бўлса, муаллиф ўз замондошлари учун тушунарли, равон ва рангин бадий мушоҳада юритиш йўлидан борганлигини пайқаш қийин эмас.

Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги рубойларда қофияи таронани қўлаш, кўпгина рубойларнинг радифли бўлишини таъминлаш орқали асарнинг бадиий таъсирчанлигини янада оширган. Шу маънода проф А. Рустамов ўринли қайд қилганларидек: «Навоий асарларида бадиий воситалар кам ҳам эмас, ортиқча ҳам эмас» (Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 28-бет). Зеро, Алишер Навоий рубойларининг таъсирли ва жозибали чиққанининг сирларидан бири ҳам шунда.

Туғилиш ўлимнинг элчисидир.

*Танға ҳаёт жомидур комрасон,
Бўл танға нишот комидин жомрасон,
Жонға ҳам ўлим сўзидин бурун оромрасон,
Ким туғмоқ эрур ўлумга пайғомрасон(64-бет).*

Рубойи мисраларида ком (истак, тилак, мақсад), жом (қадах), ором (ҳузур, ҳаловат), пайғом (хабар) сўзлари оҳангдош бўлиб, ҳеч қандай ўзгаришсиз такрорланувчи «расон» (сўз бирикмасида – етказувчи) радиф вазифасида келган. «Назм ул-жавоҳир» нашрларида «расон»нинг қофиядош сўзларга қўшилиб ёзилиши натижасида унинг радиф вазифасида ишлатилишини дарров пайқаш қийин. Бироқ масаланинг моҳиятига теран муносабатда бўлган улуғ шоир «расон»ни радиф ўрнида қўллаш орқали Яратган Қодир Эгамга илтижо қилиб барча эзгуликларга етказишни сўрайди.

Кишининг ҳаёси унинг пардасидир.

*Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатға саҳоб ўлди ҳаё,
Мазмун хасоилға ҳижоб ўлди ҳаё,
Эл айбиға гўёки ниқоб ўлди ҳаё (51-бет).*

Рубойидаги “ўлди ҳаё” радифи икки жиҳати билан аҳамиятлидир: Биринчидан, рубойидаги асосий ғояни ташувчи сўз бирикмаси сифатида қўлланган бўлса; иккинчидан, бу сўз рубойи оҳангдорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаган. Худди шундай фикрни асардаги бошқа радифли рубойларга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Рубойларнинг шаклий белгиларидан яна бири вазндир. Алишер Навоий «Мезон ул – авзон»да бу ҳақда ёзади: «Рубойи вазниким, ани «ду байтий» ва «тарона» ҳам дерлар, ҳазаж баҳрининг «ахрам» ва «ахраб»ида истисрож (танлаб олиш) қилубтурлар» (МАТ. XVII. 157-бет). Рубойи жанри талабларига жавоб берадиган шеър ўзига хос барқарор хусусиятларга эга бўлмоғи лозим (Адабиётшунослик терминлари луғати. Ўқитувчи нашриёти. –Тошкент. 1970. 190-бет). «Назм ул-жавоҳир» таркибида келган рубойларда улуғ шоирнинг ўз назарий қарашларига жиддий эътибор қилганлигини кўрсатади. Мажмуадан жой олган 268 рубойининг ҳазаж баҳрининг «ахрам» ва «ахраб» шаҳобчаларида бунёд этилганлиги ҳам ўшандай ҳулосага келиш асосини беради. Жумладан, қуйидаги рубойи кўп учрайдиган рубойи вазнларидан «ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар» вазнида битилган.

Хукмронликнинг мустаҳкамлиги адолатдадир.

Адл айла/ки, ул халқ /ҳаёти бўл/миш,
Хуш ул ки/шиким, адл/ сифоти бўл/миш,
Ҳам мулк/ била адл/ жиҳоти бўл/миш,
Ҳам адл / била мулк/ саботи бўл/миш (45-бет).

Вазни:

Мафъулу/мафойилу/мафойилун/фаъ

Рубойни ўқиганда, ҳар бир мисранинг охириги рукни «миш»да урғу ҳосил бўлиб, ишонтирувчи бир оҳанг яратади.

Сўзнинг яхшиси – қисқасидир.

Ҳар кимса/ки сўз демак/ шиорида /дурур,
Маъно гу/ли нутқининг /баҳорида /дурур,
Сўзким де/масун улки их/тиёрида /дурур,
Сўз яхши/лиғи чу их/тисорида /дурур (49-бет).

Вазни «ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб» (Мафъулу/ мафойилун/ мафойилу/ фаал).

«Назм ул-жавоҳир» таркибида шундай рубойлар ҳам учрайдики, улардан бир мисраси бир вазнда ва қолган уч мисраси бошқа ўлчовда келади. Бунга Шарқ халқлари адабиётида одатдаги ҳол деб қаралади. Чунончи, асар муқаддимасида сўз таърифида айтилган рубойга диққат қилайлик:

Сўздурки /нишон берур /ўлукка жон/дин,
Сўздурки /берур жонга /хабар, жонон/дин,
Инсонни/ сўз айлади /жудо ҳайвон/дин,
Билким, гу/ҳари шариф/роқ йўқ он/дин (5-бет).

Мафъулу/мафойилун/ мафойилун/ фаъ

2-мисра: Мафъулу/мафойилу/ мафойилун/ фаъ

Бу рубойнинг асосий вазни «ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар» бўлса; 2-мисра «ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар» вазнида ёзилган.

“Назм ул –жавоҳир” рубойлари бадииятининг маъновий жиҳатларига келсак, ҳикматга асосланган бадий яратманинг бағрида ахлоқий қарашлар бадиият либосида пишиқ сингдириб борилган. «Назм ул-жавоҳир» ўз даври адабиётига янги адабий ҳодиса сифатида кириб келди.

Ҳазрат Али ҳикматлари атрофидаги ижодий изланишлар натижасида ўзига хос услубий тамойиллар шаклланиб борган. Чунончи, «Назм ул-жавоҳир» рубойларининг панд-насихат руҳида ёзилган бошқа шу хилдаги шеърлардан фарқи шуки, уларни ўқиганда, китобхон кўз ўнгида уч образ гавдаланади: улардан икkitаси мураббий ва биттаси тингловчи тимсолидир (Айни шу услубий жило «Арбаин»ларга ҳам тааллуқлидир). Навоий замонасида шеъринг пандномачиликнинг бу шакли туркий адабиётда янги ҳодиса эди.

Таъкидлаш жоизки, ҳикматга асосланган шеъринг асарларда ҳаракат қиладиган қаҳрамоннинг хулқий жиҳатларига алоҳида урғу қилинади. Бошқача айтганда, ижодкор бундай шеърларда нафосатдан кўра, одоб бобидаги орзуларини биринчи ўринда қўяди. Шундан,

панднома рубойларидаги қаҳрамоннинг сиймоси диёнатли, ҳалолу пок инсон қиёфасида гавдаланади. Айни пайтда, мазкур шахснинг аниқ тарихий шароитда фикрий бедорлик, парҳезкорлик, дўстлик, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат каби инсоний хислатлар соҳиби сифатида тасвирланиши кейинги даврлар адабиётида инсонга муносабат ўша замон исломий ва умуминсоний қадриятлари асосида шаклланиб борганидан далолат беради.

Воқеликни бадиий акс эттиришда, тасвирий воситаларнинг ўрни беқиёс каттадир. Улар орасида бадиий санъатлар асарда муаллифнинг ғоявий ниятини рангин юзага чиқариш, муддаосини китобхонга тўлиқ етказиш, унинг қалбида завқ уйғотишда беминнат хизмат қилади. Бадиий санъатларнинг бундай хос хусусиятлари ҳақида фикр юритган мумтоз шеършунос аллома Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний «Бадойиъ ус-санойиъ» асарида шундай ёзади: «Умуман, барча гўзалликларнинг асоси улдурким, нутқ ул тарзда адо этилгайким, маънони англашга анинг латофати, таркиби ва соғломлигига ҳеч ҳалал етмагай» (Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 35бет).

Шеърятда умумбашарий муаммоларни тараннум этиб келган Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» рубойларида ҳам ўз орзу-интилишларини, муқаддас оятларнинг мазмунини сақлагани ҳолда, илоҳий калом билан бадиий сўзни уйғунлаштириш орқали ифода этади. Асардаги қайси бир рубойни кузатмайлик, уларнинг маъзида ояти карималар ёки ҳадислар мазмуни мужассамлигининг гувоҳи бўламиз. Буни биз ҳикматли сўзларнинг таржима-шарҳи жараёнида, рубой мисралари маъзида, Ҳазрат Али ҳикматларининг мазмуни сингдирилиши билан бирга, пайғамбаримиз ҳадисларини «талмеҳ» сифатида келтирилишида кузатишимиз мумкин.

«Ғиёс ул-луғот»да келтирилишича, «Талмеҳ» деб ўз сўzlари маъзида Қуръони мажид оятлари ва ҳадислардан намуналар келтириш» (Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Иборат аз се жилд. Жилди I. – Душанбе: Адиб, 1987. с.205) тушунилган. Бу санъатдан мисралар бадииятини таъминловчи қудратли восита сифатида фойдаланиб келинган. Қуйидаги рубойда Расули Акрамнинг «Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинг»,– деган муборак ҳадисларига ишора қилиниши билан бирга, Ҳазрат Алининг афоризми мазмунига омехта, уйғун бирикма ҳосил қилинган:

Диннинг раҳнаси олимларнинг ўлимидир.

Илм ўлди шараф дин аро ҳар оинға,

Бормоқ бўлур ўргангали они Чинға.

Динда уламо мужиб эрур тазйинға,

Ўлмоқлик аларга раҳна солди динға (44-бет).

Икки пурмаъно ҳадисга ишора қилинадиган бу рубой мисралари маъзида Навоийнинг ўзи «диннинг зийнатлашуви уламо, олим сабаблидир», – деган ғояни илгари суради. Бу фикрни асослаш учун эса юқоридаги ҳадис ва ҳикматдан моҳирона фойдаланади ва ўша хайрли ҳаракатларида талмеҳ санъати восита вазифасини адо этган.

Кўринадики, исломий манбалардаги услубий белгилар панднома адабиётига, жумладан, «Назм ул-жавоҳир»га ҳам кўчиб ўтганлиги кузатилади. Проф. А.Ҳайитметов таъкидлаганидек, «Пайғамбар ҳадислари мусулмон мамлакатларида адабиётнинг равнақига, хусусан, панд-насихат жанрининг ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. Бадиий адабиётнинг панд-насихат билан боғлиқ жанрларига оид асарларида Қуръон ва ҳадислардагидек, бево-

сита инсонга мурожаат қилинади, инсон ва унинг хулқ-ахлоқи масалалари диққат марказида туради» (Ҳайитметов А. Алишер Навоий пандномаларида бадиият // Тил ва адабиёт таълими. 1996. № 1.39-бет).

Чиндан-да шу тарз шарофати билан асардаги учинчи шахс – ўқувчи билан доимий алоқа сақлаб турилади.

Асарда кўп қўлланган бадиий санъатлардан яна бири ташбеҳдир. Икки нарса ёки тушунча ўртасидаги ўхшашликка асосланган бу маънавий санъат мазмунга халақит бермаслиги, балки уни янада тушунарлироқ бўлиб очилишига хизмат қилиши лозим. Шу боис, ташқи белгилар билангина икки нарсани бир-бири билан ўхшатиб юбора бериш мумкин эмас. Шунингдек, рубоийларда ташбиҳларнинг ғуж бўлиб келиши ҳоллари ҳам кузатилади:

Кимки соғ бўлса бой (ўша) дир.

Гардунки эрур тиғзан жоҳилдек,

Ҳар кун анга узундурур бир йилдек,

Тонгдин оқшомға қон тўкар қотилдек,

Солимлигин андин эл ғанимат билдик (90-бет).

Бу ўринда фақат етакчи ғояни ташувчи (Ҳазрат Али ҳикмати) мисрагина ташбиҳсиз қолган, холос. Қолган (Навоийнинг ўзига тааллуқли) мисраларда мушаббих – гардуннинг сифати; ҳолати ва қиладиган ишини кўрсатишда мушаббихун биҳнинг турли кўринишлари қўлланилган ва улар ҳар бирининг мантиқий асосга эга экани кўриниб турибди.

Равшан бўлаётирки, адабий асардаги тўла маънодаги жозибадорлик, нафосат ва ғоявий-маънавий таъсирчанлик бадиий санъатлар туфайли шаклланаркан, ўша юксак шавқдан китобхонни ҳам баҳраманд этади. Ана шундай бадиий санъатлардан яна бири тазоддир. Арабча «тазод» сўзининг луғавий маъноси «зид қўйиш, қаршилантириш» демакдир.

Бу шеърий санъатда воқеа-ҳодиса – инсон ва ашёдаги ҳаракат, ҳолат, сифат ҳамда хусусиятларни бир-бирига муқобил қўйиш орқали қаршилантирилади. Тазодга мурожаат қилиш орқали ижодкорда тасвирланиши лозим бўлган ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисаларини тўлиқ ёритиш имконияти пайдо бўлади. Тазод санъати «Назм ул-жавоҳир» асарида ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Таъкидлаш керакки, бу зиддиятли қутбларни бир-биридан алоҳида ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки, биз яхшиликни ёмонлик дунёси мавжудлиги учун қадрлаймиз. Бу муқобил тушунчаларнинг ёнма-ён келиши илоҳий заминга эга бўлиб, уларнинг сирру синоати Қодири қудратнинг ўзигагина аёндыр. Буни Қуръони каримдаги муқаддас оятлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. «Ҳижр» сурасининг 23-ояти каримасида марҳамат қилинган: «Албатта, биз (барча жонзотни) тирилтиурмиз ва ўлдиурмиз» (Қуръони карим. 263-бет) илоҳий жумлалардаги ҳаёт ва ўлим ҳамда «Вал лайл» сурасининг 1,2-ояти карималаридаги «Қасамёд этаман қоплаб келаётган тун билан, ёришиб келаётган кун билан» (Қуръони карим. 595-бет) муқаддас сатрларидаги кеча-кундуз ўз хусусиятлари билан бир-бирига муқобилдыр. Буюк салоҳият соҳиби Алишер Навоий ўша илоҳий сарчашмадан моҳирона фойдаланиб, инсоннинг руҳий дунёсида кечадиган қарама-қарши ҳолатларни тасвирлаш орқали олам ва одам дардини бадиий акс эттириб, олижаноб инсоний хусусиятларни улуғлашга қўл уради. «Назм ул-жавоҳир»да ушбу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришда тазод санъатига қайта-қайта ва муваффақиятли тарзда мурожаат қилиниши кузатилади.

Сени менсимаган киши – сенга ёрдам беради.

*Дард аҳлиға лутфи жонфизо кўргузгил,
Эл қилса ёмон, яхши жазо кўргузгил,
Йўқ, ёринга сидқ ила сафо кўргузгил,
Ким, айласа хасмлиқ вафо кўргузгил (112-бет).*

Таъкидлаш жоизки, «Назм ул-жавоҳир» рубойларида қўлланган тазод санъати инсоннинг ахлоқий-маънавий оламидаги мураккаб руҳоний жараёнларни бадиий акс эттириш учун хизмат қилган.

Тазод санъатидан моҳирона фойдаланган Алишер Навоий рубойида қўйилаётган муҳим ижтимоий-ахлоқий масаланинг зид қирраларини таъкидлаб кўрсатиш билан бирга, муқобил тушунчалар орқали ифодаланаётган ғояга китобхоннинг эътиборини жалб қилади. Қуйидаги рубойида ҳам шоирнинг худди ана шу маҳорати кўзга ташланади.

Юмшоқ сўз қалбларни ром қилади.

*Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифторм айлар (102-бет).*

Ҳазрати Али ҳикматида «юмшоқ сўз»нинг оқибати ҳақидагина гап боради. Алишер Навоий мисраларида эса, унинг қутбий жиҳати–«қаттиқ сўз»нинг оқибати тўртинчи мисрадаги Ҳазрат Али афоризми билан мазмунан муқобил қўйилади ва тазод санъати юзага келтирилади. Айтиш жоизки, санъат санъат учун эмас, балки шоир ғоявий ниятини қабарик юзага чиқариш йўлида хизмат қилган.

Тазод бадиий санъати бир-бирига муқобил (зид) тушунчалар орқали ҳосил қилинса-да, аммо уларнинг интиҳо-хулосаси ягона. Яъни, жаҳолатни қоралаш орқали эзгуликни улуғлаш, инсонни одамийлик даргоҳига бошлашдир. Юқоридаги рубойида ҳам шоир тазоддан фойдаланиб, комил инсон тарбиясида ширинсўзлик, мулойимлик каби фазилатлар ўзак масалалардан эканлигини таъкидлашга эришади.

Қуйидаги рубойида ҳам Алишер Навоий тазод санъатининг гўзал намунасини ҳосил қилган. Бунинг учун бир-бирига зид маъноли сўзларни рубой мисралари бошида такрор ҳолда қўллаш шоирнинг ижодий имкониятини кенгайтириб юборади:

Золимнинг охири кўрқинчлидир.

*Одил кўзига бу каъба, ул дайр ўлмас,
Золимға жафо қилурда эл ғайр ўлмас,
Одилға бажуз хайр сори сайр ўлмас,
Золим кишининг оқибати хайр ўлмас (88-бет).*

Шоирнинг муқобил (одил, золим) сўзларни такрор ҳолда қўллашдан мақсади, уларнинг моҳиятини, ифодаланаётган ғоянинг аҳамиятини ўқувчига аниқ ва равшан етказишдан иборат. Алишер Навоийнинг асосий ғоявий нияти одилликни улуғлаш, золимликни қоралашдир. Рубойида тазод санъати фикрни жозибали ва таъсирчан, ғоявий мақсадни ёрқин юзага чиқариш омили сифатида хизмат қилган. Рубойлардаги яна бир хусусият шундан иборатки, тазод моддасининг ўрни алмашилиб туради. Баъзан, радибли рубойларда

унинг қофия ўрнида кела олиши шеърий сатрларга жозибадорлик бахш этиб, уларнинг эсда қолиш имкониятини янада оширган. Чунончи:

Бас кимсаки, меҳнат ичра солди ғам они.

Ким, яхши тафоъул айлади хуррам они (42-бет).

Ёки:

Ҳар важҳ ила нотаваонға ҳамсуҳбатлиқ,

Кўп яхшики, комронға ҳамсуҳбатлиқ (105-бет).

Байтлардаги *ғам*, *хуррам*, *нотаваон*, *комрон* қофияли сўзлари тазод санъатини ҳосил қилган. Бу сўзлар иштирокида вужудга келган тазод фикрнинг бағоят гўзал суратда намоён бўлишига кўмаклашган. Шу ўринда юқоридаги бадиий парчалар учун хос яна бир хусусиятни таъкидлаш жоиз кўринади. Хоҳ насрий ва хоҳ назмий парча бўлсин, уларда муайян тасвир воситаси соф ҳолда учрамайди. Албатта, алоҳида олинган бадиий санъат бошқа бир тасвир воситаси билан қоришиқ ҳолда келиб, шоир ғоявий ниятини китобхонга равшан кўрсатишда ёрдам беради. Айни ҳодиса тазод санъати учун ҳам бегона эмас. Бунини юқорида таҳлилга тортилган «Назм ул-жавоҳир» рубоийлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

«Назм ул-жавоҳир» асарида бундан бошқа бадиий тасвир ва ифода воситалари, бадиий санъатлар ҳам кўп учрайди. Аммо шуниси аниқки, уларнинг қўлланилишида Навоий меъёр доирасидан четга чиқмаган.

Кўриб турганимиздек, Алишер Навоий мумтоз адабиётдаги катта бир мавзуни олиб, юксак бадиий шаклда акс эттира олди. Ўзи танлаган шаклнинг бадиий имкониятларидан ниҳоятда унумли фойдалангани натижасида у яратган асар ўзининг ижтимоий-бадиий вазифасини тўла адо эта оладиган ёдгорликка айланди. Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, Алишер Навоий рубоийнинг ҳар бир мисраси ўзига хос вазифани бажаришини ҳисобга олган ҳолда, сатрлар жойлашувига қатъий тарзда риоя қилади.

Асарнинг ғоявий мазмуни ва бадиий шакли таҳлилидан маълум бўладики, «Назм ул-жавоҳир»ни, Навоий айтганидек, «Наср ул-лаолий»нинг таржимаси деб олиш маълум даражада нисбий моҳият касб этади. Дарҳақиқат, Алишер Навоий Ҳазрат Али ҳикматларини асос сифатида қабул қилди. Аммо ўз ижодий асарини яратишда мустақил йўл тутди. Навоий «Наср ул-лаолий»нинг насрий матнига «ўз мисралари» доирасида ниҳоятда эркин муносабатда бўлди. Бу мисраларни эркин, сайқалланган ижод намуналари сифатида қабул қилиш ҳақиқатни янада тўлароқ рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Алишер Навоий Ҳазрат Али ҳикматларининг араб тилидан қилинган таржималарида ҳам мисраларга сайқал беради, уларни бадиий юксак, туркий тилда осон тушуниладиган даражага етказди. Бироқ аслиятдан мутлақо узоқлашиб ҳам кетмайди.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир»и дунёвий-илоҳий йўналишдаги маънавий гултаста бўлиб, умумбашарий қарашларни талқин этувчи, инсонпарварлик ғояларини улуғловчи асар сифатида катта маърифий – фалсафий моҳият касб этади.

ХУЛОСА

Рисолада таҳлил этилган тарихий - адабий маълумотлар, ўртага қўйилган мулоҳазалар VII асрнинг ўрталарида араб адабиётида лўнда фикрлар шаклидаги ҳикмат (афоризм)ларнинг юзага келиши билан ислом минтақа маданиятида янги адабиётнинг тамал тошлари қўйилгани ва унинг ривожланиши тарихида янги давр бошланганини кўрсатди. Бу даврда шаклланган тамойиллар адабий жараённинг кейинги босқичларига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатиб келди. Пайғамбаримиз ҳадислари билан ҳам шакл ва ҳам мазмун жиҳатидан услубий умумийликка эга бўлган Ҳазрат Али ҳикматлари ҳам VII араб адабиётидан мустаҳкам ўрин олди. Айни ҳолатлар ислом дунёсида пандномачилик адабиёти тарихи айнан шу даврдан бошланишини кўрсатади. Эслатилган маънавий заминда майдонга келган «Назм ул-жавоҳир» асари Алишер Навоий даврида туркий адабиёт учун янги адабий ҳодиса бўлиб, унинг ғоявий мазмуни, бадий қиймати ҳамда жанр хусусиятлари кейинги юз йилликлар бадий сўз санъати тарихи учун ибрат, интилиш нуқтаси бўлиб келди.

– Ислом минтақа маданиятида сўз санъати, Алишер Навоий сўзлари билан айтганда, Ҳазрат Али ижодидан бошланади.

Араб тилида яратилган “Наср ул-лаолий”нинг баракали таъсири асосида жуда кўп асарлар юзага келган ва улар орасида «Назм ул-жавоҳир» ўзининг тузилиши, мундарижасининг теранлиги, ғоялар миқёси, бадий шаклининг мукамаллиги билан ажралиб туради.

– «Назм ул-жавоҳир»нинг юзага келишида мавзуга доир тадқиқотларда қайд этилганидек, форсий адабиётдаги Ҳазрат Али ҳикматлари асосида қитъалар яратиш анъанаси; Ҳусайн Бойқаро «Рисола» асарига жавобан арзигулик бир туҳфа ҳозирлаш иштиёқигина эмас, балки Алишер Навоий замонида Балхда Ҳазрат Али қабрининг қайта топилиши воқеаси ўзига хос ижобий туртки вазифасини адо этган.

– «Назм ул-жавоҳир» таркибидаги рубойларга асос қилиб олинган арабча ҳикматлар, Алишер Навоийнинг ақлу заковати, теран тафаккури ва соҳир қалами туфайли янгича мазмун-моҳият касб этган.

– Ҳозирги адабиёт назарияси нуқтаи назаридан, баъзида «яланғоч дидактика» ҳисобланган ҳикматларни Алишер Навоий назмга солиб, унга иккинчи ҳаёт бахш этди ва бу умумбашарий ғояларни аждодлар қалбида яшовчанлигини таъминлаш йўлида умр сарф этди.

– Ҳазрат Али ҳикматларидаги ғоя ва қарашларга шу асарлар дунёга келган давр ўз муҳрини босганига қарамай, улардан аксарияти Навоий замонаси ва ундан кейин ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Зотан, асрлар садоси Навоий рубойлари мазмуни билан ҳамоҳанг жаранглайди. Бу ҳамоҳанглик рубойлардаги қадимги (Ҳазрат Али замонасидаги) асосий ғояни ташувчи мисралар билан Навоийнинг ўз даври лавҳалари бадий ифодасига асосланган мисралари мағзида намоён бўлади.

– Асарнинг ғоявий мазмуни ва бадий шакли таҳлилидан маълум бўладики, «Назм ул-жавоҳир»ни, Алишер Навоий айтганидек, «Наср ул-лаолий»нинг таржимаси деб қараш маълум даражада нисбий моҳият касб этади. Тўғри, Алишер Навоий ўзининг теран фалсафий – рубойлари учун Ҳазрати Али ҳикматларини асос сифатида қабул қилди. Аммо у ўз асарини яратишда мустақил йўл танлади. Алишер Навоий «Наср ул-лаолий»нинг насрий матнига «ўз мисралари» доирасида ниҳоятда эркин муносабатда бўлди. Бу мисраларни эркин ижод намуналари сифатида қабул қилиш учун эса барча маънавий-ҳуқуқий асослар мужассам.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзининг кенг қамровли маънавий меросида ўлмас умумбашарий ғоялар тарғиботчиси қиёфасида намоён бўлган улугъ шоир ана ўша муборак садоқатига «Назм ул-жавоҳир»да ҳам содиқ қолган. Шундай экан, мазкур дурдоналар республикамизда кечаётган таълим жараёнини чуқури слоҳ қилиш, оқибат натижада баркамол шахсни шакллантириш, миллий ғояни янада такомиллаштириш йўлида хизмат қилишда давом этади.

НАЗОРА БЕКОВА

АЛИШЕР НАВОЙЙ
ШЕЪРИЯТИДА ҲАМД
ПОЭТИКАСИ

Бу китобни онам, Зайнаб Мухтор қизининг
порлоқ хотирасига бағишлайман.
Муаллиф

КИРИШ

Миллий истиқлолгача Шарқ, жумладан, ўзбек мумтоз адабиёти шўролар мафкураси тазйиқи остида «дунёвий адабиёт», «феодал-сарой (клерикал) адабиёти», «диний-мистик адабиёт» тарзида сунъий равишда уч гуруҳга парчаланган эди. Мазкур йўналишлардан фақат дунёвий (халқчил) адабиётгина ижобий ҳодиса сифатида тан олинди ва ўрганилди. Ҳатто шу дунёвий адабиёт вакиллариининг ижод намуналари ҳам илоҳий-ирфоний ғоялардан «тозаланиб», марксча-ленинча мафкура тамойиллари асосида таҳлил ва талқин қилинди.

Шунга кўра, Алишер Навоийнинг «Девон»лари, «Хамса» дostonлари ибтидосида келган кириш боблар – ҳамд, наът, сано, меърож, муножот талқинига аталган махсус парчалар, насрий асарлари, илоҳий тавҳид мадҳ этилган «Рух ул-қудс» қасидаси, илоҳий-исломий ҳукмлар талқинига бағишланган «Сирож ул-муслимин», «Муножот» каби асарлари, илоҳиётга доир қарашлари махсус тадқиқ этилмади. Ҳатто асарлари таркибидаги кириш ҳамдлар «қирқиб», нашр этилди. Шунинг учун бугунга қадар улуғ шоирнинг ҳамд йўналишидаги асарлари нисбатан кам ўрганилди.

Бу масаланинг ўз изоҳлари борлиги аён, албатта. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари «унинг лирикасидаги ўткинчи ва тобеъ бир кайфият» сифатида эътироф этилди. Таниқли адабиётшунос олим Мақсуд Шайхзода ҳазрат Навоийнинг ҳамд ғазалларини мафкура тазйиқлари (дахрий тузум учун зарарли маънавий унсур сифатида бутунлай йўқотиб юборилиши)дан сақлаб қолиш мақсадида атайин шундай баҳолашни лозим деб топган¹.

Ҳолбуки, улуғ шоир девонларидаги деярли ҳар бир ҳарф туркуми (араб алифбоси сираида жойлаштирилган шеърлар) ҳамд ғазал билан бошланади.

Шундай бўлишига қарамай, Алишер Навоий ижодининг илоҳий-ирфоний манбалардан озикланганлиги эътироф этилган эди. Бу айниқса, Е.Э.Бертельс, Ойбек, А.Рустамов, Ҳ.Сулаймон, А.Ҳайитметов, Б.Валихўжаев, Н.Комилова, Р.Воҳидов, С.Ўаниева, Ҳ.Неъматов, И.Ҳаққулов, Э.Шодиев, Ё.Исҳоқов ва яна бир қатор олимларнинг ишларида ёрқин кўзга ташланади.

Ҳамд ғазаллар ва «Ситтаи зарурия» қасидалар туркуми эса шоирнинг кам ўрганилган асарлари сирасига киради. «Ситтаи зарурия»га бўлган қизиқиш ўтган асрнинг 60-йилларидан жонлана бошлади. Форсийда битилган 724 байтдан иборат «Ситтаи зарурия» («Олти зарурат») нинг тўла матнини профессор Ҳамид Сулаймон улуғ шоирнинг Париж Миллий кутубхонасида 285-рақами остида сақланаётган қўлёзма девони асосида арабий ва крилл имлосида 1968 йилда «Адабий мерос» мажмуасида нашр эттирди².

Орадан йигирма беш йил ўтгач, бу йўлни тожик адабиётшуноси Али Муҳаммадий давом эттирди, яъни қасидалар туркуми Душанбеда (1993 йил) араб ёзувида «Ирфон» нашриётида улуғ ўзбек шоири форсий шеърлар бир жилдлик сайланмаси таркибида чоп этилди³.

¹ Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик. IV том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972, 181-бет.

² Адабий мерос. Хужжат ва тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1968, 199–282-бетлар.

³ Фони Амир Алишер. Девони форси (мунтахаб). – Душанбе: Ирфон, 1993.

Бу қасидалар туркуми 70-йилларда маданий меросга ленинча муносабат тамойиллари нуқтаи назаридан ўрганилганки, бундай муносабат асар туб моҳиятини очиш имконини бермаган.

М.Қодированинг «Алишер Фоний қасидалари» мавзуидаги номзодлик диссертацияси собиқ мафкура даврида айна мавзуда яратилган илк яхлит тадқиқот саналади. Тадқиқотчининг диссертациясидаги мана бу фикрлар ҳам бизнинг юқоридаги таъкидимизни тўла қувватлайди: «... ўша даврнинг вакили бўлган Навоийнинг ҳар бир нарсага ҳам диний-фалсафий муносабатда бўлиши табиий бир ҳол эди. Чунки феодал жамиятига хос бўлган социал ҳақсизлик, шоир атрофидаги омманинг қашшоқлиги, кўпинча, унда диний тафаккур ва тушкунлик ҳолатини кучайтирмаслиги мумкин эмасди, албатта. Навоийдаги бундай ҳолат, Лениннинг таъбири билан айтганда, ёмонликнинг туб сабабини тушунмаслик ва ундан қутулиш йўлини тўғри кўролмасликнинг натижасидир». Масала равшан, қизил мафкура қуршовидаги фаннинг бундан ошириб бир нима дейиши душвор эди. Бироқ XX асрнинг охириги йилларига келиб вазият юмшай бошлади. Парчаланиш олдида турган собиқ иттифоқ мафкура жоловини қўлдан чиқарди. Ҳақ гапни айтиш ҳаракати бошланди.

Атоқли навоийшунос Алибек Рустамовнинг «Шоирнинг биринчи ғазали» мақоласи шу йўлдаги дастлабки жиддий қадам бўлди. У «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги жойлаштирилиши ўрнига кўра биринчи ғазалнинг бадиияти, рамзий тимсоллари, ишқнинг май билан ўндан ортиқ ўхшаш томонлари ва оқибати жиҳатларига кўра, тамоман зид фарқларини, ҳар бир байтнинг зоҳирий ҳамда ботиний маъноларини кенг таҳлил қилди¹.

Истиқлол туфайли Алишер Навоий меросининг таянч ғоявий манбалари – Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва тасаввуф таълимоти эканлиги эътироф этилди. Улуғ шоир таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан янгича талқиндаги мақолалар эълон қилинди ва «Алишер Навоий. ғазаллар, шарҳлар» сарлавҳали алоҳида китоб чоп этилди².

Мустақиллик адабий меросимизни янгича йўналишда ўрганиш истиқболларини очиб берди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён ҳисоблаймиз»³.

Миллий ўзликни англаш, умуминсоний қадриятларни улуғлаш эса мустақил юртнинг баркамол авлодига юксак маънавий руҳ бағишлайди. Шунинг учун мустақил жамиятимизда баркамол авлод (шахсни шакллантириш) тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган жиддий масала сифатида қайта-қайта эътироф этилмоқда.

Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва «Руҳул-қудс» қасидасида ҳам худди ана шу юксак ғоялар бадиий ифодасини топади. Аллоҳга ҳамд воситасида инсоний поклик улуғланади. Яратганнинг онгли халифаси (инсон) ўз маънавий-руҳий қиёфасини такомиллаштириб, бойитиб яшамоғи, солиҳ амаллар соҳиби бўлмоғи зарур. Шундай бўлмас экан, унинг бошқа махлуқотлардан фарқи қолмайди. Навоий ҳазратлари ҳамд йўналишидаги асарларининг мағз-мағзига ана шу улуғ ғоя сингдирилгандир.

Истиқлолдан сўнг мумтоз адабиётнинг таянч ғоявий манбалари асосида асарларнинг исломий-ирфоний маъно қирралари кашф этила бошланди. «Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари» номли мақолалар тўплами нашр этилди. Шоирнинг илоҳиётга доир

¹ Рустамов А. Шоирнинг биринчи ғазали // Шарқ юлдузи, 1987, 3-сон, 175-179-бетлар.

² Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. – Тошкент: Камалак, 1991.

³ Каримов И.А. Улуғлари эъзозланган юрт заволи кўрмагай // Халқ сўзи, 2001, 25 август.

муносабати ва асарлари ҳақида янгича талқиндаги биринчи яхлит рисола навоийшунос Раҳим Воҳидовнинг «Алишер Навоий ва илоҳиёт» китоби ўқувчилар қўлига тегди. Р.Воҳидов ва М.Маҳмудовларнинг «Маънавият–комиллик саодати» рисоласида Алишер Навоийнинг нисбатан кам ўрганилган «Ситтаи зарурия», «Фусули арбаа» қасидалар туркумининг ғоя ва мавзулар олами хусусида жиддий мулоҳазалар билдирилди. Проф. Р.Воҳидовнинг «Ситтаи зарурияда татаббуъ» мақоласида мазкур туркумнинг ғоявий илдизлари татаббуъчилик анъанаси, қасидаларнинг ёзилиш тарихи ҳақида кенг маълумот берилади¹. Проф. Нажмиддин Комиловнинг «Фақр нури порлаган қалб» рисоласида «Ситтаи зарурия» таркибидаги қасидалар, уларнинг бадиияти, татаббуъчилик анъанаси хусусида қизиқарли фикрларни ўқиш мумкин².

Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалларига доир гарчи махсус илмий тадқиқотлар ёзилмаган бўлса-да, муайян муносабат билан шундай шеърлар ҳақида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган. Жумладан, Р.Воҳидов, Ҳ.Неъматов ва М.Маҳмудовлар томонидан ҳамкорликда ёзилган «Сўз бағридаги маърифат», З.Ғаффорованинг «Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари» рисоласида, Ш.Сирожиддиновнинг «Навоий ғазалларида Аллоҳ мадҳи» мақоласи ва Дилором Салоҳийнинг «Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомилли» мавзуидаги докторлик, Ҳусниддин Эшонқуловнинг «Алишер Навоий шеърлятида самовий тимсоллар» мавзуидаги номзодлик диссертациясида улуғ шоир ҳамд ғазалларининг баъзи қирралари ҳақида илмий асосга эга қимматли фикрлар билдирилган³.

Қайд этилган илмий изланишларнинг аксариятида Алишер Навоийнинг «Ситтаи зарурия» ёхуд ҳамд ғазаллари хусусида фикр билдирилган бўлса-да, ўзбек адабиётшунослигида бу борада яхлит тадқиқот вужудга келмаган. Ҳолбуки, Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» дебчасида девон тартиб беришда ҳамд ғазалларнинг ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Ҳамд ғазалларни тадқиқ этиш орқали эса улуғ шоирнинг маърифий-бадиий адабиётга, Шарқ мумтоз шеърляти анъаналарига муносабати ва илоҳиётга доир қарашларининг ўзига хос жиҳатлари янада теранроқ ойдинлашади. Мазкур монографик тадқиқот дostonларнинг анъанавий кириш ҳамдларидан ҳамда кучли рамзият тизимида тасвирланган бадиий-маърифий ҳамдлардан фарқли ўлароқ, ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маънолари фақат Ҳаққа қаратилган, комил инсон бўлиш иштиёқидаги солиқнинг турли руҳий-маънавий (босқичлардаги) кайфияти асосида ифодаланган маърифий-бадиий ҳамд ғазалларнинг ва илоҳий тавҳидга бағишланган «Рух ул-қудс» қасидасининг ғоявий-бадиий талқинини илмий ўрганишга бағишланган.

¹ Воҳидов Р. «Ситтаи зарурия»да татаббуъ // Бухоро университети илмий ахборотлари. 2001, 1-сон, 10-18-бетлар.

² Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. – Тошкент: Маънавият, 2001.

³ Воҳидов Р, Неъматов Ҳ, Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. Сирожиддинов Ш. Навоий ғазалларида Аллоҳ мадҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2001, 1-сон, 51-55-бетлар. Салоҳий Д. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомилли // филол. Фан. Док.дис. –Тошкент, 2001, 119-124-бетлар. Эшонқулов Ҳ, Алишер Навоий шеърлятида самовий тимсоллар // филология Фан ном.дис. автореферати. Самарқанд, 1999, 18-20 бетлар. Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Тошкент: Маънавият, 2001, 3-8-бетлар.

ҲАМД ҒАЗАЛЛАР ВА «РУҲ УЛ-ҚУДС» ҚАСИДАСИНИНГ ҒОЯВИЙАДАБИЙ МАНБАЛАРИ

Ҳамд йўналишидаги асарларнинг тарихий асослари ва уларнинг бадиий тафаккурга таъсири

Ҳамд–исломий, шаръий тушунча бўлиб, Аллоҳга мадҳ, мақтов деган маъноларни англатади. Ҳамд сўзининг луғавий маъноси ҳақида «ўйёсул-луғот»да шундай фикр мавжуд: «Ҳамд–сутудан ва ситоиш ва ба истилоҳи хос баёни кибриё ва жалол ва азамати Ҳақ субҳонаҳу таолоро гўянд; ва баъзе аз муҳаққиқин чунин навиштаанд, ки ҳамд дар луғат сано кардан аст ба забон бар хубии ихтиёрии касе барои таъзими вай, чунончи гўй»¹.

(Мазмуни: Ҳамд–хослар истилоҳида Ҳақ субҳонаҳу таолонинг буюклиги, азиму азаматини улуғлаш, мақташга айтадилар. Баъзи тадқиқотчилар (луғатшунослар) ҳамдга қуйидагича талқин берганлар: Ҳамд (луғатда) тилда, ихтиёрий равишда бировнинг яхшилигини мақташдир. Ёхуд уни улуғлаш, унга таъзим бажо келтириш ҳам дейиш мумкин).

Адабий тур ва жанрлар назариясига оид «Диний ва тасаввуфий турк адабиёти»да эса ҳамд «луғавий маънода ёлвориш, қулоққа сўзлаш, Аллоҳга дуо айлаш мавзуидаги манзума, шеър маъноларида ишлатилади, деб кўрсатилади»².

XV аср биринчи ярмида ижод қилган шеършунос Шайх Аҳмад Тарозий бевосита Аллоҳ ҳамдига бағишланган асарлар тавҳид ва муножот дейилишини таъкидлайди: «.. агар тенгри азза ва жаллаға ҳамд этсалар, они т а в ҳ и д дерлар. Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, муножот ўқурлар»³.

Кўринадик, кўчирилган парчаларда ҳамд сўзининг маъноси бир-бирига яқин ва айни пайтда бир-бирини тўлдиради. Ҳамд тушунчасининг ўзига хос жиҳатлари, тарихи борасида яна талай илмий ишларда турлича таърифларга дуч келамиз-ки, уларнинг мазмун-моҳияти юқорида келтирилган мулоҳазаларга уйғундир⁴.

Демак, Аллоҳ таолонинг қудрати азимати улуғланиб, исм – сифатлари мадҳ этилган асарлар ҳамдлардир.

Исломгача ҳам ҳамдлар мавжуд бўлган. қадимги грекларнинг худолар мадҳ этган гимнлари, ҳинд ведалари, “Авесто”даги гоҳлар–Зардуштнинг бешлик қўшиқлари, жоҳилият арабларининг Лот, Узо каби илоҳлар улуғланган асарлари ҳам ҳамдлар сирасига киради. Жумладан, “Авесто”да “Ахунавайти госо”, “Авушнавайти госо”, “Сипантмийну госо”, “Ваҳушашар госо”, “Ваҳийшт госолар” Зардуштнинг Ахурамазда таърифига бағишлаб айтган ҳамдларидир: «Эй Мазда! Эй, улвий оламнинг уруғи - асоси - бунёди! Эзгу ният ва Ашаҳ-Ҳақиқат билан ҳузуримизга кел, ҳаққоний каломлар воситасида Зардуштга ва жамийки солиҳ инсонларга саодатли тириклик бахш айла!»⁵.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, кўплаб Шарқ тилларида бу ном “Ухра Мазд”, “Хурмазд”, “Урамазд”, “Ахурой Мазд”, форс тилида “Ахура Мазда”, “Хурмузд” шаклида қўлланилади. Зардуштнинг (“Авесто”да) бешлик гоҳ (қўшиқ)ларида эса бу ном қуйидаги уч

¹ Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғат. Жилди 2. – Душанбе: Адиб, 1988, 283-саҳ.

² Abdurahmon Guzel. Dini – tasavvufi turk edebiyati (санасиз). – Анқара. 83-sah.

³ Тарозий Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға, нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Тошкент: Ҳазина, 1996, 32-34-бетлар.

⁴ Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972, 273-бет.

⁵ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. –Тошкент: Шарқ, 2001, 20-бет.

ҳолатда зикр этилади: “Ахура”, “Мазда”, “Мазда Ахура”. Ахура Мазда икки жузъдан “Ахура” ва “Маздаҳ”дан таркиб топган¹.

Қадимги ҳинд асотирий китоби “Праҳжо - патий” ҳам “Зарвон” исми Худолар отасига бағишланган ҳамд билан бошланади ва мазкур манбада эътироф этилишича, Зарвон (“Борлиқнинг Яратгувчиси”) якка-танҳо бўлган эмас. У ўз қудрати билан яна кўплаб худолар ва девлар (“браҳмана”, “дива”, асура)ни яратган эмиш².

“Авесто”даги “Хурмузд яшт” (ҳамд) қасидасида эса Ахура Мазданинг жами исмлари зикр қилинган. Унда айтилишича, Ахура Мазданинг 72 номини тўқис зикр этиш воситасида иблис, девлардан халос бўлиш мумкин эмиш. Эслатиш жоизки, барча динларда ҳам Илоҳ исмларининг ранг-баранглиги ва уни бот-бот ёд этиш энг афзал амаллардан биридир. Чунончи, “Авесто”да Ахура Мазда “Доно Сарвар”, “Хушёр Яратгувчи”, “Фармон бергувчи”, “Солор” каби сифатлар билан таърифланган. Исломдаги Аллоҳнинг 99 исми (“Ал-асмаъ ал-хусна”) ҳам юқоридаги фикрнинг ёрқин намунасидир.

“Авесто”да қуёш худоси Митрага бағишланган қасида ҳам бор:

*Ва бу аравани элтадур
Тўрт оппоқ тулпор.
Абадий ва учқур арғумоқ
Руҳи билан ўсган жонворлар.
Олд туёғи тиллодан унинг,
Орт туёғи қумушдан унинг.
Ва ягона бўйинтуруққа
Боғлангандир тўртталови ҳам,
Мутсаҳкамдир тоза шотиси,
Илгаклидир ва чидамлидир.*

Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпель каби тарихчи олимларнинг аниқлашича, Амударёдан топилган, эрамиздан аввалги V-IV асрларга тегишли хазинада худди мана шу сўзларнинг иллюстрациясини кўриш мумкин. Унда тўртта отга қўшилган аравача устидаги иккита одам сиймоси олтин ҳайкалча тарзида ишланган.

Бу жараён аҳмонийлар даврида ҳам давом этган. «қадимги Шарқ санъати» китобидаги маълумотларга кўра, эрамиздан аввалги 8-7 асрларга тааллуқли «Бошида эчки кўтарган худо» бронза ҳайкалчада одамларга ўз тухфаларини тортиқ қилаётган ҳосилдорчилик ва чорвачилик худоси тасвирланган.

Г.А.Пугаченкованинг ёзишича, эрамизнинг биринчи асрларида ўрта Осиёда она-замин билан боғлиқ тангрилар образини ифодалаш санъатда аввалгидай давом этган. Археологик қазилмалар жараёнида Хоразм, Бақтрия ва қадимги Сўғдиёна ерларида Кушан подшолари сиймоси зарб этилган тангалар қатори жуда кўплаб аёл тимсолларидаги худоларнинг сопол ҳайкалчалари топилган.

Қанотли фаришта образи кейинчалик Шарқ поэзияси ва санъатида софлик, муҳаббат ва гўзалликнинг ўлмас, адабий тимсолига айланиб қолган.

Мазкур маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, исломгача ҳам халқ ўз тасаввуридаги илоҳларга ҳамд, мадҳ айтган.

¹ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. –Москва: Наука, 1969, 72-стр.

² Памятники мирового искусства. Искусство древнего востока. -Москва: Наука, 1968, 26-стр.

Диний тасаввурлар, афсонавий ривоятлар, фалсафий тушунчалар, ахлоқий-эстетик қарашлар одамларнинг моддий ҳаёт тарзи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шунинг учун қадимги аجدодларимиз «бошида эчки кўтарган худо»ларга, «қанотли фаришта»лару аёл тимсолларидаги илоҳларга сиғинганлар. Масалан, баъзи тарихий манбаларда ёзилишича, Сўғдиёна тангриси табиатнинг ҳаётбахш кучларини ифодалаган. У «Авесто» билан боғлиқ Анаҳита, Ашаҳ ва Хайрватат сингари худоларнинг йиғма, кейинчалик турли маҳаллий шароитларга мослаштириб гавдалантирилган кўринишидир.

Муҳаммад алайҳиссалом исломни очиқ тарғиб қила бошлаганларида бут, санам, ой, куёш, тарихий ё афсонавий мавжудотларга топинувчилар ўз тасаввур доирасидан чиқолмай, «Сен сиғинишимизни даъват этаётган Аллоҳнинг нимага ўхшашини айт» деб талаб қилишган. Бунга жавобан, «Ихлос» сураси, «Лайса камислиҳи шайъ-ун» ва бошқа шу мазмундаги оятлар нозил бўлган. Ақидаий исломияга мувофиқ, Аллоҳ таолонинг зоти жисм каби ҳажмга эга эмас. Унинг зоти жавҳар сифатлари билан ҳам сифатланмайди. Чунки Аллоҳ шакл билан ҳам, ранг билан ҳам, алам чекиш ва лаззатланиш билан ҳам сифатланмайди. Унинг ўхшаши ҳам, шериги ҳам, тенги ҳам, мухолифи ҳам йўқ, қиладиган ишлари ҳам махлуқотларидан биронтасининг ишларига ўхшамайди. Чунки Аллоҳ таоло ўз яратикларини бевосита ва беасбоб амалга оширади. Зеро, Аллоҳнинг ҳукми шуки, бирор нарсани қилишни ирода қилса, унга «Бўл» дейди ва у нарсаси бўлверади.

Тафаккур чуқурлашгани сайин инсон ўзининг ягона илоҳий қудрат олдидаги ожизлигини теранроқ ҳис қила бошлайди ва ҳар бир ишни бошлашдан олдин Худодан мадад сўрайди. Бу самимий туйғу бадий тафаккурда ҳам ўзига хос тарзда акс этган.

Ҳар бир асарни хоҳ у илмий рисола бўлсин, хоҳ дoston, Аллоҳ таоло ҳамди билан бошлаш мусулмон шарқининг азалий анъанаси ҳисобланган. Мумтоз адабиётимиз намояндалари ҳам ана шу удумга изчил амал қилиб келганлар. Бу анъананинг, яъни исломий ҳамдларнинг илдизи эса исломий ақидаларнинг барқарорлашиш даврига бориб тақалади.

Шарқ мумтоз адабиётининг кириш ҳамдлари ва ҳамд йўналишидаги асарларнинг таянч ғоявий манбаи исломий эътиқоднинг асослари Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва илми ақоиддир.

Биринчи туркий дoston–“Қутадғу билиг” ҳам 32 байтли ҳамд боби билан бошланади:

*Уған бир байат-ул қамуғдин узе,
Ўкуш ҳамду ўғди анар-оқ сазе.
Улуғлуғ идиси уған зулжалал,
Йаратқан тўруткен ма қадир камал¹.*

Юсуф Хос Ҳожиб юқоридаги байтларда қодир Худонинг барчадан устунлигию беҳисоб ҳамду санолар фақат Унгагина сазоворлигини, Унинг Яратувчи, бино қилувчи, зулжалол (азамат ва энг буюк) каби сифатларини улуғлайди. Шоир “Холиқ борлиги учун белги яратди. Яратган ҳар икки нарсасида воҳиднинг (белгиси) аниқдир”,-дея Ҳақ маърифатини назарда тутади.

Кузатган манбаларга асосланиб айтишимиз мумкинки, кириш ҳамдлар сингари девондаги биринчи ғазални ҳамд руҳида ёзиш ҳам туркий адабиётда изчил анъана эди. Ҳофиз Хоразмий, Атойи каби туркий адабиёт намояндаларининг девони худди шу анъанага мувофиқ яратилган. Ҳофиз Хоразмийнинг девони 14 байтли ҳамд ва мавъиза йўналишидаги ғазал билан бошланади:

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971, 51-65-бет.

*Яратқан бори қилғали жаҳонни йўқдин пайдо,
Жамолу хуснига барчани қилди ошиқу шайдо¹.*

Байтнинг мазмунини шундай изоҳлаш мумкин: “Яратқан бори” – Аллоҳнинг бутун жаҳонни яратишдан мақсади жамолу хуснига барчани ошиқу шайдо этиш, ўз хуснини кўз-кўз қилишдир. Шоир машҳур ҳадиси қудсий (“Кунту канзан”)га асосланиб ўз қарашларини тасаввуфий руҳда ифодалаган.

Ғазалнинг кейинги байтларида лирик қаҳрамон – шоир кофиру мусулмон, тарсою яҳудий, мўмину муваҳҳид – барчаси худонинг даргоҳида тенг-қул эканлигини таъкидлар экан, Аллоҳга элтувчи йўллар хилма-хил бўлгани билан ягона моҳиятга бориб тақалишини уқтиради, сидқидил имонни улуғлайди:

*Беҳишт ичра агар бўлмаса ёди, қаъри дўзахдур,
Анинг ёди била дўзах эрур чун жаннати аъло.*

Ҳақиқий мусулмон учун имон лаззати барча нарсадан устундир. Имон эса кўнгилда бўлади. Шоир таъбирича, агар жаннатда яшасангу қалбингда Аллоҳнинг ёди бўлмаса, у жой дўзахдир. Дўзахда яшаб, қалбинг Унинг ёди билан таскин топса, у ер жаннати аълодир. Мазкур байтдаги мантиқни шоир тазод ва тарду акс санъати орқали таъсирчан ифодалаган. Ғазалнинг кейинги байтлари мавъиза руҳида берилган:

*Тилар бўлсанг ҳақиқат мулкида сардор бўлмоқлик,
Алиф янглиғ бўла кўргил муҳаббат лавҳида якто.*

Машҳур лирик шоир Атойининг девони ҳам ҳамд ва диний-фалсафий қарашлар ифодаланган (11 байтли) ғазал билан бошланади:

*Эйки хўблар кўзгусинда ўзин изҳор айлаган,
Ҳам ўзи ул кўзгуга боқиб мени зор айлаган².*

“Хўблар кўзгуси” – истиоравий ибора бўлиб, байтда пок кўнгил маъносида ишлатилган. Хўблар – тасаввуфий маънода маърифат аҳли ва ирфон зухур этган комиллар. Кўнгил – Аллоҳ илми ва ишқининг хазинаси. Атойининг эътирофича, Аллоҳ ўзининг ғайбий сирларини “хўблар кўзгусинда” изҳор этади.

“Хўблар кўзгусинда” Унинг пинҳону ниҳон сирлари ҳамиша аён. Кўнгил кўзгусида интиҳосиз нурлар зухурини ҳис этган киши шу сир-асрорга “зор” бўлади. Зорлик эса – ошиқлик, ботиний илоҳий маърифатга ошиқлик – бу камолот йўлидир.

Атойи ижоди бўйича махсус тадқиқот олиб борган адабиётшунос С.Рафиддинов девондаги биринчи ғазал хусусида шундай фикр билдиради:

«Одатда XV аср қўлёзмаларида “ҳамд” дан кейин “наът” учрайди, Атойи девони қўлёзма-сида эса “ҳамд” дан кейин навбатдаги алоҳида “наът” хусусиятига эга бўлган ғазал келмайди. Бироқ, ўша биринчи ғазалда:

*Лайлат ул меърож қошинда ики ё келтуруб,
“қоба қавсайн” иттиҳодидин хабардор айлаган.*

¹ Хоразмий Ҳофиз. Девон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981, 8-бет.

² Девони. Шайхзода Атойи. – Тошкент, 1991, 6-бет.

*қил Атойининг юзин оли або хуснидин ол,
Эй Муҳаммадни ики оламда мухтор айлаган, –*

каби “наът” руҳидаги байтлар мавжуд”¹.

Биз эса бу байтларни ҳамд руҳида ёзилган, дейиш тарафдоримиз. Наът-пайғамбарни мадҳ этиш, яхши сифатларини айтиб мақташ. Далил учун байт келтирамиз:

*Ўзин ўзлукдину кавнайн мулкидин қилиб хориж,
Қаю кавнайн мулки, ломакондин ҳам топиб ихрож².*

Байт Алишер Навоий қаламига мансуб бўлиб, бунда меърож тунида пайғамбаримизнинг ўзликдан бутунлай қутулиб, шу юксак руҳий даражага етганликлари қаламга олинади.

Атойидан келтирилган парчада эса Худонинг мўъжизавий қудрати улуғланган. Яъни шоир таъбири билан айтганда, Муҳаммад пайғамбарни “лайлат–ул меърож қошинда ики ё келтуруб, қоба қавсайд иттиҳодидин ” Аллоҳ “хабардор айлаган, “Муҳаммадни ики оламда мухтор айлаган” ҳам-ўзи. Бу мўъжизаларнинг сабабчиси Вужуди Мутлақ. Исломи ақидага кўра ҳам, пайғамбарлар воситасида содир бўлган илоҳий мўъжизалар Аллоҳ таолонинг иродаси билан содир бўлган. “Ислом ақоидига доир жавоҳир сўзлар” китобида ҳам бу хусусда: “Пайғамбарларнинг кадрлари қанчалик баланд ва ишлари улуғ бўлмасин, агар Аллоҳ хоҳламаса, улар бирор манфаат келтиришдан ёки бирор зарарни даф этишдан ожиздирлар”, - дейилади³13. Юқорида келтирилган байтлар эса пайғамбарга берилган илоҳий мўъжизаларнинг сабабчиси–Аллоҳ ҳамдига бағишланган.

Мазкур мисолларга асосланиб айтиш мумкинки, девонни ҳамд ғазал билан бошлаш Алишер Навоийгача ҳам мавжуд анъана эди. Аммо ҳар ҳарф туркумининг дастлабкилари ёки дастлабкисини ҳамд ғазал руҳида ёзиш ва девонни шу асосда тартиб бериш ҳодисаси туркий адабиётда Навоийгача бўлган бирор ижодкор девонида кўзга ташланмайди.

Илоҳий тавҳид илмининг бадий адабиётдаги инъикоси

«Тавҳид соф диний, ваҳдат ул-вужуд тасаввуфий тушунча бўлиб, моҳият эътибори билан улар бир-биридан фарқ қилади. Тавҳиднинг ғоявий антоними-ширк, ваҳдат-касрат»⁴14. Кенгроқ мушоҳада қилсак, бу икки тушунча орасидаги фарқ ойдинлашади (Тавҳид Аллоҳ ягоналигини тасдиқлашдир). Агар унга кимнидир шерик деб билсак, бу шарият нуқтаи назаридан, ширк ҳисобланади. Бу исломий ҳамдларга хос хусусиятдир. Ваҳдат ул-вужуд таълимотига асосан, коинотда ёлғиз бир Вужуд мавжуд бўлиб, барча нарса ва борлиқлар шу вужуднинг тажаллийсидан, кўплик (олам, касрат) бирлик (ваҳдат)нинг зухурланишидан иборатдир. Зот олами-ваҳдат, У яратган олам-касрат.

Муайян бир қонуният асосида яратилган нарса-ҳодисалар ҳикматини ҳиссий-важдий тафаккур қилиш орқали Зот оламини таниш мумкин, лекин билиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари: «Тавҳид сирриға етса бўлур, аммо маърифат сирриға етмак душвордир», – деганлар⁵.

¹ Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат (Атойининг поэтик маҳорати). – Тошкент: Фан, 1995, 19-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 214-бет.

³ Ислом ақоидига доир жавоҳир сўзлар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002, 61-бет.

⁴ Ҳаққул И. Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти // Филол.фандок...дис. – Тошкент, 1995, 42-бет.

⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 17-том. -Тошкент: Фан, 2001, 264-бет.

Тасаввуфий адабиётларда тавҳид илми, унинг турлари, даражалари кенг шарҳланган. Сўфийларнинг айтишича, тавҳид тушунчаси руҳан яшаладиган ҳол ва завққа, маърифатнинг мавқеи ва даражасига боғлиқ. Бу ҳолни яшаган кишининг ҳолати ва мақомига кўра, тавҳид тушунчаси фарқлидир¹.

Илоҳий тавҳид-тавҳиднинг энг юксак, сўнгги даражаси бўлиб, «хосларнинг хосларига оид тавҳиди» дейилади². Бу илм-вужудий тавҳид мартабасидагилар илми. Вужудий тавҳид-тавҳиднинг энг мукаммал ҳолидир, фано филлоҳ мақомига етиб, ҳаққал яқин, яъни илми мушоҳада орқали банда эришадиган энг гўзал ҳол, маънавий меърождир. Ваҳдат ул-вужуд таълимоти эса тамоман вужудий тавҳид тушунчаси устига қурилган.

Шарқ мумтоз адабиётида Ҳақнинг гўзал исмлари ва сифатлари таърифида жуда кўплаб асарлар ёзилган. Бундай майл деярли барча йўналишдаги асарларда ҳам кўзга ташланади. Мазкур ҳамдлар мазмуни фақат Аллоҳни мадҳ этишга бағишланган бўлса-да мақсадига ва муаллифнинг мақомига (етакчилик қилаётган ғояга) кўра, фарқланади.

Шунинг учун уларни қуйидагича тасниф қилишни лозим топдик:

шаръий – тарғибий ҳамдлар;

маърифий – тарғибий ҳамдлар;

маърифий – бадий ҳамдлар;

бадий – маърифий ҳамдлар.

Шаръий – тарғибий ҳамдларда шаръий аҳқому қонун-қоидаларга мувофиқ Аллоҳга ҳамд айтилади. Мазкур турдаги асарларда Аллоҳга ҳамд айтиш орқали ҳар бир банда иймонли бўлиши, Аллоҳнинг биру борлигини тан олиши кабилар даъват қилинади ва асосий манба шарият ҳамда шаръий ҳукмлар ҳисобланади. Мазкур турдаги ҳамдларда ислом қонун-қоидалари улуғланади, Қуръони Каримдаги баъзи оятларга ёки ҳадисларга ишора қилинади ёки улар шарҳланади. Диний йўналишдаги ва ислом аҳқомига бағишланган барча асарларнинг кириш ҳамдлари шаръий-тарғибий ҳамдлардир. Қуръони Каримнинг саксондан ортиқ ояти каримаси Аллоҳга ҳамд айтиш хусусидадир. Аллоҳга ҳамд айтиш тўғрисидаги ҳадислар ҳам кўпчиликлари ташкил этади. «Чаҳор китоб»да юқоридаги оятлар мазмуни айнан тарғиб қилинади:

*Ибтидо мекунам ба номи худо,
Каз ду ҳарф офарид арзу само.
Номи ҳақ бар забон ҳамеронам,
Ки ба хону дилаш ҳамехонам.
Молику сониъу қадиму ҳаким,
Холику розику рауфу раҳим*³.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг Аллоҳнинг 99 исму сифатлари таърифига бағишланган «Авроди баҳоя» ҳам тўлиқ шаръий-тарғибий ҳамд мавқеидаги асардир⁴.

Алишер Навоийнинг «Сирож ул-муслимин», «Муножот» каби асарларининг кириш ҳамдлари эса шаръий-тарғибий руҳда ёзилгандир.

Маърифий – тарғибий ҳамдлар

Бундай ҳамдларда шариятга таянган тариқат тили билан Ҳақ сифатлари, комил мусул-

² Комилов Н. Тасаввуф. II китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон, 1999. 114-бет.

³ Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999, 127-бет.

⁴ Чаҳор китоб. – Душанбе: Адиб, 1990, 5-сах.

⁵ Нақшбанд Баҳоуддин. Авроди баҳоя. Нашрга тайёрловчи Г.Наврўзова. – Бухоро: Бухоро, 2000, 40-б.

мон бўлиш орзуси нуқтаи назаридан туриб мадҳ этилади. Мазкур ҳамдлар сирасига Шарқ мумтоз адабиётида маърифий йўналишдаги барча асарларнинг кириш ҳамдлари, «Кутадғу билиг»нинг муқаддима ҳамди, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёрнинг ҳамд йўналишидаги қарашлари киритилиши мумкин.

Аҳмад Яссавий шариат аҳкоми билан тариқатнинг руҳий-маънавий боғлиқлик аҳамиятини чуқур англаб, аркони иймон негизини яшаш тажрибаси орқали асослаб беради. Шунинг учун у туркий тасаввуф адабиётида биринчи бўлиб ирфоннинг марказий масаласи–ишқнинг маъно-моҳиятини ҳар томонлама талқин этишга муяссар бўлди ва «ошиқларнинг ибодатини энг маъқул ибодат деб билди»¹. Ҳолбуки, ишқ Калимаси Қуръони Каримда учрамайди. Айни масала Шайх ҳазратларининг ҳамд йўналишидаги қарашларида қуйидагича акс этган:

*Ё илоҳим, ҳамдинг бирла ҳикмат айтиб,
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим Санго.
Тавба қилиб гуноҳимдан қўрқиб қайтим,
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим Санго.
Мансур янглиғ бошим бериб ишқ дорида
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим Санго².*

Мазкур байтларда «шайхул–машойих»нинг ўзи таъкидлаганидек, Аллоҳ «ҳамди бирла» ҳикмат–диний- тасаввуфий қарашлар тарғиб қилинган. Яссавий ижодининг маърифий-тарғибий моҳиятини адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов шундай изоҳлайди: «Яссавий ҳикматлари ислом тасаввуфини туркий тилда баён этган илк ва энг таъсирчан оҳангдир. Шу боис Яссавийни миллий ва диний адабиётимизнинг илк асосчисидир дейишимиз мумкин»³.

Туркий тасаввуф адабиётининг бу тамойилини Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳар иккала турдаги ҳамдларнинг умумий ўхшашлиги Ҳақ сифатларини улуғлаш орқали шариат аҳкомини тарғиб қилишга мўлжалланганлигидир. Дўзах азобидан қўрқув, намоз, рўза, тақво ва сидқидил тоат-ибодатни, Аллоҳга ҳақиқий қуллик ишқини улуғлаш, комил мусулмон бўлиш орқали жаннатга (баъзи ҳамдларда Ҳақ ризолигига) дохил бўлиш шариатга таянган тариқат аҳли намояндалари ижодидаги ҳамдларни бирлаштириб турувчи умумий жиҳатлардир. Аммо ўзига хос фарқли томонларнинг мавжудлиги уларни алоҳида-алоҳида тасниф қилиш асосини беради. Биринчи турдаги ҳамдлар Ислом динини, Аллоҳнинг биру борлигини тан олган ёки тан олиши лозим бўлган барча оддий бандаларга дастлабки бошланғич даъват руҳидаги ҳукмлар ифодасидир. Маърифий-тарғибий ҳамдларнинг марказида эса ислом асосларини кўр-кўрона тан олиб, тоат–ибодат қиладиган, шариат аҳкомлари (маърифати)ни ҳис этмай, итоат қиладиган фикрсиз банда эмас, балки Ҳақнинг санъатини ҳис қилиш ва иймон лаззатидан баҳраманд бўлиш орқали қалбий сезги майдони кенг комил мусулмон ёки комил мусулмон бўлиш иштиёқидаги мўъмин туради. Шунинг учун бундай ҳамдлар тариқат тили билан баён қилинса-да, улардаги исломий-ирфоний моҳият шариатни тарғиб этишга хизмат қилади.

¹ Исмоил Ёқут. Аҳмад Яссавий тасаввуфий қарашларининг бош асослари // Хожа Аҳмад Яссавий (мақолалар тўплами). – Тошкент, 2001., 43-бет.

² Ҳаққул И. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001, 44-бет.

³ Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари // Мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси, 2001, 47-бет.

Маърифий–бадий ҳамдлар

Бу гуруҳга шундай ҳамдлар киритилиши мумкинки, улар моҳиятан ва ўз мақсади билан Ҳақнинг қудрати, юксак санъатини мадҳ этиш орқали маърифат ғояларини тараннум қилиши, оммалаштириши мумкин. Бироқ бундай ҳамдларда маърифий-фалсафий ғоя ва фикрлар бадий рамзлар, тимсол ҳамда образлар воситасида берилади. Мазкур ҳамдлар негизида маърифий ғоя, ахлоқий-фалсафий қарашлар тараннуми ётади. Улардаги бадий рамзлар, тимсоллар ва образлар икки маъноли хусусиятга эга эмас, яъни мураккаб рамзий тизим асосида эмас, балки сўзларнинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маъноси фақат Ҳаққа тегишлидир. Шунинг учун бундай маърифий ҳамдларнинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маъноси шариат арконларига зид эмас. Алишер Навоийнинг «Ситтаи зарурия» қасидалар туркуми таркибидаги биринчи «Рух ул-қудс»–илоҳий тавҳидга бағишланган ҳамд қасидаси, ҳамд йўналишидаги ғазал, рубоий, қитъа, фардларини бундай ҳамдлар сирасига киритиш лозим. Абдурахмон Жомий, Лутфий, Атоий, Ҳофиз ва Хоразмий девонида ҳам худди шу йўналишга оид ғазаллар мавжуд.

Шарқ мумтоз адабиётида девонни ҳамд ғазал билан бошлаш анъанасини Алишер Навоий бошлаб берди ва бу ҳақда шоирнинг ўзи «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида шундай ёзади: «..Ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалги ғазали Тенгри таоло ҳамди била мувашшаҳ қилинди»¹.

Улуғ шоирнинг Шарқ девончилигига киритган муҳим бир янгилигининг моҳияти ана шу нуқтада аёнлашади. Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» йиғма девонлари таркибидаги ҳар бир баҳр (қофиядаги охириги ҳарфга кўра бирлаштирилган ашъор мажмуаси) «аввалги ғазаллар» Шарқ девончилигида «ҳамд ғазал» деган янги анъанага асос бўлди. Шаърий ҳамд тушунчасини илғор ирфоний қарашлар орқали тўлдириб (солиқнинг руҳий-маънавий даражасига кўра Ҳақ сифатларини улуғлаш ва Ҳаққа етиш усулини асослаш), талқин этиш Алишер Навоий ижодининг ўзига хос хусусиятидир. Мазкур турдаги ҳамд ғазалларда «қазо меъмори», «азал соқийси» каби ички ва ташқи маъноси фақат Ҳаққа тегишли сифатлашлар воситасида Аллоҳ ҳамди талқин этилади ва бошдан охир фақат Ҳақ исм ва сифатлари улуғланади:

*Ташналаб ўлма Навоий, чун азал соқийсидин
«Ишрабу, ё айюҳал–атшон» келур ҳар дам нидо².*

Маърифий–бадий ҳамдлар маърифат-камолот босқичидан туриб ёзилади. Шунинг учун бундай ҳамдларнинг марказида шариат ва Қуръони Карим, Ҳадиси шариф асосида Аллоҳ ва унинг чексиз сифатларидан хабардорлик, ўзининг моҳиятан шу қудрат ва мўъжизавий санъат соҳиби билан бирлигини пайқаш, Яратувчи қудрати ва гўзаллигидан хабардорлиги натижасида ўзининг оддий мўъминлик даражаси билан қониқиб қолмай, комил инсон бўлиш орзусидаги солиқ туради. Алишер Навоий ғазал жанрининг кенг имкониятидан фойдаланиб, ҳамд ғазал воситасида Ҳаққа етиш усулини–камолот босқичларининг руҳий-маънавий илдизларини, уларнинг аҳамиятини асослаб берди. «Ҳамд ғазаллар жанрий табиати» бўлимида маърифий–бадий ҳамд ғазалларнинг хос хусусиятлари масаласига кенгроқ тўхталамиз.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадоеъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987, 21-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20-томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 25-бет.

Бадий–маърифий ҳамдлар

Бундай ҳамдлар маърифий рамзларга таяниб ёзилади. Олдинги турдаги ҳамдлардан фарқли равишда, буларда бадийят жуда кучли ва том маънода бадий асар сифатида ўқилиши ва ўрганилиши мумкин. Бундай ҳамдларнинг бадий тимсоллари, рамзлари, образлари замирида «Ҳақ- Инсон» муносабатлари ётади. Бундай бадий яратмаларнинг барчаси икки маънолидир. Уларнинг зоҳирий маънолари бадий асар мазмуни билан жипс боғлиқ бўлади. Аммо бадий тимсоллар остида маърифатнинг «Ҳақ-Инсон» муносабатлари жуда юксак санъат билан яшириниб келади. Бундай бадий-маърифий ҳамдларда исломий тушунчалар, шариат арконининг тўғри акс эттирилиши зоҳирий маънолар асосида эмас, балки ботиний маърифий маъно асосида баҳоланади. Бадий–маърифий ҳамдлар ботиний маънолари шариат ақидаларига мос бўлса-да, зоҳирий маъносига кўра, расмий ислом аҳкомига зид бўлган.

Маърифий савияси ҳар хил шариат ва тариқат аҳли ўртасидаги низоларнинг бош сабаби тариқий ҳамдларнинг турлича талқин этилиши, ўқилишидир. Чунки шаръий ҳамдларнинг манбаи–Қуръони Карим, Ҳадиси шариф. Тариқий ҳамдлар эса мазкур илоҳий сарчашмалар замирида шаклланган руҳий-маънавий асосга–Ҳақнинг тасаввуфда ўқилишига таянади.

Маърифий савияси юксак–«аҳли роз»гина нозик ботиний маъно қирраларини илғай олишган. Зоҳирбин шариат аҳли эса фақат ташқи мазмунга эътибор беришган.

Тариқат аҳли жиндай хато қилса, ўз маърифий асарларининг ботиний маъноларида аркони шариат ва аҳкоми динга нисбатан зиғирча хатога йўл қўйса, аёвсиз жазоланган. Мансури Халлож, Насимий, Наимий, Бобораҳим Машраблар қисматининг фожиаси негизида шу сабаб ётади. Ана ўша қатъий қоидага кўра, ҳатто Ҳофиз Шерозию Шайх Саъдийлар, Камол Хўжандию Фузулийлар, Убайд Зоконию Носир Хусравлар, Жалолиддин Румию Нажмиддин Кубролар бир неча ўлимдан сўз ва тафаккур санъати билан чиқиб кетганлар.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Шарқ мумтоз адабиёти намояндалари деярли ҳар бир бадий-маърифий ғазални ҳамд деб билишган. Чунки бундай ғазаллар кўпчилигининг ботиний маъноси Ҳақ маърифатига бориб тақалади. Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Камол Хўжандий, Жалолиддин Румий, Амир Хусрав Дехлавий, Лутфий, Атоий, Машраб, Хувайдо каби даҳо сўз санъаткорларининг «Ҳақ-Инсон» муносабатларига бағишланган ижод маҳсули фикримизнинг ёрқин далилидир. Алишер Навоийнинг тўрт девонида мужассамланган (ҳар бир ҳарф гуруҳи бошида келган ғазаллар бундан мустасно) кўпгина шеърларини ҳам бадий-маърифий ҳамдлар сирасига киритиш лозим. Мазкур турдаги ҳамдларда Соқий, кўёш, Уммон, Сув кабилар Ҳақ рамзи сифатида келади. Ринд-соқий, булбул- гул, парвона-шамъ, гадо-шоҳ, балиқ-сув, зарра- кўёш, қатра-уммон, пашша-фил, тана-жон, самандар-ўт, ер-осмон каби тизимларнинг моҳияти махсус маърифий билим эгаларигагина маълум бўлган.

Илоҳий-исломий сарчашмалар

Мустақиллик шарофати билан Алишер Навоий асарларининг Қуръоний ғоялардан озиқланганлиги хусусида жуда кўп мақолалар, илмий тадқиқотлар яратилди. Шоир меросининг таянч ғоявий манбалари Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва тасаввуф таълимоти эканлиги эътироф этила бошланди. Улуғ шоирнинг илоҳий-ирфоний, ижтимоий-фалсафий қарашлари ифодаланган ҳамд ғазаллари ва «Рух ул-қудс» қасидасини ҳам бевосита илоҳий-исломий сарчашмалардан баҳра олган асарлар сифатида эътироф этиш мумкин.

Қатор ҳамд ғазалларда ва қасиданинг насиб қисмида Аллоҳ таолонинг илоҳий қудрати туфайли тун-кун, еру осмон, ою қуёшнинг бир мунтазамликда ҳаракат қилиши масаласи ёритилган.

Бутун борлиқда-табиатдаги энг майда жонзотдан тортиб, баҳайбат мавжудотнинг шаклу шамойилигача– барча-барчасида Аллоҳнинг қудрати зоҳир. Тун-кун, қуёш-ой, сайёра ва юлдузлар Аллоҳнинг амрига итоат этиб ҳаракат қиладилар. Зеро, яратмоқ ва амр этмоқ Унинг ўзигагина хосдир:

*Чи қудратест, ки дар боргоҳи чархи баланд,
Нагашта бе сабаби ў зи зарра то байзо¹.*

Мазмуни: Ажаб қудратдирки, юксак чарх қасрида қуёшдан энг кичик заррагача ўша мўъжиза туфайли пайдо бўлгандир.

Худди шу моҳиятнинг ўзи ҳамд ғазалда қуйидагича акс этган:

*Юзунг кўзгусидин оламда юз нуру сафо пайдо,
Қуёш андин анингдекким қуёшдин зарра нопаддо².*

Исломий таълимот, унинг муқаддас илоҳий китобида мазкур ҳақиқат қайта-қайта таъкидланади. Ана ўша илоҳий нур ҳамд ғазаллар ва «Рух ул-қудс» қасидаси байтларига ҳам чуқур сингдирилган. Шу жиҳатдан «Юнус» сурасининг 3 ва 5-ояти карималари аҳамиятлидир:

«Албатта Парвардигорингиз осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра ўз аршини эгаллаган Аллоҳдир. У (Аллоҳ) қуёшни зиё сочувчи, ойни ёруғлик қилган ва сизлар йилларнинг саноғини ҳамда (вақтларнинг) ҳисобини билишларингиз учун уни (яъни ойни бир қанча) манзил-буржларга бўлиб қўйган зотдир. Ҳеч шак-шубҳасиз, Аллоҳ бу (борлиқни) Ҳақ (қонун ва мақсад) билан яратди». У зот биладиган қавм учун ўз оятларини муфассал баён қилур»³.

Ҳамд ғазаллар ва «Рух ул-қудс»да йил фасллари, тўққиз фалак, ўн икки бурж ва улар билан боғлиқ табиий ўзгаришлар, фаслларнинг мажозий-ботиний маъноларини ва сарфий жисмлар билан ўзаро алоқадорлигини юзага чиқаришда Алишер Навоий Қуръони Каримнинг само ёхуд илми нужумга дахлдор «Бақара», «Анъом», «Аъроф», «Юнус», «Хут», «Юсуф», «Раъд», «Иброҳим», «Ҳижр», «Наҳл», «Ал-исро», «Қаҳҳор», «Тоҳа», «Анбиё», «Ҳаж», «Мўъминлар», «Фурқон», «Намл», «Анкабут», «Рум», «Луқмон», «Фотир», «Ёсин», «Вас-саф-фот», «Фуссилат», «қоф», «Ва-з-зориёт», «Ва-н-нажм», «Қамар», «Раҳмон», «Воқеа», «Ҳадид», «Тағобун», «Мулк», «Ал-ҳааққа», «Нух», «Жин», «Муддасир», «қиёмат», «Вал-мурсалот», «Набаъ», «Ван-нозиот», «Такбир», «Иншиқоқ», «Буруж» каби сураларидан илҳом олганлиги шак-шубҳасиздир. Ана шу нуқтаи назардан ҳамд ғазаллар ва «Рух ул-қудс» қасидасининг бадиий тасвир услуби бир-бирига жуда яқиндир. Илоҳий-исломий сарчашмалар ва мазкур асарлар ҳар байтини ёнма-ён қўйиб, қиёсий таҳлил қилишнинг имкони йўқлигини ино-

¹ Алишер Навоий. Рух ул-қудс. Сўзбоши, насрий баён, изоҳ ва луғат билан нашрга тайёрловчилар проф. Р.Воҳидов, тадқиқотчи Н.Бекова. -Тошкент: Ўзбекистон, 2002, 5-бет. (Бундан кейин мазкур асарга мурожаат қилинганда саҳифасини қавс ичида кўрсатиш билан кифояланамиз.-Н.Б.).

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. -Тошкент: Фан, 1989, 7-бет.

³ Қуръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). -Тошкент: Чўлпон, 1992, 133-бет.

батга олиб, муштарак байтлар асосида ҳамд ғазаллар ва «Рух ул-қудс» қасидасида «Аллоҳ-Олам муносабати талқини» жадвалини туздик.

**Ҳамд ғазаллар ва «Рух ул-қудс» қасидасида «Аллоҳ-олам»
муносабатлари талқини – (қиёсий таҳлил) даги муштарак жиҳатлар**

«Рух ул-қудс»	Ҳамд ғазаллар (ғазал тартиб ва байтининг рақамии)
1-байт	ўс 242-1
2-байт	ўс 242-2
2-байт	ўс 3-2, Фк 2-4
3-байт	ўс 575-2, Нш 132-2
4-байт	Нш 393-1, Бв 2-5
5-байт	Бв 3-2
6-байт	ўс 2-4
7-8 байт	ўс 3-8 ўс 2-8
9-байт	Бв 2-5
10-байт	Нш 5-2-3,
11-байт	Фк 3-3
12-байт	Нш 393-2
13-14 байт	Нш 64-3-4, Нш 322-8
14-байт	Нш 5-4
19-байт	Фк 2-2
20-байт	Бв 242-2
21-байт	Нш 364-3
22-байт	Фк 2-2, Бв 1-6-7, Фк 3-1-3
24-байт	Бв 4-1
25-байт	Фк 3-2
26-байт	Фк 1-5
28-байт	Фк 2-4
30-байт	Нш 364-6
30-байт	Нш 575-5
34-43-байтлар	Нш 322-7-8, Нш 393-3-6, Нш 575-3 ўс 2-9
35-байт	ўс 5-5
39-байт	Нш 575-3

44-байт	Нш 575-5
59-байт	Нш 575-5
66-байт	Нш 393-2
67-байт	Нш 199-5-6
75-байт	Нш 5-6
76-байт	Фк 1-1, Бв 242-1
77-байт	Нш 575-4
82-байт	ўс 4-2, ўс 132-2, ўс 242-3-5, ўс 575-4,
108-байт	Нш 5-4, Нш 114-1-3, Нш 132-3, Нш 322-4, Нш 353-7-8, Бв 3-4, Бв 242-2

Адабиётда ҳар бир фасл муайян фазилят тимсолига айлана борар экан, баҳор яшариш, уйғониш, файзу тароват, янгилиниш, инсон умрининг ибтидоси рамзидир. Куз эса тўкин-сочинлик, етилиш билан бирга табиат ҳамда инсон умрининг хазони – ҳаёт, яшашнинг интиҳоси (сўлиш, хазон бўлиш) рамзи сифатида Алишер Навоий нодир дурдоналари бағрига сингдирилган. Бу ўринда шуни айтиш керакки, улуғ шоирнинг «Фусули арбаа» номли тўрт форсий қасидаси ҳам фасллар таърифига бағишланган бўлиб, ундаги санъаткорона тасвир билан «Рух ул-қудс» қасидасининг тасвирлари (йил фасллари тасвирига бағишланган қисми) бир-бирига жуда ўхшайди. Улуғ шоир бу тасвирлар орқали одам жисми (тўрт унсур, тўрт хилт, тўрт табъ) ва олам тузилиши (тўрт фасл) орасидаги яқинлик, боғлиқлик ва алоқадорлик каби жиҳатларига алоҳида урғу беради. Аллоҳ таоло бутун мавжудотни тасодифлар асосида эмас, балки муайян қонуният, ўзаро узвий алоқадорлик, ҳикмат занжири, ҳайратомуз интизом ва тадбир ила яратди-ю лекин ҳеч нарсага абадийликни насиб қилмади. Сабаб ва оқибат тамойиллари асосида бунёдга келган оламда барча нарсалар табиатида қарама-қаршилик ва инкорни инкор қонуни амал қилади. Яшаш учун тинимсиз кураш эса имтиҳон дунёсида узлуксиз давом этади. Айни шу жараён қуйидаги мисраларда бетакрор ифодасини топган:

*Далел он ки ду рангист кори гулшани даҳр,
Чи дар баҳору хазону, чи дар сабоҳу масо.*

Шоир таъбирича даҳр гулшани ишининг икки ранглилик кўриниши далили (яъни) Баҳору Хазонда, тонг отару кечқурунда ҳам ёрқин намоёндир. «Наводир уш-шабоб»нинг 364-ғазалида худди шунга ўхшаш байтларни учратамиз:

*Жамол зевари қош айладинг, магар урдунг,
Бу икки мисқал ила уйла кўзгуга сайқал.
Фироқ шомини ошиққа айладинг тийра,
Агарчи анжумидин ёқтинг анда кўп машъал.
Баҳор мошитаси саъйи бирла кийдирдунг,
Чаман аруси юзу қаддиға ҳулию ҳулал¹28.*

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 364-бет.

Дунёда ҳеч нарса абадий эмас экан, инсон ўзидан фақатгина эзгу амаллар қолдириш учун интилоғи зарур. Қуръони Мажид «Каҳф» сурасининг 45-46-оятлари карималарида фасллар алмашинувини ажиб қонуният асосида яратган Аллоҳ таолонинг айна борадаги таъкиди қуйидагича хабар қилинади:

«(Эй Муҳаммад одамларга) ҳаёти дунё мисолини келтиринг. (У) худди бир сув кабидурки, Биз осмондан ёғдиргач (аввал-киши ҳаётининг баҳорида) у сабабли замин набототи (бир-бирига) аралашиб-чирмашиб кетур, сўнгга (ҳаёт кузи келгач) шамоллар учуриб кетадиган хас-хашакка айланиб қолур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир бўлган зотдир. Мол-мулк, бола-чақа шу ҳаёти дунё зийнатидир. Парвардигорингиз наздида эса (абадий) қолгувчи яхши амаллар савоблироқ ва орзулироқ (орзу қилишга арзирлироқдир)»¹.

Аллоҳ меҳрибон ва раҳмли зотдир. Йилни фаслларга бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўзига хос хусусиятларни жам қилган соҳиби қудрат бандаларига ғамхўрликни ҳеч қачон тарк этмаган. Ёзу қиш, баҳору куз алмашинувини таъмин этган зот улардан етадиган нозу неъматлардан ҳузурланиш, баҳраманд бўлиш ҳамда кези келганда фаслларнинг табиий хусусияти (иссиқ, совуқ, шамоллар, бўронлар, довуллар, дўлу жалалар)-офатларидан ҳам сақлашни шароитини яратиб берган:

*Асиреки, зикрингни айлаб ҳада,
Берибсен халосиға юз минг ҳадоё.*

«Рух ул-қудс»да мазкур моҳият қуйидагича акс этган:

*Паи илохи вай меваҳои бору рутаб,
Мизохи инсонро сохтӣ қарини шифо.
Замин зи бўстон афрӯз гашт ҳунолуд,
Зи теғи куфр б-дон сон, ки тораки шуҳадо (46-бет)*

Унинг (баланд ҳароратнинг) иложини қилиш учун янги пишган меваларни Инсон мижозига шифо бўлишини назарда тутиб, унга яқин дўст қилиб қўйдинг. Ер боғларнинг бундай шуълалантирувчи (кўринишидан) (гўё) қонга бўялди. Бу дин йўлида кофирлар тиғидан шаҳид бўлганлар (инсонлар қони) ва бошини эслатарди, дейди шоир. Мазкур фикрларнинг асосини Қуръони мажиднинг «Аъроф» сураси 74-оятлари каримаси ташкил қилади: «Сизларни Од (қавми)дан кейин халифа қилиб қўйганини ва сизларга ернинг текисликларида (ёзлик) қасрлар қуриб олишингиз, тоғлик жойларида (қишлик) бошпаналар йўниб (тиклаб) олишингиз учун маскан берганини эслангиз! Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва ерда бузғунчилик қилиб санқиб юрмангиз»².

Аллоҳнинг юксак мўъжизавий қувватини чуқур ҳис этган шоир атроф-муҳитда юз бераётган воқеалардан ҳаяжонга тушади, кўзга равшан намоён ўша мўъжизалар учун ҳам Яратганга сиғинади, Унинг қудратига таҳсин айтади:

*Ду рангу даҳ ранг чӣ бувад, ки ҳар варақ аз барг,
Нигошта ба дусад ранг шуд зи килки қазо (15-бет).*

¹ Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992, 39-бет.

² Қуръони Карим. – Тошкент, 1992, 111-бет.

Икки рангу ўн ранг нима бўлибдики, баргнинг ҳар бир варағида қазо қалами билан икки юз ранг акс эттирилгандир, – дея ҳассос шоир байтда дунё ва борлиқдаги барча нарсаларнинг, хилма-хил, бетакрор ранглар, нақшларнинг бунёдкори Аллоҳ эканлиги таъкидланади. Улуғ шоир тасаввурига кўра, ҳар бир рангда Унинг бир ҳикмати акс этган:

*Мунъа хилъат махзани инъоми ташрифингдин ўлди,
Чарху тоғу баҳрга атлас ва гар хоро ва гар хаз¹.*

Юқоридаги фикрлар эса Қуръони Карим “Бақара” сурасининг 138-ояти бадий ифода-сидир: «Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг берувчи борми?»².

Алишер Навоий қасиданинг 2-ва 118-байтида «Ёсин» сурасининг 82-ояти («Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл» демоқликдир. Бас, у (наrsa) бўлур-вужудга келур»)га ишора қилади: «Иннама амруҳу иза арода шайъан ан якула лаҳу кун фа якун».

*Чи хомаест, ки дар коргоҳи «кун фаякун»,
Нагашта бе рақами е зи қатра то даръё...
Ба пайҳ камтар аз он метавонияш, ки кунт,
Чунон набуд, ки набувад асар аз ў пайдо (6-бет).*

Ажаб қаламдурки, бутун борлиқ дўконида қатрадан дарёгача Унинг ҳукми билан пайдо бўлгандир... Биргина сўз туфайли («бўл») ғайб хазинаси сирини озгина ошкор қилдинг. Шундай бўлмаганда, ундан асар ҳам кўринмас эди. Кўринадики, улуғ шоир бу байтлар орқали Аллоҳнинг буюк меҳру саховатини, яратувчанлик қудратини ва башариятга бўлган муҳаббатини таърифлаган.

Мазкур моҳиятни иқтибос санъати асосида «Бадоеъ ул-васат»нинг 2-ғазалида ўқиймиз:

*Ироданг бирла тақдиринг ўлғай икки кавн ичра,
Агар бўлса фано зоҳир ва гар бўлса бақо пайдо³.*

Илоҳшунослик ва инсоншуносликка оид асл ҳикматлар силсиласи акс этган «Рух ул-қудс» қасидасида инсон Рухи Мутлақ энг кўп акс этган хилқат сифатида таърифланади. қасиданинг 10-23-байтларида одам жисми (тўрт унсур, тўрт хилт) ва олам тузилиши (тўрт фасл) орасидаги яқинлик, инсоннинг яратилиши, ички ва ташқи аъзолари вазифаси, мўъжизавий мукамаллиги хусусида фикр юритилади.

*Чу соз кардй таркиби хисми инсонй,
Зи хок таъбия сохтй ба зебу баҳо (7- бет).*

Улуғ шоир инсонни Ҳақ санъатининг энг юксак намунаси сифатида таърифлайди:

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 199-бет.

² Қуръони Карим. – Тошкент, 1992, 17-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5- том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990, 8-бет.

Инсон жисмининг шакл, суратини турфа таркиблардан бунёд этдинг, аъзоларини зебу зийнат билан жой-жойига қўйиб, тупроқдан бебаҳо қилиб ясадинг.

Юқоридаги (10-23) байтларнинг таянч манбаи сифатида «Наба» (6-оят), «Инфитор» (7-8-оят), «Инсон» (28-оят), «Шарҳ» (4-оят), «Балад» (8-9-оят), «Тийн» (4-оят), «Вас-саффот» (11-оят), «Бақара» (29-оят), «Ҳижр» (26-оят) каби сураларни кўрсатиш мумкин. Улуғ шоир инсонни мумтоз этган илоҳий имкониятларга алоҳида урғу беради:

*Бас, он гаҳе ба улумаш чу раҳнамун гаштӣ,
Нахуст кардӣ таълими алламал-асмо (9-бет).*

Унинг (инсоннинг) илм ўрганиши учун раҳнамолик қилган чоғингдаёқ, дастлаб азалий исмларга амал қилиш таълимини (ўзинг) бердинг.

«Алламал-асмо» «исмларни ўргатди» демакдир. Бу бирикма «Бақара» сурасининг 31-оятдан: «Ва у зот одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришта-ларга рўбарў қилиб деди: «Агар халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини менга билдилинг!»¹.

Аллоҳ инсонни бошқа мавжудотлардан алоҳида ажратиб, илму ирфон хазинаси сифати-да ўн саккиз минг оламни унинг учун яратган:

*Бўлуб сифатингга мазҳар жамиъ махлуқот,
Алар муфассалу инсонни айладинг мужмал².*

«Руҳ ул-қудс»да эса олами суғро қуйидагича таърифланади:

*Дар он ажуба намудорӣ аз ҳама кардӣ,
Амонатро ҳам додияш ба расми хифо (10-бет).*

Ўша мўъжизалар (ажойиботлар) оламида ҳамма нарсани намойиш қилдинг, омонатингни бердинг, аммо муҳофазани ҳам ўзингга олдинг. Мазкур байтлар эса Бақара сура-си 151-оятининг (Мен банда қалбига муҳаббат бўлиб кирган яширин хазинаман) ва «Лав лака», «Кунту канзан» каби қудсий ҳадисларнинг бадий-маърифий талқинидир.

Қўринадики, ҳамд ғазаллар ҳамда «Руҳ ул-қудс» мисраларидаги ғоялар ва ояти кари-малардаги моҳият бир-бирига тўкис ҳамоҳангдир. Алишер Навоий тафаккурида устувор ўрғашган Қуръони Карим таълимоти, унинг юксак инсонпарварлик ғоялари улуғ шоир асарларига ҳаётбахш руҳ ҳадя этиб турибди. Зеро, илоҳиёт ва илоҳий олам қудратига умид боғлаб, унга сиғиниб яшаган улуғ шоир фақатгина яхшилик ва эзгуликка чорловчи илоҳий китоб оятларини асарлари мағзига сингдириш билан барча мавжудотлардан олий қилиб яратилган ҳазрати инсонни, унинг дарди, ташвиши, руҳияти ва маънавиятини куйлашни ҳамма нарсадан устун қўяди.

¹ Қуръони Карим. – Тошкент, 1992, 15-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 364-бет.

Адабий манбалар ва “Ситтаи зарурия”

Шарқ мумтоз адабиётида Аллоҳ ва олам алоқадорлиги, боғлиқлиги талқинига бағишланган жуда кўп асарларда юқорида санаб ўтилган мавзулар узвий кетма-кетликда (йил фасллари, тўрт унсур, 9 фалак, 12 бурж) тасвирланади. Бу “Ситтаи зарурия”нинг бой илоҳий ва адабий сарчашмалар заминидан юзага келганидан далолат беради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” маснавийси, Носир Хусравнинг “Рўшноинома” достони, Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Олам ул-илм” ва Абдурахмон Жомийнинг “Жило ур-руҳ” каби қасидалари фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу асарларда ҳар бир нарасада Аллоҳнинг қудрати намоён бўлиши, У яратган мулки борлиқ мавжудотларида занжир ҳалқалари каби бир-бирига узвий боғланиб, турфа жиҳатлардан ўзаро алоқадорликда амал қилиши ҳодисасига алоҳида урғу берилади. Бу алоқадорликнинг асосий негизи барча нарсалар Инсон ва унинг руҳи Мутлақ томон тараққий этиб бориши учун яратилганлиги ҳақидаги илоҳий-ирфоний қарашларга бориб тақалади.

Жумладан, “Авесто”да осмон жисмларига алоҳида аҳамият берилган ҳамда уларга илоҳий қудратнинг мўъжизаси сифатида қаралган.

Қадимги аждодларимизнинг нужумий тасаввурлари таъсири “Руҳ ул-қудс”даги ўн икки буржнинг бирма-бир тасвирида ҳам яққол кўзга ташланади:

*Ба буржи дигар Ақраб ба жунбиш овардй,
Чу каждуме, ки кунад хона дар қадим бино.
Фарози буржи дигар сохти камонхона,
Ки чарх тири бало афканад сўйи дунё (21-бет).*

Бошқа бир буржда Ақрабни ҳаракатга келтирдинг, Чаёндайки, қадимий услубда ўзига хона бино қилсин. Бошқа бир буржни баланд Камонхона қилиб ясадингки, чарх ундан дунёнинг турли тарафларига бало тиғини ёғдиради, дея улуғ шоир Аллоҳнинг қудратини таъриф ва тавсиф этади.

Мазкур байтларда буржларнинг номи билан уларнинг халқ тасаввуридаги хосиятлари ва ердаги воқеалар билан алоқадорлиги ҳисобга олиниб, чиройли ташбеҳлар ҳосил қилинган.

Аллоҳ-олам алоқадорлиги, боғлиқлигининг ихчам тасвирини «Қисаси Рабғузий»да ўқиймиз¹. Мумтоз адабиётда жуда кўп эътироф этилган мазкур фикрларни Носириддин Рабғузий мухтасар баён қилган. Бунда Яратувчининг чексиз ақл-заковат соҳиби эканлиги ва буюк яратувчанлик хусусияти яққол кўзга ташланади.

Исломи қарашлар ва Аллоҳ-олам муносабатларини руҳий-важдий тафаккур қилиш жараёнида туғилган мушоҳадаларга таяниб, баъзи дostonларда оламнинг тузилишига доир махсус боблар ажратилган. Жумладан, етти сайёра ва ўн икки буржга махсус боб бағишлаган Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» достонида ўн икки буржни етти сайёрадан ажратиб кўрсатади ҳамда уларнинг айримлари жуфт-жуфт, айримлари эса тоқ эканлигини қайд этиб, уларнинг учтаси–баҳорги, учтаси ёзги, учтаси–кузги ва ниҳоят учтаси–қишки юлдузлар деб эътироф этади. Дунё тўрт унсурдан ташкил топгани сингари буларнинг ҳам учтаси олов, учтаси – сув, учтаси–шамол ва учтаси – тупроқ эканлиги ҳақида бадий мушоҳада юритади.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Олам ул-илм» қасидасида ҳам худди шундай тасвир усули устувор:

¹ Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. -Тошкент: Ёзувчи, 1990, 12-бет.

*Зўҳра табъам дар вабол аз неши ин ақрабвашон,
З-он чу ақраб хештанро худ қафое мезанам¹.*

«Ситтаи зарурия» таркибидаги биринчи қасиданинг «қасидаи «Рух ул-қудс»и дар тавҳиди Бори таоло» деб номланишининг ҳам муҳим асослари бор. Илоҳий-исломий қарашларга мувофиқ, Аллоҳнинг яккаю ягона Яратувчи эканлигини мадҳ этиш учун асарларнинг дастлабки кириш қисмлари «Аллоҳ таоло тавҳиди»га бағишланган. Жумладан, Низомий Ганжавий «Хамса»сининг махсус бир кириш қисми «Дар тавҳиди Бори» («Бори таоло тавҳиди ҳақида») деб номланади². Юқорида таъкидлаганимиздек, жамики нарс ва ҳодисаларнинг муайян бир уйғунликда доимий ҳаракатда эканлиги ягона буюк Рухнинг мўъжизавий қудрати ҳосиласи сифатида талқин этилади:

*Чу гул сад пора кун худро дар ин боғ,
Ки натвон тандуруст омад бад-ин боғ (23-бет).*

«Рух ул-қудс» қасидасида ҳам гул тимсоллари тасвирига кенг ўрин берилади. Улуғ шоир райҳон, сунбул, наргис, лола, ёсмин каби гул тимсоллари орқали сулук аҳлининг кўнглида порлаган илоҳий нур ва унинг турли гўзал шаклларда жилва қилишига ишора қилади.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Носир Хусрав ҳақида маълумот берганда фақат «Рўшноинома» асарини тилга олади. Адибнинг 592 байтдан иборат бу маснавийси Аллоҳ-олам алоқадорлиги, боғлиқлиги талқинига бағишланган бўлиб, унда диний, фалсафий, маърифий, ижтимоий-ахлоқий қарашлар юксак шоирона назокат билан қуйланади. Кузатишлар асосида шунга гувоҳ бўлдики, мазкур маснавийнинг ғоялар ва мавзулар олами мундарижаси Алишер Навоийнинг «Ситтаи зарурия» қасидалар туркумига жуда ўхшайди.

“Ситтаи зарурия” “Рўшноинома”га “Аллоҳ-олам алоқадорлигига доир жамики нарс-ҳодисаларни узвий кетма-кетликда тасвирлаш нуқтаи назаридан яқин туради. Аммо Навоийнинг мақсади бу масалаларни фақат ёритишгина эмас, балки Аллоҳ-олам алоқадорлигини таъминловчи Ҳақ қудрати яширинган илоҳий тизимлар чегарасини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини аниқ, равшан ифодалашдир. қасидалар кўпинча дақиқ маъноларни, ишораларни нозик англовчи кишилар савиясига мослаб, юксак дид билан яратилган. “Ситтаи зарурия” туркуми ҳам ана шундай юксак бадиий асардир. Чунки шоир “Ситтаи зарурия” –“Олти зарурат” орқали бир неча олтилик тизимига ишора қилади.

“Ситтаи зарурия” таркибидаги биринчи қасиданинг, яъни умумий олтилик тизимининг бирламчи асосини Рух ташкил этади. Шунинг учун асар “Рух ул-қудс” деб номланган. Мутлақ Рух ва ундан ажралган руҳнинг яна Унга қайтиш (уруж) асослари ифодаланган. Рух қуввасидаги 6 жиҳат, асос Фаридуддин Атторнинг “Илоҳийнома”сидаги “Рухга мурожаат қилиб дегани” қисмида бирма-бир изоҳланади: “Рух-ажойиб бир қушсан, на ердасан, на осмонда, балки Тангри таоло ҳузуридасан. Сенинг асосингда олти белги бор, аммо уларнинг ҳар бири бир жаҳон – алоҳида бир олам. Ҳар бири-бир соҳибқирон, бир қудрат.

*Бири Нафс белиб, унинг жойи сезги аъзоларидир.
Бири Нафси аммора белиб, зиддиятлар, нифоқ шундан.*

² Деҳлави Амир Хусрав. Осори мунтахаб. Дар чаҳор жилд. Жилди чаҳорум. – Душанбе: Ирфон, 1975, 829-саҳ.

¹ Низомии Ганжавӣ. Куллиёт. Дар панх хилд. Жилди I. – Душанбе: Ирфон, 1983, 26-бет.

*Бири Ақлдир, ақл мувофиқликни, мантиқни бошқаради.
Бири Илмдир, маълумот, билим тўплаш билан банд.
Бири Фақрдир, фано-йўқлик истар ҳамиша.
Бири Тавҳиддир, Ягона зот истар ва Унга интилар доим*¹39.

“Олти зарурат” таркибидаги биринчи қасиданинг “Рух ул-қудс” деб номланишининг асосий манбаи ҳам шудир. “Рух ул-қудс” қасидаси–“Ҳайрат ул-аброр” достони сингари дастурий–муқаддимавий асар. Юқорида санаб ўтилган руҳнинг олти қувваси ҳақида “Ситтаи зарурия” туркумидаги қасидаларнинг ҳар бирида қайта-қайта (янгича тасвир усулида) изоҳланади. Чунки Алишер Навоий Аллоҳ-Олам алоқадорлигининг барча сабабларини руҳнинг ана шу олти жиҳатига тегишли деб билади. Бу олтилик тизими таркибий қисмлари ўз навбатида яна бир неча олтилик тизимига бўлинади, яъни Инсон ва Коинот, Инсон ва Мавжудот, Инсон ва Илоҳнинг ўзаро боғлиқлиги олам олти илоҳий кун маҳсули (“Рух ул-қудс” да бу хусусда маълумот берилади), олти “нодир жиҳати коинот ва фақр рукнлари (“Айнул - ҳаёт” ва «Тухфат ул-афкор» қасидасида бунга кўпроқ урғу берилади), олти иймон аркони таркибий қисмлари (“Қут ул-қулуб” да аркони иймон шартлари кенг изоҳланади), жисм қафасида руҳнинг соғлом тараққий этишининг олти тиббий асоси (“Минҳож ун-нажот” да бу масалага доир асосли ишоралар бор), намоз фароизидаги олти хориж ва дохил фарзлар (“Насим ул-хулд” ва “Қут ул-қулуб” да бу масалалар тасвирига кенгроқ аҳамият берилган) бир-бирига боғлиқ равишда бир илоҳий моҳиятга бориб тақалади ва шу тариқа олтилик тизими–“Ситтаи зарурия” шаклланади. Бу олтиликларнинг барчаси умумий бир илоҳий мақсадга–одам жисми қафасидаги руҳни Мутлақ Рух томон тараққий этиб боришини таъминловчи узлуксиз тадрижий жараёнга хизмат қилади. ўрни келганда таъкидлаш жоизки, жисмда руҳнинг соғлом тараққий этишининг олти тиббий асосига доир қатор асарлар яратилган. Шарқ табобатида олти зарур нарса (“ситтаи зарурия”) деган истилоҳ бор. Бу ҳақда Ибн Сино, ундан олдин ва кейин ўтган олим-табиблар ҳам ёзишган. Ана шундай табиблардан бири XV асрда Хуросонда яшаб етган Юсуфий Ҳеравийдир. У «Рисолаи ситтаи зарурия» асарида олти тиббий асос ҳақида фикр юритади. Олти тиббий заруратга доир қарашлар «Ҳакимлар ҳикояти», «Табобат хазинаси дурдоналаридан» каби рисолаларда ҳам кенг изоҳланган².

Алишер Навоий ўзигача ўтган бетакрор тафаккур эгаларининг ҳар бири ижодидаги энг илғор хулосаларни теран англаб етди ва алоҳида-алоҳида хулосаларни яшаш тажрибаси орқали ижодий равишда бир ўзанга бирлаштирди. Шунинг учун бу туркумни «Ситтаи зарурия» деб номлади. Чунки Ҳаққа этишнинг асоси соғлом Рухдир, улуғ шоир эса туркумдаги ҳар бир қасидада руҳий-маънавий покланиш тасвирига алоҳида аҳамият беради. Исо каби Рухга айланиш шоир лирик қаҳрамонининг эзгу орзусидир. «Ҳазойин ул-маоний» да бошқа илоҳий номларга нисбатан Исо Масиҳнинг беҳад кўп тилга олиншининг асосий сабаби ҳам шунда.

«Ситтаи зарурия»ни ёзишдан мақсад Рухнинг қудратини мадҳ этиш эди. Мазкур туркум таркибидаги ҳар бир қасидада фақру фано улуғланади. Бу юксак мақомга етган кишига эса Ҳақдан ёзга ҳеч қандай зарурат қолмайди. Улуғ шоирнинг бу хусусдаги умумий хулосасини «Фавойид ул-кибар»нинг 506-ғазалида ҳам кўришимиз мумкин.

² Аттор Фаридуллин. Илоҳийнома. – Тошкент: Ёзувчи, 1994, 12-бет.

¹ Ҳакимлар ҳикояти. – Тошкент: Медицина, 1985, 125- б.

*Фаноий маҳз етар «Ситтаи зарурия»,
Нединки йўққа зарурат эмас бу навъ олтов¹.*

Улуғ Навоий олтилик тизими асосидаги алоқадорлик қонуниятини «Ситтаи зарурия» қасидалар туркуми ғоялари бағрига сингдирган. қасидалар алоҳида-алоҳида олинганда мустақил асар сифатида юксак бадий қиммат касб этади. Чунки туркум таркибидаги олти қасидадан тўрттаси–«Тухфат ул-афкор» Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» қасидасига, «Қут ул-қулуб» Анварий қасидасига, «Минҳожун нажот» Хоқоний ва Анварий қасидаларига, «Насимул ул-хулд» эса Хоқоний қасидасига жавоб, татаббуъ тарзида ёзилган. Алишер Навоий бу машҳур қасидаларнинг мавзуи ва шаклини сақлаган ҳолда, уларни мазмунан ривожлантириб, янги ғоялар, фикрлар, адабий санъатлар орқали тўлдирган, янги руҳдаги қасидаларни вужудга келтириб, ўз санъати ва маҳоратини намойиш этган.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

1. Ҳамдлар мазмуни фақат Аллоҳни мадҳ этишга бағишланган бўлса-да, мақсадига ва етакчилик қилаётган ғояга кўра фарқланади. Мазкур жиҳатнинг ўзи ҳамд йўналишидаги асарларни шаръий-тарғибий, маърифий-тарғибий, маърифий-бадий, бадий-маърифий каби турларга бўлиб ўрганиш асосини беради.

2. Ҳар бир асарни ҳамд билан бошлаш Навоийгача ҳам мавжуд эди. Аммо Шарқ мумтоз адабиётининг бирор бир намояндаси ижодида бу анъана яхлит шаклда (фарддан дoston-гача) намоён бўлган эмас.

Алишер Навоий Шарқ девончилиги равнақини мавзу-маъно нуқтаи назардан муайян бир тизимга солди ва ҳар бир асарини Аллоҳ ҳамди билан бошлади.

3. Улуғ шоир илоҳий-ирфоний, ижтимоий-фалсафий қарашлари ифодаланган ҳамд ғазаллари ва «Рух ул-қудс» қасидасини бевосита илоҳий-исломий сарчашмалардан баҳра олган асар сифатида эътироф этиш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан ҳамд ғазаллар ва «Рух ул-қудс» қасидасининг бадий тасвир услуби бир-бирига жуда яқиндир.

4. Шарқ мумтоз адабиётида Аллоҳ ва олам алоқадорлиги, боғлиқлиги талқинига бағишланган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носируддин Рабғузийнинг «қиссаси Рабғузий», Носир Хусравнинг «Рўшноинома» достони, Хусрав Деҳлавийнинг «Олам ул-илм» ва Абдурахмон Жомийнинг «Жило ур-руҳ» каби қасидаларида мавзулар узвий кетма-кетликда (йил фасллари, тўрт унсур, тўққиз фалак, ўн икки бурж) тасвирланади. Бу эса мавзулар силсиласи худди шу тизимда яратилган «Ситтаи зарурия»нинг бой адабий манбалар заминидан юзага келганидан далолат беради.

5. Алишер Навоий олтилик тизими асосидаги алоқадорлик қонуниятини «Ситтаи зарурия» («Олти зарурат») қасидалар туркуми бағрига сингдирган ва Ҳаққа етишнинг асоси соғлом Рух бўлгани учун туркум таркибидаги биринчи дастурий-муқаддимавий қасидани «Рух ул-қудс» деб атаган.

Туркум таркибидаги қасидалар олтилик тизими асосида бирлашиб, яхлит системани ташкил этади, алоҳида олинганда эса юксак бадий қимматга эга ҳар бир қасида мустақил бадий асар талабларига жавоб беради. Ҳамд ғазалларнинг манбалари, поэтикаси ва тим-соллари.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. -Тошкент: Фан, 1990, 343-бет.

ҲАМД ҒАЗАЛЛАР МАНБАЛАРИ, ПОЭТИКАСИ ВА ТИМСОЛЛАРИ

Анъана ва ижодийлик, адабий таъсир

Ғазал Шарқ шеърятини дунёга танитди. Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндалари Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий ва бошқа шоирларнинг ижодларида ғазал асосий жанр белди. XV асрга келиб ўзбек ғазалиёти Алишер Навоий номи билан боғлиқ ҳолда камолот чўққисига чиқди. Улуғ шоир ўзбек ғазалчилигини ривожлантиришда Саккокий, Атоий, Лутфийнинг ижодий ютуқларига суянди. Форс-тожик адабиётининг уч буюк вакили–Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийнинг ғазалиётидан кенг қўламда сабоқ олди ва уларнинг ижодий тажрибаларига янгиликлар ҳам киритди.

Алишер Навоийнинг туркий ва форсий меросига оид ҳамд йўналишидаги ғазаллар жанрий табиати ва уларнинг бадиий-рамзий ғазаллардан фарқли жиҳатларини ойдинлаштиришга уриниш мазкур тадқиқотнинг мақсадидир.

Алишер Навоий ўз девонларининг бошқа ижодкорлар девонларидан тўрт жиддий фарқини «Бадоеъ ул-бидоя» нинг дебوحасида санаб ўтади. ўша қайдларнинг иккинчи ва учинчилари бизнинг тадқиқотимизга бевосита дахлдордир, яъни «аввал битиган ғазал услуб хайсияти» ва «ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалги ғазали Тенгри таоло ҳамди била мувашшаҳ, ё расул алайҳиссалом наъти била муфаттаҳ, ё мавъиза била муваззаҳ» қилинганлигидир¹.

Алишер Навоий Шарқ девончилиги равнақини мавзу-маъно нуқтаи назаридан муайян бир тизимга солди ва ҳар бир асарини (фард, рубоий, қитъа, ғазал, ва ҳ.к.) Аллоҳ ҳамди билан бошлади. Қуръони мажиднинг ҳар бир ояти каримаси «Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим» билан бошланади. Шоир ҳам ҳар бир ишни, муқаддас ниятни илоҳий калима билан бошлашни хуш керади. «Ҳайрат ул-аброр»нинг мазкур илоҳий калима талқини билан бошланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Навоийгача ҳам мазкур анъана (ҳар бир асарни ҳамд билан бошлаш) мавжуд эди. Аммо Шарқ мумтоз адабиётининг бирор бир намояндаси ижодида бу анъана яхлит шаклда (фарддан дostonгача) намоён бўлган эмас.

Улуғ шоир девонларида етук шарқона фалсафий тафаккурнинг юксак ифодаси–ҳамд ғазаллар кенг ўрин эгаллайди. «Хазойин ул-маоний»дан ўрин олган лирик девонларнинг ҳар бирида дастлабки беш ғазал Аллоҳ ҳамдига бағишланган. Мазкур девонлар ичидаги элликка яқин ғазал ҳам Ҳақнинг мислсиз қудрату азимати, сирру синоати ҳақидадир.

«Хазойин ул-маоний» таркибидаги фардлар, рубоий ва қитъаларнинг дастлабкиси ҳамд мавқеидаги асарлардир.

«Девони Фоний» да ҳам ҳамд мавзусига мурожаат нуқтаи назаридан шу тизим устувор. Улуғ шоирнинг форсий девонида ўндан ортиқ ҳамд ғазал мавжуд. Тўплам таркибидаги рубоий, қитъа каби жанрлар ҳам Аллоҳ ҳамди билан бошланади. «Ситтаи зарурия» қасоид туркумининг биринчиси «Рух ул-қудс» ҳам худди шу тизимга мувофиқ яратилган ҳамд йўналишидаги асардир.

Кузатишларимиздан кўриниб турибдики, ҳар ҳарф туркумининг дастлабки ғазалини ҳамд билан бошлаш Шарқ мумтоз адабиётида Алишер Навоий номи билан боғлиқ анъанадир. қолган барча турдаги ҳамдлар эса Навоийга қадар ҳам мавжуд эди. Навоийшунос олим Мақсуд Шайхзода таъкидлаганидек: «Буюк Навоий ўз даврида тор лириканинг имкониятлари чекланганлигини сезгани учун бу анъанавий қафасни синдирмоқчи бўлиб,

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадоеъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987, 21-бет.

лириканинг тематик ва ғоявий сарҳадларини кенгайтиради»¹. Бундай майлдан кузатилган мақсад лириканинг имкониятлари кенглигини исбот қилиш ва ҳамд мавзуидаги шеърлар тақомилини намоиш қилиш эди.

Навоийшунос олим А.Ҳайитметов таъбири билан айтганда, «исломга ўз даврининг бирдан-бир ягона ва одамларга ҳақ йўлни кўрсатувчи, гўзаллик ва муҳаббатга чорловчи мафкура сифатида қаради, тушунди, изоҳлади ва унга амал қилди»².

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиётида девон тартиб беришнинг икки хил (қасида билан бошлаш; кичик лирик асарларни алифбога асосланган махсус тартибда жойлаштириш) анъанаси мавжуд эди. Ҳазрат Жомий эса ана ўша анъанавий йўлни давом эттирган.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Алишер Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да ҳар бир девонни махсус номлар билан аташ ғоясини ҳазрат Жомийга ишора этгани ва улуғ муршид буни қимматли маслаҳат сифатида қадрлаб, ундан амалий фойдаланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир: «... Сиз дағи бу девонларга муносиб отлар қўйсангиз деб эдим. Алар қабул қилдилар, икки кундан сўнгра яна алар хизматиға еттим: жузв қўюнларидан чиқариб фақирға бердилар; девонлар учун феҳрист (режа, мундарижа-Н.Б.) битиб эрдилар ва ҳар бирин мавсум бир қисмға қилиб эрдилар ва бу ишға фақир боис бўлғонимни дағи зоҳир қилиб эрдилар ва ҳоло куллийтларида давовин ибтидосида битирлар ва ул феҳристда ҳамд ва наътдин сўнгра мундоқадо қилибдурларким: «... давовини мутафарриқа (тарқоқ-Н.Б.) аз қасоид ва ғазалиёт жамъ омада буд ва дар ин вало аз таърихи ҳижрати набавия то такмили миата тоси се сол пеш (х. 897-м. 1491.-Н.Б.) боқи намондаст, муҳиб ва мўътақиди дарвешон, балки маҳбуб ва мўътақиди эшон Низомул-миллати ваддин Амир Алишер ҳиммати шариф бар он овардаст, ки давовини қасоид ва ғазалиётро ки адади он ба се расидаст»³. Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, Алишер Навоийнинг таклифидан сўнг ҳазрат Жомий камтарлик билан таъкидлаган «мутафарриқа давовин»ига муқаддима битилган ва муайян бир тизимга солинган. Бу воқеа юқоридаги маълумотга кўра, 1491 йил (Жомийнинг айтишича, ҳижрий (йил ҳисобида) тўққиз юзга тўлишига уч йилдан ортиқ қолмаган)да содир бўлган. Алишер Навоийнинг илк девони эса 1478-1479 йилларда тартиб берилган⁴.

Мутакаллим даҳоларнинг ижодий тажрибаларидаги муштараклик, ҳамкорлик, ҳаммаслаклик таъсирлари Алишер Навоий девонларида ҳам яққол кўзга ташланади.

Агар девонни ҳамд ғазал билан бошлаш Шарқ мумтоз адабиётида муайян қоидага кирган анъана бўлганда, Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» деб очасида уни фақат ўзининг тўпламига хос хусусиятлар қаторида санамаган бўлар эди. «Хамсат ул-мутаҳаййирин»даги маълумотларга кўра, Абдурахмон Жомий бу ҳақда «куллийети»нинг феҳристида ёзади.

Аммо бошқа бир ҳақиқатни ҳам эсдан чиқармаслик лозим. XV аср Шарқ имкониятлари доирасида масалага баҳо берадиган бўлсак, Алишер Навоий нечоғлик буюк бўлмасин, катта минатақадаги барча адабий ҳодисалардан тўла хабардор бўлиши қийин эди. Шу маънода, улуғ шоир қайдларини нисбий ҳодиса сифатида қараш ва баҳолаш панд бермайди.

Алишер Навоий ўз девонидаги ўрнига кўра биринчи ғазалнинг мажмуадаги бошқа ғазаллардан айрича, ўзига хос услубда яратилганлигига алоҳида урғу беради ва буни ҳам ижодиётига хос хусусият сифатида эътироф этади. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, Абдурахмон Жомий девонидаги биринчи ғазал ҳам Мир Алишернинг «Ашрақат мин акси

¹ Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик. IV том. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972, 118-бет.

² Ҳайитметов А. Исломий эътиқод ва буюк ижод маҳсули // Имом ал-Бухорий, 2001, 1-сон, 41-43-бетлар.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Хамсат ул-мутаҳаййирин. -Тошкент: Фан, 1999, 68-69-бетлар.

⁴ А.Абдуғафуров. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (4-мақола)// Ўзбек тили ва адабиёти. 1998, 6-сон, 7-бет.

шамсил-каъси анвор ул худо» мисраси билан бошланадиган ғазали каби Ҳақ санъатининг васфи талқинига бағишлангандир. Шунингдек улуғ муршиднинг кейинги икки ғазали ҳамда девони таркибидаги ҳар ҳарф туркумининг баъзи шеърлари ҳам Ҳақ сифатлари улуғланган ҳамд мавқеидаги ғазаллар ҳисобланади.

Ҳар бир ижодкор ўзича кенг бир дунё. Аммо Алишер Навоийнинг бадиий ижод олдиға қўйган талаби беҳад кўп миқёсли эди.

Шоир «Бадоеъ ул-бидоя» дебوحасида бу хусусда муфассал тўхталади. Улуғ сўз санъаткори шеър сеҳри воситасида турли дунёқарашдаги, ҳар хил тоифадаги жамият аъзоларини ягона мақсад, холис муддао билан яшашга даъват этади. Бундай хулосаға келишимизнинг муҳим асослари бор. Шуниси қизиқки, зикри ўтган девон дебوحасини синчиклаб ўқиганда қуйидаги фикр диққатимизни тортди: «Ҳар ҳарф ғазалиётининг аввал битиган ғазал била ўзға ғазаллар орасида услуб хайсиятидан тафовут риоят қилмайдурурлар»¹⁶.

Шоир бу таъкид орқали («аввал битилган ғазал») девонлардаги ўрниға кўра биринчи жойлаштирилган ғазалларға ишора қилмоқда.

«Ғаройиб ус-сиғар»даги 1-ғазалда Ҳақ яратган энг мукаммал мўъжиза К о м и л и н с о н улуғланади. «Наводир уш-шабоб»нинг дастлабки ғазалида эса Ҳақ яратган мавжудотлардан Инсонни алоҳида ажратиб турувчи ва унинг моҳиятини белгиловчи и ш қ таърифланади. Чунки Инсон Ҳақни таниш, англаш масъулиятини бўйниға олган. Мазкур ғазал худди шу ғоя талқинига бағишланган:

*Чу жилва айлади ул ҳусн истабон ошиқ,
Салойи ишқин этиб офариниш ичра нидо.
Пари қабул эта олмай ани, магарки мен,
қилиб отимни залуму жаҳул бирла адо².*

Ишқнинг инсон тақдиридаги ўрни, унинг «тарихи» эса Қуръони Каримнинг “Аҳзоб” сураси 72-оятда берилган:

«Биз бу омонатни осмонларға, ерга ва тоғу тошларға кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасиға олди. Дарҳақиқат, у (ўзига зулм қилгувчи ва нодон эди), яъни бу омонатнинг нақадар вазмин юк эканлигини бутун коинот билди ва уни кўтаришға қурби етмаслигини сизди, аммо инсон ўзи билмаган ҳолда ўша мушкул вазифасини ўз зиммасиға олди»³.

Бу «омонат юки»ни бўйниға олганида Инсон «залуму жаҳул» эди. Чунки, ишқ йўли руҳий-маънавий риёзатдир.

Улуғ шоир мазкур ояти каримадан атиги икки сўзнигина олиш орқали Инсон ва уни мумтоз этган ишқ туйғусининг илоҳий тарихиға ишора қилган. Яна бир жиҳати шундаки, бу восита ила Қуръоний ғоялар ҳам тарғиб этилмоқда.

Илоҳий-ирфоний қарашларға кўра, одамни яратишдан мақсад кўнгилнинг қудратини намоиш этиш эди. «Бадоеъ ул-васат»нинг 1-ғазалида Ҳақ ўзини пинҳон этган, икки дунё саодати мужассам, Ҳақ илми ва ишқининг хазинаси – Кўнгил қудрати улуғланган:

*Зоҳид, кўнгулнинг хилватин матлуб ғайридин орит,
Сен сайр қилсанг қил, керак кўнгулунгға бўлса инзиво.*

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадоеъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987, 21-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш –шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 7-бет.

³ Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992, 427-бет.

*Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб бўлғай жилвагар,
Аввал кўнгил кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво¹.*

Шоирнинг фикрича, кўнгил кўзгусида ҳусни мутлақ жилвасини кўрмоқчи бўлсанг, уни дунё ғамидан озод қил, яъни кўнгил тоза бўлмаса, Ҳақ акси намоён бўлмайди. Ҳамд ғазалларнинг мундарижаси юксак илоҳий-ирфоний қарашлар асосида яратилган ва тартиб берилган. Ҳар икки девон бошида келган ғазаллардаги «фикр» (ишқ ва кўнгил) нинг мантиқий давомини «Фавойид ул-кибар»нинг 1-ғазалида ўқиймиз. Чунки ишқ кўнгилга раҳнамо бўлгач, у ғайбий олам асроридан нақш олади.

*Ишқингда бир девоналиғ, шавқингда бир фарзоналиғ,
Ағёрдин бегоналиғ айлаб ўзунгга ошно..
Бордур Навоий бекасе, ишқ ичра андоқким хасе,
Чун ўртадинг они басе, дўзахда куйдурма яно².*

Кўнгил кўзгусида Вужуди Мутлақнинг аксини кўрган ошиқ Ишқ ўтида ўртаниб, Унинг васлига талпинади ва бу дунёда ўзини бекасу бенаво ҳис қилади. Бу – илоҳий ишқ белгиси. Ҳақ ишқида ёниш эса Комил инсон қисматидир. Шоир шунинг учун «Хазойин ул-маоний»нинг туғроси – 1-ғазалда Комил инсонни мадҳ этиб, қолган уч девоннинг ўрнига кўра 1-ғазалларини инсонни мумтоз этган тушунчалар – ишқ, кўнгил ва илоҳий ишққа мубтало – жунун ҳолатидаги ошиқ таърифу талқинига бағишлаган.

Адабиётшунос олим Алибек Рустамов «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 1-ғазалини «Алишер Навоий ижодининг дастури» дейди³.

Шоир таъбирига кўра ҳам, бу ғазал «услуб хайсияти»ни англамасдан туриб, девондаги бошқа ғазалларнинг ғоялар оламини тушуниш беҳад мушкулдир. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида ушбу ғазалга мурожаат этишни лозим топдик. Аслида девондаги «аввалги ғазал» (шоир таъкидига кўра) Аллоҳга ҳамд билан бошланиши лозим. Бироқ девонларнинг мажмуасидаги ўрнига биноан биринчи ғазал комил инсон мадҳига бағишланган.

Зеҳнидаги Қуръоний маъною мақсад ва ғоялар тўлалиги боис, Мир Алишер бутун умрини, ижодини «рисолат дурининг махзани», «гулшани ишқ», «жаҳони суғро, хужаста тугро», «хок-нури пок», «боғи ризвон гули», «махзани ирфон» – «барчадин ашраф инсон» нинг «шариф ул-кавнайн» эканлигини энг кичик асардан-фарддан дostonгача исботлашга, мадҳ этишга бағишлади.

Шунинг учун улуғ шоир девонни Ҳақнинг сифатлари ҳамди билан эмас, балки Ҳақ санъатининг энг юксак намунаси васфи билан бошлаб, инсони комилнинг асл тимсоли Муҳаммад пайғамбарга бағишланган наът-ғазал билан тугатади.

*Сенинг мадодийҳи наътингда, ё Расулуллоҳ,
Тамом бўлди Навоий такаллуми поки.
Бу тўрт дафтарида ҳамду наът аро халали,
Гар этмиш ўлса аён табъу килки бебоки⁴.*

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990, 7-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990, 7-бет.

³ Рустамов А. Шоирнинг биринчи ғазали // Шарқ юлдузи, 1987, 3-сон, 175-бет.

⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990, 438-бет.

Ирфон, ишқ, кўнгил каби инсонни мумтоз этган тушунчаларнинг асл моҳиятини ҳаётий тажрибалар орқали чуқур англаб ўтган ҳассос шоир кўр-кўрона тоат-ибодатни қоралайди ва «Кунту канзан» нинг сиру синоатини билиш учун, аввало, Унинг мазҳариятига дахлдор ягона марказ (Инсон)ни ўрганиш, тадқиқ этиш, мўъжизавий мукаммал санъат намунаси эканлигини англаш натижасидагина Ҳаққа сидқидил ҳамд айтиш муддаоси билан ижод қилади.

Маълумки, улуғ шоирнинг ҳар бир ғазали ўз мазмун силсиласига, тизимига эга. Унинг ҳар бир ғазали инсон руҳиятининг муайян бир ҳолати тавсифига бағишланади.

«Ҳазойин ул-маоний» туғросининг ҳар бир байтида эса камолотга етишнинг етти руҳий-маънавий риёзат мақомоти ва унинг амалий-назарий босқичи, солиқ қалб ҳолининг ҳар мақомда ўзгариб, Ҳаққа тобора яқинлашиб бориши руҳий тараққиётнинг натижаси эканлигига ишора қилинади.

Инсон ўзининг илоҳиёт мазҳари эканлигини Ишқ ва Кўнгил орқали англайди. Девондаги ғазалда тасаввуф таълимотининг марказий масаласи-камолотга етишнинг шартлари (ошиқ қалби ва руҳини етти даражада камолга эриштириш) кучли рамзий тизими асосида талқин этилган. Шунинг учун ҳар бир байтда жому май сўзи такрорланади.

*Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор-ул ҳудо
«Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқди садо¹.*

«Май косасининг қуёши аксидан ҳақиқат йўлининг нурлари порлади». Май косаси-ишқу муҳаббат туфайли яратилган бутун борлиқ. қуёш-Аллоҳ, акси-тажаллий тимсоли. Тасаввуфий адабиётларда ёзилишича, инсон яратилгунга қадар жамики борлиқ руҳсиз қоронғулик шаклида бўлган, уни жилолантириш учун Инсон яратилган. Шоир «ҳақиқат йўлининг нурлари порлади» дейиш орқали Аллоҳ Комил инсон воситасида тажаллий айлашига ва иккинчи мисрада моддий оламнинг жавҳари – кўнгил илоҳий исмлар мазҳари маркази эканлигига ишора қилган. Ҳазрат Жомийда бу улуғ муддао қуйидагича талқин этилган:

*Шуд дар қадаҳи саҳбо аксе зи рухат пайдо.
қад ашрақат ад-дунё мин каъси муҳайёно².*

«Саҳбо»да (қизил майда) юзинг акси пайдо, Дунё бизнинг қадахимиздан ёриди». Яъни, бунинг ботиний маъноси қуйидагича: Саҳбо қадаҳи – бутун борлиқ ва яратилмишлар мазҳари. Дунё, яъни ишқ маҳсули олам сиру синоати фақат Инсон кўнглида юз очади ва бутун борлиққа жило беради.

Мазкур ғазалда сайриллоҳ (Аллоҳ томонга сайр) қалб мақоми ва унинг даражалари тадрижий тараққиёти солиқ маънавий-руҳий камолотининг бирламчи шарти сифатида тасвирланган. ўазалда ана шу даражаларга ишоралар бор. «Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқди садо. Бу талаб мақоми ва ишққа эҳтиёж сезган кўнгилнинг САДР даражасидаги ҳоли. Кўнгил ишқ орқалигина юксак даражотларга эришади ва ишқ калити воситасида кўнгил тилсими сирлари очилади. Чунки кенгил «маърифат дунёсининг сайёҳи», ҳақ назаргоҳи, унинг илми ва ишқининг хазиначисидир.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Ҳазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 25-бет.

² Жомий А. Осор. Дар 8 жилд. Жилди I. – Душанбе: Адиб, 1986, 99-саҳ.

*Ғайр нақшидин кўнгил жомиди белса занги ғам,
Йўқдур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.*

«Ғайр нақши» (дунё ғами, нафсий эҳтиёжлар) кўнгил жомини занглатади, ғамхонага айлантиради. Илоҳий ишққа мубтало кишининг кўзига дунё талаблари фоний, кадр-қимматсиз бўлиб кўринади. Камолот сари қадам эса комилларга эргашиш ва уларни севишдан бошланади. Ишқ мақомининг биринчи шарты ҳам дўстлик. Байтда соқий (ориф, пири муғон) га мурожаатдан мурод Аллоҳ дўстларига яқинлашишдир. Пири муғон ошиқнинг маънавий покланишга бўлган ишончи (ишқ)ни янада тезлаштиради. Чунки орифнинг мақсади фақат Ҳаққа йўналгандир, у илму илоҳийда барчадан билимдон. Ошиқ ваҳдат майининг «ғамзудо»лигига ҳавас қияпти. Ҳавас эса ҳақиқий ишқнинг биринчи босқичи. Илоҳий ишқ эҳтиёжигина ошиқни иккилик ўртадан кўтарилган бирлик, яъни «ғамзудо» (ғамдан пок қилгувчи, қайғуни кетказувчи) ваҳдат мақомига эриштиради. «Ғайр нақши» дан нафси тийиш, қаноат, муҳаббат каби туйғулар кўнгилнинг қ а л б даражаси ҳоли ва Ишқ мақоми сифатларидандир.

*Эй хуш ул майким, анга зарф елса бир сингон сафол,
Жом ўлур гетийнамо, Жамшид ани ичкан гадо.*

«Синган сафол» га ваҳдат майи муяссар бўлса, у Жамшиднинг сеҳрли жоми сингари «гетийнамо» (жаҳоннамо)га айланади ва уни ичган гадо ўзини Жамшиддек ҳис қилади. Жамшид Эроннинг энг улуғ мартабали ва олий даражада айш-ишрат қилган афсонавий подшоҳларидан бири. У икки жом кашф этиб қолдирган. Ўшалардан бири–Жоми Жам ва иккинчиси – Жоми гетийнамо. Жамшиднинг ўша сеҳрли жомидаги май ичган билан тугамаган (Жоми Жам) ва дунёда содир белаётган барча воқеа-ҳодисаларни иккинчисидан (Жоми гетийнамо) кузатиш мумкин бўлган. Шоир ўз муддаосини талмеҳ санъати орқали моҳирлик билан юзага чиқаришга муяссар бўлган.

«Синган сафол» – бойлик ҳирсидан юз ўгириб, ишқ дардида пора-пора бўлган кўнгилнинг ш и г о ф даражаси ҳоли ва Маърифат босқичидир.

Ишқ – камолот калити. Ҳатто гадо кўнглига илоҳий ишқдан файз етса, у ўзини шоҳдек ҳис қилади, салтанат шоҳларига бўйин эгмайди. Аксинча, дунё ғамидан озод эранларга шоҳлар эҳтиёж сезганлар. Ҳикмат, маърифат сирларидан огоҳ кўнгил – шоҳдир. Чунки энди Маъшуқи азал – Кўнгил ҳокими.

*Жому май гар буйладир, ул жом учун қилмоқ бўлур
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.*

Жому май шундай қудратга эга бўлса, у зарф учун (Жоми Жам учун) юз жаҳонни нисор, ўшандай кўнгил учун эса минг жонни фидо қилсанг арзийди. Ҳақ ҳикматидан баҳраманд кўнгилга юз жаҳонни нисор этишдан мурод комил инсоннинг беқиёс кадр-қиммати ва камёблигига ишорадир. Қисқаси, ишқ ва кўнгилнинг ҳақиқий қудрати намоён бўлгач, маърифат сирлари очилади. Бу эса қалбнинг ф у о д даражаси ҳоли, Истиғно мақомининг белгиларидир.

*Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.*

«Дайр» сўзи майхона маъносида ишлатилган. Хуш аҳли –ишқ майидан беҳабарлар. Ишқдан беҳабарлар ҳамиша ҳақиқий ошиқларни ақлдан озган деб, девоналикда айблайдилар. Ақлу хушдан бегона бўлмасдан ваҳдат майининг сирини англаб бўлмайди. Мазкур ғазал юқорида таъкидлаганимиздек, шоир ижодининг дастури бўлгани учун мавзулар, ғоялар кўлами жиҳатидан кенгдир. Ҳазрат Навоий ижодининг маълум қисмини маломатийлик ғоялари ташкил этади. Байтда шунга ҳам ишора бор. «Девона»–ишқ беҳушлиги, кўнгилнинг ғайбий ҳақиқатлари сиридан огоҳлик, сезгирликнинг олий мартабаси. Фақат огоҳ кўнгилгина Ҳақ тажаллий-гоҳига айланади. Илоҳий ишқ Рухнинг ақл ва вужуд устидан чинакам ғолиблигидир.

Шоир сўзларнинг ҳам ҳақиқий, ҳам мажозий маъносидан маҳорат билан фойдаланган. «Дайр»нинг ҳақиқий маъноси ғайри-исломий, оташпарастларнинг ибодатхонаси. Ишқ – инсонни нафсий сифатлардан покловчи олов. Ишқ ўтида ёнган ошиқ дунёвий ҳою ҳаваслардан бутунлай қутулади. Ишқ ўти кўнгилни ўткинчи ўю ташвишлардан мосиво айлайди. Шунинг учун ошиқ (мисли ўтсевар Самандар) ишқ ўтидан бошқа ўтга сиғинмайди. Бу ўтда куйган ошиқ ҳақиқий ишқ мақомига эришади. Юқоридаги байтда ишқ ўти ўзликдан кечиш, руҳий – маънавий покланиш асоси сифатида (оташпарастликда олов қандай улуғланса) таъкидланмоқда. Ўзликдан кечмай, Ҳақ васлига етиб белмайди. Шоир «дайр» (майхона) ва «муғбача» (май қуевчи бола) каби оташпарастлик эътиқоди билан боғлиқ сўз маъноларининг нозик қирраларидан маҳорат билан фойдаланади. Ишқ ўтида поклангач, кўнгил ғайб илми хазинасига айланади. Бу Тавҳид мақоми ва қалбнинг илми ладунийга етишиш, асл моҳият марказига яқинлашиш–**сувайдо** даражаси сифатларидир.

*Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар
Чехрайи мақсуд, маҳв ўлғай ҳамул дам моадо.*

Илоҳий ишқнинг кўнгилни тамоман фатҳ (забт) этиши «моадо»-ўзга нарсалар, ўткинчи майда-чуйда эҳтиёжларнинг маҳв бўлиши билан якунланади. Рухий–маънавий сатҳи беқиёс кенг кўнгилда олам ва одамни бирлаштириб турувчи илоҳий мўъжизаларнинг туб моҳияти – «чехрайи мақсад» жилваланади.

Бу қалбнинг илоҳий нурлар тажаллий айлайдиган жойи (даражаси)– м у ҳ ж а т ул-қалб ва Ҳайрат мақоми сифатларидир.

*Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.*

Ваҳдат–бирлик, ягоналик. Жом май билан лиммо-лим тўлғач, май идишнинг муайян шаклини олади, натижада бирлик ҳосил бўлади. Бу Вужуди мутлақ билан бирлашиш, илоҳий руҳга қешилиб кетиш – Ф а қ р у ф а н о мақоми. Ишқ кўнгилни ҳақиқат нурлари мазҳариятига айлантиради. Инсон ўзининг илоҳий руҳдан иборат эканлигини фаттоҳ ишқ орқали англаб етади. Бу аслиятни, ўзликни англаш, тавҳид нурининг манбаи кўнгилнинг л у б б мартабасидир.

*Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур
Билмайин нафи этма бу майхона аҳлин, зоҳидо!*

Мазкур байт орқали шоир ишқнинг моҳияти, ҳақиқати ва қудратини кенг миқёсда исботлашга эришган тасаввуф таълимотининг тарбиявий аҳамиятига, маҳдуд қарашлардан холи эканлигига ишора қилган.

Ишқ калимаси Қуръони Каримда учрамаслиги учун зоҳидлар бу сўзни қўлламаган. Бу тушунчани ёқлаган зотлар эса доимий равишда қаршиликка дуч келишган. Илоҳий ишқ ошиқни маълум дин ва диний мушоҳадалардан беҳад баланд кўтаради. Динлар, мазҳаблар, тариқатлар – Аллоҳга элтадиган йўллар. Аллоҳга элтувчи йўллар Нажмиддин Кубро таъбири билан айтганда, яратикларнинг нафаслари ҳисобичадир. Манзил, моҳият эса битта. Шунинг учун шоир моҳият қаршисида уларнинг барчаси бир хиллигини эътироф этади. «Эй зоҳид, сен фақат тоат-ибодат билан жаннатга етмоқчи бўласан ва Аллоҳга етишнинг ўзга йўллари инкор этасан», - дейди шоир. Тасаввуфни тор маънода тушуниш, қолипга солиш ўзни кулги қилишдир, - дейди Амир Хусрав Деҳлавий:

*Дар тасаввуф расм жустан ханда кардан бар худ аст,
Дар таяммул масҳ кардан хок кардан бар сар аст*¹⁵.

Ҳазрат Навоий матлаъда бошланган фикрни шундай хулосалайди:

*Ташналаб ўлма Навоий, чун азал соқийсидин
«Ишрабу ёо айюҳа-л-атшон» келур ҳар дам нидо.*

«Азал соқийси»–Аллоҳ. «Ишрабу ёо айюҳал-атшон»–«ичингиз, эй ташналар». Инсонни яратишдан мақсад Кўнгилнинг қудратини кўрсатиш эди. Май (ишқ)–илоҳий тажаллий, Кўнгил ташналигини қондириб, илоҳий моҳиятга элтувчи восита. Қуръони Каримнинг «Аҳзоб» сураси 72-оятида шундай дейилади: «Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига зулм қилгувчи ва нодон эди), яъни бу омонатнинг нақадар вазмин юк эканлигини бутун коинот билди ва уни кўтаришга қурби етмаслигини сизди, аммо инсон ўзи билмаган ҳолда ўша мушкул вазифасини ўз зиммасига олди»¹⁶. Орифлар «омонат» сўзини «ишқ» деб шарҳлаганлар. Ишқ эса фақат инсонга хос бўлиб, бошқа мавжудотлар ундан бебаҳрадир.

Инсон жамики мавжудотнинг сирини билишга ташна. Маърифатга шайдо инсоннинг азалий ва абадий Ваҳдатга ташналигини ишқ қондиради. Инсонни нодонлик, гумроҳликдан қутқариб, илоҳий зотнинг бир бўлаги эканлигини англадиб, бақо оламига олиб боради.

Шунинг учун ҳар дам «азал соқийси»дан нидо келур: «Эй ташналар, ишқ майидан қониб ичингиз». Бу нидо эса инсонга Кўнгил орқали огоҳ бўлади. Матлада «жом садо»си билан бошланган фикрни шоир мақтада «азал соқий»си «нидо»си билан якунлайди. Бу инсоннинг Илоҳга ва Илоҳнинг «ҳар дам» инсонга (ҳадис: «Агар Менга томон бир қадам қўйсанг, Мен юз қадам яқин бораман») интилишига ишорадир.

Мазкур ғазал кўнгилнинг Ишқ билан ўтказган сирли ҳоллари, олами ғайб сари парвози ва Ваҳдат мақомига эришиши–Комилликка етишнинг тадрижий тараққиёти талқинига бағишланган. Комиллик тариқининг асоси эса Ер юзида муросаю мадора орқали тинч, осуда ҳаёт завқини суришни тарғиб қилишдир. Улуғ шоир эса бутун умри ва ижодини худди шу буюк мақсад талқину тарғибига бағишлади. Бу фикрни шоирнинг ҳаётий фаолияти–сарой ва халқ ўртасида илиқ муҳит ўрнатиши, ота-ўғил ўртасида (Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг тожпараст ўғиллари) тожу тахт низоларини, мамлакат ичкари ва ташқарисидаги турли нотинч, таҳликали вазиятларни ўзаро келишув, сулҳ орқали ҳал этиши, илму ирфон аҳлига раҳнамолиги тасдиқлайди.

¹ Деҳлави Амир Хусрав. Осори мунтахаб. Дар чаҳор жилд. Жилди чаҳорум. – Душанбе: Ирфон, 1975, 812-саҳ.

² Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992, 297 –бет

Шунинг учун ҳазрат Жомий Мир Алишернинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини: «Муҳиб ва мўтақиди дарвешон, балки маҳбуб ва мўътақиди эшон Низом ул-миллати ваддин-Амир Алишер» («дарвешлар дўсти ва мухлиси, балки улар дўст тутган ва ихлос қўйган миллат ва дин қоидаларининг билимдони–Амир Алишер»),-дея фахр билан эътироф этган¹17.

Улуғ Навоий ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муаммоларига бефарқ қараб туролмасди. Қолаверса, у айни турли мазҳаблар, шариат ва тариқат аҳли ўртасида низою келишмовчиликлар тез-тез содир бўлиб турган даврдаяшабижод қилди. Шоир тасаввуфнинг турли оқимлари, тариқат намояндаларини сўз иқлимида соҳибқирон бўлишга ва шариат аҳлини эса қуруқ, сохта тоат-ибодатдан, зоҳирбинликдан, калтабинликдан қайтаришга интилан, тариқат шариатнинг юқори босқичи, уларни айрим-айрим тушуниш эса жамият ҳаёти учун хавfli эканлигини қайта-қайта уқтирган. Чунки «Ҳақ ва инсон» муносабатлари шариат ва тариқатда турлича талқин этилган. Шоир бу низоларнинг асосий сабабини моҳиятни тушунмасликда, маърифий савиянинг пастлигида деб билади.

Алишер Навоий девонида ҳамд, наът ва мавъиза йўналишидаги маърифий-бадий ғазаллардан кейин бадий-маърифий ғазаллар жойлаштирилган. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул таъкидлаганидек: «Алишер Навоий ўзбек адабиётининг қайси жойида бўшлиқ ёки етишмовчилик сезган бўлса, ижод тажрибаси билан ўша бўшлиқни тўлдириб, камчиликларга чек қўйган»².

Шоирнинг Шарқ мумтоз адабиётида ҳамд шеърлар такомили ва тараққиётидаги хизматлари (жумладан, ҳамд ғазаллари ҳам) шу томондан таҳсинга лойиқ. Мураккаб рамзий тизимлар орқали ифодаланган ғазаллар ботиний моҳиятини кўпчилик тушунмаган. Ёки аксинча, юзаки тушуниш оқибатида турли ихтилофларга сабаб бўлган.

Ҳамд ғазаллар эса мураккаб рамзий тизимда ёзилган ғазаллар учун маънавий-руҳий пойдевор вазифасини ўтайди. Шунинг учун Алишер Навоий санъатнинг моҳиятини халққа хизмат қилишида деб билган ва амалий фаолиятини ҳам шу асосда ўтаган. Элга нафи тегмаган бадий ижоднинг ҳеч қандай қиммати йўқлиги ҳақида шоир «Лисон ут-тайр» нинг хотимасида шундай ёзади:

*Қуш тили бирла такаллум қилмоғи,
Ортуғ Осафдин, Сулаймондин доғи.
Ким алар гар англадилар бу мақол,
Лекин элга қилмади нафъ интиқол³.*

Шариат ва тариқатнинг комил жамият қуриш ҳамда комил инсон тарбияси учун бир-бирини тақозо этадиган тадрижий, узвий, узлуксиз босқичли мантиқий жараёндан иборат эканлигини асослаб бориш, улуғ шоир ҳамд ғазалларини бирлаштириб турувчи умумий гоядир.

11 байтдан иборат ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган “Ғаройиб ус-сиғар”нинг 2-ғазалида эса Илоҳий ҳусн барча мавжудот ва ҳодисотнинг асоси-мабдаи сифатида таърифланади. Бунини тўғри талқин этиш учун ҳар бир байтдаги баъзи сўзларни изоҳлашга тўғри келади.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999, 69-бет.

² Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 132-бет.

³ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 244-бет.

*Зиҳи ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била тавнайн бозорида юз ғавғо¹.*

Зухур–тажаллий. Бутун коинот ва ундаги гўзалликларнинг барчаси Ҳаққи мутлақ сифатларининг тажаллисидир. Савдо тушмоқ–Ҳақ ҳуснига мафтун бўлиб, унга эришиш йўллари изламоқ. Кавнайн бозори-ҳаёт йўли, ҳаёт тарзи. Байтнинг зоҳирӣ маъноси: Ҳуснунгнинг ошкор бўлиши ҳар бир бошга бир ҳаёлни-савдони солди. Бу фикру ўйловлар туфайли икки олам бозорида ғала-ғовурлар бўлди.

Мазкур ғазал ҳамд мазмунига эга бўлганлиги учун унда Аллоҳнинг сифат қудрати рамзий маънолар орқали ифодаланган. Ғазалнинг биринчи байтида Ҳақ гўзаллигию қудратининг намоён бўлиши ва инсон онгини қамраб олиши, унинг Ҳаққа иштиёқи ҳақида сўз боради. Чунки Аллоҳ ўзининг исм ва сифатлари билан барча ашёларда тажаллий айлайди.

Вужуди мутлақ ошиқларга бир кўриниш, жилва қилиш учун оламдаги барча гўзал нарсаларни яратди. Яралмиш нарсаларнинг вужудга келиши унинг ҳусни боисдир. Ҳақ ошиқлари, илоҳӣ ишқ савдосига йўлиққанлар Унга етишиш жараёнида “юз ғавғо” (ғавғо-Ҳаққа етиш йўлидаги руҳӣ-маънавий риёзатлар)ни бошдан кечирадilar. “Ғавғо” сўзини икки хил маънода талқин қилиш мумкин. Ҳаққа етиш йўлини ҳар ким ҳар хил англайди, чунки Ҳаққа элтувчи воситалар жуда кўп. Ҳодисалар остидаги моҳият эса битта. Аммо моҳият (яралмиш нарсаларда Ҳақ жамоли акси) ҳар бир кишининг руҳӣ-ахлоқӣ камолотига қараб у ёки бу даражада мушоҳада-мукошафа этилади.

Бу байтда таносуб санъати асосида (“кавнайн бозори”, “савдо”, “ғавғо”) худди шу мантиқ ифодаланган. Аллоҳ дийдорини кўриш, ундан баҳра олиш кайфияти ҳар бир кишининг даража ва мартабаси, ишқ садоқатига боғлиқ.

*Сени топмоқ бaсe мушкулдурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вaлe пинҳонлиғинг пайдо.*

Байтнинг зоҳирӣ, ошиқона шарҳи: Сени топиш шунчалик қийин, чунки яшириндирсан, топмаслик эса осондир. Сенинг ошкорлигинг яшириндир, яширинлигинг эса аён дир.

Исломиӣ ақидада кўра, Аллоҳнинг тавҳиди, Унинг зот ва сифатларини ҳар қандай буюк ақл, комил инсон ҳам билишдан ожиз. Кўп ўқиб ҳам, фикру ҳаёл қилиб ҳам Аллоҳ зоти ва сифатининг тубига етиб бўлмайди. Шунинг учун уни “топмоқ бaсe мушкулдурур”. Илоҳӣ ишқдан бебаҳра кишилар дунё ва ундаги ҳодисаларни тасодиф оқибати, деб биладилар. Ҳақ жамоли мушоҳадасига шўнғиган ориф кўзига эса ҳамма нарсa ажойиб ҳусн мазҳари ва Ҳаққи мутлақ қонунияти сифатида жилваланади. Вужуди мутлақнинг “пинҳонлиғ” сири ориф наздидагина ошкор (пайдо) бўлади. У жилва қилган ҳар бир зоҳирӣ нарсa ботини илоҳӣ маърифатга дахлдор ва муқаддас эканлигини, теварак-атрофдаги жамики нарсалар маълум бир қонуният ва улуг бир санъаткорлик асосида халқ этилганлигини англайди. Аммо Аллоҳ даргоҳининг бутун пинҳону ошкор сир-асрори фақат ўзигагина аён дир. Илоҳӣ китоб («Ҳашр» сураси 22-ояти) бунга гувоҳлик беради:

“У - Аллоҳ шундай зотдирки, ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг ўзи бордир. (У) ғайб ва шаҳодатни (яъни яширин ва ошкора нарсаларни) билгувчидир”²¹.

Аллоҳ таолонинг зоти жисм каби ҳажмга эга эмас, кўзимизга кўринадиган ва кўнглимизга келадиган барча нарсалар Аллоҳ таолонинг зотиға ўхшамайди. Чунки Унга ўхшаш

¹ Алишер Навоӣ. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Ҳазойин ул-маонӣ. Ғаройиб ус-сиғар. -Тошкент: Фан, 1988, 25-бет.

² Қуръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Тошкент: Чўлпон, 1992. 406-бет.

бирон нарса йўқдир. Пайғамбаримиз илоҳий моҳиятни англаш жараёнининг нечоғлик мушкуллиги ва бу фақат Аллоҳнинг иноятига боғлиқлигини таъкидлаб шундай деганлар: “Худовандо, агарчи манга ўн ҳисса ақл қарам қилдинг, аммо у ҳуш қаники ани ила сани дийдорингни кўргайман ва танурман ботинда сани бечун ва бечугуна, бемисл ва бенамуна кўрарман. Вақтеки, ақл бирла фикр этсам, сани ҳама нимарсадин жудо кўрурман ва ҳарчанд ақл югурар васлингга етолмас ва сани зеболигингни зиёдадин зиёда кўрарманки, сан бошқасан ва ажойибсан”¹.

Байтда шоир Аллоҳнинг “пайдолиғи пинҳон”, “пинҳонлиғи пайдо”лигини тарду акс ва тазод санъатлари воситасида юсак бадий маҳорат билан таъриф этган. Шоир қарама-қарши тушунчаларни ёнма-ён келтириб, кутилмаган маъно ва фавқулодда образлиликни вужудга келтирган. Шоир юқорида шарҳланган исломий ақидани оксиморон усулида маҳорат билан ифодалайди. Натижада байтда “пинҳон” сўзи “пайдо”, “пайдо” эса “пинҳон”нинг сифатловчисига айланиб, бу сўзларнинг маъноси янада кучайган. Айни пайтда 1-байтда ифодаланган “кавнайн бозори”даги ғавғонинг сабаби 2-байтда аён бўлади.

Шоир 3-мисра (“Сени топмоқ баса мушкулдурур”)да Аллоҳнинг Ал-Азим (буюклигини бир ўзи билар) ва (“топмаслиғ осонким”) Ал-Алиййу (буюклигини билишдан бутун халқ ожиздир), 4-мисрада эса (“эрур пайдолиғинг пинҳон”)-Ал-Ботин (ақлинг тасаввурингдан ва идрокингдан ботиндир) ва (“пинҳонлиғинг пайдо”) аз-Зоҳир (борлиғи саноқсиз даллилар билан ошкорадир) каби сифатларига ишора қилади. Мазкур байт ғазалнинг шоҳ байтидир.

*Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.*

“Чаман оташгаҳи” – борлиқ ва ундаги нарсалар, ҳаёт боғи. “Оташгаҳ” – оташдан, ўтхона. “Булбули шайдо” – ишқ аҳли, Ҳаққа етишишни истовчилар. “Оташин гул” – борлиқдаги гўзалликлар, Ҳақнинг гўзаллиги тажаллиси. ўт – ишқ. Шоир “чаман оташгоҳи”, “оташин гул”, “булбули шайдо” каби истиоравий иборалар орқали Ҳаққа етишиш риёзати, бу йўлда чекиш лозим бўлган қийинчиликлар, яъни ишқ ҳолатини тасвирлайди.

Вужуди мутлақ ошиқларга бир кўриниш, жилва қилиш учун, Навоий таъбирича, “чаман оташгоҳига оташин гулдин ўт солди”, оламдаги барча нарсаларни ишқ туфайли яратди. Илоҳий ишққа мубтало ошиқ эса ўн саккиз минг оламни яратган Аллоҳ санъатини, мўъжизаларини ҳис эта бошлагани сайин беҳисоб суратлар остидаги илоҳий моҳиятга, ваҳдатга–Ҳақ васлига талпинаверади. У “чаман оташгоҳи” (касрат)да ишқ (ўт-ҳижрон) ичра тўлғаниб, “самандардек кулга ботиб”, ишқ оловида нафсий эҳтиёжлардан қутулади. Илоҳий моҳиятни англаш-»пинҳон” сирларнинг аён (пайдо) бўлишидир. Шоир бадий ниятни “оташин”, “оташгоҳ” каби иштиқоқ санъатини юзага келтирган сўзлар орқали ифодалайдики, бунда оламнинг яратилиш асоси ишқ (оташ) эканлигини таъкидлашни лафзий санъат зиммасига юклайди.

*Қуёшга гоҳ қизармоқ, гоҳ сарғармоқ эрур андин,
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.*

Куннинг чиқиши ва ботиши пайтида қуёшнинг қизариши, заррин нурлари Ерни қиздира бошлаганда эса сариқ тус олиши барчага аён. Айни чоқда, бу ҳаракатнинг бошқарувчиси Парвардигорнинг ўзидир. Шоир бундай фикрларни асоссиз келтирмайди, албатта. Унинг

¹ Ислом ақоидига доир жавоҳир сўзлар. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2002, 53-бет.

учун таянч, ғоявий омил-илоҳий калом бўлиб, унда шундай ояти карима мавжуд: “қуёш (бирон сония тўхтамай) ўз қароргоҳи сари жорий бўлур. Бу қудратли ва билгувчи зотнинг тақдир ўлчовидир”¹.

Қуёш осмонда ўхшаши йўқ само ёритқичи бўлиб кўринса-да, ижодкор мазкур ғазалда бу фикрдан тамомила йироқлигини эътироф этади. Аллоҳ яратган боғда “ул сифат юз минг гули раъно” мавжуд. Кўринадики, шоир яна масалага исломий нуқтаи назардан ёнданиш, яккаю ягоналик фақат Яратувчига хослиги, қолган барча жисмлару инсу жинсининг жуфти мавжудлиги, улар маълум турларни ташкил этишидан келиб чиққан ҳолда Тангрини васф этади.

*Не ишқа бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,
Юзи кўзгусида аксини кўргузмади Лайло.
Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул каби Вомиқ
Юзингдин гар узори боғида гул очмади Узро,
Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар
Недин бас лаъл елур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро.*

Аллоҳ ўз ҳақиқатларини мавжуд нарсаларда зоҳир этган. Инсон Аллоҳни яратган нарсалари, сунъий ва қудратини кўриб, Уни таниши, Унга ишониши лозим.

Юз – ваҳдатни аниқ мушоҳада эттирувчи, кишини ўзига жалб қилувчи тажалли макони, ошиқни беқарор этувчи ягона зот аломатлари. Юз - имон, ёруғлик манбаи.

Лаб – ғайб (маънавият) олаmidан малаклар воситасида анбиё ва орифларга нозил бўлиб, завқ ва илҳом пайтида улар кўнглидан тилига кўчадиган калом.

5-8-байтлар талқинидан англашилмоқдаки, Лайлою Мажнун, Вомиқу Узро, Фарҳод ва Ширинларнинг бошига тушган ишқий савдоларга уларнинг гўзал ҳусни сабаб бўлгандир. Лайлою Узро юзидаги илоҳий ҳусн жилвасидан Мажнун беором бўлиб, Вомиқ шайдо булбул каби ўртанади. Бу гўзалликларнинг барчаси эса Мутлақ Вужуднинг турли сифатлари тажаллисидир. Бу байтлар мажозий ишқ ҳақиқий ишқнинг бир кўриниши эканлигини ҳам сездириб туради. Мажозий ишқ ҳам, ҳақиқий ишқ ҳам висолга ташна бўлган ҳар қандай ошиқнинг бошига турфа хил балоларни ёғдириши мумкин. Ушбу байтларда талмеҳ санъати орқали Лайлою Узро юзида Ҳақ гўзаллиги, Ширин лабида Унинг каломи, шам ўтида ҳам Вужуди Мутлақни кўриш ва чекланган тажаллилар воситасида Уни топиш, мажозий ва илоҳий ишқ орасидаги муносабатларни тўғри тушуниш ва баҳолай олиш, чекланганликда чекланмаганликни, фанийда боқийни кўра олиш ҳолати васф этилган.

*Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни
Ки, мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.
Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг яна бир ҳам
Далил ушбуки, қониъ ҳарфидин халқ айладинг анқо.*

Ғазалнинг 9-10-байтларида бадий мақсад китобат ва қалб санъатлари асосида ифодаланган. Шоир анъанавий истиора орқали ёрнинг қоматини сарвга қиёслайди.

Навоий “зебо”нинг ёзилишида зеб-пардоз, зийнат сўзи алиф ҳарфининг ёнида келишидан юксак санъаткорлик билан фойдаланади.

Алиф-гўзал, сарвқад рамзи. Ҳақ алифдай қадди-қоматнинг гўзаллиги билан чегараланмай, унга зебу зийнат бағишлаганлиги натижасида зебо бўлди. “Зебо”-сўзи зеб берилган сарвқомат маъносида келган.

¹ Қуръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Тошкент: Чўлпон, 1992, 405-бет.

Шоир мазкур байт орқали Аллоҳ барча яратиқларни ўз хуснини томоша қилиш ва санъатини намойиш этиш учун яратганлиги билан боғлиқ қудсий ҳадисларга (“Кунту канзан”, “Лавлака..”) ишора қилмоқда.

“Лисон ут-тайр”да ҳам айна шу ғоянинг ўзига хос ифода усулини кўрамиз: “У бир олижаноб шаҳаншоҳдир. Унинг бутун оламини ўзида сақловчи зоти махфий бир хазина эди. Аммо унинг бу гўзаллигини намоён килувчи кўзгу йўқ эди. У ўзининг кўринмоғини таманно қилиб, аста-секин жилвалана бошлади. Бу жилваланиш жараёнида қуёш каби юз туман минг соя ошкор этди”.¹

Байтдаги “сарвқадлар” иборасидан фақат гўзаллар эмас, балки Аллоҳ дўстлари, орифлар ҳам тушунилади. Чунки қад-вахдат оламига таважжух қилиш учун қойим бўлмоқдир.

Шоир “сарвқад” сўзи орқали инсонни комилнинг яратилши билан боғлиқ илоҳий-ирфоний қарашларга ишора қилган, яъни Аллоҳ барча нарсани яратиб, ўз санъатини намойиш этади. Демак, энди Уни тушунадиган, буюк санъаткорлигини ҳис этадиган бир мавжудлик зарур эди. Аллоҳ энг охирда беқиёс санъатининг энг мукаммал намунасини – ҳақиқатлар асл моҳиятини тушунувчи Комил инсонни яратган ва гўзаллиги сирини англаш масъулиятини унга юклаган. Навбатдаги байтда бу мақсад моҳияти янада ёрқинроқ ифодаланган.

Қаноат-ўзни тийиш, барига шукр қилиш. Инзиво-чекланиш, яшириниш, беҳуда ташвишлардан ўзни четга олиш.

Қаноат эса анқо (қоф тоғи ортида яшовчи исман бору жисман йўқ топилмас қуш) кабидир. Шоирнинг юксак маҳорати шундаки, у мана шу байт орқали Комил инсон билан боғлиқ илоҳий-ирфоний таълимотнинг асосий ўзагини ташкил этувчи “қаноат” сўзига урғу бериб, инсонни комилликка етакловчи бош мезон-қаноат, нафсни тийиш, дунё молига кўнгил боғламай, нафс қутқуларидан қутулиш – Ҳақ васлини истовчилар – орифларни анқога, яъни барчага ибрат бўлгулик Комил Инсонга айлантиришини уқтиради. Байтда “анқо” сўзи орқали фано мақомига ишора қилинган.

қаноат қилган ҳар бир киши ўз нафсига шоҳдир, яъни дунёвий дарддан баланд кўтарилади. Илоҳий олам билан робита боғлайди. Шоир худди шу мақсадда “қоний” ва “анқо” сўзларини қалб санъати асосида талқин этиб, Аллоҳнинг беқиёс, ақл бовар қилмас мўъжизавий қудрат соҳиби эканлигини алоҳида таъкидлайди ва кўнгил қушини анқога қиёслайди. Бу ҳолат шоирнинг мавъиза руҳидаги ғазалларида ҳам учрайди:

*Тилар кўнглум қуши Анқодин ўтса, нори юз водий,
Мунунгдек сайр этарга қофдин ортуқ саботим бор².*

Бу байтда фано водийсига сайр эътиборда тутилган. Кўнгил қушининг фано аҳлидек анқодин ҳам “нори юз водий” ўтишга саботи етарли, – дейди шоир.

Ҳар қандай юксак мўъжиза кўнгил орқали идрок этилади. Чунки оламини яратишдан мақсад одам бўлса, одамдан мақсад кўнгил эди. қаноат инсонни орифлик, одиллик, комиллик сари етаклайди. Бу юксак сифатлар истиқболи эса кўнгилга боғлиқ.

Шоир “анқо”ни икки маънода қўллаган. Бири кўнгил қуши бўлса, иккинчиси қаноат қилиш эвазига илоҳий моҳиятга етганларнинг ноёблигига ишорадир.

Исломий ақидага кўра ҳам, тақво ва парҳезкорлик пайғамбаримизнинг энг буюк ибратли хислатлари сифатида улуғланади ва барча мўмин-мусулмонлар шунга даъват этилади.

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 155-156-бетлар.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 123-бет.

Тақводору парҳезкорлиги учун ҳам Муҳаммад пайғамбарга меърож муяссар бўлган. Худди шу мезон бузилгани учун Одам Ато ва Момо Ҳавво жаннатдан қувилган.

Биби Марям тақволи, қаноатли бўлгани учун Жаброил алайҳиссалом одам шаклида юборилган (Марям сураси 12-17-оятлар)¹.

Қуръони Каримнинг барча сураларида қаноат, парҳезкорлик, тақво улуғланади. Чунки мусулмон учун бу дунё-синов майдони. Унинг жони-имон. Ҳаром ва ҳалол чегарасини тўғри фарқлаш ҳам имоннинг кучига боғлиқ. Нафсни чеклаш орқали (шоир таъбирича “инзиво”) латиф фариштавий хусусиятлар юксалиб, чекланмаган руҳий-маънавий манзилларга имконият очилади. қуш (анқо)–руҳ тимсоли. Руҳ эса кўзга кўринмайди. Аллоҳ инсонга шундай буюк руҳий завқ имкониятини берган. Руҳий (ғайбий) гўзалликни эса оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Шунинг учун шоир “анқо” (қуши) сўзига алоҳида урғу берган, яъни у қофиядош сўзлар қаторидадир. Илми ақоидда эътироф этилишича, агарда малоикалар ўзларининг асл сувратларида бўлсалар, уларни пайғамбарлардан бошқа инсонлар кўра олмайди, чунки улар латиф жисмлардир. Чунончи фазони тўлдириб турган бўлишига қарамай, ҳавони инсонлар кўра олмаганликлари каби латиф бўлган фаришталарни ҳам кўра олмайдилар. Олдимизда оддий кўз билан кўра олмайдиган кўп жисмларнинг борлиги ҳам сир эмас.

Комил инсонлар эса қ а н о а т - нафсни тийиш, ундан чекиниш эвазига ғайб олами сирридан огоҳ бўлади.

Алишер Навоий қаноат тушунчасини “Маҳбуб ул-қулуб” да ҳам кенг шарҳлаган: “Қаноат киши кўнглига равшанлик етказди, кўз ундан ёруғлик касб этади..”.

Шоир юксак поэтик усуллар орқали Худонинг мислсиз қудрат соҳиби эканлигини (исломий ақидаларга асосланиб) образли ифодалаган ва байтлар моҳиятида Аллоҳнинг қуйидаги сифатларига ишора ҳам бор:

*Ал-қодир-истаганини истаганидай қилишга кучи етувчи.
Ал-Алийм-бутун нарсаларнинг энг нозик тарафларини билувчидир.
Ал-Муқтадир-нарсаларни заҳмат ва машаққатсиз бунёд қилувчи.
Аш-Шоҳид-ҳар нарсани нозиклиги билан кўриб турувчи.
Аш-Рофиу-қулларидан баъзиларини юксалтирувчидир.
Аш-Шакур-кичик амалда буюк даража ва савоб берувчидир.*

Ҳазалнинг иккинчи – шоҳ байтидаги фавқулодда образли тасвир барча байтларда кучайиб боради, байтлар маълум мантиқий-ғоявий изчилликка эга, улар бир-бирини тақозо қилади. Шоҳбайтдаги ҳукмрон фикрнинг тадрижий ривожини бутун ҳазал давомида кузатилади. Шоир лирикасига хос иккинчи бадий хусусият образнинг тадрижий етилуви, такомилдир. Ҳазалда бир образ атрофида навоиёна бадий маҳорат билан турли суратлар чизилади. Шулар асосида ягона, балоғатга етган образ такомиллашади. Жумладан, биз таҳлилга тортган ҳазалда ҳам айни шу мантиқ кўзга ташланади.

Шоир образдаги кескинликни ва мантиқий урғунини бўрттириб бериш мақсадида тазод усулини қўллайди ва матладаги фикрни мақтада хулосалайди:

*Навоий қайси тил бирла Сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё.*

¹ Қуръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Тошкент: Чўлпон, 1992. 209-бет.

Тангрининг номларини ҳамиша зикр этиб, бутун руҳий қувватларини Унинг идрокига сафарбар этиб, ҳамма нарсада илоҳий қудрат аксини кўрган шоир ҳайратдан “гунг эрур гўё”. Лирик қаҳрамон ҳолати муболаға санъати орқали ёрқин акс этган. Шоир мазкур ғазалда Тангрининг мавжудлигини исботлаш зарурияти йўқлигини борлиқ ва унда Ҳақ санъати акс этган жамики мавжудот, наботот, ҳайвонот воситасида тасвирлайди. Чунки илоҳий-ирфоний қарашларга кўра, мақдур бўлмасдан қодир, марзуқ бўлмасдан Раззоқ сифатлари маъносиз бўлиб, бирор қиммат акс этмасди. Шунинг учун Худо “Зот” мартабасидан, турли марҳалалардан кечиб, борлиқ оламини яратган. Ўз камоли ва жамолини томоша қилиш учун уларни ўзига ойна этган. Таҳлил қилинаётган ғазалда ҳам худди шу гоё ифодаланиб, у яратиш санъати ва яралиш сабаблари талқинига бағишланган.

Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалларида Қуръоний ғояларнинг бадиий талқини

Маълумки, ислом дини икки асос устига қурилган: улардан бири Қуръони Карим бўлса, иккинчиси Ҳадиси шарифдир. Алишер Навоийнинг ҳар бир асари ана ўша маънавий сарчашмалардан озиқланади. Тафаккурида Қуръоний маъно-мазмун тўлалиги боис, улуғ шоирнинг ҳамд ғазалларида, Ҳақнинг қудрату азимати улуғланган байтларида ўша илоҳий китобдаги қисса, оятларга ишора ва лавҳалар қуйилиб келади. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалларида Қуръоний ғоялар қуйидаги шаклларда кўзга ташланади:

- 1) Қуръондаги қиссалар ва теран ғоялардан илҳом олиш;
- 2) Талмеҳ бадиий санъати воситасида;
- 3) Иқтибослар олиш орқали.

«Тенгри каломи»ни «эъжоз» (мўъжиза) деб билган Алишер Навоий назмни ҳам худди шундай муқаддас илоҳий неъмат сифатида улуғлайди:

Бўлмаса эъжоз мақомида назм,

Бўлмас эди Тенгри каломида назм¹27.

Улуғ шоир шеъриятга катта масъулият билан қарайди, шунинг учун юксак мантиқий тафаккур маҳсули–байтлар мазмунига Қуръоний қиссалар, оятлар сингиб, Буюк Руҳнинг мўъжизаси сифатида яна бир яхлитлик пайдо бўлади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, Алишер Навоий ҳамд ғазалларида Қуръон оятларидан фақат 10-11 ўринда айнан фойдаланган. Аксарият ғазалларида эса оятларнинг мазмунидан баҳраманд бўлган. Бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: **1)** Қуръони Каримдан ҳамманинг ҳам бир хил савияда хабардор эмаслиги бўлса; **2)** улуғ шоир такрордан сақланган ва Қуръоний ғоялар билан шеърини сайқал бериш билан кифояланган.

Зикри ўтган таянч тамойилларга таяниб улуғ шоирнинг ҳамд ғазалларини исломий-ирфоний ифода шаклига кўра қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Талмеҳ
2. Иқтибос
3. Тафсир
4. Тазмин

Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалларини назардан ўтказар эканмиз, уларда Қуръоний

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 7-том. Хамса. Ҳайрат ул-аброр – Тошкент: Фан, 1991, 61-бет..

нур хилма-хил шаклларда жилваланишлининг гувоҳи бўламиз. Айрим ҳамд ғазаллар Қуръондан олинган сўз ёхуд бирикмалар билан табаррук қилинса; бошқаларида илоҳий китоб таркибида келган қисса ва ривоятларга ишора кетади.

Хуллас, ранг-баранг услубий жиллолар ҳамд ғазаллар бадиияти йўлида хизмат қилади. қуйидаги байтда араб тилидан олинган иқтибос ёрдамида муламмаъ санъати ҳосил бўлган. Абдурахмон Жомий шеъриятидаги бундай ҳодиса Алишер Навоий ҳамдлари учун фаол ҳодиса эмас.

*«Ло аро фи-л-вухуди илло ҳу»,
Маҳв шуд номи ғайру нақши сиво¹.*

Талмеҳли ҳамдлар

Мазкур йўналишдаги ҳамдларнинг ўзини ҳам иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) оятларга ишора қилиш орқали ҳосил бўлган талмеҳлар;
- 2) Қуръоний қиссалар воситасида вужудга келган талмеҳлар.

Улуғ шоир илоҳий китоб оятларидаги сўзлардан бирини келтириш орқали китобхонга етказмоқчи бўлган маънога қувват бериш билан бирга ўша сатрлар табарруклигини ҳам оширишга эришади. Ҳамд ғазалларида қўлланган бундай услубий жило Аллоҳнинг исм ва сифатларини мадҳ этиш, Ҳақ васлига мушарраф бўлиш иштиёқидаги инсоннинг руҳий-маънавий камолот қирраларига диққатни қаратиш имконини яратди. Чунки солиқнинг Ҳақни уқиши, англаши учун руҳий тараққиёт зарур. Ундаги маънавий-руҳий ҳол юксалган сайин Ҳақ маърифати сиру синоатидан огоҳлик даражаси кучайиб, тобора мақсадга яқинлашиб боради.

*Чекмай малак лутфунг куни жуз зикр ила тасбиҳ уни
Одам дебон қаҳринг туни ҳар дам «заламно раббоно»².*

Юқоридаги байтда эса Одам ва Ҳаввонинг жаннатдан қувилгани билан боғлиқ «Аъроф»нинг 7-оятига ишора қилинган:

«Энди албатта уларга, билган ҳолимизда, (қилиб ўтган ишлари ҳақида) сўйлаб берурмиз. (Зотан) Биз ғойиб-йўқ эмас эдик, (балки барча нарсага гувоҳ бўлиб турган эдик)»³.

Нафс хоҳишида ўзларига зулм қилганлар Аллоҳнинг қаҳрига дучор бўладилар. Улуғ шоир илоҳий китобда келтирилган Одам тақдиридаги энг аянчли адашишни кўрсатиш орқали инсоният ўзининг ожиз нуқталарига ҳамиша фикру тахайюл билан қараши, ҳар қандай ҳолатда ўз нафсини жиловлаши, бу эса абадий ҳузуру ҳаловат эшикларининг очилишига имкон яратиши муқаррарлигидан огоҳлантиради.

*«Алламал инсон»ға чун айлаб мушарраф ер бериб,
Тахти тожу ишрат узра равзаи ризвон аро.*

«Алламал инсон»-инсонга ўргатди. Инсон Аллоҳ яратиклари ичида энг шарифи,

¹ Жомий А. Осор. Дар 8 жилд. Жилди I. – Душанбе: Адиб, 1986. 90-саҳ.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавоид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990, 7-бет.

³ Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992, 107-бет.

мукаррами, Унинг илми ва нури акс этган ягона мўъжизавий хилқатдир. Ҳақ таоло оламни унинг учун яратди, бутун мавжудотга уни масъул қилди, мулки борлиқ сиру синоатини билиш учун унга (инсонга) илму ирфон берди. Мир Алишер инсоннинг пайдо бўлиш тарихи хусусидаги Қуръоний башоратга ишора қиларкан, унинг (инсоннинг) «асли бир томчи сувдан яратилгани»ни таъкидлаш мақсадида илоҳий китобга таянади. Бунинг учун Қуръони Каримнинг Аллоҳнинг мўъжизавий санъаткорлигидан дарак берувчи илк нозил бўлган «Иқро» сураси 5-ояти каримасига ишора қилмоқда: «Алламал инсона мо лам яълам».

*Гуноҳбахш сен бўлғил-у журм пўши,
Шафоатгарилик «Хайр ул-бароё»¹.*

«Хайр ул-бароё» – яралмиш жонзотларнинг энг яхшиси. Илоҳий манбалар шаҳодатига биноан, шафоатга ўтиш ҳуқуқи Муҳаммад пайғамбарга берилган. Чунки Ҳақ жаноби расули акрамнинг суюкли пайғамбар – «хайрул барийя» эканлигини тасдиқловчи «Баййина»нинг- («Ишончли ҳужжат»нинг) 7-оятида хабар беради. Унда солиҳ амал қилганлар Аллоҳнинг дўстлари сифатида эътироф этилади: «Иннал лазийна аману ва амилус солиҳоти уллика ҳум хайрул барийя». Кўринадики, Қуръони мажиднинг ояти карималари бошдан охир эзгулик тарғибига қаратилгандир. Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари сарчашмаси ўша илоҳий китоб эканлиги эса ўз-ўзидан аёнлашиб қолади.

Шоир Қуръоний оятдаги асосий сўз бирикмасини келтириш орқали оятнинг мазмунига ишора қилади ва айни пайтда ўзи назарда тутган мақсад муддаонинг қисқа талқинига эришади.

Қуръоний қиссалар воситасида ҳосил қилинган талмехлар

Бундай талмехларда Қуръондаги қиссалар қаҳрамонларининг номларини қайд қилиш ё улар ҳаёти билан боғлиқ рўй берган бирор номни келтириш орқали улуғ шоир ўз мақсадини мўъжаз баён қилади.

Улуғ шоир ҳамд ғазалларида пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ энг мўъжизавий ажойиботларга тўла воқеаларни тасвирлаш орқали Аллоҳ қудратининг буюклигини, сиру синоатининг чексизлигини, сидқу садоқат аҳлига беҳад кўп лутфу марҳамат кўрсатиш фақат Ҳақнинг изму иродасига боғлиқлигини кўрсатмоқчи бўлади.

Пинҳону ниҳондан огоҳ энг адолатли зот фақат Аллоҳдир. Намруд бошчилигидаги мушриклар Иброҳим алайҳиссаломнинг қўл-оёғини боғлаб, оловга отадилар. Жаброил алайҳиссалом ундан «бирор тилагинг борми?»-деб сўраганида «Парвардигорим ўзи аҳволимдан огоҳ», деб фақат Аллоҳдан мадад сўраб, сабр қилган эканлар ва Аллоҳ «Биз айтдик: «Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!» («Анбиё», 69-оят)–зикр қилинган фармонни юборган, оловнинг ёруғи қолиб, иссиғи йўқолган. қуйидаги байт орқали шоир ҳар бир кишининг пинҳону ниҳон сирларидан фақат Аллоҳгина хабардорлигини уқтирмоқчи бўлиб, Иброҳим алайҳиссалом ҳаёти билан боғлиқ юқоридаги воқеаларга ишора қилган:

*Сабур исми билан қилсанг тажаллий,
Қилиб Намрудға юз минг мудоро².*

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. –Тошкент: Фан, 1990, 10-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. –Тошкент: Фан, 1988, 28-бет.

Қорун мол-мулкка ҳирс қўйиб ҳаволанади ва охир-оқибатда беҳад сарватлари билан йўқ бўлади. Бу ҳақда «Қасас» сурасининг 84-оятида ўқиймиз: «Ким яхшилик билан келса, бас, унинг учун (қилган яхшилигидан) яхшироқ (мукофот бўлур). Ким ёмонлик билан келса, бас, ёмонликлар қилган кимсалар фақат ўзлари қилган ёмонликлари билангина жазоланадилар»¹. Қуйидаги байтда шу ояти каримага ишора қилиш орқали талмеҳ санъати ҳосил бўлган:

*Мунча ҳашмат топмоғингдин сўнгра бировни қулунг,
Жоҳ ила мукнатда қорунга тавонгар бўлди тут².*

Шунингдек, Хизр, Нуҳ, Исо, Сулаймон, Қорун номи билан боғлиқ Қуръоний қиссаларга мурожаат орқали ҳамд ғазалларда талмеҳ санъати қўлланган. Бундай майлдан кузатилган бош мақсад Аллоҳ таолонинг мислсиз куч-қудратини қабарик кўрсатишдан иборатдир.

*Заҳри фироқингдин қаяо ошиқки бўлди талхком,
Нўши висолинг етмаса, Исо анга топмас даво.*

Исо алайҳиссалом даврида табобат илми шундай даражада тараққий қилган эканки, биронта ҳам дард давосиз ҳисобланмаган эмиш. Исо мўъжизавий нафаси билан ўликларга қайта жон бағишланган. «Оли Имрон» сурасининг 49-оятида шундай хабар берилади. «Мен (ўзимнинг Ҳақ пайғамбар эканлигим ҳақида) сизларга Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим: Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб унга туфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Аллоҳнинг изни билан ўликни тирилтираман ҳамда сизларга ейдиган ва уйлариңгизда сақлайдиган нарсалариңгизни айтиб беришга қодирман. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта, бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир»³. Яъни агар Аллоҳ бу кароматни унга ато этмаганида, ҳайратли мўъжизалар сирини очишни хоҳламаганида, Исонинг қўлидан бир кишига ҳам шифо бериш келмасди. Мавжудотдаги барча ажойиботлар Аллоҳнинг амридадир. Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонининг «Фақру фано водийси васфи» бобида бу масала хусусида янада кенг бадиий мушоҳада юритади.

Хизрнинг «оби ҳайвон»дан баҳраманд бўлиб, абадий тирикликка эришгани, Нуҳнинг хатарлардан халос қолиши, Исонинг тирилтирувчи нафаси-буларнинг барча-барчаси Аллоҳнинг инояти, мўъжизавий санъатидан далолатдир. Улуғ шоирнинг таъкидича, агар Аллоҳ истамаса, унинг амрига мувофиқ келмаган иш ҳечдир, Намруд, Қорун, Фиръавн сингари ўзини қудратли санаган худпарастлар Унинг қаҳридан омон қололмайди, албатта.

Қуйидаги байтда шу ҳақда ишора кетади:

*Нега олам ўртади, ҳуснунг ўтидин ламъаи,
Тушмаган белса жамоли Юсуфи Канъон аро⁴.*

Қуръон таркибидаги катта суралардан бири – ўн иккинчи, яъни Юсуф қиссасидир. Маълумки, илоҳий китобларда (Таврот, Забур, Қуръон)да Юсуф алайҳиссалом гўзаллик тимсоли сифатида улуғланади. Мазкур мисраларда Аллоҳнинг гўзаллиги Юсуфда акс

¹ Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992, 274 –бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990, 1-69-бетлар.

³ Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992, 39-бет.

⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990, 9-бет.

этганига ишора қилинмоқда. «Девони Фоний»да ҳам худди ўша мазмуннинг қуйидагича ифодасини учратамиз:

*Орази Юсуф намуда ламъаи рўят,
3-ў шуда машъуфу зари ишқ Зулайхо¹.*

Равшан бўлаётирки, улуғ шоирнинг ҳар иккала тилдаги ғазалларида ғоявий–мазмун, бадиият нуқтаи назаридан уйғунлик устувордир.

Зулайхонинг Канъон шахзодасига ишқи тушиши Юсуф сурасининг 30-ояти каримасида ўз ифодасини топган. «Тафсири Жалолайн»да қайд этилишича, Юсуф алайҳиссаломга дунёдаги хусннинг ярми берилган»².

Ҳамд ғазалларда иқтибос келтириш орқали талмехнинг ҳосил қилиниши

«Илм ўзлаштирмоқ», устод Садриддин Айний таъбирича, «оташ пораси олмоқ» маъноларидаги бу сўз (иқтибос) Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларини шеър ичида келтириш ёки уларнинг мазмунини шеърда ифодалаш санъатидир. Мусулмон минтақа адабиётида айни санъатга кенг мурожаат қилиш орқали айтилмоқчи бўлинган фикрга қувват бериш ҳодисаси ўзига хос қадимий анъанадир. Унинг нурли изларини ҳадисларга бағишлаб ёзилган «Арбаин»ларда ҳам учратишимиз мумкин. Масалан, Алишер Навоий «Арбаин»и ҳадисидаги мана бу қитъада ҳам ўша ҳодиса ёрқин кўзга ташланади.

*Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғин висоли истар эсанг
Бўл онанинг оёғи туффроғи.*

Кўринадики, кўчирилган қитъа сатрлари маъзига Муҳаммад Расуллуллоҳнинг «Ал-жаннату тахта ақдами умма ҳатинум», яъни «Жаннат калити оналар оёғи остидадир» ҳадиси шарифининг мазмуни сингдирилгандир. Бундай майл Қуръон оятлари ва ҳадис ғояларига мурожаат Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалларида ҳам кузатилади.

Улуғ шоирнинг баъзи ҳамд ғазалларида зоҳиран Қуръон оятларига ишора кўзга ташланмайди. Бироқ ўшандай мисралар теранроқ назардан ўтказилса, улар замирига Қуръоний ғоялар сингдирилганлиги аёнлашиб қолади. Жумладан, қуйидаги байтда ўшандай майл кузатилади:

*Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо³.*

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002, 10-бет.

² Тафсири Жалолайн. Карачи: «қадимги кутубхона», 1949, 192-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990, 10-бет.

Мазкур байт маъзида «Юсуф» сураси 101-ояти каримасининг мазмуни яшириндир. Ўша оятда хабар берилади: «(Ё Рабб) Мени мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени ҳам солиҳ бандаларнинг қаторига қўшгин».

*Сен эттинг шамъу гулда жилваким, парвонаву булбул
Бири куйди, бирига бўлди юз дарду бало пайдо¹.*

Мазкур байтнинг «Нур» сураси 41-ояти билан мантиқан алоқадорлигига аҳамият берилса, юқоридаги фикрларга янада яққолроқ ишонч ҳосил қилинади.

Қуръоний оят қуйидагича акс-садо беради: «(Эй Муҳаммад) Аллоҳга осмонлар ва ердаги бор жонзот ҳам, (самода) саф тортган қушлар ҳам тасбиҳ айтиб-покланишини кўрмадингизми?»².

Алишер Навоий ҳамд ғазалларининг кўпчилигида фақрлик улуғланади, бақони истаган киши аввало фано бўлиши зарурлиги уқтирилади:

*Бирор етти сангаким ўзлуги даштини тай қилди,
Бақо истар киши аввал керак қилса фано пайдо³42 .*

Мазкур байтда «Кимки ўзининг фонийлигини билса, Раббининг боқийлигини билади» ва «Фарқлик менинг мадори ифтихоримдир ва қиёмат кунида мен унинг-ла фахр этурман» ҳадисларининг мазмуни ўзлаштирилганлигини пайқаш қийин эмас.

*Нафс хор этмиш Навоийни, азиз эт фақр бирла,
Эй жалолу раҳматингдан гар залилу гар муаззаз.*

Мазкур мисоллардан аёнлашаётирки, улуғ шоирнинг аксарият байтлари илоҳий-исломий ғоялар заминида вужудга келган. Агар ҳар бир ғазалнинг ботиний маънолари илоҳий китоб билан биргаликда қиёслаб, жиддий тадқиқ этилса, ҳазрат Навоий ижодиёти маҳсули бўлган қатор шеърлар илоҳий китобнинг маърифий-бадий шарҳи эканлигига ишонч ҳосил қилинади. Интиҳода айтиш жоизки, Алишер Навоий шеърларида очиқ талмеҳ билан бирга мазкур бадий санъатнинг яширин кўринишига ҳам тез-тез мурожаат қилинган.

Тафсир ҳамдлар

Маълумки, илоҳий-исломий сарчашмалар–Қуръони Карим, Ҳадиси шарифнинг мазмуни шариат ва тариқат намояндалари ўртасида турлича шарҳланган, тафсир қилинган. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалларида орифона талқин ва шарҳланган оятларга мурожаат қилинади.

*Санга кўнглумдаги ҳожатни не ҳожат йўқки арз этсам,
Улус кўнглида пинҳонлар эрур чунким санго пайдо.*

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 7-бет.

² Қуръони Карим. –Тошкент: Чўлпон, 1992, 240-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. -Тошкент: Фан, 1989, 8-бет.

Исломий манбалар шаҳодатига биноан, Аллоҳ таолонинг назаридан ҳеч нарса соқит қолмайди. Жумладан, «қоф» сураси 16-оятда шундай дейилади: «Аниқки, инсонни Биз яратганмиз, (демак) унинг нафси васваса қиладиган (яъни кўнглидан ўтган барча) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқдурмиз»¹43.

«Аҳзоб» сураси 72-оятда келган «ал-омонат» сўзи исломий манбаларда турлича талқин қилинган. Баъзи тафсирларда уни иймон, айримларида тафаккур деб изоҳлайдилар. Орифлар тасаввурида эса «ишқ» тарзида талқин этилган. Бир тоифа эътиқод қилувчилар ибодатдан мақсад иймон деб тушунганлар. Орифлар наздида эса ирфон ва маърифатнинг манбаи ишқдир. Қаердаки, инсон Аллоҳ ҳамда «аласт»нинг аҳду мийсоқи ўртасида робита барқарор бўлса, ишқ собитлик касб этган бўлади:

*Анингки, кўнглида ишқ ахгарини ёшурдинг,
Ниҳоний ўтин улуғ тинмоғидин эттинг фош².*

Улуғ шоир ҳам Қуръоний оятдаги мазкур сўзни «ишқ ахгари» деб талқин этади. Шоирнинг фикрича, инсон мавжудлиги ишқ борлиғи туфайлидир. «Ниҳоний ўт» шуъласи Аллоҳнинг сеҳру саховатини англатади. Асос учун эса яна Қуръони Карим «Ваз-зориёт» сураси 56-оятга ружу қилинади: «Мен инсон ва жинларни фақат ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»

Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифнинг бош сўзи Инсондир. Деярли ҳар бир ояти каримада дунё молига кўнгил боғламаслик, умрнинг ўткинчи эканлиги, уни эса савобли ишларга сафарбар этиш лозимлиги даъват этилади. Бунинг учун пайғамбарлар ҳаёти ибрат қилиб кўрсатилади. Улуғ шоир сатрларида ана ўша лавҳаларни умумлаштириб, қисқа, мўъжаз ва тушунарли шарҳини беради:

*Бўлуб сифатингга мазҳар жамиъ махлуқот,
Алар муфассал-у инсонни айладинг мужмал³.*

Шоирнинг мазкур байтини оламнинг инсон туфайли яратилганидан гувоҳлик берувчи барча оятлар ва ҳадисларнинг бадиий хулосаси сифатида қабул қилиш мумкин. Бундай ихчам ирфоний таърифни Азизиддин Насафийда ҳам ўқиймиз: «Инсон оламнинг кичрайтирилган нусхасидир»⁴.

*Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд айта олмас онча балоғат била санга⁵.*

Коинотнинг хулосаси ва «зубда»си (қаймоғи)–Муҳаммад пайғамбардир. Аллоҳ мўъжизалари сиру синоати олдида унинг ҳабиби ҳам ўзини ожиз сезган. Қуръонда бундай балоғатли тасвирлар жуда кўп: Аллоҳдан Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий келиши ва Муҳаммад пайғамбар ҳоллари; Меърож туни ва элликдан ортиқ мўъжизалари сиру синоати,

¹ Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992, 376-бет

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 202-бет

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 266-бет.

⁴ Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ. – Тошкент: Камалак, 1996, 56-бет.

⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 27-бет.

қурайш мушрикларидан «Фа ағшайна ҳум ла юбсирун» («Бақара»: 7-8 оят)–Аллоҳ огоҳи орқали омон қолганликларининг сир-асрори фақат Яратганнинг ўзигагина аён. Шоир мазкур байтлар орқали Қуръондаги ана ўшандай бўлиқ башоратларни назарда тутмоқда.

*Гаҳики фикрати зотингни ақли кулл айлаб,
Бурунғи жомда ҳайрат ани қилиб беҳуш¹.*

Равшан, Алишер Навоий илоҳий китобга тез-тез мурожаат қилиш билан, бирламчи, Қуръонни тарғиб этса; иккинчидан, мисраларида талқин этилган инсонпарварлик ғояларига рангу қувват беришга эришади.

Ҳамд ғазалларда асмой ҳусна талқини

Асмой ҳусна – Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидир. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган. «Аъроф» сурасининг 180-оятида шундай дейилади: «Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланг (ёд этинглар). Аллоҳ деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз, қандай чорласангизда (жоиздир). Зеро, У зотнинг гўзал исмлари бордир»².

Ҳақнинг исм ва сифатлари чексиздир. Алишер Навоий ҳам ҳар бир ҳамд ғазалида Аллоҳнинг исм ва сифатларини тўлиқ санаб тугатиб бўлмаслигига ишора қилади. Чунки Ҳақни билиб бўлмайди.

Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг асосий масаласи зот-сифат ва Аллоҳ–Олам муносабатидир. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ваҳдат ул-вужуд таълимоти асосида талқин этилган. Ваҳдат ул-вужуд таълимоти орқали эса Инсон Аллоҳнинг буюклигини ва ўзининг ожизлигини идрок этади. Улуғ шоир баъзи ҳамд ғазалларида яширин ширқдан ҳақиқий тавҳидга эришишни, баъзиларида эса махлуқотга Ҳақнинг тажаллийлари сифатида раҳму шафқат билан муомала қилиш ва исму сифатларнинг мазҳари бўлган борлиқни, табиатни ўрганиш воситасида Аллоҳнинг мислсиз куч-қудратини ҳис қилиш, руҳий-маънавий риёзат туфайли илоҳий сифатларга эга бўлиш каби ғояларни илгари суради.

Нақшбанд ҳазратлари айтганидек: «Тавҳид сиррига етса бўлур, маърифатнинг сиррига етиб бўлмас»³.

Аллоҳнинг биру борлигига, яккаю ёлғизлигига, азалий ва абадийлигига иймон келтириш тавҳиддир. Шунинг учун «Аллоҳнинг 99 исми бор», «Аллоҳнинг 1001 исми бор» деган фикрларни нисбий ҳукм сифатида қабул қилиш керак. Шунинг учун улуғ шоир ҳайрат мақоми ҳамдларида Аллоҳга ҳамд айта олмай, исм ва сифатларининг беҳад кўплигини кўриб, ҳайронликдан тили «гунгу лол» қолганлигидан ҳайратланади.

Демак, асмой ҳуснани ҳар ким ўз маърифий-руҳий даражасига кўра идрок этади. Руҳий-маънавий даража юксалиб борган сайин, киши Аллоҳнинг янги-янги исм ва сифатларини англайди. Қуръони Каримда «асмой ҳусна»нинг мухтасар рўйхати ҳам мавжуд: ар-Раҳмон, ар-Раҳим, ал-Малик, ал-Қуддус, ал-Салим, ал-Мўъмин, ал-Азиз, ал-Холиқ, ал-Мусаввир⁴.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. –Тошкент: Фан, 1990, 177-бет.

² Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992, 107-бет.

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001, 264-бет.

⁴ Қуръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). –Тошкент: Чўлпон, 1992. 406-бет.

Асмой хусна пайғамбарлар томонидан қўйилган. «Исми Жалолни Одам алайҳиссалом, қавий, Азиз ва Маннонни Идрис алайҳиссалом кашф айлаганмиш», – дейилади «Тасаввуф сабоқлари» китобида¹.

Аллоҳнинг исм ва сифатларини айтиб, Уни зикр этишнинг хосияти ҳақида шундай қудсий ҳадис бор: «Эй, одам боласи! Сен ғайримни унутган бир қиёфада Мени зикр этки, Мен ҳам сендаги ҳижобни қолдирмоқ сувратила сени зикр этаман. Қалбингла зикр этсанг, сени ликом (Аллоҳга етишиш) ила зикр этаман»². Шунинг учун ҳам Алишер Навоий деярли ҳар бир ҳамд ғазалининг мақтасида Аллоҳ ҳамдини фақат тилда юзаки мақташни эмас, балки Уни бевосита таниш иштиёқидан туғилган кўнгил зикрини, сидқидил имонни улуғлайди ва «ҳамд боғи»да «булбулигўё каби нағмасарой» бўлишни орзу қилади. Шоир мазкур йўналишдаги ғазалларда ҳам Қуръони карим ғояларига ишора қилади. Фикримизнинг далили сифатида шундай ғазаллардан бирини таҳлил қиламиз:

*Не сунъунгдан ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яна пайдо,
Не мулкунгга халал юз минг жаҳондек бўлса нопайдо.
Не поёни жалолу кибриёдурким тафовут йўқ,
Агар юз минг жаҳондек бўлса нопайдо ваё пайдо*³.

Шоирнинг фикрича, Аллоҳ яна юз минг жаҳонни яратишга қодир. Унинг хазинаси шу қадар бемислу беҳисобки, юз минг жаҳон йўқолса, пинҳон бўлса ҳам, Унинг мулкига халал бермайди. Мазкур байтда Ҳақнинг мўъжизавий яратувчанлик қудрати ва Ал-Ғоний (жуда бадавлат ва ҳар кимсадан мустағи), Ал-Бадиъ (мислсиз нарсаларни яратувчи), Малик ул-мулк (мулкнинг абадий соҳиби), Ал-Барр (Эҳсон этувчи), Зул жалали вал икром (жалолу кибриё, буюклик, фазлу карам соҳиби) каби сифатлари улуғланган.

Иккинчи байтда эса Қуръоний ғоя тафсир қилинган («Жосия» сураси 27-ояти): «Ва лаҳул кибриёу фис самовоти вал арз. Вал ҳувал азизул ҳаким»⁴. Худонинг жалол сифати эса «Раҳмон» сураси 78-оятида берилган: «Ва ябқо важҳу раббика зулжалоли вал икром».

*Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.*

Парвардигори каримнинг айни сифатлари “Ҳадид” сурасининг 3-оятида келган: “Ҳувал аввалу вал охиру ваз зоҳиру вал ботин. Ва ҳува бикулли шайъин алийм”.

Қуръоннинг ўзбек тилидаги мазмунини берган Алоуддин Мансур ўша ояти каримани қуйидагича шарҳлайди: «Ушбу ояти каримада ҳар бир мўмин Аллоҳ таолонинг бор ва бирлигига имон келтириш билан бирга эътиқод қилиши лозим бўлган тўрт илоҳий сифати баён этилди: Аллоҳ аввалдир, яъни У азалий зот бўлиб, Ундан аввал бирон замон ўтган эмас; Аллоҳ охирдир, яъни У абадий-мангу зот бўлиб, барча нарса йўқ бўлур, лекин Унинг интиҳоси йўқдир, Аллоҳ зоҳирдир, яъни коинотдаги ҳар бир нарса Унинг борлигига очиқ-зоҳир далолат қилиб туради; Аллоҳ ботин-махфийдир, яъни Унинг зотини кўз билан идрок этиб бўлмас ва Унинг моҳият-ҳақиқатига ақл билан етиб бўлмас». Алишер Навоий «ғаройиб ус-сиғар» девонининг 5, «Наводир уш-шабоб»нинг 3, 4, 364-ғазаллари ҳам Аллоҳнинг ана ўша сифатлари таърифига бағишлангандир.

¹ Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: Бухоро Давлат университети, 2000. 109-бет.

² Асма-и хусна. – Тошкент: Камалак, 1991, 35-бет.

³ Алишер Навоий. МАТ. 20томлик. 5-том. – Тошкент: Фан, 1990, 8-бет.

⁴ Ал-қуронул карим. Мадинаи Мунаввара: Мужаммаъ ал-малий Фаҳд ли тиботи мусҳафи Шариф, 1985, 537-бет.

Бу орқали шоир Аллоҳнинг ҳамиша тирик ва абадийлигини таъкидлаган. Ҳақнинг бу улуг сифатлари ҳақида эса «Бақара» (255-оят), «Фурқон» (58-оят), «Қасас» (88-оят), «Ар-рахмон» (27-оят), «Тоҳо» (7-8-оят), «Наҳл» (19, 23-оят), «Ҳашр» (22-24-оят) сураларида ҳам гувоҳлик берилган.

*Фалак ҳам ожиз, ахтар ҳам забун сайру сукун ичра
Ки сендиндур не бўлса анжуму афлок аро пайдо.*

Бутун «анжуму афлок» Ҳақнинг қонуниятига бўйсунди ва У белгилаган қатъий чегара доирасида ҳаракат қилади. «Худонинг қудрати олдида фалак ҳам», «ахтар ҳам забун», дейиш орқали шоир осмон жисмлари сиру синоати ва уларнинг ҳаракат чегараси, яратилиш сабабларига ҳам ишора қилган. «Фуссилат» (53-оят), «Ваз-зориёт» (20-21-оят), «Наҳл» (12, 16-оят), «Раҳмон» (6-оят), «Анъон» (97-оят), «Аъроф» (54-оят), «Ҳаж» (18-оят), «Соффот» (88-оят), «Тур» (49-оят), «Воқеа» (75-оят), «Мурсалот» (8-оят), «Таквир» (2-оят), «Анбиё» (33-оят), «Ёсин» (40-оят) оятларида эса Ҳақнинг сиру синоати ишончли далиллар орқали асосланган. Шоир бу асослар орқали Аллоҳнинг Ан-Нур (оламларни нурлантирувчи), Ал-Мухсий (зарралардан курраларга қадар ҳар нарсанинг ҳисобини билгувчи), Ал-Холиқ (қоинотни яратувчи ва бор этувчи) сифатларига ҳам ишора қилган.

*Нечаким баҳр ила кон бўлса сендин тарбият етмай,
Эмастур мумкин ўлмоқ дурру лаъли бебаҳо пайдо.*

«Баҳр»даги бебаҳо «дурру лаъли»–барча-барчаси Ҳақнинг беқиёс қудрати ва санъаткорлигидан далолат беради.

Дарё, денгиз, унинг бағридаги дафиналар ва улар фақат Аллоҳнинг қудратига бўйсунуши ҳақида Илоҳий китоб ўз ояти карималарида гувоҳлик беради: «Бақара» (20, 106, 109, 148, 259, 284-оят), «Оли имрон» (26, 28, 189-оят), «Нисо» (133, 149-оят), «Моида» (17, 19, 40, 120-оят), «Анъом» (17, 37, 65-оят), «Анфол» (41-оят), «Тавба» (39-оят), «Худ» (4-оят), «Наҳл» (45-оят), «Фурқон» (54-оят), «Анкабут» (20-оят), «Рум» (54-оят), «Фотир» (1, 2-оят), «Ёсин» (81-оят), «Шўро» (9, 19, 50-оят), «Аҳқоф» (33-оят), «Фатҳ» (21-оят), «Мулк» (1-оят), «Маориж» (40-оят), «Қиёмат» (4, 40-оят), «Мурсалот» (23-оят), «Ториқ» (8-оят).

*Чу баҳри раҳматинг мавж урса, пайдо бўлмағай хасча,
Неча журм аҳлидинким бўлса юз кўҳи хато пайдо.*

Аллоҳнинг қаҳру лутфининг сири фақат Ўзигагина аён. Бизнинг наздимизда гуноҳкор бўлган кишини У ўз раҳматига олиши мумкин ва аксинча, умрини тоат-ибодат билан ўтказганлар Унинг қаҳридан эмин бўлолмаслиги мумкин. Чунки исломий ақидага кўра, Аллоҳ таолонинг илми, қудрати, иродаси, эшитиши, кўриши ва Унинг гапи махлуқотларининг сифатларига ўхшамайди ва ҳар бир мусулмон бунга эътиқод қилиши керак. Шоирнинг фикрича ҳам, Аллоҳнинг назаридан ҳеч нарс пинҳон қолмайди, У ҳамма нарсани билгувчидир. Мазкур байт орқали Аллоҳнинг Ал-Алим (барча нарсани билгувчи), Басир (ҳамма нарсани кўрувчи), Сомеъ (ҳамма нарсани эшитувчи) каби сифатлари мадҳ этилган. Унинг бу сифатлари эса Қуръони Каримнинг қуйидаги оятларида васф этилган.

Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчи: «Бақара» (29, 33, 231, 255, 282-оят), «Оли имрон» (29-оят), «Моида» (7, 99-оят), «Анъом» (3, 73-оят), Худ (5-оят), Раъд (8, 10-оят), Мўминун (92-оят), Қасас (69-оят), Анкабут (45, 52-оят). Аллоҳ ҳамма нарсани кўрувчи (Басир): «Бақара»

(96, 110, 233, 237-оят), Оли имрон (15, 20-оят), Нисо (58, 134-оят), Ал-Исро (1, 17, 30, 96-оят), Ҳаж (61, 75-оят), Сабаъ (11-оят), Фотир (31, 45-оят), Ғофир (20, 44, 56-оят), Ҳадид (4-оят), «Мужодала» (1-оят), «Мулк» (19-оят), Иншиқоқ (15-оят).

Аллоҳ ҳамма нарса эшитувчи (Сомеъ): «Бақара» (127, 137, 181, 224, 227, 244, 256-оят), Оли имрон (34, 35, 38, 121-оят), Нисо (58, 134, 148-оят), Анъом (13, 115-оят), Аъроф (200-оят), Анфол (61-оят), Фуссилот (36-оят), Мужоқала (1-оят).

*Навоийнинг тилин шукрунгга гўё айлаким, бўлғай
Анга ҳамдинг гулистонида ҳар дам юз наво пайдо.*

Шоир мақтада сидқидил иймонни, банданинг чин кўнгилдан қилган зикрини улуғлайди ва Унинг «ҳамди гулистонида» «ҳардам юз наво пайдо» бўлишини истайди, яъни Ҳақнинг исм ва сифатларини қалбан ҳис қилиб, илҳому завқ ила Уни таниш руҳан юксалишнинг асоси эканлигини таъкидлайди.

Кўринадики, бу ғазалда Аллоҳнинг бир нечта исм ва сифатлари улуғланган. Ғазалда ифодаланган ғоянинг асосий илдизи эса Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва ақоиди исломиядир.

Алишер Навоий баъзи ҳамд ғазалларида Ҳақнинг сифатларини очиқ-ойдин васф этса, кўпинча эса уларни тафсир йўли билан таърифлаб, асосли ишоралар орқали талқин этади:

*Ҳар тийра рўзгорки, васлингга йўл топиб
Сендин, етиб чароғи ҳидоят била санга¹.*

Мазкур байтда Аллоҳнинг Мунир исмига ишора қилинган. «Мунир-нур берувчи, ҳидоятга чорловчи» маъноларини англатади. Бу ном билан Тангрига мурожаат қилиниб, шу орқали нурларнинг асли, мақоми ва манзили Унинг ўзи эканлиги билдирилмоқда.

*Азалдин то абад сатҳи вужудинг зарфи тўлмаским,
Анга не ибтидо пайдодурур, не интиҳо пайдо².*

Бунда Аллоҳнинг Азал ва Абад исму сифатлари билан бирга Қайюм исмига ҳам ишора қилинган. «Сатҳи вужуди зарфи тўлмас» лигига сабаб У (Қайюм) ўз-ўзидан қойимдур, ҳар ниманики истаса, ўзи ижро қилади. Тангрининг бу исми Унинг эҳтиёжсиз эканлигини англатади.

*Зотингга ғайрни кимса нечук эткай ташбиҳ,
Мосиваллоҳ чу саво келдию ул зот сиво³.*

Мосиваллоҳ–Худодан бошқа, саво–ажратмоқ, сиво–ўзга, ажралган. Ҳеч нарсани Аллоҳга ўхшатиб бўлмайди, Унинг ўхшаши йўқ.

Бу эса Фардоният (якка-ёлғиз, ажралган маъноларини англатади) исмига ишорадир.

Аллоҳнинг исм ва сифатларининг ҳар бири Зотнинг мартабаларидир. Унинг зоти, зотига нисбатан эътиборли бўлган бу исм ва сифатлар билан турли суратларда тажаллий этади.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Ғаройиб ус-сиғар. -Тошкент: Фан, 1988, 27-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. -Тошкент: Фан, 1989, 8-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. -Тошкент: Фан, 1990, 9-бет.

Асмой хусна ичида Аллоҳнинг саккиз сифати субутий, аслий (Ҳаёт, Илм, Қудрат, Басар, Самъ, Ирода, Калом, Таквин) ҳисобланади. Буларга Аллоҳ камоли сифатлари дейилади. Сифат зухур этган пайтда исм бўлади. Яъни, сифат исмнинг ботини, исм сифатнинг зоҳиридир. Зот эса сифатнинг ботини, сифат эса зотнинг зоҳиридир. Исм ашёнинг ботини, ашё эса исмнинг зоҳиридир. Шунинг учун шоир «Рух ул-қудс» қасидасининг биринчи байтини худди шу талқин тасвири билан бошлайди:

*Зиҳй ба хомаи қудрат мусаввирй ашъё,
Ҳазор нақши ҳар замон аз ӯ пайдо.*

Шунга кўра, Зот ўз навбатида сифат, исм ва ашё шаклида тажаллий этади.

Илоҳий исмларнинг кўпи Зотга, сифатга ва феълларга оид маъноларни ўзида жамъ қилади. Масалан, Раб исми собит, молик ва муслиҳ маъноларини ўз ичига олади. Буларнинг биринчиси Зотга, иккинчиси сифатга, учинчиси эса феълга оиддир. Бу сифатлар тажаллийси махлуқот ва мавжудотнинг даражасига қараб белгиланади. Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойиқ» асарида булар руҳ тараққиёти даражалари сифатида эътироф этилган¹.

Ҳақнинг субутий сифатларини ажратиш эса нисбий бўлиб, Қуръони Каримда кўп такрорланиб турувчи ва Ҳақдан ўзгаларга нисбат бериб бўлмайдиган исму сифатларига таянилади. Алишер Навоий ҳам ҳар бир ҳамд ғазалида Зотга, сифатга, қуйи даражадаги махлуқотга хос сифатларни, яратикларда қай даражада исм ва сифатларнинг тажаллий этганлигини ишончли асослар орқали тасвирлайди.

*Вужуди зарранинг мумкин эмас то собит ўлмас меҳр,
Не ҳожат зарра хайлидин қуёш зотиға исботе².*

«Лисон ут-тайр»нинг (Фақру фано мақомида) фақат Зотга хос сифатлар яққол аён бўлиши масаласига алоҳида урғу берилган.

*Топмоқ имкон йўқ висолинг комини,
Ул фанолардин бақо анжомини³.*

Мазкур байтдаги «бақо анжоми» орқали шоир фақат Зотга хос субутий сифатларга ишора қилмоқда. Чунки ҳатто пайғамбарлар ҳам фоний, уларнинг юксак руҳий тараққиёти ҳам Зот сифатига кўра нисбийдир. Шунинг учун Алишер Навоий ҳамд ғазалларида Аллоҳнинг қудрат сифати олдида ҳатто пайғамбарлар ҳечдир, дейилади. «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 5-7, 364-6, «Бадоеъ-ул-васат»нинг 1-3, 3-4, 4-3-4-ғазалларидаги байтларда Аллоҳнинг зотий сифатлари (Ҳаёт, Илм, Қудрат, Басар, Ирода, Калом, Таквин) улуғланган. Ҳазрат Навоий ҳамд ғазалларида мазкур субутий сифатларга барча мақомдаги шеърларида баъзан қайта-қайта (турли мақсадларда) мурожаат қилади. «Бадоеъ ул-васат»нинг иккинчи ғазали Аллоҳ субутий сифатларининг таърифига бағишланган:

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ. – Тошкент: Камалак, 1996, 42-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Ҳазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 242-бет.

³ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 257-бет.

*Ироданг бирла тақдирингдан ўлғай икки кавн ичра,
Агар бўлса фано зоҳир ва гар бўлса бақо пайдо¹.*

Ислом динида Ҳаққи мутлақ, Аллоҳ моддийликдан тамоман холи шаклда, нафсга мутлақо эга бўлмаган абадий, чексиз қудрат ва ирода сифатида тушунилади. Ҳаққи мутлақнинг исломий ва маърифий сифату исмларини билиш Шарқ мумтоз адабиётида маърифий тимсоллар моҳиятини, сўзни уқиш учун (туб моҳиятига етиш учун) беҳад зарурдир.

Ҳаққи мутлақ маърифатда нафақат мажмуи асмо ва сифат, балки вожиб ул-вужуд, зарурий, абадий борлиқ, моддий борлиқнинг сабабчисидир. Унинг борлигини, борлиқ оламнинг мавжудлик сабаби ва асосини, моддий оламнинг, борлиқнинг мавжудлигининг имкониятидир, яъни имкон ул-вужуд (борлиқнинг имконияти, борлиқнинг мавжудлигига ҳам имконият) ҳамдир.

*Файз агар олмас вужудинг гулистони атридин,
Шаммаи нақши вужуд имкон эмас имкон аро.*

Шунинг учун борлиқ, мавжудот олами ва коинот Ҳаққи мутлақдан узилиши асло мумкин эмас. Бу масала-борлиқ ва Ҳақнинг ўзаро муносабати, маърифат ва исломнинг илми ҳайъати-Оламнинг яратилиши ҳақидаги таълимотида ўзининг аксини топади. «Наводир уш-шабоб» нинг иккинчи ғазали Аллоҳ-олам муносабатлари (яратилиш мартабалари-«таназзулоти сабъа»-етти руҳий эниш) талқинига бағишланган.

*Зиҳе камол ила кавнайн нақшиға наққош,
Мукавванат вужудин вужудинг айлаб фош².*

Аллоҳнинг мавжудот ва борлиқлар олами (мукавванот) билан муносабати, Унинг исм ва сифатлари ўн саккиз минг оламга тажаллий этганлиги орқали намоён бўлади. Коинотдаги ҳар қандай воқелик Аллоҳнинг маълум бир жиҳатига алоқадордир. Аммо муайян бир бўлак бутунни ўзида акс эттира олмайди. Бўлак эса бутуннинг бир қисми сифатида бутун (Аллоҳ)га дахлдор. «Лисон ут-тайр» асари мана шу масаланинг кенг маърифий талқинига бағишланган. Шунинг учун ҳам қушлар айри-айри ҳолда Ҳақни танимайдилар. Аллоҳ зоти жиҳатидан борлиқлар оламига нисбатан бир ойна кабидир. Ҳар нарса унда кўринади: исм, феъл ва сифатлари жиҳатидан ҳам борлиқлар олами ўша ойнада кўринган бир мақомда-дир. Аллоҳ зоти жиҳатидан ягона борлиқдир ва бутун мавжудотнинг ўзагини ташкил этади:

*Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг яна бир ҳам
Далил ушбуки қониғ ҳарфидин халқ айладинг анқо.*

Ҳаққи мутлақнинг бошқа исмлари орасида Аллоҳ исми зотий, моҳиятни ўзида мужассам қилган исмдир.

*Бўлуб зотингда ожиз ҳар сифат ичинда мавсуфе,
Анингдекким, қила олмай сифотинг шарҳини зоте³.*

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. -Тошкент: Фан, 1990, 8-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. -Тошкент: Фан, 1988, 202-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар.

«Хазойин ул-маоний» таркибидаги девонларнинг 1-4 ғазаллари – ҳамд, 5-ғазаллари эса муножот руҳида ёзилган ҳамдлардир. Муножот мазмунидаги ҳамд ғазалларда лирик қаҳрамон Аллоҳга илтижо қилиб, Ундан билиб-билмай қилган гуноҳларидан кечишни сўраш, ўз қалб туйғуларини, чексиз муҳаббатини изҳор қилиш орқали ўз Яратувчисини таъриф ва тавсиф қилади. Бундай руҳдаги ғазалларнинг матлаи зотий исмга мурожаат қилиш («Илоҳо» «Ё Раб») билан бошланади. Тўлиқ ҳамд мавқеидаги ғазалларнинг мақтаси ҳам муножот руҳидаги байт билан якунланади ва бунда ҳам шоир зотий исмларни қўллайди.

Шоир ўз Яратувчисига чексиз муҳаббатини, жунун ҳолатидаги ошиқлигини, самимий туйғуларини инсоний дарду изтиробларини изҳор қилиш руҳида ёзилган ғазалларида ёки байтларида Ҳаққа «Илоҳо» деб мурожаат қилади.

Ҳазрат Навоий зотий исмни қолган исмлардан алоҳида ажратади. Шунинг учун зотий исм Илоҳ, Худо, Рабб шаклида ҳамд ғазалларнинг фақат матлаъ ёки мақтаида шеър қаҳрамони муножоти, ёлвориши ҳолатида ифодаланади. Бу муносабат «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 3 ва «Бадоеъ ул-васат»нинг 3,5-ғазаллари мақтасида «ё Раб», «Наводир уш-шабоб»нинг 2-ғазали мақтасида «Илоҳо», «Фавойид ул-кибар»нинг 4-ғазали мақтаида «Худоё» тарзида ифодаланган:

*Навоий аҳли жунун зумрасига кирди, Илоҳо
Чу айладинг ани Мажнун, ўзингни қил ани Лайло.*

«Ғаройиб ус-сиғар»нинг 5-ғазалида ҳам айна шу ҳолатни кузатамиз:

*Илоҳо, подшоҳо, кирдгоро,
Санга очуғ ниҳону ошкоро.
Зиҳи эл ниҳони санга ошкоро,
Ниҳон дардима ошкор эт мудоро.*

«Хазойин ул-маоний» таркибидаги ҳамд ғазалларнинг фақат иккитаси («Наводир уш-шабоб» ва «Бадоеъ ул-васат» нинг бешинчи ғазали) нинг матлаи «Ё, Раб»-зотий исмга илтижо билан бошланади. Иброҳим Ал-Бурсавийнинг «Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди» китобида «Ё Раб! Ё Раб! Ё Раб!» деган кишига Ҳақ таоло дарҳол: «Лаббайка, бандам!» дейди ва тилаган нарсаларини ё дарҳол, ё кечроқ ато этади ва ёки охиратга қолдиради ёхуд ундан бир ёмонликни даф этади», – деб ёзилади¹.

Қуръони Каримда Худонинг «Раббил оламин», яъни оламларни тарбия қилувчи сифатида борлиги айtilган. «Девони Фоний» да ҳам Унинг дуоларни мустажоб қилувчи бу хислати (Ё, Раб) хусусида шундай ғазал мавжуд:

*Зи ҳажр ё Рабу афғонам аз фалак бигузашт,
Туам халос намои аз ин фиғон, Ё Раб.
Расид «ё Раб»и ман шоми ғам ба мажмаи дайр,
Чи бошад ар бути ман бишнавада аз он, ё Раб².*

Шунинг учун шоир ўз Яратувчисига шахсий туйғуларини изҳор қилиш билан бирга олам аҳли манфаати билан боғлиқ ҳар бир мусулмон бандага раҳму шафқат, мустаҳкам иймон,

-Тошкент: Фан, 1988, 442-бет.

¹ Муҳаммад Зоҳид қўтқу ибн Иброҳи Ал-Бурсавий. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди. Иккинчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1999, 170-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002, 93-бет.

«нокасу ножинс авлодига» инсоф сўраш руҳидаги туйғулари баёнида Ҳақнинг «Ё, Раб» зотий исмига мурожаат қилади. Чунки Унинг бу сифати юқорида таъкидлаганимиздек, «оламларни тарбияловчи» деган маънони англатади:

*Ё Раб, ўлғон чоғда жоним жисму вайрондин жудо,
Ул бўлуб мундин, сен бўлмағин андин жудо.
Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.
Жаннат истаб айлаганларни ибодат қилмағил
Кавсару тебию қасру ҳуру ризвондин жудо¹69.*

Бу ғазалда шоир Аллоҳдан мустаҳкам иймон, «элнинг тамуғдин махлас» бўлиши учун дўзахни «кул айлаши»ни, риёкор сохта мусулмонларни эса «кавсару тўбию қасру ҳуру ризвондин жудо» қилишини сўраб, дуо қилади.

*Ё Раб, ул соатки тушкай ҳажр жисму жон аро,
Солғунг ойини фироқ ул ганжу бу вайрон аро.
Эй Навоий, жонни туфроқ айлагил фақр аҳлиға,
Истасанг маншурлуқ ул ҳайли олийшон аро.*

«Наводир уш-шабоб»нинг 5-ғазалидан келтирилган мазкур байтлар орқали ҳам «Ё Раб»нинг қўлланилиши билан боғлиқ юқорида зикр этилган фикрларнинг асосли эканлигини кузатамиз.

Ушбу бетакрор бадий обидаларда Аллоҳ ва инсон муносабатлари чуқур фалсафий мушоҳадалар тарзида тасвирланган. Ҳамд ғазаллар бадиияти жиҳатидан ҳам ғоят гўзал, баркамол асарлар саналади. Мавзунинг муҳимлигини эътиборга олган шоир уларга жо қилинмиш фалсафий ғояларни бадий жиҳатдан юксак тимсоллар воситасида таъсирчан ифодалашга алоҳида диққат қилган. Ҳамд ғазаллардаги бир-биридан ёрқин бадий лавҳалар, муаммо ва муболаға, ташбиҳ ва ташхис, истиора ва талмеҳ, ҳусни таълил ва тажнис каби ранг-баранг шеърий санъатлар, ёқимли вазн ва оҳангдор қофия ҳамда радифлар ана шундан далолат беради.

Ҳамд ғазалларнинг ғоялар олами, бадиияти

Алишер Навоий Ҳаллоқ қудрату салоҳияти, сифату сийратини Қуръони Карим оятлари асосида ифодалаган бўлса, олам гўзаллигини Шарқ фалсафасида кенг ўрин тутган тасаввуф ақидалари, ғоялари заминидан талқин этади. Шунинг учун ҳамд ғазалларда Аллоҳни васф қилиш билан бир қаторда унинг яратувчилик хусусияти улуғланади. Мутафаккир шоирнинг яратиш ва яралиш тўғрисидаги фалсафий қарашлари мазкур ғазалларда юксак бадий талқинини топган. Бу мавзуга дахлдор ғазалларда Аллоҳ мўъжизавий сиймоси марказий ўринда туради. Жамики мавжудотнинг гўзаллигию баркамоллиги Ҳақ жамоли латофатининг инъикоси туфайлидир:

*Ибодатингга янги ой бўлиб ҳам ўлди мусалли,
Сипеҳр атласидин солибон ҳавоға мусалло.
Чу сандин ўлди қуёш панжаси аро олтун,
Сочарға доғи сен эттинг анга карам яди туло.*

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Бадоеъул-васат. -Тошкент: Фан, 1990, 10-бет.

Қуръони Каримнинг «Ҳаж» сураси 18-оятда: «(Эй Муҳаммад), Сиз осмонлардаги ва ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-дарахтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўпдан кўп инсонлар (ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми?»- дейилади¹⁷⁰.

Юқоридаги парчада ҳам Аллоҳ ибодатига ҳам бўлиб, намоз ўқиётган янги Ой тасвири ўз ифодасини топган. Шоир бунда инсонга хос хусусиятни Ойга кўчириб, ташхис санъатининг ажойиб намунасини вужудга келтирган. Ой гўё рукуъга кетган кишидек намоз ўқимоқда, кўк атласи эса унга ҳавода жойнамоз вазифасини ўтамоқда. Ушбу байт шоир тафаккур оламининг ниҳоятда кенглигидан далолат берувчи сўз санъати намунасидир. Навоий янги ой шаклида оҳори тўкилмаган ташбиҳ намунасини яратган. Мумтоз шеърятда кўпинча ҳилол маъшуқанинг камон қошига қиёсланган бўлса, улуғ шоир унга янгича ёндошиш асосида илоҳий китобга таяниб, Тангрининг буюклигини юксак нафосат билан тасвирлашга муваффақ бўлган. Кейинги байтда иштирок этган қуёш тимсоли орқали яна шундай гўзал манзара чизилган. Гўё Сенинг (Аллоҳ назарда тутилмоқда), марҳаматинг туфайли қуёш панжаси олтин бўлди, яъни Сен нур сочиш учун унга узун қўлларни эҳсон қилдинг. Шоир қуёш нурларини узун қўлларга ўхшатиб, уларда мавжуд бўлган олтин рангни Аллоҳнинг инояти эканлигини таъкидлаш билан бундай яратишга фақатгина қудратли, буюк зот қодир эканлигини жонли мисоллар орқали бадиий тасвирлаган:

*Зиҳи мазоҳир аро меҳри оразиндур нур,
Қуёшдин ўйлаки зарроти хайли ичра зуҳур.
Вужудинг айлади кавну макон вужудин фош,
Ҳамул сифатки қуёш қилди заррани машҳур.
Хирад гар аъмо эса гуноҳ зотинг ичра не тонг,
Қуёшни кўрмаса хуффош бордурур маъзур².*

Гўзал кўриниш аро маъшуқанинг қуёшваш юзидан нур тараладики, бу қуёш зарралари ичидаги нурлар гуруҳини англатади. Кўринадики, байтда икки манбанинг мувозий қўлланилиши орқали бадиийлик оширилган. Биринчи бадиий ишорани «меҳри орази»дан нур таратаётган маъшуқа маъносида талқин қилиш мумкин. Унинг юзидан таралаётган нур қуёшдан пайдо бўлаётган заррачалардай сержилодир. Иккинчи байтдаги «Вужудинг айлади кавну макон вужудин фош» мисраси буюк яратувчанлик хусусиятига эга Зот ҳақидадир. «Кавну макон» деганда борлиқ, бутун олам, коинот назарда тутилади. Мисрада Ҳақ таоло вужуди коинот вужудининг ошкор этгани, яъни бунёд қилгани ҳақидаги исломий таълимот ўз инъикосини топган. Навоий илк байтда қўллаган услубини давом эттириб, қуёшнинг худди ўша сифат билан заррани машҳур қилганлигини Ҳақ таолонинг оламини вужудга келтирганига ёндош қўллади. Бу эса Аллоҳни васф этиш билан бирга қуёш сайёраси воситасида коинотнинг яратилиши тўғрисидаги илоҳий-фалсафий қарашни тасаввурга келтириш учун замин ҳозирлайди. Ҳазалнинг дастлабки байтидаги образни назарда тутиб, шоир илоҳий ишқни тараннум этмоқдами ёки мажозий ишқни, шаклида савол қўйиш у қадар мувофиқ эмас. Чунки байтлардаги ботиний маънолар, илк байтда қўлланган маъшуқа жамоли васфига доир ишоралар инсон ва Худо ишқи қоришиқ келаётганлиги ҳақида муайян қўнимга келиш имконини беради. ўринли эътироф этилганидек: «Навоий ишқ номи билан инсонни улуғловчи илоҳий сирларни тадқиқ этади, буюк шоир тасвиридаги ҳақиқий ишқ кечинмалари Инсон ва Худо орасидаги руҳий

¹ Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992. 299-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 99-бет.

яқинлик, бирлик туйғуларини ифодалайди»¹. Ана шу руҳий яқинлик Навоий ғазалларида бадий ифодасини топган Аллоҳга дахлдор лавҳалар заминиде вужудга келган. Шеърин сатрлардаги тафаккур эса бекаму кўст яратилган олам ва унинг Бунёдкори хусусидадир. Шоирнинг борлиққа меҳри баландлиги боис унинг яратувчисига ҳам севгиси чексиздир. Шу сабаб Навоий «Ҳақ субҳона таоло ҳамди ё расул алайҳис-салом наъти» ёки ҳар иккаласи «далолат қилурдек бир амрдин ҳар бир амрда бир лаҳза» муяссар бўлмоқликни саодат деб билади. Шоир кўзлаган мақсадига Аллоҳ мадҳ этилган юқоридаги байтлар воситасида эришган, дейиш мумкин. Чунки учинчи байтдаги Инсон ва Худо орасидаги муносабат тасвири мутафаккир шоирнинг теран мулоҳазалари маҳсулидир. Унда қўлланилган қуёш тимсоли байтда илгари сурилган ғояни шеърхонга аниқ етказиш ва мисралар бадийиятини ошириш нуқтаи назаридан юксак аҳамиятга молик. Навоий: «Агар хирад (билим аҳли), ақлнинг кўзи ожиз бўлса, гуноҳ зотнинг ичиде бўлиши ажабланарлимас, чунки кўршапалак қуёшни кўрмаса ҳам маъзур бордир, яъни кечирарлидир», - дейди. Бунда шоир хирад деганда инсонни назарда тутиб, унинг кўзи ожизлигини Ҳақнинг сир-асрорларидан воқиф эмасликда деб билади ва буни гуноҳ санамайди. Бундай хулосага келишда Алишер Навоий табиий ҳодисаларга тегишли Ҳақ қониятига таянади.

Иккинчи байтда ифодаланган кўршапалак ва қуёшга доир лавҳалар ўшандай майлдан дарак беради. Ҳақиқатдан ҳам, хуффош қуёшни кўришдан маҳрум. Шундай экан, инсон ҳам Ҳақ таолонинг бутун яратиклари ва зотини англашдан аъмодир.

Ҳамд ғазалларда Аллоҳ ва банда муносабатлари ҳам чуқур фалсафий мушоҳадалар тарзида баён қилинган. Шоир ёзишича, Аллоҳ ўз бандасининг ҳар қандай гуноҳини кечира олувчи беқиёс шафқат соҳиби, айна вақтда ҳеч бир инсон Унинг қаҳру ғазабидан эминг бўла олмайди. Бутун умрини майхонада ўтказган гуноҳкор банда ҳам Яратганнинг лутфу марҳаматидан умидвор бўлиши мумкин, аммо бор ҳаётини тақвою ибодатга бахшида айлаган зот бўлсин, Унинг қаҳру ғазабига дуч келиши ҳам қийин эмас:

*Чу баҳре раҳматинг мавж урса пайдо бўлмағай хасча,
Неча журм аҳлидинки, бўлса юз кўху хато пайдо², -*

байтида шундай фикрлар ўз аксини топган. Бинобарин, одамларнинг яхши инсонлар ҳақидаги маломатларию, ёмонлар тўғрисидаги мадҳу санолари Аллоҳ олдида ҳечдир. Адолатли Халлоқ ҳар кимга ўзига муносиб баҳо беради. Шундай экан, ҳар қайси инсон Яратганнинг ҳақиқат қилишига умид қилиб яшаши мумкин. Меҳрибон Аллоҳ бор экан, яхши инсон ҳеч қачон хор бўлмайди, деган муҳим фикр ифодаланади юқоридаги байтлар замирида.

Мазкур байтларда Аллоҳнинг Аш-шоҳид (ҳар нарсани нозиклиги билан кўриб турувчи), Ал-Ғофур (гуноҳкорлардан истаганини зиёдаси билан авф этувчи), Ал-Адлу (чин адолат соҳиби), Ал-Хофиду (қулларидан баъзиларининг даражасини туширувчи), Ар-Рофиу (қулларидан баъзиларини юксалтирувчи), Ал-Музидлу (истаганини ночор ва ҳақир қилувчи) каби исм ва сифатлари улуғланган.

Алишер Навоий турли дунёқарашдаги кишиларни кузатиш, улар феъл атворидаги жиҳатларни умумлаштириш орқали қандай одамларнинг ибодату дуолари Аллоҳга етиб боришини яширин ички бир туйғу билан (яшаш тажрибаси орқали) ҳис қилган ва тасвирлаган. Чунки бу улуғ ижодий дард шоир қалбига болалигидан – «Мантиқ ут-тайр»га

¹ Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеъринг. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 86-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. -Тошкент: Фан, 1990, 9-бет.

ишқи тушганидан бошланган эди.

«Ҳақ–инсон» муносабатларини турлича талқин этиш оқибатида жамиятнинг ҳар хил табақалари ўртасида низолар келиб чиққан. Инсоният тарихидан муълумки, барча буюк даҳоларнинг маслак ва ҳақиқатларини зоҳирбин, калтабин авом тушуна олмаганлиги ёки англашга қодир эмаслигидан тафаккур аҳли бошига кўп кулфат тушган. Шунинг учун Исо алайҳиссалом чормихга тортилган, Будда тошбўрон қилинган. Сукроти ҳакимга заҳар ичирилган. Алишер Навоий ҳам турли мазҳаблар, тариқатнинг турли оқимлари ўртасида ўшандай хурофий курашлар айна кучайган даврда яшаб ижод этди. Табиийки, улар буюк мутафаккир ижодиёти учун изсиз кетмаган, албатта.

Шоир асарларининг кириш ҳамдларида Аллоҳнинг буюк қудратини, Унинг яратиклари мўъжизавий мукамаллиги васф этилган бўлса, ҳамд ғазалларида эса Ҳақ маърифатини турлича талқин этиш жараёнида келиб чиққан низоларнинг бош сабаблари тазод санъати орқали қиёсланади: нафс-руҳ, хонақоҳ-дайр, зоҳид-ошиқ, тақво-ишқ (жунун), мўъмин-махмур, хирад-хайрат (юрак), аҳли тақво-аҳли исён, ҳуру ризвон-васли Ҳақ. Бу қиёслар замирида шоир яшаган даврнинг турли ижтимоий қатламларга хос кишилар руҳияти акс этган ва улар Аллоҳни ўз маърифий даражаларидан келиб чиқиб таърифлаган. Турли оқимлар, тариқатлар ва динларга мансуб кишилар эса Ҳақ зоти денгизининг мавжидир. Уларнинг барчаси эса вақтинчалик ҳолат-ҳодисалар бўлиб, оқибати фанодир. Шунинг учун ҳам ҳаётда содир бўладиган турфа ҳодисалар остидаги туб моҳиятга эътибор бермаган авом Шайх Санъоннинг тарсо қизига ишқи тушишини «куфр» деб билишган. «Бадоеъ-ул-васат»нинг бешинчи ғазалида эса ўша манзарани эслатувчи лавҳалар қуйидагича талқин этилган:

*Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замонким бўлғуси кофир мусулмондин жудо.*

Бу сирнинг маъно-моҳияти фақат Яратганнинг Ўзига аён эди. Моҳият ҳодисалар орқали зуҳурланади. Шайх Санъон эса ҳодисалар (тарсо қизнинг қайтиши, фоний муриднинг дуоси) орқали моҳиятни англайди:

*Ошнолиқ тобқач имондин ниҳон,
Оҳ уруб Шайх олдида тобшурди жон.
Солди дин аҳли аро ғавғо яна,
Чектилар фарёду вовайло яна.
Куфр ила дин ичра фаҳм бўлди сабаб,
Булъажаб иш зоҳир бўлди, булъажаб...
Каъбадин андоқки қилди азми дайр,
Дайрдин ҳам Каъбаға кўргузди сайр.*

Ҳодисаларнинг асл моҳиятини тушунмаслик, худпарастлик оқибатида шариат ва тариқат ўртасида аянчли фожиалар илдиз отган. Шундан бўлса керак, улуғ шоир Аллоҳнинг адолатли ҳукмини мисраларида қуйидагича муҳрлаб қолдирган:

*Лутфунг оллида кириб равзаға аҳли исён,
Қаҳринг ўлғанда тушуб вайлға аҳли тақво¹.*

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 120-бет.

Шоир тазод бадий санъати воситасида Ҳаққа етиш йўллари рағбат ифодалашга интилади. Навоийнинг фикрича, Аллоҳ даргоҳининг сиру асрорини билиб бўлмайди. қаҳру лутфининг сабаби эса фақат унинг ўзигагина аёндыр:

*Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат била Санга,
Андоқки, қурб тақвову тоат била Санга.
Топмоқ ажиб фикру тахайюл била Сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат била Санга.
Чун койинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд айта олмас онча балоғат била Санга¹.*

Ҳатто «койнот зубдаси»–Муҳаммад алайҳиссалом ҳам Унинг даргоҳи сирларидан беҳабар, Унга балоғат билан ҳамд айтишда ўзини ожиз сезади,-дейди улуғ шоир. Шунинг учун Ҳақ маърифати ҳақида айтилган турли фикрларни тафтиш қилмай, Унинг даргоҳига энг мақбул–«ўзунг бирла ниёзу дард элт»; тоату тақво билан жаннатга дохил бўлолмайсан, чунки инсон малоикалардан ўтказиб тақво қилиш имкониятига эга эмас, сенинг «гуфтуғу» нг «покраларнинг шариф анфоси» билан қиёсланганда қуруқ маддоҳлик; неча-неча анбиё-ю авлиёларнинг риёзату ибодати олдида сенинг ибодатинг ҳеч қандай қимматга эга эмас, дея қайта-қайта уқтиради шоир.

*Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.
Жаннат истаб айлаганларни ибодат қилмағил,
Кавсару тўбию қасру ризвондин жудо.
Барчадин айру Навоийға қилиб васлинг насиб,
Қилмағил, Ё раб, ани мундин, мунди ондин жудо².*

Фақат Ҳақ васли учун ўзликдан, дунёнинг моддий ҳирсларидан кечиш Ҳақ муҳаббатига сазовор бўлишнинг асоси эканлигини буюк мутафаккир деярли ҳар бир ҳамд ғазалида таъкидлайди:

*Биров етти Сангаким ўзлуги даштани тай қилди,
Бақо истар киши аввал керак қилса фано пайдо.*

Фано-ўзликни йўқотиб, руҳан илоҳиётга сингишдыр. Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомий орқали расмий равишда нақшбандийлик тариқатига кирганлиги маълум. Нақшбандийликнинг бош шартларидан бири эса фақру фано мақомини эгаллашдыр. Шунинг учун улуғ шоир деярли ҳар бир ҳамд ғазалининг мақтаъсида тилда айтилган ҳамду мадҳни зоҳирий, юзаки эканлигини, у кўнгилда етилиши («Дил ба ёру даст ба кор») кераклигини таъкидлайди:

*Навоий ўлмади тавҳид гуфтуғу била фаҳм,
Магарки айлагасен тилни қатъу жонни фидо³.*

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20-томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 27-бет

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990, 10-бет.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 8-бет.

Юқоридаги ғоя қуйида кўчирадиганимиз мисраларда ҳам мантиқан давом эттирилади. Комил инсонлар кўпайса, жамият ҳам комиллик сари юз буради. Бунинг учун инсондаги «мен»лик барҳам топмоғи лозим.

*Навоий зикри отингдур, умиди улки қутқарсанг,
Ани от истамакдин, балки андинким бўлур оте¹*

Нақшбандийлик тариқатининг муҳим шартларидан бири–зикри хуфия. Масаланинг айна жиҳати жуда муҳим ва бу тариқатнинг ижтимоий моҳиятини юксакка кўтаради. Улуғ шоир ҳамд ғазалларида нақшбандийлик таълимотининг ана ўша теран моҳияти талқинига алоҳида урғу берилади:

*Боқиб сужуд аро қошингға габр, агар мўъмин,
Тилаб қадаҳ аро аксингни маст, агар махмур.
Май ичра аксинг аро софчашға айшу нашот,
Қадаҳда нашғанг ила дурдкашға завқу сурур.
Чу сенсиз ўлди ҳарам ичра порсо, не осиф,
Навоий ўлса сенинг бирла дайр аро не қусур².*

Ринди дурднўш (майнинг қадаҳ остида қолган қуйқаси билан ҳам қаноат қилувчи)–Навоийнинг севимли қаҳрамони. Бунинг эса муҳим асослари бор. Шайх Санъон бошига тушган ишқ офати сиру саноатини, ечимини тўрт юзта тақводор мурид (аслида етук шайхлар) топа олмай, «расвои олам» бўлишдан қўрқиб, «торқошиб» кетганларида, «якжиҳатлиқ бобида мардона с о л и к мурид» - ринди покбознинг сидқу садоқати, қалбан муножотлари мустажобга ўтади. ўша илтижолар Шайх Санъон ва унинг қуршовидаги муридларини (расман, зоҳиран) яна бирлаштиради, Каъбаю хонақоҳга қайта файз киритади: «Девони Фоний» ҳамдларида ҳам айна лавҳаларни кўриш мумкин:

*Зоҳид андар сажда дур аз Ҳақ фитоду риндро,
Даст бурдан сўи соғар жуз бу бисмиллоҳ нест³.*

Шоирнинг нозик ишораларида шариат ва тариқат ўртасидаги буюк курашнинг сулҳи ифодаланган. Аммо Шайх Санъон энди ботинан ринди покбознинг юксак эътиқодига тан берди. Чунки у «ишқни махфий тутиш сири»ни билмай ошкор этиб, дайру Каъба ичра «уят»га қолади:

*Ишқни махфий тутарлар аҳли роз,
Фош этардин кўп қулурлар эҳтироз⁴.*

Нақшбандийликда ишқдан тилда лоф урувчилар тан олинмайди. Шайх Санъон табиатида ҳам ўша аломатлар мавжуд. Шунинг учун ҳам у «дафъ бўлган гумроҳлик» дан (ишқни кўнгилда махфий тутиш камолотнинг асоси эканлигига гувоҳ бўлгач) шариату тариқатда

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 442-бет.

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 1989, 99-бет.

⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. Девони Фоний. –Тошкент: Фан, 2002, 114-бет.

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 104-бет.

муроса қилиб яшаётган солик руҳиятидаги комилликни чуқур ҳис қилади:

*Эй фархунда фарзандим менинг,
Риштаи жонимға пайвандим менинг.
Сидқ аро ҳолингни тағйир этмадинг,
Ёрлиқ бобида тақсир этмадинг.*

Сидқ–бу аҳли дил шиори. Розни (ҳол сирларини) махфий тутиш уни «даҳри бемаъни эл» зоҳирбинларга ошкор этмаслик–бу огоҳликдир. «Девони Фоний»да шоир бу масалага қуйидагича талқин беради:

*Шайх ронад бар забон тавҳиду жонаш беҳабар,
Оре аз маънест Қуръоне, ки нодон карда ҳифз.*

Каъбатуллоҳнинг шайхул-машойихи мартабасига кўтарилган Шайх Санъондай улуғ бир рутба соҳибига ҳам ана шу «огоҳлик» етишмади, шунинг учун унинг ҳоли «хонақоҳда ҳой ила ҳуй, «дайр» ичинда нолаю вой»га сабаб бўлди:

*Сенинг хаёлинг ила хонақоҳда ҳой ила ҳуй,
Сенинг висолинг учун дайр ичинда нолаю вой¹.*

«Солик мурид эса сидку садоқатда собит, яъни «тағйир» эмас, ёрлиқ (амр, фармон, қонун-қоида-ш а р и а т) бобида эса бирор камчиликка, хатога йўл қўймаган, «тақсир» (қусур, камчилик) этмаган, аммо «ишқ жомидин уруб ҳал мин мазид»дир. Шунинг учун унинг дуоסי ижобат бўлди ва ўша ижобат туфайли аҳли шарият ўртасидаги тарқоқликка барҳам берилди, муридларнинг иймони қайтарилди.

*Не қаҳринг ўтидин эмин фақиҳи сойими даҳр,
Не раҳматингдин новмид ринди дурднўш².*

Мазкур байтни шарҳлашда ҳам, албатта, «Лисон ут-тайр» достонидаги ишоралар ёрдамга келади. «Ринди дурднўш» нинг Аллоҳ раҳматидан ноумид эмаслиги сабаблари юқоридаги фикрлардан аёнлашди.

«Фақиҳи сойими даҳр» – Шайх Санъон. Унинг бошига тушган кулфатнинг (Аллоҳ қаҳрига қолиши) сабаби Шайх Санъоннинг устози ғавсул Аъзамга бир пайтлар шаккоклик қилиб, қарғиш олганлигини ринди покбознинг тушида Муҳаммад Пайғамбар изоҳлаб берадилар. Улуғ Навоий Аллоҳнинг пинҳону ниҳон, очикү ошкорлик сифатларини мана шундай кенг тасаввурлар асосида тушуниш, ҳис қилиш зарурлигини уқтиради:

*Санга кўнглумдаги ҳожатни не ҳожат йўқки арз этсам,
Улус кўнглида пинҳонлар эрур чунким санго пайдо.*

Ана шу нуқтада шарият–мусулмонлик, тариқат–руҳий–маънавий камолотга асос эканлигига алоҳида урғу берилади. Руҳий–маънавий камолотгина Аллоҳ сирларидан

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 417-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990, 177-бет.

(илми ғайб) огоҳ бўлишга асос бўлади. Тариқатнинг асоси эса риёзат–руҳий маънавий покланишдир.

Шоирнинг фикрича, комил инсон бўлиш иштиёқи мўъминда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Унда Ҳақни шарият асосида эмас, балки бевосита таниш иштиёқи туғилади.

*Бу ёруғлик шавқ ўтин тез айлағай,
Ким талаб раҳшин сабукхез айлағай.*

«Лисон ут-тайр»да тасвирланишича, бу «ёруғлик» Ҳақдан нишона, хабардир. Худди шу муддаони шоир «Фавойид ул-кибар»нинг иккинчи ғазалида муаммо санъати асосида гўзал тасвирини беради:

*Ломеки, васл аёғиға топмишдур иттисол,
Ул ломдурки, ўртаға олмиш ани бало.*

Ломеъ–нур, ёруғлик. Толибдан ўз тилагига алоқадор бўлган барча нарсалардан воз кечиш, фақат шу мақсад сари интилиш талаб этилади. Бунда у ҳеч нарсадан қайтмаслиги, ҳеч қандай хавфу хатардан ҳайиқмаслиги шарт ва зарурдир. Бу хусусда улуғ мутафаккир бошқа бир ҳамд ғазалида шундай дейди:

*Бу маркабу бу сафар кимсага муяссар эмас,
Ки ҳосил айламағай олам аҳлидин тафрид.
Бу ҳам киши ўзини бору йўқдин эткай фард,
Эмастур ўзлукидин мумкин ўлмайин таъйид¹.*

Талаб мақомининг муҳим шартларидан бири солиқнинг Ҳақдан маълум хабар олиши ва унинг шавқини кўнглига жо қилинишидир.

Мана шу нишона–«ломеъ» (нур). Толиб шу нур ишқида Илоҳ васлига талпинади, васл «оёғига» осилади. Ҳарф санъатига таянган улуғ шоир «васл» сўзидаги «лом»га урғу бериш билан бош муддаосини ёрқин кўрсатишга эришади. Лом ҳарфи илм учун, яъни камол мартабасидаги илм учун татбиқ қилинади. Демак, солиқда илоҳий муҳаббат ва ботиний илм бўлса, у ваҳдатга эришиши мумкинки, бунинг сири «Ло» бирикмасида мужассам. У (лом) ни эса «бало» ўртага олган. Ана шу тариқа санъаткорона яратилган сатрларда теран илоҳий-ирфоний ғоялар акс эта боради.

Бало – илоҳий имтиҳон. Толиб эса нафс ва руҳ кураши ичида яшайди, у «бало» синовидан ўтиши керак. Руҳоният ғолиблиги Ҳақ васлига етишнинг асосидир.

Ҳамд ғазаллардаги дайр, майкада, буткада, муғ, бутхона, харобот, вайрона каби сўзлар ботиний поклик масканлари сифатида намоён бўлса, зоҳид, шайх, тақвою тоат каби исломий тушунчалар ғафлат рамзлари ёки Ҳақни таниш бобида улар «аҳли исён»дан анча руҳий-маънавий жиҳатдан орқада қолган зоҳирбин авом сифатида тасвирланади.

“Ғаройиб ус-сиғар”нинг 364, “Наводир уш-шабоб”нинг 3, 5, 114, “Бадоеъ ул-васат”нинг 1, 3, 4, 5 – ғазаллари худди шу мазмунда битилган ҳамдлардир.

Шоирнинг кўпгина ҳамд ғазллари орифона руҳда ёзилган. Ориф фақат ўзи танлаган йўлни ёки маъқуллаган фикрни тўғри деб, умумий йўлни ўз хусусий йўли билан чеклаб

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20-томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. 1990, 114-бет.

қўйганлардан анча баланд туради. У ҳодисалар остидаги моҳиятни умумлаштириб, тўғри баҳолай олади:

*Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдур десанг,
Мосиваллоҳни фано кўрган кунин мийъод бил.
Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил¹.*

Ориф тилидан ёзилган ғазалларда борлиқ, унинг фоний моҳияти, Ҳақни таниш масалалари очиб берилади.

Баъзи ҳамд ғазаллар марказида Ҳақдан ўзга ҳеч нарсага қизиқмайдиган, фақат Ҳақ билан бирга бўлиш умиди билан яшаётган ғ а н и й туради. Ярим девоналик, ярим мажнунлик (жунун, мажзублик) ғаний ҳолатининг ўзига хос сифатларидир:

*Эй, кўнгул ичра васлинг учун ком таманно,
Мени лабташнайн махмурға бер жом таманно².*

Ўаний ўз дарди, ўз мақсади билан биргадир, чунки унда ўз мақсадидан бошқа ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайди, “гармрўларға ҳамқадам ўлмоққа ҳадди йўқ». Дарҳақиқат, муайян мақомга кўтарилган солиқни ҳеч қандай ташвиш-тараддуд безовта қилолмайди.

*Онда тенг кўр гумраҳу огоҳни,
Дайр қўйи бирла байтуллоҳни³.*

Бу ҳолатда ғ а н и й нинг таянч мақсади нафсонияти, ўзлиги билан бирлашган, улар гўё бир-бирига сингиб кетган. “Фавойид ул-кибар”нинг 5-ғазалигина худди шу кайфиятда ёзилган ҳамддир.

Илоҳий эҳтиёжгина ошиқни иккилик ўртадан кўтарилган ваҳдат мақомига эриштиради. Худди шу мазмун «Фавойид ул-кибар»нинг охириги ҳамд ғазалида қуйидагича ифодаланган:

*Чу солиқ айлар эса азм водийи тавҳид,
Керакки, минса бу сайр ичра маркаби тажрид.
Бу маркабу бу сафар кимсага муяссар эмас,
Ки ҳосил айламагай олам аҳлидин тафрид.*

Тавҳид йўлида солиқдан тафриду тажрид бўлиш талаб қилинади. Чунки иккилик бу йўлда ортиқчалик қилади ва бирлик сирларини билишдан четга чиқишни англатади. Тавҳид–солиқ ва Ҳақ ўртасида тафовутнинг йўқолиши, уларнинг бирлашиши, солиқнинг Ҳақ тажаллийсини ўзида кўра олишидир.

Бу ғазалда бошқа ҳамд ғазалларда учрамайдиган янги қаҳрамон–муғ образи берилган:

*Чу дўст лутфиға бу барча бўлди вобаста,
Недин керак кишига васл нақдидин тардид.*

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Ҳазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. –Тошкент: Фан, 1988, 364-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990, 5-бет.

³ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 203-бет.

*Кетур қадаҳки, даме ўзни хуш тутай, эй муғ,
Тўла қуярға эмас ҳожат айламак таъкид¹.*

Улуғ шоирнинг таъкидича, Ҳақ васлига етишга ишонмаслик бу иймонсизликдир. Муаллиф тасвиридаги қаҳрамон ўзини васл боғида ҳис қилади ва муғдан қадаҳ (май) сўрайди.

Муғ мазкур ғазалда Жаброил алайҳиссалом тимсоли сифатида келган. Чунки у – Аллоҳ амрлари сиру синоатидан, илми ғайбдан дарак берувчи, воситачи, ваҳий келтирувчи фаришта. Ғазалдаги «вобаста» «тардид», «васл нақди» каби сўзлар унинг Жаброил алайҳиссаломга тегишли эканлигини асослайди. Айтганларимизни «Девони Фоний»да келган ҳамднинг қуйидаги сатрлари тўлдиради:

*Тойири қудс, ки бар арш нишеман дорад,
Пайки пайғом диҳи ҳазрати дарвешон аст².*

Маърифатдан кейинги босқичларнинг барчаси ҳаётдан узилиб, «девона»лик билан яқинлашиб бораверади. Шунинг учун ғазалнинг мақтаси ҳам ғайри табиий яқунланади:

*Навоий истамас ўзни даме бу дайрда соғ,
Ҳамиша кайфиятига анинг беринг таждид.*

«Таждид»–янгилашиш, янгидан пайдо бўлиш. ўз-ўзидан аёнки, руҳий тараққиёт йўлидаги солиқ яна илгарилашни хоҳлайди. Ҳамиша дард билан ҳамдамлик, ишқ изтироблари ошиқнинг руҳий ҳолатига қувват беради, унга янада янги-янги кайфият бағишлайди.

Алишер Навоий Ҳақнинг сирини “ақлу фаросат била” англаб бўлмаслигини, “ҳар неча ақл тафаккур” қилганда ҳам Ҳақ зотини “ташбеҳ этгали” ҳайронликдан “ғайри самар”дан ўзга бир ҳолатга эриша олмаслигини деярли ҳар бир ҳамд ғазалида таъкидлайди:

*Ангаки, бўлди жунун ишқ ичинда ёғдурдинг,
Хирад қушини учурмоққа тифллардин тош³.*

Шоир Аллоҳнинг «камоли қудрати» ҳайратидан ақл «исбаъни мисвок» қилмоқдан нарига ўта олмаслиги ва «хуффош–аъмо хирад» нинг «кунҳи зот»ни кўра олмаслиги «маъзур», деб хулоса чиқаради. «Девони Фоний»даги қатор ҳамдларда ҳам («ақл фалак сирларини билишдан ожиз») «ақл пири ишқ асрори олдида мактаб боласи» («пири ақл аст бари ишқ чу тифли мактаб») дея тасвирланади. Муҳими, бундай маъно ташувчи ғазаллар «Девони Фоний»да яна талайгина кўзга ташланади.

Улуғ шоирнинг бадий-маърифий ғазалларида ҳам бу масалага кенг ўрин ажратилган.

Таъкидлаш жоизки, фақру фано бу тасаввуфда бош мақсад бўлганлиги сабабли деярли ҳар бир ҳамд ғазалда бунга ишора қилинади.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990, 114-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002, 146-бет.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. -Тошкент: Фан, 1988, 242-бет.

*Ўлса деб эрдинг Навоий, тиргузай васлим била,
Билтур ўлганлар била ани баробар бўлди тут¹.*

Навоий «билтур ўлганлар» қаторида ўзини санайди. Шоир бунда нафс, тан эҳтиёжлари хавфидан қутулганлигига «Муту қабла анта муту»нинг ҳаётий исботига ишора қилган.

Солиқтурли нақшлар, шакллар, мавжлар, ҳодисалар – ўн саккиз минг олам ичида нимаики ажойибот бўлса, улар шакл жиҳатидангина мавжуд бўлиб, зоҳирда кўринувчанлик, рангоранг товланишларга ва коинотдаги барча нарсалар ичида энг улуғи, мукаммали И н с о н эканлигини англайди:

*Эй, жамолинг жилваси миръот инсу жон аро,
Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро.*

Фақир барча нарса фоний, фақат Аллоҳ боқийлигини, яъни «қудрат соҳиби бўлган султонлар, олимлар, диний қоидаларни ўзгартириб, янги мазҳаблар тузувчи кишилар ҳам, халқ орасида етук саналган валилар, пайғамбарлар ҳам Ҳақ зоти денгизининг мавжи эканлигини англаб етади:

*Кавнайн адам бўлса, вужудингга не тағйир,
Гар мавж сукун топса, тенгизга не тағайюр².*

Денгиз-мавж тизими асосида мантиқ-маъно умумлаштирилган.

*Дам–бадам бу нақшлар топиб фано,
Фош ўлур минг мавжи гуногун яно.
Яхши боқсанг: мавжда йўқтур вужуд,
Баҳрдин ўзга эрур бори набуд³.*

Мазкур руҳдаги ҳамд ғазалларда талмеҳ ва л и т о т а (кичрайтириш) санъати етакчилик қилади. Чунки Аллоҳнинг қудрату азимати олдида мулки борлиқдаги барча мўъжизалар забун, қави, ожиздир:

*Жинси башар йўқ огаҳинг, хуршид хоки даргаҳинг,
Кўк маҳд аро тифли раҳинг етти атоу тўрт ано⁴.*

Ҳатто улуғларнинг улуғи сифатида эҳтирому эътиборга лойиқ кўрилган етти ато–Ҳазрат Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Довуд, Исо, Муҳаммад Мустафолар ва тўрт ано–Момо Ҳаво, Биби Осиё, Биби Марям, Хадичаи Кубролар ҳам ўша Буюк қудрат олдида нотавондирлар. Мазкур ғазал Ҳақ зоти тўғрисида фикрлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги Имом Ғаззолий таълимотининг маърифий-бадий талқинидир. Улуғ шоир Ҳақ зотини суриштириш мумкин эмаслигини, Уни билиб бўлмаслигини таъкидлар экан, «Аллоҳнинг зоти ҳақида гапирмоқчи бўлсалар, етти отамизу тўрт онамиз ҳам бешикдаги гўдакка ўхшаб қоладилар», - дея рамзий ифода қилади.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990, 69-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 132-бет.

³ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 220-бет.

⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990, 7-бет.

Барча нақшлар, мавжлар Ҳақдан ажралган ва Ҳаққи Мутлақнинг бўлакларидир. Аммо уларни Ҳаққа ташбиҳ этиб бўлмайди. «Лисон ут-тайр»да ҳам худди шу ғоя илгари сурилади. «Бадоеъ ул-васат» нинг учинчи ғазалида «Лисон ут-тайр» даги воқеалар айрим ихчам лавҳалар шаклида талқин этилган:

*Гулшани васлингга ҳар қушки ҳаво кўргузди,
Етмади лек агар етти қилиб эрди ҳаво.
Зотинга ғайрни кимса нечук этгай ташбиҳ,
Мосиваллоҳ чу саво келдию ул зот сиво¹.*

қушлар етти водий (руҳий-маънавий риёзат босқичлари) дан ўтган бўлса-да, барибир Ҳаққа ета олмайди. Чунки Аллоҳ яратган нарсалар Аллоҳнинг ўзи бўла олмайди. Аллоҳ яратиклари ҳар қанча мўъжизаларга бой, мукаммал бўлса-да, барибир фоний, ўткинчи, фақат Ҳақгина боқийдир. Фонийни Боқийга ўхшатиш эса мантиққа зид. Чунки ақоиди исломияга кўра, Аллоҳнинг қудрати олдида ҳамма нарсалар, ҳатто пайғамбарлар ҳам ожизу нотавон.

Инсон Ҳақ маърифатини тобора чуқурроқ англагани сайин, Аллоҳнинг исм ва сифатларининг чек-чегараси йўқлигини, уларни ҳеч қачон тўла-тўқис билиб бўлмаслигини, англаш жараёни ниҳоясизлигини тушуниб етади.

Солик ўз руҳий-маънавий тараққиёти доирасида Ҳақни уқади. Руҳий-маънавий тараққиёт қанча юксалса, Ҳақни уқиш, англаш жараёни шунча тез чуқурлашади.

Алишер Навоий Аллоҳнинг исм ва сифатлари чексизлигига қанчалик ишонса, инсоннинг Аллоҳни таниш йўлидаги имкониятларига ҳам худди шундай сатҳи кенг чексиз руҳий хурлик сифатида қарайди, яъни «Аллоҳни билиб бўлмайди» деган ақидани шаръий аҳком орқали эмас, руҳий-маънавий риёзат орқали англаб етиш усулини энг тўғри йўл деб билади.

*Навоий қайси тил бирла Сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тукан жаннат гулин васф қилурда гунг эрур гўё.*

Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ҳар бир ғазалида тилда айтилган «ҳамду сано»ни, юзаки тоат-ибодатни, сохта мусулмонликни қоралайди. Шоир шариятдаги расмий интизомни ҳурмат қилгани ҳолда, жамиятда мана шу қонун-қоидалар – ҳукмлар ижроси сидқидил иймон, садоқат, руҳий-маънавий англаш асосида амалга оширилишининг тарафдоридир:

*Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо².*

Шоир «**Ситтаи зарурия**» таркибидаги тўртинчи қасида – «**Қут ул-қулуб**»да бу хусусда кенг тўхталиб, сидқидил иймон, тақво, намоз каби шаръий ҳукмларни руҳий камолотнинг дастлабки босқич шартлари сифатида эътироф этади.

«Лисон ут-тайр» достонида солиқнинг сидқу садоқати орқали шаръий муридлар ўртасида тарқоқликнинг барҳам топиши, Шайх Санъоннинг Каъбага қайтиши, тарсо қизнинг (Каъбада) «дину имон аҳли ғўристони»да дафн этилиши каби воқеалар воситасида комил жамият учун руҳий-маънавий илдишлари бақувват расмий қонун-қоидалар зарурлигига

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. -Тошкент: Фан, 1990, 7-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988, 23-бет.

ишора қилинади. «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 364-(ҳамд) ғазали айни ана ўша фикрларнинг маърифий талқинига бағишланган:

*Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади илҳод бил.*

Алишер Навоийнинг комиллик тариқига бўлган муносабати ана шу нуқтада аён бўлади. Чунки «Мантиқ ут-тайр» билан айни шу воқеалар тасвирида фарқлар яққол кўзга ташланади. Фаридуддин Атторда Шайх Санъон Каъбага етиб келмай, тарсо қизнинг мусулмон бўлганини эшитиб, йўлдан қайтади ва иккаласи ҳам (тарсо қиз-тонгда, Шайх Санъон-тушда) ишқ йўлида (дашту-сахрода) вафот этади, улар дафн этилган жой «дил аҳли зиёратгоҳи бўлди», дейилади. Дарҳақиқат, «Мантиқ ут-тайр»да Шайхнинг сидқу садоқати ва ишқ йўли улуғланган¹.

Алишер Навоийнинг маърифий-бадий ҳамдлари руҳий-маънавий риёзат босқичлари Ҳақни таниш усулининг асоси эканлигини бадий ифодалашга ҳам қаратилган. Ҳамд ғазалларда ҳар бир маънавий-камолот босқичида солиқнинг Ҳақ сифатларини тобора кўпроқ ва чуқурроқ англаб бориши, Илоҳ маърифатини айнан қайси нуқтагача илғаши яққол тасвирланган.

Солиқ ва Ҳақ орасидаги муносабатларни босқичма-босқич тасвирлаб бориш, ҳар босқич (Ҳақ маърифатини англаш жараёни)да сулуқ аҳлининг руҳий-маънавий жиҳатдан юксалиб, Ҳаққа яқинлашиб бориши ва худди шу жараёнда Ҳақнинг унга муносабатини маърифий асослаш, гавдалантириш Алишер Навоий ҳамд ғазаллари мавзу ва ғоялар оламининг мундарижасидир.

Камолотга риёзат йўли орқали борилади. Руҳий-маънавий камолот босқичидан ўтиш жараёнида жисмнинг имкониятлари қисқариб, руҳнинг юксалиши учун тўсиқ-ўзлик (жисм, нафс), «менликдан нишон» маҳв бўлади. Натижада инсон Илоҳ ва Ҳаётнинг, яъни ўзининг асл моҳиятини англайди. Бу эса комиллик мезонидир. Худди шундай холис дунёқараш жамият ва одамларда устувор бўлса, худпарастлик, зуҳдфурушлик, ноҳақ қон тўкиш, турли қарама-қарши гуруҳлар, мазҳаблар ўртасидаги келишмовчилик ўз-ўзидан йўқолади.

Шунинг учун улуғ Навоий ҳамд ғазалларининг қаҳрамонлари оддий мўъминлик даражаси билан чекланиб қолмай, Ҳақ сиру синоатига етишишга бел боғлаган к о м и л

и н с о н бўлиш иштиёқида «ўзни мақсуд манзилига бошлаган» т о л и б, Ҳақнинг улуғ қудрати олдида ўзини хору хас каби ҳис қилиб, «иксири аъзам»-ишқ оловида покланган о ш и қ, илми илоҳийда барчадан билимдон ориф, фақр, Ҳақдан ўзга нарсага қизиқмайдиган мажзублик ҳолатидаги ғ а н и й дир. Шариат ҳукмларидан, Қуръони Карим ва Ҳадиси шариф асосида Аллоҳ ва унинг чексиз сифатларидан хабардорлик, ўзининг моҳиятан шу қудрат соҳиби билан бирлигини пайқаш натижасида оддий ҳукмлар ижрочиси бўлиш билан қаноатланмай, ички руҳий ҳурликка, илми ғайбга эҳтиёж сезган с о л и к Алишер Навоий ҳамд ғазалларининг умумий қаҳрамонидир.

Айни мулоҳазаларнинг ўзиёқ айрим хулосаларга келиш имконини беради:

1.Девонда маърифий-бадий ҳамд ғазалларни ҳар ҳарф туркумига кўра биринчи жойлаштириш Шарқ мумтоз адабиётида Алишер Навоий номи билан боғлиқ анъанадир.

2.Шоир асарларининг кириш ҳамдларида Аллоҳнинг буюк қудрати, Унинг яратиклари мўъжизавий мукамаллиги васф этилган бўлса, ҳамд ғазалларида эса Ҳақ маърифатини турлича талқин этиш жараёнида келиб чиққан низоларнинг бош сабаблари тазод санъати орқали ифодаланган.

¹ Аттор Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. - Тошкент, 1900, 26 июнь, 45-бет.

3.Алишер Навоий ҳамд ғазалларининг умумий қаҳрамони солиқдир.

4.Солиқ ва Ҳақ орасидаги муносабатларни босқичма-босқич тасвирлаб бериш, ҳар босқичда (Ҳақ маърифатини англаш жараёнида) сулуқаҳлининг руҳий-маънавий жиҳатдан юксалиб, Ҳаққа яқинлашиб бориши ва худди шу жараёнда Ҳақнинг унга муносабатини маърифий асослаш Алишер Навоий ҳамд ғазаллари мавзу ва ғоялар оламининг мундарижасидир.

5.Алишер Навоий ҳар бир ҳамд ғазалида Зотга, сифатга, қуйи даражадаги махлуқотга хос сифатларни, яратиларда қай даражада асмой хуснанинг тажаллий этганлигини ишончли асослар орқали тасвирлайди.

6.Закий шоир зотий исми қолган қисмлардан алоҳида ажратади, шунинг учун зотий исм Илоҳ, Раб, Худо шаклида ҳамд ғазалларнинг фақат матлаъ ёки мақтаъида лирик қаҳрамон муножоти, ёлвориши ҳолатида ифодаланади.

Ҳазрат Навоий ҳамд ғазалларида Ҳақнинг субутий сифатларига барча мақомдаги шеърларида баъзан қайта-қайта (турли мақсадларда) мурожаат қилади.

ШАРҚ ҚАСИДАЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ВА «СИТТАИ ЗАРУРИЯ»

«Рух ул-қудс»нинг жанрий хусусиятлари ва бадиияти

Маълумки, қасида шарқ мумтоз поэзиясида асосий ўринни эгаллайди. қасида дастлаб араб адабиётида вужудга келган ва ўз ривожланиш босқичида турли мактабларга, мазмунга эга бўлган. Мусулмон минтақа адабиётида Рўдакий, Носир Хусрав, Масъуд Саъд Салмон., Мужириддин Байлақоний, Абу Низом Фалакий Шервоний, Собир Термизий, Дақиқий, Носир Хусрав, Анварий, Хоқоний, Санойи, Туфайлий, Унсурий, Фарруҳий, Шайх Саъдий, Амир Хусрав, Деҳлавий, Саккокий, Лутфий, Сайфи Саройи, Гадоий кабилар қасида жанрларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Бу жанрнинг пайдо бўлиши, такомиллашуви, ғоявий-бадиий хусусиятлари, формал поэтик томонлари ҳақида бир қанча олимларнинг мақола ва тадқиқотлари мавжуд.¹

Қасида ва қасиданавислар ҳақидаги маълумотларни атрофлича мушоҳада қилиш қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келиш имконини беради. Бизнингча, қасидачиликни фақатгина мадҳиябозликдан иборат дейиш масалага бир ёқлама қарашдай кўринади. Негаки, қасида муаллифнинг оддийгина ҳаяжони, ички кечинмалари, ҳис-туйғуси ифодаланган шеър бўлибгина қолмай, балки унда муайян истеъдод соҳиби, улкан алломанинг зиддиятлардан холи бўлмаган тафаккури, дунёқараши, ҳаёт, инсон, яшашдан мақсад сингари кўламдор мавзулар атрофидаги мулоҳаза муносабати, фалсафий-илоҳий, ирфоний, ахлоқий, маънавий-таълимий қарашлари у ёки бу даражада акс этади Масалага янгидан ёндашган ҳар бир тадқиқотчининг юқорида келтирганимиз таснифотга ўз таҳририни киритиши муқаррар.

Бизнингча, қасидаларни мавзусига кўра қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Мадҳ мазмунидаги қасидалар қуйидагилар: мадҳия (улуғ кишилар ёки уларнинг ишларини мадҳ қилувчи бағишловлар), фахрия (шоирнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнидан фахрланиб, ўзини мадҳ этиши), ҳамд (диний-фалсафий мушоҳада йўналишидаги илоҳиёт мадҳи), наът (Муҳаммад пайғамбарга бағишланган диний мазмундаги анъанавий мадҳиялар).

2. Муножот (Аллоҳ ва пайғамбарга бағишлаб ёзилган диний мазмундаги илтижо оҳангидаги қасидалар).

3. Фалсафий қасидалар (сиёсий-ижтимоий ва фалсафий-тарбиявий йўналишдаги сўфиёна мазмунга эга бўлган қасидалар).

4. Тавсифий қасидалар мазмунига кўра қуйидагича турларга бўлинади: баҳория (баҳор мавсуми, табиат манзарасининг тавсифи); ҳолия (шоир ўз аҳволининг баёни), ишқия (муҳаббат мазмунида), хамрия (май ҳақида).

5. Марсия (бирор шахснинг вафоти муносабати билан ёзилган мотам мазмунидаги қасидалар).

¹ Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992, 155-бет. Анисий А. Шарқ адабиётида қасида жанри ва Бадри Чочий // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 4-сон, 22-27-бетлар.

Бахоуддинов А.М. Очерк истории таджикской философии. Сталинабад, 1961, 193-стр.

Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. – Москва: ИВЛ, 1960, 38-стр.

қошғарий Маҳмуд. Девону луғотит-турк. Уч томлик. III том. – Тошкент: ЎзР ФА, 1963, 214-бет.

Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Том II. – Москва: Наука, 1958. 232-стр.

Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёс ул-луғат. Жилди 2. – Душанбе: Адиб, 1988, 136-саҳ.

Муминов И. Философские взгляды Мирзи Бедия. – Ташкент, 1957, 12-стр.

6. Маснуъ қасидалар (Е.Э.Бертельснинг таснифига кўра “искусские” – “санъатланган” қасидалар)¹.

7. Ҳажвия (танқидий мазмундаги қасидалар).

Қасидага хос бўлган анъанавий унсурларга ҳар бир сўз санъаткорининг ижодий ёндашгани, унга ўзича сайқал бергани шак-шубҳадан холидир. Мазкур фикр “Ситтаи зарурия” ва унинг муаллифига ҳам тегишлидир. Алишер Навоийнинг шеърий асарлари улуғ шоирнинг ўз эътирофига кўра, чинакам маънолар хазинасидир. Шоир дурдоналарида мажозий ва илоҳий ишқ, фалсафий ва ижтимоий мазмун, мадҳ ва ўзини Аллоҳнинг мислсиз қудрати олдида фақр, нотавон деб билиш каби хилма-хил жилолар доимо қоришиқ ҳолда келади. Шунинг учун шоир асарларига ҳеч қачон бир томонлама қарамаслигимиз, уларни бир нуқтада туриб баҳоламаслигимиз жоиз.

“Ситтаи зарурия” таркибидаги ҳар бир шеър мустақил, айни пайтда яхлит маъно занжирига эга қасидалар туркумидир. “Ситтаи зарурия”да мусулмон минтақа халқлари адабиётида шаклланган қасидачилик анъанасининг барча талаблари ўзининг ижодий тажассумини топган. Шунинг назарда тутиб, туркум таркибидаги ҳар бир қасида алоҳида-алоҳида илмий тадқиқот манбаи сифатида ўрганилмоқда.

«Қасидаи «Рух ул-қудси» тавҳиди Бори таоло» асарида илоҳий тавҳид моҳияти тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд таълимоти асосида талқин этилган. Ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам буни «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида қайд этган: «Бу олти қасида ҳамд ва наът ва сано мавъизатдур ва аҳли тасаввуф ва ҳақиқат тили била маърифат»².

“Рух ул-қудс” – “Ситтаи зарурия” туркумидаги биринчи қасида бўлиб, 132 байтдан иборат. қасиданинг тўлиқ номи “қасидаи “Рух ул-қудс”и тавҳиди Бори таоло” (“Бори таоло тавҳиди ҳақида “Рух ул-қудс” қасидаси”)дир ва Аллоҳ таоло тавҳидининг маърифий- бадий тасвирига бағишланган. Бунда Навоийнинг олам ва одам ҳақидаги тушунчалари муайян бир тизим асосида ифодаланган.

Алишер Навоий қасидалар туркуми таркибидаги ҳар бир қасида ҳақида ихчам, аниқ маълумот бериб, «Рух ул-қудс»ни шундай таърифлайди: «Яна «Рух ул-қудс» қасидасини баланд овоза қилибменки, қудсийлар руҳин андин тоза қилибмен ва матлаи бу дурурким, байт:

*Зиҳй ба хомаи қудрат мусаввири ашъё,
Ҳазор нақши ажаб ҳар замон аз ў пайдо» .*

Бу дунё уста наққоши бўлган Аллоҳ қалами остида пайдо бўлган ажойиб манзара каби ифодаланар экан, ўзига хос шеърий иборада шоир моддий оламни муҳаббат манбаига айлантиришга ҳаракат қилади. Бу тасвир бир-бирига ўхшамайдиган минг хил ранг билан товланиб туради. Зукко муаллиф ана шундай ранг (нақш)ларнинг бири инсон, табиат, фазо, осмон тузилиши эканлигини қасиданинг асосий қисмида очиб, такомиллаштириб боради. Бу нақшлар касрат олами-Ваҳдат оламининг беҳисоб суратларидир.

Қасиданинг тузилишини шартли равишда қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1-9-байтлар – қасиданинг насиб қисми;

10-116-байтлар–қасиданинг мадҳ қисми;

Мазкур қисмнинг ўзини яна бўлакчаларга бўлиб ўрганиш мумкин.

116-132-байтлар–матлабни ўз ичига олувчи хулоса қисми.

¹ Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. – Москва: ИВЛ, 1960, 38-стр.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. – Тошкент: Фан, 2000, 31-бет.

Қасиданинг насиб қисмида Илоҳий қудратга умумий таъриф берилиб, заррадан коинотгача жами олам ишлари муайян қонуният асосида Мутлақ Рух томонидан бошқарилиши мадҳ этилган. Қасиданинг бу қисмидаги тантанали мадҳ, юксак даражадаги кўтаринкилик, оҳангдаги товушларнинг қайтариғи шоирнинг ифодаламакчи бўлган фикрини янада кучайтиради, шеър сатрларининг ўткирлик ва таъсирчанлигини оширади. Масалан: “бе рақами ў”, “бе сабаби ў” каби дастлабки оҳангдош товушларнинг тез-тез қайтарилиб туриши илоҳий ишқ дарди ҳолати ва ҳис-туйғуларининг туғёини орттиради ва хитобга айланиб кетади. Илоҳ ва унинг қудратини тасвирлаш учун шоир талай бадий санъатларга, биринчи галда муболаға ва ташбеҳ кўринишларига тез-тез мурожаат қилади.

*Чи хомаест, ки дар коргоҳи “кунфая кун”,
Нагашта бе рақами ў зи қатра то даръё.
Чи қудратест, ки дар боргоҳи чархи баланд,
Нагашта бе сабаби ў зи зарра то байзо.*

Ажаб қаламдирки, бутун борлиқ дўконида қатрадан дарёгача Унинг ҳукми билан пайдо бўлгандир. Ажаб қудратдирки, юксак чарх қасрида қуёшдан энг кичик заррагача ўша мўъжиза туфайли пайдо бўлгандир. Равшан, мулки борлиқнинг бунёдкори ва бошқарувчиси Мутлақ Рухдир.

Бу албатта, Навоий табиатига хос бўлган жўшқинлик, ҳассослик хусусиятига жуда мос тушади. Бундай ҳайрат-ҳаяжон ҳолати фақат тўққиз байтли насиб қисмидан нарига ўтмайди ва улуғ шоир қасидачиликка умумий талабларига бўйсуниб интилади. қасиданинг кейинги қисми эса ҳиссиётли тасвирга беҳад эрк беришни кўтармайди. Улуғ Навоий ижодиётига хос бетакрор хусусиятлар худди ана шу ўринда ҳам яққол кўринади. Кўпгина мутасаввифлар Ҳақ ва Инсон муносабатини ёритиш жараёнида Инсон (махлуқ)ни Холиқ даражасида мадҳ этиб, ҳатто “Инсон–Ҳақ” деган хулосани жўшқин ҳиссиёт оғушида айтганлиги учун даҳшатли фожиаларга дучор бўлишган. Алишер Навоий эса инсоннинг яратилиши ҳақидаги қисмда (асосий) тафаккур чиғириғи орқали аста-секинлик билан Қуръоний оятларга таяниб, ҳаётини кузатишлари жараёнидаги Инсон ҳилқатини улуғлаш билан боғлиқ ҳиссиётларини сингдириб юборади.

Қасиданинг асосий қисмида Навоийнинг дунёқараши маълум бир фалсафий тизим сифатида аксини топади. Шеърнинг сатрлари асосий қисми аввалги (кириш) билан чамбарчас боғлангандир. Киришда ихчам хулоса сифатида берилган фикр бу қисмда кенгайтирилади.

«Рух ул-қудс»нинг асосий қисмини яна қуйидаги бўлакчаларга бўлиб ўрганиш мумкин.

10-25-байтлар – Олам, Одам ва унинг яратилиши, мўъжизавий мукамаллиги ҳақида;

26-76-байтлар – тўрт фасл таърифи;

77-93-байтлар – тўққиз фалак, собиту сайёралар хусусида;

94-106-байтлар – ўн икки бурж таърифи;

107-108-байтлар – Арш, Курси, малоикалар ҳақида;

109-116-байтлар – Меърож воқеаси талқини.

10-25-байтларда Одамнинг яратилиши ва инсон ҳилқати ҳақида сўз боради. Инсон баданининг тузилиши, унинг ички ва ташқи аъзолари вазифаси, мўъжизавий мукамаллиги, ҳар бир аъзо–асаб, қон айланиши, юрак, ҳиссий аъзоларнинг барчаси Аллоҳ қудрати мўъжизаси сифатида тараннум этилади. Инсоннинг энг улуғ зот қилиб яратилгани, танасининг таркиби, оламнинг тўрт фаслдан (баҳор, ёз, куз, қиш) иборатлиги, бу фаслларнинг олтин занжир каби бир-бирига уланиб кетавериши жуда жонли бадий

лавҳаларда ифодаланган. Булардан кейин тўққиз қават осмон, ўн икки бурж, етти сайёра ва улар ҳақидаги қадимий тасаввурлар хусусида фикр баён этилади. «Алишер Навоий инсонни ҳам алоҳида оламга ажратиб» унинг тузилишини бирма-бир тасвирлайди. қирқ бешдан ортиқ байтда одам жисми (тўрт унсур, тўрт хилт) ва олам тузилиши (тўрт фасл) орасидаги яқинлик, инсоннинг яратилиши, ички ва ташқи аъзолари вазифаси ва мўъжизавий мукамаллиги, уни олий мавжудот даражасига кўтарган («маърифат илмидан баҳраманд» – «ажуба») ақл ва кўнгил ҳақида сўз боради.

Шарқ мумтоз адабиётида йил фасллари инсон умрига қиёслаб тасвирлаш анъанавий ижодий услубдир. Алишер Навоий айнан шу анъана ичида инсон руҳиятининг нозик қирраларини (ботиний ҳоллар орқали) йил фаслларидаги ўхшаш жиҳатлар билан муқояса қилган ҳолда, янада теранроқ тасвирлаш йўлидан боради. Беҳисоб суратлар, дарахтлар, гуллар ва жамики мавжудотнинг боқий эмаслигини таъкидлар экан, инсондаги ҳол тараққиётини фаслларнинг алмашилиб туриши орқали қиёсий тасвирлашни маъқул кўради. Баҳор Ҳақдан (солик) толиб қалбида мужда етиши; Ёз ошиқнинг ўтли оҳи; куз “дунё боғининг ҳар бир мевалари таъмини фарқлайдиган” ориф; қиш Ҳақдан ўзга барча нарсаларга “совуқ”лик билан қараб, нафс эҳтиёжларидан батамом қутулган фақрга хос ҳол тараққиёти билан боғлиқ ўхшаш жиҳатлар ўзининг нафис бадий тасвирини топади. Аслини олганда, улуғ шоирнинг бундай ҳаракати диққатга сазовордир. Чунки олам бепоён кўрингани билан унда беҳисоб ҳеч нарса йўқ. Иккинчидан, одам ҳам мавжудотнинг кичик бир заррачасидир. У ҳайвонот, наботот, умуман, мулки борлиқ билан алоқадорликда яшашга эҳтиёжманд ҳисобланади. Ана шундай ноёб ҳаётбахш ғоя улуғ шоирнинг барча асарларини, жумладан, “Руҳ ул-қудс” қасидасини ҳам безаб туради.

*Фиканд оташи айёми сайф дар олам,
Чу барқи оҳ зи анфоси ошиқи шайдо.
Расондй аз ақибаш тохту този сарсари дай,
Ки рафт як-як аз ин ҳуллаҳо ба боди фано.
Шито, чунон, ки дар у мирад оташ аз шиддат,
Чи мумкин аҳли жаҳонро бувад нишони бақо.
Чунончи силсила бастӣ ба ҳалқу гардани давр
Ҳаме ба давру тасалсул кашид ин ажзо (12-13-бет).*

Ёз мавсумининг оташи оловга шундай тушдики, у шайдо ошиқларнинг чақин мисол нафасини эслатарди. Хазон ортидан қишнинг шиддатли талон-тарожини етказдинги, гулли матони эслатувчи ўша япроқларни бирин-кетин фано шамоли олиб кетди.

Очлик ҳолати шу даражага етдики, унинг шиддатидан (қишнинг суронли совуқ ва шамолидан) олов ҳам сўнади. Бундай манзаралар олдида жаҳон аҳлида бақога умид бўлиши мумкин-ми?

Даврнинг бўғизу бўйнига шундай занжир боғладинги, бўлак-бўлак барча нарсаларни давр ипига ўша узлуксиз ҳалқалардай (маҳкам) боғлаб қўйди. Кўринадики, табиат тасвири билан инсон руҳий олами ўртасида мустаҳкам уйғунлик мавжуддир. Бу бўлак-бўлак ажзо бир-бирига уланиб кетаверади. Табиатдаги ҳар бир ўзгариш инсон руҳиятига таъсир қилади. Чунки инсон табиат бағрида яшайди. Шоирнинг бундай теран фалсафий мулоҳазалари фасллар тасвиридан тўққиз фалак таърифи қисмига ўтиш жараёнида янада яққолроқ кўзга ташланади.

Маълумки, руҳий-маънавий камолот босқичидаги ҳар бир фақирнинг руҳий тараққиёти ўз навбатида яна тоза даражаларга бўлинади.

Шоир бунда пайғамбарларнинг самодаги мақомларига ишора қилади ва ҳар бир фалакнинг жойлашувини, сайёрасини қадимги нужумий тасаввурлар орқали гўзал бадий талқин этади:

*Ба хужраи дуюм андар қаламзани чобук,
Нишодӣ омада бар сар ба имлою иншо.
Мулоиме, ки барояд ба ранг ҳар ки расад,
Ба сони об, ки зоҳир шавад ба лавни ино (18-бет).*

Иккинчи хужра ичида чаққон қалам урувчи (котиб)ни ўтқиздингки, у келиб имлою иншонинг бошида турмоқда. Муносиб ҳар кимки ранг учун чиқса (иккинчи осмонга), мақсадига етади ва унинг учун сув ўрнида хумча тўла бўёқ зоҳир бўлади. Иккинчи фалак сайёраси Уторуд матнда “қаламзани чобук” (“чаққон қалам урувчи”) деб аталган. Бунда Уторуд мифологик қарашларга кўра, ёзувчи ва шоирлар ҳомийси, фалак котиби, шоирлар пири эканлиги назарда тутилади.

Маълумки, кўпгина илоҳий-ирфоний адабиётларда иккинчи фалак Исо ва Яҳё алайҳиссаломнинг макони сифатида эътироф этилади. Улуғ шоир сатрдаги “лавни ино” (“ранг тўла хумча”) ибораси орқали Исо алайҳиссалом ҳаётига дахлдор мўъжизага–“Исо хуми”га ишора қилган. Илоҳий манбалар шаҳодатига биноан, Исо алайҳиссаломнинг бир мўъжизаси бор эди: агар у рангли либосни хумга солса, оқ-қора кўринишда бўлиб чиқарди. Иборанинг мажозий маъноси теран моҳиятга асосланган. “Исонинг хуми”–Комил инсон қалби. Комил инсон қалбига кирган ҳар бир нарсa эса пок ва беғубор бўлиб чиқади. Исонинг ҳар хил рангдаги хуми касрат–хилма-хиллик оламига ишорадир. Буюк шоир фақат Комил инсонгина касрат ваҳдатнинг зуҳури эканлигини англаб, унинг ҳикмати, сиру синоати тубига ета олишини таъкидлаган.

Алишер Навоий тўққиз фалак тасвиридан сўнг ўн икки буржни ҳам худди юқоридаги сингари Ҳақ илми акс этган Мутлақ Вужуднинг бир қисми сифатида тилга олади. қуёшнинг осмон қуббасидаги йўлида жойлашган юлдузлар туркуми буржлардир. Улар ўн иккита юлдуз туркумидан ташкил топиб, қуйидагича номланади: Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, қавс, Жадй, Далв, Ҳут-яъни булар ҳижрий-шамсий тақвимининг ой номларидир. Шоир уларнинг шакллари, самодаги жойлашуви, йил фаслларининг алмашинувидаги иштироки, мифологик хусусиятлари ҳамда улар билан боғлиқ табиий ҳодисаларни қаламга олади.

Буржлар ҳақида Қуръони Каримда: “Албатта Парвардигорингиз осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра ўз аршини эгаллаган Аллоҳдир. У (Аллоҳ) қуёшни зиё сочувчи, ойни ёруғлик қилган ва сизлар йилларнинг саноғини ҳамда (вақтларнинг) ҳисобини билишларингиз учун уни (яъни ойни бир қанча) манзил-буржларга бўлиб қўйган зотдир. Ҳеч шак-шубҳасиз, Аллоҳ бу (борлиқни) Ҳақ (қонун ва мақсад) билан яратди”, дейилади Юнус сурасининг 5-оятида¹. Шоир ҳам уларнинг ҳар бирида Аллоҳнинг бир ҳикмати акс этганлигини буржлар шаклини изоҳлаш орқали бадий гавдалантириб беради.

¹ Қуръони Карим. – Тошкент: Чўлпон, 1992, 133-бет.

*Зи баҳри он ки ҳаме кахравист шеваи чарх,
Чу чарх рутбаи харчанг сохти воло (14-бет).*

Чархнинг ҳамма қилмишлари кажравликдан иборат бўлгани учун фалакда қисқичбақа (буржлардан тўртинчиси) мақомини баланд ясадинг. Ҳаётда, инсон тақдирида ҳам шундай ҳодиса кузатилади, турмушда кажрав инсонлар қўлининг баланд келиши мумкин..

Мазкур қисмда ташхис санъати воситасида ажойиб лавҳалар чизилади ва буржларнинг ўзига хос ноёб хусусиятларини тасвирлаш билан қасиданинг бадиий қиммати янада ошади.

Агар дунёдаги ҳар бир нарсанинг моҳиятини ташкил этувчи Аллоҳнинг ягоналигини назарда тутсак, илоҳий моҳиятдан иборат бўлган бутун оламнинг туб мазмуни унинг бирлигида ва бутунлигида экан. Бундай ўзаро боғлиқлик ва уйғунликни қуйидаги мисраларда кўриш мумкин.

*Либоси барг чу ашхори боғро пўшид,
Шуд аз намоиши ҳар як чу гунбади мино.
Шамол чун ба таҳаррук фикандашон омад,
Ва чашми ақл намудор сайру даври само.
Таяур ҳар як аз он чархро чу анхум шуд,
Зи шох бар шох оянда бурч-буржосо (20-бет).*

Барглар либоси боғ дарахтлари устини ёпди, ҳар бирининг товланишида феруза осмон (қубба) шакли намоён бўлди. Шамол шундай кучли ҳаракатга тушиб келдики, Еру осмонда вужудга келган манзарани ақл кўзи билан тасаввур қилиш қийин эди. Бундай ўзгаришлар ҳар бир дарахтдан юлдузга қадар юз бердики, дарахт шохларининг силкиниши юлдузларнинг бурждан-буржга кўчишини эслатарди. Кўринадики, мисраларда кўм-кўк япроқ билан қопланган илгариги яланғоч дарахтларнинг ҳар бири бир осмон кенглигига, унинг шохлари эса буржларга, бу шох-буржлардаги мевалар “собит”–яъни турғун юлдузларга, шохдан-шохга сакраб юрувчи қушлар эса “суҳо”–ҳаракатидаги юлдузларга ўхшатилади.

Шоир табиат билан осмон жисмлари ҳақидаги тушунчани шу тарзда боғлаб кўрсатган. Осмон ва ундаги жисмлар бутун оламнинг ўзаро боғланишидаги яна бир занжирни ташкил этишини, бу занжирларнинг ҳар бир халқаси ўзига хос, маълум ўринга эга экани ва катта аҳамияти борлигини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Борлиқдаги барча нарсалар бир-бири билан чамбарчас алоқадорликда ҳаракат қилади. Демак, олам маълум қонуният асосида вужудга келган ва ўша низом асосида “Биз осмонлар ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат Ҳақ қонун-қоида билан яратдик”¹⁵. Оламнинг “ҳақ қонун билан” бунёд этилиши ундаги мукамалликка сабаб бўлган. Самода улкан уммонлару даштлар, тоғларни бағрига олган Еримиздан бир неча баробар катта бўлган сайёралар муаллақ туради ва Яратувчининг амри билан доимо ҳаракатда бўлади. Мазкур фикримизни “Ёсин” сурасининг 40-ояти билан тасдиқлай оламиз: «Лаш-шамсу янбағий лаҳа ан тудрикал-қамара ва лал-лайлу сабиқул наҳар. Ва куллун фи фалакин ясбахун»². («На қуёш учун Ойга етиш мумкин бўлур ва на кеча-кундуздан ўзгувчидир, барчалари фалакда сузиб юрур»).

¹ Куръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Тошкент: Чўлпон, 1992, 229-бет.

² Ал – Қуръонул Карим. Мадинаи Мунаввара: Мужаммаъ ал-малий Фаҳд ли тиботи мусхафи шариф, 1985, 442-бет.

Алишер Навоий қуёш, самодаги барча сайёралар ва бошқа осмон жисмларининг маълум йўналиш асосида фазода муаллақ ҳолда доимий ҳаракатдалигини тасвирлаш орқали Ҳақнинг мўъжизавий қудратининг мислсиз, беқиёс эканлигини мадҳ этади. қасида сатрларида Аллоҳнинг барча яратиклари, ҳатто Арш, Курси, малоикалар ҳам унинг хизматида, буржларнинг кўпчилиги ҳам ўзига тезроқ Аллоҳнинг расули яқинлашишини исташи маҳорат билан улуғланади. Шундан сўнг улуғ шоир Меърож воқеаси тасвирига ўтади ва ислом динининг инсонпарварлик моҳияти тасвирига алоҳида урғу беради, Муҳаммад пайғамбарга “шариати ғарро” (“ёрқин исломий шариат”)ни “равшан қилган” Аллоҳга беҳад ҳамду сано айтилади.

Шоир ўз даврининг сидқидил мусулмони сифатида Аллоҳдан қиёмат кунида гуноҳларини махфират қилишини сўраб, қасиданинг сўнгги–хотима қисмини (худди насиб қисмидаги сингари) диний мазмундаги анъанавий ҳамд, муножот билан тугатади. Маълумки, XV аср ижтимоий сиёсий шароитида яшаган Навоийнинг тасаввуфий қарашлари диний тушунчалар (аслида дин ирфон учун бегона эмас) билан боғлиқдир. У ўз даврининг энг пешқадам илоҳий-ирфоний арбоби сифатида илғор тасаввуфий қарашларни қанчалик қадрласа, комил мусулмон бўлгани учун шариат қонун-қоидаларини ҳам сўзсиз адо этарди. Шунинг учун ҳам «Ситтаи зарурия»нинг биринчи қасидаси илғор исломий-ирфоний ғоялар талқинидан иборатдир.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «СИТТАИ ЗАРУРИЯ» ҚАСИДАЛАР ТУРКУМИДА

Комил инсон мадҳи

Инсонни ўрганиш ва поклаш, нуқсонлардан холи ҳолда тасаввур этиш, унинг маънавий камолотини ўйлаш улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг олий орзуси эди. Улуғ шоир чинакам инсонийликни айнан илоҳийликда, илоҳий файздан баҳрамандликда кўради. Қуръони Каримда бир неча ўринда инсон Худонинг ердаги халифаси, у энг мукаррам зот, махлуқотнинг гултожи, дея таърифланади. Шоир инсоннинг ана шу улуғ шарафга чинакамига муносиб бўлишини истайди.

Ҳазрат Навоий ижодининг оламшумул аҳамиятини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳам унинг ислом маънавий хазинасидан, тасаввуф илмидан баҳраманд бўлиб Комил инсон ҳақидаги ширин орзуларни улуғлашидадир.

Улуғ Навоий ҳар бир асарида (достондан фардгача) Комил инсонни улуғлади. Шоир йирик ҳажмли асарлари таркибидаги ҳамдларида инсонни бошқа мавжудотлардан улуғ қилиб яратгани учун Ҳаққа беҳад мадҳ айтади. Ҳамд ғазалларида эса («Ҳақ-Инсон» муносабатлари) Ҳаққа етишнинг маънавий-руҳий изтироблари хусусида теран мушоҳада юритади.

Илоҳшунослик ва инсоншуносликка оид асл ҳикматлар силсиласи акс этган «қасидаи «Рух ул-қудс»и тавҳиди Бори таоло» асарида ҳам инсон Рухи Мутлақ нишонлари энг кўп акс этган хилқат сифатида таърифланади. Тавҳиднинг моҳияти инсон ва унинг ҳақиқати билан изоҳланади. Чунки инсон бўлмаганда илоҳиёт ҳақида гапиришга ҳожат ҳам қолмасди. Инсон руҳини ва унинг хусусиятларини ўрганиш улуғ шоир тасаввурида, бу аслида илоҳиётни ўрганишдир.

Буюк маънавий арбоб инсоннинг биологик тузилиши устида батафсил тўхталар экан, унинг тўрт унсур (аносири арбаа) дан (тупроқ-қуруқлик, олов-иссиқлик, сув-совуқлик,

ҳаво–намлик) иборат эканлигини бирма-бир бадий тасвирини беради.

*Чу аз заминаш бардошти ба сад эъзоз,
Ба мартаба гузарондӣ зи торуми хазро (7-бет).*

Юз эъзоз эҳтиром ила уни (тупроқни) ердан кўтардинг ва мартабасини кўк гумбазидан ҳам юқори қилдинг.

Байтдаги ихчам талқиндан кўриниб турибдики, Ҳақ бутун борлиқдан Инсонни алоҳида эъзоз ила ажратади. Бу ажратиш эса бир неча асосни ўзида бирлаштиради. Улуғ шоир қасида сатрларидаги мазкур асосларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталади. Борлиқдаги нарсаларнинг ҳар бири у ёки бу унсур (тупроқ, сув, ҳаво, ўт)дан яралган бўлса, инсонда турли, бир-бирига қарама-қарши унсурлар муттаҳиддир ва улар инсон табиатининг мураккаблигини белгилайди. Алишер Навоий «Наводир уш-шабоб» девонидаги 5-ғазалида ўша ҳақиқатни қуйидагича тасвирлайди:

*Сарсаройи ҳар қуюн қилғай бадан туфроғининг
Жузв-жузвин бир-бир ушбу гунбади гардон аро¹.*

Инсон танаси ва табиатининг тўрт унсурдан иборат эканлиги–тананинг қизил (қон), сариқ (ўт), ҳўл (сув) ва қуруқ (тупроқ)дан, табиатининг оташий (флегматик), хокий (сангвиник), обий (меланхолик), бодий (холерик) каби таркибий қисмлардан яралганлиги Шарқ мумтоз адабиётида ҳам, қадимги Юнону Ҳинд фалсафасида ҳам кенг тарқалган ҳақиқатдир. Шунинг учун инсонга ҳам моддий, ҳам ички ва ташқи жиҳатдан зиддиятлар бирлиги сифатида қаралади. Инсон борлиқдаги бошқа мавжудотлардан ўзининг зиддиятлилиги билан ажралиб туради:

*Чаҳор зидро карди ба якдигар таркиб,
Ки хоқу оташ буд, онгаҳ об буду ҳаво (8-бет).*

Исломи-ирфоний тасаввурга кўра, инсон икки асос – жисм ва руҳдан, инсон жисми эса тўрт унсур - сув, олов, ҳаво, тупроқдан иборат. Инсон ўз руҳи билан фаришталарга, жисми билан эса табиатга, яъни ҳайвонларга бориб тақалади. Булар ҳақида Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида хабар берилган. «Ва-ссафат» сураси 11-ояти («Биз инсонларнинг асли-аввали бўлмиш Одам алайҳиссаломни ёпишқоқ бир лойдан яратгандирмиз»).

Инсон ҳайвон билан фаришта ўртасидаги махлуқ. Табиат билан ана ўшандай боғлиқлик унинг қаттиқлигини, дағаллигини келтириб чиқаради. Руҳ эса инсонни маънавий камолотга етаклайди. Чунки руҳ ғайб оламининг «мулки», у инсонга латиф бир қувват бағишлайди.

*Ба хоки жисмаш борони раҳмат афшондӣ,
К-аз он мулоимат овард тинаташ пайдо (7-бет).*

Тупроқдан яралган жисми устига раҳмат ёмғирини ёғдирдинг, ўшандан унинг феъл-атворида мулойимлик пайдо бўлди. Бироқ, инсон табиати тўла покланмади.

Қуръони Каримнинг «Ал-Исро» сураси 85-оятида ўқиймиз: «Ва ясъалунака анирруҳ қулир руҳу мин амри роб» (Эй Муҳаммад, Сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг, «Руҳ

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. -Тошкент: Фан, 1989, 5-бет.

ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир». Рух илоҳий маърифат, ҳикмату дониш билан озиқланади. Шунинг учун руҳоний ҳаёт завқидан баҳраманд бўлган улуғ инсонлар холис, беғараз, некбин, мулойим, меҳрибон, шафқатли, ҳимматли бўлади. Демак, инсоннинг моҳияти ҳам шу Рухдадир. Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий «Кимийеи саодат» асарида руҳни шундай таърифлайди: «Рух одам вужудининг аслидурким, ҳама қолип ва бадан анинг тобеъидур. Вақтики рух бўлмаса тан мурдордурки, анинг ҳеч эътибори йўқдир. Бадан маркаб ва сувор рухдир»¹.

Инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи яна бир ноёб фазилат Ҳақнинг унга илму ирфонни тақдир қилганлигидир. Аллоҳ инсон қалбини илму ирфон хазинаси қилиб, шу ирфонда ўзини яширган: қасидада инсонни мумтоз этадиган энг юксак мўъжиза–ақли кулл ва кўнгил алоҳида таъкидлаб таърифланади. Шоир ташбеҳ-тамсил санъати воситасида гўзал манзара яратади:

*Дар ў нишониди дилро ба тахти султони,
Ки шуд ба расми салотин хидеви мулқоро.
Хирад вазорати он шоҳро муайян шуд,
Ғадои шоҳону вазирон, камина банда туро (9-бет).*

Унда (бадан шаҳрида) подшоҳлик тахтида юракни ўтқиздинг. Шундан у (юрак) султонлик расмида мулку мамлакатнинг соҳиби бўлди. У шоҳнинг вазирлигига донишмандлик (ақл) муайян бўлди. Аслидагадо-юшоҳувазирларнинг барчаси Сенинг камтарин бандаларингдир. Шоир мазкур фикрларини Қуръоний оятлар мазмунини билан асослайди.

*Зи илми маърифаташ чунки баҳравар карди,
Малоикаш ба сужуд омаданд абдосо (10-бет).*

Малоикалар Аллоҳ азза ва жалланинг фармони қошида ожиз қолгач, Одам алайҳиссалом уларга мавжудот ҳақиқатини баён этади. Тупроқдан яралган ҳазрати Одам алайҳиссаломнинг илму маърифати файзидан етти қават осмон ҳам мунаввар бўлади. Ана шу илму маърифат туфайли ҳазрати Одамга малоикалар қуллардай саждага келадилар. Чунки Инсонда завқ–руҳий камолот каби нури ҳикмат акс этган нодир хислат мавжуд. У Илоҳ маърифатини завқу шавқ билан ҳис этиш жараёнида руҳий юксакликда фариштадан ҳам ўзиб, маънан Ҳақнинг ўзига етиши мумкин.

*Эй, нечукким, дурни махфий асрабон уммон аро,
Гавҳари ишқини пинҳон асраған инсон аро?!
Чунки инсонни бу гавҳар бирла айлаб баҳраманд,
Сарфароз айлаб малойик хайли бирла жон аро².*

Холиқи Аъзам ўз ҳуснини томоша қилиш учун ўзига кўзгу–моддий оламни яратди. Олам эса инсон туфайли бунёд қилинган. Бу ҳақда: «Лав лака лимо халақту л-афлок» (Агар сен бўлмасанг, осмон-фалакларни яратмаган бўлар эдим), деган ҳадис ҳам бор. Моддий оламнинг жавҳари– Инсон қалби, унинг кўнгил. Инсонни яратишдан мақсад ҳам

¹ Ғаззолий Зайниддин Муҳаммад. Кимийеи саодат. – Тошкент: «Камалак», 1995, 9-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавайид ул-кибар. -Тошкент: Фан, 1990, 9-бет.

кўнгилнинг қудратини намоиш этиш эди. Чунки кўнгил – Ҳақ назаргоҳи. Инсон учун, унинг бахту истиқболи, фаровонлиги учун қайғурган улуғ шоир ҳам кўнгил сўзини такрор-такрор зикр этишни севади.

*Фарқи муҳити ишқинг эди жон ила кўнгил,
Ул дамки, руҳ эмас эди тан бирла ошно ¹.*

Улуғ шоир нуқтаи назарича, кўнгил–Аллоҳнинг ҳикмати, нури акс этган энг қутлуғ, юксак, покдомон манзилдир.

Имом Ғаззолий дил ҳақиқатини «Подшоҳ дилни ва анинг сифатларини танимоқ ҳазрати Ҳақ субҳонаху ва таолони танимоқнинг калидидур... Саодат ва шақоват асли анинг (дилнинг) сифатидур ва бадан ҳамма аҳволда анинг тобеъидур», -дея таърифлайди. Шунинг учун моҳиятни англашга фақат қалб қодир. Теран тасаввур, ҳиссий-важдий тафаккур орқали кўнгилнинг сирли ажойиботлари қудратидан баҳраманд бўлиш, руҳ кучи ёрдамида юракка аталган султонлик–хурлик тахтини эгаллаш мумкин. Хурликка эришган кўнгил Аллоҳнинг чин ошиғидир. Ошиқ юрак эса Илоҳ ва инсон сиру синоатидан хабардор, кучли ва нурли ҳисларга бой белади.

Кўнгил–Аллоҳ яширинган тилсимот. Тилсимот қонунияти сирларини–буюк Тангри маърифатини улуғ мутафаккир ез ҳаётий кузатишлари асосида навоиёна хассослик билан бадий талқин этади.

Кўнгил-Аллоҳ илми ва ишқининг хазинаси, унинг эгаси инсон шунинг учун ҳам олам меҳвари, олий мавжудотдир. Шул боис ҳазрат Навоий Каъба деб кенгилни тан олган ва унга сиғинган:

*Каъбаки оламнинг ўлиб қибласи,
Қадри йўқ андоқки, кўнгил Каъбаси.*

Ийҳом санъатининг гўзал намунаси ифодаланган қуйидаги байтда эса улуғ шоир Ақли кулл қудратига ишора қилади.

*Ҳавоси зоҳирияш низ чун, ки карди рост,
Зи нури ақл ба кохи димоғ тофт зиё (8-бет).*

Тасаввуфий қарашларга кўра, Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта Ақли аввални яратган ва унинг шаклу шамойилини Комил Инсон қиёфасида зухур этган. Улуғ шоир ҳамд ғазалларида ҳам бир неча ўринда Ақли кулл масаласига дахл қилади:

*Гаҳики фикрати зотингни ақли кулл айлаб,
Бурунги жомда ҳайрат ани қилиб беҳуш².*

Илоҳий-ирфоний манбаларга биноан, икки навъ ақл мавжуд. Бири Ақли кулл. Бу – Раббоний нур. Унинг таъсири билан бутун мавжудот ва жисмлар олами бошқарилади.

³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. -Тошкент: Фан, 1990, 8-бет.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. -Тошкент: Фан, 1990, 242-бет.

Иккинчиси – (инсоний ақл) ақли жузъ. У Ақли куллнинг бир заррасидан ҳосил бўлади. Ақл Ҳақ таоло томонидан фақат инсонга берилган буюк бир неъматдир. Ақли кулл ҳам руҳоний, ҳам жисмоний оламга хизмат қилади. Руҳоният шоири Жалолиддин Румий ақли куллнинг салоҳиятини шундай таърифлайди:

*Ақл пинҳонасту зоҳир оламе
Суврати мо мавж ё аз вай наме¹.*

Инсоннинг зоҳиру ботинида Илоҳ ва олам, азалийлик ва фанийлик каби ҳодисалар акс этган, унинг суврату сийратида борлиқ ва йўқлик мужассамдир.

Ақли жузъ ғайб олами сиру синоатини англашга қодир эмас. Шунинг учун у улўғ шоир сатрларида «амо», «хуффош» каби сифатлашлар билан тасвирланади:

*Зи Аршу Курсию лавҳу қалам ажуба басе,
Падид кардию бар ақл ан он назора амо (28-бет).*

Аршу Курсию лавҳу қаламдан кўп ажойиботлар равшан қилдингки, ундан баҳра олишда ақлнинг кўзи кўрдир.

«Рух ул-қудс» ва ҳамд ғазалларнинг ифода тасвирига кўра ўхшаш байтлари муқояса қилинганда аён бўлдики, «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 41, 132, 242, 575; «Наводир уш-шабоб»нинг 5, 114, 132, 322, 393; «Бадоеъ ул-васат»нинг 3, 242-ғазалларида ақли жузъ илоҳий моҳиятдан беҳабар тимсол сифатида тасвирланган:

*Хирад гар аъмо эса қунҳи зотинг ичра не тонг,
Қуёшни кўрмаса хуффош бордурур маъзур².*

Ибн Арабий инсонни «борлиқнинг йиғиндиси»,–дейди. Алишер Навоий ҳам одамда-олами суғрода олами Кубродаги барча хусусиятлар мавжудлиги, у оламларни ўз ичига сиғдирувчи буюк бир хилқат эканлигини эътироф этади:

*Ғариб кишваре орошти зи шаҳри бадан,
Ки мулк то малакут он чи ҳаст ҳаст он жо (8-бет).*

Худди шундай тасвири «Наводир уш-шабоб»нинг 364-ғазалида ўқиймиз:

*Бўлуб сифатингга мазҳар жамиъ махлуқот,
Алар муфассалу инсонни айладинг мужмал³.*

Аллоҳ таоло аввал жабарут, кейин малакут, кейин мулк оламини, кейин инсон бадани оламини яратган⁴. Кўнгил (руҳ) шу оламларни сайр этиб, инсонга нузул этади ва яна шу оламлар бўйлаб кўтарилади. Бу руҳ тараққиёти даражалари билан белгиланади. Бу доира

² Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд (I китоб). – Тошкент: Шарқ, 1999, 338-бет.

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989, 132-бет.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. -Тошкент: Фан, 1989, 364-бет.

³ Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ. - Тошкент: Камалак, 1996, 9-бет.

олами Куброни Суғро олами-инсон билан боғлайди. Олами Суғро-инсонда олами Кубродаги жами хусусиятлар мавжуд.

*Эй жамолинг жилваси миръот инсу жон аро,
Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро¹.*

Инсон–Худонинг ердаги халифаси, унинг илму каромати, сир-асрори, қудрати ва ҳикмати акс этган мўъжиза. Фалаклар унинг нафаси билан айланади, жамики мулку малакут ундан таълим олади.

«Етти торами аъло», «тўққиз сипеҳри муалло», Арш, Курси, жамики мавжудот унинг учун, у туфайли яратилган:

*Сабаб муҳаббати ўю зуҳури сунъат буд,
Ки халқи мохалақуллоҳ сохтй ифшо (24-бет).*

Сабаби–унга (Муҳаммадпайғамбарга) бўлган (Сенинг юксак муҳаббатинг яратилишининг зуҳури эдики, халқ этилган нарсаларни у туфайли ошкор қилдинг.

Олам–ишқ маҳсули. Мазкур байтларда ваҳдат ул-вужуд таълимотининг асосий масаласи Илоҳнинг инсонга, инсоннинг Илоҳга муҳаббати тасвир этилган:

*Зуҳури ҳуснунг учун айлабон мазохирни,
Бу кўзгуларда ани жилвагар қилиб амдо.
Чу жилва айлади ул ҳусн истабон ошиқ,
Салойи ишқин этиб офариниш ичра нидо².*

Ҳайрат, ҳиссий тасаввур ва руҳ кучи билан яратилган Алишер Навоийнинг «Руҳ ул-қудс» қасидаси ва ҳамд ғазалларида Инсон ва Коинот, инсон ва мавжудот, Инсон ва Илоҳнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, Инсон руҳининг улуғ оламлар бўйлаб сайр этиб, Илоҳ томон кўтарилиши (уруж), инсонийлик даражалари, руҳ тараққиёти даражалари-пок руҳ (руҳ ул-қудс) билан белгиланиши, мавжудотнинг хулосаси ва қаймоғи Комил Инсон инсониятни бошқарадиган Буюк руҳ эканлиги каби исломий-ирфоний, фалсафий ғоялар талқин этилган.

«Руҳ ул-қудс»да қофия, вазн, ташхис

Мумтоз шеърятда қофия бадииятнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. қофия шеърдаги сўзларнинг тартиб-тизимини бир меъёрга солиб турувчи воситадир. Адабиётшунос Анвар Ҳожиаҳмедов таъкидлаганидек, ижодкорнинг салоҳияти шеърларда қўлланган қофияларнинг ғоялар моҳиятини, тимсоллар қиёфасини очишдаги аҳамияти, қофия учун танланган сўзларнинг маънавий теранлиги, оҳангдорлиги, жило ва жозибаси билан ҳам белгиланган³.

Қасида ёзишнинг қийинчилиги бу жанрнинг қатъий қофиялаш талаби ҳамдир. «Руҳ ул-қудс» қасидаси ана шу юксак талабга тўлиқ жавоб бера олади. Яъни ундаги 133 қофиядош

⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. -Тошкент: Фан, 1990, 4-бет.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. -Тошкент: Фан, 1989, 7-бет.

² Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. -Тошкент: Шарқ, 1998, 195-бет.

сўзлар (чунки қасида 132 байтдан иборат) байт маънолари ва умуман асар мазмунига мувофиқ бўлиб келган. Улардан иккитаси такрорланган. Чунончи, «сафо» – 2 марта (44– ва 78– байтларда), «саҳо» – 2 марта (39– ва 77– байтларда) қайтарилади. Бироқ бу сўзлар ҳар гал янги маъноларда қўлланилганки, бу такрорлар деярли сезилмайди.

44-байтда «сафо» сўзи поклик, бокиралик маъносини ифодалаб келган:

*Рабеъи навбати хубии боғ чун гузаронд,
Чу барнахўрда арусе зи ҳусну лутфу Сафо (12-бет).*

Баҳор боғдаги кўркамлик навбатини шундай ўтказдики, унда ҳусну лутфу сафосини (поклигини) йўқотмаган келинчақдай манзара сақланди.

Қасиданинг 78-байтда эса «сафо» сўзи ёруғлик маъносида ишлатилган:

*Муқими манзили аввал нигоре симтане,
К-аз ў расад ба шабистони даҳр нуру сафо (17-бет).*

Аввалги манзилнинг муқими (қилиб) бир кумуш танли нигорни қўйдинг, ки ундан даҳр тунининг зулматига нуру сафо етади.

«Руҳ ул-қудс» қасидаси алиф билан тугалланувчи-о қофиясида ёзилган. Масалан:

1. Насиб қисми: пайдо, даръё, байзо, обо, ақво, Узро, ўро, адо, истиғно.

2. Мадҳ қисми (инсон тасвири): баҳо, хазро, ахоибҳо, ҳаво, амъо, ҳукамо, кало, савдо, мабдо, зиё, хо, мулкоро, туро, асмо, абдосо, само, хифо, кубаро ва ҳ.к.

Қасидада Алишер Навоий қофия воситасида ўз ўқувчиси диққатини байтлардаги энг муҳим фикрларга жалб қилади. Масалан, шоир баҳор манзараларининг гўзал тасвирини беришда сўзларнинг маънавий теранлиги ва оҳангдорлигига катта эътибор берган. Баҳорги боғ жилосини, ундаги табиий ҳолатларни ифодалашда улуғ шоир эҳё, ғубро, намо, ғизо, дунё, боло, зебо, шайдо, саҳбо, саҳо, раъно, маъво, дебо каби қофиядош сўзларни келтирса; Меърож воқеасини тасвирлашда эса асро, авъадно, баҳо, хо, ғарро, Мусо, худо, ифшо, ҳаққо каби сўзларни қўллайди.

«Руҳ ул-қудс» қасидасида қофия шоир асарда ифодалаётган илоҳий-ирфоний ғоялар, теран фалсафий мушоҳадаларни бадиий сўз орқали жозибали ва таъсирчан акс эттиришнинг муҳим воситаси сифатида юзага чиқади. қасида жанри учун а-а, б-а, в-а, г-а тарзида қофияланиш хосдир. Ҳар қайси мисра, байтдаги қофиядош сўзларда шоирнинг ғоявий-бадиий нияти ўз тажассумини топган.

Ҳар қандай шеърий асар–хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, маълум бир вазнга солинган. Мумтоз адабиётдаги дурдоналарнинг кўпчилиги аруз вазнида яратилган. Аруз тизими ҳижолаарнинг талаффузидаги узун-қисқалигига асосланган бўлиб, мусиқа билан чамбарчас боғлиқдир. Унда вазнлар жуда кўп ва улар табиатан ранг-барангдир.

«Руҳ ул-қудс» қасидаси ҳам аруз тизимида ёзилганлиги билан аҳамиятли. Бундай шеърий ўлчов қасида сатрлари мутолаасида уларнинг мусиқийлигини, жарангдорлигини таъминлайди.

«Руҳ ул-қудс» қасидаси арузнинг ҳазажи мусаммани маҳфуз баҳрида ёзилган.

Ҳазаж баҳри ниҳоятда хушоҳанг ва ўйноқи вазнлардан бири ҳисобланади. Мафойилун асл рукни бу баҳр вазнларининг асосини ташкил этади.

«Руҳ ул-қудс» қасидасининг вазнини аниқлашда ундаги барча байтларга эътибор қаратилди, аммо таҳлил учун қуйидаги байтларнигина намуна сифатида кўрсатиш лозим топилди (чунки маълум бир вазнда яратилган қасиданинг бошидан охиригача ўша вазн ҳукмронлик қилган):

Зи-ҳи ба хо-	ма и қуд-рат	му-сав-ви-ри	а-шъи-ё
V - - -	V - - -	V - - -	V - -
Ҳа-зор нақ-ши	а жиб ҳар-за	мон на зи ў	па-йи-до

«Руҳ ул-қудс» таркибида бир қанча лафзий ва маънавий санъатлар қўлланган. Лекин улар орасида шоир энг кўп мурожаат қилган санъат ташхисдир. Ташхис («жонлантириш») ҳайвонлар, қушлар, жонсиз нарсаларга инсонга хос хусусиятларни кўчириш санъатидир. Ташхиснинг қисқа ва ихчам таърифи Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» асарида шундай келтирилади: «Инсондаги даражада тириклиги бўлмаган нарсаларга, жониворларга инсондаги тирикликнинг ҳолларини, сифатларини тақмоқдир»¹.

Ташхис воситасида яратилган тасвирда бадий тимсол ёхуд манзара, воқеа-ҳодиса хусусиятлари яққолроқ намоён бўлади. Жонсиз ва мавҳумий нарсаларни ташхисда тасвирлаш воситасида шеърий асар муаллифи илгари сураётган муайян ғоялар аниқроқ ифодаланади, тасвирланаётган шеърий тимсоллар ёрқинлик, жонлилик, жозибадорлик касб этади.

«Руҳ ул-қудс» қасидасида олам ва одам сирлари ташхис санъати асосида ёнма-ён талқин этилган:

*Макони панжўм ба теғ занн, карди,
Ки аз маҳобати ў баст хун дили хоро (13-бет).*

Бешинчи маконни тиғтортувчига бердингки, унинг кўрқинчли кўриниши ва даҳшатидан, хатто тошнинг қалбидаги қон ҳам қотиб қолди.

Табиатда қизил тош ҳам учрайди. Шоир баъзи тошлардаги қон юқини эслатувчи доғларга ишора қилиб, тошга нисбатан «қон», «қалб» каби сўзларни ишлатган.

«Руҳ ул-қудс»да кўпинча табиатдаги гўзаллик инсондаги гўзалликка муқояса қилинади. Инсондаги фазилатлар гулга кўчирилган ва аксинча. Алишер Навоий ижодида Гул бадий тимсол сифатида кўп ўринларда учрайди. Шоир қасидада лола, ямин, наргис, суман, сунбул каби кўплаб гул турларига мурожаат қилган. Гул Шарқ мумтоз шеърлятида маъшуқа жамоли, Аллоҳ ёди, Ҳақ тажаллийси тимсоли сифатида ишлатилади.

*Бунафша бар гиреҳи турра баст марғула,
Суман ба жилва даровард орази зебо.*

Бунафша ёқаси (гирибони) атрофида қўнғироқчалар боғлади (гуллади). Суман гўзал оразини жилвага солди.

Жилва-тасаввуфий истилоҳ бўлиб, ноз, истиғно, гўзалларнинг қўнглини фатҳ этувчи ҳол ёхуд чиройли ҳаракатлардир. Ёхуд сулук аҳлининг қўнглида порлаган илоҳий нур. Бу нур эса ошиқни телба қилади.

Суман-саман. Ямин сўзининг қисқаргани Райҳон, сунбул, наргис каби гуллар ҳам ташхис санъати воситасида маҳорат билан тасвирланган. Ташхис санъати ташбиҳ ва ҳусни таълил санъатлари учун асос вазифасини ўтайди:

*Зи нисфи пўсти норанж баҳри наргиси шўх,
Пиёла кардию ў маст ғашт бе саҳбо (11-бет).*

¹Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 68-бет.

Шўх наргис учун яримта норанж (апельсин)нинг пўстидан пиёла қилдинг-ки, у қадаҳсиз ҳам маст бўлди.

Наргис-бўтакўз, кўзнинг рамзи, яъни кўз «мушаббих», наргис-мушаббихун бих. «Наргиси шўх» ибораси шўх наргис кўзли гўзалларга нисбат берилади.

*Икки ўтлуғ наргисингким қилдилар бағрим кабоб,
Биридир айни хумор ичинда бири масти хоб ¹.*

Ҳазрат Навоий қаламига мансуб бу байтда Аллоҳ, олам ва одам гўзаллиги ифодаланган, яъни маъшуқанинг наргис кўзларидан ошиқнинг бағри дили кабоб бўлган, чунки маъшуқанинг кўзларида Яратганнинг тажаллийси бор. Кўз-басират даражаси, қалб кўзининг ўткирлиги ва ҳам айни пайтда, у ошиқни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи кучдир. Илоҳий жамол турли кўринишларда жилоланиб, қалбга йўл излайди. Ғайбнинг манбаи, сиру синоат чашмаси кўз-жило, мавж, товланиш, сеҳру жоду, мафтункорлик тимсоли. Шунинг учун ҳар икки байтда ҳам (яъни қасидада ва ғазалдан олинган байтда) «хумор», «маст» каби сўзлар ишлатилган.

Мазкур рамз тузилиш асоси жиҳатидан тўла-тўқис мушаббихнинг таркибий қисмларига тўғри келади ва бу ўхшашлик асосида кучли мантиқ бор. қасидада райҳон бошқа гул тимсолларидан алоҳида ажратилади:

*Чу чанд рўз бар ин рафт, доди ороиш,
Зи шоҳидони раёҳин ба гулшани дунё (11-бет).*

Бир неча кун шу тариқа (Сен) оройиш бердинг, райҳонлар шоҳидлигида дунё гулшанига.

Мазкур байтда райҳон инсонга хос «шоҳидлик» хусусиятини касб этган. Чунки тасаввуфий қарашларга кўра, райҳон тасфия ва риёзат натижасида қалбда порлаган нур тимсолидир. «Шоҳид» сўзини ҳам шоир бежиз ишлатмаган, яъни шоҳид – қалб билан тенглашган мавжудот. Байтдаги «гулшан» сўзи эса қалбнинг фатҳи ва очилиши, солиқ кўнглининг маърифат ва ирфонга тўлиши тимсоли бўлиб келган.

*Руҳи чаманро аз хомаи қазо карди,
Зи лавн-лавн раёҳин чу гунагун дебо (13-бет).*

Тақдир қалами билан чаман руҳини (Сен) ранг-баранг бўёқлар билан зийнатланган райҳонзорга айлантирдинг.

Шоирнинг мақсади фақатгина ташхис санъати воситасида мазкур гулларни жонли, жозибали тасвирлашдангина иборат бўлмай, балки бу санъат орқали ботиний-маърифий маъноларга ҳам ишора қилишдир.

қасидада мазкур (ташхис) маънавий санъатни кенг қўллаш орқали Илоҳ ва инсон, Холиқ ва махлуқ, табиат ва шахс бирлигига алоҳида аҳамият берилган:

*Намуд дил зи раёҳин сўи фавокеҳ майл,
Чу аз сароби сувар сўи лужжаи маъно...
Либоси барг чу ашжори боғро пўшид,
Шуд аз намоиши ҳар як чу гунбади мино...*

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990, 58-бет.

*Ва лек анжуми собит шуда фавоқеҳи ў,
Ба бурж шохи савобит мисоли побархо.*

Кўнгил райҳонлардан мевали боғ томон майл кўрсатди, беҳисоб сураатлардан зебо шакллар эса саробга айланибди. Барглар либоси боғ дарахтлари устини ёпди. Ҳар бирининг товланишидан феруза осмон шакли намоён бўлди. Ва лекин юлдузлар собитлашганидек, ҳолат мевали боғда кўрина бошлади. Юлдузлар буржда кўним топганидек, шохлар ҳам оёғида тургандай бўлди.

«Баргларнинг боғ дарахтлари устини ёпиши», «шохларнинг оёғида туриши» инсонга хос ҳаракат бўлиб ташхис санъати туфайли улар гулу дарахтларга кўчирилган.

Қасидалар ва бадий-маърифий ҳамдлар кенг омма учун эмас, балки сўз санъатини юксак англаган, сўфиёна- орифона истилоҳлар маъносини яхши тушунадиган, махсус маърифий билим эгаларига мўлжаллаб ёзилади. «Рух ул-қудс» қасидаси ана шу жиҳатдан ҳам қасидачиликнинг юксак талабларига жавоб берадиган мукаммал бадий асардир.

Юқоридаги мулоҳазалар қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

1.«Ситтаи зарурия» асари Шарқ қасидачилиги тамойилларининг юксак талабларига жавоб берадиган мукаммал бадий асардир.

2.«Рух ул-қудс» қасидасида Аллоҳга муножот воситасида Унинг онгли халифаси Инсон улуғланган.

3.Алишер Навоий Шарқ мумтоз адабиётининг йил фасллари инсон умрига қиёслаб тасвирлаш анъанаси ичида инсон руҳиятининг нозик қирраларини (ботиний ҳоллар орқали) йил фаслларидаги ўхшаш жиҳатлар билан муқояса қилган ҳолда, янада теранроқ тасвирлаш йўлидан борган.

4.Қасидада Аллоҳ, олам ва одам сирлари ташхис санъати асосида ёнма-ён талқин этилган.

5.«Рух ул-қудс» қасидаси ва ҳамд ғазалларда бутун олам Буюк Рух қудрати ҳосиласи эканлиги илоҳий-ирфоний асослар орқали ифодаланган.

ХУЛОСА

Истиқлолгача собиқ мафкура талабига кўра, етарли даражада ўрганилмаган Алишер Навоийнинг «Рух ул-қудс» қасидаси ва ҳамд ғазаллари шоир ижодининг бош мезонини белгилайди. Адибнинг бу асарларида ўзининг маърифий-бадий инъикосини топган ўша бош мезон қайси дин, мазҳабга мансуб бўлишдан қатъий назар, Ер юзида Инсон деган комил хилқат масъуллигини ҳис қилиш каби умумбашарий ғоялар, юксак ахлоқий-фалсафий панду ҳикматлар бугун учун ҳам аҳамиятлидир.

Шунинг учун шоир меросига интилиш доираси кенгаймоқда. Асарларини янгича талқинда ўрганиш миллий мафкурани бойитиш, таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Асрлар оша янги маъно қирраларининг кашф этилиши билан Шарқ мумтоз адабиёти ихлосмандларининг диққат марказидан ўрин олган Алишер Навоий шеъриятининг кўлами кенглиги ва даврлар ўтиши билан яна янгича талқинларга асос бўла олиши бу улуғ маънолар хазинасининг беҳад сиру синоатли ва хосиятли эканлигидан далолат беради. Ана шу эзгу мақсадда шоирнинг илм оламида кам ўрганилган «Рух ул-қудс» қасидаси ҳамда ҳамд ғазаллари тадқиқини амалга оширишга жазм қилинди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

Алишер Навоийнинг туркий ва форсийда битилган ҳамд ғазаллари ва «Рух ул-қудс» қасидасининг таянч ғоявий манбаи Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдир. Ана шу нуқтаи назардан ҳамд ғазаллар ва «Рух ул-қудс» қасидасининг бадий тасвир усули бир-бирига яқиндир.

Алишер Навоий Шарқ девончилиги равнақини мавзу-маъно нуқтаи назаридан муайян тизимга солган ва ҳар бир асарини Аллоҳ ҳамди билан бошлаган.

Шарқ мумтоз адабиётида девонни ҳар ҳарф туркумига кўра ҳамд ғазал билан бошлаш Алишер Навоий номи билан боғлиқ анъанадир.

Шаръий ҳамд тушунчасини илғор ирфоний қарашлар орқали тўлдириб (соликнинг руҳий-маънавий даражасига кўра Ҳақ сифатларини улуғлаш ва Ҳаққа етиш усулини асослаш) талқин этиш Алишер Навоий ижодининг ўзига хос хусусиятидир.

Шоир асарларининг кириш ҳамдларида Аллоҳнинг буюк қудрати, унинг яратиклари мўъжизавий мукамаллиги васф этилган бўлса, ҳамд ғазалларида эса Ҳақ маърифатини турлича талқин этиш жараёнида келиб чиққан низоларнинг сабаблари орқали ифодаланган.

Шоир ҳамд ғазалларида Қуръон оятларидан фақат 10-11 ўринда айнан фойдаланган. Талмеҳ, иқтибос, тафсир каби илоҳий-ирфоний ифода шакли Алишер Навоий ҳамд ғазаллари учун фаол ҳодисадир. Абдурахмон Жомий ҳамд ғазаллари учун етакчи ҳисобланган тазмин санъати Навоий ижодида жуда кам учрайди.

«Рух ул-қудс» ва ҳамд ғазалларда Ҳақнинг субутий ва зотий сифатлари тасвирига алоҳида аҳамият берилган. Алишер Навоий Яратувчига чексиз муҳаббатини, жунун ҳолатидаги кўнглининг дарду изтиробларини изҳор қилиш руҳида ёзилган ғазалларида Ҳаққа «Илоҳо» деб мурожаат қилса, олам аҳли манфаати билан боғлиқ туйғулари баёнида эса Аллоҳнинг «Раб» («Оламларни тарбияловчи») зотий исмини қўллайди.

Аллоҳга ҳамд айтиш орқали унинг энг юксак яратувчилик санъати намунаси – Инсон улуғланган.

«Рух ул-қудс» қасидаси ва ҳамд ғазалларда бутун олам ягона Рух қудрати ҳосиласи эканлиги, бу қудрат энг кичик заррадан чексиз коинотга қадар ҳар бир Ашё ва ҳаракатда

намоён баён этилган. Мазкур асарлар Аллоҳ-Олам, Аллоҳ – Инсон муносабатларини илоҳий-ирфоний нуқтаи назардан ўрганишда ҳам муҳим манба сифатида аҳамиятлидир.

Инсон ва коинот, Инсон ва мавжудот, Инсон ва Илоҳнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, оламнинг 6 илоҳий кун маҳсули, 6 «нодир жиҳоти коинот», намоз (фароизи) нинг 6 хориж ва дохил фарзлари, 6 имон аркони, жисмда руҳ соғлом тараққий этишининг 6 тиббий асоси бир-бирига боғлиқ равишда бир умумий, яъни Руҳ қувваси таркибидаги 6 лик тизимига қарашли ягона илоҳий моҳиятга бориб тақалиши ва шу тариқа олтилик тизимининг («Ситтаи зарурия»-«Олти зарурат») шаклланиши-Инсон руҳининг Мутлақ Руҳ томон тараққий этиб боришини таъминловчи узлуксиз, (узвий) тадрижий жараён сифатида тасвирланганлигини илоҳий-исломий ва адабий манбалар ҳамда шоирнинг ўз асарлари далиллайди.

Одам ва олам тузилиши орасидаги яқинлик эса 4 фасл, 4 табъ, 4 аносирни тасвирлаш орқали ўзининг кўламдор бадиий талқинини топган.

Ҳамд ғазаллар ва «Руҳ ул-қудс» қасидаси Алишер Навоий ижодининг яхлит, кенг кўламли дастуридир. Мазкур асарларда қатра, зарра, қуёш, етти сайёра, тўрт фасл, тўққиз қават осмон, ўн икки бурж ва малаклар Ҳақнинг муайян бир қонунияти асосида ҳар бири ўзи учун тақдир этилган қатъий чегара йўриғида ҳаракат қилишини тасвирлаш орқали руҳи Мутлақ энг кўп акс этган мукаррам ва мушарраф Инсоннинг руҳий ҳаракат чегараси барча яратилардан беҳад кенглиги, Ердан Аршгача ва барча собиту сайёра, Арш, Курси, малаклар Инсон учун халқ этилганига алоҳида урғу берилади. Шоирнинг таъкидига кўра, руҳнинг камолотини ҳилм, фақрлик белгилайди. ўн саккиз минг оламни улуғлаш эса бу аслида Аллоҳ азза ва жаллани мадҳ этишдир. Зеро, ҳазрат Навоийнинг ўзлари «Лисон ут тайр»да ихчам ва салмоқли хулосани айтиб қўйган эдилар:

*Мундин ортуғроқ ҳад эмастур манга,
Жудини васф айласам басдур манга.*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Тошкент, Ўзбекистон, -1997, 32 б.
2. Каримов И.А. ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 326 б.
- 2 А.Каримов И.А. Улуғлари эъзозланган юрт завои кўрмагай // Халқ сўзи, 2001, 25 август.
3. Абу Хамид ал-Газали Воскрешение наук о вере. Перевод с арабского и комментарий В.В.Наумкина. – Москва, 1980, 416 б.
4. А.Абдуғафуров. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (4-мақола) // ўзбек тили ва адабиёти. 1998, № 6, 3-10-бетлар.
5. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари (мақолалар тўплами)-Тошкент: Фан; 1993. 208 б.
6. Адабий мерос. Хужжат ва тадқиқотлар. Тошкент: Фан, 1968, 300 б.
7. Асма-и хусна. –Тошкент: Камалак, 1991, 40 б.
8. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001, 383 б.
9. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. - Тошкент: Фан, 1992, 247 б.
10. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақоийқ. – Тошкент: Камалак, 1996, 47 б.
11. Abdurahmon Guzel. Dini-tasavvufi turk edebiyati (санасиз). Анқара.
12. Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижоди (вахдат ул-вужуд проблемаси бўйича) Филология фанлари доктори... дис. – Тошкент, 1998.
13. Анисий А. Шарқ адабиётида қасида жанри ва Бадри Чочий // ўзбек тили ва адабиёти, -1970, 4-сон, 22-27-бетлар.
14. Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. –Тошкент: Камалак, 1991, 176 б.
15. Абу Бакр Ар-Рази, Духовная медицина. – Душанбе, Ирфон, 1990, 88 стр.
16. Аттор Фаридуддин Илоҳийнома. – Тошкент: Ёзувчи, 1994, 96 б.
17. Аттор Фаридуддин. Мантқиқ ут-тайр. – Тошкент, -лит. 1900, 26 июнь
18. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 225б.
19. Атоулло Ҳусайни. Бадоеъ-ус-саноеъ. – Душанбе: Ирфон, 1973, 398 с.
20. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965.
21. Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. -Москва: ИВЛ, 1960, 556 стр.
22. Бахоуддинов А.М. Очерк истории таджикской философии. Сталинабад, 1961, 200 с.
23. Бобоев Т. Шеър илми таълими.-Тошкент: «ўқитувчи», 1996, 334 б.
24. Беляев В.А. Араби, ислам и арабский халифат в раннем средневековье. -Москва: Наука, 1966, 126 стр.
25. Болтаев М.Н. Имом Ғаззолийнинг ирфоний таълимоти // Бухоро университети илмий ахборотлари. - Бухоро давлат университети, 2002, №2, 2-7-бетлар.
26. Ботирхон Акрам. Фасоҳат илмининг соҳибқирони. – Тошкент: ўзбекистон, 1991, 224 б.
27. Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литератур. – Москва: Наука, 1972, 524 с.
28. Бухорий С.С. Дилда ёр. – Тошкент: Ёзувчи, 1991, 80 б.
29. Валихўжаев Б. Арбаин ҳадис ва унинг таржималари. //Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 1993, 126-135-бетлар.
30. Валихўжаев Б. ўзбек адабиётшунослиги тарихи.

- Х-IX асрлар.-Тошкент: ўзбекистон, 1993, 192 б.
31. Воҳидов Р. Алишер Навоийнинг ижод мактаби.- Бухоро: Бухоро, 1994, 187 б.
 32. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 1994, 208 б.
 33. Воҳидов Р., Маҳмудов М. Маънавият-комиллик саодати. – Тошкент: Маънавият, 1997, 192 б.
 34. Воҳидов Р.Ж. Взаимосвязь узбекской и персидско-таджикской литературы во второй половине XV начале XVI в. Дис. д-ра филол. наук. – Ташкент, 1988, 280 стр.
 35. Воҳидов Р., Маҳмудов М. Иймон-қалб гавҳари. Адабий фалсафий ўйлар. -Тошкент: Маънавият, 1999, 200 б.
 36. Воҳидов Р. «Ситтаи зарурияди татаббуъ». // Бухоро университети илмий ахборотлари. 2001, №1, 10-18-бетлар.
 37. Воҳидов Р., Эшонкулов Ҳ. Мумтоз адабиёт-ҳикмат хазинаси. – Бухоро, 2001, 154 б.
 38. Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: Ёзувчи, 2001, 144 б.
 39. Деҳлави Амир Хусрав. Осори мунтахаб. Дар чаҳор хилд. Хилди чаҳорум. – Душанбе: Ирфон, 1975, 896 с.
 40. Жалолов Т. Ғўзаллик оламида. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 326-б.
 41. Жумаев Н. Поэтик тасвирда пейзажнинг роли. – Тошкент: ўзбекистон, 1982, 24 б.
 42. Жумаев Н. ўзалда гоя ва бадиий маҳорат мутаносиблиги.//Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 1993, 51-67-б.
 43. Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика. Стилистика.-Ленинград: Наука, 1972, 407 с.
 44. Жомий А. Осор. Дар 8 жилд. Жилди I. – Душанбе: Адиб, 1986, 559 с.
 45. Жомий А., Осор. Дар 8 жилд. Жилди II. – Душанбе: Адиб, 1987, 288 с.
 46. Девони Шайхзода Атойи. –Тошкент, 1991.
 47. Islam ansiklopedisi. Anadolu universitysi. 1997, 378- sah.
 48. Ислом ақоидига доир жавоҳир сўзлар. – Тошкент: Мовароуннахр, 2002, 118 б.
 49. Исмаилов Б. Пантеистическая философская традиция в персидско-таджикской поэзии. IX-XV вв. – Душанбе, 1986, 285 стр.
 50. История узбекской литературы. В 2-х томах. Том I. С древнейших времен XVI в.-Ташкент: Фан, 1987, 485 стр.
 51. Исмоил Ёқут. Аҳмад Яссавий тасаввуфий қарашларининг бош асослари//Хожа Аҳмад Яссавий (мақолалар тўплами). – Тошкент, 2001. 37-49-б.
 52. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983, 167 с.
 53. Исҳоқов Ё. Навоий лирикасида руҳий тасвир ва таҳлил. //«ўзбек тили ва адабиёти», 1991, 4-сон, 15-20-б.
 54. Кески Усмон ўғли. Ҳазрати пайғамбар ҳаёти. – Тошкент: қомуслар бош таҳририяти, 1996, 12 б.
 55. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993, 95 б.
 56. Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил): филол. фан.д-ри дис. автореф. – Тошкент, 1993, 50 б.
 57. Камол Айни. Қасида дар осор Рудакий// Сб. Рудаки и его эпоха.-Сталинабад, 1958, 98-105 с.
 58. Комилов Н. Тасаввуф. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996, 272б.
 59. Комилов Н. Тасаввуф. II китоб. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат» ҳамда «Ўзбекистон», 1999. 204 б.

60. Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. – Тошкент: Маънавият, 2001. 94 б.
61. Комилов Н. Ҳар байти ҳикматли бир китоб// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2001, 9 февраль.
62. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Тошкент: Халқ мероси, 1994, 112 б.
63. Қошғарий Маҳмуд. Девону луғотит-турк. Уч томлик. III том. – Тошкент: ЎзР ФА, 1963, 463 б.
64. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Том II. – Москва: Наука, 1958. 706 стр.
65. Kabakli Ahmad. Turk edebiyati. Istanbul, 1994, 585 sah.
66. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Биринчи китоб.- Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 663 б.
67. Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. – Тошкент: Фан, 1978, 64 б.
68. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тожик (асрҳои XIII-XV). Китоби 2. -Душанбе: Маориф, 1977, 453 саҳ.
69. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тожик. Китоб 1 (II). – Душанбе: Маориф, 1989, 469 с.
70. Мирзоев А. Сездаҳ мақола (Аз таърихи адабиёти асрҳои X-XV тожики форс). -Душанбе: Ирфон, 1977, 187 с.
71. Мирзоев А. Девони Фонийнинг ғоявий хусусиятлари// IX конференция. -Тошкент, 1965.
72. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. -Москва: Наука, 1989, 240 стр.
73. Муҳаммад ӯйёсиддин. Ғиёс ул-луғат. Жилди 2. – Душанбе: Адиб, 1988, 261 с.
74. Муҳаммад Зоҳид қўтқу ибн Иброҳим Ал-Бурсавий. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди. Иккинчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1999, 223 б.
75. Меърोजना. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳ муаллифи Ҳаққул И., Рафъиддин С. -Тошкент: Ёзувчи, 1995, 96 б.
76. Муҳаммад Аваз ибн Садриддин қоратоший. Мажмуат ул-аҳком.-Тошкент: «Шарқ машъали» журнаliga илова. «Шарқ баёзи», 1993, 64 б.
77. Муминов И. Философские взгляды Мирзи Бедия.-Ташкент, 1957, 157 стр.
78. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 464 б.
79. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик.1-том.Бадоеъ ул-бидоя.- Тошкент: Фан, 1987, 620 б.
80. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 13-том. Мажолис ун-нафоис.- Тошкент: Фан, 1997, 283 б.
81. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб-ус-сиғар. -Тошкент: Фан, 1988, 616 б.
82. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб.- Тошкент: Фан, 1989, 560 б.
83. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат.- Тошкент: Фан, 1990, 544 б.
84. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар.- Тошкент: Фан, 1990, 568 б.
85. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 7-том. Хамса. Ҳайрат ул-аброр.-Тошкент: Фан, 1991, 392 б.
86. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. Фарҳод ва Ширин.- Тошкент: Фан, 1991, 544 б.

87. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 9-том. Лайли ва Мажнун. -Тошкент: Фан, 1992, 356 б.
88. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 10-том. Сабъаи сайёр.-Тошкент: Фан, 1992, 447 б.
89. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. Садди Искандарий.-Тошкент: Фан, 1993, 640 б.
90. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Хамсат ул-мутаҳаййирин.-Тошкент: Фан, 1999, 7-85 б.
91. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. -Тошкент: Фан, 2000, 544 б.
92. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. Девони Фоний. -Тошкент: Фан, 2002, 550 б.
93. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 17-том.-Тошкент: Фан, 2001,
94. Алишер Навоий. Рух ул-қудс. Сўзбоши, насрий баён, изоҳ ва луғат билан нашрга тайёрловчилар проф. Р.Воҳидов, тадқиқотчи Н.Бекова.-Тошкент: ўзбекистон, 2002, 35 б.
95. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов.-Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972, 784 б.
96. Нақшбанд Баҳроуддин. Авроди баҳоия. Нашрга тайёрловчи Г.Наврўзова.-Бухоро: Бухоро, 2000, 40 б.
97. Низомии Ганжавӣ. Куллиёт. Дар панж жилд. Жилди I. -Душанбе: Ирфон, 1983, 464 саҳ.
98. Памятники мирового искусства. Искусство древнего востока. -Москва: Наука, 1968, 280 стр.
99. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. -Москва: Искусство, 1965, 245 стр.
100. Рабғузӣ Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузӣ. Биринчи китоб. -Тошкент: Ёзучи, 1990, 240 б.
101. Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд (I китоб). -Тошкент: Шарқ, 1999, 368 б.
102. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат (Атойининг поэтик маҳорати).-Тошкент: Фан, 1995, 154 б.
103. Рустамов А. Шоирнинг биринчи ғазали. //Шарқ юлдузи, 1987, № 3, 175-179-б.
104. Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. -Москва: ИВЛ, 1963, 423 стр.
105. Стеблева И.В. Развитие тюрских поэтических форм в XI в. -Москва: Наука, 1971, 142 стр.
106. Сагдуллаев А. қадимги ўзбекистон илк ёзма манбаларда. -Тошкент: ўқитувчи, 1996, 111 б.
107. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. -Тошкент: Чўлпон, 1991, 128 б.
108. Соғунӣ Алихонтўра. Тарихи Муҳаммадий. -Тошкент, 1991, 222 б.
109. Салоҳий Д. Алишер Навоий поэтик услубининг тажрижий тақомили // Филол. фан. док. дис. -Тошкент, 2001.
110. Tasavvuf terminleri so'zlug'u. Prob: Dk: Suleyman Uludag'. Istanbul, 1995, 478 sah.
111. Сирожиддинов Ш. Навоий ғазалларида Аллоҳ мадҳи. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2001. № 1. 51-55-б.
112. Тарозий Шайх Аҳмад Ибн Худойдод. Фунун ул-балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. -Тошкент: Ҳазина, 1996,

113. Тафсири Жалолайн. Карачи: «Қадимги кутубхона», 1949, 192 б.
114. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. -Тошкент: Истиқлол, 1999, 180 б.
115. Фарҳанги форсӣ. Жилди II. -Техрон, 1996.
116. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Жилди I. -Москва: Советская энциклопедия, 1969, 862 сах.
117. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Жилди II. -Москва: Советская энциклопедия, 1968, 867 сах.
118. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 110 б.
119. Фой Амир Алишер. Девони Форси (мунтахаб). -Душанбе: Ирфон, 1993, 320 сах.
120. Чаҳор китоб. -Душанбе: Адиб, 1990, 79 сах.
121. Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари // мақолалар ҷўплами. -Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси, 2001, 335 б.
122. Хожа Бектоши Валий. Мақолат. Таржимон ва сўзбоши муаллифи Иброҳим Ҳаққул. -Тошкент: Халқ мероси, 2000, 55 б.
123. Хоразмий Ҳофиз. Девон. -Тошкент: Ўзбекистон, 1981, 303 б.
124. Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик. IV том. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972, 372 б.
125. Шодиев Э. Алишер Навоӣ ва форс-тоҷик адиблари. -Тошкент: ўқитувчи, 1989, 112 б.
126. Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам. -Душанбе: Адиб, 1991, 464 с.
127. Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв). -Москва: Наука, 1974, 255 стр.
128. Шомухаммаедов Ш. Форс-тоҷик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. -Тошкент: Фан, 1968, 431 б.
129. Шомухаммаедов А. Ҳамкорлик самаралари. -Тошкент: Фан, 1982, 56 б.
130. Шукуров Ш. Навоӣнинг «Тухфат ул-афкор» қасидаси ва унинг адабий традиция билан боғлиқлиги тўғрисида// Навоӣ ва адабий таъсир масалалари (мақолалар ҷўплами). -Тошкент, 1968, 191-210-б.
131. Эркинов С. «Тухфат ул-афкор» қасидаси матни, нашрлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 4-сон, 21-27-б.
132. Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоӣ шеъриятида самовий тимсоллар // Филол.фан.ном. дис... автореф. Самарқанд, 1999, 25 б.
133. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг.-Тошкент:Фан, 1971, 964 б
134. Якубовский Л. Черты общественной и культурной жизни эпохи Навои. -Москва: ИВЛ, 1946.
135. Ўзбек адабиёти. 4 томлик. II том. -Тошкент: ЎЗР Давлат бадиий адабиёт, 1959, 651 б.
136. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. II том. -Тошкент: Фан, 1977, 460 б.
137. Қайюмов А. Алишер Навоӣ. -Тошкент: Камалак, 1991, 176 б.
138. Қодиоров А. Ажойиб астрономик ҳодисалар. -Тошкент: Фан, 1981, 38 б.
139. Қодиорова М. Алишер Фойӣ қасидалари. Филол. фан.ном... дис. -Тошкент, 1969, 240 б.
140. Қосимов М. Илоҳий саналар// Тафаккур, 1998, 1-сон, 84-87-б.
141. Ал-Қуръонул Карим. Мадинаи Мунаввара: Мужаммаъ ал-малий Фаҳд ли тиботи мусхафи шариф, 1985, 604 б.
142. Қуръони Карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). -Тошкент: Чўлпон, 1992. 672 б.
143. Қуръони Карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичи луғати. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. 277 б.
144. Ғаззолий Зайниддин Муҳаммад. Кимийи саодат. -Тошкент: «Камалак», 1995, 80 б.

145. Ғаниева С., Неъматов Ҳ. «Ҳилолия» қасидаси// Санъат, 1991, 11-сон. 8-б.
146. Ғаниева С., Неъматов Ҳ. Навоий ғазалиётида тасаввуф оҳанглари // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. -Тошкент, 1981, 176-179-б.
147. Ғаффорова Зиёда. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. -Тошкент: Маънавият, 2001, 62 б.
148. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970, 173 б.
149. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. -Тошкент: Фан, 1970. 330 б.
150. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари, -Тошкент: ўқитувчи, 1997, 238 б.
151. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. -Тошкент: Ёзувчи, 1993, 215 б.
152. Ҳайитметов А. Исломий эътиқод ва буюк ижод маҳсули // Имом ал-Бухорий, № 1, 2001, 41-43-б.
153. Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижодининг манбалари ҳақида// Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари (мақолалар тўплами).-Тошкент: Фан, 1993, 3-13-б.
154. Ҳайитов Ш. «Маҳбуб ул-қулуб»да тасаввуфий жилोलар. -Тошкент: Фан, 1996, 48 б.
155. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989, 240 б.
156. Ҳаққул И. Шеърят - руҳий муносабат. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989, 240 б.
157. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 184 б.
158. Ҳаққул И. Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти // Филол.фан. док...дис. -Тошкент, 1995.
159. Ҳаққул И. Аҳмад Яссавий. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001, 62 б.
160. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. -Бухоро: Бухоро Давлат университети, 2000. 143 б.
161. Ҳаққул И. Ғазал гулшани (адабий суҳбатлар). -Тошкент: Фан, 1991, 70 б.
162. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати.-Тошкент: Шарқ, 1998, 230 б.
163. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати.-Тошкент: Шарқ, 1998, 222 б.
164. Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. -Тошкент: Шарқ, 1998, 193 б.
165. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. -Тошкент: ўқитувчи, 1970, 300 б.
166. Ҳасаний М., Каримова С. Навоий даври табобати. -Тошкент: Ибн Сино, 1991, 125 б.
167. Ҳакимлар ҳикояти. -Тошкент: Медицина, 1985,125б.
168. Ҳеравий Юсуфий. Рисолаи Ситтаи зарурия// Шарқшунослик (тўплам I). -Тошкент: Фан, 1990, 51-59-б.

Мундарижа

НОДИР РАМАЗОНОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ФАҚР: ТАЛҚИН ВА ОБРАЗ

Кириш 7

**1-БОБ. XI-XV АСРЛАРГА ОИД ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАР, НАВОИЙ САЛАФЛАРИ ИЖОДИ
ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИҚДА ФАҚР ТАЛҚИНИ**

**1.1. XI-XV асрларга оид тасаввуфий манбалар ва замонавий адабиётшунослиқда
фақр талқини ҳамда унга муносабат масаласи**

1.1.1. XI-XV асрларга оид тасаввуфий манбаларда фақр талқинлари 11
1.1.2. Замонавий адабиётшунослиқда фақр талқини 20
1.2. Навоийгача форсий ва туркий тилларда ижод қилган шоирлар ижодида
фақир образи 24

2-БОБ. НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА ФАҚИР ОБРАЗИ: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ

2.1. Фақир образининг Навоий лирикасидаги бадий-эстетик вазифаси 47
2.2. Фақир образининг Навоий лирикасидаги бошқа образлар билан ўзаро боғлиқлиги .. 64

**3-БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА ФАҚРНИНГ
БАДИЙ-ЭСТЕТИК ИДЕАЛ СИФАТИДАГИ ЎРНИ**

3.1. “Хамса” қаҳрамонлари ва фақр 79
3.2. “Лисон ут-тайр” достонида фақр масаласи ва фақир образи 86
Хулоса 94
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 101

МАЪРИФАТ РАЖАБОВА

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ШЕЪРИЙ ДУРДОНАСИ

Жавоҳирот – машаққатлар меваси 110
Муқаддима 112

1 – ФАСЛ

Насрдаги жавоҳиротнинг назмдаги жилоси 115
1.1 Тарихийлавҳалар – шеърий дурдоналар манбаи 115
1.2 Қалбларни уйғотган насрий гавҳарлар 124

II – ФАСЛ

Лек боридин ғараз инсон эди.....	130
2.1. Илоҳиётданранг олган мисралар	130
2.2. Нурли ҳикматлар – теран маъно асоси	136
2.3. Гўзал хулқ – комиллик нишони	141

3 – ФАСЛ

Сеҳрғайўғрилгансатрлар	146
3.1. Наср ва назм бағридагиёғду	146
3.2. Бу бўстон саҳнида гул кўп... ..	149
3.3. Сўз санъати ғоя билан жозиб	160
Хулоса.....	169

НАЗОРА БЕКОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҲАМД ПОЭТИКАСИ

Кириш	172
Ҳамд ғазаллар ва «Рух ул-қудс» қасидасининг ғоявий адабий манбалари ҳамд йўналишидаги асарларнинг тарихий асослари ва уларнинг бадиий тафаккурга таъсири	175
Илоҳий тавҳид илмининг бадиий адабиётдаги инъикоси	179
Илоҳий-исломий сарчашмалар	183
Адабий манбалар ва “Ситтаи зарурия”	189
Ҳамд ғазаллар манбалари, поэтикаси ва тимсоллари анъана ва ижодийлик, адабий таъсир	194
Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалларида Қуръоний ғояларнинг бадиий талқини.....	208
Талмеҳли ҳамдлар.....	209
Ҳамд ғазалларда асмой ҳусна талқини.....	215
Ҳамд ғазалларнинг ғоялар олами, бадиияти.....	223
Шарқ қасидачилик тамойиллари ва «Ситтаи зарурия» «Рух ул-қудс»нинг жанрий хусусиятлари ва бадиияти	236
Алишер Навоийнинг «Ситтаи зарурия» қасидалар туркумида комил инсон мадҳи	242
«Рух ул-қудс»да қофия, вазн, ташхис	247
Хулоса.....	252
Фойдаланилган адабиётлар.....	254

УЎК 821.512.133.06(091)

КБК 83.3(5Ў)

И 28

Истиқлол даври навоийшунослиги: 30 жилдлик / Алишер Навоий; Муҳаммаджон Имомназаров; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2022. 336 бет.

Ж.8: XXI аср. Навоийшуносликка кириш. 336 бет.

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978 9943 5123-5

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Йигирма олтинчи жилд

Нодир РАМАЗОНОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ФАҚР: ТАЛҚИН ВА ОБРАЗ

Маърифат РАЖАБОВА

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ШЕЪРИЙ ДУРДОНАСИ

Назора БЕКОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҲАМД ПОЭТИКАСИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусахҳиҳ: *Шохрӯз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами АІ №247.
02.10.2013 йилда берилган.
Босишга рухсат этилди 15.07.2021 й. Бичими 84*108¹/₁₆.
Cambria гарнитураси. Шартли босма табағи 21.
Нашриёт табағи 23 Адади 1 000 нусха.